

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
«МЕРОС» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ
ЖАМОАТ ФОНДИ

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

**ИККИНЧИ ЖАҲОН
УРУШИ ВА ФРОНТ
ГАЗЕТАЛАРИ**

Иккинчи китоб

Тошкент
«Akademnashr»
2017

УЎК: 94(100)
КБК: 63.3(0)
Ш 22

Ш 22 Шамсутдинов, Рустамбек.

Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари [Матн] Иккинчи китоб / Р.Шамсутдинов. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 736 б.

ISBN 978-9943-4910-2-1

УЎК: 94(100)

КБК: 63.3(0)

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига чексиз қулфатлар келтирган. Фашизм балоси инсоният келажagini жар ёқасига олиб келиб қўйган маҳалда ўзбек халқи ҳам унга қарши курашаётганлар сафида турди, галаба йўлида бор куч-имкониятларини ишга солди. Қўлингиздаги китоб архивлардаги фронтда чоп этилган газеталар материалларидан иборат. Халқимизга хос матонат ва жасорат намуналарига бой бўлган бу материаллар сизни бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз. Китоб Иккинчи жаҳон уруши мавзусига қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчи:

Наим Каримов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррирлар:

Маъмуржон Саидхонов, филология фанлари номзоди, доцент,
Музробжон Абдуллаев, тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

Сонибжон Ҳошимов, тарих фанлари номзоди, доцент,
Эргашали Эркаев, тарих фанлари номзоди, доцент

Китоб «Нуроний» жамгармаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

ISBN 978-9943-4910-2-1

© Рустамбек Шамсутдинов
«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари».

Иккинчи китоб
© «Akademnashr», 2017

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўзида ёрқин акс эттирадиган кўзгу – бу матбуотдир. Матбуот жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй берган ва рўй бераётган воқеаларни шунчаки акс эттирибгина қолмай, уларни шу жамиятнинг йилномачиси сифатида келгуси авлодлар эътиборига ҳам ҳавола этади. Авлодлар матбуот материаллари ёрдамида узоқ ва яқин тарих ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Матбуот авлодларнинг халқ ва жамият тарихини ўрганишида муҳим ва мўътабар манба вазифасини бажаради.

XX аср бошларида дунёга келган миллий ўзбек матбуоти тарихига назар ташлаган кишининг илк кунидан бошлабқ Туркистон халқининг маданий-маърифий ҳаётига, ижтимоий онги ва дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганига амин бўлади.

1917 йили Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг Совет давлати ўз ғояларини, сиёсий-ижтимоий ва маданий тадбирларини амалга оширишда матбуотдан усталик билан ва ғоят самарали фойдаланган. Матбуот Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ ва армияни курашга сафарбар этишда, жанг майдонларида жон бериб, жон олаётган жангчиларнинг жанговар руҳини кўтаришда совет давлатига қудратли маънавий қурол бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам уруш даври матбуотининг, шу жумладан, фронт газеталарининг фашизм устидан эришилган тарихий ғалабага қўшган ҳиссасини катта деб баҳолаш мумкин.

Агар урушга қадар советлар томонидан амалга оширилган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тадбирларни кўз олдимиздан бирмабир ўтказсак, 1918 – 1919 ва 1931 – 1932 йиллардаги очлик, 20-йилларнинг биринчи ярмидаги фуқаролар уруши, иккинчи ярмидаги

қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва «қулоқлаштириш» кампаниялари, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта қирғин» сингари халқни хонавайрон қилган, юз минглаб кишиларнинг ёстигини қуритган мудҳиш воқеалар бутун фожиаси билан гавдаланади қолади. Жаҳоннинг олтидан бир қисмини ташкил этган мамлакатда сиёсий кампаниялардан жабр-зулм кўрмаган миллат, жабр-зулм кўрмаган оила йўқ бўлса керак. Шу мусибатли даврларда яшаган халқларнинг аксар қисми совет давлатидан ва Совет давлати раҳбарларидан, албатта, норози бўлган. Мушфиқ оналарнинг бу давлатнинг Сталин бошчилигидаги раҳбарларини қарғаб, уларга Худодан ўлим тилаганлари ҳам сир эмас...

Шундай тарихий шароитда бошланган Иккинчи жаҳон урушида жабрдийда халқнинг, раҳбар кадрлари отиб ташланган армиянинг «зулмат салтанати»ни душмандан жонини жабборга бериб ҳимоя қилиши амри маҳол эди. Шу сабабли матбуотнинг катта сафарбарлик кучини яхши билган совет давлати раҳбарлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида расмий давлат газеталаридан ташқари фронт газеталарини ҳам чиқаришга қарор қилганлар. СССР Халқ Комиссарлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июнда, Ишчи-деҳқон қизил армияси Сиёсий тарғибот бош бошқармасининг (РККА) 1941 йил 23 июнда чиқарган директивалари, айниқса, ВКП(б) МКнинг 1942 йил 12 июнда чиқарган ҳарбий қисмлардаги оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қарори фронт газеталарининг ташкил этилишида ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилган.

Уруш бошланган дастлабки кунларда аввал ҳарбий округлар ва айрим армиялар ҳузурида оз ададли газеталар чиқарила бошлади. 84х60 форматдаги 4 саҳифали бу газеталар формати қоғоз танқислиги орқасидан 1941 йил 4 октябрдан бошлаб қисқартирилди. Аммо газеталар сони фронтлар сонига қараб кўпайтириб борилди ва 1941 йили 15 та, 1942 йили 19 та, 1943 йили 18 та, 1944 йили 15 та, 1945 йили эса 16 та фронт газетаси нашр этилди. Бу газеталар СССР халқлари тилларида ҳам нашр этила бошлади.

1942 йил февралда Кавказ frontiда илк бор грузин, арман ва озарбайжон тилларида, кейинчалик бошқа тилларда ҳам фронт газе-

таларини чиқариш йўлга қўйилди. Ўрта Осиёдан урушга сафарбар қилинган йигитларнинг аксар қисми Ғарбий фронтга юборилганлиги учун шу фронт қошида ўзбек, қозок, тожик ва туркман тилларида газеталар нашр этила бошланди, улар ҳафтада 2 марта, стандарт қоғознинг ярим форматига, 4 саҳифали бўлиб чиқди. Жами уруш йилларида миллий тилларда чиққан 10 та фронт, 22 та дивизия газеталарининг умумий сони 100 дан ортиқ бўлган.

Бу газеталар уруш йилларида ташкил этилган фронтларнинг ўзбек тилидаги наشري бўлиб, Г.К.Жуков, К.К.Рокоссовский, И.С.Конеv сингари буюк саркардалар қўмондонлик қилган фронтлар номи ўзгарган бўлса-да, бу нашрлар номи урушнинг сўнгги кунларига қадар ўзгармади. Фақат Брянск fronti ўз вазифасини ўтаб бўлганидан сўнг шу фронтнинг «Душманни тор-мор этишга!» газетаси «Суворовчи» номи билан 2-Болтикбўйи фронтининг газетаси сифатида чоп этилади. Бу газеталарнинг ходимлари вақти-вақти бошқа газеталарга ўтказилиб турган.

Фронт газеталарида хизмат қилган ўзбек журналист ва ёзувчиларининг бир қисми армия сафига чақирилгач, дастлаб уларга Тошкентда очилган ҳарбий мактабларда ҳарбий билим олиш имконияти берилган. Шундан сўнггина улар фронтга юборилган. Аксар журналист ва ёзувчилар эса тўғридан-тўғри уруш майдонларига жўнатилаверган. 1941 йил охири – 1942 йил бошларида миллий фронт газеталарини чиқариш тўғрисида Давлат мудофаа комитетининг қарори чиққач, ҳар бир фронт ихтиёридаги аскар ва зобитлар орасидан матбуотга яқин кишилар саралаб олинган. Улар орасида фронтга кўнгилли бўлиб кетган кишилар ҳам оз бўлмаган. Шулардан бири урушгача «Ёш ленинчи» газетаси таҳририятида котиба-машинистка бўлиб хизмат қилган Зарифа Шамсиддинова эди. У ўта оғир шароитда, душман снарядлари тинимсиз портлаб турган жойларда ишлаб, бир неча марта жасорат намунасини кўрсатган. Аммо Мирзакарим Исмоилийнинг «Барҳаёт қиз» (Ўткир эди қалами. – Тошкент, 1965) очеркида ёзишича, 1943 йил 16 ноябрь куни кечаси фашистларнинг «овчи» самолётларидан бири ўғринча учиб келиб редакция вагонлари устига ёндирувчи бомбаларни ташлаб ўтган. Шу бомбалардан бири Зарифа Шамсиддинованинг «кучга, ғайратга тўлган гулгун

хаёти»ни узиб кетган. Шу куни фронт журналистларидан яна 18 киши ҳалок бўлган.

М.Исмоилийнинг шу очеркидан маълум бўлишича, фронт газеталари таҳририятлари аксар вақт поезд вагонларида жойлашиб, кўпинча шу поезд билан бирга фронтнинг оловли сўқмоқларидан ўтиб юришган. Биз Зифа Шамсиддинованинг фожиали тақдири мисолида фронт газеталари ходимларининг ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада ўлим хавфи остида яшаб ишлаганларини тасаввур этиб, уларни фронтда жон олиб, жон берган уруш қаҳрамонларига тенглаштирсак адолатдан бўлади.

Фронт газеталарида эълон қилинган материаллар билан танишиш шундан шаҳодат берадики, биринчидан, ўзбекистонлик жангчилар нафақат ўзлари жойлашган ҳарбий қисмда ва бошқа фронтларда, балки Ўзбекистонда ҳам, кўшни мамлакатларда ҳам рўй бераётган муҳим воқеалардан, юртдошларининг фронт орқасида кўрсатаётган меҳнат жасоратларидан мунтазам равишда воқиф бўлиб туришган. Улар ўзбек халқининг ўз жангчиларини бир лаҳза ҳам унутмай, уларга совға-салом, хат-хабар йўллаб турганларини ўз кўзлари билан кўришган, бу эътибордан, меҳр-муҳаббатдан катта руҳий мадад олишган. Ўзбек шоир ва ёзувчиларининг фронт газеталарида босилган асарлари уларни мардликка, жасоратга, қаҳрамонликка ундаган. Шу маънода фронт газеталари ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабага муносиб ҳисса қўшган деб дадил айта оламиз.

Афсуски, 1942 – 1945 йилларда жаҳон уруши фронтларида ўзбек тилида нашр этилган газеталар шу вақтгача Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи олимлар эътиборини жалб этмай келди. Баъзи бир газета мақолаларини истисно этганда, шу газеталарга муҳаррирлик қилган, улар нашрида адабий ходим ёки мухбир сифатида қатнашган ватандошларимиз ҳам ўзларининг жанговар фаолиятлари ҳақида бирор мемуар асар ёзиб қолдиришни лозим деб билмаганлар. Шунинг учун ҳам жонкуяр жамоат арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Рустам Шамсутдиновнинг ва у раҳбарлик қилаётган илмий жамоанинг турли шаҳарлардаги архив ва кутубхоналарда чанг босиб ётган фронт газеталарини ўрганиб, улардаги эътиборга молик материалларнинг аксар қисмини нашрга тайёрлаганликларини қўл-

лаб-қувватласак, уларга бу хайрли ишлари учун самимий миннатдорчилик билдирсак ўринли бўлади.

Уч жилддан иборат «**Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари**» китобининг биринчи жилди мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланаётган кунларда хурматли китобхонлар қўлига етиб борди. Биринчи жилднинг шу муборак айёмда «Нуроний» фондида бўлиб ўтган тақдимот маросимида уруш ва меҳнат фахрийлари китоб ва унинг муаллифи шаънига шундай самимий дил сўзларини айтдилар ҳамда китобни мамлакатимизнинг ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётида муҳим воқеа эканлигини таъкидладиларки, бу юксак баҳо Рустамбек Шамсутдиновни ва унинг бошчилигидаги илмий жамоани беҳад илҳомлантириб юборди. Бундай самимий муносабатдан рағбатланган олим «енг шимариб» ишлаб «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китобининг иккинчи ва учинчи жилдларини ҳам мамлакатимизнинг улуғ байрами – Мустақиллик кунига ҳадя этишга аҳд қилди.

Камина ушбу мухтасар дебеча билан Иккинчи жаҳон урушининг фронт журналистлари томонидан яратилган йилномасини сиз азиз китобхонларнинг эътиборингизга ҳавола қиламан.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг
26 йиллигига бағишланади.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқида бутун Ўзбекистон халқи, Иккинчи жаҳон уруши майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтиришини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: **«Айни вақтда, жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат бўлиб юрган муҳтарам фахрийларимизга таъзим қиламиз. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдирамыз.**

Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш бутун инсоният қатори бизнинг халқимизга ҳам мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган гарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани – ҳа-

қиқий фидойилик, қахрамонлик намунаси десак, асло хато бўлмайди.

Бундай мисоллар буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишига қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта».¹

Муҳтарам фахрийларнинг урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклашнинг оғир йилларидаги буюк бунёдкорликларини асло унутмасликни таъкидлаб Юртбошимиз бу азиз инсонларнинг мардлик ва матонати, меҳнати, жасорати бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолажагини алоҳида таъкидлади. Бу йилги Хотира ва қадрлаш куни юртимизда ўзига хос мазмунан, шаклан янгича кўтаринки руҳда ўтди. Одамларимиз юртимизда, барча вилоят ва туманларда барпо этилган хотира майдонларига келиб мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Урушда ҳалок бўлган яқинлари, ота-боболари хотирасини ўзига хос чуқур ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуси билан ёд этдилар. Айниқса, бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук кексаларимизни, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиш, уларнинг дуосини олиш кенг оммавий тусда юз берди.

Буюк ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан пойтахт Тошкентда, барча шаҳар ва қишлоқларда кўплаб тадбирлар, уруш катнашчилари билан учрашувлар, хотира маросимлари ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мана бу сўзлари бутун республика аҳлини беҳад қувонтириб юборди: **«Барчамизни тарбиялаб вояга етказган, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган сиздек табаррук инсонлар олдида биз доимо қарздормиз. Шунинг учун ҳам ҳурматли нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-**

¹ <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-9-may-khotira-va--09-05-2017>

маиший таъминотини яхшилаш, ёлгиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу масала қаерда, қайси лавозимда ишламасин, юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, раҳбарлар фаолиятида ҳаммиша биринчи ўринда туриши, уларнинг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши керак.

Азиз дўстлар, мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Бу ганимат, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган ҳаётда уларни қанча қадрлаб, имкон қадар умрларини узайтиришга қанча ҳаракат қилсак, икки дунёда асло кам бўлмаймиз».²

Шавкат Миромонович ўз нутқида «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» деган даъватнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмаслик, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «**Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони эълон қилиниши жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётида катта ходиса сифатида кўп миллатли ватанимиз халқлари томонидан зўр шоду хуррамлик билан қабул қилинди. Фармонда бағрикенглик, инсонпарварлик, миллатлараро, конфессиялараро ҳамжихатлик, фуқаролар тотувлиги, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар жамиятимиз равнақи ва тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири эканига алоҳида урғу берилган. Фармон билан Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Кўмитанинг асосий вазифаларидан бири «*жа-*

² <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-9-may-khotira-va--09-05-2017>


миятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш»дан иборатлиги белгилаб берилди. Хужжатда дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамиятлари, шу жумладан, чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Фармонда ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширишда қадимий ва яқин тарихимиз ўз бисотида кўпдан-кўп, хилма-хил, бой ва бетакрор тарихий воқеаларни, ноёб ёзма ва оғзаки манбаларни сақлаб, асраб-авайлаб келмоқда. Халқлар, миллатлар, қавмларнинг ўзаро бирдамлиги, ҳамжиҳат бўлиб ички ва ташқи ёв босқинчиларига қарши жангу жадаллар билан курашларида, башарият дунёси ибрат олишига сазовор бўлган буюк бунёдкорлик ишларида халқлар ва миллатлараро дўстлик қудратли куч, энг маъқул омил сифатида намоён бўлганига тарих шохиддир. Инсониятни, цивилизацияни фашизм ва милитаризм балосидан сақлаб қолиш учун олиб борилган кураш тарихида халқлараро, миллатлараро ҳамкорлик, дўстлик буюк қудратли куч сифатида ўзини намоён этгани барча-барчага маълумдир. Тарихимизнинг ана шу саҳифалари 3 жилдлик **«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари»** китобидан муносиб ўрин олганини алоҳида қайд этиш лозимдир.

Фронтларда ўзбек тилида мунтазам нашр этилиб турган газеталар саҳифаларида ўзбек, қирғиз, қозок, тожик, туркман, қорақалпоқ, уйғур халқларининг рус, украин, белорус, арман, озарбайжон, грузин, татар, бошқирд ва бошқа халқлар билан ёнма-ён, елкама-елка, қўлни қўлга бериб душманга қарши олиб борган курашлари ва фронт ортидаги биргаликдаги бунёдкорлик фаолияти ўз ифодасини топганлигига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, шу йил майида бутун прогрессив инсоният каби Ўзбекистон халқи ҳам 1941 – 1945 йиллардаги буюк ғалабанинг 72 йиллигини кенг тантана, чуқур ғурур билан нишонлади. Бу урушнинг дахшатли ва қаҳрамонона саҳифалари яна бир марта эслаб ўтилди. Аммо бу уруш тарихида ҳали бир қанча «оқ доғлар» борлиги ва бу ҳақда тарихчи тадқиқотчилар олдида бажаришлари лозим бўлган қатор жиддий вазифалар кўндаланг бўлиб турганининг шохидимиз. Улардан бири 1941 – 1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган ўша давр ибораси билан номланган «**Қуролсиз аскарлар**» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихидир. Ўтмишимизнинг бу саҳифаси Ўзбекистон тарихи китобларида, монографик тадқиқот ва диссертацияларда ўз аксини топмаган. Мазкур масала Иккинчи жаҳон уруши ва унда фашизм устидан қозонилган буюк ғалабада Ўзбекистон ва унинг халқи иштирокига бағишланган монографик тадқиқотларда, номзодлик, докторлик диссертацияларида, ҳужжатлар ва материаллар тўпламларида, уруш ва меҳнат фахрийларининг эсдаликларида бу «қуролсиз аскарлар» тарихи номаълум ҳолатда эди. Ўзбек бадиий адабиётида ҳам бу мавзу ўз ифодасини топмаган. Аммо Россияда «Қуролсиз аскарлар» қисмати, қаҳрамонлиги, аччиқ, фожиали тақдирини ўрганиш, умумлаштириш борасида сўнгги вақтлардагина айрим тадқиқотлар юзага келди.³ Уларда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондан меҳнат армиясига сафарбар этилганлар ва уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳақида айрим маълумотлар келтирилган. 1941 – 1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Тошкент области ҳарбий комиссариатидан экстремал ҳолатда эшелонда 1700 киши Бошқирдистон АССРга жўнатилган. Уралдаги мудофаа саноати завод ва фабрикаларида 32 620 ўзбек ишчиси меҳнат фронтида фаолият кўрсатганлиги маълум бўлди.

³ Антуфьев А.А. Уральская промышленность накануне и в годы Великой отечественной войны. УрОРАН: Ин-т истории и археологии. – Екатеринбург, 1992; Моргунов К.А. Рабочие из республик Средней Азии на предприятиях и стройках Южного Урала в годы Великой отечественной войны // Этнопанорама. 2008; Шунингдек, Челябинск тарихчиси Гресь, Уралск давлат университети аспиранти Вера Соловьева, удмуртиялик Т.С.Третьякова ва пермлик Г.Д.Селянинанинг мақолаларини эслаш жоиздир. Екатеринбург ёзувчиларидан С.С.Агеев, Ю.Г.Брилиннинг 2003 йили нашр этилган «Неизвестный Уралмаш» асари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиёдан Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга 1931 – 1933 йилларда сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларидаги армия ёшида бўлган, ҳарбий мажбурият ўташга лойиқ деб топилган эркаклар Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам ҳаракатдаги фронтларга, ҳам фронт ортидаги мудофаа иншоотлари, уруш куроллари, ўқ-дори, ҳарбийлар учун кийим-кечак, озиқ-овқат тайёрлайдиган меҳнат армиялари лагерларига сафарбар этилган.



Қори Муҳаммад Расул
Зубайдуллахўжа ўғли

Мудофаа давлат комитетининг 1942 йил 11 апрелдаги махсус қарорига қадар ҳам «қулоқ»лар, қисман бўлса-да, ҳарбий хизматга сафарбар қилинган. Меҳнат сургунидаги «қулоқ»лардан 3218 нафари ҳарбий хизмага чақирилгани, уларнинг 901 нафари кадрлар қисмига, 2317 таси эса махсус қурилиш батальонларига сафарбар қилингани маълум бўлди.

Уруш давомида меҳнат сургунидаги «қулоқ»лардан жами 60747 киши ҳаракатдаги армияга, улардан 1658 нафари эса меҳнат фронтга сафарбар этилган. Шунингдек, 1937 – 1938 йилларда қатағон қилинганларнинг маълум қисми ҳам фронтга ва фронт ортидаги меҳнат армиясига сафарбар қилинганлар. Фақат 2 нафар меҳнат армиячисининг тақдири ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз билдик. Улардан бири Қори Муҳаммад Расул Зубайдуллахўжаевдир.

Бундан 16 йил аввал 2001 йил октябридаги экспедициямизда каттақўрғонлик зиёлилардан Абдулазиз Зубайдуллаев билан учрашиб унинг бобоси, отаси бошига тушган фожиаларни видеотасмага ёзиб олган эдик. Ундан кичик бир парча келтирамиз: *«1932 йили унинг отаси Қори Муҳаммад Расул Зубайдуллахўжаев Шимолий Кавказда сургундалиги чоғида бобоси Зубайдуллахўжани қамоққа оладилар. У киши Каттақўрғон турмасида ётади. Ўшанда турмада ҳар куни камраларга тиббий ходим кириб кузатув ўтказиб турган. Ҳар хил баҳоналар ишга солиниб кунига бир неча киши турма касалхонасига ўтказилган. Касалхонадан ҳеч ким тирик чиқмас экан.*

Турмадаги аравакашлардан бири Зубайдуллахўжанинг касалхонага ўтказилганлиги ҳақида унинг ўғли Муҳаммад Аминга хабар

қилади ва кечаси соат 1-2 ларда Лагерсой йўлига чиқиб туришларини тайинлайди. Арава етиб келгач, бир неча мурдалар орасидан Зубайдуллахўжани ажратиб оладилар ва Эшонмозор масжидига олиб келадилар. Ҳаво ниҳоятда совуқ бўлишига қарамай, эрта тонгда энг яқин кишилар иштирокида ювиб, кафанлаб, жанозасини ўқиб дафн этадилар.

Зубайдуллахўжанинг Муҳаммади, Муҳаммад Амин, Муҳаммад Расул, Муҳаммад Шариф (Ўлмасхон) ва Ойшабиби исмли фарзандлари бўлган. Булардан фақат Муҳаммад Расул бойнинг куёви бўлганлиги учун сургун қилинган эди.

Қори Муҳаммад Расул Шимолий Кавказнинг Будёновск, Махачқалъа, Нальчик, Моздак, Ново-Александровский, Прикумскдаги жойларида сургун азобини тортган. У ўз саргузаштлари, билганларини кейинчалик ўғли Абдулазиз акага сўзлаб берган:

«Дала бригадалари тузилганди. Одамлар қишлоқдан 10 чақиримча наридаги баракларда яшаб, меҳнат қилишарди. Улар экинлар батамом йиғиштириб олинганидан кейингина қишлоққа қайтишар эди.

1931 йилнинг охирларида негадир уйлар қайта тинтув қилиниб олтин ва шунга ўхшаш қимматбаҳо буюмлар тортиб олинди. Бундай нарсалари бўлмаган одамлар ноҳақ калтакланди, қамалди. Аҳоли қаттиқ азият чекди. Натижада ота-онаси ўлган, қамалган, етим-есирлар кўпайди, турмуш янада ночорлашди. Устига-устак, 1932 йилнинг охирларида очарчилик, қаҳатчилик бошланди. Егулик нарсаларни пулга ҳам топиб бўлмас эди. Одамлар ўлган мол, от, қуён гўштларини пишириб ейишига мажбур бўлдилар. Мол терисидан бўлган супраларни ҳам қайнатиб едилар. Қандайдир юқумли касаллик тарқалиб, бутун бошли хонадонлар қирилиб кетди. Ҳаммаёқни сичқон, каламуш, қурт-қумурсқалар, далаларни чигиртка, юмронқозиклар босди. Ўша йили аёлим узоқ давом этган касалликдан вафот қилди.

Ҳар куни ўлган одамлар жасадларининг бир нечасини араваларга саржин шаклида ортиб мазор жойларга олиб боришар, у ерга аввалдан қазиб қўйилган катта-катта чуқурларга ағдаришар ва устига озгина тупроқ ташлаб қайтишарди. Эртасига яна шу аҳ-

вол, чуқурлар батамом тўлгач, устига тунроқ тортилиб, кўмиб таиланарди. Яқин кишиси бўлмаган кўнлаб одамларнинг жасаглари ювилмасдан, жаноза ўқилмасдан, кафансиз кўмилиб кетди».

Иккинчи жаҳон уруши даврида кўнлар қатори Шимолий Кавказ сургунисидаги Қори Муҳаммад Расул Зубайдуллаҳўжаев ҳам меҳнат армиясига сафарбар қилинди. У Узоқ Шарқда – Владивостокда ишчилар батальонисида хизмат қила бошлади. Бошқалар қатори «қуролсиз аскар» сифатида фронт учун зарур бўлган мудофаа қуроллари, ҳарбийлар учун кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мислсиз оғир шароитда меҳнат қилди.⁴

Унинг шахсий архивисида ГУЛАГ лагери раҳбарияти томонидан берилган фахрий ёрликнинг асл нусхасини келтирмоқдамиз.

Украина Херсон области Голопристан райони Михайловский посёлкасида Андижон шахридан 1931 йили сургун қилинган 58 ёшли Соҳиб Исақов ҳам бу сургун жойидан уруш вақтида Воркута лагеридаги меҳнат армиясига сафарбар этилган. У ҳам «Қуролсиз аскар» сифатида оғир меҳнатдан, касалликдан вафот этган. Соҳиб Исақов 1989 йил 17 июлда оқланган.⁵

1943 йил ёзида Пермдаги Молотов номли заводда 978 ўзбек, Киров номли заводда 200 ўзбек, 90-сонли заводда 800 га яқин ўзбек ва 60 қозок, 103-сонли заводда 50 ўзбек, 12-қурилиш трестисида 70 ўзбек, Чкаловск области Орск шахридаги 7000 ўзбек меҳнат қилган. Нефть заводи қурилишида 500 киши, Чкаловск шахрида 700 киши, Медногорскда 200 киши меҳнат қилган қайд этилган. Удмуртиялик тадқиқотчи Т.С.Третьякова уруш вақтида 51-сонли қурилиш трестисига



⁴ Шамсутдинов Р. Кишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б.424 – 426.

⁵ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.174 – 175.

Бухоро ва Термиз областларидан 1000 киши келгани, уларнинг ёши ҳар хил, касблари турлича бўлганини, улар сафида подачи, этикдўз, ғаллакор, ўт ўчирувчи, ўқитувчи, хизматчилар бўлганини кўрсатган. Марказий Осиё ва Қозоғистондан меҳнат мажбуриятига сафарбар этилганларнинг 73 фоизи Уралдаги мудофаа саноат корхоналарида меҳнат қилган. Урал газеталари саҳифаларида ўзбек ва тожик ишчиларининг фронт учун, ғалаба учун фидокорона меҳнатлари ёритиб борилган. Уралмаш заводи Голов бошлиқ бўлган механика цехида Рустам Турдиев ва Ҳасан Тўхтабоев нормани 150 фоизга бажараётгани, Назаров цехида звено юк ташувчиси Ҳақбердиев, тожик Мардон Носир ва ўзбек Мамат Эргашевнинг меҳнат жасоратлари «**За тяжёлое машиностроение**» газетасининг 1943 йил 9 февраль сониди намуна сифатида кўрсатиб берилган. Шу газетанинг 1943 йил 11 февраль сониди бундан бир неча ой олдин Ўзбекистоннинг қишлоқларидан заводга янги ишчилар келгани, улар аввал бундай заводлардаги ишлаб чиқаришни кўрмаганлиги, аммо кўпчилиги дастлабки кунлардан оқ ҳарбийларимизнинг ҳужумлари учун фидокорона меҳнатнинг аҳамияти бениҳоя катталигини англаб етганлари, 19 ёшдаги Ҳасан Тўхтабоев (ҳужжатда Асан Тунтибаев ёзилган) мустақил равишда станокда меҳнат қилиб нормани 150 фоиз бажаргани қайд этилган. Меҳнат армиясидагилар мислсиз оғир шароитда ҳаёт кечирганлар. Уларнинг маълум қисми цехларда ишлаб, шу жойда овқатланиб, шу жойда яшаб, ухлаб кун кечирганлар. Улар завод ва фабрикалардаги ошхоналарда тайёрланадиган чўчка гўшти, колбаса, балиқ ва бошқа овқатларни емасдан, ўзларига тегишли порцияларни сотиб уйига пул юбориш учун тўнлари астарларига, белларига пул жойлаштириб юрганлари, жуда ҳам озғин, оғир меҳнатдан тинка-мадори қуриган ҳолда ҳаёт кечирганлари юқорида келтирилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Улар орасида ўлим даражаси юқори бўлган. Дафн этиш учун кафанлик маъмурият томонидан берилмаган ҳолатлар кўп бўлган. Вера Соловьева шундай ёзади: *«Когда я изучала положение рабочих на заводах Свердловска в годы войны, мне попало несколько интересных документов. Это отчёты о жизни Центрально-Азиатских рабочих на Уралмашзаводе и ряде других предприятий Свердловской области. В этих отчётах говорилось, что «узбеки и таджики не ку-*

шают рыбы, колбасы, грибов, кислой капусты, обед же готовится только из этих продуктов... Очень многие нацмены (озчиликни ташкил этган миллат) второе блюдо продают тут же в столовой русским рабочим. Торговля обедом и хлебом принимает большие размеры. Так же они продавали продуктовые карточки, в итоге им перестали их выдавать на руки». Тўйиб овқатланмаслик, оғир жисмоний меҳнат, ночор ётиш-туриш, ҳорғинлик ошкор бўлгач бунинг сабабларини аниқлашга киришилган. Шундан сўнг Ўзбекистон ва Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш учун махсус бригадалар юборилган. Бу республикалар халқи номидан озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган эшелонлар юбориб турилган. Бир қанча завод ва корхоналарда ўзбекча таомлар тайёрлаш йўлга қўйилган, Уралмаш заводи атрофида чойхоналар пайдо бўлган. Лекин кўк чой бўлмаганидан меваги чой тановул қилинган. Меҳнат ишчилари қоп-қоронғи, ифлос, иситилмайдиган ертўлаларда ухлаганлар, чойшаб-кўрпалар бўлмаган. Айрим жойларда, масалан, Никель комбинатидаги ўрта осиелик ишчилар анча яхши тураржойда ҳаёт кечиришган. Бу ерда алоҳида уйлар, темир каравотлар, ётиб ухлаш учун кўрпа-тўшак, ёстик ва бошқалар бўлган.

Об-ҳавонинг ҳаддан ташқари совуқлиги, иссиқ уст-бошнинг йўқлиги, турли касалликларнинг тарқалиши, тинка-мадорни қуритадиган оғир меҳнат, устига-устига, кучли очарчилик «меҳнат армиячилари»нинг соғлигига ўта салбий таъсир кўрсатиши оқибатида уларнинг катта қисми ўлиб кетган. Нижне-Тагил машинасозлик заводида ички ишлар халқ комиссари ўринбосари А.П.Завенягин 1943 йил августида Ўрта Осиедан келиб ишлаётганларнинг ўта аянчли аҳволи тўғрисида Москвага йўллаган хабарида шундай дейилган: *«На месте лично убедился в исключительно тяжелом положении военнообязанных из Средней Азии, а также спецпоселенцев. Люди в большинстве разуты, раздеты, спят на голых нарах. Наступившие холодные дожди уже вызывают заболевания. В случае небеспечения в ближайшее время указанного контингента вещдоловствием осенью будут массовые заболевания и смертность»*.⁶

⁶ www.fergana.ru Алексей Старостин. Как рабочие из Центральной Азии ковали Победу в Уральском тылу.

НКВДга юборилган 1943 йил учун Тагил қурилиш йиллик ҳисоботида йил охирига келиб ўрта осиелик «меҳнат армияси»дагилар сони 12 000 га тушиб қолгани, деярли ярмига қисқарганлиги айтилиб, бунинг сабаби сифатида «меҳнат армиячилари»да ўлимнинг қўпайганлиги ва жисмоний аҳволи ёмонлашгани туфайли ватанларига жўнатиб юборганлиги кўрсатилган.

Аммо қўплаб «меҳнат армиячилари» уруш тугагунча қолишган. 1945 йил 28 майда Свердловск шаҳридаги А.В.Луначарский номидаги опера ва балет театрида шаҳар корхоналарида ишлаётган ўрта осиелик миллатлар ишчиларининг йиғилиши бўлади. Йиғилишга таклиф этилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Содиқов ўз маърузасида ўзбек халқининг россияликларнинг кўрсатган ёрдамига миннатдорчилигини изҳор этиб, «ўзбек ва рус ботирлари»нинг фашист босқинчиларга қарши биргаликда олиб борган курашини алоҳида таъкидлаган. Йиғилишга раислик қилган Головин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармойиши билан Свердловск корхоналарида стахановчи бўлиб ишлаётган



Уруш даврида ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик меҳнат армиячилари ишлаган
Невьянск машинасозлик заводи.

70 нафар ўзбек фахрий ёрлик билан мукофотланганини эълон қилади. Йиғилиш Тошкент область театри ансамбли, Урал алюминий заводидаги ўзбек ишчиларининг хаваскор жамоаси ва шаҳарнинг бошқа корхоналари иштирокида катта концерт қўйилганини «Уралский рабочий» газетаси 1945 йил 29 май сонида хабар қилган.


Ҳозирги Екатеринбург области Невьянск шаҳри ўлкашуноси Василий Александрович Замоткиннинг (1921 – 2004) саъй-ҳаракатлари билан 80-йилларда Невьянск қабростонида ёдгорлик тоши қўйилди. Унда мана бу сатрлар бор: *«Здесь похоронены участники трудового фронта Великой Отечественной войны 1941 – 1945 из Узбекской, Киргизской и др. республик Союза ССР»*. Бу «меҳнат армиячилари»нинг жасоратига Уралда қўйилган якка-ягона ёдгорликдир.



Ўзбек меҳнат
армиячиси Мамад
Эргашев



Ўзбек меҳнат
армиячиси Мардон
Носир



Василий Александрович
Замоткин
(1921 – 2004)



Ёдгорлик тоши
ёзуви

Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида гап борар экан, бунда республикамиздан Урал, Сибир, Узоқ Шарқ ҳудудларидаги ГУЛАГ ва меҳнат лагерларига сафарбар этилган юртдошларнинг фронт ортидаги жасоратли меҳнатини ҳам ёритиш навбатдаги вазифалардандир. Яъни мазкур мавзуда яна бир илмий йўналиш юзага келди.

Фронтлардаги ўзбек тилида чоп этилиб турган газеталарнинг тўла таҳлама ва сонларига ҳозирча эга эмасмиз. Биз фақат Россия давлат кутубхонасида сақланаётган ўзбек тилидаги газеталарни буюртма билан электрон шаклини олишга мушарраф бўлдик. Бу газеталар Россия ҳарбий давлат архивида, Мудофаа вазирлиги архивида ҳам-

да Россия, Украина, Белорусия, Латвия, Литва, Эстония, Венгрия, Чехия, Германия архив ва музейларида ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ўша ўзбек тилидаги газеталар муҳаррирлар, фотомуҳбирлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг шахсий архивларида сақланаётган бўлиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Кичик бир мисол келтирамиз. Андижон вилояти лицей ва коллежлар тарих ўқитувчиларининг малака ошириш курсида Иккинчи жаҳон уруши тарихининг долзарб масалалари ҳақида суҳбат олиб бораётганимизда Жалақудуқ туман қирғиз миллий маркази раиси, тарих ўқитувчиси Гулнора Эралиева 9 май – Хотра ва кадрлаш кунига бағишланган «Jalaquduq hayoti» газетасининг 2017 йил 6 май сонидан эълон қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қосимжон Умаров ҳақидаги мақолани кўрсатди. Мақолада 1944 йил 28 июнда фронтда чиқиб турган рус тилидаги 4 саҳифадан иборат «**Вперёд к победе**» газетасида учинчи саҳифасида «**Ўзбек Умаров – меткий стрелок**» номли мақола берилган. Уни айнан келтирамиз:

ЎЗБЕК УМАРОВ – МЕТКИЙ СТРЕЛОК



Боец Умаров окончил курсы снайперов. Присутствуя на слете советских стрелков он воспринял опыт передовым воином, снайпера Героя Советского Союза т. Цыс, и сто следованных примеру.


По возвращении со слета Умаров, выбирая удобной позиции начал выслеживать гитлеровцев. От противника он находится метрах в 400, когда заметил немца идущего по траншее. Снайпер выстрелил и вражеский солдат упал.

От начиная свою боевое мастерство, Умаров множат число истребленных немцев. Младший лейтенант Ефимов».⁷

Қосимжон Умаровнинг сурати ҳам газетадан ўрин олган.

⁷ Бўлишбой Қосимов, меҳнат фахрийси. Қахрамон жангчи, мохир мерган эди // Jalaquduq hayoti. 2017 йил 6 май.

Гулнора Эралиева илтимосимизга кўра унинг умрининг охирида тушган рангли суратини ва урушда 1944 йил 21 июндаги жанглардан бирида снаряд портлашидан контузияга учрагани, 3 кеча-кундуз хушсиз ётгани ҳақидаги тиббий маълумотини тақдим этди. Унда 1901 йили туғилгани, Жалақудук туманидан қизил армияга чақирилгани, ВКП(б) аъзолигига номзодлиги ва бошқа маълумотлари келтирилган.



Қосимжон Умаров 2015 йили олинган расм

Уруш даврида фронтдаги юртдошлардан ҳол-аҳвол сўраш ва уларга руҳий мадад бериш учун фронтга юборилган Ўзбекистон делегацияси таркибида бўлган буюк ўзбек ёзувчиси Ойбек фронтдаги «Ватан шарафи учун» ўзбек тилидаги газета муҳаррир ўринбосари, таниқли журналист Рустам Абдураҳмонов билан учрашган. Шу учрашувда Ойбекка фронтда қолиб ўзбек тилидаги газеталардан бирида ишлаши ҳақида таклиф киритилганида у делегация аъзоси сифатида бундай таклифни қабул қила олмаслигини айтган. Профессор Наим Каримовнинг фикрича, Ойбек домла фронтдан Тошкентга қайтиб келиши чоғида ўша «Ватан шарафи учун» газетасини ўзи билан олиб келган ва бу газета Ойбек уй-музейига экспонат сифатида қўйилган. Юқоридагилардан хулоса шуки, фронтлардаги ўзбек тилидаги газеталарнинг айрим сонлари жойлардаги уруш иштирокчилари шахсий архивларида ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин.

Мазкур газеталарнинг барча сонларини қидириб топиш, улардаги материаллардан манба сифатида фойдаланиш имкониятини яратиш ва шу аснода тарихимизнинг ҳозиргача маълум бўлмаган қирраларини ёритиш яқин келажакдаги юмушларимиздан биридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу ўзбек газеталаридаги материаллар эски ўзбек имло қоидалари асосида ёзилганлиги сабабли айрим сўзлар имлоси ҳозирги имло қоидаларидан фарқланса-да, биз материалларни эски орфографик нормалари асосида бердик. Масалан, блан (билан), мас'ул (масъул), бошқаручи (бошқарувчи), ҳечбир (ҳеч бир) ва ҳ.к.

Шунингдек, газеталардаги мақола, хабар, очерклар ва бошқа материалларда Сталинга билдирилган ишонч, эътиқод, унинг шахсини юкори баҳолаш, ғалаба ва ютуқларни унинг номи билан аташ каби ҳолатлар ҳам бўлганки, уларда ўша давр руҳияти сезилиб турибди. Бу хилдаги ҳужжатлар аслида қандай бўлса, шундайлигича берилмоқда. Акс ҳолда, ўша ҳужжатлар мазмун-моҳиятига путур етиши мумкин. Зукко ўқувчи буни яхши тушунади деган умиддамиз.

Хуллас, «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли иккинчи китобда ўша жаҳон урушида инсоният бошига чексиз кулфатлар келтирган фашизм балосини ер юзидан супуриб ташлаш, жар ёқасига келиб қолган инсоният келажагини таъминлашдек буюк тарихий курашда ўзбек халқининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини аниқлашда «**Ватан шарафи учун**», «**Душманга қарши олға**», «**Фронт ҳақиқати**» газеталари муҳим манбаларданлигига шохид бўлди.

Китобнинг яратилишида ўз ёрдамини аямаган тадбиркор **Ойбек** ва **Фарҳодбекка**, Андижон давлат университети ректори профессор **А.С.Юлдашевга**, тарих факультети декани, доцент **М.Ғ.Абдуллаевга**, Ўзбекистон тарихи кафедраси мудирини, доцент **С.Ҳошимовга**, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ходимлари-операторлари **А.Отахонов**, **О.Абдуқаҳҳоров**, **Б.Қаҳҳоров**, **Р.Мўйдинова**, **С.Неъматовага** муаллиф ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этади.

БИРИНЧИ БОБ



«ВАТАН ШАРАФИ УЧУН»

Биринчи Украина фронтида ўзбек тилида «**Ватан шарафи учун**» номли газета 1944 – 1945 йилларда чиқиб турган. Унинг 1944 йил январь – декабрь, 1945 йил январь – декабрь ойларидаги сонлари – 1944 №2 (192) – 8, 13 – 15, 17 – 18, 20, 22, 25, 32, 34, 36 – 45, 50, 52 – 60, 71, 73, 76 – 77, 79 – 81, 85 – 97 (285), 1945 №1(286) – 19, 21 – 66, 68 – 70 (355) сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Газетанинг қолган сонлари қаерда сақланаётгани бизга ҳозирча аниқ эмас. Фикримизча, бу газеталарнинг тўлиқ таҳламаси ёки унинг биз шарҳлаётган газе- та сонларидан бошқа сонлари Россия ҳарбий давлат архивида ёки СССР мудофаа вазирлиги архивида, Қуролли кучлар марказий ва минтақавий музейлари фондларида сақланаётгандир. *Ҳаттоки ўша газеталарнинг муҳаррирлари, фаол мухбирларининг ҳамда газета саҳифаларида жанговар фаолияти акс эттирилган уруш қатнаш- чиларининг шахсий архивларида бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис тадқиқот-қидирувишлар давом этади.* Газета таҳририяти С.И.Жуков, Тўлаган Соатов, Зиё Аминов, Зиннат Фатхуллин, Фотих Ёқубовдан иборат бўлган.

Газетанинг 1-бетида «Содиқов донгдор разведкачи» номли мана бу мақола берилган:

«Разведкачи старший сержант М.Содиқов ўз ишини жуда севади. Уни ҳар доим олдинги доирада, кузатиш пунктида – стереотруби аппарати ёнида учратиш мумкин. У душманнинг ҳамма ҳаракатини диққат блан кўздан кечиради.

Қисмимизнинг олға босишига тўсиқлик қилмоқчи бўлган немис батареяси ўт очиш позициясини ўзгартирдими, Содиқов дарров унинг қаерда тўхтаганини пайқайди.

Кейинги кунларда разведкачи-кузатучи Содиқов душманнинг етита ўт очиш нуқтаси ва иккита кузатиш пункти ўрнашган жойини аниқ белгилади. Тўпчиларимиз эса Содиқовнинг маълумотлари асоида душманнинг олти ўт очиш нуқтасини емирдилар.

Донгдор разведкачи қўмондонлик томонидан «Қизил юлдуз» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотланди.

Яқинда партия ташкилоти Содиқовни ВКП(б) аъзолигига қабул қилди».

П.Федоров

Газетанинг 2-саҳифасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони майор С.Борзенконинг «Мардлик ва моҳирлик намунаси» номли мақоласи чоп этилган. Уни айнан келтирамиз:

«Житомир шаҳри учун бўлган қаттиқ кўча жанглирида пулемётчи ўзбек йигити Ортикбоевнинг кўрсатган жасорати жангчилар оғзида дoston бўлди.

Гитлерчилар шаҳарнинг ҳар бир кўчасини, ҳатто ҳар бир биносини мустаҳкамлаб, совет жангчиларини шаҳарга йўлатмаслик пайида эдилар. Лекин улар чучварани хом санадилар. Қаттиқ кўча жанглирида совет аскарлари ўзларининг моҳир таълим олганликларини намойиш қилдилар.

Шаҳар кўчаларидан бирида жанг бораётган пайтда уч қаватли бино бўғотига ўрнатилган немис пулемёти ва немис снайпери қаттиқ

ўт очиб хужум қилиб бораётган жангчиларимизни девор ва иморатлар орқасига бекиниб олишга мажбур қилди.

Довюрак Ортиқбоев ўз отделениясидаги жангчиларни тўплаб, дадиллик ва моҳирлик блан ҳаракат қилиб мўлжалга ўнғай жойга ўтиб олди ва дарров ўз қўл пулемётини рўпарасидаги бинонинг бузилиб ётган зинапоясига ўрнатиб мўлжал блан ўт очди. Бир зумда немис пулемётчиси ва снайперининг овози ўчди. Шу вақтда Ортиқбоевнинг жангчилари автоматлардан ўт очиб ёндаги бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларига ўрнашиб олган фашистларни кириб ташладилар.

Душманнинг ўт очиш нуқтаси яксон қилиниши ва автоматчилари кириб ташланиши блан ўқчи взвод квартал ичкарасига бостириб кирди.

Азамат Ортиқбоев шу куни дарё кўприги ёнида бўлган жангда ҳам яна уч гитлерчини жаҳаннамга киргизиб ўз жанговар ҳисобидаги ўлдирилган фашистлар сонини еттига етказди».

4 БРОНЕМАШИНАНИ ШИКАСТЛАНТИРДИК

Кузатиш пунктида турган старший лейтенант ўртоқ Курганов катта тош йўлдан ўнтача немис бронемашинаси келаётганини пайқаб қолди.

Менга ва младший сержант Першинга: «Тўпларингизни шайлаб турингиз!» – деб буйруқ берилди. Биз тўпга осколкали снарядларни жойлаб, фашист машиналарининг мумкин қадар яқин келишини пойлаб турдик. Жуда қулай пайт келиши блан биз тўсатдан ўт очдик. Бир дамда 4 бронемашинани шикастлантириб сафдан чиқардик. Қолганлари эса дарҳол орқасига бурилиб қочди.

Сержант Х.Носиров

ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ БОТИРЛИГИ

Раҳима Алимова совет Украинаси учун бўлаётган жанглarda махорат кўрсатмоқда

Улуғ Ватан уруши майдонларида руслар, украинлар, белоруслар, козоқлар, грузинлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва бошқа қардош халқларнинг довурак ўғиллари блан бир қаторда бу халқларнинг кўпгина жасур қизларини ҳам тез-тез учратиб туриш мумкин. Ватанимизнинг бу оташин ватанпарварлари ҳам немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилаётган мардона курашимизда яқиндан иштирок этмоқдалар.

Мен командирлик қилаётган полкда ўз номларини шон-шараф блан коплаган ўзбек йигитлари орасида бир неча ўзбек қизлари ҳам бор.

Украина учун олиб борилаётган хужум жанглримизда Бухородан келган **Раҳима Алимова** деган комсомол қиз, айниқса, қаҳрамонлик кўрсатмоқда.

Ўқчи ротанинг санитария инструктори бўлиб хизмат қилаётган бу жасур ўзбек қизи на ҳаводан қилинган хужумдан, на душман томонидан учган ўқдан, на минадан қўрқади. Унга ҳеч нарса писанд эмас.

1943 йилнинг 18 июлидан 28 июлигача Шимолий Донец дарёси қирғоқларида Донбасс учун ўн кунлаб жанг бўлди. Ана шу вақтда Раҳима Алимова пулемёт ҳам миномёт ўти остида 97 ярадор жангчи ва офицерга шошилинч медицина ёрдами кўрсатди ва уларнинг кўпини жанг майдонларидан хавфсиз ерга олиб чиқди. Ҳаёт қолган жангчи ва офицерлар Раҳима Алимовага ҳали-ҳали ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Бу жанглар вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Раҳима Алимова «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди.

1 сентябрдан 21 сентябргача давом этган 20 кунлик хужум жанглари вақтида Раҳима Алимова ана шундай мардона ҳаракат қилди. Бу сафар у 30 жангчи ва офицерни қурол-яроғи блан жанг майдонларидан олиб чиқиб, зарур бўлган медицина ёрдами кўрсатди. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, Раҳимахоним ҳам санитар, ҳам санитария

инструктори, ҳам фельдшер вазибаларини бажонидил бажарди. Полкмиздаги ҳамма жангчи ва офицерларнинг Раҳимахонни чин қалбларидан севишларига, самимий хурмат қилишларига сабаб ана шудир.

Ўртоқ Раҳима Алимова жанг майдонларида фақат медицина ходими сифатидагина эмас, балки оддий жангчи сифатида ҳам ном чиқарди. Алимова бир тўда разведкачилар блан бирга душманнинг орқа томонига ўтди. Совет разведкачиларининг келишини сезиб фашистлар жанг бошлаб юбордилар. Ана шу жангда жасур киз ўз автомагидан отиб ўнга яқин фашистни қириб ташлади. Яна бир жангда немислар қарши атакага ўтди. Шунда Раҳимахон олдинги сафга чиқиб жангчиларни илгари бошлади ва немисларни қиришда ҳаммага ўрнак бўлди. Бу жангдан кейин ўртоқ Алимова «Қизил байроқ» ордени блан мукофотлашга тақдим қилинди.

Раҳима Алимованинг қалби улуғ она-Ватанга, ўша вақтдаги мамлакат раҳбарига оташин меҳр-муҳаббат туйғуси блан, душманга қарши чексиз қаҳр-ғазаб ва нафрат ҳисси блан тўлган. У жонажон Ўзбекистон учун, серкуёш республиканинг бахтиёр халқи учун, ёр ва биродарларимиз учун жанг қилмоқда, янада порлоқ келажак учун немисларни беаёв қирмоқда.

Подволковник Саввин. Н-чи полк командири

Газетанинг 2-саҳифасида гвардия оддий аскари **Султон Жўра-нинг⁸ «Пулемётчи овози»** номли шеъри берилган:

Армоним йўқ;

Ватан жангидан;

Зарнинг зардор, қуролнинг жангчи,

Жангда билур қиммат, қадрини:

⁸ Султон Жўра – тахаллуси; асл исм-шарифи Жўраев Султон, 1910 йил 15 январь куни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган, 1943 йил 10 февралда Гомель шаҳрида ҳалок бўлган, Бухородаги эрлар билим юртида ўқиган, мактаб ва билим юртида ўқитувчилик қилган, 1936 – 1939 йилларда Андижон педагогика институтида ўқиган ва шу ерда дарс берган. 2-жаҳон уруши катнашчиси; урушда ҳалок бўлган шоирнинг жасади Гомель шаҳри Лоев тумани Козерогон кишлоғида дафн этилган. Андижон, Бухоро ва Шофиркон шаҳарларидаги кўчаларга, шунингдек, Шофиркон туманидаги мактаб, кинотеатр ва фукаралар йиғинига Султон Жўра номи берилган.

Ёв улгурмас, «Максим» сайраса,
Мурдасига қазиб қабрини.
Атрофимда портлар миналар,
«Зув-зув» учар ўқлар тепадан;
Майли, ёгсин алланималар,
Ахир нега қўрқар эканман?
Ахир нега қўрқар эканман?
Тишларим ҳам ўқдай, лентадан
Прёмникка ўтиб тургандай
Шу қадарли зич сиқилганки,
Ганс бағрига ботиб киргандай!
«Олга!» – деди туриб капитан
Фронт сари кўтариб қўлин.
Пулемётим ила кўчдиму:
«Сайра, – дедим, – жангчи
булбулим!»
Ғалабанинг соати яқин,
Эй, бўш келма, жангдош
«Максимим»!
Биз енгамиз! – бу қатъий якун!
Жангчинг блан ишинг ҳақ сенинг!

Ўзбекистондан хат

СУВОРОВ МАКТАБИДА МАШҒУЛОТ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги энг яхши мактаблардан бирида машғулотлар бошланди. Синфлар, ошхона ва ётоқхона жихозланди. Ўқучилар кийим-кечак ва ўрин-бош олдилар. Мактаб биносида, таълим роталарида, сафда юрганда ва командирларга салом бериш пайтида намунали тартиб ва қатъий харбий интизомга риоя қилинади. Мактаб энг яхши педагог кадрлар блан таъминланган.

КЎМИР ЧИҚАРИШ КЎПАЙМОҚДА

Тошкент. Ўзбекистон кочегаркаси – Оҳангарон кўмир конини ривожлантириш учун катта ишлар қилинаётир. Кўмир жуда кўп бўлган участкада кўмирни очиқ усулда кавлаб чиқариш учун кучли карьер ҳосил қилинмоқда. Бу ерда кўмир чиқариш механикалаштирилади.

Янги конлар жадал усул блан қурилади. Коннинг биринчи навбат қисмлари шу йилиёқ эксплуатацияга берилади.

ЯНГИ ЁҒ ЗАВОДЛАРИ ҚУРИЛАЁТИР

Ўзбекистоннинг узок ерларида, пахта заводлари территориясида ёғ корхоналари қурилмоқда.

Биринчи бўлиб Алимкент пахта заводи ёнидаги ёғ заводи ишга тушди. Яқинда Ғиждувон (Бухоро области) ёғ заводи қурилиб, у ёғ чиқара бошлади. 1944 йилнинг 1-кварталида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот районидаги ва Хоразм областининг Хива ва Манғит районларидаги ёғ заводлари ишга тушади.

1944 ЙИЛ 19 ЯНВАРЬ. №4 (194)

ОТАНИНГ СЕВИНЧИ

Ўзбек халқининг асл фарзандларидан бири бўлган сержант Юсупов Ватан уруши фронтида кўп жасурликлар кўрсатаётир. Юсуповнинг бу мардлиги блан унинг туғилиб ўсган ва ишлаган жойидаги колхоз ҳам фахрланади. Унинг кекса отаси Пирназар Юсупов ўз ўғлидан хурсанд. Яқинда у фронтга – бизга шундай хат юборди:

«Фарзандимнинг фронтдош дўстлари унинг жангдаги мардликлари тўғрисида хабар қилдилар. Ўғлим немисларни аёвсиз ураётганини эшитиб ҳаддан ташқари қувондим.

Биз бўлсак бу ерда фронтга ёрдамни кучайтириши учун жонимизни фидо қилмоқдамиз. Жанговар фаолиятингизда муваффақият тилайман. Немис босқинчиларни янада қаттиқроқ савалангиз! Ғалаба қозониб келишларингизни кутамиз».

Пирназар Юсупов

АБДУЛЛА УСЕНОВНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

Немис танклари йўл-йўлакай тўпларидан отиб жанговар тартибимизга яқинлаша бердилар. Улардан анчагинаси шикастлантирилди ва пачақлантирилди. Аммо фрицлар бостириб келавердилар. Мана, бир танк сапёр **Абдулла Усенов** ва унинг ўртоқлари позицияси олдига келиб қолди. Шу пайтда оддий аскар қозоқ Усенов биринчи бўлиб рўпарасидаги танкка қарши чиқди.

Шундай минутларда кўп ўйланиб туриш ўринли эмас. Агар сал кечикилса, яна бир неча секунддан кейин оғир танк ўзининг ўрмаловчи занжирлари билан Усеновнинг жанговар дўстларини эзиб ташлаши аниқ!

Баҳодир сапёр немис танкини тўхтатиш учун танкка қарши жойланган минани кўкрагига босиб атайлаб ўлимга борди. Бир зум ўтмай у ўзини оғир танкнинг ўрмаловчи занжири тагига ташлади. Ана даҳшатли гумбурлаш овози эшитилди...

Қозоқ халқининг асл фарзанди, мард сапёр Усенов ўзининг қуролдош дўстлари кўз ўнгида мана шундай қаҳрамонлик кўрсатди. Жангчилар Ватан учун ўз жонидан кечган Усеновдан намуна олиб, битта ҳам фашист танкини ўз окопларидан нарига ўтказмадилар.

Сапёр Абдулла Усеновга абадий шарафлар бўлсин! Усенов ўзининг рус биродари Александр Матросовдан ўрнак олиб ҳалок бўлди, лекин душман қаршилиги синдирилди. Ҳар бир аскар қаҳрамоннинг ёрқин образи олдида Ватанни фашист лаънатиларидан тезроқ озод қилиш учун онт ичади. Қаҳрамоннинг ўлмас номи халқимиз юрагида абадий сақланажак.

Капитан Ф.Фефелов

БОРАМАН

(қўшиқ)

*Кел дебон нома ёзибсан, ёру жоним, бораман,
Бораман, қутгил, нигорим, гулжаҳоним, бораман.
Ёрни қўмсаб интизорлик тортганинг менга аён,
Ёшлама хумор кўзинг, қоши камоним, бораман.*

*Келмади деб шубҳаланма, қилма гумон,
Гул юзинг сарғаймасин, руҳи равоним, бораман.
Ёвларим яксон бўлур, тоқат қилиб, фурсатни кут,
Кут бир оз, фурсат яқин, албатта, жоним, бораман.
Дўстларим озод бўлур, сабр айлагил, рухсатни кут,
Даста-даста гул тутиб – дўстлик нишоним, бораман.
Қиш ўтиб кўклам келур, боғингда гуллар очилур,
Яшнаган гулгун бўлиб жаннат маконим, бораман.
Зар қуёшим барқ уриб, оламга нурлар сочилур,
Тантана қилгай яна ҳурлик замоним, бораман.
Қирмизи гул лабларингдан бўсага толиб бўлиб,
Йўлда тулпор ўйнатиб, дилда нишоним, бораман.
Бораман ёнингда мен Рустам каби золиб бўлиб,
Қарши олгайсан чиқиб, эй меҳрибоним, бораман.*

Рустам Каримий

ИККИ «ЮНКЕРС»НИ УРИБ ТУШИРДИК

Бизнинг батареямиз ҳужум қилаётган қисмларнинг жанговар қаторида бораётган эди. Ҳавони кузатиш пунктидан душман бомбардимончи самолётлари биз томонга учиб келаётганлиги тўғрисида огоҳлантирдилар.

Бир дамда зенит тўпларимизни ўт очиш позицияларига ўрнатиб шайланиб турдик. Сал ўтмай осмонда бир группа немис бомбардимончи самолётлари –«Юнкерс 87»лар пайдо бўлди. Улар ҳужум қилиб бораётган қисмларимизни бомбардимон қилиш ниятида эди.

Биз фашист кузғунлари яқин келиб улгурмасданоқ ҳамма тўплардан йўл тўсадиган қаттиқ ўт очиб унинг жанговар сафини бузиб юбордик. Самолётлар тўғри келган томонга тарқалди. Биз эса ўт очишни тобора кучайтирдик. Гвардия сержанти Зубров расчётидаги гвардия оддий аскарлари наводчи Бобоқулов мерганлик блан отиб иккинчи снаряд бланоқ бир «Юнкерс 87»ни қулатди. Кўп вақт ўтмай гвардия сержанти Ванков расчёти ҳам бир самолётни ўт олдирди. Қолган самолётлар эса ўз бомбаларини шошиб-пишиб очиқ майдонга ташлаб қочдилар.

Батареямиз немис ҳаво қароқчиларига қарши фидокорлик блан курашиб, жанговар ҳисобини тўхтовсиз ордирмоқда. Биз кейинги хужум жангларида 9 фашист самолётини уриб туширдик.

Гвардия оддий аскар Ҳайдар Мирзаев

Ўзбекистондан хат

СИРДАРЁ ЯНГИ ИЗДА

Фарход тоғи этакларида портлаш овозлари эшитилиб турар эди. Сирдарё янги изга оқа бошлади. Порох тутуни худди жанг майдо-нидагидай. Сирдарё сувини ушлаб турган сўнгги тўсикни қоплади. Бир зумда портлаш овози ўрнига сувнинг шаррос овози эшитилди. Сирдарё суви янги издан шариллаб оқа бошлади.

Республиканинг пойтахтидан келган юзлаб меҳмонлар, халқ иншоотининг неча минглаб шонли қахрамонлари Фарход тоғлари тепасидан тантанали дақиқани кузатиб туриптилар. Булар орасида Юсупов, Абдурахмонов, А.Мўминов, Ломакин, Йўлдошбоева, Қобулов ва бошқа ўртоқлар бор эди. Карнай овозлари янги изга тушган Сирдарёнинг хайқириғига жўр бўлмоқда эди. Қудратли дарёга жилов солганларнинг гулдурос ура овозлари янгради.

Ўзбекистон коммунистлар (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Усмон Юсупов Фарход гидроэлектростациясини қуручиларнинг Сирдарёни янги изга буриш тантанасида шундай деди:

«Қадимги бобобларимиз ўз орзу-хаёлларида тасаввур қилган нарсаларни уларнинг бугунги шонли фарзандлари янада мазмунлироқ, янада порлоқ ва чиройлироқ қилиб юзага чиқармоқдалар. Фарходнинг замондошлари Сирдарё сувларини далаларга буриб юбориш ва ерларни суғориш тўғрисида фақат орзу қилганлар. Совет давридаги Ўзбекистон фарзандлари эса бобобларимиз орзу қилган ишлардан ҳам буюк, азамат ишларни юзага чиқармоқдалар. Сирдарёнинг суви далаларни суғориб, неча-неча минг гектар бўш ётган ерларни майсазорларга, кўм-кўк пахта далаларига айлантирибгина қолмай, балки Ўзбекистон индустриясини янада ривожлантириш учун кўп миқдорда электр қуввати ҳам беражак.

Тантанали байрамга қатнашган мингларча кишилар орасидан меҳнат унумини оширишда намуна кўрсатган энг яхши кишиларнинг номларини алоҳида кўрсатиб бериш жуда қийин. Бу тантанага ўзбек халқининг Андижондан, Бухородан, Самарқанд ва Намангандан, Фарғона ва Тошкентдан келган энг яхши фарзандлари қатнашдилар. Бордию сиз булар орасида энг яхши азаматлар деб Самарқанд облас-тидан келиб бош тўғонда ишлаган гвардиячи бригаданинг аъзолари-ни, комсомол киз Марҳабо Мусаева ёки Фориш районида келиб қурилишда ажойиб ишлар қилган гвардиячи Мирзаевни, гвардиячи Зомин райони штабининг бошлиғи Қурбонов ёки донгдор бетончи Тўланбой Йўлдошевни, Ургут районида келиб қурилишда донг чиқарган колхозчи Халилов ёки бош тўғондаги ишлар бошлиғи ин-женер Бабунни, порглаш ишларининг раҳбари Касьяненко ёки ғиж-дувонлик машҳур Зокировни кўрсатар экансиз, уларнинг ҳар бири ўзлари блан меҳнат қилиб бутун қурилишга донг чиқарган ўнлар-ча, юзларча шонли ўртоқларнинг номларини айтиб беражақлар. Фарҳодчи деган ном – фахр ва шуҳрат демақдир.

Бетондан қилинган йўғон устунларнинг бирига тикилган қизил байроқ Сирдарё қирғоғида ҳилпилламоқда. Бу қизил байроқ ҳил-пиллаётган шу жойда 10 ой ўтар-ўтмас Сирдарё суви худди пўрта-надек тўлқинланиб оқа бошляяжак. Бош тўғон Сирдарё сувининг сатҳини 20 метр баланд кўтаражак. Унинг орқа томонида 40 кило-метр узунлигида каттакон бир кўл вужудга келтириляжак. Сирдарё Фарҳод тоғидан тортиб то Ленинободгача тез оқмайдиған кўлга айланажак.

Фарҳод қуручилари ишининг энг муҳим бир қисмини тугатди-лар. Бу нарса қуручиларнинг табиат кучларига қиладиган ҳамлалари муваффақиятли чиқиши учун гаровдир. Фарҳод тоғлари устидан қа-расангиз нарироқда бетон заводининг биносини кўрасиз. У ерда бе-тончилар ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда бош тўғон қуручилари катта дамба барпо қилишга киришдилар. Бу дамба дарёнинг эски изини беркитиб кўяжак. Дамба тамом бўлиши блан қирғоқнинг ўнг бетига бетон ётқизиляжак. Бетон тўғон дарёнинг эски йўлини батамом тўсажак. Сирдарё бақувват гидроэлектростан-ция трубиналарига келиб кириш учун канал бўйлаб оқади. Ана шу

вақт фарҳодчилар ўзларининг шонли ишларига якун ясаш мақсадида яна бир марта ажойиб тантанали байрам қилажақлар. 19 декабрь ана шу байрамнинг муқаддима тантанаси эди.

Б.Зимин

1944 ЙИЛ 22 ЯНВАРЬ. №5 (195)

КУРАШ ВА ҒАЛАБА ТИМСОЛИДАН КИЧИК БИР ЛАВҶА

Фашист босмачиларининг мамлакатимизга бостириб кирган 1941 йилини хотирлайлик. Қандай оғир давр! Фашист каллақесарлар кутуриб Ватанимизнинг юрагига бостириб келаётган эди.

Айниқса, мен 1941 йил августини асло унутмайман. Ўша пайтлар немислар Смоленск томонида минглаб танкни жангга солиб шарққа томон силжиётган эди. Мен қўмондонликдан алоҳида топшириқ олиб, душманнинг орқа томонида қолдим ва қуршовдаги қисмга қўшилдим. Бу группада мен разведкачилик қилдим. Душманнинг аэродром ва танкодромларига, резерв қучлари тўпланган жойларга разведкага бориб юрдим. Душманнинг штаблари ва таъминот базаларига қилинган ҳужумларда кўп марта қатнашдим, қўмондонликка қимматли маълумотлар келтирдим.

9 августда фронт линиясидан ўтиб, Вязьманинг ғарбини муҳофаза қилиб турган мунтазам қисмларимиз билан алоқа ўрнатиш тўғрисида жанговар топшириқ олдим. Биз тунда ўз қисмларимизга ўтиб олдик.

Қўмондон оғзаки буйруқ берди. Бу буйруқни душманнинг орқа томонида ҳаракат қилаётган қисмларимизга етказишимиз керак эди.

11 августга ўтар кечаси мен бир неча разведкачилар билан биргаликда яна фронт линиясидан ўтиб қўмондон буйруғини қисм командирига етказдим. Ўша кун эрта сахарда Қизил Армиянинг мунтазам қисмлари душманнинг орқа томонидаги жанговар группа бирийўла ҳужум бошлаб душманни икки томонлама сиқиб қўйдилар. Шу вақтда мен немисларнинг ўт очиш воситаларини разведка қилиш ва емириш юзасидан муҳим топшириқларни бажардим.

Бу биргалашиб қилинган ҳаракат натижасида душман пиёда ас-

карлар дивизияси батамом тор-мор қилинди, кўп асирлар олинди, кўп ўлжалар қўлга туширилди. Бир неча соатдан кейин группамиз Қизил Армиянинг мунтазам қисмларига қўшилди.

Қизил Армия қисмларини қуршовдан олиб чиқариш юзасидан қўмондонликнинг жанговар топшириқларини муваффақиятли суратда бажарганим учун «Ленин» ордени блан мукофотландим.

«Ленин» орденининг кавалери майор Салмон Тохиров

1944 ЙИЛ 26 ЯНВАРЬ. №6 (196)

Хужум қилиб бораётган бўлинма жангчилари бирдан ерга ётиб олишга мажбур бўлдилар. Чунки ён томон тепаликдаги ДЗОТга ўрнатилган немис пулемёти кутуриб ўт ёғдираётган эди.

Хужумда ярим йўлда тўхтаб қолишдай ҳалокатли ҳодиса йўқлигини кўпни кўрган гвардия оддий аскарлари **Аваз Ортиқов** яхши тушунарди. Айниқса,

ҳозирги аҳволда бу ерда тўхтаб қолиш асло мумкин эмас. Бир томондан, жой сайхонлик, иккинчидан, атака маррасига етиш учун бир неча уч метр қолган, холос. Қандай бўлса-да фашист ўт очиш уясини емириш керак! Бир зумда шу фикр Ортиқовнинг вужудини ўраб олди.

– Ўртоқ командир, рухсат этинг, мен бориб фашистнинг ишини сарамжонлайин, – деди командирга мурожаат қилиб Ортиқов.

– Яхши, бирорта жангчини ҳам қаватингга ол, – деди командир.

– Менга яна иккита граната керак, холос, ўртоқ командир, бошқасини ўзим эплайман.

Ортиқов бир неча граната жойлаб, найзани винтовкага илиб қорни блан сурилиб илгарилаб кетди.



Қашқадарё область, Косон район,
Пўлоти қишлоқли капитан Терков
Дониёров.*

*Ишлатилган фотосуратлар архив материалларидан олинганлиги сабабли сифатсизроқ бўлиши мумкин

Командир ҳам, кўп жангчилар ҳам тишни тишга босиб Ортиқовнинг ҳаракатини диққат блан кузатиб турдилар.

Ҳеч сездирмасдан ДЗОТ тепасига борган Ортиқов найзани ўқталиб окопга шундай сакрадики, лаънати гитлерчи ҳатто «ох» дейишга ҳам улгурмади. Фашист пулемётининг овози абадий ўчди. Ортиқов ўз найзасини қора қонига беланган немиснинг гавдасидан суғуриб олмасданоқ шу окопда, сал нарида бўлган икки фашист унга қараб автоматдан ўт очди. Ортиқов окопда усталик блан ҳаракат қилди. Ва ғазаб блан автоматчилар устига шердек ташланди, бирини отиб ташлади, иккинчиси зўрға қочиб қутулди.

– Олга, ўртоқлар! – деб қичқирди немис окопидан бошини чиқариб азамат Ортиқов.

Бўлинма илгари босди. Жанговар топшириқ муваффақият блан бажарилди. Қўмондонлик ташаббускор ва жасур жангчи Аваз Ортиқовни III даражали «Шухрат» ордени блан мукофотлади.

Партия турмуши

ВАТАН УРУШИ БАҲОДИРЛАРИ ПАРТИЯ САФИГА КИРАЁТИРЛАР

Гвардия оддий аскари Дўсжонов биринчи даражали «Ватан уруши» ордени ҳамда «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган. У ўз ишини пухта эгаллаган ажойиб баҳодир йигит.

Жанглардан бирида немислар танки контратакага ўтиб Дўсжоновларнинг тўп расчётига ташланди. Гитлерчи автоматчилар расчётининг ён томонига суқилиб ўтдилар. Дўсжонов дарров уларни пайқаб қолди.

– Фашистларга қараб ўт очилсин! – деб команда берди Дўсжонов ва ўзи ҳам югуриб окопга тушди, винтовкани қўлга олиб немисларни ўққа тута бошлади. Дарҳол бундай зарба берилишини кутмаган гитлерчилар ерга ётиб олдилар. Шу пайт Дўсжонов қўлига бир неча граната олиб ўртоқларининг ўти ҳимоясида фашистларга яқин эмаклаб борди ва гранаталарни немислар устига ирғитди. Саросимага тушиб қолган гитлерчилар қоча бошладилар. Тўпчилар тўпни рўпарага олиб чиқиб қочиб бораётган немислар устига снаряд ёғдирдилар.

Иккинчи бир жангда немисларнинг танк контратакасини қайтаришга тўғри келди. Олдинда «тигр»лар келарди. Фашист танклари марраимизга ўпириб кирмоқчи эди. Лекин жасур совет артиллериячилари уларга қарши чиқдилар. Гвардия оддий аскарлари Дўсжоновлар расчёти биринчи бўлиб ўт очди. Қаттиқ жанг бир неча соат давом этди. Немислар заррача ҳам муваффақиятга эриша олмай, чекинишга мажбур бўлдилар. Жанг майдонида ёнган ва пачағи чиққан кўпгина фашист танклари қолиб кетди. Дўсжоновлар расчёти шу жангда уч «тигр»ни шикастлантирди. Жангдан кейин ВКП(б) аъзолигига кандидат этиб қабул қилинган орденли Дўсжонов олинди.

Сўнги кунларда Ватан уруши орденлари билан мукофотланган гвардия старший сержанти Хомяков гвардия старший лейтенанти Шевченко, гвардия сержанти Воронин ва яна кўп моҳир жангчилар ҳам партия сафига кирдилар.

Ўроқ Соломатин бўлинмасининг партия ташкилоти сўнги кунларда – хужум жанглари пайтида анча ўсди. Унинг қатори бўлинманинг фахри бўлган энг яхши кишилар – Ватан уруши қахрамонлари билан тўлмоқда.

Капитан И.Ўрмонов

РУС ТИЛИНИ ҚУНТ БЛАН ЎРГАНАЙЛИК

Мен Қизил Армия сафига чақирилганимда рус тилини билмаганим учун дастлабки пайтларда кўп қийинчиликларга учрадим. Шунга кўра мен рус тилини ўрганишга астойдил киришдим. Натижада ҳаракатим бекор кетмади. Мана ҳозир бўлса рус тилида анча раво сўзлашадиган бўлиб қолдим.

Менинг рус тилини ўрганиб олишимга нима ёрдам берди?

Мен биринчи кунданок артиллерияда хизмат эта бошладим. Тўп расчётимизда ёлғиз менгина рус тилини билмас эдим. Шунинг учун расчётимиздаги фронтдош дўстларим менга жиддий равишда кўмаклаша бошладилар. Мен уларнинг бу ташаббусларидан хурсанд бўлиб масалага янада кунт блан киришдим. Тўпнинг материал қисмларини ўрганишда, жангчилар билан ўзаро муносабатда, суҳбат ва машғулот пайтларида, бўш қолган вақтларимда рус тилида ўрганган сўзларимни машқ қилдим, янги-янги сўзларни ўзлаштиришга интилдим.

Авваллари ҳатто бир сўзни ҳам рус тилида гапиришга ботина олмас эдим. «Хато қиларман, бошқалар масҳара қилар», – деб ўзимдан-ўзим ҳадиксираб тортинардим, уялардим. Кейинчалик билсам, бу фақат зарарли нарса экан. Демак, рус тилини ўрганишга жиддий киришиш блан бирга рус тилида сўзлашишда ҳам дадил бўлиш, уялмаслик лозим.

Булардан ташқари, мен бир оз саводли бўлганим учун рус тилида чиқадиган газеталарни кўп ўқидим. Тушунмаган сўзларимни командиримдан ёки агитатордан сўрадим. Рус тилини билмайдиган ўзбек жангчиларига ёрдам тариқасида «Ватан шарафи учун» газетасида босилаётган машқ сўзлари эса бизга катта ёрдам бермоқда.

Рус тилини кунт блан ўрганиш ҳар бир ўзбек жангчисига сув блан ҳаводек зарур. Бунинг учун фақат жиддий ҳафсала ва чинакам ҳаракат керак, холос. Чунки Бутун Иттифок оқсоқолимиз ўртоқ Калинин айтганидек: «...Рус тилини билмай туриб армияда ишлаш мумкин эмас. Ҳарбий уставларимиз рус тилида тузилган, жанговар буйруқлар рус тилида ёзилади, командалар рус тилида берилади. Рус тили СССРдаги барча халқларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади».

Шуни унутмаслик керакки, айниқса, Ватан уруши шароитида рус тилини пухта ўргана бориш қўмондонлик томонидан олдимизга қўйилган жанговар топшириқни мувафақиятли бажариб, немисфашист босқинчиларни тобора каттиқроқ савалашга ҳар томонлама кўмак беради.

Гвардия қизил аскари Ҳайдар Мирзаев

1944 ЙИЛ 29 ЯНВАРЬ. №7 (197)

АЖОЙИБ МАРДЛИК

Иванов батареясининг тўпчилари немисларга катта офат етказётирлар

Артилериячилар ўт очиш позицияларини ускуналаб бўлдилар. Батарея командири Иванов ҳамма тўпларни бир-бир қараб чиқди, танкка қарши карточкалар тузилганини, чуқурлар қозилганини текширди.

Тўп расчётларидаги ҳар бир жангчи ўз вазифасини эпчиллик блан бажарди. Наводчи Бойчибеков тўпининг мўлжаллаш асбобларини қайта-қайта кўздан кечирди ва панорамани артди. Тўп командири Шишкин танкка қарши карточкани тузиб бўлди. Наводчи Бибулов эса маълум нуқталарга белгилар ўрнатди.

Тепамизда самолётчиларимиз – «Ильюшин»лар пайдо бўлди ва биздан сал нарига ўтиб фашистлар бошига ажал уруғларини ёғдирдилар. Бир оз ўтгач ўрмон олдидан немис танкларининг мотор овозлари эшитилди. Танклар йўл-йўлакай пулемёт ва тўплардан отиб тўғри келаверди.

– Олдинда келётган икки танкка қараб ўт очилсин! – деб команда берди батарея командири.

Икки снаряд отилди. Бир немис танки олдин ўз жойида гир айланди, кейин тўхтади ва буркираган тутун ичида қолди.

– Фашист танки ёнаётир, – деди қувониб Бойчибеков. У тезлик блан ўз тўпини иккинчи «тигр»га тўғрилаб отди. Снаряд танкка тегди-ю, сачраб кетди. Брок Бойчибеков бўш келмади. У «тигр»ни кетма-кет ўтга тутаверди ва уни шикастлантирди. Сал ўтмай азамат наводчи яна бир танк ва бронетранспортерни пачақлади.

Жанг қизиқ турганда бошқа «тигр» Бойчибековга жуда яқин келиб қолди. Буни кўрган Бибулов ўз ўртоғига ёрдам беришга шошилди. У бир неча снаряд отиб танкка шикаст етказди.

Жасур Иванов батареясининг мард тўпчилари шу жангда немисларнинг 4 «тигр»ини, 3 ўртача танкини, икки бронетранспортерини шикастлантирдилар ва ёндирдилар ҳамда 4 тўпини яқсон қилдилар.

Гвардия старшинаси Г.Книшев

ҲУЖУМ ЖАНГЛАРИ ВАҚТИДА АГИТАЦИЯ

Мен жангчилар ўртасида агитация ишларини олиб боришда шу кунги жангда маҳорат кўрсатган қаҳрамонлар тўғрисида кўпроқ жонли мисоллардан фойдаланаман. Эртага эса янги топшириқлар берилади, янги қаҳрамонлар пайдо бўлади. Бу материаллар қуйи агитаторлар учун етарлиқдир.

Бутун ҳужум тўғрисида буйруқ бўлдим, мен жангчилар блан кўпроқ ҳужум тўғрисида, жанговар топшириқни жону дил блан ба-жариш тўғрисида суҳбатлашаман. Қўлга киритилган маррада мустаҳкамланиб олиш тўғрисида буйруқ бўлса, жангчилар блан қон тўкиб олинган маррани душман йўлламайдиган кўрғонга айлантириш учун нималар қилиниши кераклиги ҳақида сўзлашаман.

Ҳужум пайтида пулемётчи Динего фашистларга қарши мардона жанг қилди. Автоматчи Сверьков граната блан душман бронемашинасини портлатди ва автоматдан ўқ ёғдириб кўп гитлерчиларни ер тишлатди. Жангдан сўнг мен ўз отделениямга бориб бу икки жангчи ҳақида сўзладим.

Душман контратакасини қайтаришга тайёрланаётган пайтда оддий аскар Мамедов ўз окопини ёмон қазиди. Натижада бир соат ўтмай окоп қулаб тушди. Қизил аскар Мирзаев бўлса окопни қозиш, уни маскировка қилишда бошқаларга ўрнак бўларли иш қилди. Мен жангчиларга мана шу икки ёрқин мисолдан қандай хулоса чиқариш тўғрисида сўзладим.

Бундан ташқари, мен ҳар доим рус бўлмаган миллат жангчиларига газеталар ўқиб бераман.

Мен жангчиларнинг манфур душманга нисбатан ғазаб ва нафрат ўтини тобора аланга олдириш учун астойдил ишлаётирман.

Агитатор сержант А.Маҳкамов

АВТОМАТ – ИШОНЧЛИ ҚУРОЛ

Мен урушнинг бошидан буён Ватан уруши фронтидаман. Қарга борсам, ишончли дўстим – автомат мен блан бирга. У жуда кўп марта менинг ҳаётимни сақлаб қолди. У блан мен кўп фрицларни ер тишлатдим.

Яқинда бир аҳоли пунктида бўлган ҳужум жангида икки немисни ўлдирдим. Бошқа кишлоқ учун бўлган жангда ҳам автоматим блан бир неча фашистларни қирдим ва 4 тасини асир қилиб олдим.

Автомат, айниқса, кўча жангларида кўп иш беради. Бунини мен ўз тажрибамда синадим. Бир куни контратака қилган бир группа немис автоматчилари кишлоққа суқилиб кирди. Ўша вақтда мен ва яна бир автоматчи патруллик қилиб юрган эдик. Фашистларни кўришимиз

блан автоматларимиздан қаттиқ ўт очиб уларнинг йўлини тўсдик. Бирпасда мен уч немисни ўлдирдим. Шеригим ҳам бир неча гитлерчани қириб ташлади. Натижада немислар мақсадига эриша олмади.

Мен автоматимни ҳар доим яхши сақлаганим ва эҳтиёт қилганим учун у истаган пайтда тўхтовсиз ишлайверади. Рус автомати – ишончли қурол.

Қизил аскар Халил Исмоилов

ҚУРОЛНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШ КЕРАК

Совет қуроллариининг даҳшатли кучини немис-фашист босқинчилари жуда кўп марта синаб кўрдилар. Совет қуроли, айниқса, ҳозир гитлерчи босмачиларнинг узил-кесил ҳалокат соатини яқинлаштирмоқда. Аммо ўз қуролини кўз қорачиғидай сақловчи кўпчилик жангчилар блан бир қаторда бу масалага жинойткорона қаровчилар, яъни Ватан ишониб топширган қуролни ёмон сақловчилар ҳам йўқ эмас. Улар ўз қўлларидаги қуроллариини вақтида тозаламай, мойламай шундай ҳолга тушириб кўядиларки, натижада қурол жанг пайтида яроқсиз бўлиб қолади. Ҳолбуки, қурол жанг пайтида ишламай қолса, оқибат нима бўлиши ҳаммага маълум.

Мен яқинда старший лейтенант ўртоқ Мацигин бўлинмасининг ўт очиш позицияларида бўлдим. Оқоқда ефрейтор Тўлаев постда турарди. Унинг автомати ярқираб турибди. Қисмлари худди соат механизмидай ишлайди. Ефрейтор Тўлаев истаган минутда ўз автоматидан ўт очишга тайёр. Оддий аскар Шоназаров ҳам унинг қаватида турибди. Унинг 2856 номерли винтовкасини занг босган. Майда қисмлариининг орасига қум тўлган. Мен винтовканиннг затворини куч блан зўрға очдим. Бунинг устига, винтовка ўқланмаган. Постда турган оддий аскар Қўчқулиевнинг ҳам винтовкаси шу аҳволда.

Шоназаров ва Қўчқулиевларнинг ёнларидаги артиллериячилар ўз тўплариини тез-тез тозалаб турганлариини кўпинча кўрадилар. Лекин ўзлари дангасалик қилиб қўлларида занг босган винтовкалариини ушлаган ҳолда оқоқда хотиржам ўтираверадилар.

Шу бўлимдаги снайпер Малишевнинг винтовкасини кўрган кишининг ҳаваси келади. Унинг ҳамроҳи снайпер Пармоновнинг вин-

товкасига эса одамзод қараб бўлмайди, ҳаддан ташқари кир босган ва занглаб кетган.

Бу аҳвол чидаб бўларлик эмас. Брок взвод командири Белоусов ўз жангчиларининг қуроллари шу аҳволда бўлиб келишидан тегишли хулоса чиқармаган.

Кимки ўз қуролини кўз қорачиғидай асрамас экан, у ўз ҳаётини ва ўртоқлари ҳаётини кадрламайди ва умумий ишимизга зарар етказди.

Жангчи! Сенинг кучинг қуролда эканлигини унутма! Уни ҳар куни пухта ўрган ва уни кўз қорачиғингдай асра!

Капитан И.Зеленшиков

1944 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛЬ. №8 (198)

ГИТЛЕРЧИЛАРНИ СТАЛИНГРАДЧАСИГА САВАЛАЙМИЗ

Сталинград ҳар бир рус кишисининг қалбида муқаддас ва унутилмас бир сўз бўлиб қолди. 1942 йилнинг кузида Сталинграднинг поёнсиз чўлларида Ватанимизнинг тақдири ҳал қилинди. Инсоният тарихида мисли кўрилмаган бу улуғ жангларнинг боришини бутун мамлакат ва бутун олам ҳаяжон блан кузатиб турди. Фашистлар Европада иккинчи фронтнинг йўқлигидан фойдаланиб Сталинградга ўзларининг танланган дивизияларини ва бутун техникаларини ташладилар. Гитлерчилар тез фурсатда ғалаба қозонишга умид боғлаб, бизни тор-мор қилиб, буюк рус дарёси Волгага ғарқ қилиб юбормоқчи бўлдилар. Аммо уларнинг бу хаёллари пучга чиқди. Совет аскарлари душманнинг йўлини тўсди. Улар матонат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, душманга қарши мардлик ва ботирлик блан курашдилар.

Жанг кечаю кундуз давом этди. Тўпларнинг даҳшатли гулдураши, миналарнинг чийиллаб учиши, бомбаларнинг портлаши, пулемётларнинг тариллаши, автоматдан ўқ отиш сра тўхтамас эди. Қисқаси, кураш жуда оғир эди. Совет аскарлари жонларини аямай

курашдилар. Кўкракларини қалқон қилиб, гавдалари блан душманнинг йўлини тўсдилар. Аммо ўз марраларидан асло чекинмадилар. Чунки чекиниш учун жой ҳам йўқ эди, орқа томонда Волга, Москва, жонажон Ватан турарди. Волга соҳилидаги мустаҳкам кўрғонни мудофаа қилаётган ҳар бир жангчи бир қадам ҳам орқага чекинилмасин деган сўзнинг маъносини яхши тушунарди. Шунинг учун улар бу буйрукни – ўз халқининг иродасини шараф блан бажардилар.

Мен Сталинград жанглариининг иштирокчиси бўлганим учун у тарихий кураш кунларини ҳеч қачон унутмайман. Кунларнинг бирида менинг позициямга 28 немис танки атака қилиб келаверди. Мен дадиллик блан жангга киришдим. Фашист танкчилари совет тўпларининг ўтига бардош беролмади. Гитлерчилар жанг майдонида пачақланган бир неча танкларини қолдириб чекинишга мажбур бўлдилар. Иккинчи танк атакасида ҳам душман ўз муддаосига етолмади. Пяти Курган районида 12 немис танки тунда икки марта расчётимизга атака қилди. Биз ҳар сафар уларни яқин келтириб тўғри наводка блан қаттиқ зарбага учратдик. Шу тунги жангда мен икки фашист танкини ёндирдим ва иккитасини шикастлантирдим. Душман маррамиздан нарига ўтолмади.

Бундан бир йил бурун Сталинград ёнида бўлган тарихий жанглар рус қуролининг шуҳрати блан тамом бўлди. Армия 300 минг кишилик танланган фашист армиясини темир халқа блан қуршаб олиб, уни батамом тор-мор қилиб ташлади.

Биз – сталинградчилар ҳозир немисларни ғарбга томон куни-туни қувиб бормоқдамиз. Гитлерчилар Киевда, кекса Днепрнинг ўнг қирғоғида мустаҳкамланиб қолишни ўйлаган эдилар. Лекин уларнинг бу ўйлари ҳам пучга чиқди. Биз Днепрни кечиб ўтдик, Украинанинг пойтахти жонажон Киевни, Житомирни ва яна кўп шаҳарларни озод қилдик.

Немислар ҳозир ҳам бизнинг илгари силжишимизни тўхтатиш учун ўзларининг кўплаб танкларини жангга ташлаётирлар. Қаттиқ жанглар давом этмоқда. Совет жангчилари бўлса худди Сталинград бўсағаларидагидек мардона жанг қилиб душманни тобора ҳолдан тойдирмоқдалар, унинг техникаси ва жонли кучларини шафқатсиз яксон қилмоқдалар.

Биз қаттиқ курашларда чиниқдик, фашистларни беҳато янчишни ўргандик. Биз – сталинградчилар ўзимизнинг жанговар традициямизни бутун совет ери бўйлаб элтамиз ва шу традиция асосида гитлерчи каллакесарларни узил-кесил тор-мор этиш соатини яқинлаштирамыз.

Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Бўтабой Содиқов



Совет Украинасини гитлерчи босмачилардан ўзод қилиш жанглирида мардона курашаётган ўзбек йигитларидан бири – танк бўлинмасининг командири орденли младший лейтенант Нуғмон Фуломов ва танк ҳайдовчиси

МАРРА МАҲКАМ УШЛАНДИ

Тактика жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган В. аҳоли пунктидан суриб чиқарилган душман уни қайтариб олиш учун жон-жаҳди блан тиришди. Гитлерчилар кун бўйи бир неча марта шиддатли контратака қилиб, танкларини ҳам жангга ташладилар.

Аммо капитан Торчинский бўлинмасининг жангчилари қўлга киритган марраларини маҳкам ушладилар. Аламзада душманнинг қутуриб қилган контратакалари ҳам уларнинг руҳини синдирилмади. Бу аҳоли пунктини гитлерчилардан озод қилишда рус, украин ўртоқлар блан бир қаторда рус бўлмаган миллат жангчилари ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Атака вақтида взвод командири младший лейтенант Иброҳим Ҳасанов ва унинг жангчилари аҳоли пунктига биринчи бўлиб бостириб кирдилар. Шунингдек, коммунист Умаровнинг жангчилари ҳам ҳужум пайтида ва душман контратакаларини қайтаришда зўр маҳорат кўрсатдилар.

Лейтенант Ф.Муродов

1944 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ. №13 (202)

Таниқли рус ёзувчиси П.Павленко «Красная звезда» газетасида «Эргаши Нуртабоев» номли публицистик мақоласида бу оддий жангчининг мисолида бутун ўзбек халқи ва унинг фашизмга қарши кураши жабҳасига тортилгани, ўзбекларнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларини ҳақида фикр юритган. Бу мақола ўзбек тилидаги «Ватан шарафини учун» газетасида рус тилидан ўзбек тилига ўгирилиб берилган. Уни айнан келтирамиз:

«Ўзбек ўз табиати билан қурчи. У сув чиқариш учун ўз юртининг қир-далаларида бир неча юз йиллар давомида асаларидай тинмай меҳнат қилиб келди. Ўзбекда сув орзуси бахт орзуси эди. Аммо бахт ҳамма вақт кам эди, сув танқис эди. Ўзбекнинг бутун ҳаёти сув учун машаққат билан ҳолдан тойиб, тинимсиз курашдан иборат. Ўзбек ўз қўшиқларида сувни орзу қилади, сувни тушида кўради.

Сувни кўриқлаш, сув бериш, ариқларни тозалаш, сувни авайлаб дала ва боғ-чорвоғларга қўйиш – ўзбекнинг бутун фикри-зикри, бутун қувончи мана шундан иборат.

Беш йилча бурун, немислар Европада уруш бошлаган чоғда, ўзбеклар сув учун, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган улкан каналлар қуриш учун жуда ғалати юруш бошладилар. Юз-юз мингларча кишилар театрлари, мактаблари, омонат кассалари билан қаноллар бўйига чиқишди.

Иш Фарғондан бошланди. Тарихга қанча саҳифа ёзилган бўлса, шунча поэзия ҳам бўлади, қанча канал қурилган бўлса, шунча халқ байрами ҳам бўлади.

Ота-боболарнинг асрлар бўйи қилган меҳнатлари заминида ажойиб боғлар, пахта далалари, узумзорлар, тутзорлар чаман бўлиб ёйилиб кетди. Қир-даштларда қорақўл кўйлари ўтлаб маъраб юришади. Тоғларда шахталар, рудниклар очилди. Ўттиз йилча муқаддам саноати бирдан-бир дўппидўзлик ишхонасидан иборат бўлган шаҳарларда заводлар пайдо бўлди. Шундай заводлари бўлганда Еврупонинг ҳар бир мамлакати ҳам керилиб кетар эди, лекин ҳаммада ҳам шундай нарса бўлавермайди.

Меҳнатпараст ва ўйин-кулгига ишқибоз бўлган ўзбек жуда кўп вақтдан буён жанг қилган эмас эди. Унинг уруш кўрмаганига шу қадар кўп вақт бўлган эдики, ҳатто жанглар тўғрисида афсоналар, дostonларда ҳам урушни аниқ тасаввур қилолмас эди. Ота-боболарининг ўтмишда қилган жангларида қолган анъаналар суюк, хира. Жанг тажрибаси эса йўқ эди.

Ватан уруши ўзбекларни тўлқинлатиб юборди, уларни Украина саҳроларига, Терек ва Кубань қишлоқларига, Сталинград ёнига йўллади. Ўзбеклар янги касбни ўрганиши, қаттиқ пайсалга солиб бўлмайдиган уруш мактабидан аскарлик хислатларини топиши ва сингдириб олиши керак эди.

Бу мактаб осон бўлмади. Унинг собоқлари қийин бўлиб, дарровгина ўрганиб олиш мумкин бўлмади. Эргаш Нуртабоев бутун иродасини йиғиб, ор-номус блан бу собоқларни ўрганди.

У кучли киши эди ва бошқалардан кам бўлишни истамас эди. Ҳарбий турмуш, овқат, об-ҳаво, солдатлик кийим-кечаги ва ҳатто қаторда туриб ашула айтиш каби нарсалар унинг учун тамоман янги нарса эди. Буларнинг ҳаммаси онадан янги туғилиб кўргандек янги ва қийин бўлса-да, снарядлар гумбурлаши остида, походларда ва олишуларда уларни ўрганишга, уларга кўникишга тўғри келди.

Унга бир неча марта бу мактаб жуда оғирдек, унга куч етмасдек бўлиб туюлди. Баъзан унинг хаёли паришон бўлар ва ўртоқларининг орқасида қолар, гўё юраги сўнгги марта ургандек бўларди. Кечалари тушига Ўзбекистон кирарди. Хаёл уйга қараб тортарди.

Лекин вақт ўтиши блан Эргаш Нуртабоевда аскарлик хисси уйғонди. Унга уруш санъати аён бўлиб қолди. У урушга ишқовз бўлиб қолди, унинг бирон жанговар ишини айтиб махтаганларида у бу мак-

ташни ўзининг бутун халқи учун – аср-асрлардан буён ўтган тарихий ҳаётида биринчи марта немисларни ураётган ўзбек халқи учун деб қабул қилди. Немисларни руслар, украинлар, беларуслар уриб келганлар, ўзбеклар эса биринчи марта Ғарбга қараб юрмоқдалар. Улардан бу урушда жанг қилганларнинг ҳар бири ўз мамлакатининг эски солдати эди, буларнинг орасида катта-кичиги йўқ эди.

Вақт ўтиши блан Нуртабоев ҳам сталинградчи бўлди. У расмий сабабларга кўра ёки шу шаҳарни мудофаа қилишга тушиб қолганлиги учунгина эмас, балки табиати, шафқатсизлиги, матонати ва жанг қилиш маҳорати туфайли сталинградчи бўлди.

Унинг бақувват қўллари қуролни ҳар мақомга соларди. Говдаси чакқон ҳаракат қилади. У ўт остида тезлик ва чакқонлик блан югириб ўтишни ўрганди, у немисга нисбатан ўзида нафрат йиғди ва ҳеч қандай хавф-хатардан қўрқмай бу нафратини забти блан ишга солди. Эргаш унинг ўзи немисга хавфлироқ эканлигини пайқади. У ўз қадрига етди ва керак вақтда лаънати фришларга ўзининг бутун нафратини, ғазаб ўтини ёғдириб, Сталинград ёнида Эргаш Нуртабоев ўқчи отделенияга раҳбарлик қилиб, бир неча миллат жангчилари орасида бош бўлди ва унга ёқиб тушди. У унинг меҳнатсевар ва мағрур халқи биринчи марта ўрганган нарсани ўрганиб олганлигини тушунарди. Шунинг учун ҳам у ўзининг командир бўлганлигини ва ер юзида энг улуғ номни тақиб юрган катта шаҳарни мудофаа қилаётганлигини уйдагиларига билдиргиси келарди.

У энди урушдан кийинроқ ва ундан фахрлироқ нарса йўқлигини яхши биларди. Ботирлик кўрсатишни у тушларида кўриб чиқарди. У немисни кўриб қолса бас, қўлдан келган ҳамма нарсани қиларди. Немиснинг афти-ангори унинг ғазабини кўзғатарди.

Сталинград ёнида жанг бўлаётган кунларнинг бирида Нуртабоев отделенияси немис окопларининг биринчи линиясига атака қилиши лозим эди. Ҳамма вақтдаги сингари Эргаш бу сафар ҳам биринчи бўлиб сургалиб борди ва биринчи бўлиб немис окопига ташланди.

У ўз олдида тирик жонзотни кўрмади ва унинг траншея муюлишидан пайдо бўлишини ҳам кутмади. Унинг ўзи хавфга югирди. Эргаш муюлишга югуриб борган чоқда отаётган немис кўриниб қолди. Ўқ Эргашнинг пилоткасини бошидан учириб юборди ва сочини

куйдирди. У дарғазаб бўлди, бақириб немисга ташланди. Найза немиснинг гавдасини тешиб ўтиб окоп деворига ҳам кириб кетди.

Йиқилган немис офицери орқасидан яна иккитаси кўринди ва шу холда туриб найзани юқорига қараб ўхталди бир, икки. Яна нарироққа югирмоқчи эди, лекин окоп тугади. Ёш жангчи шу блан вазифа бажарилган деб ҳисоблаб, ўтириб чекишни истарди. Лекин уруш бормоқда эди, рота ҳали жанг қилаётган эди, шовқун-сурон ва олишу ҳаракатлари унга тиним бермас эди.

Эргаш окопдан секин бошини чиқариб қаради. Уни юзи олдидан ўқлар визиллаб ўтди. У кўрмади, лекин хаёлига келтирди: пулемёт. Унинг овозидан ўрнини белгилади: иккинчи линиядаги окопдан туриб ерга ётиб олган ва бирин-кетин жангчилардан ажралиб, зўрға илгари сурилиб бораётган кўшни отделенияга қараб отмоқда.

Эргаш сакраб бурествер тепасига чикди ва жадал блан сурғалиб иккинчи линиядаги окопга ташланди. У ҳали бизникилар ишғол қилмаган алоқа йўлига тушиб олиб, югирганича пулемёт уясининг орқасига ўтиб борди. У пулемётчининг худди елкасидан бориб чикди. У ёқ-бу ёққа қарашга ва бошқаларнинг қаерда эканлигини ўйлашга ҳам вақт йўқ эди. У бора солиб наводчи немисга найза санчди, санчганда ҳам шундай санчдики, найзанинг учи пулемётга бориб синди ва Эргашнинг ўзи ҳам йиқилди.

Шу вақтда юқоридан икки немис Эргашга ташланди. У немисни кўриб қайтармоқчи бўлди, лекин бўлмади, яна йиқилиб чеккароққа сурғалди ва кўндоқни ушлаб у ёқ-бу ёққа силкиди. Унинг қўли кўндоқ икки нарсага бориб текканлигини сизди. Худди электр токи ургандай бўлди. Эргаш шундан кейин нариги ўқ чикаётган томонга қараб югирди.

Иккинчи линиядаги окоп ҳам тугади. Эргаш олдида нима борлигини билмаса ҳам, окопдан сакраб чикди ва учинчи линиядаги окопга тушди. Тушган ҳамон оёқ остида немисми, ерми бўлишига қарамай, кўндоқ блан ураверди.

Уч немис ён томонга ўтиб олди. Иккитаси турган жойида қотиб қолди, учинчиси Эргашни ярадор қилиб қочди. Эргаш окоп деворларини ушлаб, хориган ва яраланганлигидан ҳар томонга чайқалиб қочган немиснинг орқасидан қува кетди.

Окопда жуда кўп курол-аслаҳа ётарди. Лекин улардан биронтасини танлаб олишга Эргашнинг вақти йўқ эди. У ўзининг винтовкасининг стволидан ушлаб югираверди ва яна окопнинг охирига бориб етди. Окопдан сакраб чиқди ва тўртинчи линиядаги окопга тушаман деганда ярасини боғлаш учун ўртоқлари тутиб қолди. У менга халақит берманг деб уларни итариб ташламоқчи эди, лекин сўнгра жанг тамом бўлганини аранг пайқади.

Эргаш ишонмади ва жанг бўлган жойни ўзи кўздан кечириб чиқди. Сўнгра ковоғини солиб, тўнғиллаб сўкиб, «ўз немислари»ни кўргани кетди. У бу немисларни қандай қилиб ўзининг қўли остига тушиб қолганлигини анча вақтгача билолмади ва бўлган воқеани унга айтиб берганларида у қаҳқаҳа уриб кулди.

– Фурсатни кўлдан бермадик! – деди у ғурур блан.

Ватан уруши йиллари урушни кўрмаган халқдан салкам уч йил ичида мана шундай солдатларни вояга етказди. Эргаш Нуртабоев бўлса урушнинг улуг мактабини шараф блан тугатган ягона ўзбек эмас.

Ўзбекларнинг зарбини немислар асло эсдан чиқармайдилар.

КОММУНИСТ АБДУЛЛАЕВ АВАНГАРД

Коммунист Абдуллаев офицер ўртоқ Самарин бўлинмасидаги энг моҳир, довиорақ ва матонатли гвардиячи тўпчилардан бири.

Яқиндаги жангда душманнинг катта кучлар блан қилган контратакаси мувафакқиятли равишда қайтарилгандан кейин бўлинмада партия мажлиси бўлди. Мажлисда коммунистларнинг жангдаги роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу мажлисда сўзлаганлардан бири – ўртоқ Зуев Абдуллаев тўғрисида шундай деди:

– Биз жанг майдонида ҳар доим коммунист Абдуллаев блан тенглашишимиз керак. Абдуллаев ботир аскаргина эмас, шу блан бирга, ажойиб агитатор ҳам. У жангчилар ҳарбий техникани пухта эгаллаб олишлари ва расчётидаги бирор киши сафдан чиқса, дарҳол унинг ўрнини боса бишлишларига эришиш йўлида ҳамма вақт астойдил ҳаракат қилиб юради.

Ҳаммамиз биламизки, қизил аскар Рибалко бўлинмамиздаги энг қолоқ жангчи эди. У ўзининг ҳарбий билимини орттиришга, тўпни ўрганишга бепарволик блан қарарди. Абдуллаев Рибалконинг бу ҳол-

да қолаверишига йўл қўймади. Ўзининг бўш вақтини у блан ўтказди. У блан тез-тез сухбатлашди. Жангда бепарволарнинг шўри қуришини унга ёрқин мисоллар блан сўзлаб берди. Рибалко Абдуллаевнинг ўртоқларча ёрдами ва насиҳатларидан ўзи учун тегишли хулосалар чиқарди. Мана ҳозир Рибалко ўз расчётида аълочи жангчилардан ҳисобланади. У тўпнинг материал қисмларини яхши ўрганди. У энди ўзининг асосий иши наводка қилишдан бошқа касбларни ҳам билади. Жангларда эса мардлик намуналарини кўрсатмоқда. Қўмондонлик уни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

НЕМИС ПУЛЕМЁТ РАСЧЁТИ ЯКСОН ҚИЛИНДИ

Немис оғир танки бронебойшиқ Жоникай Туманалиевга қараб келаверди. Иккинчи томондан эса душманнинг ўт очиш нуқтаси Туманалиевнинг окопига ўт сочиб турди. Ботир жангчи чўчимади. У, энг аввал, ўз бронтешаридан немис танкига қараб даҳшатли ўт очиб уни қайтиб кетишга мажбур этди. Сўнгра Туманалиев душманнинг ўт очиш нуқтасига қараб узлуксиз ўт ёғдира бошлади. Бирпас ўтмади, душманнинг ўт очиш нуқтаси ҳам жим бўлиб қолди ва унинг бутун расчёти кириб ташланди.

Довюррак қизил аскар – ўзбек Жоникай Туманалиев жангларда душманга қарши мана шундай курашмоқда.

Қизил аскар С.Алиев

МИРЗА РАСУЛОВНИНГ ЎҚИ БЕКОР КЕТМАДИ

Траншейда турган старший сержант Мирза Расулов икки немиснинг ўз блиндажидан чиқиб бир томонга югираётганини кўриб қолади.

Бундай қулай фурсатни қўлдан бермаслик керак эди. Мирза Расулов дарров винтовкасини қўлга олди, мўлжаллади ва ўқ узди. Фрицнинг бири ағдарилиб тушди. Иккинчиси эса маккорлик қилмоқчи бўлиб ерга ётди ва бекинди.

Бирмунча вақт ўтгач гитлерчи секин тура бошлаган эди, Расулов уни ҳам жаҳаннамга юборди. Мирза Расулов ҳақиқатан мерган.

Ефрейтор С.Комилов

ГВАРДИЯЧИЛАРИМИЗГА

*Салом сизга, ватандошлар, мард ҳамшаҳарлар,
Қутлуқ бўлсин ҳаммангизга улуг фахрли ном.
Қутлуқ бўлсин доҳий ўзи топширган байроқ,
Оталардан, оналардан, дўстлардан салом.
Сиз, асллар, тугилгансиз шараф-шон учун,
Памир бўйлаб лочин каби учгансиз отда.
Фарғонада дарёдан зўр канал қазгансиз,
Зафар поннинг олтини бор сизнинг қанотда.
Букун жангда қилар экансиз ёвни яксон,
Найзангиздан учар экан душманлар боши.
Минг ваҳшийни тўғрар экан ҳар қиличингиз,
Шод бўламиз яқин келиб энгу қўёшни.
Баҳодирлар яшасин деб қувонади эл,
Қиз-келинлар ботиришимиз соғ бўлсин дейди;
Саҳар туриб тилак тилар ота-оналар,
Кўкраклари орден тўла тоғ бўлсин дейди.
Қани, шерлар, олга ҳамон, ғалаба томон!
Душманларни даҳшат блан қувинг беаёв.
Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон,
Ўзбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв!*

Ҳамид Олимжон

ШАХСИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Довжурак Тошмаҳаммат Жонбоевнинг донғи Ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб ҳаммаёққа ёйилган. У Ватан олдида ва совет халқи олдида ичган қасамини жон-дили блан бажармоқда. Жонбоев гитлерчиларни Калинин шаҳри ёнида ҳам, Старий Осколда ҳам ва муқаддас Киев бўсағаларида ҳам аёвсиз савалади. Ҳозир эса у фрицларни Ўнғқирғоқ Украинада дўппосламоқда. Ватанпарвар Жонбоев икки марта ярадор бўлиб, яна сафга қайтиб келди.

Жонбоев кейинги ҳужум жангида ҳам ҳар сафаргидек атака қилу-чиларнинг олдида борди. Немислар пулемёт ва автоматлардан қаттиқ ўт очди. Улар совет баҳодирларининг илгари силжишини тўх-

татмоқчи эди. Душманнинг бу уриниши Жонбоевнинг юрагида ғазаб ва нафрат ўтини аланга олдирди. У қўлига бир неча граната ушлаб душманга томон эмеклади. У ҳар секундда муқаррар бўлган ўлим хавфини писанд қилмай душман окопларига жуда яқин бориб, кетма-кет граната ирғитди. Душман ўти сусайиб қолди. Рота жангчилари бу қулай фурсатдан фойдаланиб ҳал қилучи штурмга кўтарилдилар. Фашистларга катта талофат етказилиб, улоқтириб ташланди. Жонбоев ўзининг мана шундай шахсий жасорати блан ғалабани таъмин этди.

Гвардия сержанти Кротенко

Ўзбекистондан хат

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Яқинда «Меҳнат Қизил байроқ» орденли Сталин номли Чирчиқ электрохимия комбинатининг иккинчи навбат цехлари ишга тушиб биринчи саноат маҳсулотини берди.

Сталин номли комбинат, Чирчиқ қурилиши бинокорлари, «Химмонтаж», «Электромонтаж», «Сантехстрой», «Теплоконтроль» ва «Теплоизоляция» монтажчиларининг коллективлари ўртоқ Сталиннинг тарихий доклади ва Қизил Армиянинг қаҳрамонона ишларидан илҳомланиб, ишлаб чиқаришда ажойиб ғалабага эришдилар.

Бу эса улуғ ватанимизнинг мудофаа қувватини янада кучайтириш ишига қўшилган катта мададдир.

СИРДАРЁ КАТТА ИЗДА

Шу йил январь ойининг бошларида Сирдарёга тош тўғон солиниб бўлди.

Дарёнинг бутун эни тош тўғон блан бўғилди. Сирдарёнинг ҳамма суви янги издан оқа бошлади.

Тўғонга 20 минг кубометргача тош ётқизилди. Дарёни янги изга буриш ишлари жуда қийин шароитда, доимий шамол ва изғирин остида қилинди.

Колхозчилар, Фарҳод ГЭС курилишининг қатнашчилари ва бутун бинокорлар коллективи мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатдилар ва муҳим топшириқни муддатидан олдин бажаришга бўлган мустаҳкам иродаларини намойиш қилдилар. Сирдарё белгиланган вақтдан олдин янги изга оқизилади.

ҚАСАМ ТЎҒРИСИДА СУҲБАТ

Гап совет аскарининг ботир, моҳир ва чидамли бўлиши кераклиги масаласига бориб етганда агитатор ўртоқ Корнеев жангчиларга она Ватан олдида ичган муқаддас қасам тўғрисида эслатиб ўтди.

– Ботир, моҳир ва чидамли бўлиш, – деди агитатор, – бизнинг бурчимиз. Чунки биз совет халқи олдида: «... Ишчи Дехқон Қизил Армиясининг аскари сифатида душманлар устидан тўла ғалаба қозониш учун ўз қонимни ва жонимни ҳам аямасдан мардлик, моҳирлик блан, муносиб равишда ва шон-шараф блан Ватанимни ҳимоя қилишга қасамёд қиламан», – деб онт ичганмиз.

– Ўз Ватанимни муносиб равишда ва шон-шараф блан ҳимоя қиламан деганнинг маъноси нима?

Агитатор бу саволга жавоб бера туриб жангчиларга бўлинмадаги қаҳрамон – коммунист Сергеев тўғрисида сўзлай кетди.

... Жанг қизиб борар эди. Бир гала маст-аласт гитлерчилар бўлинмамизга контратака қилиб қолди. Флангда ўз станокли пулемёти блан большевик Сергеев турарди. Немислар бир неча танк ҳимоясида тобора яқинлашиб келавердилар. Сергеев фашистлар устига дўлдек ўт ёғдирди. Немис танклари дархол унга қараб бурилдилар ва йўл-йўлакай тўп ва пулемётларидан отиб шиддат блан келавердилар. Сергеев шунда ҳам асло ҳайикмай, балки қазабланиб ўз пулемётининг ўтини кучайтирди. Қаҳрамон бир неча ўнлаб гитлерчиларни ер тишлагди. У мутлақо чўчимади ва шу тенгсиз жангда мардона ҳалок бўлди.

– Бу мардлик, матонат ва моҳирликнинг ёрқин мисолидир, – деди ўз суҳбатини тамомлай туриб агитатор. – Биз ҳам ўз онтимизни коммунист Сергеев сингари бажарайлик, биз ҳам Ватанимизни қаҳрамон жанговар дўстимиз Сергеев севгани сингари севайлик. Ўз халқимизга сўнги нафасимизгача содиқ бўлайлик.

Гвардия оддий аскари Ашуров

БАҲОДИРЛАР ЗАРБАСИДАН ДУШМАН ТИТРАДИ

Гвардия старший лейтенанти Гасаннинг автоматчилари танклардан душманнинг ён томонидан айланиб ўтиб, катта аҳоли пунктига ўпириб кириш тўғрисида жанговар топшириқ олдилар.

Сал ўтмай устига автоматчилар ўрнашган танклар атакага ташландилар. Немислар автомат ва пулемётлардан қаттиқ ўт очди. Танклардан бирида ўтирган кузатучи Зоиров экипажга: «Йўлнинг ўнг томонида душманнинг уч пулемёти бор», – деб хабар қилди. Танкчилар шу оннинг ўзида кучли ўт очдилар. Бир оздан сўнг фашист пулемёт группаси писиб қолди.

Фурсатни ўтказмай танклар ичкарилаб бораверди. Мана, душман ўт очишни кучайтирди. Танклар атрофида сон-саноксиз мина ва снарядлар портлай бошлади. Шунинг учун автоматчилар дарров танклардан сакраб тушиб, дам эмаклаб, дам югириб илгари силжидилар. Душман мудофаасининг олдинги доирасига озгина қолганда севикли комрота старшина Михаил Куриннинг «Оғайнилар, менинг орқамдан, олға, «ура!» деган овози янгради. Далани «ура» садоси босди.

Комсомол аъзоси Пронин биринчи бўлиб немис траншейига бостириб кирди ва дастлаб рўпара келиб қолган немис офицерини автоматда отиб ағдарди. Кейин йўғон гавдали бир фрицга ташланди. Чаққонлик блан ҳаракат этиб уни чалиб ағдарди ва автомат кўндоғи блан уриб миясини қатиғини чиқарди. Баҳодир Пронин шу траншея жангида 12 гитлерчини ўлдирди.

Рота парторги Дорогин ўз пулемётини очик жойга олиб чиқиб, қочиб бораётган немис автоматчилари устига дўлдай ўт ёғдирди. У 32 фашистни қириб ташлади.

Гвардия сержанти Иброҳимов ҳам шердек олишди. У 12 немис бўлган траншеяга ёлғиз ўзи бостириб борди. Тор траншеяда баҳодир Иброҳимов кўндоқ ва ханжар блангина ҳаракат қилди. Уч фашист унга ташланган эди, Иброҳимов ўз ханжари блан учала босмачининг ҳам ичак-чавағини ағдарди.

Танкларимизнинг ўти остида автоматчилар аҳоли пунктига ёриб кирдилар. Шу пайтда взвод командирларидан бири ярадор бўлди. Гвардия старший сержанти Хасташвили дарҳол унинг ўринини босди. Хасташвили взводнинг жангчилари 40 немисни, унинг шахсан ўзи эса 9 немисни қириб ташлади.

Бу жангда сержант Юсупов ҳам махташга арзирлик мардлик намуналарини кўрсатди. У ўз автомати блан 18 фашистни у дунёга юборди.

Жанговар топшириқни бажариш учун автоматчилар мана шундай олишдилар. Аҳоли пункти эгалланди. Бу тўғрида қўмондонликка хабар қилинганида қисм командири азамат автоматчиларга офаринлар деб ташаккур эълон қилди.

Гвардия старшинаси Учитель

МАРДЛИК ВА МОҲИРЛИК

Фашист танкларининг мотор овозлари ва ўрмаловчи занжирларнинг ғижирлаши минут сайин яқиндан эшитилаверди. Ана, улар кўриниб, анча берига келиб қолди.

Брок старший сержант П.Юсуповнинг танк қиручи тўп расчёти жим турибди. Тўпчилар тишларини тишларига босиб, ўт очишга шай бўлиб, ўз командирларининг буйруғини сабрсизлик блан кутмоқдалар.

Немис танкчилари тўпларимизнинг ўт очиш позицияларини билиб олиш учун йўл-йўлакай ўзларича тўғри келган томонга қараб отавердилар. Душманнинг бундай маккорлиги кўпни кўрган Юсуповга аллақачон маълум бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам у хозир ўзини шошиб-пишиб душманга сездириб қўймоқчи эмас, чидам блан қулай фурсатни пойлаб турибди.

Ватан урушининг бошидан буён жанг майдонида бўлган шоввоз Юсупов немис танкларига қарши курашда анча тажриба ортдирган. Унинг бу соҳада ўзига хос тактикаси бор. У агар ўзининг ғолиб чиқишига ишонмаса мутлақо отмайди, йўл тўсучи ўтни эса унчалик ёқтирмайди. У душман танкларини фақат яқин келтириб бехато янчишни яхши кўради.

Мана, пала-партиш отаётган фашист танклари қарийб рўпарага келиб қолди. Юсупов фашист бронли машиналардан кўзини узмай команда берди:

– Олдинда келаётган немис танкига қараб бронтешиб ёндирадиган снаряд блан ўт очилсин!

Ўт очиш позициясида тутун бурқиради. Шу тутунлар ҳали таркалиб битмасданоқ тўпчилар олдида келаётган фашист танки ўрнидан жилолмай аланга ичида қолганини кўрдилар. Старший сержант Юсупов дарров ён дафтарини олди-да, бу яксон қилинган тўртинчи немис танкини ҳам ёзиб қўйди.

Мана шундан кейингина гитлерчилар мард Юсуповнинг тўпи ўрнашган жойни сездилар ва бронемашиналардаги пулемётлардан тўхтовсиз ўт ёғдирдилар. Юсупов душман ўти остида эмаклаб олдинга чиқди ва бронемашина қаердан отаётганлигини пайқади. Сал ўтмай у ўз тўпчилари ёнига қайтиб келди. Унинг буйруғи блан атиги биргина снаряд отилди, холос. Немис бронемашинаси ҳам, унинг экипажи ҳам тилка-тилка бўлди.

Ғазабланган аламзада душман ўзининг барча ўт очиш воситаларини Юсупов тўпчиларига қарши йўллади.

Лекин уддабурон Юсупов гитлерчиларни аҳмоқ қилиш йўлини ҳам билади.

У жуда кўп марта фашистларни лақиллатиб доғда қолдирган. Мана, бу сафар ҳам худди шундай қилди. Жангчилар ўз тўпларини кўлларида кўтариб бир зумда бошқа жойга – илгаритдан тайёрлаб қўйилган запас ўт очиш позициясига кўчдилар. Немислар эса аллақачон ҳеч ким қолмаган эски позицияга қараб юзларча снаряд отдилар. Юсуповнинг тўпчилари янги ўринга кўчиб ўтган замони бир неча снаряд отиб яна бир фашист танкининг ўрмаловчи занжирини узиб юбордилар. Танк ўрнида қотиб қолди. Унинг экипажи эса секин юқори люкадан чиқиб, бир тепаликнинг орқасига бекиниш пайига тушди.

– Қочиб қутилолмайсан, лаънати газандалар! – деди Юсупов ва тўпга осколкали снаряд жойлашни буюриб, ўзи қочиб бораётган фрицларни мўлжалга олди. Юсуповнинг мерганлик блан отган ажал уруғлари фашист танкчиларни жаҳаннамга узатди.

Довюрак Юсупов яқинда катта бир аҳоли пункти учун бўлган қаттиқ жангда, айниқса, катта маҳорат кўрсатди. Немислар кўпгина танк ва бронемашиналари паноҳида контратака қилиб бизнинг илгари силжишимизни тўхтатишга уринди.

– Снарядлар тежалсин, қош қорайгунча бардош қилинсин, кечкурун мадад келади!

Юсупов ўз расчётига шундай деб мурожаат қилди.

– Фашистлар кутуриб бостириб келавердилар. Тўпчилар бўлса пиёда аскарлар блан бирга ҳаракат этиб немисларга қирон солавердилар. Жанг майдони фрицларнинг жасади блан тўлди.

Ана, немис танклари ва бронемашиналари ҳам пайдо бўлиб қолди ва улардан бири тўғри Юсуповга қараб келаверди. Мард тўпчилар учинчи снаряд блан бронемашинани пачақ-пачақ қилдилар. Бир оз ўтгач иккинчи бронемашина ҳам бурқираган тутун аралаш аланга ичида қолди.

Бошқа немис бронли машиналари азамат совет тўпчиларининг ажал ўтига бардош беролмадилар. Улар ҳатто автоматчиларини ҳам ҳимоясиз қолдириб орқаларига бурилиб қочдилар. Юсупов эса осколкали снарядларни отиб 30 автоматчини ҳам ер тишлатди. Мард ва моҳир танк қиручи Юсуповга офарин!

Р.Семикин

СОДИҚОВГА ОФАРИН

Бўлинмамиз ҳужум қилиб бораётган эди. Немислар ўзларининг икки станокли пулемётларини қулай маррага ўрнатиб, жангчиларимиз устига ўт ёғдирди. Брок улар ўз пулемётларидан узоқ вақт ўт очишга муваффақ бўлмадилар.

Пиёда аскарларнинг жанг тартибида ҳаракат этаётган коммунист Содиқов ўз тўпини рўпарага олиб чиқиб, ҳар икки пулемётни ҳам расчёт блан яксон қилди.

Ботир Содиқов ўша кунги жангда бир группа гитлерчиларни тўзғитиб юбориб, 15 немис солдат ва офицерларни қириб ташлади.

И.Чередник

МАҲМУДОВНИНГ МАРДЛИГИ

Хужум килиб бораётган бўлинма қишлоқнинг четига яқинлашиб қолди. Жангчилар шу ергача ховфи-хатарсиз келиб етдилар деса бўлади. Чунки немислар унчалик қаршилиқ кўрсатмадилар.

Брок душманнинг пистирмадаги пулемёти тўсатдан ўт очиб қолди. Гитлерчи ўз пулемётини туника томнинг мўрисига ўрнатгани учун ҳамма жой унга қафтдай кўриниб турибди.

– Лаънати маккорлар, – деди ғазабланиб взвод командири ва ўз жангчиларига дарҳол вақтинча окопланиб олишга буюрди.

Маълумки, то шу пулемёт уясининг кулини кўкка совурмагунча бир қадам илгари силжиш хатарли.

Командир фурсатни ўтказмай младший сержант Амин Маҳмудовни ўз қоватига чақирди.

– Биз бу томондан ўт ёғдириб гитлерчиларнинг диққатини ўзимизга жалб қиламиз, – деди у ўз ёнида диққат блан илгари томонни кузатаётган Маҳмудовга қараб, – сен секин чап томондан бориб фашистларнинг ишини сарамжонлайсан.

Маҳмудов ўзидагидан ташқари яна ўртоғидан яна икки граната олди, автоматининг переводчигини олдинга суриб қўйди. Шундан кейин у ўз ўртоқларидан юз метр чап томонга сургалиб бориб, сўнг-ра туника томли уйни мўлжаллаб илгари эмаклади.

Маҳмудовнинг илгари эмаклаб қилаётган ҳар бир ҳаракатини диққат блан кузатаётган взвод командири ҳатто кипригини қоқгиси келмас эди. Маҳмудов кўздан ғойиб бўлиб, уйнинг нариги томонига ўтиши блан взвод командири «атакага тайёрланингиз» деб ўз жангчиларига буюрди.

Мана, кетма-кет икки кучли портлаш овози эшитилди. Шу оннинг ўзидаёқ фашист пулемётининг овози ўчди. Жангчилар эса ғоз туриб қишлоққа бостириб кирдилар.

Амин Маҳмудов бундан олдинги жангларда ҳам шундай мардлик намуналарини кўрсатганлигидан «Жасурлиги учун» медали ва «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланганди.

Старший лейтенант З.Фатхуллин

КУНЛАР ЯҚИН

*Эй она, жангчи болангдан сенга беҳад кўп салом!
Меҳрингга тўймоқ муяссар бўлгуси кунлар яқин.
Биз кураш майдонида от ўйнатиб юрмоқдамиз,
Душманним ўз юртида маҳв ўлгуси кунлар яқин.
Мард йигитлар зарбасига ёв чидаш бермай қочар,
Бизларга енгув зафар, ёв ўлгуси кунлар яқин.
Кўз ёшингни чашма қилма, бас, етар, эй меҳрибон!
Барча эллар шоду хуррам кулгуси кунлар яқин...*

Лейтенант Ниёз Акрам

Ўзбекистондан хат

ҲИММАТЛИ КОЛХОЗЧИЛАР

Ўртоқ Сталиннинг ўтган йил 6 ноябрда қилган доклади ва буйруқларидан илҳомланган район колхозчилари немис-фашист босқинчиларга қарши курашда кун сайин ғалаба қозонаётган қаҳрамон жангчиларимизнинг оилаларига, кексаларга ҳамда ватан уруши инвалидларига ҳар тарафлама ёрдам беришни тобора кучайтирмоқдалар. Ватанпарварлар фронтчиларнинг оилаларини ҳеч нарсага зориқтирмаслик учун Қизил Армия жангчиларининг оилаларига ёрдам фондларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўртоқ Усмон Юсуповнинг Тошкент область партия активлари блан қилинган суҳбатда сўзлаган нутқи колхозчиларга тўлиқ етказилди. Шундан кейин фронтчиларнинг оилаларига, кексалар ҳамда ватан уруши инвалидларига ёрдам бериш яна ҳам кучайиб кетди.

Фақат ноябрь ва декабрь ойлари ичидагина 1593 жангчи оиласининг уйи ремонт қилиб берилди. 1471 оила ўтин блан таъминланди.

Фронтчиларнинг оилаларига берилаётган ёрдамни яна ҳам кучайтириш масаласи колхозчиларнинг йиғилишларида кенг суратда муҳокама қилинаётир. Бу нарса амалий ёрдамни тобора кучайтирмоқда. Колхозчилар, колхоз раислари кейинги кунларда 126 центнер ғалла, 386 иссиқ кийим, 110 минг сўм пул, 80 метр газлама, 260 бош қўй, эчки, сигир; моллар учун 200 қанордан ортиқ сомон ва 24

центнер турли хил сабзовот ва ҳоказолар тўпланиб, муҳтож оилалар ўртасида тақсимланди. Колхозчилар 350 оиланинг томорка еридаги хосилини йиғиб, ўрнига кузги экинлар экиб беришди.

Ғаллаорол қишлоқ советига қарашли «Большевик» колхозининг правленияси (раиси ўртоқ Худойназаров) ўғли фронтда бўлган Жуман Абдулқосимовга бир соғин сигир ва эчки берди. Бундан ташқари, 9 оилани турли усти-бош кийимликлари блан таъминлади.

Чкалов номли колхоз (раиси ўртоқ Омонов) фронтчиларнинг оилаларига ғуножин, кўрпа-ёстик, 4 центнер ғалла ҳады қилди. Шу колхознинг аъзоси бригадир Қаршибоев бир кўй, бир эчки, 2 та кўрпа-ёстик, 5 метр газлама, бир этик, 1000 сўм пул ва 1 центнер ғалла тақдим этди. Бундан ташқари, колхозчилар томонидан тақдим қилинган 12 кубометр ўтин, 20 центнер ғалла, 8 минг сўм пул, 8 бош мол, 20 та иссиқ кийим, 10 метр сатин, 7 центнер сабзовот, 15 та кўрпа-ёстик ва шунинг каби нарсалар жангчиларнинг оилаларига тақсимлаб берилди. Худди шунингдек, Ворошилов номли, «Ударник», «Оқартув», «Коммунизм» каби қатор колхозларда ҳам колхозчилар томонидан 43,5 центнер ғалла, 30 минг 400 сўм пул, 45 дона кўрпа-ёстик, 22 та оёқ кийими, 24 центнер ҳар хил сабзовот, 12 килограмм ёғ, 7 килограмм жунгазлама ва турли кийимликлар қизил аскар оилаларига инъом қилинди.

Район ташкилотлари қаҳрамон жангчиларимизнинг оилаларига доимий ғамхўрлик қилиб туриш, уларни керакли нарсалар блан ўз вақтида таъминлаш ва ҳар жиҳатдан ёрдам бериш ишини планли равишда олиб бораётирлар.

Жангчиларимизнинг оилаларига ёрдамни тўғри уюштириш ва уларнинг аҳволларидан тез-тез хабардор бўлиб туриш мақсадида, коммунист ва комсомоллардан бир неча ўртоқлар қишлоқ советлари ва колхозларга бириктириб қўйилди. Ишонч блан айтиш мумкинки, район меҳнаткашлари баҳодир жангчиларимизнинг оилаларига бундан ҳам кўпроқ ёрдам берадилар, бу блан мард йигитларимизнинг жанговарлик руҳини тағинда кўтардилар.

**Очилова, Самарқанд область Ғаллаорол район
партия комитетининг секретари**

Ватанимизда

ҚИЗИЛ АРМИЯ 26 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Андижонда янги нефт қувурлари

Тошкент. Андижон нефтчилари Қизил Армия 26 йиллигини катта ишлаб чиқариш ғалабаси блан қарши олдилар. Бу ерда шонли 26 йилликка совға тариқасида узунлиги 12 километр бўлган янги нефт қувури эксплуатацияга берилди. Бу қувурни қуришда область меҳнаткашлари актив ёрдам кўрсатдилар. Бу қувурлардан Ўзбекистондаги энг ёш – янги «Полвонтош» конининг нефти оқа бошлади.

Андижон нефтчилари 23 февралга пландан ташқари икки маршрут нефт бериш мажбуриятини олган эдилар. Бу мажбурият муддатдан 8 кун илгари бажарилди.

ЖАСУР РАЗВЕДКАЧИ

Немис босмачилари артиллерияси ўтининг кучини жуда кўп марта синаб кўрдилар. Кейинги жангларда ҳам биз артиллериямиз қандай қудратга эга эканлигини яна бир марта исбот қилдик.

Қисмимиз душманнинг кучли равишда мустаҳкамланган мудофаа линиясини ёриб кириши керак эди. Батарейамиз олдига немисларнинг икки миномёт батареяси ва бир неча пулемёт нуктаси ўтини бостириш вазифаси қўйилди.

Артиллерия хужумидан кейин биз пиёда аскарлар блан биргаликда илгари силжидик ва йўлда совет артиллериячиларининг ишини – кули кўкка совирилган фашист истехкомини кўрдик.

Совет аскарларининг мохирлиги ва жасурлиги жанговар техникамининг кучини ордирмоқда. Разведкачи младший сержант Йўлдошев ҳамма вақт энг ховфли участкаларда юрди. У душманнинг қаттиқ ўти остида туриб немисларнинг ўт очиш нукталари ўрнатилган жойларни аниқлади ва дарров батареяга хабар қилди. Шунинг учун ҳам артиллериячилар душманни бехато янчдилар. Йўлдошев ўқчиларнинг олдинги қаторида туриб илгари босганда ҳам фашистларнинг бир қанча ўт очиш уяларини емиришга ёрдам берди.

Бўлинма парторги Минаев

ДУШМАНГА ТИНИМ БЕРМАЙМИЗ!

Олий Бош Қўмондоннинг 16-чи сонли буйруғи бизга тўхтовсиз олға босиш учун янгидан-янги куч ва ғайрат бағишлади.

Биз душманга янада кучли ва қақшатғич зарба берамиз ва муқаддас еримизда энг сўнги гитлерчи яксон қилинганига қадар немис босқинчиларни тобора шафқатсиз қирамиз.

Танк экипажи: младший лейтенант Амирев, старший сержант Гаранин, младший сержант Удобен, старший сержант Матвеев

Ўзбекистондан хат

ТЎҚИМАЧИЛИК ХОДИМЛАРИ МУКОФОТЛАНДИ

Қизил Армияни кийим-кечак блан таъминлаш юзасидан ҳукумат топшириқларини яхши бажарганликлари ва Қизил Армия қўмондонлигининг махсус топшириқларини амалга оширганликлари учун СССР Олий Совети Президиумининг фармониға мувофиқ тўқимачилик саноати ходимларининг катта бир группаси Совет Иттифоқининг орден ва медаллари блан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон ССР тўқимачилик саноати ходимларидан жуда кўп кишилар бор.

«Ленин» ордени блан мукофотланганлар қаторида Хоразм пахта тайёрлаш трестининг бош инженери **Олтинбек Нуралиев**, Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатининг ватерчиси **Хадича Солихўжаевалар**; «Меҳнат Қизил байроқ» ордени блан мукофотланганлар қаторида Фарғона пиллакашлик фабрикасининг калавачиси **Турсуной Охунова**, Тошкент пахта заводининг старший жиншиги **Муқумжон Юсупов** ва бошқа кўп кишилар бор.

ТРАКТОРЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистондаги машина трактор стацияларида тракторчилар тайёрлаш учун очилган курсларга ўқучилар танлаш тамом бўлди. Бу курсларда 7500 эркак ва аёл колхозчи ўқимокда. Қишлоқ хўжалиги механизациялаш мактабларида ҳам ўқишлар бошланди. Бу мактаблар кўкламгача бир мингдан ортиқ бригада механиги ва комбайнчилар тайёрлаб чиқарадилар.

КЎКЛАМ ИШЛАРИ АВЖ ОЛДИ

Ўзбекистоннинг пахта далаларида кўклам ишлари тобора авж олмокда. Республикада 25 февралгача 100 000 гектарга яқин пахта экиладиган ер ҳайдаб қўйилди. Бу ўтган йил шу вақтдагидан икки ярим баробар ортиқдир. 11 минг трактор кўклам экин ишларига шайлаб қўйилди.

Кўклам ер ҳайдаш иши, айниқса, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё областларида қизгин тус олди. Андижон областидаги беш колхоз – Олтинкўл районидаги Сталин номли колхоз, Ленин районидаги Энгельс номли колхоз ва бошқалар ер ҳайдашни республикада биринчи бўлиб, муддатидан анча олдин тамомладилар.

1944 ЙИЛ 7 МАРТ. №18 (207)

ЎЗБЕК КОНЦЕРТ БРИГАДАСИ ТАНКЧИЛАР ОРАСИДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Гавҳархоним Раҳимованинг** концерт бригадаси яқинда фронтимизга келди. Бригада составида 15 артист бор.

Бригада биринчи марта Н-чи қисм танкчиларига концерт берди. Русча, ўзбекча, украинча, белорусча, озарбайжонча ва бошқа тилларда айтилган ашулалар ва кўрсатилган ўйинлар бригада составининг ижодий жиҳатдан анча ўсганини кўрсатди. Солист Роза Багланованинг ёқимли овоз блан айтган ашулалари танкчиларни қойил қилди.

Бригаданинг музика раҳбари ёш композитор Фахриддин Содиқов чангда ўзбек классик мақомларидан «Гардуни Сегоҳ»ни яхши чалиши блан томошабинларнинг олқишларига кўмилди.

РАЗВЕДКАЧИ ТҶЙМУРОД АҲМЕДОВ



Автоматчи қозоқ Уте Дўйсенов, ўзбек Азамат Мадаминовлар офицер Жернов бўлинмасидаги энг моҳир жангчилардандир.

Разведкачи бўлиш жанговар ҳаётда жуда қизикарли нарса. Лекин ҳар ким ҳам раведкачи бўлавермайди. Разведкачи бўлиш учун ёлғиз мардлик хислатларининг ўзи эса кифоя қилмайди. Бунинг учун эпчил, уddaбурон ҳам бўлиш керак.

Жангчи Тўймурод Аҳмедов худди шу хислатларга эга. Бунинг устига, у бўлинмага келганидан буён разведкачи бўлишни орзу қилади. Айниқса, у бир-икки жанг олдидан ва жанг пайтларида ўз бўлинмасидаги разведкачиларнинг ажойиб ишларини кўргач бу ишга жуда ҳам қизиқиб қолди. Чунки разведкачилар ҳамма вақт олдинда борадилар.

Улар биринчи бўлиб душманни урадилар, душманнинг солдат ва офицерларини асир қилиб оладилар. Аҳмедовни кўпинча шу нарса зовклантирарди.

Довюрак Тўймурод Аҳмедов ўз орзусига етди. У сал вақтда ўз бўлинмасидаги атоқли разведкачилардан бўлиб қолди.

...Жадал хужум қилиб бораётган ўқчилар Н. қишлоғига бостириб кирдилар. Жангчиларнинг энг олдида бораётган разведкачи азамат Аҳмедов рўпарада бир группа немислар қочиб бораётганини ва улар бурилиш жойида бекинганларини сезиб қолди. Улар орқасидан эса босиб юк ортилган от-арава борарди. Аҳмедов фурсатни ўтказмай жангчи Пономаренкони ўз қоватига олди-да, душманнинг орқасидан кува кетди. Бир неча минут ўтар-ўтмас Аҳмедов от-аравани қувиб етди, унинг ёнидаги фрицни ўлдириб, от-аравани қўлга туширди. Аравага қимматли буюмлар ортилган экан.

Эртаси кун бўлинма яна бир аҳоли пунктига атака қилди. Бу сафар Тўймурод ўзи юрадиган тўпга ўтириб фашистлар позициясига бостириб кирди. Ўзи юрадиган тўп немис пиёда аскарлари ва автомашиналарини ўтга тутди. Шу пайтда жасур Аҳмедов тўп устидан сакраб тушиб юк ортилган бир немис автомашинасига ташланди. Бир унтер офицер ва бир солдат машинани юргизиб қочиш пайида эди. Аҳмедовнинг тўсатдан машина ёнида пайдо бўлиши гитлерчиларни ваҳимага солиб қўйди. Унтер офицер қаршилик кўрсатмоқчи эди, Аҳмедов бир ўқ блан уни жаҳаннамга юборди. Буни кўрган немис солдати юраги ёрилиб дарҳол қўлини кўтара қолди. Аҳмедов бу немис солдатининг қўлини бойлаб машинага ўтказди ва ўзи машинани ҳайдаб ўз бўлинмасига келтирди.

Тўймурод Аҳмедовнинг бундай мардлигидан унинг жанговар дўстлари ҳам, севиқли командири ҳам чексиз миннатдор.

Д.Каневский

1944 ЙИЛ 15 МАРТ. №20 (209)

ДАВЛАТ МУДОФАА КОМИТЕТИ – ЎРТОҚ СТАЛИНГА

Курилиш халқ комиссарлигининг «Строитель» трести қуручилари ва монтажчилари Давлат Мудофаа Комитети ва улуғ Сталиннинг топшириғини бажариб, уруш вақтининг қийин шароитида бир йил муддат ичида Ўзбек металлургия заводининг биринчи мартен печини бутун ёрдамчи бинолар ва иншоотлар блан биргаликда қуришни ва монтаж қилишни тамомладилар. Заводни ишга солучилар технология процессини ўзлаштириб олиб, 5 мартда биринчи метални эритиб чиқардилар.

Биринчи мартенни ишга солиш блан бир вақтда тураржой ва маданий-маиший бинолар қурилиши ҳам битказилди, ремонт-механика цехи қурилди ва ишга солинди, 15 километр темир йўл, 13 километр тош йўл қурилди, шунингдек, заводнинг ҳамма цехларини қуриб битказиш ишлари қизитиб юборилди.

Бундан бир йил муқаддам қуруқ чўл бўлган жойда бугун совет Ўзбекистонидagi тўнғич металлургия саноатининг биноси қомат кериб турибди.

Бу мувафаккият заводни қуручилар ва ишга солучиларнинг фидокорона меҳнатлари ҳамда бутун ўзбек халқи томонидан доимий ғамхўрлик қилиниши ва ёрдам кўрсатилиши натижасида қўлга киритилди.

Ўртоқ Сталин, Сизни ишонтириб айтаманки, Қурилиш халқ комиссарлиги «Строитель» трестининг жонажон Қизил Армия ғалабаларидан илҳомланган қуручилари ва монтажчилари Ўзбек металлургия заводининг қолган объектларини ҳам белгиланган муддатда қуриб битказадилар. Ишга солинган завод коллективи, немис-фашист босқинчиларни узил-кесил тор-мор келтириш фурсатини тезлатиш учун, севиқли Ватанимизга минглаб тонна пўлат ва прокатлар бериш мажбуриятини олади.

Қимматли Иосиф Виссарионович, улуғ Ватанимизнинг бахтисаодати учун Сизга соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

**Ўзбек металлургия завод қурилишининг бошлиғи Айтметов,
Қора металлургия халқ комиссарлигининг Ўзбек металлургия
заводи директори Рязанов, ВКП(б) МКнинг қурилишдаги партия
ташкilotчиси Усмонов, Қурилиш халқ комиссарлиги «Строитель»
трестининг бош инженери Чернов, Қора металлургия халқ комиссар-
лигининг Ўзбек металлургия заводининг бош инженери Мироненко,
қурилиш комитетининг раиси Султонов**

АЙТМЕТОВ, РЯЗАНОВ, УСМОНОВ, ЧЕРНОВ, МИРОНЕНКО, СУЛТОНОВ ЎРТОҚЛАРГА

Биринчи мартен печини қуриш ишларининг тугатилиши ва унинг ишга солиниши муносабати блан Ўзбек металлургия заводининг қуручилари ва монтажчиларини қутлайман.

Ўзбекистон ССРда биринчи металлургия заводининг мувафаккиятли равишда қурилиши уруш вақтининг қийин шароитида ўзбек халқининг фидокорона меҳнат қилганлигидан ёрқин гувоҳлик беради.

Республика саноати ва қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тараққиёти учун база бўлган Ўзбек металлургия заводи курилишини тезроқ тугаллаш ишларида сизларга мувафаккият тилайман.

И.Сталин

ҲУЖУМ БАҲОДИРЛАРИ

Шавкатли Қизил Армия ҳозир мувафаккиятли суратда ҳужум қилмоқда. Кун сайин совет Украинасининг кўп шаҳарлари, юз-юзлаб қишлоқлари немис босқинчиларидан озод қилинмоқда.

Фронтимизда авж олиб бораётган ҳужум жанглари янгидан-янги баҳодирларни майдонга чиқармоқда. Улар ўртасида ўзбек халқининг шерзод фарзандлари ҳам озмунча эмас. Улар руслар, украинлар ва бошқа миллат жангчилари блан ёнма-ён туриб жонажон Ватанга муҳаббат ва манфур душманга чексиз нафратининг порлоқ намуналарини кўрсатмоқдалар.

Сержант **Алиазаров** қизил аскар **Раҳматуллаевларнинг** кейинги ҳужум жангларида кўрсатган ботириклари махташга сазовордир.

... Бўлинма жадал илгари силжиб бораётган эди. Гитлерчилар ҳужумни тўхтатиш ниятида контратакага ташланди. Шунда сержант Алиазаров ўзининг стонокли пулемётини очиқ жойга – душманнинг рўпарасига ўрнатиб, гитлерчилар устига дўлдай ўқ ёғдирди. Немислар қатори сийраклашди: 15 фашист ер тишлади, қолганлари қочиб қолди.

Катта бир аҳоли пункти учун бўлган қаттиқ кўча жангларида қизил аскар Раҳматуллаев мохирлик ва жасурлик кўрсатди. У 4 фрицни ўлдирди ва бир неча уйларни гитлерчилардан тозаллади.

Жангчи ўзбеклар! Ҳужумда илғорлар қаторида бўлингиз, мардлик блан жанг қилиб юртимизни немис босмачилардан тезроқ тозалашга ўз ҳиссангизни шараф блан қўшингиз!

ДУШМАННИНГ ОРҚА ТОМОНИДА ТЎРТ КЕЧА-КУНДУЗ ТЕНГСИЗ ЖАНГ

Ўртоқ Богачук бўлинмасидаги разведкачиларимиздан **Пиньков, Мирзаев ва Шоабдукаримовлар** немислар ишғол қилиб турган кишлоққа билдирмай кириб бордилар. Улар душман позицияларига жуда яқинлашиб бориб, гитлерчилар устига тўсатдан ўт ёғдирдилар. Юраги ёрилган немислар тўғри келган томонга қараб отиб қоча бошладилар. Жанг қизиб турган пайтда қизил аскар Мирзаев рўпарадаги уйнинг ертўласидан кимдир мўралаб қараётганини кўриб қолди.

– Қўлингни кўтар! – деб қичкирди Мирзаев автоматини ўхталиб.

– Ўз кишингизман, ўз кишингизман, – деди ертўладан мўралаб турган киши хурсандлигини юрагига сиғдиролмай.

Мирзаев хайрон бўлди. Ертўладан бир группа қизил аскарлар югириб чиқишди. Улар душманнинг кўп марта такрорланган атакасини баҳодирларча қайтараверганлар. Шундан кейин немислар ғазабланиб кечаси бу бир группа совет аскарларига қарши 7 танк ва жуда кўп автоматчи юборган. Тенгсиз қаттиқ жанг бошланган. Гвардиячилар чекинишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Старший сержант Адров ва оддий аскар Шоринлар ярадор ҳолда жангни давом этдирганлар. Бир танк жуда яқин келиб буларни эзиб ташлаш ховфи туғилганда старший сержант Корпов танкка қарши минани кўкрагига босиб, ўзини танк остига ташлаган ва танкни портлатган. Гвардиячи ўз жонидан кечиб ўртоқларининг ҳаётини ҳалокатдан сақлаб қолган.

Гитлерчилар куч жиҳатдан устунликдан фойдаланиб бўлинманинг ён томонидан айланиб ўтган. Титарев бўлса ярадорларни олиб, олти жангчи блан шу уйнинг ертўласига бекинган ва шу ерда туриб жангни давом этдирган. Гвардиячилар тўрт кеча-кундузгача уйкусиз, овқатсиз, дам олмай тенгсиз жанг қилганлар. Мана ҳозир бўлса бу мардларни ўз ўртоқлари – довьорак разведкачи Пиньков, Мирзаев ва Шоабдукаримовлар қутқаздилар.

Азамат разведкчилар, немисларнинг ўқ-дори ортган от-аравасини, 4 отини, 1 станокли ва 2 қўл пулемётини қўлга тушириб, қаҳрамон гвардиячиларни бошлаб ўз қисмларига келдилар.

Майор Ф.Орешкин

БИР ЖАНГДА ДУШМАННИНГ 13 ТАНКИНИ ШИКАСТЛАНТИРДИК ВА ЁНДИРДИК

Бўлинмамиз шиддатли хужумни давом этдириб, илгари силжиб бораётган эди. Немислар куч тўплаб контракага ўтмоқчи бўлдилар. Шунинг учун бизга қўлга киритилган маррани мустахкамлаш тўғрисида буйруқ бердилар. Биз дарров ишга киришдик.

Биз ўт очиш позициямизни катта тош йўлдан узоқ бўлмаган тепаликда ўрнаштирдик. Бу жойдан атроф худди кафтдек кўринар эди. Мен немис танклари келаётганини кўриб қолганимда ҳали улар анча узоқда эди. Улар олдин колонна бўлиб келавердилар ва кейинча ёйилдилар. Танклар жуда кўп эди. Аммо уларни санаб ўтиришга вақт йўқ, отиш керак. Фашист танклари ўрмалаб келаверсалар-да, лекин отмас эдилар. Биз ҳам тишни тишга қўйиб, қулай фурсатни сабрсизлик блан кутиб туравердик. Танклар анча яқин келгачгина ота бошладилар. Шундан кейин биз ҳам залп блан отишга киришдик.

Мен ўз бронтешаримдан олдинда келаётган танкка қараб ўқ уздим, бошқалар эса йўлнинг нариги томонидан келаётган танкларни ўтга тутдилар. Биринчи ўқим танкнинг башнясига тегиб сапчиб кетди, иккинчи ўқим эса мўлжалланган жойга – моторга бориб теккани учун танк дарҳол тўхтади.

Мен шикастлантирган танк ёнига иккинчи бир танк келиб, уни шатакка олмоқчи бўлди. Унга қараб уч ўқ уздим. Бу ўқлар мўлжалга тегдими, йўқми, аниқлаш қийин эди. Тўртинчи ўқни узишим блан танк аланга ичида қолди.

Бу жангда бизнинг бронебойшикларимиз ва артиллериячиларимиз ажойиб мардлик намуналарини кўрсатдилар, залп блан мерганларча отдилар. Шунинг учун ҳам сал вақт ичида жанг майдонида 13 немис танки шикастлантирилди ва ёндирилди. Бошқа танклар эса шошиб-пишиб ортларига бурилди.

Младший сержант В.Эшмухаммедов

МИРЗАЖОНОВ ГИТЛЕРЧИЛАРНИ ТУТДЕК ҚОҚМОҚДА

Гитлерчилар блан бўлган жангларда бўлинмамизнинг жангчилари оммавий суратда қахрамонлик намуналарини кўрсатаётирлар. Бунда, айниқса, комсомоллар бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Улар ҳужум қилаётган жангчиларнинг олдинги қаторларида туриб бошқаларни ҳам ўз орқаларидан эргаштирмоқдалар.

Комсомол аъзоси младший сержант Мирзажонов қўл пулемёти отделениясининг командири. У катта бир аҳоли пункти учун бўлган жангларда душман позициясига биринчи бўлиб бостириб кирди ва немислар блан бўлган қисқа, лекин қаттиқ олишудан кейин душманни траншеядан суриб чиқарди. Тирик қолган гитлерчилар барча кулларини ташлаб окопдан чиқиб қоча бошладилар.

Аммо у лаънатилар ҳаққоний қасосдан қочиб қутилолмадилар. Мирзажоновнинг пулемёти уларни йўл-йўлакай тутдек тўқди.

Украина ерларини гитлерчи ифлослардан тозалашда ўзбек халқининг фарзанди Мирзажонов мана шундай жанг қилмоқда.

Младший лейтенант Н.Козлов

ТОШХЎЖА ХЎЖАЕВ

Тошкенга яқин жойда бой пахта совхози бор. Тошхўжа Хўжаев шу ерда вояга етган.

Комсомол аъзоси Хўжаев мактабни тугатгач совхознинг серунум пахта даласида ишлади. Бу шўх йигит хушчақчақликни, ашула айтишни севар эди. У бир куни ишдан кейин феруза кўзли рус қизи Поляни учратди.

– Тошхўжа, эшитдим, сен урушга жўнардансан, қахрамон бўл! – деди Поля унинг кўлини маҳкам сиқиб.

«Буни Поля қаердан билдийкин? – ўзига ўзи савол берди Тошхўжа ажабланиб. – Фронтга юборишни илтимос қилиб райвоенкоматга ариза берганимга атиги икки-уч кун бўлди. Ҳали ўзимга бу тўғрида ҳеч нарса деганлари йўқ-ку!»

Куёш тоғ орқаларига ўтиб бекинганидан кейингина Тошхўжа уйига қайтди. Онаси эса уни сабрсизлик блан кутаётган эди.

– Мана, ўғлим, энди муродингга етасан, – деди онаси кўлидаги повесткани узатиб, – эртага урушга – катта акангнинг каватига борадиган бўлдинг. Лекин юзимизни ерга қаратма. Яхши аскар бўл!

Шундан кейин онаси меҳр кўз ёшларини артиб Тошхўжанинг пешонасидан ўпди, бағрига босди ва: «Бошинг тошдан бўлсин, болам», – деди.

Тошхўжанинг қувончи ичига сиғмади.

Эртаси куни эрталаб поезд уни Тошкентга келтирди. Бу ерда уни ҳарбий алоқачилар тайёрлайдиган курсга юбордилар. Ўқиш муддати атиги бир ой эди. Аммо Тошхўжанинг назарида, гўё бир йилдек бўлиб туйилди. Ниҳоят, курсни битириб чиқиш фурсати келиб етди.

– Мени фронтга юборишларингизни илтимос қиламан, ўртоқ начальник, – деди жиддий қиёфа блан Тошхўжа.

– Истагинг яхши, лекин сени тўғридан-тўғри фронтга юборолмаймиз, – деди начальник.

Курсни битиргач Хўжаев янги тузилган қисмлардан бирига борди. Феруза кўз Поля бўлса мамлакатимизнинг сон-саноксиз қизлари каби фронтдан хат келишини интизорлик блан кутар эди...

... Тонготар чоғида сержант Хўжаевни бўлинма командири ўз хузурига чақирди.

– Дарҳол А пунктига кабель тортишингиз керак, – деб буюрди у.

Биринчи марта жанговар топшириқ олган ёш алоқачи Хўжаев бундан ўзида йўқ хурсанд бўлди.

Хўжаев телефон кабели ўралган катта ғалтакни елкасига қўйиб олиб йўлга тушди. У буйруқни тезроқ бажариш, алоқани тезроқ ўрнатиш учун илдам-илдам қадам ташлади. Бирдан кулоғи жаранглаб кетди. Ҳозир у сержант эмас, старшина!

Жангларда кўрсатган мардликларини қайд қилиб, қўмондонлик уни «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари блан мукофотлади. Хўжаев ҳозирги хужум жангларида взвод командири бўлиб ишламоқда.

Кунлардан бир кун старшина Хўжаев ертўлага кеч келди. У жуда ҳориганлигидан хатто овқат емасданоқ ётиб дам олгиси келарди.

– Ўртоқ старшина, сизга хат бор, – деди бир жангчи.

«... Узоқ ўлкадан сенга туганмас салом. Олган мукофотларинг блан қутлайман. Қахрамоним, немис газандаларини яна ҳам шафкатсиз савала! Мен стахановчиман ва совхозда комсомол ташкилотчиси бўлиб ишлаётирман...»

Хатда Поля бундан ҳам анча сатрлар чизган. Бу сатрларни такрор-такрор ўқиб Хўжаев чарчаганлигини ҳам унутиб юборди.

А.Лозневой

ҚИЗИЛ АРМИЯ УЙИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

Тошкент. Ўзбекистон пойтахти Округ Қизил Армия уйининг 20 йиллигини қайд қилди. Округ Қизил Армия уйи ўз иш даврида Ўрта Осиёдаги ҳарбий қисмларнинг ҳарбий ва сиёсий-тарбиявий иш маркази бўлиб келди. У гарнизон офицерларига Ватан уруши тажрибаларини ўрганишда ёрдамлашмоқда.

ЎзССР Олий Советининг Президиуми ва Ўрта Осиё Ҳарбий Округининг Ҳарбий Совети Округ Қизил Армия уйи ходимларидан бир қанчасини фахрий ёрликлар ва пул блан мукофотлади.

1944 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ. №27 (216)

БАҲОДИРЛАРДАН ЭЛ РОЗИ, ВАТАН РОЗИ!

Танкларни атакага кузатдим

Қош қорайган эди. Қисм командири мени ва яна тўртта сапёрни ўз хузурига чақирди-да:

– Эрта сахарда танкларимиз хужум бошлайдилар. Сизлар танкларга душманнинг инженерлик тўсиқларидан йўл очиб беришларингиз керак. Исмоилов сиз шу группага бошлиқсиз! – деди. Менга бундай ховфли, масъулиятли ва фахрли вазифа топширилгани учун жуда қувондим. Командирнинг олдидан чиқиш бланок тайёргарлик кўра бошладик.

Танклар кечаси атака маррасига келди. Мен шартли сигнални белгилаб олдим ва кейин секин душман мудофаасининг олдинги доирасига ўта бошладик.

Кеча тим қоронғи. Ҳеч нарса кўзга кўринмайди. Бу жой йўл ёкасида бўлганлигидан душман бу ерга танкка қарши миналарни кўп қўмганлиги табиий эди. Шунинг учун биз жуда эҳтиётлик блан ҳаракат қилдик. Менинг ёлғиз ўзим немисларнинг шундай миналаридан 23 тасини топиб, зарарсиз ҳолга келтирдим.

Буйруқ бажарилди. Шартли сигнал берилиши блан танкларимиз гитлерчилар устига шиддатли атака бошладилар.

Мен Ватан олдида ичган онтимга содиқ бўлиб, командирларимнинг жанговар буйруқларини бажаришда шу каби мардлик намуналарини кўрсатаётирман.

Оддий аскар Аҳмад Исмоилов

ХАЛҚИМ МЕНГА ОФАРИН ДЕСИН

Мен командирнинг ҳузурида туриб, Ҳарбий Қасамнинг содда, муқаддас сўзларини баланд овоз блан ўқиб қўл қўйган тантанали кунни асло унутмайман. Чунки мен ўша куни қудратли Ватаним олдида, совет халқи олдида онт ичдим.

Шунингдек, ҳарбий ишни ҳавас блан ўрганишга қасамёд қилдим. Ватан менинг қўлимга ўзининг даҳшатли қуроли – миномётни топширди. Мен ўз онтимга амал қилиб бу ажойиб қуролни мукамал ўргандим.

Биз ҳозир ҳам бўш вақтларимиздан фойдаланиб ўз жанговар билимимизни тинмай ошираётирмиз, белгиланган нишонни, душманнинг жонли кучларини мерганларча маҳв этишда гвардиячиларнинг тажрибаларини ўрганаётирман.

Мен бундан кейин ҳам немисларни шундай савалайманки, совет халқи ўзининг энг асл фарзандлари қатори менга ҳам офарин десин!

Оддий аскар Шамсиддин Учқуров

ГВАРДИЯЧИ ДЎСТЛАР

Бизнинг шонли гвардиячи оиламиздаги турли миллат фарзандлари – руслар ва украинлар, ўзбеклар ва қозоқлар елкама-елка туриб немисларга қарши фидокорона жанг қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммасининг фикри-зикри немис газандаларини кўпроқ қириш ва она Ватанни тезроқ озод қилиш туйғуси блан банд.

Қисмимиз бир катта шаҳар ва темир йўл узели учун жанг олиб бораётган эди. Гвардия подволковниги, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони ўртоқ Бойконинг танкчилари жуда тез юриб, тўсатдан шаҳарга бостириб кирдилар. Танклар устида офицер Черепанов батальонининг десантчи-автоматчилари ўтирган эди.

Танклар шаҳар кўчаларига ёриб кириши блан автоматчилар танклардан сакраб тушдилар ва гитлерчиларни раҳмсиз суратда қиравердилар.

Рота комсомол ташкилотчиси, машҳур июль жанглирида «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган гвардия сержанти қирғиз Сандалбек Аҳмедов ўзининг шахсий жасорати блан бошқа жангчиларнинг ғайратига ғайрат қўшди.

Гвардия сержанти грузин Шота Хосташвили ўтирган танк шаҳар кўчасидан чекиниб бораётган немис автомашина колоннасини қувиб қолди. Шунда Хосташвили икки немис шофёри ва уч солдатни ўлдирди. Қолган гитлерчилар машиналаридан тушиб йўл ёқасидаги ариқчаларга ётиб олдилар ва ўт оча бошладилар. Буни кўрган мард Хосташвили жангчиларни атакага етаклади. У бошчилик қилаётган группа неча ўнлаб фашист бандитларни қириб юборди ва 40 гитлерчини асир қилиб олди. Бу жангда ёлғиз Хосташвилининг ўзи 9 немисни ўлдирди.

1944 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬ. №30 (219)

ЧЕГАРА

*Билар эдик, қайтиш муқаррар,
Йиғлар эдик... аммо кўз ёниш
Қалидламоқ мумкинми магар,
Дард бор эди дилда, оташин.*

*Чегарамдан хотира дея –
Чекинаркан бўлсин ҳадия;
Олган эдим бир ҳовуч тупроқ,
Халтачамда мен блан ўртоқ!*

*У азиз хок худди бир тумор
Кўксим узра топди эътибор.
Ташна эдим у ёз чогида,
Қалтоғимда сувингдан ичдим.*

*Гўзал Прут, у қиргогингда
Қайтурман деб қонли онт ичдим.
Сенинг оби ҳаётингга ман
Кўз ёшларим тўқдим кўзлардан.*

*Билар эдим, мен-ку сенга қарз,
Кўз ёши, сув баҳоси эмас.
Борар эдим шарққа у замон,
Борар эди шарққа кўп карвон.*

*Хайрлашаркан ёр – ҳамоғушлар,
Шарққа учди кечиккан қушлар.
У чегара... Табаррук сарҳад –
Ўзбекнинг ҳам сарҳади, албат.*

*Сталиннинг солдати менман,
Сўзим қатъий, ваъдам муқаррар.
Ваъда берган бўлсам мен агар –
Ана келдим... келдим муайян.*

*Сенинг яра сийнангга ёху,
У омонат тупрогинг дору.
Қизил тасма, азиз хотира,
Меникисан абадий, сўлим.*

*Йиглаб эдим сенда бир марта,
Манзилингга етишди йўлим.
Кўзим ёшин қайтиб бергин тез,
Соҳилларда эркин оқиб кез!*

Шайхзода

ҚАҲРАМОНЛИК НИШОНИ

Немислар бизнинг хужумимизни тўхтатишга уриниб, бирин-кетин беш марта контратака қилди. Бу гал душманнинг бир взвод пийда аскарлари гвардия сержанти **Мансур Муҳаммедов**нинг позициясига атака қилди. Сержант ўз жангчиларига мурожаат қилди:

– Дадил бўлинглар! Бўш келманглар, шоввозлар! Фақат мен команда бергандан кегингина ўт очасизлар! Тайёрланинглар!

Гитлерчилар блан отделения позицияси ўртасида 100 метр қолгандагина сержант команда берди. Жангчилар автоматлардан қаттиқ ўт очдилар. Фашист ўз мурдалари устидан босиб ўтиб келавердилар. Жангчиларимиз ҳайиқмай жуда қаттиқ туриб олдилар. Тенгсиз шиддатли жанг қизиби кетди. Қўрқмас сержант Муҳаммедов отделениясининг жангчилари шердай олишиб кучи 3 – 4 баробар ошиқ бўлган душманнинг атакасини қайтардилар. Кўп гитлерчиларни кириб ташладилар. Фақат сержант Муҳаммедовнинг ўзи шу жангда 20 фашистни ўлдирди.

...Муҳаммедовни жангчи ўртоқлари кўкрагида барқ уриб турган 1-чи даражали «Ватан уруши» ордени блан табриклаганда у яшнаб кетди, кўкрагини тўлдириб нафас олди ва: «Ниҳоят, мен бир қарзни уздим», – деди. Барча қизиқиб: «Кимдан, қандай қарзинг бор эди, ўртоқ сержант? Биз ҳам билсак мумкинми?» – деб сўрай бошлади. Муҳаммедов чўнтагидан бир ўроғлик қоғозни чиқариб очди ва ундан бир қоғоз гулни олиб жанговар дўстларига кўрсатди-да, сўнг бунинг сирини сўзлаб берди. Бу гул унинг севиқли ёри Шаҳрихондан келган хат эди.

Капитан З.Фатхуллин

БАҲОДИРЛАРИМИЗ

Гвардия младший сержанти Шомиль Ҳамраев ҳам бошқалар сингари ҳозиргина қўлга киритилган маррада мустаҳкамланиб олди. Чаққонлик блан яхшилаб окоп қазиди. Бронтешарининг оғзини немислар томонига тўғрилади. Орадан кўп ўтмади. Бир неча фашист танки ўрмалаб кела бошлади. Кўпни кўрган гвардиячи Ҳамраев немис танкларининг яқинроқ келашини пойлаб турди. Ана, унинг мўлжали-

ча қулай фурсат келди, шекилли, у мўлжаллаб туриб нафасини ичига олди, тепкини босди. Худди шу вақтда немисларнинг бир ўрта танки ён бериб бурилган эди. Бронтешарнинг стволи пайдо бўлган тутун аралаш чанг тўзганича йўқ эди, гвардиячи ўз позициясидан 90 – 100 метр нарида фашист танки буркираган тутун ичида қолганини кўрди.

Шу кун кечаги гитлерчилар қайта-қайта бир неча бор контратака қилди. Лекин заррача муваффақиятга эришолмади. Гвардиячи Ҳамраев бўлса ҳалиги танкдан ташқари душманнинг яна 3 ўт очиш нуктасини емирди, кўпгина фрицларни ер тишлатди. Қўмондонлик баходир Ҳамраевнинг мохирлигига қойил бўлди. Шунинг учун ҳам Ҳамраев 1-даражали «Ватан уруши» ордени блан мукофотланди.

ЧИНАКАМ МАРДЛИК

Гвардиячи **Тўлабердиев** бу қисмга госпиталдан келди. Аmmo у ҳали бу ерда қаттиқроқ жангларда иштирок этиб, бошқаларга манзур бўладигон ботирлик кўрсатмаган эди. Бир куни кеч пайти бўлинма бир кишлокдан гитлерчиларни қувиб чиқариб, унда ўзи мустаҳкамланиб олди. Тўлабердиевнинг окопи йўл ёнида эди. Чап томонида пулемёт ўрнатилган эди. Душман бир батальондан кўпроқ пиёда аскарларни контратакага ташлади. Жангчилар гитлерчиларни қаттиқ ўт блан қарши кўрсатмади. У винтовкадан мерганларча ўт очиб кўп фрицларни «терма қилиб» ташлади. Ёнидаги пулемёт ҳам тоза ишга тушиб кетди. Бирдан пулемёт жим бўлиб қолди... Немислар эса сурбетлик блан босиб кела бердилар. Тўлабердиевнинг икки ҳафталик пулемёти яна ишлай кетди. Жанг майдони гитлерчиларнинг ўлиги блан қопланди.

Тўлабердиевнинг шухрати бутун қисмга таралди. У отокли пулемётчи бўлиб қолди ва жангларда кўп фашистларни қириб ташлади. Қўмондонлик уни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади. Яна бир куни Тўлабердиев чакқонлик ва эпчиллик блан ҳаракат қилиб немисларнинг флангларига ўтиб олди ва қаттиқ ўт очди. Бундан душман саросимага тушди. Жангчиларимиз жадал блан олға босиб душман окопларини эгалладилар.

Капитан А.Назаров

КЎК КОНВЕРТ

Ўзбек йигити Эркабой Мирзаев бир қисмда одий аскар бўлиб уришиб юрганида бир куни бўлинма командири «қорақош, қоракўз йигит» деб кичкина бир посилка берди. Мирзаев командирнинг гапига хайрон бўлиб қараса, бу гап посилкага ёзилган адресда бор экан: «Ўнтадан ортиқ немисни ўлдирганқ орақош, қоракўз йигитга тексин». Посилкада икки юз граммча тамаки, битта ғалати батист рўмолча, кўк конвертга солинган икки элликкина хат:

«Ўртоқ қизил аскар! Тамакини ўртоқларингиз блан чекинг. Рўмолча сизга омонат. Урушдан кейин сўраб оламан. Латофатхон Ғуломова». Мирзаев шошиб қолиб бир куннинг ўзида Латофатхонга қиска хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан-оёқ «рахмат»дан иборат эди, кейингисидан «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди. Иккита хатга ҳам тезда жавоб келавермади. Бу орада қатта жанглр бўлиб, Мирзаевнинг қисми гвардия қисми, ўзи гвардиячи сержант бўлди. Шундан кейин Латофатхонга яна хат ёзди. Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармагандан кейин Мирзаев «унақа гаплар мижозга тўғри келмади, шекилли» деб қаттиқ хижолат тортди, шу хижолатликдан қутилиш учун бу гапларни эсидан чикаришга ҳаракат қилди.

Сержант ярадор бўлиб, яна Латофатхонни эслаб «оёққа босишим биланоқ йўқлаб бораман» деб жазм қилган эди, оёққа босганидан кейин ўйлаб қараса, тўғри келмайди; хатларига жавоб бермади, рўмолчани урушдан кейин сўраб оламан дегани немисни каллапоча қилмагунингча кўзимга кўринма дегани...

Шу блан Мирзаев бу гапларни хаёлдан чиқарган эди. Шу бугун кечкурун диққат бўлиб ўтирганида яна Латофатхон эсига тушиб, бир фикрга келди. Латофатхонни кўриб «мен ўша Эркабой Мирзаев бўламан» дейиши шартми? Тўғри келса, Мирзаевман дейди, тўғри келмаса, унинг ўртоғиман, ярадор бўлиб келаётганимда «Латофатхонни бориб кўр, мендан салом айтгин» деб тайинлаган эди дейди кўяди-да. Ақлли, бамаъни қизга ўхшайди, бирпас гаплашиб кўнглини ёзиб келади...

Жўнади. Латофатхоннинг ҳовлисини топиб, эшикни тақиллатаётганида кўнглидан бир гап ўтди: бордию Латофатхон дегани суви қочиб, шохида майиз бўлган кампир сумон бир хотин бўлса-чи?

Ҳақиқатан эшикни жуда ўтиб қолган бир кампир чиқиб очди. Кампир уни кўриб аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан кучиб у юзидан-бу юзидан ўпти.

– Вой, қоматингдан онанг ўргилсин! Оёғингга нима қилди? Кир, тезроқ! Бу ёққа, ўргилай. Ҳай, қизим, қаёқда қолдинг, самовар қўй! Аканг урушдан келиптилар...

Мирзаевнинг юраги «шув» этиб кетди. Кампирнинг ўзи дарров супага жой қилди. Бирпасдан кейин ичкаридан атлас қўйлак кийиб, кокилини бошига ўраб олган 17 ё 18 ёшдаги бир қиз чиқиб, Мирзаев блан сўрашдию яна кириб кетди. Мирзаев унинг кетидан қараб, «чакки беҳуда хат ёзиб хуркитибман-да, жуда менбоп нарса экан» деб қўйди. Кампир Мирзаевни яна ўпти, ярадор оёғини силади.

– Худаё, немис ўлсин, сендай йигитларни уй-жой қилиб, орзу-ҳавас кўргани қўймаса! Латофатхон ҳам сизлар блан биргадир-да, а ўғлим?

Ҳалиги қиз дастурхон кўтариб келаётган эди, кулиб юборди.

– Бу киши шунақа, ким урушдан келдим деса, опамни сўрай берадилар.

– Ҳе, Латофатхон ҳам урушга кетганми? Қачон, нима бўлиб?

– Опам медсестра бўлиб кетганлар. Ўтган йил 3 майда эди.

– Шунақами?

– Ҳа, ўғлим, шунақа...

Шунча айтдим, от миналмасанг, замбарак оталмасанг нима қиласан дедим. Ҳеч кўнмади. Ўзи жуда ғайратлик эди-да. «Берлинга от қўяман» дейди. Фикри-ёди урушда. Шу ерда юрганида нима топса қизил аскарларга совға қилиб юборар эди. Хат ёзмаган куни йўқ. Ҳали-ҳали қизил аскарлардан, командирлардан хат келиб туради. Келган хатларни ўзига жўнатиб турамиз. Қизим, нечта хат жўнатдинг?

– Ҳа, 102 та хат юбордик.

Мирзаев бир чўчиб тушди: «Ҳе, учтаси мандан бўлса, қолган 99 таси кимдан?»



Медицина хизматининг старший лейтенанти – ўзбек халқининг ботир қизларидан бири Собира Маждова.
В.Юдин фотоси

– Ҳаммаси урушдан келганми?

– Ҳа, ўғлим, ҳаммаси урушдан. Бор, қизим, суратини олиб чиқ, аканг кўрсинлар... Бу хатларнинг кўпчилигини синглингиз менга ўқиб берган. Қизил аскарлар, командирлар бирам хурсанд, бирам миннатдор денг. Шу хатлардан иккитасини шўхроқ йигит ёзган экан!.. Майли, умрини берсин.

Мирзаев қип-қизариб пешанасини кашлади. Қиз Латофатхоннинг суратини олиб чиқди.

– Мана бу шу ерда олдирган суратлари, – деди.

Мирзаев олиб кўрди. Битта киз шунчалик бўлади-да! Суратда худди «боринг, унақа деманг!» деганга ўхшаб турипти. Лекин медсестраликка ярарликми?

– Мана бунисини кўринг, ўғлим, бу Москвадан юборган сурати. Латофатхонга ҳарбий кийим шундай ярашиптики...

Мирзаевнинг кўзи тиниб кетди. Бу суратда «ҳай, бола, кўзингга кара!» деганга ўхшаб турипти. Медсестраликка яраш ҳам гапми! Мирзаев ўйлашиб қолган эди, кампир:

– Танидингизми? – деди.

– Онажон! Шу суратни менга берсангиз. Латофатхон юборган совғалардан бири менинг бир ўртоғимга теккан эди. Шу йигит хурсанд бўлиб Латофатхонни бир кўрсам деган эди. Ўзи ярадор...

– Ким деган йигит?

Мирзаев шошиб қолди.

– Сиз юборган ўша 102 та хатнинг учтаси ўша йигитники. Лекин сизга шўхлик қилмайди.

Кампир қизига қаради. Қиз бир нарсани пайкагандай илжайиб:

– Майли, олсинлар, – деди.

Мирзаев суратни ёнига солиб ўрнидан турди. Булар қўймаганига қарамай, хайрлашиб кетди.

У госпиталга келиб, шу куни кечгача ўтириб хат ёзди. Хатни Латофатхоннинг конвертига ўхшаган кўк конвертга солиб, адрес ёзди: «Полевая почта 19640, ўнтадан ортиқ ярадорни жанг майдонидан олиб чиққан бўлса, қорақош, куралайкўз Латофатхон Ғуломовага тегсин». Бу хатнинг мазмунини... бировга айтиб бўлмайди.

Абдулла Қаххор

ГВАРДИЯЧИЛАРНИНГ ЗАРБАСИ

Ефрейтор Султон Аҳмедов командирнинг ўрнини босиб, ротани найза жангига етаклади.

Кўкрагида «Жасурлиги учун» медали ва гвардиячи нишонини таққан бу буғдайранг, паст бўйли ефрейторни қисмда барча танийди. Султон Аҳмедов уруш бошлангандан бери 4 марта яраланди. Брок ҳар гал тузалиб сафга қайтди ва душманни яна қаттиқроқ ва шиддат блан урди. Кейинги вақтларда у яна 30 дан кўп гитлерчини ўлдирди. Яқинда бўлиб ўтган жангда Султон Аҳмедов яна ажойиб бир қахрамонлик кўрсатди. Капитан Коваленко командирлик қилаётган бўлинма немисларнинг траншеяларини эгаллаш тўғрисида буйруқ олди. Атака эрталаб бошланди. Артиллериямиз ўт очиши бланок пиёда аскарларимиз ҳам олға босдилар. Жангчиларимиз артиллерия ўтини ҳимояси остида дадиллик блан душманга яқин боравердилар. Немислар қаттиқ қаршилик кўрсата бошлади. Бирдан рота командирлари сафдан чиқиб қолди. Жангчилар нима қилишни билмай шошиб қолдилар. Атаканинг оқибатини ҳал қилучи минутлар эди. Ротанинг жанговар тартиблари олдига ефрейтор Аҳмедов югуриб чикди.

– Жангчилар! – деб кичқирди у. – Командир ярадор бўлди. Ротага мен командирлик қиламан. Менинг команدامни эшитингиз: Ватан учун, Сталин учун олға!

Рота шиддат блан душманга ҳужум қилди. Султон Аҳмедов ҳаммадан олдин ўхталиб борар эди. Жангчилар жуда илҳомланиб кетдилар. Душманнинг олдинги линияси олдидаги сойда кучли «ура» товушлари кўтарилди.

Совет жангчиларининг зарбасига дош беролмаган немислар чекина бошладилар. Ефрейтор Аҳмедов командирлиги остидаги рота гитлерчиларнинг иккинчи траншеяларини ҳам эгаллади. Душманнинг 3 та танкка қарши тўпи, станокли пулемёти, кўп винтовка, автомат ва ўк-дори, ҳар хил нарсалар юкланган бир от-араваси кўлга киритилди, 2 офицер асир қилиб олинди. Бу жангда Аҳмедовнинг ўзи бир немис офицерини ва 2 солдатини ўлдирди.

С.Данилов

ҚАНДИНГНИ УР, МАҲМУДОВ!

Жангчи Маҳмудов бўлинмамиздаги энг эпчил ва жасур телефонистлардан бири. У ҳеч нарсадан ҳайикмайди. Н. даръёсининг ўнг қирғоғида плацдармни қўлга киритган бўлинма блан дарҳол телефон алоқаси ўрнатиш керак эди. Бу масъулиятли вазифа уддабурон Маҳмудовга топширилди. Ўша замони Маҳмудов кичкина қайиқчага ўтириб, телефон симни тортиб даръёдан сузиб ўта бошлади. Немислар миномёт ва пулемётлардан кутириб ўт очди. У даръёнинг қоқ ўртасига борган пайтда оёғидан ярадор ҳам бўлди. Аммо мард ўзбек йигити ўз шаштидан қайтмади. Маҳмудов даръё орқали телефон симини тортиб буйруқнинг бажарилгани ҳақида бўлинма командирига доклад қилганида командир:

– Мардлигингга қойилман. Ташаккур билдираман, – деди.

Гвардия сержанти У.Нурмуродов

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҚАҲРАМОНИ ТЎХТАСИН БОБОЕВ

Днепрдан ўтилиши мўлжалланган жойни шу кеча разведка қилиш керак эди. Командир бу маъсул вазифани младший сержант **Тўхтасин Бобоев**нинг отделениясига топширди. Разведкачилар кенг даръёдан шарпасиз сузиб ўтиб ўнг қирғоққа чиқдилар.

– Окоп қазиб беркининглар! – дея Бобоев жангчиларга буюрди. Қаҳрамон Тўхтасин душманнинг мудофаа системасини синчиклаб разведка қилгач уч жангчи блан душман траншеясига бостириб кирди ва автомат ўқлари ҳамда гранаталар блан ўнта гитлерчини ўлдирди. Бобоев разведка натижасини қўмондонликка маълум қилиб, ўз отделенияси блан Днепрнинг ўнг қирғоғида қолди ва душманнинг жон-жаҳди блан қилган атакаларини бир неча кунгача қайтариб турди. Шу жангларнинг бирида гитлерчилар Бобоев разведкачиларини орқадан келиб ўрамоқчи бўлдилар. Абжир Тўхтасин фашистларнинг бу ниятини пайқади ва уларни яқин келтириб туриб рўпарадан қаттиқ ўққа тутди. Тўхтасиннинг ўзи тўрт фашистни, разведкачилари эса 15 дан ортиқ фрицни ўлдирди. Бобоев разведкачилари: «Ўлсак

ўламиз, лекин чекинмаймиз!» – деб турдилар ва оқибат енгдилар. Днепрнинг ўнг қирғоғида разведкачилар кўлга киритган шаполоқдек ер ҳадемай кучли, кенг плацдармга айланди.

Ватан уруши фронтида жасур Тўхтасин Бобоев бундан бошқа ҳам кўп баҳодирлик намуналарини кўрсатган. Шунинг учун совет ҳукумати унга энг юқори ном – Совет Иттифоқининг Қаҳрамони унвонини берди. Фарғона область Каганович районидаги «8-чи Март» колхозидан Ватан уруши фронтига келган бу баҳодир ўзбек йигити ҳозир совет ерини немис босмачилардан бағамом тозалаш учун бўлаётган қаттиқ жангларда янада янгидан-янги ботирликлар кўрсатмоқда.

ГВАРДИЯЧИ ЖЎРАЕВ 54 НЕМИСНИ ҚИРДИ

Хужум қилиб илгари силжиётган бўлинмамиз жангчилари қишлоқ четига етай деб қолганларида немисларнинг қаттиқ ўтига дуч келдилар. Қилоқнинг ўнг томонига ўрнатилган станокли қўш пулемёт тарақлаб ўт ёғдириб қолди. Бўлинма командири дарров тактикани ўзгартирди. У айланиб ўтиш маневрини қўллаб душман пистирмасига ён ва орқа томонларидан зарба беришга қарор қилди. Станокли пулемётчи гвардия оддий аскарлари Ҳаким **Жўраев** душманга ён ва орқа томондан зарба етказиш учун манёвр қилаётган взводнинг олдига ўтди. У взвод жангчиларидан анча нари кетди. Қулай бир жойга пулемётини ўрнатиб нишонга тўғрилади. «Максими» аллақачон уларнинг суробини тўғрилаб қўйди. Фрицлар контратака қилишга уринди. Брок бу ҳам фойдасиз бўлди. Ўқчиларнинг зарпига тўхтовсиз жўр бўлган «Максим» немисларга омон бермади. Шундан кейин тирик қолган фашистлар ҳамма нарсанинг баҳридан кечиб фақат ўз жонларини сақлаб қолиш пайига тушдилар: қурол-яроғларини ташлаб, ярадорларини қолдириб ура қочдилар. Жўраевнинг ўқи йўл-йўлакай яна кўпларни қувиб етди. Гвардиячи, моҳир пулемётчи Жўраев шу бир жангнинг ўзида 54 босмачини жаҳаннамга киргизди.

Младший лейенант Исмоил Зокиров

ЖАСУР ВА ЭПЧИЛ ҲАРБИЙ ФЕЛЬДШЕР

Ҳарбий фельдшер Шокир Ҳақимов довурак йигит. Яқинда бўлиб ўтган катта ҳужум жангларнинг бирида бу азамат ўзбек йигити мардликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Ҳақимов каттиқ яраланган бир офицерни жанг майдонидан олиб чиқди. Ярасини боғлаб, дарҳол машинага ундади, 100 – 150 метр узоқлашиши блан душман снаряди машина ёнига келиб тушди. Машина ўт олди. Ҳақимов дарҳол ёнаётган машинага қараб югирди. Худди шу вақтда душман яна селдай ўт ёғдира бошлади. Брок Ҳақимов бунга эътибор қилмас ва сезмас эди. У фақат биргина нарсани – ҳар қандай қилиб бўлса-да командирнинг ҳаётини кузатишни ўйлар эди. Ҳақимов машинага кирганда командирнинг кийимлари аллақачон ўт олган эди. У жуда чакқонлик блан командирни ёниб турган машинадан олиб чиқди. Унинг ёниб турган кийимларидаги ўтни ўчирди. Сўнг уни бақувват кўлари блан озот кўтариб олдида бағрига босган ҳолда 200 – 300 метр нарироқдаги хавфсиз пастқам жойга олиб борди.

Ҳақимов ярадор командирини олиб кетаётган арава кўздан ғойиб бўлгандан кейингина ўт ярасининг оғириғини ва куйган қўлларининг ачий бошлаганини пайқади... Ватан унинг кўкрагига «Жасурлиги учун» медалини тақди. У тагин «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланишга тақдим қилинди.

Капитан З.Фатхуллин

Газетанинг 3-бетида гвардия майори Абдурашид Алининг мақола-ласида фашизимга қарши курашдаги халқларнинг жанговар дўстлиги галабанинг бош омилларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

«Улуғ рус, украин, белорус халқларининг аскарлари блан бирга тожик, грузин, армани, озарбойжон, ўзбек, қозок, татар ва бошқа қардош халқларнинг фарзадлари ҳам фидокорлик блан жанг қилмоқдалар. Совет Иттифоқининг Қаҳрамони қозок Истай Эшанов бундай дейди:

– Биз Днепр соҳилларида жанг қилдик. Брок мен ўзимни жонажон Сирдаръё қирғоқларида уруш қилаётгандай ҳис қилдим. Украинадан бизнинг Қозоғистонни бешалар, далалар, тоғлар ва сахролар аж-

ратиб туради, аммо бизга биргина куёш бизнинг Сталинимиздир. Сталин куёши остида биз барчамиз қон-қардош бўлиб қолдик. Қозок йигити Истай Эшонов улуғ Ватанга содиқлигини исбот этиб берди: ўз тўпининг ўти блан жангда 3 немис танкини, ўқ-дори юкланган 7 автомашинасини ва юзлаб гитлерчиларни тилка-пора қилиб ташлади. Ҳатто ярадор бўлганда ҳам Эшонов қаҳру ғазаб блан душманга қарши жанг қилишни давом этдирди. Татар йигити Салим Айтқулов душман блан юзма-юз бўлишга борар экан:

– Жасурлик тоғни талқон қилади, – деди.

Унинг қанотидан эса ўзбек йигити Ўразбой Жуманиёзов, қозок Жамангаров ва бошқалар борардилар. Бу қаҳрамонлар ўқ ва найзалар блан, қўндоқ ва белкураклар блан ҳаракат қилиб фашистларнинг қаттиқ хужумини қайтардилар. Немислар қатта талафот кўриб орқага чекиндилар. Совет Иттифоқининг Қаҳрамони шерюрак ўзбек йигити Содик Алиназаров немисларнинг станокли пулемёти ёнига ўрмалаб бориб, душман пулемётчиларининг бошларини белкурак блан уриб мажаклади».

Совет Иттифоқининг Қаҳрамони ботир татар йигити Ҳаким Ҳасанов бир жангда ўз пулемётининг ўти блан душманнинг икки қаттиқ контратакасини қайтарди. Оғир ярадор бўлиб, кўп қон кетиши натижасида ҳушсиз бўлганидан фойдаланиб немислар уни асир қилиб олдилар. Фашистлар Ҳасановни бизнинг қисмларимиз ўрнашган жойлар тўғрисида маълумот беришга мажбур қилмоқчи бўлиб уришиб кўрдилар. Бунга қаҳрамон:

– Совет кишилари ватанфуруш эмас! Мен коммунист, озод татар халқининг фарзанди. Менинг бутун қонимни шимиб олишингиз мумкин, лекин мендан гап ололмайсиз, – деди.

Илож қилолмай ғазабга келган гитлерчилар қаҳрамонни ҳаддан ташқари кўп қийнадилар, минг озобу укубатга дучор қилдилар. Улар Ҳасановнинг кафтларига мих қоқдилар. Қаҳрамон шунда ҳам бир сўз демади. Жаллодлар унинг кўзларида нафрат ва қатъийлик порлаб турганинигина кўрдилар. Бу йигитнинг темир иродаси душманларни қутуртирди. Йиртқичлар Ҳасановнинг оёқларини бойлаб кунда устига қўйдилар ва бошини болта блан чопиб танидан жудо қилдилар.

Қахрамоннинг ўртоқлари немис жаллодлардан шафқатсизларча ўч олдилар ва олмоқдалар. Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги немис босқинчиларга қарши олиб борилаётган курашда тўкилган қутлуғ қон билан мустаҳкамлангандир. Улуғ Ватан уруши кунларида Ватанимиз халқлари ўзларининг қатта биродарлари бўлган улуғ рус халқи агрофида янада кўпроқ жипслашдилар. Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртидан ёзилган мактубда бундай дейилган:

«Меҳрибон ва иттифоқ оиладаги бирон аъзонинг бошига қайғу-кулфат тушганида бу бошқаларни ҳам чуқур қайғуга солади... Тугулган беш бармоқ, яъни мушт очиқ қўлдан қўра забардаст ва бақувват бўлади». Муштлиримиз маҳкам сиқилган. Немисларни тўхтовсиз равишда тормор келтирмоқдамиз, уларни совет еридан қувиб чиқараётимиз. Бутун Совет Иттифоқининг барча халқлари озод республикаларнинг бузулмас иттифоқини умрбод қилиб жинпслаштирган кишига, улуғ Сталинга зўр ифтихор билан қарамоқдалар.

Гвардия майори Абдурашид Алиев

1944 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ. №32 (221)

МАНА БУ АМАЛИЙ АГИТАЦИЯ

Мен тўпчи ҳам агитаторман. Буларнинг ҳар иккиси ҳам манфур душманга қарши курашда жуда кучли қуроллардандир. Гап булардан усталик билан фойдалана билишда. Брок қуруқ сўз қулоққа ёқмас. Ўз тажрибаларимдан бир мисол: яқинда олдинги позицияда мен бўлинмамаздаги ўзбек, татар ва қозоқ йигитларини тўплаб, уларга ўртоқ Сталиннинг 16-чи сон буйруғини тушунтираётган эдим. Бирдан немислар 20 дан ошиқ танк ҳимояси остида контратака қилиб қолди.

– Қани, йигитлар, – дедим мен жангчиларга, – суҳбатимизнинг давомини амалий жанговар иш билан тугатайлик. Хонаси кеб қолди ҳозир.

Кўз очиб юмгунча жангчилар ўз позицияларини эгалладилар. Немис танклари билан ўртамаздаги масофа тобора қисқараверди. Мен панарамадан қўзимни узмай танкларнинг яқин келишини кута бошладим.



Старший сержант Содиқов душмандан ўлжа қилиб олинган 105 миллиметрли замбаракдан отиб немисларнинг икки «тигр»ини яна бир ўрта танкни, 2 тўпни миномёт батареясини ва 300 га яқин гитлерчини яқсон қилди. Суратда: орденли старший сержант Сайдали Содиқовнинг расчёти душманни ўтга тутмоқда.

В.Юдин фотоси

– Қани, Мавлонов, агитацияни бошла, – деди взвод командири. Мен икки снаряд уздим. Тегмади.

– Яхши агитатор эмас экансан, ўртоқ Мавлонов, – деди кесатиб взвод командири.

Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Жоним чиқиб кетди. Аранг ўзимни босиб олдим. Олдинги танкни мўлжалга олиб снаряд уздим. Танк ёниб кетди. Унинг орқасидан бир «фердинанд» кела бошлади. Икки ўртада «дуэл» бошланди...

Мен учинчи снаряд блан бу ўзиюрар тўпни ҳам ёндириб юбордим... Бошқа тўпчилар ҳам бир неча танкни пачақладилар. Душман контратакаси қайтарилди.

– Баракалла, Мавлонов, ўткур агитатор экансан, – деди бу гал взвод командири, – агитациягни немис танклари ҳам яхши пайқаб олдилар.

Бу эса менинг амалий агитациям эди.

Сержант Болтабой Мавлонов

БИРОДАРЛАР БЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА ТУРИБ

Агитатор сержант Минашев қозоқ ва ўзбек тилларини яхши билади. У бўлинмадаги ҳамма ўзбек ва қозоқ жангчилар блан ўртоқ Сталиннинг февраль буйруғи тўғрисида уларнинг она тилларида бир неча бор суҳбатлар ўтказди. Бир кун суҳбат вақтида қозоқ Шоғани Турсунбоев агитаторга қараб бундай деди:

– Манашев, сен командирга айт, мен рус тилини чалакам-чатти билсам-да, лекин рус биродарларимиз блан елкама-елка туриб немисларни, ўртоқ Сталин буюрганидек, аёвсиз савалайман. Сталин русларнинг ҳам, қозоқларнинг ҳам ва бошқа миллатларнинг ҳам отаси.

Турсунбоев жангда ҳақиқатан ҳам ҳаммага манзур бўладиган жасурлик кўрсатди. У ўз пулемётидан дўлдай ўқ ёғдириб душман взводининг атакасини даф қилди. Шу жангда унинг ҳамкорлари қозоқ Тоиров, ўзбек Фаттахов ва Патхудиновлар ҳам гитлерчилар блан шердек олишдилар. Уларнинг автомати ўнлаб фашистларни лаҳадга тикди. Минёр Жумабакир Алиев бўлса эртага хужум бўладиган кечаси 150 немис миначини зарарсиз ҳолга келтирди.

Старший лейтенант Ларионов бўлинмасидаги рус бўлмаган миллат жангчиларининг бу жанговар ишлари улар ўртоқ Сталин буйруғини яхши англаганларини ва шу буйруқ талабларини бажариш учун астойдил киришганларини яққол кўрсатади.

Младший сержант Саид Оқтоев

МАҲР ВА СЕП

Шерали блан Шаҳринисо бир-бирини яхши кўрар эди. Лекин иккови ҳам очиқчасига бир нима деялган эмас; бир нима дейиш қаёқда, даладами, кишлоқдами бир-бирини кўриб қолса худди биров «ўхў!» деялгандай чулдираб қолар эди. Ошиқликни бекитиб бўлар эмишми?! Буларнинг дардини, барибир, ҳамма билар эди. Шерали аскарликка кетаётганда кузатгани чиққанлар шунинг учун орадаги кераксиз пардани кўтара қолишди. Шаҳринисони ўртоқлари четга тортиб:

– Ноз қилмай ўл! Гаплашсанг-чи! – дейишди. Йигитлар Шералини турткилашди:

– Ким айтади сени йигирма кирган йигит деб, иссиқ-иссиқ ўп-майсанми?..

Кузатгани чикқанлар ўзларини гўлликка солиб туришди. Иккови бирин-кетин станциянинг орқасига ўтиб кетди. Шерали даромад қилгани гап тополмай Шаҳринисонинг кўлини ушлади.

– Мана энди биз кетаётибмиз, сиз қолаётибсиз...

– Ой бориб, омон келинг...

– Сизга бир нима демоқчи эдим.

– Айтинг.

Шерали икки-уч оғиз ростлаб, ниҳоят:

– Эсимдан чиқиб турипти, –деди. Шаҳринисо кулиб юборди.

– Эсингизга солайми? «Яхши кўраман» демоқчи эмасмикинсиз?

Шерали қип-қизариб, бир кўзи кичрайиб кетди. Лекин хийла дадил бўлиб унинг билагидан ушлади.

– Сиз-чи? Менга қаранг. Бир қаранг! Сиз ҳам яхши кўрасизми?

Шаҳринисо Шералининг билагини чимчилаб:

– Боринг! – деди ва дўпписини кўзига туширди. Унинг бу ҳаракати Шералининг саволига энг яхши жавоб эди. Броқ Шерали бунга қаноат қилмас, рўй-рост «мен ҳам сизни яхши кўраман» дейишини хоҳлар эди. Шунинг учун гапни айлантирди.

– Бизнинг-ку суратимиз сизга керакмасдир, лекин сиз суратингизни берсангиз бўлар эди. Ё арзимайми? Мумкинми сочингиздан бир толасини олсам? Ёдгорликка...

– Ёдгорлик берганман-ку.

– Нима берибсиз?

Шаҳринисо қизиқ устида шундай дейишга деди-ю, кейин уялди; чопқиллаганича панжаранинг орқасига ўтиб кетди. Бу яхши бўлди, чунки Шерали унинг сўзига жавобан нима дейишини, нима қилишини билмас, нима деса ва нима қилса, назарида, сохта чиқадигандай кўринар эди. Унинг сўзини босиб тушадиган зўр гапни хайрлашганда топиб айтиш умиди блан ўзига тасалли берган эди, бу ҳам бўлмади. Хайрлашганда Шерали шундай бир аҳволда эдики, кузатгани чикқанлардан кимдир «бола бечорани муҳаббат элитибти-ку» деб қўйди. Орадан яқин икки ой ўтиб Шералидан хат келди:

«Ой юзли, ширин сўзли Шаҳринисохонга! Ўзимнинг соғ-саломатлигимни билдиришлик бароваринда сиз гўзал ёримнинг ҳам ўйнаб-кулиб юришингизни табиатнинг энг нозик жойларидан тилаб қоламан.

Мени сўрасангиз, ҳозир ҳарбий лагердаман. «Машқда қийналсанг урушда қийналмайсан» деган шиорни ортиғи блан бажармоқдаман, пулемётга ишқибоз бўлиб қолдим. Шуни ҳавас блан ўрганмоқдаман. Яна шуни билдимки, Шаҳрихон, агар ишлар планлик, киши интизомлик бўлса, битта одамнинг қўлидан жуда-жуда кўп иш келар экан. Шу тартиб-интизомда бўлса, ҳар туп ғўзадан баҳазур бир кийимлик пахта олишимиз мумкин экан деб қўйдим. Омонлик бўлиб қайтиб борсам, бутун район қойил қоладигон иш қиламан...

Сизни соғиндим. Жон Шаҳрихон, бир марта тушимга киринг. Энди қандай қилай, ишқилиб, менга берган сўзингиз чин сўз бўлса бас. Ўзингиз биласиз, сизни қанчалик яхши кўришлигимни юз процент ёзаман десам, бир гектар қоғоз ҳам етмайди. Хатингизга интизор бўлиб Шерали!»

Шаҳриносо ёзган жавобида қанча байту ғазаллардан кейин шундай деди:

«... Районни қойил қолдирадиган ишни шу ерда келиб қиладиган бўлсангиз, пулемётни жўхори кўригани ўрганаётган экансиз-да. Мен ўшанақа ишни урушда қиласиз деган умидда эдим. Ундай бўлса, шарт қўяман: менга маҳр берингиз, менинг маҳрим – юз немиснинг боши. Мени қанчалик яхши кўришингизни билдирмоқчи бўлсангиз бир гектар эмас, тўрт энлик қоғоз етарли...»

Шерали бу шартга унаб хат қайтарди.

«...Юз немиснинг боши бизники! Ё данғим чиқади, ё чанғим чиқади. Энди мумкинми биз ҳам бир нима десак? Маҳр сўраган қиз сепи блан келади, сизнинг сепингиз нима бўлади? Мен бориб қилмоқчи бўлган ишни сиз қилоласизми? Сизнинг сепингиз шу бўлади».

Шаҳринисо нима жавоб берганлиги кузда маълум бўлади.

Абдулла Қаҳҳор

Масъул редактор С.Жуков.

Редактор ўринбосари Р.Абдурахмонов

ТАНК ДЕСАНТИ

Танк десантига аҳоли пунктига тўпланган душманнинг жонли кучи ва техникасига қўқисдан зарба бериш вазифаси топширилган эди. Танкларимиз қишлоқнинг чеккасига келиб етиши бланок ҳаммамиз танк устидан ирғиб тушдик. Гвардия младший лейтенанти Зиновьев жангчилари олдига тезлик блан бориб аҳоли пунктнинг орка томонидаги йўлни кесиб қўйиш ва қишлоққа келаётган душман бўлинмаларининг йўлини тўсиш вазифаси қўйилган эди. Биз аҳоли пунктнинг ичкарасига, душманнинг тўплари, миномётлари ва автомашиналари жойлашган кўчаларга қараб юрдик. 40 га яқин гитлерчининг бизга қарши келаётгани кўринди. Ўртоқ Аҳмаджонов бизга: «Ҳой азаматлар, мумкин қадар баланд овоз блан «ура» деб кичкиринглар ва автоматларингиздан узликсиз равишда отинглар», – деди ва ўзи эса баланд овоз блан: «Батальон олға, ура!» – деб команда берди. Кейин биз ҳам жуда баланд овоз блан командиримизнинг «ура!» садосига қўшилиб ва автоматларимиздан дахшатли ўт ёғдириб жадал илгари босдик. Бир неча минут ичида 12 немисни ўлдирдик, 3 тасини ярадор қилдик ва 5 тасини асир қилиб олдик. Қолганлари тумтарақай қоча бошлади. Биз илгари босиб қишлоқ ичига киравердик. Гвардия младший лейтенанти Зиновьевнинг группаси ҳам йўлини кесиб, ўз вазифасини муваффақият блан бажарди. Шу маҳалда қолган десантчиларимиз ҳам етиб келиб саросимага тушган немисларга ўнг томондан қаттиқ зарба бердилар. Фашистлар бутун яроғ-аслаҳаларини ташлаб қочишга тутиндилар.

Бу жанг натижасида 80 немис солдати ва офицери асир қилиб олинди. Ўлган фашистларнинг сони 2 – 3 баробар ошиқ эди. Гвардиячилар немисларнинг 25 тўпини, 16 отли стволли миномётини, 15 мотоциклини ёндирдилар ва яксон қилдилар. Немисларнинг ҳарбий буюм ортилган 30 автомашинаси ва уч бронетранспортёри ўз хайдовчилари блан бирликда жангчиларимизнинг назорати остида қўшни бўлинмага жўнатилди.

Гвардия қизил аскари Б.Юсупов

ҚЎШОРДЕНЛИ ГВАРДИЯ МАЙОРИ М.ЗУФАРОВ

Жўраевнинг ўзи 3 немисни ўлдириб, бирини асир қилиб олди. Гвардиячи Баҳромов бу гал ҳам катта мардлик кўрсатди. У душманнинг икки ўрта танкини нобуд қилди. Худди шу пайтда чап томондан душман янги кучлар блан бирдан контратака қилиб қолди. Кучлар тенг эмас эди. Брок гвардиячилар қаттиқ турдилар. Кўп талафот кўриб жаҳли чикқан душман тобора кутуриб атакани кучайтираверди. Ахвол мушкиллашди. Аммо гвардиячилар бўш келмадилар. То резервларимиз етиб келгунча ўн соат давомида тўхтовсиз жанг қилдилар. Жўраев икки марта оғир ярадор бўлди. Кўп кон кетиши натижасида дармони курий деб қолган Жўраев жангга раҳбарлик қилишни давом этдираверди. Унинг позицияси олдида душманнинг 20 та ўлиги ётар эди.

– Немис бу ерга оёқ босмаслиги керак. Чунки бу ерга гвардиячиларнинг қутлуғ қони тўкилган. Ўлим бор, лекин чекиниш йўқ. Сизлар бунга қодир. Ишонаман...

Қаҳрамон командирнинг бу охирги сўзини эшитган гвардиячиларнинг ғазаблари тўлиб-тошди ва улар шиддат блан жанг қилишни давом этдирдилар. Резервларимиз етиб келгач улар блан бирга хужумга ўтиб аҳоли пунктини эгалладилар. Ўртоқ Жўраевнинг бўлинмаси топширилган вазифани шараф блан бажарди. Артиллерия ўтидан кейин пиёда аскарларимиз олға босдилар. Брок немисларнинг бронепоезди ва танклари уларнинг йўлини тўсди. Майор Сеитов тўпни очик позицияга чиқаришни буюрди. Гвардия сержанти М.Қодировнинг расчёти бир зумда ўз тўпини очик позицияга судраб чиқди ва немис танкларини тиккасига ота бошлади. Душманнинг 4 танки шикастлантирилди, поезди ёндирилди.

Украинанинг бир шахри учун бўлган жангларда гвардия оддий аскари, пулемётчи Асли Сирожов катта маҳорат кўрсатди. Ўз пулемётининг ўти блан немисларнинг бир ротага яқин солдатларини кириб ташлади. Окопига немис танки босиб келаётганида ярадор бўлган ўртоғининг танкка қарши қуролини олди ва душманнинг 2 танкини ерга пачақлади. Ўзбекларнинг қадимги шахри Самарқанднинг Жумабозор қишлоғидан чиққан бу шерзоднинг кўкраги уч орден блан безалган. Ҳозир у «Ленин» орденига тақдим қилинган. Бир йирик темир йўл

узелини эгаллаш учун бўлган жангда офицер Фозилов ва партия ташкилотчиси Нуримбековлар чинакам ҳарбий моҳирлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар. Йўлдошевнинг бўлинмаси усталик блан манёвр қилиб душманнинг бир ДЗОТини қуршаб, ундаги немисларни асир қилиб олди. Шу куни бўлинма станцияни душмандан тозалаб, у ерга ўзи мустаҳкамланиб олди. Ўзбек йигитларнинг қаҳрамонликлари улуғ. Улар мислсиз жангларда ўз номларини, ўз халқини, ўз ватанини шон-шарафларга ботирмоқдалар. Ўзбек эли ўзининг бу муносиб фарзандлари блан ёзилажак катта китобида абадий яшайди.

**Масъул редактор С.Жуков.
Редактор ўринбосари Р.Абдурахмонов**

1944 ЙИЛ 11 МАЙ. №36 (224)

ФАШИСТЛАРНИ ЖАҲАННАМГА ТИҚАМИЗ

Лейтенант ўртоқ Қудашев бўлинмасида учинчи давлат ҳарбий заёмига ёзилиш катта муваффақият блан ўтди. Бўлинмадаги офицерлар ва оддий аскарларнинг кўпчилик қисми янги заёмга ўзлари оладиган маошларига қараганда анча ошиқ суммада ёзилдилар. Масалан, гвардия старший сержанти Рожков 400 сўмга ёзилди. Мен ҳам 400 сўмлик заёмга ёзилиб, Қизил Армиянинг қудратини ортдириш жамғармасига ўз ҳиссамни қўшдим. Ватанимиз тупроғининг фашист газандалардан пок бўлиш соати энди узок эмас. Қизил Армиянинг кучига куч, зарбасига зарба қўшадиган янги заёмга бирдамлик ва уюшқоқлик блан ёзилиш бунинг ёрқин гувоҳидир.

Оддий аскар В.Мусаев

СОВЕТ ТУПРОҒИНИНГ ҲАММАСИНИ ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРДАН ТОЗАЛАЙМИЗ

Бўлинмам Н. даръёси бўйидаги муҳим бир участкада қўлга кiritган маррани мустаҳкамлаб турибди. Биз Олий бош қўмондонимиз, Совет Иттифоқининг маршали улуғ Сталиннинг тарихий биринчи май буйруғини худди шу ерда – олдинги доиранинг окопла-



Тошкентдаги Н-чи заводнинг стахановчи ишчиси Тўлаганов фронт заказларини ҳар доим ортдириб бажариб келмоқда

рида туриб ўқидик. Улуғ саркарданинг буйруғи юракларимизга яна ғайрат алангаси солди. Ўртоқ Сталин шавкатли Қизил Армия немис-фашист босмачиларни мағлубиятга учратиб, қўлга киритган буюк ғалбаларига яқун ясади ва ҳозир олдимизда турган жанговар вазифани белгилаб берди. Бундан бир йил муқаддам Олий бош қўмондоннинг ўтган йилги биринчи май буйруғини Белгород бўсағаларида – Шимолий Донецк даръёси бўйида ўқиган эдик. Ўшандан бери қисмимиз гитлерчи газандаларни тўхтовсиз қувиб, ҳужум жанглари блан жуда катта шонли ғалаба йўлини босиб ўтди. Биз ўртоқ Сталин буйруғини бажариб қаттиқ жангларда, манфур душманни бошлаб савалаш санъатини ўргандик.

Младший сержант Казамиров расчётидаги оддий аскар коммунист Тўлаган Усмонов илгари шофёр эди. Ҳозир эса у миномёт наводчиги. У шундай мерган бўлганки, фрицларнинг нишонаси кўринса бас. Яқинда немислар биздан олдиқоқдаги муҳим позицияда турган ўқчи бўлинмага атака қилди. Шу жангда Усмонов фашистларни худди чигирткадек кирди. Бўлинмамда Усмоновга ўхшаганлар кам эмас. Ўртоқ Сталин бизнинг олдимизга совет тупроғининг қолган қисмини ҳам немис газадалардан батамом тозалаш, давлат чегараларимизни тиклаш ва жон талвасасига тушган йиртқич душманни

Ўз тупроғида тамомила янчиб ташлаш вазифасини қўйди. Олий бош қўмондонимизга қасамъёд қилиб айтамикки, биз ўзимизнинг ҳарбий маҳоратимизни тинмай ортдирамиз ва олдимизда турган қаттиқ жангларда янада мардона курашиб, нухтасини узган фашист газандаларни ер юзидан тамомила супириб ташлаймиз.

Лейтенант Абдурахим Тўхтамедов

ЖАНГ УСТАЛИГИМИЗНИ ОШИРАЙЛИК!

Ўртоқ Сталин ўзининг биринчи май буйруғида бизнинг олдимизга бутун еримизни фашист босқинчилардан тозалаш ва Совет Иттифоқи чегараларини Қора денгиздан тортиб Баренц денгизигача бутун чизиғи бўйлаб тиклашдай шарафли ва жуда масъулиятли вазифани қўйди. Биз биламикки, яқин фурсатда жонажон Ватанимиз тагин илгаригидек гуркираб, эркин нафас ола бошлайди. Гитлерчи каллакесарлар илгари ёз биз учун, ёзги жангларда фақат бизгина ғалаба қилишга қодирмик деб махтанчоқлик блан бутун дунёга жар солган эдилар. Аммо энди уларнинг бундай гердаиб, манманлик қиладиган вақтлари ўтиб кетди. Биз уларни Сталинград бўсағаларида қишда савалаган эдик, ёзда Курск дўғасида дўппосладик, кузда Днепр бўйларида урдик. Биз бундан кейин ҳам бу босмачи аблаҳларни то батамом янчиб ташлангунча йилнинг ҳамма фаслида ва қаерда бўлмасин мана шундай шафқатсиз савалайверамик. Мен пулемётчиман. Мен Олий бош қўмондонимиз доно Сталиннинг буйруғидан ўзимга шундай хулоса чиқардим: яраланган немис йирткичини ўз уясида мажақлаб ташлаш учун чарчамай ўзимнинг жанг усталигимни тобора юксалтиришим, хилма-хил куруллардан фойдаланишни ўрганишим, интизомли аскар бўлишим керак. Мен ўз ҳамюртларимга қарата шундай демоқчиман:

– Жанговар дўстларим! Ҳарбий санъатни кунт блан пухта ўрганайлик ва разил немис босмачиларни, худди ўртоқ Сталин ўргатганидек, шафқатсиз урайлик. Серқуёш Ўзбекистон учун! Улуғ Ватанимиз – Совет Иттифоқи учун! Душман устидан узил-кесил ғалаба учун жангларда янгидан-янги ботирликлар кўрсатайлик!

Младший сержант Набиев

ЯНГИ ЖАНГЛАРГА ШАЙМИЗ!

Доно саркардамиз биздан ҳар доим ҳар бир усталигимизни тинмай ва чарчамай мукамаллаштиришни талаб қилади. Шунинг учун биз бўлажак ҳал қилучи қаттиқ жангларга пухта таёрлана туриб, озгина бўш вақтларимизда ҳам ўзимизнинг жангга салоҳиятимизни ортдириш масаласи блан жиддий шуғилланмоқдамиз. Жангларда чиниққан, кўпни кўрган солдатлар бўлинмамизга янги келган ёш аскарлар блан ўзларининг бой тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар. Улар рус куролининг шуҳрати, кучи тўғрисида ёрқин фактларни сўзлаб бермоқдалар, ёш аскарларни ўтган жанглардаги жасурлик, моҳирлик, душманни алдай билиш мисоллари асосида етилтирмоқдалар. Кичик командирлардан старший сержант Козлов яқинда бўлинма ўз қўл остида қандай қилиб катта сув маррасидан кечиб ўтганлиги ва қирғоқнинг у томонида мустаҳкамланиб олганлиги тўғрисида жуда характерли воқеани сўзлаб берди.



Лейтенант Калашников бўлинмасига Учинчи Давлат ҳарбий заёмига ёзилиш муваффақиятли равишда ўтди. Суратда: оддий аскар Ваҳоб Мусоев янги заёмга 400 сўмлик ёзилаётир.

В.Юдин фотоси.

Шундан кейин эртасига бўлинма ўз қўл остидаги ёрдамчи материаллардан фойдаланиб даръёдан кечиб ўтишни амалий равишда машқ қилди. Пулемёт расчётидаги ёш жангчи Петров тажрибали жангчи Совакнинг ёрдами блан станокли пулемётни кунт қилиб ўрганмоқда. У яқинда бўлган таълим машқида жуда эпчил, моҳир пулемётчи бўлиб етишаётганлигини амалда кўрсатди. Бўлинмамиз янги жангларга мана шундай шайланмоқда. Биз ўрток Сталиннинг буйруғини шараф блан бажариб, немис-фашист босқинчиларни батамом янчиб ташлаймиз!

Младший лейтенант К.Сафаров

Газетанинг 3-саҳифасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Бобоевнинг сурати берилган. Унинг тағида «Бизнинг фахримиз, бизнинг шонимиз» сарловҳа остида ушбу сатрлар ёзилган:

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг тилла сув блан ёзилган рўйхатида ўзбек халқининг баҳодирларидан **Қўчқор Турдиев, Камол Пўлатов, Аҳмадjon Шуқуров, Тошмамад Жумабоев, Валижон Набиев, Саидусмон Қосимхўжаев, Абдулла Йўлдашев, Тўхтасин Бобоев, Абдуиса Дехқонбоев, Қосим Якубов, Жўраҳон Усмонов, Қудрат Суюнов, Атаулла Солиҳов, Содиқ Алиназаров, Бўтабой Содиқов, Маҳмуд Оқтурғунов, Ислон Усмонов, Ўринбек Якубов, Боис Эргашев, Али Абдураззоқов** ва бошқаларнинг номлари тиркалган.

Бобоев Тўхтасин 1923 йил 12 январда Фарғона области Ўзбекистон райони Жонкетмон қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. 1943 йилдан КПСС аъзоси, ўрта маълумотли, колхозда ишлаган. 1942 йилдан Совет Армиясида хизмат қила бошлаган. 1942 йил августдан Улуғ Ватан уруши frontiда. 154-алоҳида разведкачилар ротаси (Белоруссия fronti 61-армиянинг 81-ўқчи дивизияси) бўлинма командири кичик сержант Т.Бобоев 1943 йил 1-чи ноябрда рота таркибида биринчилардан бўлиб Змеи хутори райони (Чернигов областининг Репки райони)да Днепр дарёсини кечиб ўтган,



Тўхтасин Бобоев

душманнинг 7 қарши ҳужумини қайтаришда иштирок этган. 1943 йил 2 октябрда бўлинма блан бирга душман мудофаасига ёриб кириб, уларнинг 6 пулемётини, 30 дан ортиқ гитлерчини яқсон қилган. Оғир ярадор бўлса ҳам, жанг майдонини ташлаб кетмаган.

1945 йил 15 январда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. «Ленин» ордени, 1- ва 2-даражали «Ватан» уруши, 3-даражали «Шухрат» орденлари, медаллар блан мукофотланган. 1952 йил Т.Бобоев Тошкент юридик институтини битирган, колхоз раиси, совхоз директори бўлиб ишлаган. 1962 йилдан Оҳангарон шахрида яшайди, савдо системасида ишлайди.⁹

ЖЎРАХОН УСМОНОВ

Шавкатли қўшинларимиз Орёл ёнида немис қўшинларини мағлубиятга учратган кунларда Жўрахон Қизил байроқли қисм сафида шарафли йўл босиб ўтди. Бу йўл ундаги оташин ватанпарварлик фазилатларинигина эмас, Ленин-Сталин комсомоли фарзандига лойиқ ажойиб хислатларни ҳам намойиш этди. Унга рота комсомол ташкилотчиси каби масъул вазифани юкладилар. Бу вазифани ҳам шараф блан бажарган Жўрахон ўзининг фидокорлиги блан рота комсомоллари орасида катта ҳурмат ва чексиз муҳаббат қозонди. Қисм Сожга етиб келганда душман бу даръёнинг ғарбий қирғоғида мустаҳкам мудофаа кўрғонлари ясаб совет қўшинларининг йўлини тўсмокчи бўлди. Ойдин кечада Жўрахон буталар панаси блан юриб даръё бўйига келди. Шошилич равишда ёғочлардан ясалган солда бир туркум совет жангчиси чап қирғокдан узоқлашди. Жўралар чап қирғокдан қанчалик шарпасиз узилган бўлсалар, ўнг қирғокқа ҳам яна шундай шарпасиз кўндилар. Совет жангчиларининг қақшатғич зарбалари орқасида юрагини олдириб қўйган фриц ёнида бирданига пайдо бўлган одамни кўриб дод солмокчи бўлди. Лекин пайдор чангаллар имкон бермади. Кекиртагига ботирилган дандон сопли пичоқ эса уни дарҳол саришта қилди.

⁹ Жасоратнома. Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси. Тошкент, 1990. Ўзбекистон уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши. Таҳрир хайъати: Р.И.Ғуломов, Н.И.Маслов, В.Н.Маҳмудов, М.М.Мирзамухамедов, Н.Т.Тўхлиев, (масъул муҳаррир), Тузувчи-муаллиф Н.Г.Березняк.

– Шивелёв, – деди Жўрахон пулемётчи рус йигитига, – тайёрлан!

Еру кўкни шовкинларга тўлдирган замбараклар ва миномётлар наъраси орасидан Шивелёвнинг «Тайёрман!» деган овози эшитилди. У пулемётни бир дарахт панасига ўрнатиб, душман ҳамласини қарши олишга тахт эди. Жўрахон ўз йигитларини жойларга кўяр-қўймас немисларнинг атакаси бошланди. Ёғилаётган ўқ довулларига совет жангчиларидан жавоб бўлавермагани гитлерчиларни яна ҳам қутиртирди. Оралиқ минут сайин қискариб, душман қадами тезлана борди. Шунда Жўрахон командаси блан тилга кирган Шивелёв ва Ткаченко пулемётлари, жангчиларнинг автоматлари, пайдарпай ташланган гранаталар фашистларни ерга михлади.

Душманнинг янги ҳамласига муносиб жавоб бериш учун энди окоп қазिशга киришдилар. ... Икки юз метрча наридаги бир тепаликдан душман пулемёти Жўралар устига ўт очмоқда. Ёв устолик блан яширинган эди. Фақатгина тепалик ёнбағри блан аста-секин эмаклаб бориш ва ёвни граната ташлаб яксон қилишдан бошқа чора қолмади. Бу ниҳоят хавфли вазифани Жўрахон ўз устига олди. Жўрахон ўз қурбони сари борган қоплон сингари ер бағирлаб сурғалди ва ҳадемай тепалик орқасига ўтиб олди. Жўрахон тепаликка чиққанда қалин буталар панасига бекиниб олган бир фриц тинмай ўқ отарди. Унинг ёнидаги телефони эса орқадаги тўплар ва миномётларга нишон тўғрилаб бермоқда. Жўрахон тиззаланиб борган ҳолда граната ирғитди. Икки фашист ўлди ва пулемёт тинди. Лекин бу воқиа бошқа немисларнинг эътиборини жалб қилди. Ўттиз метрча наридан бута тагида ётган йўғон гавдали бир немис унга яширинишга жой ҳам, вақт ҳам йўқ эди.

Жўрахон фриц ирғитган гранатани дадил илиб олди ва бир зум ҳам қўлида ушлаб турмай уни дарҳол келган томонига улоқтирди. Ерга тушиш олдидан портлаган бу граната яна икки фрицни ўлдирди. Кумлар ва шохларни бир-бирига қориштириб учирган кучли портлаш тўлкини орқасидан тутун тарқалгунча Жўрахон немис пулемётини ва ўқ-дориларини олиб жўнади. Унинг мислсиз қахрамонлигини зўр ҳаяжон блан кузатиб турган дўстлари Жўрахонни кучок очиб қарши олдилар. Жўрахоннинг олган ўлжаси ўқ-дорилари ту-

габ бораётган десантчилар учун пўлатга сув бергандек бўлди. Энди душманни ўз калтаги блан уриш имкони туғилди. Беш рус, икки украин, икки қозоқ ва бир ўзбекдан иборат десантчиларниги саботини на атакалар ва на артиллерия хужумлари блан синдира олмаган душман 80 тача аскардан ажради, лекин ботир совет жангчиларини даръёга чўктира олмади.

Иккинчи тонг Жўраларга яна ҳам катта ғалаба келтирди. Улар атака бошлаган гитлерчиларни ўрмон яланлигига келтириб туриб сассиқ алафлардек ўриб ташладилар ва Сож ғарбидаги плацдармларини яна ҳам кенгайтirdилар. Душманнинг икки кеча ва икки кундуз кутириб қилган ҳамлаларини чилпора этган ва рус куролининг қудратини яна бир бор кўрсатган Жўрахон Усмонов ва унинг жанговар дўстлари Ватаннинг шон-шарафи учун ана шундай жанг қилдилар. СССР Олий Советининг Президиуми ўзининг 1944 йил 16 январдаги фармони блан ўзбек халқининг довъюрак ўғли Жўрахон Усмоновни Совет Итифоқининг Қахрамони деган олий унвон блан бахтёр этди.

Капитан М.Исмоилий

1944 ЙИЛ 18 МАЙ. №38 (226)

ЮРАКЛИГА ЁВ ЙЎЛАМАЙДИ

Халқда шундай деган мақол бор. Мен шунга қаттиқ амал қиламан. Менга ўз отделениям блан бир неча марта душманнинг қаттиқ ўти остида ҳаракат қилишга тўғри келди. Брок ҳар гал биз енгиб чиқдик. Менинг отделениям танк ўтар жойларга 200 дан кўпроқ мина кўмди. Яқинда мен бир грух жангчилар блан душманнинг орқа томонига ўтиб портлаш ишларини бажариб қайтдим. Мени «Жасурлиги учун» медали блан мукофотладилар. Бошим осмонга етди. Ҳар қандай оғир, хатарли вазифани бажардим, бундан кейин ҳам тайёрман.

Старший сержант Ш.Пўлатов



Бу уч жанговар дўст: (чапдан ўннга) авиамеханик старшина украин В.Гаколь, қозоқ А.Исмагамбетов ва татар Р.Муротовлар ўз ишининг чинакам усталари. Улар хизмат қиладиган самолётлар ҳар доим душман бошига ажал уруғи ёғдиришга тайёр.

В.Юдин фотоси.

АГИТАТОР – СЕРЖАНТНИНГ СИРДОШИ

Мен Н-чи қисм агитатори сифатида ўзимнинг рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида ишлаш соҳасидаги баъзи тажрибаларим блан ўртоқлашмоқчиман. Бу, албатта, енгил иш эмас. Агитатор, ҳеч бўлмаганда, бир оз бўлса-да уларнинг тилини, урушгача бўлган ҳаётларининг хусусиятларини, турмуш ва иш шароитларини билиши керак. Агитатор учун энг зарур шарт жангчилар кўзи олдида эътиборли бўлиш, ҳар жиҳатдан уларга ибрат бўлишдир. Фақат ана шундагина у солдатнинг кўнглини топа олади ва унга таъсир қила олади. Оддий аскар Қосимбековни интизомсизликда айбладилар. Командир таъсир берганда у жуда маънос ва диққат бўлар, буйруқларни юзаки бажарар эди. Бир куни қисм командирининг ўринбосари мени чақириб бундай деди:

– Қосимбеков ўткур солдат бўладиган йигит. Аммо уни ҳадеб жазолай бериш блан тузатиб бўлмайди. Уни тарбияламоқ, интизомли ва ботир жангчи қилиб етиштириш учун командирга ёрдам бермоқ керак.

Шундан кейин мен Қосимбеков блан яқинроқ бўлиб танишдим. Даствлаб биз бир-биримизга урушдан олдинги ҳаётимиз ва ишимиз ҳақида, ковму қариндошлардан келаятган хатлар ҳақида сўзлаб бердик.

Дўстона суҳбатлар натижасида мен Қосимбеков блан жуда сирдош бўлиб олдим. Шундан кейин командир ҳам унга эътибор блан қарайдиган бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси Қосимбековнинг киёфасини сал вақт ичида бутунлай ўзгартириб юборди. У командирнинг бир буйруғини яхши бажаргандан кейин мен бу тўғрида деворий газетага бир хабар ёзиб Қосимбековни бир оз мактадим. Командир ҳам жангчиларни ундан ўрнак олишга чақирди. Қосимбековнинг руҳи кўтарилиб кетиб, ҳар ишга чаққон, интизомли ва ғайратли солдат бўлиб қолди. Рота жангга кирганда Қосимбеков мардлик ва жасорат кўрсатди. У мерганларча ўт очиб душманнинг икки ўт нуқтасини йўқ қилди. Сўнг дадиллик блан эмаклаб бориб немисларнинг блиндажига гранаталар ташлаб кўп гитлерчиларни қириб юборди. Қўмондонлик уни «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади. Барча миллат жангчилари ҳам тартиб-интизомли, хушфёъл ва, шу блан бирга, жангда ботир агитаторни яхши кўрадилар. Улар кўпол ва оғзи шалақ куфр кишиларни ёқтирмайдилар.

Агитатор жангчиларнинг миллий хусусиятлари блан яхши таниш бўлиши керак. Брок бугина кифоя қилмайди. Бундан ташқари, агитатор ҳарбий айрим кишининг мижозини, фёълени ҳам билмоғи зарур. Яхши ғайрат қилгани учун бировни макташ, унинг ҳақида деворий газетага хабар ёзиш керак бўлса, бошқа бировни интизомни бузгани учун якка ўзини уялтирмоқ лозим бўлади. Баъзиларга бу тасир қилмайди. У ҳолда уни кўпчилик олдида уялтириш керак бўлади. Ўрта Осиё халқлари жуда чойхўр бўлади. Командирлар ҳам, агитаторлар ҳам бунга эътибор қилишлари керак. Ҳолбуки, айрим кишилар ўзбеклар, тожиклар, қозоқларнинг бу хусусиятларини назарга илмайдилар. Санитар Дурди Амонов бўш минутларида дарҳол гулхон ёқиб чой қайнатар эди. Айрим жангчилар унинг бу одатини масҳара қилиб кулар эдилар. Бу эса Амоновга ёмон таъсир қиларди. Шунинг учун ҳам у ҳеч кимга элакмас ва ҳамиша кайфи бузиқ бўлиб юрар эди. Бир куни Амонов гулхон ёнида ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирганида мен унинг ёнига бориб ўтирдим ва уни гапга солдим. У менга

чой қуйиб берди. Секин-аста суҳбатимиз қизиб кетди. Унинг чехраси очилиб кетиб, юрагидаги «дардлари»ни менга изҳор қилди. Мен бўлсам унга туркман жангчиларининг қахрамонликлари тўғрисида ҳикоя қилиб бердим. Бориб-бориб Амонов бўлинмадаги энг жасур ва юракли жангчилардан бири бўлиб қолди. Агитатор рус бўлмаган миллат жангчилари блан ишлашда кўп усуллардан фойдалана олади. Группа блан ва якка равишда суҳбатлар ўтказиш, деворий газета ўқиб бериш ва бошқа шу сингарилар. Буларнинг ҳаммаси бир мақсадга, у ҳам бўлса жангчида душманга нисбатан чуқур нафрат, Ватанга эса чексиз муҳаббат, мардлик, қахрамонлик, қасамга садоқат ҳислари тарбиялашга қаратилган бўлиши керак.

Агитатор, старший сержант Т.Жалолов

Икки шеър

ҚИЗ МАКТУБИ

*Фарғонага келди гул баҳор,
Елкасида тўн баргикарам,
Қушлар севги айлайди изҳор.
Лололарга тўлди субҳидам...
Сайраганда газалхон булбул
Уйғонаман жўр бўлайин деб,
Жанг ёдига лиқ тўлиб кўнгил,
Жоним, сендан ўргулайин деб.
Колхозимда қайнайди турмуш,
Хаёлингда, экаман пахта
Пешанамдан қуйиб тер қумуш,
Истайман, ёв қон ютсин лахта!...
Қолмасин ёв тоза чаманда,
Ҳеч бўлмасин ёрлар нигорон.
Қилич солгил, ўлсин газанда,
Фарғонага кел, азиз меҳмон!
Доҳиймизга ичдик зўр қасам,
Ваъдамизга қиламиз вафо;*

*Ёр бўлмасин зарра андуҳ-ғам,
Висолингга айла ошино!
Бир энлик хат келса, тўй бўлур,
Зўр ғалабанг – бизга тантана,
Қўлларингда душманлар ўлур,
Сени қучар Фарғонанг яна!*

ЙИГИТ МАКТУБИ

*Фарғонада юрган чоғимда
Кияр эдим шоҳи, беқасам:
Қуёш ботгач, колхоз боғинда
Кутар эди қошлари қалам.
Жангга кетдим, ёр мендан йироқ,
Ҳижронида ўтди кўп йиллар...
Жанг айёми зафар яхшироқ,
Сўнгра, майли, очилсин гуллар!
Дил чидарми, ёнса хоналар,
Эшитилса гўдак ноласи...
Ертўлада куйиб оналар,
Кўзларидан оқса жоласи?
Фарғонали эй севишган ёр,
Олдим меҳр тўла хатингни...
Душманларни айлаб тору мор,
Тугатурман бу фурқатингни.
Ҳамламиздан чекинади ёв,
Алангага ёнади ерлар.
Ғанимларга йўқ зарра аёв;
Пишқиради майдонда шерлар.
Яхши қолгин, Фарғона қизи,
Аямагин тўрт йўл хатингни.
Майдонларда ғалаба қилиб
Оқлайман пок муҳаббатингни.*

НОСИРОВГА ҚОЙИЛМИЗ

Танк кирадиган тўп наводчиси сержант Шапихон Носировнинг жанг блан бўлган разведкада кўрсатган жасорати ҳаммага овоза бўлди. Воқиа шундай. Яқинда ўқчи бўлинма душман мудофаасининг олдинги доирасини жанг блан разведка қилиш тўғрисида жанговар топшириқ олди. Носиров ўз тўпи блан шу бўлинмага мадад бериши керак эди. Бўлинма сув маррасидан ўтган ҳамоно немисларнинг икки ДЗОТдаги станокли пулемётлари тарақлаб қолди. Жангчилар даръё бўйида ётиб олишга мажбур бўлдилар. Бу ерда кўпроқ тўхтаб қолиш ҳалокатли эди. Худди шу пайтда Носиров ҳаммани қойил қолдирадиган иш кўрсатди. У ўз тўпини рўпарага олиб чиқиб, бирпасда ҳар икки ДЗОТнинг кулини кўкка совурди. Ерга кўмилган фашист танки ўт оча бошлаган эди, Носиров атиги бир неча снаряд сарфлаб уни ҳам пачақ-пачақ қилди. Шундан кейин ўқчиларга йўл очилди. Бўлинма ўз олдига қўйилган вазифани муваффақиятли равишда ба-
жарди.

Капитан З.Фатхуллин

ЖАНГЛАРГА ЧИНИҚДИМ

Биринчи даҳшатли жанглардаёқ катнашган эдим. Доволаниб госпиталдан чиққанимдан кейин Кавказ тоғ этакларида ва Курск дўғасида бўлган ғолибона ҳужум жангларида катнашдим. Яқинда мен ўз отделениям блан душманнинг орқа томонига разведкага бордим. Разведкага пухта тайёрландик, душман мудофаасининг олдинги доирасини яхшилаб ўргандик. Шунинг учун ҳам разведкамиз муваффақиятли чиқди. Биз жуда усталик блан фронт чизигидан ўтиб, немислар мудофаасининг ички тузилишини, ўт очиш нукталарининг ўрнашган жойларини билиб ва яна бир қанча қимматли маълумот тўплаб қайтдик. Йўлда эса кечга томон немис блиндажига кўққисдан

хужум қилиб 7 гитлерчини ўлдирдик ва иккитасини асир қилиб олиб келдик. Ҳукумат менинг Ватан олдидаги жанговар хизматларимни юкори даражада баҳолаб, яқинда «Қизил байрок» ордени блан мукофотлади.

Младший сержант Қўчқор Тўраев

ЎЗ АҲДИМДА ТУРАМАН

Мен Ватан олдида, совет халқи олдида ҳарбий қасам ичганимда фронт доирасидан анча узоқда эдим. Мана ҳозир бўлса жанг майдонидаман. Дастлаб ўқчи эдим. Ҳавас қилиб юриб, бўш вақтларимда миномётни ўргандим ва наводчи бўлиб олдим. Мен кейинги вақтларда бир неча бор жангларда қатнашиб анча пишиқ бўлиб қолдим. Айниқса, қардош Украинанинг область маркази Тарнопо шаҳри учун бўлган катта жангларда иштирок этганим учун фахрланаман. Биз бу шаҳарнинг ҳар бир иморати учун бўлган қаттиқ жангларда жуда кўп гитлерчиларни жаҳаннамга киритдик. Мана шу кўча жангларидан бирида оёғимдан ярадор бўлдим. Аммо жанг майдонидан – қуролим ва жанговар дўстларим ёнидан нари келмадим, балки душманга тобора кўпроқ ажал уруғи ёғдиравердим. Командир шу ернинг ўзидаёқ менинг кўкрагимга «Жасурлиги учун» медалини тақиб қўйди. Мен ҳозир бўлажак кескин жангларда янада мардлик намуналарини кўрсатишга тайёрланаётирман.

Оддий аскар Жалол Назаров

ГВАРДИЯЧИЛАРНИНГ МАРДЛИКЛАРИ

Қадимги украин қишлоғи. Украина ерининг мана шу шапалоқдай парчасида шиддатли жанг бомоқда. Бабажаннинг гвардиячилари икки ҳафтадан бери душманнинг катта кучларига қарши уруш қилмоқда. Туш пайтида командир рацияси бир бўлинмадан ташвишли хабар олди. Рота мудофаа қилаётган участкага икки то-

мондан немис танклари ҳужум бошладилар. Ҳозирча кузатувчилар тепаликда бир «тигр»ни, унинг ёнидан келаётган «пантер»ни кўрдилар. «Тигр» жуда тез келмокда эди, брок бронь блан қопланган йирткич бу ерда гвардия лейтенанти Степановнинг пистирмада турган танкларига йўликди. Лейтенант душман машинасига қараб снаряд узди. Тутун тарқалгандан кейин гвардиячилар пачак бўлган йирткични кўрдилар. «Тигр»нинг башняси дабдала бўлган эди. Капитан Ворфоломеевнинг артиллериячилари бир зумда «пантер»нинг ҳам ҳожатини чиқариб қўйдилар. Душмanning яна олти танки йўлга чикиб олишга уринди. Лекин улар қаёққа сукулмасинлар, барибир, ҳалокатгагина дучор бўлдилар. Ўрмонда жимжитлик бошланди. Бу шубҳали жимжитлик қанча давом этганини айтиш қийин. Яна ер ларзага кирди. Душман муғамбирлик қилди. Бу гал немислар шарқи-жанубга сукулдилар. 40 танк ва бронетранспортерларда ўтириб олган гитлерчилар ўрмон ичидан ўтадиган йўл блан кела бошладилар. Улар ўрмон четига чикиб олган, бир позициясига қараб ўт очдилар. Жанг жуда авж олиб кетди. Ўт денгизи ўз даҳшатли ишини қила бошлади; кекса дарахтлар чўрт учиб кетар, тошдан ясалган уйлар талқонга айланар эдилар. Гвардиячилар шу куни ўз ғалабалари китобига яна кўпгина жасурларнинг порлок номларини ёздилар. Улар бир қарич ҳам украин ерини немисга бермадилар. Қаттиқ туриб олдилар ва ғолиб чиқдилар.

Капитан В.Кудрявцев

ЯРАЛАНГАН ЙИРТҚИЧНИ ЎЗ УЯСИДА ЯНЧАМИЗ!

Қасамъед қилдилар

Яқинда Н-чи қўшилмада рус бўлмаган миллат жангчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишга немис-фашист босқинчиларга қарши жангларда мардлик намуналарини кўрсатган кўпгина ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, озарбойжонлар, арманлар ва Совет Иттифоқи халқларининг бошқа фарзандлари иштирок қилдилар. Улар ўртасида ҳукумат мукофотига сазовор бўлган кишилар анчагина бор эди. Йиғилишда подполковник ўртоқ Имомкул Искандаров



Парторг гвардия ефрейтори А.Азимов гвардия оддий аскари С.Шишкинга ВКП(б)га аъзо бўлиб кириш учун анкета тўлдиришга ёрдам бермоқда.

В.Юдин фотоси

«Ўртоқ Сталиннинг 70-чи сон буйруғи ва бизнинг вазифаларимиз» тўғрисида доклад қилди.

Ўртоқ Искандаров доклади юзасидан оддий аскар Қаршибой Мамасолиев, Сотиболди Абдуҳақимов, Кимсанбой Усмонов, Ортиқ Бойқулов, Султон Мамаев, Мамадали Усмонов, старшина Юсупов ва бошқалар музокарага чиқдилар. Улар ўз сўзларида ўзларининг катта акалари – қахрамон рус халқи фарзандлари блан бир сафда туриб гитлерчи газандаларни қандай савалаётганларини, бўлажак қаттиқ жангларда яраланган йиртқични ўз уясида батамом янчиб ташлаш учун севикли лашкарбошимиз ўртоқ Сталиннинг тарихий буйруғини бажаришга қандай тайёрланаётганларини ёрқин мисоллар блан кўрсатиб ўтдилар ва Олий бош қўмондон буйруғини шараф блан бажаришга қасамъёд қилдилар.

**«Ватан шарафи учун» газета
редакциясининг коллектив хабари**

УКРАИНА ССР ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Н.С.ХРУШЕВГА

Қимматли Никита Сергеевич!

Биз, ўзбек, татар ва қозоқ тилларида чиқадиган фронт газеталарининг ёзувчилари, ҳарбий мухбирлари ва ўқувчилари слётида йиғилган жангчилари, сержантлар ва офицерлар, сизга – Совет Украинаси ҳукуматининг бошлиғи ва Украина большевикларининг раҳбарига оташин қизил аскарлик саломимизни юборамиз.

Биз улуғ рус халқ билан бирга ва унинг бошчилигида, кўлимизга қурол олиб, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини немис-фашист босқинчилардан ҳимоя қилаётганлигимиз учун, Украинанинг хурриятпарвар қардош халқига унинг муқаддас ерини ашаддий душман немис-фашист босқинчилардан озод қилишга ёрдам бераётганимиз учун ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз.

Сизни ишонтирамикки, бўлғуси жангларга биз ўртоқ Сталиннинг биринчи май буйруғини – совет ерини немис босқинчилардан батамом тозалаш ва яраланган фашист йиртқични ўз уясида янчиб ташлаш вазифасини бажаришда кучимизни ҳам, жонимизни ҳам аямаймиз.

*Яшасин совет халқининг ленинча-сталинча дўстлиги!
Жонажонимиз улуғ Сталинга шарафлар бўлсин!*

Слёт иштирокчиларининг топшириғи билан: уч орденли генерал-майор **Рамазонов**, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, гвардия старший сержанти **Бўтабой Содиқов**, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, старшина **Анвар Калиев**, уч орденли гвардия старшинаси **Самат Нурмонов**, қўш орденли старшина **Қуспан Суғонғалиев**, орденли старший сержант **Райҳон Саидова**, оддий аскар **Оллоқули Чориев**, сержант **Темурғали Сартмуродов**, орденли старший сержант **Есенғали Жанғалиев**, қўш орденли гвардия ефрейтори **Совурбой Мендигалиев**, қўш орденли старший сержант **Абдуазиз Насимов**, орденли гвардия старший сержанти **Анвар Ғуломов**, орденли лейтенант **Усмон Иброҳимов**.

ЖАСУРЛАР

Жанг бошланиши олдидан батальонда қизил аскарлар митинги бўлди. Киевли ёш жангчи сўзга чиқди. У шундай деди:

– Немис ваҳшийлар қадимги рус шаҳри муқаддас Киевни хароб қилдилар. Минг-минглаб тинч, бегуноҳ совет граждандарини, гўдаклар, аёллар ва чолларни қириб ташладилар...

Бу ҳаяжонли сўзлар жангчиларнинг юрагидаги душманга нисбатан ғазаб ва нафрат ўтини аланга олдирди.

– Биз ҳозир гитлерчилар билан юзма-юз жангга кирамиз. Бизнинг ниятимиз, шiorимиз битта: «Немис босқинчиларга ўлим!» – дедилар комсомол аъзолари Стребков ва Рябковлар.

Жанг бошланди. Фашистлар устига шердек ҳамла билан ташландик. Атака пайтида икки комсомол, икки жанговар дўст – Стребков ва Рябковлар биринчи бўлиб, улар орқасидан бутун рота немислар траншеясига бостириб кирди.

Немислар окопига ҳаммадан олдин арслондек бостириб кирган ва икки пулемётни ўлжа олган жасур комсомоллар – Рябков ва Стребковларни қўмондонлик III даражали «Шухрат» орденлари билан мукофотлади.

Батальон комсорги Д.Хусанов

ТАНК ҚИРУВЧИ МЕРГАНЛАР

Немисларнинг кўп миқдордаги танки, пиёда аскарлар тушган бронетранспортёри авиация ҳимояси остида биз ишғол қилиб турган аҳоли пунктига атака қилди. Старший лейтенант Сурядний бўлинмасининг гвардиячи артиллериячилари – танк қирувчилар фашист машиналари 500 – 600 метрга келгандан кейин қаттиқ ўт очдилар.

Тўп командири гвардиячи старший сержанти **Шокиров** мерганлик билан атиги уч снаряд отиб икки танк ва бир бронетранспортёрни яқсон қилди. Шунингдек, гвардия сержанти Фёдор **Фомин**нинг тўп расчёти ҳам сал фурсатда душманнинг 3 танкини пачақ-пачақ қилди. Гвардия сержанти Кузьмин эса ўз тўпи билан 2 фашист танкини ёндириб юборди.

Фашистлар совет тўпчиларининг бундай даҳшатли зарбаларига бардош қилолмадилар. Улар қўшни бўлинмага томон бурилдилар ва уларни бир оз сиқиштириб қишлоқнинг бир четини эгалладилар. Шундай қилиб, душман танклари ва автоматчилари Сурядний бўлинмасига флангдан анча яқин келиб қолди. Мушкул аҳвол юз берди. Лекин гвардиячилар мардона турдилар.

Довюррак Шокиров 200 метрга келиб қолган танклардан яна иккитасини шикастлангирди. Жанг қилиб турганида душман снаряди Шокиров тўпини ишдан чиқарди, расчётдагиларнинг ҳаммаси ярадор бўлди. Аммо мард гвардиячилар жанг майдонини ташлаб кетмадилар. Улар қўлларига карабин олиб гитлерчи автоматчиларга ота бошладилар. Буларга ёрдам берган гвардия сержанти Чимихола ўз пулемётининг ҳалок этувчи ўти билан немис солдатларини чекинишга мажбур қилди.

Гвардия майори К.Бошаев



Совет Иттифоқининг
Қаҳрамони старшина,
разведкачи Анвар
Калиев.

Игнатович фотоси.

МЕН ҲАМИША ТАЙЁРМАН

Қарийб уч йилдан бери немис билан уруш қилмоқдаман. Ҳозирги вақтда ҳамманинг фикру зикри, немисни енгиш бўлиб қолди. Энди бундан кўра муҳим иш йўқ. Буни бир мен эмас, ҳамма ҳам яхши тушиниб қолди.

Лекин муваффақиятли урушиш учун ҳарбий билимни чуқур ўрганиш энг зарур шартдир. Мен буни биринчи жангдан кейиноқ яхши пайқадим ва кунт билан ҳарбий ишни ўргандим. Сталинградда бўлган шиддатли жангларда иштирок қилдим. Ўшанда бизнинг қисми-миз немисларнинг орқа томонига ўтиб олиб уларга катта талофот етказган эди. Шунда бошқалар қаторида мен ҳам «Сталинград мудофааси учун» медали билан мукофотландим. Шундан кейин мен яна бир неча марта қўмондонликнинг жанговар топшириғини бажардим. Ватан мени тагин мукофотлади – «Жасурлиги учун» медалини олишдек бахтга эришдим.



Жанг кўрган разведкачи комсомол аъзоси старший сержант Захаров ёш разведкачилар комсомол аъзолари Эшмухаммедов ва Шликовларга ўзининг душман орқа томонида қилган жанговар ишларини сўзлаб бермоқда.

В.Юдин фотоси.

Ҳозир мен бўлгуси катта жангларга тинмай тайёрланмоқдаман. Улуғ маршалимиз ўртоқ Сталиннинг буйруғини бажариш йўлида мен бутун билимим ва қобилиятимни, тўғри келганда жонимни ҳам аямайман.

Младший сержант Назар Мирзаёров

КУЧ ВА БИЛИМИМНИ АЯМАЙ

Мен алоқачилар бўлинмасида хизмат қиламан. Ҳамма вақт, айниқса, жанг вақтларида алоқа воситалари яхши ишлаши учун билимимни ва кучимни асло аямайман.

Асосий вазифамдан ташқари мен оммавий-сиёсий ишларда ҳам актив иштирок этаман. Партия ташкилоти менга бўлинмамизда «Жанговар варақа» чиқаришни топширган.

Мен рассомлик ишини севганим учун «Жанговар варақа»ни турли расмлар билан ҳамма қизиқадиган қилиб чиқараман.

Бўлинмамизда Олий бош қўмондон, Совет Иттифоқининг маршали ўртоқ Сталиннинг 70-чи сон буйруғи яхши ўрганиб чиқилди. Буйруқни рус бўлмаган миллат жангчилари – ўзбеклар, қозоқлар ва татарлар ўртасида ўрганишда мен командирларга катта ёрдам кўрсатдим ва шунга бағишлаб ўзбек, татар, қозоқ тилларида бир неча бор «Жанговар варақа»лар чиқардим.

Сержант Ш.Сайдалиев

ПТР ЎТИДАН УСТАЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЁТИРМИЗ

Мен кўп вақтдан бери ПТР взводининг командири бўлиб ишлайман. Менинг азамат бронетешучиларим гитлерчиларга қарши курашда ПТРдан мукаммал фойдаланишни яхши ўрганиб олдилар ва бунда кўп тажрибалар ортдирдилар.

Қизил армиянинг кўклагга ғолибона хужумлари пайтида биз немисларнинг 6 танкини, 2 бронемашинасини, ўқ-дори ва ортган 11 автомашинасини ёндирдик, пачақладик. Бундан ташқари, душманининг 17 ўт очиш нуқтасини емирдик ҳамда 200 га яқин солдат ва офицерини яксон қилдик.

Шунингдек, биз қулай пайтларда взводимиздаги барча ПТРлардан муҳим нишонларга зарб билан отишни ҳам тажриба қилиб кўрдик.

Взводимиз катта бир йўл ёқасига яқин жойда ўрнашган эди. Йўлнинг нариги томонида немислар эди. Бир кун кечга томон бир немис енгил автомашинаси жуда тез юриб йўлдан ўта бошлади. Масофа 200 – 300 метр келар эди. Биз дарҳол ҳамма қуролларимиздан зарб билан ўт очдик. Машинанинг дабдаласи чиқди.

Бир кун бизнинг позицияларимиздан олдинроқ турган автоматчиларимизни гитлерчилар қуршаб олишга уринди. Немислар қулай маррада бўлиб, автоматчиларимиз пастликда турганлари учун мушкул воқеа содир бўлиш хавфи



Моҳир ва жасур снайпер Харис Муродов «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.
Я. Поволоцкий фотоси.

бор эди. Немислар келаётган жойлар эса бизга кафтдек кўринарди. Шунинг учун мен ўз бронтешувчиларимга гитлерчилар устига зарб билан ўт очишни буюрдим. Натижа ёмон бўлмади. Фашистлар чўчиб яқин йўлламади.

Биз бўлажак кескин жангларда ҳам куралимиз – ПТРлардан янада моҳирлик билан фойдаланиб немисларнинг талофотини тагин ортдирамиз.

Гвардиячи лейтенант И.Хамрокулов

ГВАРДИЯЧИЛАР

Шавкатли Қизил Армиянинг шонли гвардиячилари кўп миллатли Совет Иттифоқи халқларининг энг ашаддий душмани бўлган немис-фашист босқинчиларини боплаб савалаб келмоқда.

Биз Олий бош қўмондоннинг жуда кўп мактовларига сазовор бўлган, Ватанимиз фахри шу шонли гвардиячилар каторида туриб жанг қилаётганимиз учун фахрланамиз.

Жангда нўноклик қилаётган вақтларимиз ўтиб кетди. Чунки биз кўпни кўрган рус ва украин бродарларимизнинг кундалик ёрдамлари билан ўз даҳшатли куралимизни пухта ўзлаштириб, фашист газан-



Мард ва уста разведкачи Йўлчи Мамедов. Бир неча бор «тил» овлашга бориб, қуруқ қайтган вақти бўлган эмас. У «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланган.

даларини шафқатсиз янчишни ўргандик. Уруш ўтида чиниқиб, орамиздан қисмимизга донғи кетган ажойиб ботирлар етишиб чиқди.

Яқинда муҳим бир участкада гвардия лейтенанти Мельников бўлинмасидаги гвардия ефрейтори Саттор Қирғизбоевнинг кўрсатган жасорати ҳаммани қойил қолдирди. У ўзининг жонажон дўсти Алексеевнинг ёрдами билан атака қилган фашист танкларидан сал вақтда бирин-кетин учтасини пачақ-пачақ қилди.

Биз ҳозир ҳал қилувчи даҳшатли жанглар арафасидамиз. Улуғ саркардамиз ўртоқ Сталин айтганидек, биз шу жангларда немис-фашист босмачиларини ўз маконида батамом тор-мор келтиришимиз керак. Шунинг учун биз ҳозир ўзимизнинг жанговарлик қобилиятимизни кун сайин такомиллаштириб, ватанимизни ҳар томонлама пухта ўрганмоқдамиз.

Биз улуғ йўлбошчи буйруғини шараф билан бажариб халқимизнинг миннатдорлигига, олқишига муяссар бўламиз.

Гвардия ефрейторлари: Имомали Мамалиев, Аҳмадали Зоҳиров, Саттор Қирғизбоев, Норбек Мингбоев, Тўхта Жўрабоев

Совет Ўзбекистонда

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ АВЖ ОЛДИ

Ўзбекистонда пилла тайёрлаш кейинги кунларда жуда авж олиб кетди. Олий бош қўмондон ўртоқ Сталиннинг шу йил биринчи май буйруғидан илҳомланган Ўзбекистон колхозчилари Сталинга ёд қилинган қасамларига мувофиқ пилладан мўл ҳосил олишга эришмоқдалар.

Рометон ва Избоскент район колхозлари шу йил 21 майгача давлатга пилла топшириш планини бажариб, ҳозир пландан ташқари яна кўп миқдорда пилла келтираётирлар.

ОПЕРА ТЕАТРИ ҚУРИЛИШИДА

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон пойтахтида академик опера театри биноси қурилиши тугалиш олдида турибди. Бош дарвоза, вистюбеллар, тамошо зали ва хизмат кўрсатиш бинолари тамомланди, шувоқ ишлари бошланди.

Бинони безантириш ишларида Ўзбекистон халқ усталари қатнашмоқда. Яқинда сувоқчи Германова стахановча вахтада туриб 30 нафар ихтисосли ишчининг бир сменада қиладиган ишини тўрт соат ичида ўзи ёлғиз бажарди.

1944 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ. №50 (238)

ЖАНГГА УСТАЛИГИМИЗНИ ТОБОРА ОРТДИРМОҚДАМИЗ

Ўзимнинг севикли қуролим – миномётимни жуда яхши кўраман. Чунки мен худди шу қурол билан юртимизга қонли қадам босган немис-фашист газандалардан 150 тачасини жаҳаннамга киргиздим, душманнинг 5 пулемёт нуктасини емирдим.

Мен ҳозир ўқчи отделениега командирлик қилаётирман. Биз ҳозир зўр бериб ўз марраларимизни мустаҳкамламоқдамиз. Жангчилар ўз қуролларига меҳр билан эътибор қилади. Винтовкалар, автоматлар тез-тез мойланиб, тозаланиб турилмоқда. Оддий аскар Толип Алимардонов ва Авазовларнинг қўл пулемётлари бўлса худди кеча заводдан чиққандай ярқирайди.

Биз шу кунларда озгина бўш вақтимизни ҳам бекор ўтказмай, ўз харбий усталигимизни тўхтовсиз такомиллаштириб, қуролларимизни тобора мукамал ўрганиб, янги жангларга тайёрланмоқдамиз.

Сержант Турдиқул Тошматов

ЧИММАТОЙ ВА СОРАХОН АЪЛОЧИ АЛОҚАЧИ

Ёшлик чоғларини бирга ўтказиб, ўрта мактабни ҳам бирга тасмол қилган бу икки дўстона хушчоқ-чоқ ўзбек қизлари – Чимматой Туромова, Сорахон Алиевалар 1942 йилда Қизил Армияга кўнгилли равишда кириб, алоқачилар курсини битиргач Ватан уруши фронтига келган эдилар.

Шундан буён улар Н-чи алоқа қисмда бирга хизмат қилиб келдилар.

Турамова ва Алиевалар рус тилини жуда яхши эгаллаганлар. Бу эса уларнинг биринчи даражали алоқачилар қаторидан фахрли ўрин олишларига катта ёрдам берди.

Булар командирларнинг буйруқларини аъло даражада бажарганлари учун қўмондонликдан бир неча бор ташаккур олдилар.

Бўлинмада ишдан ташқари вақтларда турли ҳарбий машғулотлар бўлиб туради. Шу машғулотда ҳам младший сержант Турамова ва Алиевалар жуда актив қатнашаётирлар.

Сташий сержант Ф.Ёқубов

ЁШ АВИОМУТАХАССИСЛАР

Ўрталарида иккита қиз ҳам бўлган бир тўда аскарлар кўкат ўтларга ёнбошлашиб, серзовқ тожик йигити старшина Ҳайдаркул Абдурахмоновнинг ёқимли овоз билан айтаётган «Тёмная ночь» ашуласини диққат билан тингламоқдалар. У шундай лирик ашулаларни жуда дўндириб айтади. У ўзининг бўш вақтини баъзан шундай хушчок-чоклик билан ўтказишни, фронтдош дўстлари билан жанговар тажрибаларини ўртоқлашишни яхши кўради.

Ҳозир унинг ашуласини маза қилиб тинглаётганлар орасида ватанимизнинг турли миллат фарзандлари – қурол устаси қирғиз Мукаш Аҳмедов, самолёт механиклари козоқ Ибраев ва татар Валиевлар бор. Ана у икки қиз – Зайнаб Аминова ҳамда Аббосовалар бўлса радио усталари.

Булар ҳаммаси улуғ ватан урушининг бошидан бери Совет Иттифоқининг Қаҳрамони ўртоқ Хорошилов командир бўлган авио бўлинмада хизмат қилиб келадилар. Буларнинг ҳар бири масъулиятли жанговар постда ишлайди. Қисмга янги келганда уларнинг кўпчилиги рус тилини яхши билмас эдилар. Улар шу жанговар оилада чиникдилар. Рус тилини бинойидек ўрганиб олдилар ва ўз ишларининг ҳақиқий усталари бўлиб етишдилар.

Қурол усталари Абдурахмонов ва Аҳмедовлар шундай эпчил ва чаққонларки, учучилар уларни «автомат» деб атайдилар. Аминова ва Аббосовалар хизмат кўрсатадиган самолётлардаги радио аппаратлари ҳар доим аъло даражада ишлайди. Ҳали ақалли бирон марта

хам бу ёш авиомутахассисларнинг айби билан самолётлар жанговар учишга тайёр бўлмай қолган ҳодиса рўй бергани йўқ.

Шавкатли Қизил Армиянинг ҳарбий ҳаво кучлари қаторида туриб немис-фашист босқинчиларга қарши мардона курашга ўз хиссаларини шараф билан қўшаётган бу жанговар дўстлар бўлажак ҳал қилувчи жангларга ҳам астойдил шайланмоқдалар.

Старший сержант ўқчи-радист Муҳаммадjon Юсупов

ЗЕНИТЧИЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАРИ

Бундан бир қанча вақт илгари мен хизмат қилаётган взводга бир неча ёш жангчилар келган эди. Қисм қўмондонлиги буларни тез вақт ичида малакали зенитчилар қилиб тайёрлаш вазифасини қўйди.

Яқинда бўлиб ўтган отиш машқларида гвардиячи старший сержант Кузнецов ва гвардиячи сержант Мирошникларнинг тўп расчётлари яхши натижаларга эришдилар. Расчётларнинг биринчи ва иккинчи номерлари – Амилко, Бобоқулов, Генералов ва Барибинлар ўз вазифаларини эпчиллик ва усталик билан бажардилар. Улар тўғри наводка билан отиб, ҳар олти снаряддан тўрттасини 1000 метр масофадаги мўлжалга тегиздилар.

Гвардиячи оддий аскар Ҳайдар Мирзаев

НОРМАТОВ НЕМИС САМОЛЁТИНИ УРИБ ТУШИРДИ

ПТР наводкачиси Норматов ва унинг ёрдамчиси Матёкубовлар одатдагича эрта билан ўз ўт очиш позицияларини эгалладилар.

Сал ўтмай ҳавода немисларнинг беш самолёти пайдо бўлиб қолди. Шу самолётлардан бири пастлаб учиб аскарларимизни пулемётдан ўтга тута бошлади. Эпчил Норматов тезлик билан ўз ПТРини самолётга тўғрилаб нишон олди ва яхши мўлжаллаб ўт очди. Учинчи ўқдан сўнг самолёт ёна бошлади ва тўрт юз метрча учиб бориб ерга ағдарилиб тушди. Немисларнинг бошқа самолётлари эса бу воқеани кўриб дарҳол юқори кўтарилиб қочиб кетдилар.

Қўмондонлик азамат Норматов ва Матёқубларнинг бу мардлигини муносиб даражада баҳолади.

Старший лейтенант П.Моторин

1944 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ. №52 (240)

ЖАСУР АВТОМАТЧИЛАР

Орденли старший лейтенант Чкалов командирлик қилаётган автоматчилар ротаси қисмдаги энг яхши бўлинмалардан бири ҳисобланади. Бу рота кўп жанглarda ўз олдига қўйилган қийин-қийин жанговар топшириқларни муваффақиятли суратда бажарди.

Ротада ўзининг эпчиллиги, мардлиги ва моҳирлиги билан танилган аскарлар озмунча эмас. III даража «Шухрат» орденининг кавалери старший сержант Бледнов, «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган старший сержант Григарин ва ефрейтор Ортиқовлар шулар жумласидандир.

Бўлинма жангчилари ҳал қилувчи жанглarda жасурликнинг янги намуналарини кўрсатиш учун ҳозир пухта шайланмоқдалар.

Ефрейтор Султон Иброҳимов

МАРРАЛАРИМИЗ МАҲКАМ

Олдинги доирада жимжитлик ҳукм сурмоқда. Ўтган куни кун бўйи душманнинг кутириб қилган бир неча контратакасини қайтарган жангчилар хийла мамнун эдилар. Гвардиячи оддий аскар Гриденко менга мурожаат қилди:

– Ўртоқ сержант, балки, бугун фрицлар бизни безовта қилмас?

Мен унга ҳамма вақт жимжитликдан кейин тўлқин бошланади деб айтдим. Душманнинг ҳар бир ҳаракатини яхшилаб ва пухта кузатиш, доим хушбўёр бўлиш тўғрисида буйруқ бердим.

Орадан бир соат ҳам ўтмасдан душман позицияларимизни қаттиқ ўтга тутди.

Шундан кейин душманнинг пиёда аскарлари атака бошлади. Маст-аласт фрицлар тиккасига кела бошладилар. Менинг отделениямга камида икки взвод немислар босиб кела берди.

Жангчилар отишга команда берилишини тоқатсизлик билан кутар эдилар. Брок мен сабр қилишга, немисларни яқин келтиришга ва фақат мен команда бергандан кейин ўт очишга буйруқ бердим. Пайт келди. Биз қизгин жанг қилдик. Бизнинг маррамиз олдида душман солдатларининг ўнларча ўлиги чўзилди.

Шунда мен ўртоқларимга мурожаат қилдим:

– Мардона урушамиз! Бизнинг маррамиз душман учун қабристон бўлиши керак!

Шундан кейин биз зарб билан ўт очдик. Қўшни бўлинма контратакага ўтди. Биз ҳам атакага кўтарилдик. Немислар чидамадилар. Тумтарақай қочиб чекиндилар.

Гвардия сержанти Мансур Махмудов

ЧОРИЕВ СЕЗГИР СНАЙПЕР

Ёш снайпер ефрейтор Оллокул Чориев ўзининг бўйи баробар окоп кавлаб, уни кўк ўтлар билан бошлаб ниқоблади. Кечаси у ёқда турсин, кундуз кунни ҳам оёқ остига қараб юрмаган кишининг бу окопга тушиб кетиши мумкин эди. Бу окоп немисларнинг мудофаа доирасига яқин бўлиб, снайпер Чориев бошини кўтаришга зор бўлган немис солдатларини мушкага илинтириш учун снайпер винтовкасини тўғрилаб душмандан кўз узмай ўтирар эди.

– Қани, қачонгача каллангни кўтармай ўтирар экансан, муттахамлар, – дер эди Чориев душман томондан кўзини узмай.

Тушки овқат вақтини сабрсизлик билан кутган немислардан бири ўнг қўлига кателогини кўтарган ҳолда окопдан чиқиб катта йўл бўйлаб шошиб-пишиб бораётган вақтда Чориев:

– Ҳа, лаънати, чиқдинг-ку. Шошма, сенга атаб тайёрлаб турган овқат бор, еб маза қил! – деди ва яхшилаб нишонга олиб туриб тепкини босди. Немис йўл ўртасига чалқанча оғдарилиб тушди.

Шундай қилиб, Чориев уч кун ичида 7 немиснинг жонини жаҳаннамга юборди. Энди у немис ўлдиришга жуда ишқивоз бўлиб қолган. Ўлдирмаса туролмайди. Чориев кичкинагина одам. Лекин «кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» деган мақолнинг Чориевга бе-

восита алоқаси бор. Ўзи кичкина бўлса ҳам, ғайрати катта. Чориев III даражали «Шухрат» орденининг кавалери.

Сержант Мели Ҳамроев


ҒАЙРАТИМ ЧЕКСИЗ

Ватан урушининг уч йиллик якуни бизни янги ғалабаларга илҳомлантирди. Бу улуғ ғалабага менинг ҳам ҳиссам қўшилгани учун фахрланаман.

Кейинги жанглardan бирида наводкачи Авсиенко қатордан чиқиб қолди. Мен дарҳол наводкачиликни ўз зиммамга олдим. Душман танклари босиб келмоқда эди. Мен даҳшатли ўт очдим. Учинчи снаряд билан олдинда келаётган танкни ёндириб юбордим. Душман билан бизнинг артиллериячиларимиз ўртасида қизгин жанг бошланди. Шу жангда фақат мен ўз расчётим билан ҳалиги танкдан ташқари душманнинг икки автомашинасини яксон қилдим.

Ҳозир расчётимиз янги жанглarda тайёрланмоқда. Бўлғуси жанглarda душман шиддатли зарбамизнинг янги кучини синаб кўражак.

**«Шухрат» орденининг кавалери,
гвардия ефрейтори Иброҳим Машуров**



Гвардиячи Эшонхон Султонов мотоциклда ўтириб, қисм байроғини кузатиб бормоқда.
В.Юдин сурати.

НЕМИСНИ ҚИРАМАН

Яқинда мен снайпер Юнусов билан фрицларни ов қилишга чиқдим.

Бирок душман ҳадеганда кўриниш бермади. Ўқчилар душман томонга қараб ора-сира отиб турардилар.

Мен ўқчилардан бир оз отмай туришни сўрадим. Шу вақт немислардан бири траншеядан секин чиқиб, бир томонга эмаклади. Мен дарров шу фрицни мўлжалга олдим ва ўқ уздим. Ўша замони тил тортмай жон берди.

Ўз тажрибамда кўрганманки, қаерда бир немисни йиқитсанг, тез орада ўша ерда иккинчиси пайдо бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Иккинчи фриц ўлганнинг ёнига яқинлашаётганини кўрдим ва уни ҳам сарамжонладим.

Шундай қилиб, ўша куни икки фашистни ўлдирдим. Снайпер Юнусов ҳам бирини ўлдирди.

Менинг шахсий ҳисобимда ҳозир 14 ўлдирилган фриц бор. Мен ўзимнинг хун олиш ҳисобимни тобора ортдираман.

Снайпер М.Арслонов

1944 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ. №53 (241)

МЕРГАН АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР

Лейтенант Никулин командир бўлган батареяда тактика машғулоти бўлиб ўтди. Мерган артиллериячи, учинчи даража «Шухрат» орденининг кавалери Мажид Турсунов, наводчи сержант Жалил Жумаевлар тўпни 600 метр узоқликда бўлган фашист танки макетига тўғриладилар. Расчёт командири ўртоқ Шадский команда берди:

– Прицел 0, бронебой снаряд билан фашист танкларига қараб ўт очилсин!

Тўпдан устма-уст уч снаряд узилди. Ҳар уч снаряд ҳам тўғри бориб нишонга тегди. Немис «танки»нинг дабдаласи чиқди.

Олий бош қўмондонимиз ўртоқ Сталин биздан мана шундай уста бўлишни талаб қилади ва биз бу талабни жон-дил билан бажариб, ёвни қақшатиб савалаш санъатини такомиллаштирмоқдамиз.

Биз немисни кўп саваладик. Бироқ у бизнинг дахшатли тўпларимиз ўтининг кучини, оташин нафратимизнинг кучини энди яққолроқ сезажак.

Старший сержант Султон Жўраев

ЖАНГОВАР ДЎСТЛАР

Қўшинларимизга мадад берамиз

Олий бош қўмондонимиз ва севикли маршалимиз ўртоқ Сталин ўз буйруқларида ҳамма вақт Қизил Армия аскарларидан ҳарбий техникани мукамал ўрганишини, ҳарбий усталигимизни оширишни талаб қилиб келади.

Мен душман устидан ғалаба қозониш программаси бўлган бу тарихий буйруқларни пухта ўрганиб, яхши бажариш йўлида тинмай ишлаётирман.

Мен зенитчман. Расчётимизда бўлган фронтдош ўртоқларим билан зенит тўпининг бутун механизм ва бўлақларини анча яхши ўрганиб олдик. Мен машғулотларга актив қатнашиб, берилган билимларни ўзлаштиришим натижасида ўз тўпимнинг қисмларини беш бармоғимдай билиб олдим.

Менинг бу олаётган билимларим душман кузғунларини беҳато яксон этишда менга катта ёрдам беражак. Бизнинг зенит тўпларимиз ўз ўти билан пиёда аскарларимиз, танкчиларимиз, сапёрларимиз, миномётчи ва артиллериячиларимизни ҳам душманнинг ҳаво ҳужумидан сақлаяжак.

Мен ҳам шонли гвардиячилар қаторида Ватан олдидаги ўз бурчимни бажариш учун кескин курашларда немис босқинчиларга қарши бутун куч-қувватим билан жанг қиламан.

Гвардиячи оддий аскар А.Бобоқулов



Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари (чапдан ўннга): татар Анвар Калиев, украин Сергей Борзенко ва ўзбек Бўтабой Содиковлар.

О.Игнатович сурати.



Расчёт ўт очаётир, олдинда Қизил Юлдуз ордени билан мкофотланган наводчи ўзбек йигити Камол Мусабоев.

В.Юдин сурати.

ТЎПЧИЛАРИМИЗ ЎТ ОЧИШГА ТАЙЁР

Мен Ишчи-Дехқон Қизил Армияси сафига кириб, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи – Севикли она – Ватанимизни душманлардан қўриқлашда жонимни ва қонимни ҳам аямасликка қасамъёд қилган эдим.

Мен шу тантанали қасамимни муносиб даражада бажариш учун кўп жангларда душманга қарши курашдим. Ҳарбий касбим артиллериячи, расчётда замковийман. Бу даҳшатли совет куролини яхши ўрганиб олдим.

Яқинда тўпдан отиш машқи бўлди. Шунда командир менга 3 та снаряд берди ва «душман» пулемёт уясини емиришни буюрди. Нишон 600 метр жойда эди. Мен роса мўлжаллаб отиб биринчи снаряд биланоқ пулемётни мажақладим. Машғулотдан сўнг батарея командири менга ташаккур билдирди.

Биз ҳар секундда жангга шаймиз. Буйруқ берилиши билан биз ўртоқ Сталиннинг тарихий кўрсатмасини шараф билан бажариб, яранган йиртқич немисни ўз уясида янчиб ташлаймиз.

Мен Ленин комсомолининг аъзосиман. Бу улуғ номни, халқ ишончини, ичган қасамимни оқлаш учун немис босқинчиларни гвардиячилардек шавкатсиз қираман.

Оддий аскар Ўлмас Жўраев

1944 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ. №54 (242)

ЁШ СНАЙПЕРНИНГ ЖАСОРАТИ

Чекинган душман Н. даръёсининг ғарбий қирғоғида жойлашиб олишга уринди. Уни қисиб келаётган қисмларимиз дарҳол даръёнинг ўнг қирғоғига ўтиб олишлари керак эди. Шунинг учун немислар қаттиқ ўт ёғдириб турганига қарамай, бир группа сапёрлар ҳадаҳа ишга бошлади. Улар қаторида ёш сапёр Абдурахмон Вакилов ҳам бор эди.

Вакилов ўз лодкасида дастлаб бир пулемёт ва унинг расчётини даръёдан ўтказди. У иккинчи сафар ҳам шундай, бир станокли пу-



Гвардия старший
сержанты разведкачи
Шаҳодат Қодиров.



Самарқандлик сержант
Абдулла Насимов.
О.Игнатович сурати.

лемёт ва беш жангчини лодкага солиб, даръёнинг қоқ ўртасига етганида душман минасининг парчаси лодкани тешиб кетди. Мушкул аҳвол юз берди: лодканинг ичи сувга тўла бошлади. Абдурахмон дарров эпчиллик билан ҳаракат қилди, шинелининг этагидан шартта йиртиб олиб тешикни беркитди ва котелогги билан сувни сепиб ташлади. Шундай қилиб, у пулемёт ва жангчиларни муқаррар ҳалокатдан қутқазиб, эсон-омон даръёдан ўтказиб қўйди.

Азамат сапёр Вакилов ҳам бошқа сапёрлар каби куни-тун дам олмай ўз лодкаси билан камида йигирма марта рейд қилди ва жуда кўп жангчиларни, қурол-аслаҳаларни ҳеч бир шикастсиз даръёдан ўтказди.

Кўркмас ўзбек йигити шу кўрсатган жасурлиги учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди ва жангдан кейин партия аъзолигига кандидат қилиб қабул этилди.

Вакилов кейинги вақтларда ўз ҳарбий билимини ошириш соҳасида астойдил ҳаракат қилиб, сапёрлик ишининг хилма-хил мураккаб турларини худди беш бармоғидай ўрганиб олди.

Старший сержант Ф.Ёқубов

1944 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ. №55 (243)

БИРЛИГИМИЗ МЕТИНДЕК МАҲКАМ


Офицер Бобожон Йигитов сўзи

Ўзбек халқига ёзилган мактуб мени социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун немис босқинчиларга қарши яна шафқатсиз курашга илҳомлантиради.

Гитлер ва унинг ҳамтовоқлари бизнинг, совет халқларининг бирлигини бузишга уринди, лекин бирлик кучимизнинг ўлим зарбасига учраб қонга беланди.

Бизнинг бирлигимиз, дўстлигимиз метиндек жуда маҳкам. Фақат Совет Иттифоқидагина халқларнинг чинакам қардошлиги ва дўстлиги амалга оширилган. Ватан уруши жараёнида халқларимизнинг чинакам дўстлиги мустаҳкамланди ва чиникди.

Мен ҳамшаҳарларим – ўзбек аскарлари номидан Ватанга ва ўрток Сталинга қасамъёд қилиб айтаманки, биз қаторларимиз лаънати немис босқинчиларга қарши яна шафқатсиз курашиб, уларни ўз уяларида яқсон қиламиз. Чунки қуёшли Ўзбекистонга ғалаба билан қайтадиган энг яқин йўл Берлин орқали боради. Шу ғалаба билан халқимиз олдинга қайтиш бизнинг ягона мақсадимиздир.



Суратда: ёш ўзбек жангчилари – аълочи пулемётчи Аминжон Диёров,
Нишон Қаршиев ва Жума Шариповлар машғулота.

Е.Белик сурати.

Фронтимиздаги ўзбек, татар ва қozoқ аскарлари вакилларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ўзбек аскарлари номидан ўзбек халқига, татар аскарлари номидан татар халқига, қozoқ аскарлари номидан қozoқ халқига ёзилган хатларнинг лойиҳалари қабул қилинган эди. Бу хатлар ҳозир фронтимизнинг барча қисмларидаги ўзбек, татар, қozoқ аскарлари йиғилишларида ҳар томонлама қиз-

гин муҳокама қилиниб, қўл қўйилмоқда. Аскарларимизнинг бу йиғилишлари халқларимиз сталинча бузилмас дўстлигининг порлоқ намоёниши сифатида, Ватанга, улуг лашкарбошимиз ўртоқ Сталинга чексиз муҳаббат, душманга омонсиз нафрат белгиси остида ўтмоқда. Қуйида биз шу йиғилишларда ўзбек, қozoқ ва татар аскарлари томонидан айтилган сўзлардан ба'зиларини босамиз.

ХАЛҚИМНИНГ НАКАЗИ ҲАР ДОИМ ЭСИМДА

Одий аскар Иса Арабов сўзи



Совет Иттифоқи
Қаҳрамони Саидусмон
Қосимхўжаев

Ўзбек аскарлари номидан халқимизга ёзилган мактубга қўшилиб қўл қўяман. Бу мактубда бизнинг иродамиз ва истагимиз очик-ойдин баён қилинган. Ўзбек халқининг ўз жангчи фарзандларига топширган накази ҳар доим менинг эсимда. Мен мардлик билан жанг қилиб халқимнинг ишончини оқламоқдаман.

Совет халқини ва, шу жумладан, озод ўзбек халқини кул қилмоқчи бўлган фашист босқинчиларга қаҳри-газабим чексиз. Биз Совет Иттифоқидаги барча миллат фарзандлари қўлни қўлга бериб, улуг лашкарбошимиз ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида яна шиддат билан олға босамиз ва немис йиртқични ўз уясида яксон қиламиз.

МЕНГА ДОҲИЙ СТАЛИН ТАШАККУР БИЛДИРДИ

Анорбой Умурзақов сўзи

Ўзбек элига битилган хатда худди менинг кўнглимдагилар айтилибди. Мен тўпчиман. Ўз қисмим тузилганидан бошлаб немис билан олишиб юрибман. Менинг икки ўғлим ҳам Ватан уруши frontiда немисга қарши урушиб келмоқда. Бир катта шаҳарни

олганимиз учун Олий бош кўмондонимиз ўртоқ Сталин бизга ташаккур билдирди. Шундан кейин мен ўзимни яна тетикроқ сездим. Ғайратим жўш уриб, немис босқинчиларга қарши шафқатсиз курашга отландим. Ит Гитлер кўшинини туб-томири билан қириб ташламагунимизча кўлимдан курул тушмайди.

Кеча уйга, хотинимга бир хат ёзиб, сен ҳам колхозда яхши ишла, фронтга ёрдам бер дедим.

«Ўзбек халқининг шавкатли фарзандлари рус, украин, белорус, грузин, татар халқларининг ва Совет Иттифоқидаги бошқа қардош халқларнинг шонли фарзандлари билан ёнма-ён туриб, ома Ватанимизнинг муқаддас ерларини озод қилиш учун ўз жонлари ва қонларини аймай душманга қарши жанг қилдилар ва жанг қилмоқдалар».

(Ўзбек аскарларининг ўзбек халқига ёзган мактуби лойиҳасидан).

ЎЗБЕКЧА КОНСЕРТ

Ефрейтор Умаровнинг ажойиб ташаббуси

Бўлинмамиздаги аскарларнинг ярмига яқини рус бўлмаган миллат жангчиларидан иборат. Ўзбек йигити ефрейтор Умаров ҳаммани хурсанд қиладиган яхши ташаббус кўрсатди. У бир неча санъаткор, шўх йигитларни танлаб ҳаваскорлар тўғараги ташкил қилди. Ҳозир бу тўғарак жуда муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Олдинги доирада узокда бўлмасак ҳам, ҳар замонда, ҳарбий машғулотлардан бўшаган вақтларимизда сояси куюқ ўрмон ичидаги кўкатзор ялангликда йиғилишамиз. Ўзбекча концерт бошланади. Қизил аскар Усмоновнинг ширали овози бор. У хушоҳанг ўзбекча ашулалар айтади. Қизил аскар Шохидоятлов жуда ажойиб қизиқчи. Унинг ҳар бир нағмаси ҳаммани кулдиради. Унинг ғалати оёқ ўйинлари барча аскарларнинг диққатини ўзига тортади. Бошқа миллат жангчилари ҳам турли марокли ўйин ва ашулалар билан ўртоқларини хурсанд қиладилар.

Оддий аскар М.Мусаев

ОРДЕНЛИ МЕРГАН

Самарқандли Ҳамроқул Амриддиновнинг фронтга келганига қарийб уч йил тўлди. У Москва ёнида ва Сталинград бўсағаларида уришди, Кубан даштларида кезди, гўзал Ростовни мудофаа этиб, Донда немисларга қарши мардона жанг қилди.

Дон даръёси бўйига у беҳато отувчи, ҳар ишнинг кўзини биладиган эпчил солдат бўлиб келди. Шу ерда унга снайперлик винтовкасини бердилар. У винтовкани қўлига олган куннинг эртасигаёқ ўз жанговар ҳисобини очди.

Бу воқеа шундай бўлган эди: тонг чоғида Ҳамроқул олдинги доирада яқин бориб, душман томонини диққат билан кузата бошлади. Бир фриц ертўладан чиқиб ювунаверди. Оралиқ 400 метр келарди. Ҳамроқул немисни нишонга олди ва ўқ узди. Немиснинг тақдири хал бўлди. Амриддинов кузатишни давом этдирди. Кун охирида у яна бир фашистни ўлдириди.

– Эртага ҳам бундан кам бўлмас, – деди у командирига қараб.

У ёлғончи бўлмади. Ҳақиқатан ҳам, азамат Ҳамроқулнинг ови ўнгидан келди. У ўз позициясини кун бўйи бир неча бор ўзгартириб юриб, кечгача саккиз немисни ер тишлатди.

Жасур ва хийлакор Ҳамроқул душманни жуда кўп марталар лақиллатди. Гитлерчилар бу ёш эпчил снайперни йўқ қилиш учун неча юзлаб снаряд ва миналарни сарф қилдилар. Лекин уларнинг бу урунишлари беҳуда кетди. Ҳамроқул ҳозир ҳам ўз олийжаноб ишини муваффақиятли суратда давом этдириб, кўринган фрицни лаҳатга киритмоқда.

Ҳозир унинг жанговар ҳисобидаги ўлдирилган гитлерчилар сони қирққа етди. Ўзбек халқининг бу жасур ўғли – Амриддиновнинг кўкрагини «Қизил байроқ» ордени безаб турибди. Қандингни ур, снайпер Амриддинов!

Капитан П.Новичков

ЭПЧИЛ АСКАРЛАРГА ТАШАККУР

Н-чи авиация бўлинма командири офицер Долголенко саф олдида оддий аскар Эшонқулов, ефрейтор Шинкаркин ва старший сержант Руденколарга ташаккур билдирди.

Бу бекорга эмас, албатта. Эшонқулов ҳам, Шинкаркин ва Руденко ҳам бўлинмадаги уддабурон ва жасур аскарлардандир.

Улар немис-фашист босмачиларга ажал уруғини элтувчи самолётларимизга чаққонлик билан бомбалар юклашда кеча-кундуз чарчаш нималигини билмайдилар.

Ефрейтор Н.Усмонов

ЖАНГЧИЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Гвардия старший лейтенанти ўртоқ Медлин бўлинмасининг ўт очиш позициялари ёнида Ленин ертўласи ташкил қилинган. Бу ерда жангчиларнинг ҳарбий ва сиёсий билимларини оширишларига ёрдам берадиган кўпгина хилма-хил адабиётлар бор.

Жангчилар бу ерда ўтириб эл-юртларига хат ёзиш имкониятига ҳам эгадирлар.

Агигаторлар уларга газета ўқиб берадилар, ўртоқ Сталин буйруқларини пропаганда қиладилар.

Оддий аскар Ў.Бўтаев

ФРОНТИМИЗ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ХАТЛАРИ

Ёвга омон бермаймиз!

Уч йилдан бери Ватанимизнинг ашаддий душмани – немис-фашист босқинчиларга қарши олишмоқдаман. Душманга даҳшат солаётган, шуҳрати оламга машхур совет артиллериясида хизмат қилаётганим учун фахрланаман.

Менинг взводимдаги артиллериячилар Ватан учун жангларда ўзларини битмас-туганмас шуҳрат билан қопладилар. Бизнинг тўпларимизнинг бехато ўтидан неча ўнлаб душман танклари, ўт очиш нуқталари яксон бўлди; неча юзлаб немис газандалар ажалга мубта-

ло бўлди. Факат Запорожьеда бўлган жанглarda биз 6 немис танкини ёндирдик ва шикастлантдик.

Взводимдаги кўпчилик аскарлар ҳукумат мукофоти билан тақдирланган: старший сержант Корчагин иккинчи даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган. Красницкий, Воронков, Шеробарин ўртоқлар ҳам олий мукофотга сазовор бўлдилар. Оддий аскар Шариф Тешаев бир жангда ажойиб қахрамонлик кўрсатди. Тўп командирлигини ўз устига олди, замковийлик вазифасини ҳам ўзи бажариб, эпчиллик ва усталик билан ўт очди, душманнинг контратакасини муваффақият билан қайтаришда катта иш кўрсатди.

**II даражали «Ватан уруши» ордени
кавалери гвардия лейтенанти М.Неъматов**

АЧЧИҚ САБОҚ

Жангга кириш олдидан қуроллар яхши текшириб кўрилсин

Мен жанг кўрган аскарман. Кўп жанглarda қатнашдим. Ҳамма вақт ғалабага ишонган ҳолда ғайрат билан урушга кирдим. Лекин мен бу жанглardan бир аччиқ сабоқ олганман. Бу менинг ҳали тажрибасиз, хом жангчи бўлган вақтимдаги эски бўлса ҳам, лекин ҳаммага алоқаси бор кўп керакли сабоқ. Воқеанинг қисқачаси куйидагича.

Атака қилиш маррасига кечаси келдик. Азонда жанг бошланди. Мен ўз винтовкамни текшириб кўрмадим ва, бунинг устига, гранаталар олиш ҳам ёдимдан чиқибди. Немислар эса бизни траншеяларига яқин келтириб, қаттиқ ўтга тутдилар. Миномёт ва тўплардан отар эдилар.

Қарасам, траншеядан бир немис чиқиб тўғри менга қараб энгашиб чопиб келаётир. Яқин келганда мўлжалга олиб ўқ уздим, аммо теги-золмадим. Немис эса югуришни давом этдираверди. Яна отиш керак, аммо патронникда қолган гильза ҳеч чиқмайди. Жуда шошилиб, нима қилишни билмай қолдим. Хайриятки, бир ўртоғим жонимга ора кирди. У ўз автоматидан ўт очиб чопиб келаётган немисни қулатди.

Ана ўшандан бери мен пишиқ бўлиб қолдим. Ҳали-ҳали ўзимни койиб қўяман.

Албатта, мен бундан ўзим учун алақачонлар хулоса чиқариб олганман. Бироқ бундан бошқа жангчилар ҳам ўзлари учун тегишли хулоса чиқариши керак.

Оддий аскар Умар Рисқалиев

УСТА ҚЎЛЛАРДА МИНОМЁТ ДАҲШАТЛИ ҚУРОЛ

Миномёт душманга даҳшат солучи қурол. Агар расчётдаги ҳар бир жангчи зарур бўлган вақтда наводчининг ўрнини боса олса, унинг ўти яна кучлироқ бўлади. Мен ўз тажрибамда учраган бир воқияни айтиб берай.

Муҳим аҳоли пункт ёнида мудофаада турган эдик. Бизнинг миномёт взводимиз ўқчи ротага мададкор эди. Бир кун душман артиллериясидан қаттиқ ўт очгандан сўнг атакага ташланди. Взводимизда бир неча киши сафдан чиқди. 2 миномёт ёнида атиги 4 киши қолдик. Шундай бўлса-да, гитлерчилар устига дўлдек мина ёғдирдик. Уларнинг кўпини тупроққа қориштириб юбордик. Немислардан жуда ози тирик қолиб зўрға қочиб қутилди.

Ҳозир мен миномёт взводининг командириман. Мен ўз жангчиларимга мерганларча мўлжал ола билиш, расчётдагилардан биронтаси сафдан чиқса, дарҳол унинг ўрнини боса олиш, миномётни тезлик билан ўт очишга тайёрлаш санъатини ўргатаётиман.

Орденли лейтенант Т.Юсупалиев

1944 ЙИЛ 24 ИЮЛЬ. №57 (245)

ПАРТОРГ БИЗНИ АТАКАГА ЕТАКЛАДИ

Бўлинма атакага қўтарилган пайтда:

– Уринг фашистларни! – деган хитоб садоси жанг майдонида янграб кетди.

Бундай хитоб қилган ва биринчи атакага отилган ким экан? У ўз жасурлиги ва қақриғи билан ҳамма жангчиларни илҳомлантирди, биз унга эргашиб шиддатли атакага бордик.

Қизгин олишувда аскар жангга шу қадар берилиб кетадики, баъзан у рўпарага келган қалин ўртоғини ҳам шу онда танитай қолади. Биз бўлсак олға бораётган парторгимиз Сержант Ярмоедовни дарҳол танидик. Ротамиздаги энг жасур коммунист жангчилар Камолов ва Корнобоевлар ҳам унинг қоватида борар эдилар.

Уларнинг ҳар уювлари немислар позициясига биринчи бўлиб бостириб кирдилар. Душман блиндажи ичидан:

– Гитлер капут!.. Гитлер капут! – деган овоз эшитилди.

Снарядларимизнинг портлашидан юраги ёрилиб, гангиб қолган немис титраб-қақшаб, кир кўлларини баланд кўтариб блиндаждан чиқди.

Блиндажга кирсак, у ерда ҳам рангида қони қолмаган бир неча фриц кўлини кўтариб, безрайиб турибди.

– Командирга олиб борилсин, – деб буюрди парторг бир жангчига ва ўзи яна олға қараб ташланди.

Парторгнинг ёнгинасига узун ёғоч дасталик немис гранатаси келиб тушди, лекин ёрилмади.

– Ур газандаларни! – деди Ярмоедов ғазаб билан ва гитлерчилар устига шердек ҳамла қилди. Бир немисни тиккасига отиб ташлади, иккитасини граната билан саришта қилди.

Парторгимиз бу жангда мардлик, жасурлик ва моҳирлик намунасини кўрсатди. Шунинг учун ҳам жангчилар кўзи олдида коммунистларнинг этибори янада баланд бўлди.

Одий аскар С.Камолов

УЧ НЕМИС ТАНКИНИ МАЖАҚЛАДИМ

Мен қардош Украина ерини немис-фашист босқинчилардан озод қилиш жангларида иштирок этиб келаётирман. Мен танк командириман. Қудратли танкимнинг кучли ўти билан кўкламги қаттиқ хужум жангларида фашист аблаҳларнинг 3 танкини мажақлаб ташладим.

Лейтенант Т.Маннонов

МАРДЛИК ВА МОҲИРЛИК

Қисмимизда кўпгина ўзбек жангчилари бор. Улар Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Янгийўл районидаги тўлиқсиз ўрта мактабнинг собиқ ўқитувчиси **Ғани Халилов** қисмимизда икки йилдан бери хизмат қилиб келади. У миномёт бўлинмасида старшина. У вазият қандай бўлишига қарамай, бўлинмани ҳамма вақт етарлик миқдорда ўқ-дори билан, жангчиларни эса иссиқ овқат билан таъминлаб туради.

Яқинда катта бир шаҳар бўсағасида бўлган жангларда бўлинманинг запас ўқ-дорилари турган ерга душман снаряди келиб тушди, яшиқлар ёна бошлади, миналар портлаши, ўқлар отилиши муқаррар эди. Бу ҳолни кўрган старшина Халилов жонини аямай, мардларча ҳаракат қилиб ўз шинели билан ёнаётган яшиқлар устини қоплаб ўтти ўчирди ва ўқ-дориларни сақлаб қолди.



Республикамининг ёш таланти ўзбек раққосаларидан (чапдан) Фаҳрия Жамилова, Розия Каримова ва Ҳалима Раҳимовалар. В.Косовский сурати.

Сўнги жанглardan бирида Халилов бир группа аскарлар билан илгари босиб борар эди. Бирдан у ҳарбий буюмлар ортилган душман араваларини кўриб қолди. Жангчилар арава олдидан тўсиб чиқдилар. Немислар эсанкираб қолдилар. Бир фашист офицер эса отга миниб қоча бошлади. Халилов унинг кетидан қувиб ўз автоматининг ўти билан отни яралади ва офицерни асир қилиб олди. Бу офицер батальон командири – немис майори экан. Бошқа жангчилар солдатлардан бир қанчасини ўлдирдилар ва араваларни ҳарбий анжомлари билан қўлга туширдилар.

Гвардиячи Халилов икки «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган.

Автоматчи гвардия сержанти **Мирзаабдулла Нишонов** ўз номини ўлмас шон-шараф билан қоплади. Кўкламги жанглардаёқ у «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган эди. Н. даръёсидан кечиб ўтишда Нишонов янги қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. У отида даръёнинг ўнг қирғоғига ўтди ва ёлғиз ўзи бир неча гитлерчига қарши жанг қилиб ҳалок бўлди. Баҳодир Нишоновнинг бу жасорати бошқа жангчиларни илҳомлантирди ва улар даръёдан кечиб ўтиб, фашистлар галасини ғарбга томон қувиб кетдилар. Гвардия сержанти марҳум Нишонов биринчи даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланди.

Автоматчилар взводи командирининг ёрдамчиси йигирма ёшлик гвардиячи старшина **Мамад Иброҳимов** Кавказни мудофаа қилиш жангларида иштирок этган эди. Бир жангда у ўз взводи билан немислар турган қишлоққа бостириб кириб немисларни эсанкиратиб қўйди ва сал ўтмай немисларнинг 9 солдат ва бир офицерини асир қилиб олиб келди. Қўмондонлик шеръюррак Иброҳимовни учинчи даражали «Шухрат» ордени билан мукофотлади.

Иброҳимов взводи Н. даръёсининг ўнг қирғоғига ўтиб мустаҳкамланиб олиб, у ерда ҳам 10 немисни асир олди. Иброҳимов бу жангларда кўрсатган маҳорати учун иккинчи марта «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Ўзбек халқининг қисмимиздаги содиқ фарзандлари қардош Украина учун мана шундай жанг қилаётирлар.

Гвардия старшинаси Г.Раманозов

ПАРТОРГ ХЎЖАНОВ ОЛДИНГИ САФДА

Старший сержант Эшонкул Хўжанов ўртоқ Шчербаков бўлинма-сида парторг бўлиб ишлайди.

Хужум бошланиши олдидан Хўжанов траншеяларни айланиб чиқди.

Нихоят, атака бошланди. Жангчилар шиддат билан душман усти-га ўқталдилар. Хўжанов олдинги сафда борар, жасурлиги ва мард-лиги билан ҳаммани илҳомлантирар эди. У душман траншеяларига ҳам биринчи бўлиб кирди ва найза билан 4 немиснинг ичак-човағи-ни ағдарди.

Н. даръёсидан кечиб ўтиш вақтида бўлинма командири сафдан чиқиб қолди. Шунда сержант Хўжанов командирликни дадиллик билан ўз устига олди. Хўжанов бошлиқ бўлинма гитлерчиларни Ғарбий Буггача изма-из қувиб борди.

Жангчилар даръёдан кечиб ўтишга киришганда Хўжанов аллақа-чон ўнг қирғоқда эди. У бўлинма комсорги билан станокли пулемёт ўти билан душман контраатакасини қайтариб турди ва бўлинмага ҳеч қандай талафотсиз кечиб ўтишига имкон берди.

Капитан З.Фатхуллин

УЧ ГВАРДИЯЧИНИНГ МАРДЛИГИ

ПТР расчётининг командири гвардия сержанти Самад Аҳмедов душман мудофаасини ёриб кирган бўлинманинг жанг таркибида борар эди. Аҳмедов ва унинг жанговар дўстлари – гвардиячи Фёдоров ва Костюклар немис ўт очиш нуқтасини емиришга киришганларида бир взвод гитлерчи буларни қуршаб олди. Гитлерчилар бу уч гвардиячини осонлик билан қўлга олишга уриндилар.

Лекин уч гвардиячи немисларга ён бермадилар. Аҳмедов, Фёдо-ров ва Костюклар 28 немис солдати ва бир офицерини ўлдирдилар.



Ўртоқ Бадриддинов бўлинмасининг артиллериячилари гитлерчи газандаларни аёвсиз янчмоқдалар. СУРАТДА: (чапдан ўнга) тўпчи Зиябоев, Аҳмедов, Бўтаев ва Октоевлар.
Е.Белик сурати.



Бу йил республикамизда пилла ҳосили анча мўлбўлди. Жуда кўп районлар ва колхозлар пилла тайёрлаш планини ошириб бажардилар. СУРАТДА: Бухоро районидаги Ворошилов номли колхознинг стахановчи аъзолари (чапдан ўнга) Холой Болтаева, Муяссар Бобомуродова, Муаттар Усмоновалар пилла йиғаётирлар.
И.Юсупов сурати.

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЖАВОБ МАКТУБИ

Биринчи Украина frontiдаги ўзбек аскарларидан

Қимматли оталаримиз, оналаримиз, севикли хотинларимиз ва болаларимиз, туғишган ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиз!

Бу мактубни сизларга улуғ ватан уруши frontiда руслар, украинлар ва улуғ Совет Иттифоқидаги бошқа қардош халқлар билан қўлмақўл ушлашиб, муқаддас совет ерини маккор ва ёвуз душманимиз немис-фашист босқинчиларининг тажовузидан озод қилаётган ўзбек аскарлари – Сизларнинг ўғилларингиз ва оталарингиз, эрларингиз ва ака-укаларингиз ёзаётир.

Бу Сизнинг нақазингизни қандай бажараётганлигимиз тўғрисида жанговар ҳисоботимиздир.

Илгари оддий, номалум колхозчи бўлган Эргаш Қурбонов ўз қисмида шерюрак аскар бўлиб шухрат қозонди. У ботир рус жангчиси автоматчи Самохин билан бирга немислар қўлида бўлган бир шаҳарга биринчи бўлиб бостириб кирди ва шаҳар қўчаларида 25 дан ошиқ немис солдати ва офицерини ўлдирди.

Мудофаа жанглари пайтида пулемётчи Исмоил Қулжонов қатъият ва мардлик билан жанг қилди. У билан довъюрак рус жангчиси сержант Ушаков бирлашиб, бир жангда 117 гитлерчини кирдилар.

Андижонли йигит, ботир разведкачи Ражабали Қўзиқулов ажойиб қахрамонлик кўрсатди. Разведкада бўлганда у бир ўзи 30 немис билан жанг қилди, 8 тасини ўлдириб, 22 тасини асир қилиб олиб келди.

Фарғонали старший лейтенант Мамат Қорабоев немис босқинчиларга қарши мардонавор курашмоқда.

Ватан учун бўлган қаттиқ жангларда Қорабоев взводи душманининг 900 дан ошиқ солдат ва офицерини ўлдирди, 15 ўт очиш нуқтасини бостирди, бир танкини, ўқ-дори ва аскар ортилган 4 автома-



Старший лейтенант
Ҳалим Раҳимов.
В.Юдин сурати

шинасини яқсон қилди, бир транспорт самолётини уриб туширди. Қорабоевнинг ўзи 400 га яқин гитлерчини гўрга тикди.

Термизли собиқ колхозчи, ҳозир фронтимиздаги жасур снайперлардан бири, кўш орденли старший сержант Холмурод Худойназаров юзга яқин немисни ўлдирди. Худойназаров немис йирткични батамом йўқ қилгунча аёвсиз қираберишга қасамёд қилди. У бундай деди:

— Кўзим кўрар экан, кўлим винтовкани тута олар экан ва юрагим тешишдан тўхтамас экан, немисни қирганим-қирган. Немис йирткични тилка-пора қилиб ташламагунча кўнглим тинчимайди. Чунки кўлида қурол тугган битта немис қолса ҳам тинч яшаш мумкин эмас.

Хатга қўл қўйдилар:

Совет Иттифоқининг Қаҳрамони гвардия старший сержанти Бугабой Содиқов, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони младший сержант Мамасоли Тешабоев, Александр Невский ордени ҳамда икки Қизил Юлдуз орденининг кавалери старший лейтенант М. Турмавтоев, орденли подполковник Ҳамидов, кўш орденли гвардия старший лейтенанти Турсунбой Рўзибоев, кўш орденли гвардия майори Халил Набиев, кўш орденли сержант Хужамберди Абдурахмонов, кўш орденли ефрейтор Бобо Рўзиев, орденли майор Рустам Абдурахмонов, орденли оддий аскар Тоҳир Исломов, орденли старший сержант Райхон Саидова, кўш орденли капитан Додо Ражабов, кўш медалли старшина Дабижон Ғозиев, оддий аскар Абдуқолир Холбоев, икки Шухрат орденининг кавалери младший сержант Мақсуд Султонов, орденли подполковник Имомқул Искандаров, медицина хизматининг капитани медалли Гулчехра Муҳаммедова, орденли сержант Турғин Ҳакимов, орденли оддий аскар А. Тожибоев, орденли гвардия лейтенанти Ҳасан Илҳомов, орденли ефрейтор Ҳамро Авамураддов, орденли оддий аскар Худойназар Ҳаққиёв, орденли старший лейтенант Сўбхон Турсунов, орденли гвардия оддий аскари Ҳасан Турсунов, орденли младший сержант Гафур Нуоров, орденли гвардия сержанти Адҳам Ҳасматов, медалли гвардия оддий аскари Гафур Қамолов, оддий аскар Амир Уразбоев, капитан Зиннат Фатхуллин, медалли старшина Муминжон Ғаниев, орденли ефрейтор Тулла Динаев, медицина хизматининг майори орденли Карим Шарипов, орденли оддий аскар Гафур Эгамбердиев, орденли лейтенант Ҳасан Ҳатамов, орденли сержант Тожи Уроқов, орденли оддий аскар Сафармат Элвазаров, кўш орденли гвардия майори Маҳмуд Зуфаров, медалли гвардия старший сержанти Зийр Аминов, орденли гвардия оддий аскари Назар Алиханов, орденли гвардия техник-лейтенанти Убай Орипов, орденли оддий аскар Назриддин Шамсиев, орденли гвардия майори Вали Умаров, медицина хизмати старший лейтенанти медалли Собира Мажидова, орденли младший сержант Ибод Шарипов, орденли младший сержант Босқоқ Содиқов, орденли младший лейтенант Наим Ғаниев, медалли старший сержант Фотиҳ Ёқубов, гвардия оддий аскари Акрам Шукуров, медицина хизматининг гвардия капитани уч медалли Хайрулла Алимов, орденли гвардия оддий аскари Усайдулла Рихиев, орденли оддий аскар Асад Уроқов, орденли старший лейтенант Раббулла Назруллаев, орденли младший сержант Отаҳон Рўзиमतов, орденли капитан Аширмат Назаров, орденли младший сержант Қосим Бурҳонов, орденли старший сержант Қалавдар Исмоилов, икки медалли оддий аскар Нуриддин Зубайдуллаев, орденли гвардия младший сержанти Ҳамза Абдунасимов, орденли гвардия старший сержанти Абдусалом Мақсумов, орденли гвардия лейтенанти Эргаш Иброҳимов, оддий аскар Нормурод Суюнов, оддий аскар Мухиддин Ҳожибоев, орденли ефрейтор Эгамберди Худойбердиев, орденли оддий аскар Мирза Гафуров, орденли лейтенант Воси Раҳмонов, орденли младший сержант Усмонқул Жумабоев, гвардия старший сержанти Бобоназар Қодиров, оддий аскар Саодхиддин Анизов, орденли старший сержант Баҳром Икромов, орденли сержант Наврўз Ма'муров, орденли сержант қавқ Ортиқов, орденли гвардия старшинасиз Илҳом Холмуродов, медицина хизмати лейтенанти орденли Олоқул Уразаев, орденли гвардия младший лейтенанти Содиқ Маҳкамов, орденли гвардия старший сержанти Халил Фарқодов, орденли старший лейтенант Қобил Орифжонов, орденли оддий аскар Рўзибой Тотов, орденли гвардия младший лейтенанти Рустам Са'дуллаев, орденли лейтенант Абдулҳай Мардонқулов, орденли гвардия младший сержанти Са'дулла Мирзаев, орденли оддий аскар Абдурахмон Валиков, орденли капитан Аҳмад Бобоқонов, оддий аскар Ураз Назаров, ефрейтор Орифжон Тожибоев, кўш орденли сержант Абдуваз Насимов, орденли сержант Чори Сафаров, орденли оддий аскар Ёвқош Раббуллаев, оддий аскар Узоқбой Йўлдошев, орденли сержант Фозилжон Мирзаев, орденли оддий аскар Зубайдулла Ма'муров, орденли сержант Баҳром Холматов, медалли оддий аскар Мирсоат Мирзаев, орденли сержант Шамси Сайдалиев, медалли оддий аскар Абдулҳад Воҳидов, орденли сержант Маҳмуд Хусанов, орденли сержант Раҳмат Каримов, гвардия оддий аскари Абдулла Шарипов ва бошқалар. Хатга икки ирим миңдан ошқ ўзбек аскари қўл қўлди.

Полевая почта 48828—А.

Бундай мисоллар кўп. Немис-фашист босқинчиларга қарши жанглarda мардлик ва ботирлик кўрсатган юз-юзларча ўзбек аскарлари СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланган.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Файзулла Йўлдошев, Атаулла Солиҳов, Содиқ Алиназаров, Бўтабой Содиқов, Мамасоли Тешабоев, Ўрозбой Жуманиёзовларнинг номлари улуғ Ватан уруши солнома-сига олтин ҳарфлар билан ёзилажак.

Биз қасамъод қилиб айтамизки, жанг қилиш усталигимизни кун сайин оширамыз, ҳар ерда ва ҳамма жойда юқори интизом ва уюш-қоқлик намуналарини кўрсатамыз; немис-фашист босқинчилар ус-тидан узил-кесил ғалаба қозониш учун жонимизни ҳам, қонимизни ҳам аямаймыз.

1944 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ. №73 (261)

КОМСОРГНИНГ ИШ КУНИ

Бўлинма комсомол ташкилотчиси младший сержант Ҳабибулла Ғафуров ҳозиргина хат ташувчи келтирган газеталарни кўздан кечирди. Газетада немис-фашист каллакесарларининг Майданекда қилган йиртқичликлари тўғрисида билдириш босилган экан. Ғафуров уни диққат билан ўқиди ва керакли жойларнинг остини қалами билан чизди. Ён дафтарига баъзи нарсаларни ёзиб олгач:

– Ўрток гвардия младший лейтенанти, – деди у бўлинма командири Козленкога қараб, – мен ҳозир агитаторларни йиғиб, улар билан Майданек тўғрисида суҳбат ўтказаман. Кейин улар шу ҳақида жангчилар билан суҳбатлашадилар, шунга нима дейсиз?

Командир Ғафуровнинг бу фикрини маъқуллади.

Агитаторлар бир неча саволларни ўртага ташлаб, ҳал қилиб олганларидан кейин ўз отделенияларига тарқалдилар. Ғафуровнинг ўзи ҳам бир отделенияга кетди.

Бўлинма командирининг энг актив ва ташаббускор ёрдамчиси бўлиб ҳисобланган комсорг младший сержант Ғафуровнинг иш куни, одатда, шундай бошланади.

Гвардия младший сержанти Абдуманнон Абдуллаев

ЖАНГЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК


Бўлинмага келган вақтда мен сапёрлик ишини билмас эдим. Взвод командиримиз ўртоқ Курин ғамхўрлиги натижасида оз вақт ичида бу мураккаб хунарни ҳам яхши ўрганиб олдим.

Мен билан бирга хизмат қиладиган рус бўлмаган миллат жангчиларидан Абубакир Овғонбоев, Калимуллин, Тожиев, Хол Ҳайитов ва Юрхоновлар танкка қарши қўйиладиган миналарни, мина далаларини тозалашни яхши билиб олдилар.

Рота командири офицер Рейно ҳам бизга ёрдамини аямайди. Тез-тез биз билан суҳбатлар ўтказиб туради. Рота старшинаси Данилов, партия ташкилотчиси Поповлар эса рус бўлмаган миллат аскарлари билан машғулотлар ўтказиб турадилар, бўш вақтларида ўйин-кулгу, ашула кечалари ҳам ўтказиб турадилар.

Старший сержант Ёқуб Ҳайдаров

ҚОДИРОВ НЕМИС ОФИЦЕРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎЛДИРДИ



«Жасурлиги учун» медалли оддий аскар Ибрашев моҳир алоқачи. Ибрашев дўстона Польшани озод қилиш жанглирида фидокорлик кўрсатмоқда.

Е.Белик сурати.

Яқинда бўлинмамизга бир қанча янги аскарлар келди. Улар блан мен бўлинмамиздаги тажрибали гвардиячилар немис газандаларни қандай қираётганлари тўғрисида суҳбат ўтказдим. Бунда янги аскарларни қизиқтирган мисоллардан бири гвардиячи Қодиров қандай қилиб немис офицерини белкурак блан уриб ўлдиргани воқиаси бўлди.

Бу воқиа қисмимизнинг ёзги ғолибона хужуми майтида Висла дар'ёси бўйида юз берди.

Бўлинмамиз Висла дар'ёсини ҳада-ҳа кечиб ўтиб, плацдармни қўлга ки-

ритиш тўғрисида буйруқ олдик. Биз гитлерчиларни биринчи қатор траншеядан суриб чиқариб, иккинчи қаторига етган ҳам эдикки, фашистлар орқа томондан бизни ўтга тутиб қолди. Улар бизни қуршаб олмақчи бўлдилар. Биз дарров окопланиб олиб улар блан жанг қила кетдик. Биз саккиз киши (я'ни фақат менинг отделениям) немислар бўлса бир взводдан ошиқ.

Гитлерчилар ҳар томондан сиқиштириб келаверди. Бунинг устига, ўқларимиз тугай деб қолган эди. Шундай бўлса-да, биз қўлга кiritган маррамиздан бир қадам ҳам орқага силжимадик. Бизга мадад етиб келишига ва биз албатта енгишимизга ишонган эдик.

Жанг қизиқ турганида отделениямдаги жангчи Қодировнинг винтовкасини душман минаси ишдан чиқарди. Худди шу пайтда гитлерчилар атакага бошлаган эдилар. Биз ҳам: «Ватан учун!» – деб атакага кўтарилдик. Қодиров белкурагини баланд кўтариб немис офицерига ташланди. У офицернинг бошига шундай зарб билан урдик, ла'нати ўша замони ағдарилиб тушиб тил тортмай ўлди.

Мана шундан кўриниб турибдики, белкурак ва ер жангчини ўқдан ҳам, мина ва снаряддан ҳам яхши сақлайди.

Мен ўз отделениямдаги аскарларни гвардиячиларнинг шу хилдаги бой тажрибалари асосида янги жангларга чиниктирмоқдаман.

Гвардия старший сержанти В.Королев

ТАЛАНТЛИ МЕРГАН

Сержант Қурмонбоев яқиндагина снайперлар курсини тугатиб келди. У курсда яхши ўқиб, ўз куролини а'ло даражада ўрганиб уста снайпер бўлиб етишди.

Қисмимизга келгандан бери Қурмонбоев ҳар куни фрицларни овлаш учун олдинги доирада боради ва овдан қуруқ қайтмайди.

Бир кун Қурмонбоев ўз позициясида ётиб немисларни узок вақт кутди, аммо қўрқиб қолган немислар қорасини кўрсатмас эди. Шундан кейин Қурмонбоев олдинга эмаклар немисларга яқинроқ борди. Бир оз кузатишдан сўнг у окопдан бошини чиқарган бир гитлерчини кўрди ва нишонга олиб бир ўқ блан қулатди. Узокни кўручи



Разведкачилар, гвардия младший сержанти Жуков, гвардия младший сержанти Шарипов ва гвардия ефрейтори Устиновлар жангдан сўнг овқатланаётирлар.

Е.Белик сурати.

снайпер яна кутиб ётди, чунки ўликни олиб кетиш учун бошқа немис келиши табиий эди. Аммо снайпернинг ўткур кўзи бошқа бир немисни кўрди. У гитлерчи ўрмондан қандайдир нарса кўтариб келар эди. Қурмонбоев уни ҳам ўлдирди. Сўнгра, ўзи кутгандек, бир немис мурдани олиб кетиш учун ўлдирилган немис ёнига келди. Уста мерган уни ҳам ер тишлатди.

**Старший лейтенант
Ғайбуллаев**

ДОВ'ЮРАК СОЛДАТ

Бўлинмамизда Темирзода Шарипов деган ёш ва абжир аскар бор. У энг юракли разведкачи сифатида бутун қисмимизда машхур.

Б. шаҳридан ғарб томонга душман группировкаси қуршаб олинганда бўлинмамиз ўрмонзор бир участкасидаги позицияни эгаллаган эди. Командир Шариповни разведкага юборди. У ўрмон ичида усталик ва чакқонлик блан ҳаракат қилиб душман позициясига яқинлашаркан, кўп немисларнинг бўлинма позициясига томон келаётганларини кўриб қолди ва дарҳол изига қайтиб командирга доклад қилди. Командир тегишли чораларни кўрди. Немисларнинг ёриб чиқиш учун қилган уринишлари барбод бўлди. Улар кўп талафот кўриб чекинишга мажбур бўлди.

Командир хужумга тайёрланишга буйруқ олди. Вақт зиқ эди. Ўқ-дори камлик қилар эди. Бу вазифани бажариш ҳам Шариповга топширилди. Шарипов тунни блан тинмай бўлинмани ўқ-дори блан та'минлади.

Темирзода Шарипов ҳукумат мукофотига тақдим этилди ва комсомол сафига қабул қилинди.

Гвардия старшинаси Исҳоқ Зоҳиров

ГВАРДИЯЧИ ОХУНОВНИНГ ЎЛМАС ЖАСОРАТИ

Батарея адирлар бўйлаб марш блан илгари босди. Охуновнинг тўпи энг олдинда борарди. Унинг тўпи кумлоқ тепаликларга биринчи бўлиб кўтарилди, пастликка қараб кетган бурилма йўлларга биринчи бўлиб тушди, ярим белгача келадиган ботқоқликлардан биринчи бўлиб кечди. Хуллас, Охунов душман тўплари ва миномётларининг овози қайси томондан эшитилаётган бўлса, ўша жойга мумкин қадар тезроқ етиб боришга интилар, қисқа йўллар ахтариб, ҳар қандай тўсиқларни мардона енгиб босиб ўтар эди.

Охунов юзидаги ёмғур томчиларини суртиб ташлаб, улуғ ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб ўзи босиб ўтган жанговар йўлни хаёлидан кечирди. Бўлиб ўтган дахшатли жанглари унинг кўз ўнгидан кино лентаси сингари кетма-кет чизилиб ўтди. У ҳозир кўз олдида алангаси осмонга чиқиб ёнаётган фашист танкини кўрган-дек бўлди. Гитлерчилар танкдан чиқиб қочмоқчи эди, Охуновнинг энг қалин дўсти гвардия сержанти пулемётчи Гусев уларни тутдек тўкди...

Охуновнинг бу хаёли афсонавий бир нарса эмас. Чунки у ўз тўпи блан душманнинг кўпгина техникасини, солдат ва офицерини яқсон қилди. Бу коммунист аскарнинг немис-фашист газандаларга нисбатан бўлган ғазаби, куч ва ғайрати чексиз эди.

Ба'зи қаттиқ жанглари пайтида шундай воқиялар юз бердики, ҳамма расчёт сафдан чиқиб, тўп ёнида Охуновнинг ёлғиз ўзи қолди. Шунда ҳам у душманни шафқатсиз янчди.

Хукумат Низом Охуновнинг жанговар хизматини юксак даражада баҳолади. У II даража «Ватан уруши» ордени блан мукофотланди. Бу жанговар мукофот уруш оловида тобланган гвардиячи артиллериячи баҳодир Охуновни янги курашларга ундади. У – ёш командир Охунов ҳар қандай вазиятдаги қийинчиликларни чидам блан енгиб, ҳар қандай ховфу хатарли минутларда ҳам ўз жангчилари олдида намуна бўларлик жасоратларни кўрсатди. У ўз расчётдагиларни ҳар қандай вазиятда чидамли, матонатли бўлиш руҳида тарбиялади.

Батарея партия ташкилотчилик вазифасини Охунов бўш вақтларда жангчилар блан суҳбатлашиш, уларга газета-журналлар ўқиб бериш, саводсиз жангчиларнинг уйларига хат-хабар ёзиб беришни севарди.

...Совет Иттифоқининг Қахрамони офицер Пухов батареяси тоғ қияликларидан ўтиб сайхон жойга чикди. Бирдан қаердандир, яқиндан немис танкининг ўрмаловчи занжирлари ғижирлаётган овози эшитилди.

Батарея кўз очиб юмгунча ёйилиб ўт очиш позицияларини эгаллади. Олти фашист танки ва бир батальонча келадиган гитлерчи батареяга томон ташланди.

– Бизни ғафлатда қолдиролмайсан, ла’натилар! Биз совет гвардиячиларимиз! – деди фашистлар устига биринчи бўлиб ажал уруғини ёғдирган Охунов.

Бир неча марта мерганларча отилгандан кейин немисларнинг бир ўрта танки ва бир «қоплони» («пантераси») аланга ичида қолди.

Жанг табора қаттиқ тус олди. Немислар Охунов расчётига жуда яқин келиб қолди ва расчётдагиларни бирин-кетин сафдан чиқараверди. Охунов бўлса ҳам ярадорларга ёрдам бериб уларни орқа томонга жўнатар, ҳам гитлерчиларни ўтга тутишни давом этдирарди. Мана, тўп олдида фақат у ва шофёр гвардия оддий аскари Болтянский қолди.

– Бўш келма! – деди Охунов Болтянскийга қараб. – Яна бир неча снаряд узсак, аблаҳлар бардош беролмайди...

Брок бир йўла икки гумбурлаган товуш эшитилди. Бунинг бири Охунов тўпининг товуши, иккинчиси эса шу ерга келиб тушиб портлаган душман снарядининг портлаши эди... Қаттиқ ярадор бўлган Охунов мағрурлик блан қўлини кўтариб:

– Хайр, дўстим!.. Бўш келма!.. – деди ва оҳисталик блан кўзини юмди.

Кўзига жикқа ёш тўлган Болтянский Охуновга ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр эди. Аммо...

Болтянский севиқли командирининг жасадини бир четга қўйиб ғазаб блан тўп ёнига борди. Снаряд жойлади. Гитлерчиларни тупроққа қориштирди. Охунов учун шафқатсиз қасос олди.

Батареячилар парторг Охуновнинг ҳалок бўлганини эшитиб душманнинг кулини кўкка совирдилар. Уч соатдан ошиқ давом этган тенгсиз жанг гитлерчиларнинг батамом мағлубияти блан тугади. Батарея позицияси олдида пачағи чикқан ва куйиб чўғ бўлган тўрт танк, юзларча гитлерчиларнинг мурдалари қолиб кетди.

Гвардия капитани Н.Антонов

НОМАНГ ЕТИБ КЕЛДИ

«Санобар» циклидан

*Номанг етиб келди яхши соатда,
Кўзларим йўлингга эди интизор...
Яна мамнун бўлдим мен фароғатда,
Бошим кўкка етди, эй вафоли ёр!*

*Дебсанки, сен томон тикилар кўзим,
Тунлар зоҳир бўлар самода ойинг.
Ўзга диёрларда юрсам ҳам ўзим,
Ўнгимдан кетмайди нурли чиройинг.*

*– Асло унутмайман мен ҳам ёдингни,
Сен олга борганда юксалар бошим.
Информбюродан ўқиб отингни,
Кўзлардан тинади айрилиқ ёшим.*

*Дебсанки, дар'ёдан ўтиши чогида
Елкамда кўприкни кўтариб турдим.
Сен мудом яшна деб колхоз богида
Мал'ун немисларни арслондай урдим.*

*– Боплабсан, ёвларга ҳеч берма амон,
Ортиқ ёғдирмасин зулм тошини.
Азиз қардошларга, эй марди-майдон,
Бирга олиб боргил бахт қуёшини.*

Дебсанки, абадий янграсин деб соз
Қўлимда маҳв бўлди ёвуз балолар.
Гўзал Санобарим кулиб сарфароз,
Чаманда тингласин сўлим наволар.

– Шерзод, меҳнат куйи оқади равон,
Саодат қўшиғи таралади соз.
Сен қозонган шараф, сен қозонган шон
Нафис пардалардан этади парвоз.

Дебсанки, қутириб душман қал'аси
Бизнинг сафимизга ёгдирганда ўт
Зарбимдан ит каби ўлди ҳаммаси,
Қал'аси бўлди бир вайрона, тобут...

– Ажаб қилибсан сен, босиб келган ёв,
Лозимдир, бошига тушса қаро кун.
Яна қаттигроқ ур уни беаёв,
Ёвуз ниятига ясалсин яқун.

Дебсан, ипак лозим, йўлагил шоҳи,
Менга мадад бўлур ҳар битта тола.
Бутун ёруғ олам бўлсин гувоҳим:
Абадий тинади фигону нола.

– Сўзим – сўз: ўрарсан шоҳи чорсулар,
Бошингга қўярман мен гултожсимни.
Тоза ипакларим етмаса агар,
Улаб юборурман қаро сочимни!..

Дебсанки, йўлагил бир сават анор,
Ўзга диёрларда қилайин кўз-кўз.
Ёвнинг кўзи куйиб ўлиб кетсин зор,
Соқов бўлиб қолсин айтолмасдан сўз.

– Талабинг ўринли, борур армуғон,
Мен ҳам кўриб қўяй ганим ҳолини.
Сенга ширин бўлсин анор минг чандон,
Қўшиб юборайин лабим болини!..

Дебсанки, ҳар шаҳар, ҳар бир қишлоққа
Мағрур кўрагимни айладим қалқон.
Душман тирмашиганда тепага, тоққа
Тепасидан уриб айладим яксон.

– Айни муддаони адо қилибсан,
Тилга олинади номинг ўлкада.
Ҳосилим ортсин деб ташиб келдим ман
Кўҳна деворларни ўзим елкада.

Дебсанки, қўлимда жсон берган ганим
Қанча кўп бўлса ҳам, ҳали жуда оз.
Узил-кесил зафар – улуг умидим,
Сен ҳам шуни ўйла, жсоним сарвиноз!

– Шерзод, ҳосилларим расо этилди,
Улуг галабага шудир ҳадиям.
Рапорт беражакман: адо этилди
Доҳийга ичилган муқаддас қасам!

Номанг этиб келди яхши соатда,
Кўзларим йўлингга эди интизор...
Яна мамнун бўлдим мен фароғатда,
Бошим кўкка етди, эй вафоли ёр!

Ҳамид Ғулом

МИНОМЁТ ТОҒДА ДАҲШАТЛИ ҚУРОЛ



Сержант Сафарали
Қурналиев.

Батальон миномёти расчётининг командири сержант Сафарали Қурналиев тоғ-ўрмонлик жойлардаги жанглар устаси. Батальон миномёти унинг қўлида душман учун даҳшатли қуролга айланган. Тоғдаги урушнинг асосий мақсади тепаликларни эгаллашдир. Тоғ жанглирида ким баландроқда бўлса, унинг қўли ҳам баланд бўлади.

Қурналиев ўз миномёти блан тоғда ҳаракат қилишни, энг баланд чўққиларга чиқишни пухта ўрганиб олди. Унинг миномёти истаган секунда душман устига ўз ўтини ёғдириб ўқчиларнинг илгари силжишига ёрдам беради. Бу жангда ҳам шундай бўлди.

... Немислар бир қишлоқ доирасида ўзлари учун қулай маррани мудофаа қилиб турар эдилар. Пиёда аскарларимиз душманни хукрон тепаликдан уриб туширгач қишлоқни эгаллаш тўғрисида буйруқ олдилар. Сафарали Қурналиев пиёда аскарлар блан ҳаракат қилиб, ўтиш қийин бўлган йўлчалар орқали тепаликка чикди.

Пиёда аскарларимиз йўлини немис пулемёти тўсиб турар эди.

Атрофни яхши кузатиш мумкин бўлган тоғ қиясида туриб сержант аниқ мўлжал олди. Қурналиев беш мина отди. Улардан иккитаси тўғри пулемёт ёнига тушди. Немис пулемёти расчёти блан яксон бўлди. Шундан кейин пиёда аскарларимиз шиддат блан олға ташландилар.

Ўқчи взвод ёки ротага берилган, мустақил суратда ёки кўпинча тоғда бошқа хужум қилучи қисмлардан айрилган ҳолда ҳаракат қилучи батальон миномёти баъзан пиёда аскарларга мадад беручи бирдан-бир кучли қурол бўлади. Шунинг учун ҳам тоғлик ер шароитида 82 миллиметрли миномётнинг роли анчагина ортиқдир.

Ўртоқ миномётчилар! Пиёда аскарлардан бир қадам ҳам ортда қолмай илгари қараб тоғ чўққиларигача қаҳрамонона силжидингиз! Пиёда аскарлар командири мўлжал кўрсатиб беришини кутмай ўзингиз изландингиз ва душманнинг ўт очиш нуқталарини йўқ қилдингиз.

Атроф ерни яхши ўргандингиз, душманни кузатишни сусайтирмай қудратли куролингизнинг кучли ўти орқали уни ер блан яксон қилдингиз.

Жанговар дўстингиз Сафарали Қурналиевдан ўрнак олингиз.

«За счастье родины» газетасининг коллектив хабари

МАХТАШГА САЗОВОР БОТИРЛИК

– Кимки жангда эсанкираб қолмаса, ўша енгиб чиқади, – дейдилар жанг кўрган солдатлар. Албатта, уларнинг бу гаплари тўғри. Хусусан, тоғ-ўрмонлик жойларда жанг қилганда кутмаган ҳолда ҳар қадамда гитлерчиларга қарши келиб қолиш ҳодисаси рўй беради ва бу ҳар бир солдатдан чаққон, уздабурон бўлиш ва қат’ий ҳаракат қилишни талаб қилади.

Мухим тепалик учун бўлган қаттиқ жанглардан бирида биз гитлерчилар блан юзма-юз олишдик. Улар қияликдаги пистирмалардан қилган ҳаракатлари блан совет аскарларини кўрқитмоқчи бўлдилар.

Аммо фрицларнинг бу найранги ҳам иш бермади. Солдатларимиз ҳадаҳа жангга киришиб, шердек олишдилар.

Айниқса, шу жангда оддий аскар Сайфи Ходиев дадиллик ва қат’ият блан ҳаракат қилиб мардона олишди.

Тош орқасида бекиниб турган уч немис бирдан Сайфи Ходиевга ташланди. Улар Ходиевни тириклайин асир қилиб олиш ниятида эди. Брок коммунист Ходиев бундай пайтларда эсанкираб, ваҳимага тушиб қоладиган йигитлардан эмас.

Гитлерчилар Ходиевга балодек тирмашдилар. Ходиев бўлса забти блан бир силкиниб ўзига ёпишган немисларни йикитди ва ўзи ҳам йиқилди. Жой қиялик бўлгани учун ҳам уни ушлаб олган немислар ҳам юмалоқ-ястик бўлиб пастликка тушавердилар. Азамат Ходиев шу юмалаб тушаётган вақтда қайишидан белкурагини олди ва зарб блан уриб икки фашистнинг мийясини мажақлади. Бу фожиани кўрган учинчи немис пастга томон ўқдай отилиб туша бошлади. Ходиев эса уни автомат блан саранжомлади.

Жуда мушкул вазиятда уч гитлерчини мана шу хилда лаҳатга тиққан коммунист Сайфи Ходиевнинг бу ботирлиги ҳаммани қойил қол-

дирди. Бошқа жангчилар ҳам ундан ўрнак олиб немисларни батамом кириб ташладилар.

Оддий аскар М.Фармонов

ТАШАББУС, ЭПЧИЛЛИК, ҚАТ'ИЙЛИК

Тоғлик жойлар шароитида кўпинча душман автоматчиларининг ўқиға дуч келиш ҳодисалари рўй беради. 2 – 3 автоматчи отса ҳам кўп киши отаётгандек туюлади, тоғнинг бир томонидан отилса, овози иккинчи томонидан ҳам эшитилади.

Мен ўзим ва отделениям блан бўлган бир қизиқ ҳодиса тўғрисида айтиб ўтмоқчиман.

Артиллерия тайёргарлигидан сўнг бўлинмаимиз ҳужумға ўтди ва дарҳол немисларнинг тумшуғи тағиға бориб етдик. Айниқса, тоғлик жойларда фурсатни қўлдан бериш ярамайди. Шунинг учун биз гитлерчилар устиға тўхтовсиз атака қилдик. Улар зарбамизға бардош беролмай тум-тарақай қочдилар. Кўплари ваҳимаға тушиб ўрмон ичида якка-якка бўлиб югуриб юрар эди. Шохлар, дарахтлар орасидан ўтиб бораётганимизда кучли портлаш эшитдик. Ҳаммамиз снаряд ёрилди деб ўйладик, аммо бизнинг ўйлаганимиз тўғри чикмади.

Бир минутдан сўнг ўнг томондан дозорчи келиб, у қочиб кетмоқчи бўлган немисларға граната ташлаганини айтди. Ҳатто овоз ҳам кишини алдайди. Мен икки немис қочиб бораётганини кўрдим. Улар менинг жангчиларим томонига қараб борар эдилар. Мен жангчиларимға гитлерчиларни ушлаб олишни буюрдим. Шу вақтда мен унчалик қаттиқ қичқирганим йўқ, аммо овозим акс садо блан жуда кучли бўлиб кетди ва гитлерчиларнинг юрағи ёрилиб, улар куролларини ташлаб қўлларини юқори кўтардилар.

Тоғ-ўрмонлик жойларда ҳаракат қилиш шу қадар қизиқ ва турли-туманки, мен яна кўп нарсалар тўғрисида сўзлашим мумкин эди. Лекин шу юқоридағи мисоллардан ҳам хулоса чиқариш мумкинки, агар биз тоғдағи жангларда ташаббускорлик ва удабуронлик кўрсатсак душманни янада муваффақиятлироқ урамиз.

Гвардия младший сержанти П.Аҳмаджонов

МАҲМУДОВ «ЙЎЛБАРС»НИ ЁНДИРДИ

Одий аскар бронейчи Аҳмаджон Маҳмудовнинг қойил қоларлик мардлиги

Бизнинг орамизда Аҳмаджон Маҳмудов деган бир ўзбек йигити бор. Кўринишидан кўплар сингари оддий, лекин жуда камтар бир аскар. Биринчи кўрганда «бу йигитнинг қўлидан ҳатто чумчиққа озор бериш ҳам келмаса керак» дейсан киши. Лекин мен уни кўп жангларда синадим. Унинг вазминлигига ва иродасига, усталиги ва жасурлигига қойил бўлдим. Унинг жанговар ҳаётдан кейинги биргина парча тўғрисида ёзмоқчиман.

Шиддатли атака натижасида биз бир аҳоли пунктни ишғол қилдик ва у ерда мустаҳкамланиб олдик. Расчётлар позициялар танлаб, окоплар қазиб, бутун хунарларини ишлатиб ниқобланиб олдилар. Разведканинг ма'лумотларига қараганда, шу участкада немисларнинг танклар блан контратака қилиши кутилар эди. Командирлар бизни огоҳлантириб хуш'ёр бўлишга ва душманни яхшилаб «қарши олиш»га чақирдилар.

Ана, кутаётирмиз. Бир соат ўтди – дарак йўқ. Ҳамма биладики, бу енгил кутишлардан эмас. Киши бетоқат бўла бошлайди. Юрак қаттиқ тепа бошлайди. Бўладиган «учрашув»нинг хомаки манзараси тасаввур этилади. Ҳар ҳолда, танк танк-да... Ана шу оғир минутларда мен ёв томонга тикилиб қарарканман, ҳар замонда Аҳмаджонга ҳам



Суратларда (чапдан ўннга): икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Речкалов, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони И.Н.Бойко, уч орденли гвардия майори Шамсиддин Бадриддинов, икки орденли сержант Абдулазиз Насимов.

О.Игнатович фотоси.

қараб олиб, унинг вазминлигидан, ҳар қандай ваҳимадан ва ташвишдан мутлақо холи сиймосидан завқланар эдим. «Ўлим тўғрисида ўйлаш қобилияти бу йигитга хос бўлмаса керак» деган фикр бошимга келади. Мен бу фикрим тўғри деб ўйлайман... Шу хилда яна ярим соат ўтди. Қаршимиздаги тепаликда душманнинг пиёда аскарлари пайдо бўлди. Гитлерчилар йўл-йўлакай ўт очиб бизга яқинлаша бошладилар. Биз ҳам индамай ёта бердик. Кимдир «танклар йўқ-ку» деди. Командир уни тинчлантирди: «Албатта бўлади. Ошиқманг. Бепарво ҳам бўлманг». Солдатларнинг жасурона юзларида энгил жилмайиш пайдо бўлиб ўтди. Гўё яшиндай ярқ этдию ўтди кетди. Яна жиддият ҳукм сурди. Худди шу пайтнинг ўзида танкларнинг шовқини эшитила бошлади. Тепалик устида 6 немис танки пайдо бўлди. Яқин келиб қолган гитлерчиларни автоматчиларимиз қаттиқ ўтга тутиб ерга ётиб олишга мажбур қилдилар. Албатта, уларнинг кўплари сра қайтиб турмайдиган бўлиб абадий ётиб олдилар. Буни кўрган танкларнинг жон-пони чиқиб кетиб, жуда катта тезликда бизнинг позицияга қараб ташландилар. Энди жанг қилиш гали бронейчиларга келди. Оддий аскар Аҳмаджон Маҳмудов душман танки жуда яқин келганидан кейингина пойлаб туриб танк бурилиб бортини ўгуриб берганда ўт очди. Танк ёниб кетди ва тўхтаб қолди. Бу немис «йўлбарси» эди. Бундан илҳомланган бронейчилар яна икки танкни шикастлантирдилар. Қолган учтаси аранг қочиб қутилди. Ғазаб бизники бўлди.

Младший сержант М.Орлов

ХИРУРГ РАҲИМОВ

Холмат Раҳимов ҳарбий врач сифатида Сталинград учун бўлган жаҳоншумул жанглarda бошдан охиригача қатнашиб, қахрамонлар ҳаёти учун курашдек олижаноб ишда тажриба ордирди. Ярадор бўлган неча ўнлаб жангчи ва командирларни жанг майдонидан қуроллари блан олиб чикди. Мехрибонлик блан яраларини бойлаб фронтнинг орқа томонига жўнатди. Қўмондонлик уни «Сталинград мудофааси учун» медали блан мукофотлади. У кўкрагидаги «Жасурлиги учун» медалини ҳам ана ўша Сталинград жанглари вақтида олди.

Калач районида немислар группировкасини куршаб олиш учун бўлган оғир жанглар шаройиtida ярадор аскарларни фронт оркасига эвакуация қилиш ишида кўрсатган алоҳида жанговар ишлари ҳукуматнинг олий мукофоти – «Қизил юлдуз» ордени блан тақдирланади.

Медицина хизматининг гвардия капитани Раҳимов ҳозир қисм хирург бўлиб ишламоқда. У ҳозир бой тажрибага эга. Кейинги ҳафта ичида муваффақиятли равишда икки марта оғир операция қилиб икки жангчининг ҳаётини муқаррар ўлимдан қутқазиб қолди.

Старший сержант Ф.Ёқубов

АБДУЛЛАЕВ А'ЛОЧИ ШОФЁР

Мамарасул Абдуллаев 1942 йилдан бери Ватан уруши фронтларида шофёрлик вазифасини бажариб келмоқда. У Сталинград учун бўлган тарихий жангларда иштирок этиб, қўмондонлик берган жанговар топшириқларни ўз вақтида ва намунали қилиб бажарди. Унинг кўкрагидаги «Сталинград мудофааси учун» медали бундан гувоҳлик бериб туради.

Ҳозир у зенит бўлинмасида хизмат қилади. Ҳаво ёмонлиги, ёмғур ва лойгарчиликка қарамай, ўз бўлинмасига ўз вақтида ўқ-дори, озиқ-овқат етказиб бериб туради. Абдуллаев ўз машинасига жуда бино қўйган, уни кўз қорачиғидай асрайди.

Бир ердан иккинчи ерга кўчганда у ўзига беркитилган расчёт ва зенит тўпини янги ерга олиб бориб қўйгач бошқа расчётларни ҳам кўчиришга ёрдам беради. Унинг бу фидокорлиги «Жанговар хизматлари учун» медали блан тақдирланди. Гвардия қизил аскари Михия.

ЎҚ БЕКОР КЕТМАЙДИ

Мен ҳужум вақтида винтовкамдан отиб беш немисни ўлдирдим ва олтинчисини асир қилиб олдим. Шундан кейин командир «сенинг кўзинг ўткур экан» деб снайперлар курсига юборди.

Мен курсда та'лим олиб, бехато мўлжаллашни ва ўт очиш позициясини жиҳозлашни пухта ўргандим. Биз курсдан қайтиб келгач мен маскировка халатини кийдим, олдинги доирамиздан 50 метр нарига бориб, ўзимга ўт очиш позициясини танладим. Бундай қараб,

мўлжаллаб кўрдимки, немисларгача бўлган масофа тахминан 500 метр келарди. Нишонни 5 га кўйдим.

Диққат блан кузата бошладим. Бир немис секин окопдан чикди. Дарров нишонга олдим. Уни ҳеч мушкага тўғрилай олмадим. Чунки мен уни маълум бир нуқтада нишонга оламан дегунча у нари кетиб қолади. Шундан кейин мен у юриб бораётган томондаги ғарамни нишонга олиб пойлаб турдим. Немис худди ўша ерга етгач тепкини босдим. Немис лапанглаб ағдарилиб тушди.

Балки, бу хумпар найранг қилаётгандир деб 15 минутча ундан кўзимни узмадим. Брок у ўрнидан қимир этмади.

Мен ўзимнинг снайперлик жанговар ҳисобимни шу тариқада очдим. Ўшандан буён ҳар куни эрта саҳардан қош қорайгунча позициямдан нари кетмай фрицларни ов қилмоқдаман. Жанговар ҳисобимдаги гитлерчилар сони тўхтовсиз ортмоқда.

Қизил аскар А.Шеров

1944 ЙИЛ 23 ОКТЯБРЬ. №79 (267)

Газета саҳифаларида ўзбек ҳарбийларининг таҳририяга йўллаган хатлари ҳам бериб борилган. Улардан айримларини келтирамыз.

ШОНЛИ АРТИЛЛЕРИЯЧИЛАР ДУШМАНГА ДАҲШАТ СОЛМОҚДАЛАР

(Фронтимиз аскарларининг хатларидан)

«Артиллерия – урушнинг худоси» дейди улуғ лашкарбошимиз ўртоқ Сталин. Совет артиллерияси Ватан уруши даврида чиндан ҳам душманга қарши кучга айланди. Шонли совет артиллериячиларининг қақшатғич ўтига немис-фашист босқинчиларининг «йўлбарс»лари, «қоплон»лари ва «фердинанд»лари ҳам асло дош беролмаётир.

Редакциямизга келаётган хатлар баҳодир артиллериячиларимиз немис каллакесарларга тобора кўпроқ талафот етказиб, душманни батамом тор-мор қилиш учун бўлаётган жангларда ўз бурчларини шараф блан бажараётганларини яққол кўрсатади.

Тўп командири қизил аскар Сулфи Лутфуллин ёзади: «Яқинда бир шаҳар учун бўлган қаттиқ жангда немислар контракага ўтиб, кўп танклар блан келавердилар. Танклар 250 – 200 метр яқинликка келганди, биз ўз тўпимиздан ўт очиб олдинда келётган «йўлбарс»ни ёндирдик. Наводчи Магера аниқ ва тез ҳаракат қилиб икки снаряд блан яна бир оғир танкни ёндирди. Қолган танклар орқага қайта бошлади. Шу вақт ён томонини бизга ўғирган яна бир танкни тўрт снаряд блан уриб ўт олдирдик».

Младший лейтенант Исҳоқ Тўйчиев ёзади: «Тоҳиржон Раҳимов комсомол билетини ола туриб Ленин комсомолнинг улуг номини оқлашга сўз берган эди. Оғир жанглардан бирида у ўз тўпи блан душманнинг 10 дан ошиқ солдат ва офицерини тупроққа қориштириб юборди. Бир неча арава, от ва тузук ҳолдаги бир енгил машинани қўлга туширди. Жангда Раҳимов ярадор бўлди, аммо берган ва'дасини охиригача бажариши учун жанг қилишини давом этдирди».

Қизил аскар Шерман Норматов хабар қилади: «Гвардия лейтенанти Кузьменко бўлинмаси бир кунда душманнинг олти контракасини қайтарди. Шу жангларда гвардия сержанти Ивановнинг тўп расчёти душман танкларини 500 метр яқинликка келтириб рўпарадан шафқатсиз ўт очди. Кун охиригача жанг майдонида гитлерчиларнинг 8 та ёнган ва 3 та ишдан чиққан танки ётар эди. Гвардия сержанти Иванов «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланди».

Старший сержант Муҳаммаджон Тўракулов куйидагиларни ёзади: «Яқинда бўлиб ўтган жанглардан бирида гитлерчилар 14 танк блан контрака қилди. Мен ўз тўпимнинг даҳшатли ўти блан душманнинг бир «йўлбарс» ва бир «қоплон»ини ўт олдирдим.

Иккинчи бир жангда старший сержант Асат Носиров ва мен ўзимнинг тўп ўтимиз блан немисларнинг уч контракасини қайтаришида ўқчиларга катта ёрдам бердик».

Жангчи Ўлмас Жўраев бизга ёзади: «Мен тўп расчётида наводчиман. Ўн икки кунлик жанглар натижасида ўз расчётим блан душманнинг икки артиллерия батареясини, бир миномёт батареясини, тўрт пулемётини ҳамда ўнлаб немис солдат ва офицерини йўқ қилдим».

Агитатор сержант Болтабой Мавлонов ёзади: *«Яқинда немислар 20 га яқин танк ҳимоясида контратакага ўтди. Мен уларни 300 – 200 метр яқинга келтириб уриш учун тайёрланиб турдим. Танклар яқин келгач, уч снаряд отиб олдинги танкни ёндирдим. Ёнаётган танк орқасидан бир «фердинанд» чиқиб кела бошлади. У бизга қараб ўт очар эди. Мен ҳам дадил туриб яккама-якка жанг қилдим. Менинг отган учинчи снарядим бу «фердинанд»ни ҳам аланга олдирди».*

Медицина хизматининг старший сержанти Икром Сиддиқов ёзади: *«Тўп расчётининг командири сержант Ёқубжон Аҳмедов қулай марра учун бўлган жангда душман траншеяларини даҳшатли ўтга тутиб немисларнинг станокли пулемёт нуқтасини расчёти блан бирга яксон қилди».*

Гвардия сержанти Ҳожи Жўраев бундай деб ёзади: *«Бўлинмамиз бир жангда немисларнинг 6 танкни ёндирди. Шунда младший сержант Нуров расчёти икки танкни, сержант Алампиёв расчёти икки танкни ва Патариз расчёти ҳам икки фашист танкни яксон этди».*

Юкоридаги хабарлар Ватан уруши фронтидаги ўзбек артиллериячиларининг ҳам немис-фашист нуқталарини, солдат ва офицерларини уриб йўқ қилишда ажойиб мардлик ва усталикнинг юкори даражаларига етишаётганлари тўғрисида гувоҳлик беради.

1944 ЙИЛ 29 ОКРЯБРЬ. №81 (269)

КОМСОМОЛ САПЁРЛАР

Қорақалпоқ халқининг содиқ фарзанди Реупназар Қаюпов 1942 йилдан бери жанг қилиб келаётир. Украина ерида бўлган чоқда Реупназар ўқчи эди. Оғир жанглارнинг бирида 5 немис солдатини ўлдирди. Сўнгра Қаюпов пулемётни ўргана бошлаб, қисқа вақт ичида яхши пулемётчи бўлиб, ўтган жангларда душман контратакасини қайтаришда ажойиб мардлик кўрсатди. У тўрт гитлерчини қириб ташлаб, қизил аскар Александр Люцик блан 4 немисни асир қилиб олди.

Мана энди уч ойдан бери Реупназар Қаюпов бизнинг сапёр бўлинмамизда хизмат қилади. Қаюпов ва унинг ҳамюрти Ойимбет Нуримбетовлар бўлинмамизга янги келганларида сапёр ишини яхши билмас эдилар. Отделения командири, комсомол а'зоси сержант Павлов ва қизил аскар Иван Истраховларнинг кўрсатган дўстона ёрдамлари бу икки ёшни ҳам тажрибали сапёрлар қаторига қўшди.

Қизил аскар Имонбек Мойтиқов

1944 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ. №85 (273)

ФРОНТИМИЗ БАҲОДИРЛАРИ

Мамасоли Тешабоев биринчи марта 1941 йил қишида Москванинг узоқ бўсағаларида жангга кирди. Мамасоли у вақтда тажрибасиз эди. Ватанимиз юраги Москва учун кеча-кундуз давом этган шиддатли жанглар Мамасолини чиниктирди. У ўзининг миномёти блан яксон қилган кўпгина немис тўплари, автомашиналари, ўт очиш нукталари ва ер тишлаган юзлаб немис солдат ва офицерларини кўриб завқланди. Мамасоли Орёл учун бўлган жангларда мардлик ва ботирлик намуналарини кўрсатиб, бутун қисмда моҳир миномётчи сифатида донг чиқарди.



Сержант Мамасоли Тешабоев ўнг қирғоқ Украинада бўлган дахшатли жангларда ҳам Ватанга оташин муҳаббат ва душманга чексиз нафрат намуналарини намоён қилди. Бу сифатлар уни Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг шонли оиласига қўшди.

Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Тешабоев ҳозир Ватанимиз чегараларидан анча йироқда – дўстона Польша тупроғида немис газандаларни аввалгидек шафқатсиз янчишни давом этдирмоқда. Ҳозир унинг жанговар ҳисобида душманнинг емирилган 20 га яқин ўт очиш нуктаси, 30 га яқин автомашина ва повозкаси, 400 дан ошиқ солдат ва офицери бор. Суратда: Совет Иттифоқининг Қаҳрамони сержант **Мамасоли Тешабоев**.

ҒАЛАБА КУНИНИ ТЕЗЛАТАМИЗ

Биз олдинги доирада – ертўлада туриб Олий бош қўмондонимиз севиқли Сталиннинг овозини эшитдик, унинг доно сўзларини тингладик. «Эндиликда Қизил Армиянинг сўнгги ва охириги вазифаси қолди, у ҳам бўлса иттифоқчиларимиз армиялари блан биргалашиб немис-фашист армиясини тор-мор келтириш ишини охиригача тугаллаш, фашист йиртқични ўз уясида янчиб ташлаш ва Берлин устида ғалаба байроғини тиклашдан иборат», – деди Ғалаба маршали.

Шавкатли Қизил Армия Ватанимизни гитлерчи босқинчилардан тозалади. Ҳозир биз бу газандаларни мамлакатимиз чегараларидан ташқарида, шу жумладан, иттифоқчимиз Чехословакия Республикаси территориясида саваламоқдамиз.

Мен ўз тўпим блан немисларнинг уч танк, бир бронетранспортёр, 5 ўт очиш нуқтасини яқсон қилдим, кўпгина солдат ва офицерни қириб ташладим. Расчётидаги жангчилар манфур душманни тезроқ узил-кесил янчиб ташлаш учун қўлларидан келган нарсани аямасликка, пиёда аскарларимизга муваффақиятли мадад беришга ҳамisha тайёрлар.

Сталин ўзининг тарихий доклади ва буйруғида немис йиртқични ўз уясида батамом янчиб ташлаш учун ғалаба программасини чизиб берди. Биз ҳозир қат'ий ҳужум бошлаш позицияларини ишғол қилганмиз, гитлерчи галаларнинг кулини кўкка совирадиган даҳшатли қурооларимиз шайланган, юракларимиз улуғ Сталиннинг ташаққурига Ватанимизнинг сўнгги салютига сазовар бўлиш истаги блан тўлган. Бу кун узоқ эмас. Бу кун совет қуроли шуҳратини ортдириб, Гитлер Германиясини емирган ғалаба байроғини ҳилпиратиб Берлин кўчаларидан шахдам қадам босиб ўтган ва иттифоқчиларимиз солдатлари блан қучоқлашиб кўришган тантанали кунимиз бўлажак.

**Старший сержант Содик Сафаров,
тўп командири, «Қизил байроқ» ва «Қизил юлдуз»
орденларининг кавалери**

ТЎПЧИЛАР

Висланинг ўнг қирғоғи Л. қишлоғи орқада қолгандан кейин катта йўлдан ўнг томонга сўқмоқ йўл кетади. У сизни тўғри биринчи батареяга олиб боради. Энг аввал даҳшатли тўпларга кўз тушади. Улар ҳар ер-ҳар ерда душман томонга қаратиб қўйилган. Топ-тоза тўплар. Катта жанговар йўл босган, кўп шиддатли жангларни кўрган азамат тўплар.

Солдатларнинг землянкалари ҳам шу ерда. Торгина, лекин ис-сиккина, озодагина землянкалар. Ишқивозлик блан жиҳозланган. Деворларига похол қопланган. Печкаси ҳам бор. Тўрда ўртоқ Сталиннинг кичкина портрети осиглик. У гўё: «Баракалла, шоввозлар! Сизлар блан тоғни талқон қилиш мумкин», – деяётгандай.

– Бизнинг маконимиз мана шу, – дейди мўйловли, сибирияли па-кана сержант Сопов, – нимаси кам? Йироқдалигимизни айтмаганда, ўз уйимиздай.

Бир землянканинг эшиги тепасига кўк қалам блан катта қилиб «Артиллерия – урушнинг худоси» деб ёзилган.

Лейтенант Совескуль бундай деб тушинтиради:

– Бизда ўзбек йигитлари кўп. Иккита ака-ука ҳам бор. Комилжон Каримов блан Маҳмуджон Аҳмадалиев. Бу газетани ўшалар чиқа-ришди. Бу икки ака-укани бутун қисм танийди. Ўзлари ҳам ака-ука-миз дейишади. Улар бир ота-онанинг болалари эмас. Яқин қарин-дош. Лекин улар ака-укадан ҳам ортиқ. Бир қишлоқда, Фарғонадаги машхур Ёрмозор қишлоғида, бир вақтда – 1925 йилда туғилган. Бирга тевалашиб катта бўлган. Бир синфда ўқиган. Бу ерда ҳам икки йилдан бери бирга. Бирга жангларда бўлган, бирга лой кечган, бирга қор устида ётган. Бир расчётда хизмат қилишади. Каримов наводчи, Аҳмадалиев унинг ўринбосари.

Биринчи марта улар Орёл ёнида бўлган катта тарихий жангларда қатнашдилар. Белгород ёнидаги бир қишлоқни озод қилиш учун қат-тиқ жанг бўлди. Тегирмон тепасида ўрнашиб олган немис пулемёт-чиси кўзнинг шапағидай халақит берарди. Ака-укалар буни кўрган

замони икки снаряд блан тегирмоннинг дабдаласини чиқардилар. Немис пулемётчиларидан ному нишон ҳам қолмади. Жангчиларга атакага кўтарилиш учун йўл очилди.

Н. шаҳри ёнида бўлган жангда уларнинг ўз тўпининг ўти блан 5 немисни ўлдирди. Н. дар'ёси бўйидаги плацдармда бу расчёт ҳисобига 7 ўлдирилган немис ёзилган. Бундан ташқари, улар душманнинг бир бронетранспортёрини ҳам уриб абжақ қилдилар.

Н. шаҳри бўсағасида қаттиқ жанг қизиб кетди. Немислар тўхтовсиз контратака қила бердилар. Тўплар рўпарадан отиш учун очиқ позицияга олиб чиқилган эди. Артиллериячилар «ўлмоқ бор, лекин чекинмоқ йўқ» дедилар. Ана шундай бир қийин пайтда наводчи Митасов қаттиқ ярадор бўлди. Унга дарҳол ёрдам бермоқ, тезлик блан ўқ ва снаряд ёмғури остидан панароқ жойга олиб чиқмоқ керак эди. Бу солдатнинг энг муқаддас бурчи. Солдатларнинг чин дўстлиги ана шундай оғир минутларда синалади. Каримов блан Аҳмадалиев бу бурчни шараф блан бажардилар. Дўстлик қонунига содиқ эканликларини исбот қилдилар. Улар шу оғир пайтда дўстларига марҳамат ва шафқат қўлларини чўздилар. Ёну верларида ёғилаётган ажал уруғини писанд қилмай ўртоқларини ўт ичидан, ўлим чангалидан қутқазиб олиб чиқдилар.

Ака-укалар жуда камгап, тортинчоқ. Уларнинг мардлиги тўғри-сида тўп командири сержант Сопов фахр блан гапиради. У батарея партия ташкилотчиси. Расчётда энг кекса киши ҳам шу. У ўз жангчиларининг командиригина эмас, меҳрибон отаси ҳам. Улар икки йилдан бери бирга.

Поплик Турдиали Бектемиров старший сержант Теплих расчётда заряджаюший. У фронтда коммунист бўлди. Қуршаб олинган душман группировкасини битириш вақтида бу расчёт душманнинг 4 пулемёт нуқтасини яксон қилди. 150 солдат ва офицерини қириб ташлади.

Бектемиров жуда вазмин одам. Шошмасдан, лекин пухта иш қиладиганлардан. «Тадбирли одамлар, – дейди у, – ҳар ишнинг қўзини билиш керак дейишар эди. Урушда ҳам шундай экан. Мана энди ҳозир жуда пишиқ бўлиб қолдик. Рус ўртоқлар кўп ёрдам беришди. Туппа-тузук мулла қилиб қўйишди. Балойи азимдан ҳам қайтмайдиган қашам-шам бўлиб қолдик. Сра унитилмайдиган яхшиликлар қилишди. Ўзимиз ҳам худди ака-укадай бўлиб кетдик».

Бектемиров рости гапни айтади. Бу урушда ўзбеклар рус халқи билан янада яқинроқ танишдилар. Дўстлик иплари сра узилмас, боқувват ва абадий бўлди. Сталинча халқлар дўстлигининг азим кучи улуғ ишларга кодир.

Аскарларимиз жиддий тараддудда. Тайёргарлик жуда катта. Ҳозир ҳаммада, шу жумладан, биринчи батарея тўпчиларида ҳам биргина катта истак бор, у ҳам бўлса Берлин устида ғалаба байроғини тиклаш. Ўртоқ Сталин солдатларнинг юрагидаги гапни топиб айтган.

Гвардия старшинаси Зиё Аминов

ВАТАНПАРВАРЛИК

Биринчи Украина фронтининг ўзбек жангчилари бундан икки ой муқаддам ўз эл-юртларига хат юборган эдилар. Улар ўз ота ва оналарига, хотин ва болаларига қизгин муҳаббат килдилар.

Шавкатли жангчилар Ўзбекистон меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини яна баланд кўтариш, фронтга кўпроқ металл, кўмир, пахта, ипак, машина ва курул-аслаҳа, ўқ-дори ҳамда озик-овқат етказиб беришга, пахта ва ғаллани ўз вақтида йиғиб олиш учун бутун кучни сафарбар қилишга чақирдилар. Ўзбек халқининг ўртоқ Сталинга берган қасамини шараф блан бажарингиз деб ёздилар улар.

Республиканинг энг йирик саноат корхоналари – металлургия заводи, Чкалов номли, Сталин номли заводлар, электр комбинати ва бошқалар ишлаб чиқариш планларини доимо ошириб бажармоқдалар.

Ўзбекистон металлургия саноатининг тўнғичи бўлган металлургия заводи улуғ байрамни ажойиб меҳнат ғалабаси блан кутиб олди. Завод октябрь ойи планини муддатидан олдин, 26 октябрда бажариб, 1 ноябргача яна кўшимча равишда 15 процент пўлат эритди.

Ўртоқ Лексашев директор бўлган завод Олий бош кўмондонликнинг махсус фондига пландан ташқари уч эшелон ёнилғи берди. Андижон, Наманган ва Самарқанд консерва заводлари пландан ортиқ жуда кўп консерва бердилар. Ўнлаб корхоналар йиллик планларини бажардилар. Тошкент «Сталинуголь» трестининг конлари пландан ташқари неча юз тонналаб кўмир бердилар.

– Сменада нормани 150 процент бажариш чегара эмас, – деди Урганч пахта заводининг жинчиси Шукур Ёкубов ўз бригадасида ўтказилган йиғилишда ва шундан сўнг бригада сменада 30 тоннадан ортиқ тола топшира бошлади. Байрам арафасида «Андижон» нефть промисласининг янги икки нефть кувури ишга солинди. Ёш мастер Ортиқ Ҳалимовнинг бригадаси пармалашни бошлаб юборди. Ўзбекистонда Ватан уруши йилларида қурилган бешинчи электр станция бўлмиш Қуйи Бўзеув станцияси иш бошлашга тайёрланмоқда. Фарҳод ГЭС қуручилари ишнинг янги мавсумини бошлайди. Чирчиқ шаҳри корхоналарида ишлаб чиқаришда 1200 э’тирочилик таклифлари амалга оширилгани туфайли тўрт миллион сўмдан ошиғроқ маблағ тежалди.

Ўзбекистон саноатининг ходимлари совет Ўзбекистонининг 20 йиллигини Ватан олдидаги бурчларини бажариш туйғулари блан кутиб олмақдалар ва Қизил Армияга фашист йиртқични ўз уясида тезроқ янчиб ташлашда ёрдамлашиш учун янги, каттароқ мажбуриятлар олиб, янада фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Юзлаб колхозлар пахта териш ва давлатга топшириш планларини бажардилар. Минглаб бригада ва звенолар йиллик топшириқни 200 – 300 процент бажардилар. Бухоро область Свердлов район Чорвоқир қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг пахта устаси Раҳима Ғуломова, Избоскан районидаги «Зарбдор» колхозининг пахта устаси Қурбон ота Нурматов ва унинг қизи Ўғилхон, Наманган район Сталин номли колхознинг машхур теримчиси Тожиҳон Асқарова ва шу каби гектаридан 75 центнердан 90 центнергача пахта ҳосили олган усталарни бутун республика тонийди.

Колхозчи ватанпарварлар жонажон Қизил Армияга ёрдам беришга интилиб Қизил Армия фондига пландан ортиқча неча юз тонналаб ғалла топширдилар. Республикада Қизил Армия фондига қўшимча равишда ғалла топшириш учун оммавий ҳаракат ривожланиб кетди. Учқўрғон районидаги Сталин номли колхоз бу фондига 35 минг килограмга яқин, Олтинқўл районидаги «Юқори ҳосил учун» колхозии 80 пуд дон топширдилар ва Наманган районидаги 12 колхоз тайёрлов пунктига 160 тонна ғалла олиб келди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Узил-кесил ғалаба куни яқин. Бу кунга тезроқ муяссар бўлиш учун, тўла ғалаба кунини жонажон жангчилар блан бирга байрам қилиш учун Ленин орденли куюшли Ўзбекистоннинг меҳнаткашлари сра кучларини аямай ишламоқдалар.

И.Сиркина

ФРОНТГА ЁРДАМ

Пахта учун кураш умумхалқ юришига қўшилиб, мен ўрток Сталинга пахтани бошқалардан кўра яхшироқ ўстиришга, ҳаммадан кўпроқ ҳосил йиғиб олишга қасамёд қилган эдим. Мен шу блан фронтга ёрдам бермоқчи бўлдим.

Меҳнат бекор кетмади. Ҳосил яхши бўлди. Менинг звеном учун колхоз правленияси кунлик пахта терим нормасини ҳар кишига қирк беш килограмдан белгилади. Мен ўз олдимга кўпроқ пахта териш вазифасини қўйдим. Сентябрьнинг биринчи кунларида кунига уч юз килограмдан пахта тера бошладим. Менинг иш усулим мураккаб эмас. Уни ҳозир Бухоро областидаги кўпгина бошқа колхозчи теримчилар муваффақият блан амалга ошироқда.

Ҳозир звеном ҳар бир гектардан етмиш беш центнердан ортик пахта йиғиб-териб олди. Пахта йиғим-терими яна қизғин давом этмоқда. Яқинда фронтга ҳар гектардан энг камида юз центнердан пахта териб олганим тўғрисида рапорт бераман.

**Раҳима Ғуломова, Бухоро область
Свердлов район Ленин номли
колхознинг звено бошлиғи**

1944 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ. №86 (276)

УСМОНОВНИНГ ЗИЙРАКЛИГИ

Ноябрнинг тинч кечаларидан бири. Атроф жимжит, фақатгина шамол дарахт барглларини қимирлатиб, ундаги ёмғир томчиларини туширар эди. Шу коронғи ва ёмғирли тунда сержант Усмонов Висла бўйида қўриқчилик хизматида турарди.



Совет Иттифоқи
Қаҳрамони Қосим
Аҳмеров.

Е.Белик сурати.

Ярим кечада сержант Усмонов қандайдир бегона товуш эшитди. Гвардиячи диққат блан кузата бошлади. Усмоновнинг қоронғига ўрганиб қолган кўзлари қирғоққа яқинлашмоқда бўлган қайикни кўрди. Қайикда икки киши ўтирар эди. Қирғоққа етиб келгач улар қайикни сувга ботириб қирғоққа чиқдилар ва бизнинг қисмларимиз турган жойга қараб йўл олдилар.

– Тўхта, ким келаётир? – деб шиддат блан қичқирди Усмонов.

– Ўзимизникилар, – деб жавоб берди нота-ниш кишилар.

– Қўлларингни кўтар! Жойингдан силжима!

– деб ҳукмронона команда берди Усмонов. Сержант уставининг талабларини яхши билар ва уларни аниқ бажарарди. Шу орада ҳодиса рўй берган жойга қизил аскар Заровчарский ҳам етиб келди. Икки дўст номаълум кишиларни ушладилар. Уларнинг бири ППСШ ва иккинчиси рус карабини блан қуролланган ва ҳар иккаласи қизил аскар формасини кийиб олган эди.

Кейин аниқланишича, тутиб олинганлар немис жосуслари экан. Гвардия сержанти Усмоновнинг зийраклиги немис газандаларнинг кабиҳ ниятларини пучга чиқарди.

ГАЗАНДАЛАРНИ АЁВСИЗ ҚИРАМИЗ

Мен ПТР отделениясининг командириман. Мен кўп даҳшатли жангларда иштирок этдим. Ёзги катта ҳужум жангларининг бирида катта бир аҳоли пункти учун каттиқ жанг бўлди. Душман кутириб кўп танкни жангга солди. Мен отделениям блан мардона жанг қилдим. ПТРимизнинг ўти блан 2 немис танкини ёндириб юбордим.

У. районида душман қўшинларининг бир группаси ўрмонда қуршаб олинган эди. Биз уларни қириб ташлаш учун жанг қилдик. Бу жангда бир немис танкини ўт олдирдим.

Ҳозирги кунда Висла дарёси ёнида, Гитлер Германиясига узил-кесил ҳужум бошлаш позициясида турибмиз. Бўш вақтларда ўз


ҳарбий билимимизни юқори кўтариш учун ҳаракат қилаётимиз. Келгуси ҳал қилучи жангларда улуғ Сталин буйруғини шараф блан бажаришга тайёрланаётимиз.

Сержант Ортик Пирматов

ФИДОКОРЛИК

Жанг кизиб турган пайтда бўлинмалар ўртасида телефон алоқаси узилиб қолди. Радиостанция бошлиғи старший сержант Денисенко тезлик блан алоқа боғлади ва командирнинг буйруғи блан артиллерия ва миномётлардан ўт очишни радио орқали батареяга хабар қилди.

Душманнинг биринчи контратакаси қайтарилди. Аммо душман янги куч келтириб қаршилиқ кўрсата берди. Оғир жанглар уч кун давом этди. Шу уч кун давомида старший сержант Денисенко дам



Гвардия сержанти ўзбек Отажон Машарипов урушгача Хева районидаги «Инқилоб» колхозининг аъзоси эди. Туркман Ш. Донагаров ҳам оддий колхозчи эди. Улар даҳшатли «Максим»-ни пухта ўрганиб жанг майдонида гитлерчи одамхўрларни шафқатсиз қирмоқдалар.

Л.Даринский фотоси

олмай бир ўзи ишлади. Снаряд, мина ва бомбаларнинг ёрилиши натижасида унинг станцияси уч марта қум ва тупроқ тагида қолиб кетди. Аммо радиостанция ишлашни давом этдирди.

Артиллериячилар аниқ маълумотлар олиб туриб кўп душман пиёда аскарларини қириб ташладилар.

Ефрейтор Т.Абдуллаев

ДУШМАН МАҒЛУБИЯТИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

Душман тор бир участкада кўп танк ва пиёда аскар тўплаб, қўшинларимизни Висланинг ўнг қирғоғига улоқтириб ташламоқчи бўлди. Разведкачиларимиз берган маълумотга кўра, душман колоннаси аҳоли пункти томонига келаётгани аниқланди.

Қоронғи тушиши блан гвардия старший лейтенанти Мишуковнинг батареяси янги позиция танлаб, яхши окоплар тайёрлади, пухта ниқобланди.

Эрталаб соат 10 да разведкачилар шартли сигналлар блан душман танк атакиси бошлаганини хабар қилдилар. Гитлерчилар аҳоли пунктини артиллериядан ўтга тутди. Сўнг 15 дан ортиқ немис танки аҳоли пунктига яқинлаша бошлади. «Йўлбарс»лардан бири тўғри батареямизнинг жанг тартибига қараб келар эди.

Снарядларнинг ёрилиши ва тўпларнинг отиши натижасида қуюқ тутин пайдо бўлди. Немис танклари яхши кўринмас эди. Шунинг учун танкларни яқинроқ йўлатиш керак эди.

Гвардиячилар чидам ва қахрамонлик блан қулай пайтни кутдилар. Немис танклари 100 метр ораликқа келганда биринчи тўп командири гвардия старший сержанти Савинцовнинг жаранглаган овози эшитилди:

– Ўнг томонда келаётган немис танкига қараб подкалибрил снаряд блан ўт очилсин!

Тўп наводчиси гвардия младший сержанти Эсанов тез ва эпчил ҳаракат қилиб тўпни мўлжалга тўғрилади ва ричагни тортиб юборди. Батареяга бостириб келаётган «йўлбарс» ўрнидан кўзғолмай тўхтади ва қуюқ тутин ичида қолди.

Бошқа танклар илгари силжишни давом этдирдилар. Тўпчиларимиз шошмай немис машиналари ён томонларини ўгиришини кутиб турар эдилар. Танклар кишлокқа яқинлашиши блан кучли ўт очдик. Биринчи снаряд блан олдинги танк, иккинчиси блан яна бир танк аланга олдирилди. Биринчи ва иккинчи тўпларнинг ўти блан охирги икки танк ёндирилди.

Шу жангда учинчи тўп наводчиси, гвардия сержанти Алдуненков ўзининг қақшатғич ўти блан бирин-кетин душманнинг 3 «йўлбарси»ни, 1 «фердинанди»ни ва 1 ўрта танкини ёндирди ва шикастлантирди.

Ёнаётган танклардан қочиб чиққан гитлерчи танкчиларни разведкачилар ва бошқа расчётдаги жангчилар автоматларининг бехато ўти блан тўкдилар. Қолган-қутган танклар тепалик орқасига қочиб кутилдилар.

Аmmo бир гала немис автоматчилари ён томонларимизга ўтиб олиб атака қилдилар. Станокли пулемёт ўрнатиб ўт очишга тўғри келди. Бу жангда гвардия сержанти Кормлюхин ажойиб мардлик ва ботирлик кўрсатди. У «максим»нинг кучли ўти блан бизга томон келаётган гитлерчиларнинг кўпчилигини кириб ташлади.

Батарейамиз жангчилари ўзларининг мана шундай мардликлари блан дадил душман ҳалокатини тезлатмоқдалар.

Гвардия младший лейтенанти Насим Маматов

1944 ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ. №97 (285)

ПТРДАН ЯХШИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Қуролдош дўстим Ҳамроқулов! Мен фронтимиздаги ўзбек аскарларнинг ўзбек халқига ёзган жавоб мактубларида сизнинг ПТРчиларингиз немис танкларини яксон этишда кўп ишлар қилганлиги тўғрисидаги эпизодни завқ блан ўқиган эдим. Чунки мен ҳам ПТР взводининг командири бўлганим учун бу даҳшатли қуролдан яхши фойдаланиш масаласи мени анча қизиқтиради. Шунга кўра мен «Ваган шарафи учун» газетаси орқали сизга ушбу очик хатни ёзиб ўз тажрибаларимизни ўртоқлашишни лозим кўрдим. Мен

Ватан урушининг бошидан буён ПТРчиман. Дастлаб, оддий аскарлик пайтимда расчётда иккинчи номер эдим. Бу қуролни биринчи кўришдаёқ унга ишқивоз бўлиб қолдим. Биз қаттиқ жанглардан бирида 200 метр масофага келиб қолган немис танкини шу милтиқ блан ўт олдиргач бу қуролга бўлган меҳрим яна ортди. Мана ҳозир эса ПТР взводининг командириман.

Мен баъзан ПТРнинг кучига тўғри баҳо бермай нолиб юрадиган кишиларни ҳам учратаман. Маълумки, улар бу даҳшатли қуролдан ўзилари яхши фойдаланишни билмаганлари туфайли шундай вайсаб юрадилар. Бундай жангчилар менинг взводимда ҳам илгари бор эди. Баъзи жангларда юз берган аччиқ сабоқлар бундай ношудларнинг ўйи нотўғри эканлигини яққол кўрсатди. Шунинг учун биз кейинги вақтларда янги маррада окопланиш, ўт очиш позициясини жиҳозлаш ва ниқоблаш масаласига, айниқса, кўп эътибор қила бошладик. Ҳозир биз немисларни бирон маррадан қувиб чиқардикми, дарҳол ўша маррага бориб етиш блан (агар бир оз тўхташ зарурияти туғилса) окопланишга киришамиз. Чунки гитлерчиларнинг контратакага ўтиб қолишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Ўртоқ гвардия лейтенанти! Биз ҳозир Гитлер Германиясини батамом емириш учун ҳал қилучи сўнги жангларга шайланаётган бир шаройитда мени ПТРдан душман ўт очиш уяларини емириш, жонли кучини қириш ва ҳаво қарақчисига қарши курашда фойдаланиш масалалари жуда қизиқтиради.

Бинобарин, шу масалаларда ўз тажрибангизни «Ватан шарафи учун» газетаси воситаси блан ўртоқлашишингизни сўрайман.

Сизга жанговар салом блан Ватан уруши, Богдан Хмельницкий ва Қизил Юлдуз орденининг кавалери гвардия лейтенанти **Маҳмуд Ражабов.**

Редакциядан: Гвардия лейтенанти ўртоқ Ражабовнинг ўз тажрибасини ўртоқлашиш юзасидан ёзган очиқ хати гвардия лейтенанти ўртоқ Ҳамроқуловга қаратилган бўлса-да, биз ҳамма ўқучиларимиздан (ПТРчилар, тўпчилар, пулемётчилар, сапёрлар, минёрлар, разведкачилар ва бошқалардан) ҳам ўз тажрибаларини ёзиб юборишларини сўраймиз.

ҚОН БЛАН ҚЎШИЛГАН ДЎСТЛИК

Қизил Армия – халқлар армияси. Кўп миллатли шавкатли Қизил Армия аскарларининг нақадар фидокорлик блан, она Ватанга чексиз муҳаббат блан немис босқинчиларига қарши курашаётганлигини кўрсатадиган мислсиз қаҳрамонлик ва мардлик намуналари беҳисобдир. Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари блан мукофотланганлар ичида мамлакатимизнинг 172 халқ ва миллатининг фарзандлари борлиги энг катта далиллардан биридир.

Халқлар дўстлиги Совет давлатининг суянган тоғи. Бу улуг ватан уруши фронтларида, манфур душманга қарши қизиб кетган оғир жангларда исбот этилди, ҳамма синовлардан ўтди, қон блан мустаҳкамланди. Ўзбеклар ва тожиклар, қозоқлар ва татарлар, туркманлар ва бошқирдлар Совет Иттифоқининг бошқа халқлари фарзандлари блан бирликда рус ва украин биродарларнинг қаватида туриб душманга қарши мардона жанг қилиб келмоқдалар. Бу жанговар дўстлик аскарларимизни Волга бўйларидан Вислагача, Карпат тоғларигача олиб келди. Бу дўстлик халоскор Қизил Армияга ўзининг тарихий ва олижаноб вазифасини то охиригача шараф блан бажаришга ёрдам беради.

Кўп миллатли аскарларнинг қаҳрамонлиги ва фидокорлиги туфайли Н-чи қисм ҳукуматнинг уч марта олий мукофотини олишга сазовор бўлди. Бу қисм ўз қаҳрамонлари блан ҳақли равишда фахрланади. Қозоқ аскарлари Сеитов ва Калиев, қирғиз Алимбеков, туркман Жўраев, озарбойжон Гусейнов, татар Исҳоқов, бошқирд Ҳақимов ва Султонов ва бошқалар қисмдаги баҳодирлар қаторидан фахрли ўрин олганлар.

Бу шонли ватанпарварлар жуда кўп жангларда ҳарбий усталик ва мардликнинг ажойиб намуналарини кўрсатдилар. Жанг пайтида душманнинг на «йўлбарс» ва «қоплон»лари, на тўп ва пулемёт ўти буларнинг шаштини тўхтатолмайди. Фақат олға босиш ва душман устига шердек ҳамла қилиб уни шафқатсиз янчиш буларнинг темир қонуни бўлиб қолди.

Яқинда Карпат тоғларида бўлган қаттиқ жанглардан бирида Туркменистон ССР Олий Советининг депутати, гвардия капитани Жўраев ўз бўлинмаси блан душман мустаҳкамланиб олган бир

қишлоққа бостириб кирди. Немислар бу қишлоқни қўлдан бермаслик учун ўз позицияларига канадай ёпишиб олган эдилар. Брок улар офицер Жўраев гвардиячиларининг шиддатли зарбасига бардош беролмадилар. Кўп гитлерчилар кириб ташланди. Жуда камгинаси жонини қутқазолди, холос. Гвардиячилар қишлоқни душмандан тозаладилар.

Гвардия капитани Гусейнов ўз бўлинмаси блан қийин тоғ ўрмонлик жойлар шаройида жанглар қилиб дўстона Чехословакия чегарасига биринчи бўлиб чикди. Унинг гвардиячилари кўп муҳим тепаликларни эгаллаб, бу тепаликларни қайтариб олиш учун кутириб уриниб кўрган гитлерчилардан қанчаю қанчасини раҳмсизларча кириб ташладилар.

Гвардия старшинаси Исоқов ўзининг жасур разведкачилари блан неча марталаб душманнинг орқа томонига бориб, ҳар гал жуда қимматли маълумотлар тўплаб кўп «тил»лар тутиб келди.

Ўзбек халқининг мард ўғли, гвардия старший лейтенанти Ҳайдаровнинг шуҳрати бутун қисмга таралган. Унинг бўлинмаси душманнинг жуда катта кучлари блан жангга киришди. Унинг қаршисида немис «йўлбарс»лари ва «фердинанд»лари турарди. Қаттиқ жангда шонли офицер ҳар икки оёғидан ҳам оғир яраланди, лекин жанг майдонидан чиқмади, балки жангга раҳбарлик қилишни давом этдираверди. Кўп қон оқиши натижасида ҳолдан кетаёзганда ҳам жасур Ҳайдаровда жангчиларни қаттиқ тутиб туриб уруш қилишга чақириш учун етарлик ирода топилди. Ҳайдаров ротасига қарши бир тўда гитлерчилар жангга кирди. 6 соат давом қилган даҳшатли жангда шерюрак гвардиячилар, командирларнинг иродасини бажариб қаттиқ олишдилар, кўп гитлерчи кириб ташланди ва асир қилиб олинди.

Шонли танкчи гвардия младший лейтенанти Султонов якка ўзи душманнинг 4 танкига қарши жанг қилди. У икки немис танкини ҳам ўт олдирди. Султонов яраланди. Немислар уни тириклай асир қилиб олмоқчи бўлдилар. Энг хатарли минутда у ўз ўртоқларига қараб бундай деди:

– Гвардиячилар, ўлганда ҳам шараф блан ўлмоқ керак. Асир бўлишдан ёмон шармандачилик йўқ. Уринглар лаънати немисларни! Қуёшли Ўзбекистонга мендан салом денглар!

Султонов шу сўзларни айтдию ўзининг ёнаётган танки блан яна душманлар устига ҳамла қилди...

Бу ҳал қилучи жангларда ҳам қисмимизнинг кўп миллатли аскарлари совет ватанпарварларига хос қахрамонликнинг янги-янги намуналарини кўрсатадилар.

Гвардия майори М.Зуфаров

БАҲОДИРЛАР РАСЧЁТИ

Мен тўп командириман. Расчётим турли миллат жангчиларининг жанговар оиласидан иборат. Улар машғулотларда яхши қатнашадилар, бирга тайёрланадилар. Жангчиларимнинг ҳар бири наводчи ва зифасини бажара олади. Мен дўстларим блан кўп жангларда қатнашиб яхши натижаларга эришдим.

Яқинда бўлиб ўтган жангларнинг бирида немислар тўрт марта контратака қилди. Бўлинмамиз аскарлари мардона жанг қилдилар. Немисларнинг 3 танки ва 2 транспортёрини яксон қилдик ва 150 дан



Суратда: ўтирганлар (ўнгдан чапга): лейтенант Ўрмон Музаффаров, майор Попов, гвардия майори Романцов, лейтенант Турсун Аҳмедов. Турганлар – лейтенат Тўлаган Зуфаров, лейтенант Тура Тўхтаев ва лейтенат Соат Иброҳимов.

О.Игнатович сурати

ошиқ солдат ва офицерини кириб ташладик. Душман ҳеч қандай натижага эришолмай шармандаларча орқасига қочди.

Иккинчи бир жангда душманнинг янги келтирилган пиёда аскарлар қисмига қарши уришдик. Бу жангда расчётимдаги жангчилар жасурлик намунасини кўрсатдилар. Ҳар бир тўп ёнида фақат 3 кишидан қолди, қолганлари эса ўз қуроллари блан немис автоматчиларини киришга киришдилар. Пулемётчи Ҳамроқул Саидов, автоматчи Сафарбеков ва Норбековлар кўп немис солдат ҳамда офицерини кириб ташладилар. Наводчи гвардия младший сержанти Королёв ўз ўти блан душманнинг 2 машинаси ва бир енгил танкини ҳамда бир неча ўнлаб фашистни йўқ қилди.

Шу жангда гвардия лейтенанти Абросимов взводи бир неча юз асир олди. Бизнинг бўлинмамиз олган ўлжалари ичида 3 оғир тўп, 2 автомашина, 13 қўл пулемёти ҳамда 50 от бор. Расчётимнинг ҳар бир жангчиси ҳукумат мукофоти олишга сазовор бўлди.

Гвардия старший сержанти Соҳибжон Ғойибназаров

1945 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ. №1 (286)

Гвардия старший сержанти Қўшоқ Бадаловнинг Андижон область Избоскан районидаги Тельман номли колхозда яшовчи онаси Хажалбиби ва хотини Ширмонхонга ёзган янги йил МАКТУБИ

Ҳурматли она ва севгилим Ширмоним! Сизларни янги йил билан қутлайман ҳамда сизларга янги бахт-саодат ва туганмас соғлиқ тилайман.

Мана, мен янги йилни олтинчи марта сизлардан йироқда қарши олаётирман. Шундан тўрттаси улуғ ватан уруши фронтида, немис босмачиларга қарши қонли кураш майдонидадир.

Мен серкуёш Ўзбекистондан, туғилиб ўсган қишлоғимдан, бадавлат колхозимдан кетганимга роса беш йил тўлди.

Ширмоной! Ўша унитилмас кунларни хотирлайсизми? 1939 йил декабрь ойи охирлари эди. Биз колхознинг ҳамма ишларини саромжону саришта қилиб, янги йилни кутиб олишга тайёрланаётган

эдик. Колхозчилар ўзларининг меҳнат соҳасидаги ютуқлари билан мен ҳам ўз меҳнатим унимидан жуда қуванардим. Иккимиз эса умид билан бир ястикқа бош қўйган эдик. Кейин мен Ватан олдидаги бурчимни адо этиш учун Қизил Армия сафига чакирилдим...

Мана, орадан беш киш ва ёз ўтди. Аммо мен ҳали сизларнинг ёнларингизга қайтганим йўқ. Чунки мен ҳали Ватан олдидаги муқаддас бурчимни охиригача тўла бажарганим йўқ, фашист газанда ҳали батамом янчиб ташлангани йўқ, мен ҳали йиртқичнинг уясига – Берлинга етганим йўқ.

Кимматли онажон ва Ширмонхон! Мен урушнинг бошидан бери майдонда бўлишимга қарамай, ҳозиргача сизларга она Ватан олдидаги бурчимни, сизларнинг наказларингизни қандай бажараётганлигим, лаънати немисларни қандай ураётганим тўғрисида ҳеч нарса ёзмаган эдим.

Мана энди, Ватанимиз манфур босқинчилардан озод қилинган тантанали кунларда, давлатимиз чегараларидан анча берида туриб ўзимнинг жанговар ҳаётимдан сизларга ҳикоя қилиб берадигон воқиялар озмунча эмас.

Мен уруш бошида разведкачи-мотоциклетчи эдим. Қизил Армия душманга катта талофатлар ўтқазиб, мамлакатимизнинг ичкарасига томон чекинаётган вақтлар эди. Аммо биз ғалаба қилишимизга қаттиқ ишонар эдик. Мен ўша оғир кунларда Ленин-Сталин партияси сафига кирдим. Москва бўсоғасида душман бомбасидан бўлган ярам тузалгач, танкчи бўлиб етишдим. Бу вақтда душман Воронеж остоналарига бориб қолган эди. Биз кўкрагимизни қалқон қилиб душман йўлини тўсдик. Мен шу қадимги рус шаҳри бўсоғаларида неча ўнлаб гитлерчиларни лаҳатга тикдим ва биринчи фашист танкини яқсон қилдим. Ватан мени «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Биз ҳужум бошладик. Немислар зарбаларимизга бардош беролмай чекиндилар. Менинг танким Курск дўғасида душманнинг ўзиюрар тўпини дабдала қилди, бир неча миномёт ва пулемёт нуқтасини емирди, жуда кўп фашистларни тупрокка қориштирди. Шунда мен иккинчи мукофот – иккинчи даражали «Ватан уруши» ордени олдим.

Гитлерчиларни кеча-кундуз демай ғарбга томон қувдик. Мен ўз танкимда машҳур украин дарёси Днепрдан кечиб ўтдим ва қудратли

машинам билан 1944 йил ёзида тарихий ғалаба йўлини босиб ўтдим. Дахшатли танкимда қардош поляк халқига ёрдам қўлини чўзиб, Сан ва Висла дарёларидан кечиб ўтдим ҳамда тўртинчи марта «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотландим.

Мана шундай қилиб, биз ўртоқ Сталин айтганидек, ҳозир Германиянинг ҳаёт марказларига қатъий штурм бошлаш учун ҳужум марраларида шайланиб турибмиз. Узил-кесил ғалаба йили – 1945 йилни ҳам шу ерда, жонажон Ватанимиз тупроғидан анча узоқда кутиб олдик.

Биз ҳозир халқимиз интизорлик билан кутаётган тантана кунига – ғалабага эришиш учун фақат:

– Олга, шоввозлар! – деган буйруқни кутиб турибмиз. Сизларни ишонтириб айтаманки, мен шу муқаддас жангда душманни аввалларгидан ҳам шафқатсизроқ янчаман.

Яшасин янги, ғалаба йилимиз – 1945 йил!

Бахтимизга асрлар бўйи умр кўрсин отамиз, устозимиз, саркардамиз улуғ Сталин!

Сизларга гвардиячилик саломи билан: ҚЎШОҚ.

РАЗВЕДКАЧИ РАҲМАТ ХОЛИҚОВ

Разведкачи Раҳмат Холиқовнинг бу биринчи мукофоти эди. У бўлиб ўтган жанглarda жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатгани учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. Бўлинма командири Раҳматжоннинг кўкрагига ордени тақаётганда у жанговар дўстларига қараб бундай деди:

– Бу тақдирлаш мени бениҳоя қувонтирди. Мукофотни ва қўмондонликнинг менга кўрсатган ишончини оқлаш учун, фашист аблаҳларнинг тухумини куриштиш учун бундан кейин янада қаттиқроқ жанг қилишга ваъда бераман.

Холиқов ўз ваъдасининг устидан чиқди. Кейинги жанглarda унинг мардлик довуғи янада кенгроқ тарқалди.

Қисмда Холиқовни «артиллериянинг кўзи» деб атайдилар. У душман ўрнашиб олган жойларни ва унинг ўт очиш нуқталарини тўпчиларимизга кўп марта лаб кўрсатиб берди.

Жанглардан бирида Холиқов олдинги доирада душманнинг ўт очиш нукталарини қаерга жойлашганлигини билиш учун пойлаб ётар эди. Бир тепаликдан душман бизнинг позицияларимизга қараб пулемётдан ўт очаётганини Холиқов кўриб қолди ва тепаликда душманнинг бир артиллерия батареяси борлигини аниқлади. Натижада артиллериямиз ўти билан душманнинг бу батареяси емириб ташланди. Холиқовнинг бу зийраклиги ҳужум қилаётган бўлинмамизга тепаликни душмандан тортиб олиш учун имконият берди.

Холиқов, ҳар сафаргидек, бу жангда ҳужум қилувчи бўлинманинг жанг сафида борди ва автоматидан ўт очиб 23 немис солдат ва офицерини ўлдирди.

Баҳодир разведкачи ефрейтор Раҳмат Холиқов бу кўрсатган қаҳрамонлиги ва ботирлиги учун III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотланди.

Лейтенант Т.Тўхтаев

КАРИМОВ ИККИ ОРДЕН КАВАЛЕРИ

Ўзбек халқининг асл фарзанди сержант Каримов жангларда маҳорат кўрсатиб бўлинмадаги жангчилар ўртасида катта обрў қозонди. У немис-фашист газандаларини қиришда Ватан олдида, совет халқи олдида ичган қасамига содиқ бўлиб, ўзбек халқининг нақазига амал қилади.

Немислар қўлдан бериб қўйган муҳим позицияларини қайтариб олиш ниятида олти марта контратака қилди. Аммо ҳар сафар совет аскарлари қаттиқ зарба бериб уларни орқаларига чекинишга мажбур қилди. Аскарларимиз ўз позицияларини душман йўлолмайдиган кўрғонга айлантирдилар.

Шу жангнинг қизиқ кетган бир вақтида пулемётчи сафдан чиқиб, пулемёт отишдан тўхтади. Буни кўрган Каримов пулемёт ёнига югириб борди. Пулемётчининг ярасини боғлаб, гитлерчилар устига ўт ёғдира бошлади ва 60 дан ошиғ фризни қириб ташлади.

Каримовнинг кўрсатган бу мардлиги ва маҳорати қўмондонлик томонидан юксак даражада баҳоланди. У «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланди.

Сув маррасини эгаллаш ва ундан кечиб ўтишда Каримов яна қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. У сувдан биринчи бўлиб кечиб ўтди ва контрака қилиб келаётган немисларни автоматининг ўти билан шафқатсиз кирди. Ёлғиз ўзи 10 немисни ўлдирди. Бу сафар Каримов III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотланди.

Ўзининг 1944 йилги жанговар ҳаракатларини мана шундай нишонлаган кўш орденли сержант Каримов ҳозир ўртоқ Сталиннинг доклад ва буйруғини изчиллик билан пухта ўрганмоқда.

– Янги – ғалаба йилида, – дейди сержант Каримов, – гитлерчи аблаҳларга қарши янада шафқатсизроқ жанг қилиб улуғ ғалабага ўз хиссамни шараф билан қўшаман.

Капитан К.Суғурбеков

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ИСМАТ ШАРИПОВ

Яқинда катта бир аҳоли пункти учун қизгин жанг бўлди. Немислар аҳоли пунктни қўлдан бермаслик учун роса тиришдилар. Душманнинг қишлоқ четига ўрнатган иккита станокли пулемёти жангчиларимизнинг йўлини тўсиб қўйди. Бўлинма жангчилари кўкракларини ерга бериб окоплана бошладилар. Уларнинг атрофида душман ўқлари визиллади, олдиларида ёмғирдай ёғдирилган ўқлардан чанг кўтарилди, бош кўтариш сира мумкин бўлмади. Худди мана шундай қийин вазиятда оддий аскар Исмаил Шариповнинг фронтга келаётганида ота-онаси ва ҳамқишлоқ колхозчиларининг айтган муқаддас сўзлари эсига тушди ва бу фикр унинг мийясида исён кўтарди. Ота-онам ва ҳамқишлоқларимнинг орзусини амалга оширадиган пайт келди деди у ўзига ўзи ва дарҳол олдинга қараб эмаклар бошлади. Душман пулемёт нуқтасига яқин жойда снаряд портлашидан пайдо бўлган чуқур бор эди. Шарипов шу чуқурга етиб бориб гранаталар ирғитишга шайланди. Бу вақтда немис пулемётлари ҳамон тўхтовсиз отаётган эди. Шарипов мўлжаллаб туриб қўлидаги гранатани улоқтирди. Учинчи гранатани ирғитганидан кейин ҳар иккала пулемётнинг ҳам овози ўчди. Шундан кейин ботир жангчи немисларнинг траншеясига бостириб кирди ва автомат ўти

билан олти немисни жаҳаннамга киритди. Исмат Шариповнинг қаҳрамонлигидан илҳомланган бўлинма жангчилари шиддат билан гитлерчиларга ташланиб траншеяларга ёриб кирдилар ва душманни тор-мор қилдилар. Қолган-қутган немислар ярадор солдатлари ва қуролларини ташлаб қоча бошладилар. Шундан кейин аҳоли пункти кўчаларида жанг қизиб кетди. Бунда ҳам Исмат Шарипов граната билан немисларнинг яроғ-аслаҳа ортган уч автомашинасини портлатди ва 15 немисни гўрга тикди.

Совет Тожикистонида вояга етган оддий Исмат Шарипов ўз халқининг наказини азиз жонини ҳам аямай шу хилда бажарди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Лейтенант Ўрмон Музаффаров

Исмаи Шарипов 1915 йил Кўлоб вилояти ҳозирги Данғара тумани Этарка қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, миллати тожик, маълумоти бошланғич, колхозда ишлаган. Ҳаракатдаги армияда 1944 йил февралдан хизмат қила бошлаган. 2-Украина fronti 52-армия 249-ўқчи дивизияси 861-сонли ўқчи полкида қизиласкар ўқчи, 1944 йил 9 мартда Черкасск области Уманский райони Дмитрушки қишлоғида душманнинг иккитапулемётига зарба



бериб гранаталар билан душманнинг режасини йўқ қилиб қизил армия кўшинларини силжишини таъминлаган. Ўша куни Уман шаҳридаги кўча жанглирида душманнинг ўқ-дориси бўлган 3 та автомобили ва ўнлаб гитлерчиларни йўқ қилган. 1945 йил 4 мартда Латвиянинг Добеле шаҳрида ҳалок бўлган, шу шаҳардаги қардошлик ҳарбий қабристонига дафн этилган. 1944 йил 13 сентябрда Ленин ордени ҳамда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган¹⁰.

¹⁰ https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A8%D0%B0%D1%80%D0%B8%D0%BF%D0%BE%D0%B2_%D0%98%D1%81%D0%BC%D0%B0%D1%82

ҒАЛАБА УЧУН БУТУН КУЧИМНИ БЕРАМАН

Немис-фашист босқинчиларга қарши Ватан уруши фронтида 1942 йилдан буён жанг қилиб келмоқдаман. Курск дўғасида, Харьков ва Киев шаҳарлари учун бўлган жангларда қатнашдим, Днепр, Серет, Сан ва Висла дарёларидан кечиб ўтдим. Жангларда зўрқил тажриба ордирдим, тўп расчётининг наводчилик вазифасини мукамал эгаллаб олдим. Уриш майдонида партия каторига кирдим.

Улуғ саркардамиз ўртоқ Сталин Қизил Армия аскарлари олдиға фашистлар Германиясини қақшатиш ва Берлин устида ғалаба байроғини тиклаш вазифасини кўйди. Мен ҳам шу олижаноб тажрибамни ва, агар талаб қилинса, ҳаётимни бераман.

Сержант Ў.Жўраев

ҚОЙИЛ ҚОЛАРЛИК ҚАҲРАМОНЛИК

Иккинчи қисм душман истехкомларининг кулини кўкка совурди ва бошқа қисмлардан анча илгарилаб кетди. Капитан Филатовнинг танк қиручи тўпчилари ҳам шу қисмнинг жанг тартибида эди. Пиёда аскарлар ҳам, тўпчилар ҳам маълум марраға етгач бошқа қисмлар етиб келсин учун дарҳол мустаҳкамланиб ола бошладилар. Шу муҳим участкада немисларнинг кўпгина танк кучлари борлиги сезилгани учун танк қиручилар ўз тўпларини рўпарадан отишга шайладилар.

Гитлерчилар ўз мудофаа районларининг анча ичкарасига ёриб кирган совет аскарларини бир зарба билан йўқ қилиб юбориш учун танкларини жангга солдилар. Позицияларимизни анчагача артиллерия ва миномёт батареяларини ўтга тутгандан кейин икки группадан иборат 24 немис танки контратака бошлади.

Биздан 200 – 300 метр олдинда пиёда аскарларнинг қалбаки траншеялари бор эди. Биз то фашист танклари шу марраға келмагунча ўзимизни сездирмадик. Немис танкларидан бир нечаси тез юриб келиб шу траншеяларни «дазмоллай» бошлади.

Танклар ёнбошини ўгирганда батареянинг ҳамма тўпларидан бир йўла дахшатли ўт очилди. Кўз очиб юмгунча уч танк аланга ичида қолди. Шундан қолган танклар жасур тўпчиларга ташландилар. Қиёматдек жанг икки соатдан ортиқ давом этди. Гитлерчилар шармандаларча орқага бурилишга мажбур бўлдилар. Шу жангда фақат старший сержант Сухарев ва Сингаевскийларнинг тўплари 14 немис танкини ёнаётган металга айлантirdилар.



Тошлиқ Мамаев

Бироқ немислар ўз ниятларидан тийилмади. Шу участкада фашистларнинг контратака қила бошлаган яна 40 танки пайдо бўлди. Яна тенгсиз дахшатли жанг қизиби кетди. Бир танкни пачақлаган Сухаревда эса бронеташар снаряд тугади. Бунинг устига, Сухарев ва унинг наводчиси сафдан чиқди. Яшиқларда фақат фугас снарядларгина қолди.

– Мен сизлар учун ўч оламан, – деди разведкачи младший сержант Тошлиқ Мамаев ва югуриб тўп ёнига борди. Бу вақтда фашист танклари йўл-йўлакай отиб хийла яқин келиб қолган эди. Мамаев биринчи фугас снаряд билан бир немис танкини ишдан чиқазди.

Атрофида снаряд ва миналар портлаётганини писанд қилмаган жасур ўзбек йигитини учинчи фугас билан яна бир танкнинг ўрмаловчи занжирини чўрт узиб бориб ўрнидан қўзғатмай қўйди.

Паст бўйли, чакқон ва кўзида ғазаб ўти ёниб турган Мамаев қора терга ботиб бронта қопланган фашистлар устига кетма-кет ажал уруғи юбораверди. У шу тенгсиз жангда донг чиқариб, совет куrolининг шуҳратини ортдирди. Мамаев узоқ давом этган жангда етти немис танкини шикастлади ва яқсон қилди.

Ҳозир офицер Филатов бўлинмасининг Мамаевдек шонли баҳодирлари ҳал қилувчи жангларда гитлерчиларни бундан ҳам қаттиқроқ савалашга ҳозирланмоқдалар.

Капитан З.Фатхуллин

НОЗ

(Ҳикоя)

Аҳмаджоннинг хунук йигит эканлиги ҳаммага маълум. Айниқса, у Роҳатойни яхши кўриб қолганда барча ёш-яланг қотиб-қотиб қолди.

Бир куни Роҳатой полиздан қовун узиб келаётганида Аҳмаджон анҳорга ташлаб қўйилган якка чўпни атайин олиб қўйди: Роҳатойнинг йўли узоклашиб, гузар айланиб ўтишга мажбур бўлди. Шу баҳона бўлиб Аҳмаджон Роҳатой билан кетди. Қизил чойхона олдидан ўтиб кетаётганда Аҳмаджон хиралик қилиб Роҳатойнинг қўлидаги тугунини кўтариб олди. Уларнинг бирга кетганини кўрган самаворчилар:

– Обба фалокат-ей, ахийри илинтирибди-да, – дейишди.

Аҳмаджон йўлда кета туриб бир неча кундан бери айтолмай юрган андак беозор қилиб, айтиб олди.

– Мана, Роҳатой, сиз ҳам кап-катта қиз бўлиб, биз ҳам бинойидек йигит бўлиб қолдик, – Аҳмаджон шу гапни айтиб қўйиб қулоғигача терлаб кетди.

Роҳатой унинг дардига дарров тушинди. Пешаналари тиришиб кетди.

– Нима-нима, ҳеч ойнакка қараганмисиз? Тенг тенги билан деганлар.

– Роҳатой! Ёш жонимни қийнаманг, менга фақат сиз керак!.. – деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Бўлди-бўлди. Гапни қаранг-а, ҳаммадан сизники ошиб тушди-ку, мен сизни демайман ҳам, ёш жонингизни қийнамайман ҳам.

Роҳатой гапини тугатмай чигирткадек бир ғолиб бўлди. Аҳмаджоннинг кўзи тиниб, бўшашиб, бўшашиб кетди. Тўнгакка ўтириб қолди. Бир маҳал кўзини очиб қараса, алла вақт бўлиб қолди.

Бу воқиа тез орада ҳаммаёққа овоза бўлди. Аҳмаджонни учратган шўх йигитлар: «Ойнакка қараганмисиз, хусндор йигит?» – дейдигон бўлишди. Ҳатто миробнинг кизи хушчакчак Қумрича бир тўда қизларнинг ўртасида ўтлаб юрган говмиш сигирнинг бўйнидаги чизимча арқонини ечиб Аҳмаджоннинг қўлига берди. Бу ҳол воқиадан хабардорлар орасида тоза қулги бўлди.

Масала шундай бўлгандан кейин Аҳмаджоннинг онаси Тожихола юрак бетлаб ҳеч кимга совчи қўёлмади. Аҳмаджон қистаб қўймагандан кейин «ўғлимнинг дилида армон бўлмасин»деб Роҳатойникага совчи бўлиб борди. Роҳатой айвонда ўсма қўяётган экан. Энасаси қотиб, бир қошида ўсмаси чала қолганича нариги уйга кириб кетди. Тожихола Роҳатойнинг онаси Хайри чеварга ўғлининг топиши, юриш-туриши, келинга атаб қовлаётган адрас кўрпа, мовут палто ҳақида гапирди. Гапининг охирида ўғлининг ҳусни бўмаса ҳам, ақлли, зийрак эканлигини гапирди. Хайри чевар йўқ ердаги баҳоналарни кўрсатиб, вожи-корсон қилди.

– Гапингиз-ку тўғри-я. Лекин қизим ҳали ёш. Аммасининг ўғлига унаштириб қўйганмиз. Жуда қобил йигит. Яна қизимнинг ўзи билади. Ҳозирги замоннинг қизларига бир нима деб бўлади дейсизми, эгачи.

Тожихола ҳам бўш келмади.

– Ёш боланинг гапига қулоқ солиб ўтирган оналарга ҳайронман. Келинг, кўп ноз қилмай хўп деяверинг. Куймайсиз.

Роҳатой деразадан туриб онасига имлади. Хайри чевар қизининг имо-ишорасига тушинмади. Роҳатой уйдан туриб укасини қарғади. Ишқомга ёпирилган чуғурчукқа кесак отди. Бу «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит»дан бўлак нарса эмас эди.

Бу гап Тожихолага тегди.

– Ҳай, айланай, Роҳатой, ҳали ёшсиз. Бир йигит қирқ йилда бино бўлади. Жуда ҳам ноз қилманг. Бунақа нознинг охири носоз бўлади.

Роҳатой кўлида ўсма пилиги билан айвонга чикди.

– Вой-вой! Ўғлингиз ҳеч ойнакка қараганми?

Шундан кейин Тожихола зарб билан тугунини олиб чиқиб кетди. Аҳмаджон эшик олдида «ҳақ» деб онасини пойлаб ўтирган экан.

– Ҳа, нима бўлди? Унадими?

– Бошидан айтдим-ку бўлмади деб, бу сатангга тенг келиб бўлармишми?

Аҳмаджон айвоннинг четига ўтириб узоқ ўйлади. Яхтагининг бағрига пешана кирини уқалаб туширди. Кейин бир фикрга келди, шекилли, этагини қоқиб ўрнидан турди.

– Ҳа, майли... Истаганича масхара қилаверишсин. Мен улар билан кейинчалик сўзлашаман.

Аҳмаджон шу гапни айттию уйдан чикиб кетди. Шу кетганча уйга қайтиб кирмади. Қишлоқда ҳам кўринмади. У тўғрида ҳар ким ҳар хил хулосага келди.

Кузга яқин Аҳмаджоннинг дараги чиқди. Почтачи йўлакка бир хат ташлаб кетибди. Канвертни очиб қарашса, ичидан бир хат ва Аҳмаджоннинг сурати чиқди.

«Она, дуойи саломдан кейин сўзим шуки, соғман. Мени ҳали ҳам масхара қилишадиларми? Икки орден ва уч медаль олдим. Обрўйим яхши, лейтенантман. Ҳозир госпиталда даволаниб ётибман. Бир ойга қолмай бориб қоламан.

Ўғлингиз Аҳмаджон».

Тожихоланинг уйи тўйга айланиб кетди. Йироқ-яқиндагилар келиб, хатни, суратни кўриб кетишади.

Аҳмаджонни масхара қилган қизнинг юзи шувут. Роҳатой эри растрат қилиб қамалгандан кейин онасини уйига келиб ўтириб олган.

– Дод десангиз ҳам Аҳмаджон акамга тегаман, войдод десангиз ҳам Аҳмаджон акамга тегаман. Аҳди паймон қилганмиз, – дейди у дўпписи тор келиб.

Аҳмаджоннинг шуҳратини эшитган колхоз раиси Рустам ака Тожихоланинг уйини ремонт қилиб берди. Кечқурин ховлидаги шафтолига бир қўй боғлаб кетибди.

Аҳмаджоннинг келишидан Хайри чевар бир баркаш сомсанинг устига бир кийимлик шойи қўйиб йўқлаб кепти.

– Айланай, Тожибону, ўша маслаҳат, ҳали ҳам ўша айтганингиз, Роҳатой Аҳмаджонимники, ўзим қўғирчоқдек куёв қиламан. Роҳатойгинам «Аҳмаджон акам» деб эси кетади. Қизим бир марта турмуш куриб пишиқ-пухта бўлиб қолди, – деди.

Тожихоланинг энсаси қотди.

– Ҳа, ҳа, шунақами, ўғлимга онаси ўпмаган қиз олиб бераман. Ана шунақа...

Тожихола бир вақтлар Хайри чеварникига совчи бўлиб борганда унинг гапи қанчалик таъсир қилган бўлса, бу гал Тожихоланинг гапи Хайри чеварга ўшанчалик таъсир қилди.

Куз охирлаб, йиғим-терим яқинлашди. Аҳмаджондан «йўлга чиқдим» деган телеграмма келди. Тожихола шошиб-пишиб хумдаги мусалласни сузиб шишаларга куйиб кўйди. Бир ишқом узумни оқ қировгача асради. Икки палакдаги қовунни узмай устига хашак ташлаб кўйди.

Қишлоқ советининг раиси Мавлонбеков легковой машинада Тожихола билан станцияга чиқиб Аҳмаджонни кутиб олди. Қишлоқдагиларнинг кўзи станция йўлида. Кечқурин Мавлонбеков онаболани машинага ўтказиб колхоз қизил чойхонаси олдидан олиб ўтди. Унинг кетидан райкомнинг машинасида ҳарбий форма кийинган бир қиз ўтди. Рустам раис бошлиқ бир тўда қизлар машинага гул отишди. Эшик олдида Роҳатой ясаниб, кўлига қўша-қўша билагузуклар тақиб, қошига ўсма, кўзига сурма кўйиб кутиб ўтирар эди. Аҳмаджоннинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Унинг кўзига Роҳатойнинг «ойнакка қараганмисиз» деб масҳара қилгани ва Қумрининг икки қулоч арқон узатгани кўриниб кетди. Ўзини босиб олди.

Роҳатой унга яқинлашмади. Тожихола Роҳатойга парво қилмай орқадан келаётган машинага югирди. Буларнинг ҳар иккови ёлғиз қолишди.

– Аҳмаджон ака, ўтган ишга саловат. Мана эди, мен сизники...

Аҳмаджон кинояли қулди.

– Шунақами? Энди бизнинг ҳам қиттақкина ноз қилишга ҳаққимиз бўлса керак? «Тенг тенги билан» деганингиз эсингиздами, ана менинг тенгим, – деди. Аҳмаджон кейинги машинага ишора қилди. Роҳатой мовий кўзли, сарғиш сочли қизга узоқ тикилиб тура олмади, кўзларини бармоқларига қадади, ялтираб турган узуклар унга энди хира бўлиб кўринди.

Сайдахмад

МЕҲНАТ ФРОНТИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

Қишлоқ хўжалик, саноат, фан, маданият ва санъат соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССРнинг 20 йиллиги кунда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан республиканинг илғор кишилари СССР ордени ва медаллари билан мукофотландилар.

«ЛЕНИН» ОРДЕНИ БИЛАН

1. Абдиев Имом – Қашқадарё область Яққабоб районуидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

2. Абдуҷабборов Абдусаттор – Ўзбекистон К(б)П Бухоро область Ғиждувон район партия комитетининг биричи секретари.

3. Абдуллаев Мирзамурод – Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районуидаги Ленин номли колхоз раиси.

4. Абдурахмонов Абдуҷаббор – Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси.

5. Облоқулов Ғулом – Бухоро область Ғиждувон районуидаги «Большевик» колхозининг раиси.

6. Акрамов Жамил – Ўзбекистон К(б)П Тошкент область Тошкент қишлоқ району партия комитетининг биричи секретари.

7. Олимбеков Усмонбек – Тошкент область Қорасув районуидаги XVIII партия съезди номли кохоз раиси.

8. Аранқулов Йўлдош – Фарғона область Тоғ районуидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

9. Орипов Исомитдин – Андижон область Избоскан районуидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

10. Асқарова Тожиҳон – Наманган область Наманган районуидаги Сталин номли колхоз бригадири.

11. Отабоев Абдуҷалил – Ўзбекистон К(б)П Фарғона область Охунбобоев район партия комитетининг биричи секретари.

12. Охунов Набижон – Ўзбекистон К(б)П Андижон область Хўжаобод район партия комитетининг биричи секретари.

13. Бобоев Даврон – Бухоро область Свердлов районидаги Киров номли колхоз раиси.

14. Бобоқулов Даврон – Бухоро область Вобкент районидаги Сталин номли колхоз раиси.

15. Боқибоева Хайриниса – Андижон область Избоскан районидаги Янги Замон қишлоқ советининг раиси.

16. Билбас Василий Андреевич – Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг учинчи секретари.

17. Ғойибов Жўрабой – Андижон область Хўжабод районидаги Сталин номли колхоз раиси.

18. Данильченко Александр Тихонович – Ўзбекистон ССР совхозлар халқ комиссарлигининг бош аграноми.

19. Жиянов Жума – Самарқанд область Нурота районидаги Охунбобоев номли колхознинг чўпони.

20. Жўраев Нор – Самарқанд область Катта Қўрғон районидаги «Пролетар» колхозининг раиси.

21. Жўраев Юнус – Ўзбекистон К(б)П Наманган область Норин район партия комитетининг биринчи секретари.

22. Зайниев Қўчқор – Фарғона область Водил районидаги Молотов номли колхоз раиси.

23. Иброҳимов Аҳмаджон – Ўзбекистон бешйиллиги номли пахтачилик совхозининг директори.

24. Уламонов Ёқуб – Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районида «Ленинизм» колхозининг раиси.

25. Элбоев Жўра – Қашқадарё область Китоб районининг «Қизил юлдуз» колхозининг раиси.

26. Имомов Раҳмат – Қашқадарё область Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

27. Исмоилов Юсув – Хоразм область Ҳазоратчи районининг Ленин номли колхоз раиси.

28. Қозоқов Бекмирза – Фарғона область Бувайда районидаги Катта Қўрғон қишлоқ советининг раиси.

29. Комилов Носир – Бухоро область Шофиркон районидаги «Комсомол» колхозининг раиси.

30. Қораев Турди – Қашқадарё область Шаҳрисабз районидаги «Қизил агроном» колхозининг раиси.

31. Қосимов Сафар – Ўзбекистоннинг К(б)П Андижон область Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари.

32. Қурбонов Рамазон – Бухоро область Кармана районидаги «Пролетар» колхозининг раиси.

33. Қурбонов Самад – Сурхандарё область Кармана районидаги «Пролетар» колхозининг раиси.

34. Ломакин Николай Андреевич – Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетнинг иккинчи секретари.

35. Мавлонов Абдураззоқ – Ўзбекистон К(б)П Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари.

36. Маҳмудов Орзи – Ўзбекистон К(б)П Самарқанд область Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари.

37. Маҳмудов Носир – Ўзбекистон К(б)П Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари.

38. Мешков Анатолий Владимирович – Тошкент область Янгийўл район ер бўлимининг бош аграноми.

39. Муллабоев Тоштемир – Фарғона область Кўқон районидаги Юсупов номли колхоз раиси.

40. Мирзааҳмедов Мансур – Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг кадрлар бўйича секретари.

41. Муқимбоев Карим – Ўзбекистон К(б)П Наманган область партия комитетининг биринчи секретари.

42. Мўминов Абдували – Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси.

43. Мўминова Шакархон – Фарғона область Қува районидаги Чкалов номли колхоз раиси.

44. Мусамуҳамедов Ризамат – Тошкент область Оққовоқ станциясининг узумчилик тажриба хўжалиги мудир.

45. Муталов Ғани – Ўзбекистон К(б)П Хоразм область Қўшқўпир район партия комитетининг биринчи секретари.

46. Муҳамедов Раҳимжон – Тошкент область Мирзачўл районидаги «Қизил деҳқон» колхозининг

47. Ниёзов Абдуқодир – Фарғона область Бағдод районидаги «Сталинобод» колхозининг раиси.

48. Панасевич Борис Григорьевич – Самарқанд область Ургут МТСининг директори.

49. Пирнозов Қарши – Самарқанд область Ғаллаорол районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

50. Пискорский Яков Николаевич – Тошкент область Сирдарё районидаги «Победа» колхозининг раиси.

51. Плетухин Дмитрий Михайлович – Самарқанд область биринчи Нарпай МТСининг комбайнчиси.

52. Раззоқов Эшонхон – Андижон область Олтинкўл районидаги Сталин номли колхоз раиси.

53. Раҳимов Қосим – Ўзбекистон ССР ер ишлари халқ комиссари.

54. Раҳимов Тоштемир – Андижон область Хўжаобод районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

55. Раҳматов Ҳайдар – Бухоро область Олат районидаги Молотов номли колхоз раиси.

56. Рачинская Евгения Валерьяновна – Ўзбекистон ССР халқ маориф комиссарининг ўринбосари.

57. Рустамов Алишер – Наманган область Норин районидаги «Сталин йўли» колхозининг раиси.

58. Рустамов Сайдазим – Фарғона область Фарғона районидаги «Коммуна» колхозининг раиси.

59. Сариев Воис – Қорақалпоғистон АССР Туткўл райони сув хўжалиги идорасининг бош мироби.

60. Сагторов Жаббор – Бухоро область Бухоро районидги Фрунзе номли колхоз раиси.

61. Саидов Пиржон – Қорақалпоғистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси.

62. Тожиев Маъруфали – Тошкент область Янгийўл районидаги «Большевик» колхозининг раиси.

63. Тошмухамедов (Ойбек) Муса Тошмухамедович – Ўзбекистондаги ССРнинг ёзувчи академиги.

64. Тўхтабоев Раҳимберди – Фарғона область Тошлоқ районидаги Сталин номли колхоз раиси.

65. Турсункулов Ҳамрақул – Тошкент область Янгийўл районидаги Каганович номли колхоз раиси.

66. Убайдуллаев Нуриддин – Наманган область Наманган районидаги Сталин номли колхоз раиси.

67. Углицких Юлия Николаевна – Тошкент шаҳар Куйбишев район маориф бўлимнинг педагогика кабинети мудир.

68. Умаров Отакул – Самарқанд область Пойариқ районидаги Дмитров номли колхоз раиси.

69. Умаров Қодиржон – Фарғона область Охунбобоев районидаги Сталин номли колхоз бригадири.

70. Умаров Рузвон – Сурхондарё область Шеробод районидаги «Қизил қаҳрамон» колхозининг звено бошлиғи.

71. Файзиев Ашур – Бухоро область Қоракўл районидаги «Пролетар» колхозининг раиси.

72. Ҳайдаров Вали – Ўзбекистон К(б)П Наманган область Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

73. Холиқов Турсин – Андижон область Ленин районидаги «Сталинчи» колхознинг раиси.

74. Холматов Ҳидоят – Андижон область Избоскан районидаги «Сталинчи» колхозини «Қизил Октябрь» колхозининг раиси.

75. Ҳамрақулов Аҳмадқул – Андижон область Андижон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси.

76. Ҳотамбоев Тоғнаҳмад – Тошкент область Мирзачўл районидаги Ленин номли колхоз раиси.

77. Ҳусайнова Тоғжон – Самарқанд область Пахтакор районидаги Ленин номли колхоз звено бошлиғи.

78. Шукириллаев Абдурахмон – Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

79. Юнусов Мадраҳим – Тошкент область Оққўрғон район «Ленинбод» колхозининг раиси.

80. Юсупов Усмон – Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари.

81. Юсупов Эсон – Ўзбекистон К(б)П Тошкент область Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари.

Бундан ташқари, 382 киши «**Меҳнат Қизил байроқ**» ордени билан, 789 киши «**Ҳурмат белгиси**» ордени билан, 645 киши «**Шавкатли меҳнат учун**» медали билан ва 657 киши «**Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун**» медали билан мукофотланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР 20 ЙИЛЛИГИ

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари Автоном Совет Социалистик Республикасининг 20 йил тўлган кунини нишонлаб ўтдилар.

Чоризм вақтида халқи ёзув-чизув нималигини билмаган, мактаб, касалхоналари бўлмаган ва кишилар кашшоқликдан, турли касалликлардан, маданиятсизликдан ўлиб келган Қорақалпоғистонда совет ҳокимияти йиллари ичида жуда катта ишлар олиб борилди. Большевиклар партияси раҳбарлиги остида, рус ва ўзбек халқларининг биродарона ёрдамлари билан қорақалпоқ халқи социалистик қурилиш йўлида илдам қадамлар билан илгари кетди. Революциягача биронта корхонага эга бўлмаган Қорақалпоғистонда кудратли пахта

тозалаш, ёғ ва маҳаллий саноат барпо қилинди. Амударёё этагида, Мўйноқ оролида Иттифоқда энг кудратли гўшт-балиқ консерва комбинатларидан бири қурилди. Совет ҳокимияти вақтида чўли-биёбонда бунёдга келган, республиканинг пойтахти бўлган Нукус шаҳрида ўтган йили тикув, пойафзал фабрикалари ишга солинди, йигирув-тикув фабрикасининг қурилиши тамомланаётир. Қорақалпоғистон илғор социалистик қишлоқ хўжалигидан иборат автоном республикага айланди. Қишлоқ хўжалигининг асосий экинни бўлган пахта таёрлаш 1913 йилга қараганда 12 мартадан ошиқ кўпайди, ҳосилот бўлса 20 йил ичида тўрт баробардан кўп ортди. Ўтган йили пахта тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди, республика колхозлари минглаб тонна пахтани пландан ошириб бердилар.

Халқ ташаббуси усуллар билан ирригация иншоатларининг кудратли системаси қурилди, чунончи, 40 минг колхозчи иштироки билан Ленин номидаги канал ва бошқалар яратилди.

Қорақалпоғистонда 673 мактаб, 7 техникум ва махсус мактаблар, 2 юқори ўқув юрти, 3 театр, 14 кинотеатр, 166 клуб, маданият уйла-



Кавалери гвардия
лейтенанти Махмуд
Ражабов.

О.Игнатович фотоси

ри ва қироатхоналар, кўп тармоқли даволаниш муассасалари бор, 13 газета ва журнал нашр қилинади.

20 йиллик тўй муносабати блан Нукусда ва район марказларида йиғилишлар, халқ сайиллари бўлиб, буларга полвонлар, кизикчилар, халқ шоирлари қатнашдилар.

Қизил Армиянинг сўнги ва охирги вазифаси қолди, у ҳам бўлса иттифоқчиларимиз армиялари блан биргалашиб немис-фашист армиясини тор-мор келтириш ишини тугаллаш, фашист йиртқични ўз уясида янчиб ташилаш ва Берлин устида ғалаба байроғини тиклашдан иборат.

И.Сталин

УЛУҒ ДОҲИЙ КЎРСАТМАЛАРИ КУЧГА КУЧ ҚЎШДИ

Улуғ Сталиннинг ноябрь доклади ва буйруғи ҳар биримизда янги куч ва янги ғайрат ҳосил қилди. Манфур душманамиз – гитлерчи Германияни узил-кесил тор-мор қилиш иродаси билан тўлиб-тошган фронтимиз жангчилари доҳий кўрсатмаларига мардона ишлар блан жавоб бермоқдалар.

Тўрт мартаба ярадор бўлган танкчи гвардиячи Мамажонов Карпат тоғида жанговар буйруқ ола туриб шундай деди:

– Доҳий сўзлари мени янада кучли қилди. Тўла ғалабамиз куни энди узоқ эмас. Ўртоқлар, келинлар, бу гал ҳам кўпроқ немисни ўлдирайлик!

Совет ватанпарвари бу жангда ҳар сафаргидан ҳам қаттиқроқ ғайрат кўрсатди. Унинг овозаси бутун қисмга тарқалди.

Сержант С.Аҳмедов ёзади:

«Комсомол аъзоси Бутинбой Ёшбеков ўз ишининг устаси бўлиб олган. Гитлерчиларга қарши жангларда у бир неча бор ўз моҳирлигини кўрсатди. Мудофаа жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қишлоқ учун жанг қизиди. Немислар ҳалқага тушиб қолишдан қўрқиб хужум қилаётган жангчиларимизга қарши бир неча танк ёрдами блан контратакага ўтдилар. Артиллериямиз душманга қарши ўт очди. Душман снарядлари Ёшбековнинг атрофида ёрила бошлади.

Лекин Ёшбеков ўзини дадил тутди. Унинг тўпи бир душман танкини пачақлади. Аскарларимиз душман контраатакасини қайтардилар.

Бу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун Ёшбеков иккинчи мартаба «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди».

З.У. бундай деди:

«Олий бош қўмондон ўртоқ Сталин кўрсатмасини бажарганим ҳолда ўз қуролимнинг устаси бўлиб, душманга омон бермайдиган бўлдим. Энди бутун орттирган билим ва тажрибамни ҳал қилувчи жангларда ишлатиб дохийнинг душманни батамом тор-мор келтириш ҳақидаги буйруғини бажаражакман».

Ефрейтор Қодиров редакцияга ёзган хабарида ўртоқ Заламихин бўлимасининг аскарлари Сталин ҳужжатларини ўрганиш билан олдимизда турган жангларга зўр тайёрлик кўрганликлари ҳақида ёзди:

«Бўлимда турли миллат – рус, ўзбек, қозок, татар, тожик, қирғиз ва бошқа миллат аскарлари бор. Партия ва комсомол ташкилотлари бу жангчиларнинг ўз тилларида дохийнинг доклад ва буйруғини ўрганишни яхши уйиштирган. Бу жойда тез-тез суҳбатлар ўтиб туради, жанг тажрибалари ўртоқлашилади. Топиболдиев, Ҳусанов, Нурмуҳаммедов ва бошқаларнинг ҳарбий усталиклари сўнги вақтда анча ўсди».

Ўртоқ С.Султонов ёзади:

«Наводчи Алижонов жангларда ном чиқарган азамат тўпчигина бўлиб қолмай, балки у бўлиманинг энг яхши агитатори ҳамдир. У яқинда ўзбек жангчилари билан ўртоқ Сталин доклади юзасидан «Совет ватанпарварлиги» деган темада суҳбат ўтказди. Алижонов ўз сўзида улуғ совет халқининг дўстона оиласига бирлашган ҳар бир миллат фарзандлари ўз совет ватанлари учун немис-фашист босқинчиларга қарши фидокорона курашаётганликлари устида тўхтади».

– Бўлимдамизда, – деб ёзади ўртоқ Т.Азимов, – старшина Хисомиддинов рус бўлмаган миллат аскарлари ўртасида катта иш олиб бормоқда. У ўртоқ Сталин доклади юзасидан бир неча бор суҳбат ўтказди. Шонли Қизил Армиямиз томонидан немис-фашист қўшинларига берилган қақшатқич зарбалар устида аскарларга муфассал тушинтириб берди.

– Биз, – деди ўртоқ Хисомиддинов яқинда ўтказган суҳбатида, – фашистлар Германиясига охирги ҳал қилувчи зарбани беришимиз керак. Бу нарса биздан бутун тажриба ва кучимизни ишга солиб, жанг қилишни талаб қилади. Ҳар бир аскар бу жангда янги қаҳрамонликлар кўрсатсин, зафарли совет байроғини янги шон-шуҳратларга кўмсин.

ҒАЛАБА ПРОГРАММАСИ

Зенит пулемётининг командириман. Рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида агитаторлик ҳам қиламан. Шунинг учун жангчиларнинг мақсад ва умидлари, фикру зикрлари, шунингдек, лаёқатлари менга жуда аён.

Менинг расчётимда Назаров, Ҳикматуллаев, Шоакрамов ўртоқлар бор. Ҳаммалари ҳам ҳарбий ва сиёсий таълимнинг аълочилари. Зенит пулемётининг материал қисмини беш бармоқдай биладилар. Лекин биз бу билан қаноатланмаймиз. Ҳар куни ўқиймиз, душманга гал бермай уришни, эпчил ҳаракат қилишни машқ қилмоқдамиз.

Олий бош қўмондонимиз, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг ноябрь доклади ҳамда буйруғи бизларни жуда илҳомлантирди. Бизлар бу таърихий ҳужжатларни атрофлича ва чуқур ўрганмоқдамиз. Чунки бу ҳужжатлар Гитлер Германияси устидан узил-кесил ғалаба қозонишнинг программасидир.

Ўзбек халқининг фронтдаги фарзандлари ҳам кўп қатори фақат биргина нарса тўғрисида ўйлайдилар, у ҳам бўлса Ватан олдидаги бурчни охиригача бажариш, улуғ Сталин томонидан қўйилган буюк вазифани амалга оширишдир.

Сержант Зиё Сатторов

... ИЛҲОМЛАНИБ

Капитан Попов бўлинмасининг жангчилари доҳиймиз ва саркардамиз ўртоқ Сталиннинг ноябрь доклади ва буйруғини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Мен шу бўлинма партия ташкилотчиси бўли-

шим билан коммунистлар, комсомоллар ва, умуман, жангчилар ўртасидаги сиёсий-тарбия ва пропаганда ишларини ўртоқ Сталиннинг доклади ва пропаганда қилиш асосида олиб бормоқдаман. Партия ташкилотидаги барча коммунистлар бу тарихий ҳужжатни ўзлари ўрганибгина қолмай, балки уни бутун жангчиларга пропаганда қилмоқдалар.

Капитан Поповнинг ўзи тўрт жойда жангчилар ўртасида суҳбат ўтказди. Чекригин, Ленов ва Сулаймонов ўртоқлар жангчиларга доимий суратда газета ва журналлардан ўртоқ Сталиннинг доклади ва буйруғига доир мақолаларни ўқиб бериб турмоқдалар.

Ўртоқ Сталиннинг совет ватанпарварлиги тўғрисидаги дохиёна сўзлари жангчиларни, айниқса, кизиқтирмоқда. Бу тўғрисида жангчилар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилаётир.

– Ватан деган сўздан, – дейди наводчи Қодирали Усмонов, – мен ўзимнинг уйим, эшигим олдидан оқиб турган сув ва туғилиб катта бўлган қишлоғимнигина ўйламайман, балки совет тупроғининг бутун қир ва далалари, ўрмон ва сувлари, гўзал қишлоқ ва шаҳарлари кўз олдимга келади. Мен шу улуг Ватанни севмасам жонимни аямай жанг қилармидим, фақат сўнгги жангда душманнинг уч танкини яқсон қилиб ташлай олармидим?!

– Мен гапчи эмасман, – дейди сержант Севостьянов, – лекин ўртоқ Сталин совет кишиларининг ватанпарварлигига буюк баҳо берган вақтида менинг тўғримда ҳам ўйлагандир деб ўйлайман.

Ўртоқ Севостьянов шу суҳбатдан кейин бўлган жангда немисларнинг бир бронетранспортёрини ёндириб юборди.

Бир немис танки йўл-йўлакай ўт очиб сержант Васильевнинг позициясига бостириб келмоқда эди. Васильев ўз тўпини очиқ позицияга олиб чиқиб, танк 70 – 60 метр яқин келганда даҳшатли ўт очди ва биринчи снаряд бланок немис танкини жойидан қимирлатмай қўйди. Лекин душман танки отишдан тўхтамади. Васильев, атрофида портлаб турган снарядларга қарамай, отишни давом этдирди ва учинчи снаряд билан немис танкини батамом ёндириб юборди.

Икки орден кавалери сержант Чекригин бу жангда душманнинг икки танкини ёндирди.

«Шухрат» орденининг кавалери оддий аскар Абдурахмон Сулайманов бир неча марта душман ўти остида ҳаракат қилиб узилган телефон симларини улади.

Орденли Камаев уч немисни асир қилиб олди. Улуғ йўлбошчи ва саркарданинг тарихий доклади ва буйруғи жангчиларни қанотландирди. Барча аскарлар бу буйрукни бажариш учун шайланиб туриптилар.

Бўлинма партия ташкилотчиси сержант Ҳасанбой Қоракулов

ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 20 йиллиги муносабати билан ЎзССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш, ЎзССР фахрий номларини бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 20 йиллик муносабати билан социалистик қурилишга актив қатнашканликлари учун ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармонида мувофиқ 13.966 киши, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ходимларидан 6.701 киши, саноат ходимларидан 3.535 киши, маданият, фан, санъат ходимлари ва бошқалар бўлиб 3.730 киши ЎзССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 20 йиллиги муносабати билан фан, санъат, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш соҳасида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми ЎзССРнинг қуйидаги фахрий номларини берди:

1 кишига фан ва техникага хизмат кўрсатган арбоб, 30 кишига фанда хизмат кўрсатган арбоб, 7 кишига халқ рассоми, 6 кишига халқ артисти, 11 кишига санъатда хизмат кўрсатган арбоб, 18 кишига хизмат кўрсатган артист, 7 кишига халқ ҳофизини, 179 кишига хизмат кўрсатган ўқитучи ва 92 кишига хизмат кўрсатган врач деган фахрий ном берилди.

ЎРТОҚ СТАЛИНГА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 27 йиллиги ҳақидаги тарихий докладингиздан илҳомланган Ўзбекистон ССР колхозчилари, ишчилари ва хизматчилари фашист йиртқични унинг ўз уясига тезроқ батамом янчиб ташлашда шавкатли Қизил Армиямизга бутун кучлари билан ёрдам беришни истаб танклар ва самолётлар қурилишига маблағ тўплашга қарор берган эдилар. Бир неча кун ичида 170 миллион 531 минг сўм нақд пул тўпланди ва давлат банкига топширилди.

Ўртоқ Сталин, республика меҳнаткашларининг истагини исҳор қилиб, тўпланган маблағга қурилажак танк калоннаси ва авиаэскадрильяга «Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» номи берилишини Сиздан сўраймиз.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг
секретари **У.Юсупов.**

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг
раиси **А.Абдурахмонов.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
раиси **А.Мўминов.**

Тошкент.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг
секретари ўртоқ **Юсуповга.**

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг
раиси ўртоқ **Абдурахмоновга.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
раиси ўртоқ **Мўминовга.**

«Совет Ўзбекистонининг 20 йиллиги» номидаги танк ва самолётлар қурилишига 170 миллион 531 минг сўм тўплашган Ўзбекистон ССР меҳнаткашларига менинг қардошлик саломимни ва Қизил Армиянинг ташаққурини топширингиз. **И.Сталин.**

«Зафар соати» циклидан

ВАФО

*Жиловланиб йиқилди мағрур,
Азиз тупроқ узра қўйди бош.
Сўнди шахло кўзлардаги нур,
Қайнаб чиқди икки қатра ёш.
Босиб тушиди энг вазмин танни,
Чангалида – муқаддас тупроқ,
Бермайман деб она Ватанни
Қучоқлади яна маҳкамроқ.
Яраланган ватан томирига
Тўкди иссиқ юрак қонини.
Шу меҳрибон ер замирига
Қони билан ёзди шонини!*

ЗАФАР СОАТИ

*Эшитдимки, номдор эмишсан
Назокатли колхоз богида.
Мени қалбан кутар эмишсан
Беҳад яшинаб қир қучогида.
Телбасаро эмишсан гоҳи,
Қийнар эмиш сени ташина лаб,
Ўйларимни узун тунлари
Қора фикр олармиш қамраб.
Шунда сачраб турар эмишсан
Ҳажр ўтига беролмасдан дош.
Юрагингдан чиққан ҳарорат
Келтирармиш кўзларингга ёш.
Ёшларингга арз этармишсан:
«Бекатингиз борми сизнинг ҳам?»
Ёш демшики: «Бекатимиз бор!
Аммо ёринг келгунча мубҳам».
Сен демшисан: «Узоқми фироқ?»*

*Тугалурму ёримнинг жанги?»
Ёш демшики: «Ғарбга қулоқ қоқ,
Келаётир зафар оҳанги!»
Машъум хаёлларни қўй, гўзал,
Баланд эрур ёрингнинг қўли,
У галаба қозонган маҳал
Чаманингга тушади йўли!*

Туроб Тўла

МЕНИНГ ЖАНГОВАР ДЎСТЛАРИМ

Каттиқ жанг борарди. Илгарига силжиётган эдик. Ўнг тарафдан душман станокли пулемёти бизни каттиқ ўққа тутди. Аскарларимиз ерга ётиб олдилар. Мен «душман ўт нуқтаси бостирилсин!» деган буйруқ олдим. Кўп хаёллаб бўлмайди. Ўзим билан ёрдамчим ефрейтор Сарбалинни олиб дарров қулай жой топдим ва душманни нишонга олдим. ПТРимдан биринчи ўқ узилди. Шундан кейиноқ тинмай отаётган душман пулемёти жим бўлиб қолди. Аскарларимизга йўл очилди.

Лекин шу орада ўзим ҳам ПТРимдан ажралдим. Уни душман снарядининг парчаси ишдан чиқазди.

Шу пайтда бир тўда гитлерчилар бизни куршаб олмоқчи бўлдилар. Мен ва Сарбалин автомат билан қуролландик. Бизнинг сафимизга яна икки жангчи келиб қўшилди. Биз тўрт киши эдик. Душман бўлса биздан бир неча баробар кўп. Автоматларни ўқладик, гитлерчилар яқинлаша бошладилар. Шу вақт ўзимда қандайдир зўр куч пайдо бўлганини ҳис қилдим.

– Бўш келмаймиз, дўстлар! – деб ҳамроҳларимга қарадим. Уларнинг чехраларида қўрқишлиқдан асар ҳам йўқ эди. Душманни яқин келтириб зарб билан ўт очдик. Гитлерчилардан бир нечаси ағдарилди, бошқалари орқага тисланди. Шу жойда 10 гитлерчини ер тишлатдик.

Немисларни қувиб бора туриб душманнинг бир дала тўпига дуч келдик. Душман тўпини ишдан чиқазиб, расчётини қириб ташладик. Шу жангда танк қиручи Санжар Ашуров ҳам катта маҳорат кўрсатди.

У ўз ПТРИ билан немисларнинг бир ўт очиш нуқтасини яқсон қилди. Жасур разведкачи Собир Юнусов душман жойлашган ерга бориб, икки немисни ўлдириб, «тил» ушлаб келди.

Мен ва менинг жанговар дўстларим Ватан душманларига қарши сўнги нафасимизгача курашамиз деб берган тантанали онтимизни мана шу йўсинда бажараётгирмиз.

Қўш медалли гвардия сержанти Ислон Бозоров

ОНА МАКТУБИ

Кеча-кундуз яхши ниятлар тилаб, бизга кўз тикиб ётган меҳрибонларимиз, бир кўриш орзусидаги ёрларимиз фронтдан борган ҳар бир мактубни кўзга суртиб такрор-такрор ўқиб чиқадилар. Севинч ёшлари билан юрак тугунларини ечадилар.

Ахир, узоқ йиллар кўрмаган ўз фарзандидан, ўз севганидан хуш хабар олиш қандай кўнгилли, қандай қувончли!

Гвардия сержанти Илҳомжон Шариповнинг онаси ўз фарзандидан ана шундай хуш хабар олди. Илҳомжон гитлерчиларга қарши курашда кўп мартаба ўзини кўрсатди. У жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун «Қизил юлдуз» ордени ва икки медаль билан мукофотланди.

Кейинги жанглардан бирида наводчи Илҳомжоннинг шуҳрати янада ортди. У ўз тўпидан ажал уруғи сочиб фашистларни тилка-пора қилди. Шундан кейин бўлинма командири ва куролдош дўстлари Илҳомжоннинг уйига – онаси Ҳури холага хат ёзиб юбордилар. Меҳрибон она паҳлавон фарзанди тўғрисидаги шодлик хабарни эшитиб севинчларга тўлди.

Яқинда Илҳомжон ўз юртидан бир хат олди. Бу хат унинг онасидан эди. «Кўзимнинг оку қораси Илҳомжон, – деб ёзади Ҳури хола, – командиринг ва ўртоқларинг менга ёзган мактубларини ўқиб берганларида севиниб теримга сиғмадим. Кўп қаҳрамонликлар кўрсатибсан, немисларнинг адабини берибсан! Бунга кўп хурсандман. Орденлар олибсан, буларинг муборак бўлсин, болам. Сендай ўғилнинг онаси бўлганлигим учун 70 ёшимда ўзимни бахтли ҳисоблайман. Илҳомжон болам, икки кўзим сенинг йўлингда, ер

юткур немисларни битта ҳам кўймай тезроқ қириб битириб, ғалаба билан қайт!»

Илҳомжон мактубни дастлаб танҳо ўзи, сўнгра жанговар дўстлари билан бирга ўқиб чикди. Она мактуби Илҳомжонда ва унинг ўртоқларида катта таъсир қолдирди.

– Онамни ҳар бир сўзи, – дейди Илҳомжон, – мен учун жуда қимматлидир. Она насиҳатини бажо келтираман: лаънати немисларни янада қаттиқроқ ураман.

Гвардия старшинаси Н.Бобожонов

СТАРШИНА САИДОВ

Немис-фашист босқинчилар муқаддас Ватанимизга ваҳшиёна ҳужум қилган пайтда старшина Эшонқул Саидов Совет Бессарабияси чегарасида хизмат қиларди. У шу ерда биринчи мартаба немисларга қарши жанг қилди ва ярадор бўлди.

Эшонқул соғайиб сафга қайтган вақтда унинг батареяси Одессани қаҳрамонона муҳофаа қилаётган эди. Аҳвол оғир. Бизникилар фақат денгиз орқали алоқа қилар эди. Курол, ўқ-дори, озиқ-овқат таъминоти масаласи қийин эди. Душман позицияларимизни тинмай тўпга тутар, кетма-кет атака қиларди. Ана шундай вазиятда Саидов ўз қаҳрамон аскарларига озиқ-овқат етказиб туриши керак эди.

Бир куни душман жуда қаттиқ тўпга тутди, лекин Саидов олдида аэродромдан озиқ-овқат келтириш вазифаси турарди. Саидов ҳеч иккиланмай йўлга чикди. Тўрт томонда снарядлар ёрилиб туришига қарамай, у аэродромга ётиб олди. Орқага қайтиш янада хатарлироқ бўлди. Йўлда кела туриб снаряд парчасидан яранди. Лекин баданидан қон оқиб тургани ва дармондан кетгани ҳолда овқатни кўтариб келди, химоячилар қаторидан чикмади.

Саидов Севастополь муҳофаасида ҳам қатнашди. Душман кучли атакага ўтиб, аҳвол жиддийлашган бир пайтда капитан Черносос унга



Ватан Уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва «Жасурлиги учун» медал кавалери гвардия сержанти Мамажон Домлажонов.

О.Игнатович сурати.

муҳим бир хатни штабга етказишни топширди. Бунга жуда қисқа муддат берилган эди. Саидов душман ўқлари ёғилиб турган ерлардан эпчиллик билан ўтиб штабга яқинлашай деганда ўқ еб йиқилди. Лекин Саидов бу вақтда фақат бир нарсани – хатни етказиш, топширикни бажаришни ўйлар эди. У кўзини очиб атрофга боқди ва бор кучини тўплаб қорни билан сургала бошлади. Шу ҳолда аранг штабга етиб келди.

У урушнинг энг қийин пайтларини бошидан кечирди. Кўп марта-балаб унинг ҳаёти таҳлика остида қолди. Саидов ҳамма вақт ўзини дадил тутди, ўлим хавфи олдида ҳам фақат жанговар буйруқни бажаришнигина ўйлади.

Жанглардан бирида батарея анжомларининг душман қўлига тушиб қолиш хавфи туғилди. Шундан Саидов бу гал ҳам буйруқни ша раф билан бажарди.

Старшина Саидов кўпни кўрган, тажрибали солдатдир. У Ватан урушининг биринчи кунидан бошлаб фашист йиртқичларга қарши жанг қилиб келаётир. Уруш олови ичида у чиниқди, душманга қирон келтирувчи аскар бўлиб етишди.

Ҳозир старшина Эшонкул Саидов ўз бўлинмасидаги аскарларни ҳам командир буйруғини ҳар қандай оғир шароит юз берганда ҳам мардлик билан бажариш руҳида тарбияламоқда.

Лейтенант У.Хўжаев

ИККИ ЖАНГОВАР ДЎСТ

Мен старший лейтенант Беляев бўлинмасида миномёт расчётининг командири бўлиб хизмат қиламан. Расчётда турли миллат жангчилари бор. Украин Сталбун наводчи, ўзбек Иззатуллаев заряжающий бўлиб хизмат қилади. Улар бир жангда немисларнинг икки пулемётини ишдан чиқардилар.

Бу икки дўст ўтган жангларда немисларнинг кўп солдат ва офицерини кириб, душманнинг техникасига кўп талофат етказди.

Ҳозир улар Германияга қатъий ҳужум бошлаш позицияларида туриб ўз ҳужум марраларини тинмай мукамаллаштириш билан ўз қуролларини ўрганишни ҳам тинмай давом этдирмоқдалар.

Сержант Т.Тошматов

ФРОНТЧИЛАР ОИЛАЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Тошкентда меҳнаткашларнинг фронтчилар оилаларига ёрдам қилиш мақсадида оммавий умумшаҳар якшанбалиги бўлиб ўтди. Минглаб ишчилар, хизматчилар, ҳунармандчилик артелларининг ишчилари, студентлар ва ўқувчилар фабрика- заводларга ишга чиқдилар. Улар бу ерда қилган меҳнат кунларини ҳарбий хизматчилар оилаларига ёрдам тарзида бердилар. НКПС заводида 500 га яқин меҳнаткаш чиқди. Юзлаб меҳнаткаш Ворошилов номли заводнинг ишида қатнашди. Шу куни 26 ҳунарманд апрель фронтчиларнинг оилалари учун кенг истеъмол моллари, шу жумладан, кийим ва пойафзал тайёрлади.

Муассасалар ва корхоналар томонидан ажратилган малакали усталарнинг бригадалари уй-жойларни ремонт қилишга чиқди. Фақат Октябрь районининг ўзидагина ҳарбий хизматчилар оилаларининг 500 га яқин квартира ремонт қилинди.

Темирйўлчиларнинг иштироки билан ҳарбий хизматчиларнинг бир минг оиласига ёқилғи етказиб берилди. Яқин кунларда яна уч минг оила ёқилғи билан таъминланди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг марказий селекция станция коллективи халқ ёрдам фондида ўз хўжалигида етиштирилган бир тонна сабзавот топширилди. Ер ишлари халқ комиссарлиги ходимлари якшанбаликда қатнашишдан ташқари ўз хўжаликларидан 200 килограмм шоли ажратдилар. Давлат таъминот район бўлимлари 3.000 жуфт болалар оёқ кийими, бир ярим минг метр ип-газлама ва кўпгина тайёр кийим ажратдилар.

(ЎзТАГ)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон пойтахтига яқин ерда Бўзсу каналида янги кучли электр станция ишга солинди. 1-чи сон Қуйи Бўзсу ГЭСини Тошкент областининг колхозчилари тез қуриш методи билан барпо қилдилар. 1 миллион 800 минг кубометрдан кўпроқ тупроқ казиб чиқарилди, 14 минг кубометр бетон қўйилди, 600 тоннадан ошиқроқ металл қурилмалари ўрнатилди. Бу электр станцияси уруш вақтида Ўзбекистонда қурилган олти йирик электр станциянинг биридир.

15 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон маҳалий саноат халқ комиссарлиги системасидаги корхоналарнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари Ўзбекистон 20 йиллиги шарафига йиллик пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Фронт ва аҳоли эҳтиёжини қоплаш мақсадида 10 декабргача йиллик пландан ташқари ўзгармас нархларда 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

КОЛХОЗЧИЛАР ТОШ ЙЎЛ ҚУРМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ. Қашқадарьё областининг колхозчилари тез куриш методлари билан Қарши – гузар ўртасида янги тош йўл қурмоқдалар. Бу йўл Қарши шаҳрини областнинг бошқа район марказлари билан боғлайди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 1.300 ТОННА ПАХТА

Йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган Фарғона область Каганович районининг колхозчилари пландан ташқари 1.200 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар.

Мажбурият ортдириб бажарилди. Республикамизнинг 20 йиллиги арафасида давлатга пландан ташқари 1.300 тонна пахта топширилди.

1945 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ. №4 (289)

ДАДИЛ ЗАРБА НАТИЖАСИ

Разведкachi Юсупов орден билан мукофотланди

Бир тўда аскарларимиз душман жойлашган ерга ўтиб, «тил» тутиб келиш тўғрисида топшириқ олдилар. Қоронғу тушгунча улар пухта тайёрлик кўрдилар, душман мудофаасининг олдинги доирасини ўргандилар, ўт очиш нуқталарини аниқладилар.

Кеч киргач разведкачилар ўзларини ҳеч сездирмай немисларнинг тумшуғи тагига бориб етдилар. Немис траншеяларига 10 – 15 метр қолганда улар тўсатдан даҳшатли «ура» овози билан душман устига дадил ташландилар. Ғафлатда қолган фрицлар саросимага тушиб, қурол-аслаҳаларини ташлаб қочиб қолдилар.

Жасур аскарларимиз ўнлаб немисни ўлдириб, «тил» ва ўлжалар олиб, ҳеч бир талафот кўрмай ўз қисмларига қайтиб келдилар. Моҳирлик билан қилинган ҳаракат ва дадиллик билан берилган зарбага немислар чидолмадилар.

Бу разведкага қатнашганлар орасида разведкачи Юсупов ҳам зўр қаҳрамонлик кўрсатди. У олдинда бориб, шиддат билан душман пулемётчиси устига ташланди ва уни ўлдирди. Шундан кейин Юсупов кўпгина немисларни тириқтириб қувиб бориб, автомат ва граната билан 10 га яқин фрицни қириб ташлади.

Кўрсатган қаҳрамонлиги учун бошқа бир неча аскарлар қаторида Юсупов ҳам «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.

– Мен ҳозиргача немислардан анчагинасининг ястиғини қуритдим, – дейди Юсупов. – Лекин кишилик лаънатига дучор бўлган бу аблаҳлар батамом янчиб ташланмагунча автоматимни қўлимдан қўймайман.

С.Ҳикматиллаев

ШУҲРАТ ТОЖИ КИЙГАН ЙИГИТ

1. Туш

Ҳарбий кийим кийган совлатли ёш йигит вагондан чиқиб вокзал тўла одамлар орасидан танишларини кўриш мақсадида кўз югиртира бошлади. Ўнларча кадрдонлар, дўстлар азиз меҳмонни қувонч билан қарши олиб, ўз қишлоқларига олиб кетдилар.

Қуёшнинг ҳарорати баланд, кун жуда қизиқ кетган эди. Дўстлар толлар ва теракларнинг қуюқ қўланкасида борарканлар, кўм-кўк ва бўлимли пахтазорларга имлаб боқардилар. Мевасининг кўплигидан шохлари эгилган шоптоли ва олмалар, нок ва беҳилар гўё салом бераётгандай бошларини ҳам қилиб турар эдилар. Ўрунбек йўл устидаги тепаликка етиши билан узоқда, туғилиб ўсган сеvimли киш-



Совет Иттифоқи
Қахрамони Ўринбек
Ўқубов.

О.Игнатович сурати.

логини – боғу бўстони жонажон Яхтонни кўрди. Оддий солдатнинг юраги севинчга тўлди. Ахир у икки йил бу хушхаво ва ҳаётбахш диёрдан йирокда бўлган! Шунинг учун Ўрунбекнинг кўзларини мумкин қадар янада каттароқ очиб ва тўйиб-тўйиб кўриб олгиси келади.

Мана унинг туғилган даргоҳи. Дарвоза катта очилиб, ундан атлас кўйлак кийган вафодор Анвархон талпиниб чиқмоқда. Ойиси билан бирга қуралай кўз ўғилчаси Рақибжон капалакдек чопкиллаб келмоқда. Бу севинчлардан Ўринбек маст бўлгандай бўлди, боши айландию беихиёр кўзини юмди ва бор кучи билан қулочини катта очиб азиз тўтиқушларини бағрига босишга шайланди ва югимроқчи бўлиб кўзини очди!.. Ажабо! Қандай ҳикмат! Нима учундир унинг ёри, ширин фарзанди, уй-жойи ва кишлоғи талай узоқда. Ўрунбек талваса билан югира бошлади, лекин уларга етиш қаёқда, аксинча, улар тобора йироқлашмоқда. Худди шу пайтда «тревога!» деган шиддатли овоз эшитилди. Ўрунбек кўзини яна каттароқ очди. Броқ энди ҳеч нарса кўринмас эди. Казармада унинг қуролдош ўртоқлари – жангчилар шошилиб кийинмоқда эдилар.

– Мўминжон, – деди у ёнидаги ўртоғига қараб ва ҳомон воқиага тушинмай, – нима гап?

– Уруш! – деди ғазаб тўла овоз билан этигини кияётган дўсти. – Гитлер Германияси мамлакатимизга бостириб кирипти.

Аскарлар сафландилар. Ўрунбекнинг юраги тез-тез тепа бошлади. Ҳомон унинг кўз олдида кўркам кишлоғи, мевазорлар, Анвархон ва кўзичоғи Рақибжон гавдаланар эдилар. Ўрунбек ширин тушдан бирдан катта ташвишга тушиб қолди. Унинг меҳрибонлари таҳлика остида, Ватани, бахт-саодати хавф остида. Унинг дилу жони ўртанди, гўё кўксига рақиб ханжари ботгандай бўлди. Аъзойи бадани жимирлаб кетди. Бутун вужудида йигитлик ору номуси, қахру ғазаб кайнаб кетди.

2. Биринчи жанг

Жанг қиёматдай қизиб, коп-қора қуюқ тутун тўсди. Ҳавода немис қузғунлари шўнғимоқда. Зенит тўплари тинимсиз отиб турмоқда. Қардош Украина шахри Таганрог аланга ичида. Бу Ўрунбек учун биринчи жанг эди.

– Ўрунбек, қалай, уруш кўрқинчли бўларканми? – деб сўради расчёт командири Илья Стонякин. Ўрунбек жавоб бермади.

– Нималарни ўйлаябсан? – деб Стонякин тагин сўради.

– Хотиним, ўғлим, қишлоғим эсимга тушиб кетди. Мен уларни ўйласам кўрқув нималигини унитаман.

Ўнг флангдан қисмларимиз орқага чекина бошладилар, чап томонда, денгизда ҳам шиддатли жанг бошланиб кетди. Бош устидан снаряд ва миналар чийиллашиб ўтмоқда. Расчётнинг ҳамма жангчилари ерга ётиб олган. Ўрунбекнинг ёнида ётган Мўминжон ўртоғининг қулоғига астагина, титроқ овоз билан шивирлади:

– Жуда ваҳима-ку! Немислар бизларни қуршаб олишяпти. Нима қиламиз энди?..

Ўрунбек Мўминжонга шундай даҳшат ва эътироз билан қарадики, Мўминжон бу қарашга чидаб туrolмай, айтган гапига минг пущаймон қилиб ерга қараб қолди.

– Бор, – деди фиғони чиққан Ўрунбек Мўминжонга қараб ва қўли билан немислар томонини ишора қилиб, – бориб айт немисга: олсин Таганрогни, Волгагача борсин. Ўролни олсин, пахтазорларингни олсин, анор боғларингда хотининг ва синглинг билан айшу ишрат қилсин, муштипар онангни ҳақоратласин, хўрласин! Сенингча, шундайми? Қани сенда ору номус деган нарса, биродар?!

Мўминжон ўзини аранг ўнглаб олиб оҳиста бошини кўтарди ва бошини сал чапга буриб, тишини тишга қўйиб қандайдир бир нуқтага қаттиқ тикилиб олган ҳолда Ўрунбекка бундай деди:

– Кечир, дўстим. Сўзимни қайтиб олдим. Мендан номардлик чиқмайди. Ишонишингни сўрайман.

«Ўт очилсин!» деган команда берилди. Ўрунбек жанг бошлади. Унинг миномётидан катта йўлда келаётган фрицлар тўла душман машиналари колоннаси устига тўхтовсиз миналар ёғила бошлади. Биринчи мина машиналарга тегмади. Ўрунбек қизиб кетди, кўзларига қон тўлди,

юзлари лоладай қизарди. Душманга қарши нафрат ила тўла юраги ўртанар эди. Иккинчи мина тўғри бир машинага бориб тушиб уни парча-парча қилиб юборди. Ўрунбекнинг ғайрати тошиб кетди. У кетма-кет мина отаркан, «мана сенларга, лаънатилар!» деб қичқиради эди.

Совет миномётчиларининг шиддатли ўтидан деярлик бир километрлик йўл немис солдатлари ва машиналарининг мазорига айланди. Уларнинг устида пайдо бўлган қуюқ қора тутун жуда секинлик билан тарқалар эди...

3. Бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади

Қисмларимиз тун бўйи қаттиқ жанглар қилиб Таганрогни ташлаб чиқдилар. Юзлаб тўпларнинг гумбирлашидан энди Ростов ларзага келди. Шаҳар устини уруш тутуни қоплади. Ёнғинлар шуъласи қоронғи кечани ёритиб юборди.

Эрталаб яна кучли олишув бошланди. Ўрунбек Ёқубов ўз миномёти билан энг муҳим участкадаги бир позицияни ишғол қилди. Бу томонга душман кўп куч ташлаган эди. Совет аскарларининг позициялари артиллерия ва миномётдан қаттиқ ўтга тутилди. Мўминжон ўнг қўлидан яраланган бўлса ҳам, чап қўлини ишга солиб гитлерчилар устига ажал уруғи юборишни бўшаштирмади. Қонга ботиб чуқур ичида ётган азамат Стонякин ҳам ҳомон ўз миномётчиларига команда беришни давом этдирди. Взвод командири Варишкин ўқ еб Ўрунбекнинг оёғи остига келиб йиқилди. «Йигитлар! Менинг қоним учун ўч олинсин!» – деди у. Бу унинг охирги сўзлари эди.

Ўрунбек командирининг азиз бошини оҳиста кўтариб тиззасига қўяр экан, «то сўнги нафасим чиққунча бу газандалардан шафқатсиз ўч оламан» деди ва:

– Қаҳрамонларча шаҳид бўлган ўртоқларнинг жони учун! – деб Ўрунбек ўзига ўзи команда берди. Яна бир неча ўнлаб миналар гитлерчилар устига томон учди. Аммо душман қутириб, ўз ўликлари устидан босиб ўтиб яқин келаверди. Ўрунбек билан Мўминжон кадрдон жанговар дўстларининг қонлари тўкилган ерни ўпиб, улар билан охирги марта видолашдилар...

Ўрунбек янги дўстлари билан биринчи марта Кавказда учрашди. Улар ҳали жанг кўрмаган, чекинишдек оғир нарсанинг алам ва изти-

робини чекмаган ёш йигитлар эдилар. Улар хушчоқ-чоклик билан хазиллашар, ўйин-кулги қилишардилар, ашулалар айтар эдилар. Лекин буларнинг ҳаммаси Ўрунбекка татимас эди. У доим камгап, жиддий қиёфада. Сиймосидан дилида кўп дарду аламлари борлиги, вужудини қахру ғазаб ва душманга нисбатан оташин нафрат қийнаётганлиги баралла кўриниб турар эди. У жанг қилиб ҳали хумордан чиқмаган шердай гоҳо атрофига боқар, гоҳо эса бир нуқтани топиб олиб киприк қокмасдан, узоқ вақтгача тикилиб қолар, нималардан ўйлар ва хаёл дарёсига чўмар эди.

Бир куни у шу йўсунда чуқур сукут қилиб ўтирар экан, биров келиб: «Салом, Ўрунбек!» – деди. Бу киши батальон тишкилотчиси лейтенант Кулешников эди. Ўрунбек ирғиб турди ва лейтенант билан саломлашди. Улар ўтирдилар. Кулешников ҳол-аҳвол сўраб қолди.

– Ўрунбек, кейинги вақтларда сен жуда хафа кўринасан, нима сир ўтди?

– Нимани ҳам айтай, – деди Ўрунбек бошини баланд кўтариб ва унинг овози титраб кетди, – шармадаларча чекинганимизими? Бундан ортиқ яна қандай алам бўлиши мумкин? Сўраб нима қиласиз, ўртоқ лейтенант? Дунёда виждон ва ору номус азобидан кучли азоб бўлмас.

– Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, – деди лейтенант. – Тўғри айтасан. Лекин бир сен ё мен эмас, бутун халқимизнинг виждони азобда. Бу виждон исён кўтармоқда. Бу виждон билан биз у шаҳар ва кишлоқларни, бутун Ватанимизни ёвуз душмандан тозалаймиз. Бу виждон танкка, ҳарбий усталikka, жасорат ва матонатга, ҳужумкорликка айланмоқда. Душманнинг ҳужуми тўхтадилди, юзлаб дивизиялари ҳолдан тойдирилди. Ҳадемай кўшинларимиз душман устига шердек ҳамла қиладилар.

– Шундай кунлар келармикан? – деди Ўрунбек. Унинг кўзлари порлаб кетди. Чехрасидан ялт этиб офтоб чиққандай бўлди.

– Келади, албатта келади. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталин айтганидек, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади, – деди парторг ва кўлидаги газетани унга узатди.

4. Фақат олға

Ўрунбек қувончли кунларга эришди. Қизил Армия дахшатли хужуми бошланди. Артиллерия гумбирлашлари Сталинграддан Кавказ тоғларигача еру кўкни титратди. «Олға, фақат олға!» деган хитоб барча командир ва жангчиларнинг ягона шиори бўлиб қолди. Бу дахшатли хужум тўлқуни ичида Ўрунбек ҳам ўз ўртоқлари қаторида шиддат билан ғарбга борар эди.

Ўрунбек Днепрдан кечиб ўтганда энди коммунистлар партиясига мансуб эди. Унинг миномёт расчёти биринчилар қаторида ўнг қирғоққа ўтиб олди. Улар шапалоқдай ерни эгаллаб, окопланиб олдилар. Жангчилар Ватаннинг бу табаррук тупроғини кўзларига суртиб тенгсиз жангга тайёрландилар. Гитлерчилар кутириб контратака билан ҳаракат қилди. У тўққиз марта позициясини ўзгартирди. Унга душман яқин келиб қолганда 75 метрга мина отишга ҳам тўғри келди.

Бирдан мина тамом бўлди. Аҳвол жиддий тус олди. Ўрунбек кўлига автомат олиб илгари ташланди ва икки кўлини баланд кўтариб шердай наъра тортди:

– Атакага, йигитлар! Ё ғолиб чиқамиз, ё шаҳид ўламиз!

Эрталаб мадад етиб келганда баҳодир миномётчилар немислар билан ҳомон қаттиқ жанг қилаётган эдилар. Унинг синган автоматининг стволини қўлда тутиб олган ҳолда жанг майдонида душманга ташланётганини кўрган старший лейтенант Донин хайратда қолди...

Днепр орқада қолиб кетди. Бир куни Н-чи миномёт қисми учун катта шодлик куни бўлди. Барча жангчи ва офицерлар Ўрунбекни юксак ном билан – Совет Иттифоқининг Қаҳрамони унвони билан табрикладилар. Ватан яна бир ўзбек йигити бошига шуҳрат тожини кийдирди.

5. Бахтли дўстлар

Бугун Ўрунбек Ёкубов ҳам шод, ҳам хафа. У шунинг учун шодки, бугун младший лейтенантлар курсини битириб ўз қисмига қайтиб келди ва олдинги доирадаги иссиқ землянкада ўзининг эски жанговар дўстларини – Илья Стонякинни, Шафиевни, Римарёвни ва Ҳожиповни учратди. У бу дўстлари билан қайғули дамларда ажрал-

ган эди, энди тарихий ғалабалар шодлиги билан тўла дамларда яна учрашди. Фронтда бирликда жанг қилган дўстлар билан учрашишдан ортиқ шодлик бўлиши мумкинми, ахир?!

Иккинчи томондан, Ўрунбек шунинг учун хафа эдики, бугун унга ўзининг кадрдон ва севимли, шонли ва содиқ даҳшатли курули – 82 миллиметрли миномёти билан хайирлашишга тўғри келди. У бу жонсиз жанговар дўстига узоқ вақт тикилиб қаради, ундаги ўйма рақамга – 528 га кўзи тушиб бутун жанговар ўтмишини эслади. 1939 йили Ўрунбек аскарликка келиб, биринчи марта шу миномёт билан танишди, уни севди, авайлади, асради, унда отишни машқ қилди. У шу миномёт билан биринчи жангга кирди, неча юзлаб гитлерчиларни кирди, неча ўнлаб нуқталарини, ДЗОТларни қўпорди. Энг қийин ва оғир вақтларда ҳам у бу қуролдан ажрамади, уни орқасига кўтариб сув ва батқоқлардан, даръёлардан кечиб ўтди, тоғлар ва доvonлардан ошди.

Қахрамон пировардида бу шонли совет қуролининг муздек совук стволига қизғин лабларини босиб ўпди ва шу сўзларини айтди:

– Хайр, содиқ миномётим. Раҳмат сенга. Раҳмат сени ижод қилган рус олимига.

Ҳақиқатан ҳам бахтли дўстлар. Улардан бири шуҳрат қозонган совет курули сифатида Қизил Армия музейига жўнатилмоқда, иккинчиси эса янада зўр ғайрат ва ҳиммат билан шердай жанг қилиш учун, Берлинга бориб ғалаба байроғини тиклаш учун ўз халқининг боҳодир вакили ва оташин ватанпарвари сифатида совет ботирлари сафида қолмоқда..

ФАШИСТНИ АЁВСИЗ ҚИРГАНИМ-ҚИРГАН

Биз миномётчиларга олдимизда турган даръедан ўтиш, даръенинг у томонига жойлашиб пиёда аскарларимизни ҳимоя қилиш вазифаси топширилган эди. Бўлинмамиз капитан Долбешкин бошчилигида кечаси даръенинг нариги томонига ўтди ва тўсатдан ҳужум қилиб кичик бир аҳоли пунктини душмандан тозалади. Бизни кутмаган душман нима қилишини билмай довдираб қолди ва 6 автомашинасини ташлаб қочди.

Лекин озроқ вақт ўтгач душман контратакага ўтди. Аскарларимиз кўрқиб нималигини билмай шердек олишардилар. Улар ҳар сафар куроллардан даҳшатли ўт очиб фашистларни аёвсиз кирдилар. Немислар бир неча ўн кишидан иборат совет баҳодирлари олдига бетлаб келолмадилар. Икки кун давом этган жангда бўлинмамиз 120 немис солдат ва офицерини кириб ташлади. Шу жангда ўз миномётим билан мен ҳам қатнашдим.

Мен Висла дарёсида бўлган жангларга ҳам қатнашдим. Ҳамма жойда ҳам аскарларимиз душмандан устун жанг қилдилар. Бошқа аскарлар қаторида мен ҳам ҳар қандай шароитда душманга омон бермасликни ўргандим.

Гвардия ефрейтори Ш.Соҳибов

ПУЛЕМЁТЧИ ХОЛМИРЗАЕВНИНГ ҒАЗАБ КУЧИ

Участкамизда жимжитлик ҳукм сураб эди. Гвардиячилар ўз окопларида мириқиб махорка чекиб ўтирар эдилар. Шулар ичида куёшли Ўзбекистон ўгли пулемётчи Абдураззоқ Холмирзаев ҳам бор. Бирдан узокдан шовқун товуши эшитилди. «Тайёрланингиз! Немислар келмоқда!» деган команда берилди. Гвардиячилар кўз очиб юмгунча жангга шайландилар.

Атака қилиб келаётган маст-аласт гитлерчилар ўзларининг ғалча тилларида нима балолар деб бақирар эдилар. Улар ўзларининг шовқун-суронли шундай атакалари билан бизни чўчитмоқчи бўлдилар. Лекин натижа улар ўйлаганча бўлиб чиқмади. Аксинча, гвардиячилар бундай пайтларда уларни оташин нафрат билан қарши оладилар. Чўчидигон анойи йўқ. Молдай босиб келаётган немисни кўриб кўркув босмайди, балки бутун вужудни қаҳру ғазаб ўти ёндириб юборади. Мальунни киймалаб ташлагиси келади кишининг. Ўлим кўзга кўринмайди.

Абдураззоқ ҳам шунақанги. «Немисни кўрсам ғазабимга чидай олмайман», – дейди у. У бундай маст немислар галасини кўп кўрган ва қандай қарши олишни ҳам билади.

Абдураззоқ ҳар галгидай бу гал ҳам гитлерчиларни яқин келтириб бир сидра ўт очди. Воҳима қилиб кучайиб келаётган фриц-

лар ерга қапишиб олдилар. Абдураззоқ ҳам жим бўлиб, яна пойлади. Гитлерчилар яна ўринларидан турдилар, лекин ҳаммалари эмас. Улар бакиришиб тагин 10 – 15 қадам чопишлари билан яна Абдураззоқнинг пулемёти сайраб кетди. Гитлерчилар тутдай тўкилдилар. Қолган-қутганлари жонларини ҳовучлаб бадар қочдилар.

Абдураззоқ икки йилдан бери душманни мана шу хилда қон-қақшатиб келмокда.

Гвардиячи қизил аскар Хомиджон Қобилов

1945 ЙИЛ 18 ЯНВАРЬ. №5 (290)

БИЗ КУТГАН КУН КЕЛДИ

Биз колхоз даласида энди кечки салқинда чопикни давом этдирамиз деб турганимизда мудҳиш хабар келди. Фашистлар Германияси мамлақатимизга маккорлик билан ҳужум қилгани маълум бўлди. Дарров колхоз шийпонида митинг бўлди. Мен сўзга чиқиб, фронтга бориб, кетманимни милтиққа алмаштириб, Ватан учун жанг қилишни талаб этдим. Бу 1941 йилнинг 22 июнь куни бўлган эди. Ўша куни бизга қарши бошланган уруш, мана, энди охирига яқинлашаётир. Кўплар қаторида мен ҳам қўлимга қурол олдим. Кўп жангларда, шу жумладан, Днепр, Висла бўйларида, Карпат тоғларида бўлган жангларда қатнашдим. Талай немисни ўз ўқларимга дучор қилдим. Икки фашистни асир қилиб олдим. Ўзим ҳам икки марта ярадор бўлиб тузалдим. Лекин мен ҳали ўз муддаомга етганим йўқ – гитлерчи босқинчилар ҳали батамом қирилиб битганлари йўқ. Уйимдан чиққан пайтимда гитлерчиларни йўқ қилиб, тинчлик ўрнатмаганимизча қайтмайман деб аҳд қилган эдим. Ҳозир ҳам шу аҳдимдаман.

Мана, биз кутган кун келди. Немислар устига қатъий ҳужум қилиб борганимиз ҳолда ҳар биримиз қандай бўлмасин кўпроқ гитлерчини қириб ташлаш фикридамиз.

**«Қизил юлдуз» орденли оддий аскар
Эргаш Ҳамрақулов**

НЕМИС ГАЗАНДАЛАР ЖАЗОДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛОЛМАЙДИ

Мен дахшатли курул – миномёт расчётининг командириман ва хозир қардош Польша тупроғини немислардан тозалаш жанглариди иштирок этаётирман. Расчётимда украин, қозоқ ва осетин халқларининг содиқ фарзандлари бор. Биз бир ота-онанинг болалари каби аҳил яшаймиз ва мардона жанг қиламиз.

Сўнгги вақтда бўлган жангларда миномётимизнинг кучли ўти билан немисларнинг 2 танкка қарши тўпини, 6 пулемётини яқсон қилдик ва 60 тача солдат ҳамда офицерини кириб ташладик. Гитлерчиларга қарши курашда махорат кўрсатганимиз туфайли расчётимдаги ҳар бир жангчи «Жасурлиги учун» медали билан ва мен «Қизил юлдуз» ордени медали билан мукофотландик.

Сержант Турғун Юсупалиев

НУРИДДИНОВ ОТДЕЛЕНИЯСИГА ОФАРИН

Иккинчи даражали «Ватан уруши» орденининг кавалери Собир Нуриддиновнинг отделенияси чекинаётган немисларни изма-из тақиб этиб ўрмон орқали ўтадигон йўлдан бормоқда эди. Кутилмаган бир вақтда пистирмада турган немис танки пулемётдан ўт очиб қолди.

– Жангчилар! – деди Нуриддинов. – Танкка ён томондан яқинлашиб бориб гранаталар билан яқсон қилинсин!

Вазият тез ва уста ҳаракат қилишни талаб этарди. Жангчилар ер бағирлаб танкка яқинлашдилар. Нуриддинов эса икки жангчи билан танкнинг яқинидаги дарахтлар панасида туриб танкнинг башнясидаги кузатувчи тешиқларига ва пулемёт стволига қараб ўз қуроқларидан ота бошладилар. Шундан кейин танк дарахтларни синдириб,

йиқитиб уч баҳодирни эзиб ташлаш учун илгари қараб силжиди. Шу вақт танкнинг ўрмаловчи занжирлари тагида гранаталар портлади. Танк таққа тўхтади. Нуриддинов икки жангчи билан танк ёнига югириб борди.

– Аблахлар, таслим бўлдингиз! – деб қичқирди у автоматининг кўндоғи билан қопқоғига қоқиб. Ва экипаж овоз чиқазмай турди. Шундан кейин Нуриддин танк моторига гранаталар... ирғитди. Танк ёна бошлади. Шу вақт танкнинг бари қопқоғи очилиб, бир неча немис кўлларини кўтариб чиқара бошлади. Аммо отилган автомат ўқи билан шу ҳолда қотиб қолди. Танк ичидан рус тилда «Отманглар, таслим бўламиз» деган овоз эшитилди.

– Қани, бу ёққа чиқ, душман! – деди Нуриддинов. Уч немис танкдан чиқиб таслим бўлди. Ёвуз йиртқичнинг уясидан биринчилар қаторида Нуриддинов отделенияси Германия еридаги биринчи жанг шундай ботирлик кўрсатди.

«Шухрат» ордени кавалери, оддий аскар Холжаъфар Эгипоев

1945 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛЬ. №8 (293)

МАНФУР ДУШМАННИ ЎЗ УЯСИДА БАТАМОМ ЯНЧИБ ТАШЛАЙМИЗ!

«Немисларни ўз уясида янчаётирмиз»

Душман, кўшинларимизнинг даҳшатли ва шиддатли зарбаси остида ўз уясининг ичкарасига томон чекиниб борар эди. Орденли лейтенант Егоровнинг танк экипажи Н. даръёсига яқин жойда душманнинг орқа томонига ўтиб, немисларнинг аръергард кучларини разведка қилиб келиш тўғрисида жанговар топшириқ олди.

Танк тун қоронғисида илгари силжиди. У узоқ бормай, пистирмада турган бир фашист «йўлбарс»ига дуч келди. Маккор гитлерчилар Егоров экипажи жуда яқин келиб қолганини пайқаб ўз тўпининг оғзини танкимизга томон бура бошлади. Орадан бир неча секунд ўтди, халос. Шу вақт ичида немислар то тўпини тўғрилайман дегунча улуғ Ленин шаҳри етиштирган Викторов механик-водитель бўл-

ган бу танк унинг усталик билан қилган ҳаракати натижасида дар-хол немис танкининг орқа томонига ўтиб олди. Урушгача Наманган область театрининг актёри бўлган, ҳозир эса шу танкнинг тўпчиси старшина Юсуфжон Нишонов чакконлик ва дадиллик билан ҳаракат қилиб кетма-кет икки снаряд узди. «Йўлбарс» ўша замони гувуллаб ёна бошлади. Егоров танки душман пистирмасини яксон қилиб яна анча олға босди ва кўпгина керакли маълумотлар тўплади.

Немис Германияси чегарасида бўлган мана шу жангдан сўнг мо-хир танкчи-тўпчи старшина Нишонов «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. Бундан ташқари, унинг кўкрагини яна «Жасурлиги учун» ва «Сталинград мудофааси учун» медаллари, «Аълочи танкчи» ва «Гвардия» значёклари безаб турибди.

Яқинда душман шаҳарларининг бири бўсоғасида бўлган қаттиқ жангда Егоров танки бир оз шикаст еди. Нишонов эса ярадор бўлди. Лекин гвардиячи Нишонов ўз танкидан мутлақо ажрамайди.

– Мен, – дейди Нишонов, – немис босмачилар Ватанимизга иф-лос қадам қўйган дастлабки пайтлардаёқ жирканч душман мако-нида, Германия тупроғида жанг қилишни орзу қилган эдим. Мана, ҳозир шу олийжаноб орзумга эришдим. Фашист ҳаромзодаларни ўз юртида, ҳаққоний ўз уясида гвардиячисига шафқатсиз янчишда иштирок этаётганим учун фахрланаман. Биз шиддатли ҳужумимиз натижасида ҳозиргача разил Гитлер қуллигида азоб-укубат тортиб келган опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни умрбод озод қилдик. Энди гитлерчи босқинчиларни ҳеч нарса муқаррар ҳалоқатдан қут-қазиб қолалмайди. Биз зафарли байроғимизни баланд кўтариб, совет куралининг шуҳратини тўхтовсиз ортдириб, йирткич немиснинг ўр-дасига – Берлин томонга бораётимиз.

Лейтенант Егоров танки икки кеча-кундузда ремонтдан чиқиб яна қудратли жанговар машиналар сафидан ўрин олди. Ўз постида – қудратли тўпи ёнида ҳозир ҳам аввалгидек хушъёр ва дадил турган гвардиячи Юсуфжон Нишонов совет ватанпарварлигига хос ажойиб мардлик билан немис-фашист итваччаларга нисбатан чексиз ғазаб ва нафрат билан илгари босмоқда.

Старшина Ф.Ёкубов

МУҚАДДАС ҚАСОС

«Шухрат» орденининг кавалери Исмоил Шоаҳмедов ҳам мудофаада туравериб бошқа жангчилар каби бетоқат эди. Хужум бошландио гўё ҳамма қанот чиқарди. Мислсиз қатта хужумдан дарак берган, еру кўкни титратган артиллерия садоси ғайратларни тоштириб юборди.

Шоаҳмедов ўз окопида шайланиб, атакага ўтиш тўғрисида команда берилишини кутарди. Кўзлари порлаб ёнарди, бутун вужудини эса жасорат чулғаб олган. Ниҳоят, пайти келди. Отделение командири Прошиннинг «Атакага!» деган командаси эшитилди. Шоаҳмедов отделениеда биринчи бўлиб окопдан ирғиб чиқди ва шердай наъра тортиб олға босди. Тирик қолган немислар бирдан траншеялардан ўт очди. Прошин ярадор бўлиб йиқилди. Шоаҳмедов жангчиларга: «Мендан кейин қолманглар!» – деб қичқирди. Бир зумда уларнинг душман траншеясига жанги бошланиб кетди. Шахсан Шоаҳмедовнинг ўзи уч немис солдатни отиб ташлади. Қизил аскар Микола Петренко найза билан икки фрицнинг ичак-чавағини ағдарди. Жангчи Драздов бир граната билан уч гитлерчини ўлдирди. Қолган 6 немис отделение қуршовига тушиб қолиб, қуролларини ташлаб қўл кўтара қолишди.

Отделениенинг ёш командири ташаббускор жасур аскар Шоаҳмедов шиддат билан немисларни қувиб ғарбга томон интилди. Тонг пайтида Шоаҳмедов ўз отделенияси билан душманнинг танкка қарши тўпи ёнига жуда яқин бориб қолганини пайқади. Орқадан совет танклари келаётган эди. Немислар тўпдан ўт очдилар. Шоаҳмедов душман тўпининг расчётини дарҳол тор-мор келтиришга қарор қилди. Жангчиларига ер бағирлаб тўпга янада яқинроқ эмаклаб боришни буюрди. Тўп позициясигача 60 метр қолганда Шоаҳмедов бошлиқ довиюраклар автоматлардан залп билан ўт очдилар. Душман тўпининг расчёти батамом қириб ташланди.

Хужум тобора авж олди. Бир жойда гитлерчилар кўприк ёнида ўрнатилган станокли пулемётдан ўт очиб аскарларимизнинг шаштини қайтаришга уриндилар. Жангчилар ерга ётиб олдилар. Булар ичида Шоаҳмедов отделенияси ҳам бор эди. У бу гал ҳам ташаббускорлик

ва қахрамонликнинг янги хилини намоиш қилди. Шоаҳмедов ўзи билан бирга икки жангчини – Соловьёв ва Самат Насриддиновни олиб, ер бағирлаб кўприкка қараб интилди. Соловьёв билан Насриддинов чаккон ҳаракат қилиб йўлнинг нариги томонига ўтиб олди. Шоаҳмедов билан андармон бўлди. «Айни мудао бўлди», – деди у ичида. Худди шу пайтда немисларнинг бурни тагига бориб қолган Соловьёв билан Насриддинов гитлерчилар бошига гранаталар ирғитдилар. Совет асарлари немислар жасади устидан босиб ўтиб яна олға ғарбга қараб кетдилар.

Қисмларимиз сув маррасига етдилар. Сув яқинидаги ёлғиз уйдан немислар қаттиқ ўт очишди. Уларнинг мақсади аскарларимизнинг йўлини тўсиб туриб, ўз сапёрларига кўприкни портлатишга фурсат бериш эди. Шоаҳмедов отделенияси шу уйни қуршаб олди.

– Битта ҳам гитлерчи тирик чиқазилмасин! – деб амр қилди у. Ғазаблари тўлиб-тошган жангчилар уй деразаларига кетма-кет граната ирғита бошладилар. Жангчилардан Николай Кузин ва Асад Холмирзаевлар уйга бостириб кирдилар. Улар орқасидан бошқа жангчилар ҳам эрашдилар. Жанг узоқ давом этмади. 7 немис қаршилик кўрсатиш беҳудалигини англаб қўл кўтариб таслим бўлди. Кўприкни портлатишга имконият берилмади. Бошқа отделенияларнинг жангчилари немис сапёрларини тор-мор қилдилар. Совет аскарлари сув маррасидан ўтиб олиб, душманни таъқиб қилиб олға кетдилар. Бир аҳоли пункти учун бўлган олушув қўл жангига айланиб кетди. Немислар ғиштдан ясалган катта бир бинога ўрнашиб олиб қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Шоаҳмедов отделениясининг жасур жангчилари уйга бостириб кирдилар. Шоаҳмедов икки немисни отиб ташлади ва ўзи ярадор бўлди, лекин жанг қилишдан тўхтамади.

Бир аҳоли пункти учун бўлган олишув қўл жангига айланиб кетди. Немислар ғиштдан ясалган катта бир бинога ўрнашиб олиб қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Шоаҳмедов отделениясининг жасур жангчилари уйга бостириб кирдилар. Шоаҳмедов икки немисни отиб ташлади ва ўзи ярадор бўлди, лекин жанг қилишдан тўхтамади. Қизил аскар Фёдор Дудкин 3 немисни найзалаб ўлдирди. Бу вайронада 14 малъуннинг ўлиги қолди.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди оддий аскар Шоаҳмедов отделенияси душманни ўз уясида ана шу тарзда шафқатсиз урмоқда ва янчимоқда. Шоаҳмедовни ва унга ўхшаш миллионларча совет жангчиларини муқаддас қасос ўти Берлингача олиб боражак.

Лейтенант Кимсан Қосимов

1945 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ. №9 (294)

КОМАНДИРНИНГ ҚОНИ УЧУН

Хужум қилиб бораётган бўлинмамиз катта бир аҳоли пунктига етиб борганда, душман контратакага ўтди, бир неча юз пиёда аскарларини бизга қарши ташлади. Жанг тартибимизда жиддий вазият юз берди. Шу пайтда батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари старший лейтенант Аброр Қориев аскарлар орасига бориб тезликда вазиятни уларга тушинтирди. Аскарларни оташин сўзлар билан гитлерчиларга қарши мардлик кўрсатиб жанг қилишга руҳлантирди.

Олтинчи рота районида аҳвол мушқуллашди. Немислар шу томонга кўпроқ интилдилар. Қориев буни пайқади ва шу рота аскарлари ўртасига борди. Рота командири билан биргаликда душманга қандай зарба бериш чораларини белгилаб чиқди.

– Бугун ҳалок бўлган биродарларимиз учун гитлерчилардан ўч оламиз, аблаҳларга шафқат қилмангиз! – деди Қориев ва ўзи ҳам аскарлар билан бир сафда туриб қаҳрамонона жанг қилди.

Жанг авжи қизиган пайтда Қориев оғир ярадор бўлди. Кўп қони оқиб, дармонсизланган бўлса ҳам, у қатордан кетмади.

– Бўш келмангиз, дўстларимиз, мен сизлар билан биргаман, – деб хитоб қилди у. Аскарлар немисларни аёвсиз қирдилар, севикли раҳбарнинг қони учун гитлерчилардан ғазаб билан ўч олдилар. Душман берган зарбамизга чидаш беролмади, кўп ўлик колдириб орқага чекинди.

Жангдан кейин аскарлар Қориев ёнига тўпландилар. Улар қаҳрамон офицерни госпиталга узата туруб унга янада қаттиқроқ жанг қилишга, Қориевнинг ва бошқа ўртоқларнинг тўкилган қонлари учун немислардан ўхшатиб қасос олишга қасамёд қилдилар ва илгари босдилар.

Лейтенант У.Музаффаров

КОМСОМОЛЛАР ПИНЧУК ВА АЛИМОВНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўқчи бўлинма Одер даръёсидан кечиб ўтишга тайёрланарди. Шунга кўра даръёсининг томонида бўлган душман кучларини разведка қилиш керак эди. Бу масъулиятли қийин вазифани разведкачи комсомоллар Пинчук ва Алимовлар кўнгилли сурагта ўз устиларига олдидилар.

Бу икки азамат гвардиячи пухта шайланиб, топшириқни бажаришга киришди. Улар ўртаернинг юпқа музлари усидан секин нариги қирғоққа ўта бошладилар ва ҳадемай дарё лабига яқин жойдаги бир уйга етиб кирдилар. Шу ерда туриб диққат блан душманни кузата бошладилар.

Керакли малумотлар тўплангач Пинчук орқасига қайтиб келди ва кузатган ҳамма нарсани командирга бирма-бир сўзлаб берди. Алимов бўлса ўша жойда қолиб кузатишни давом этдираверди.

Лекин немислар бу уйда совет разведкачиси борлигини пайкаб қолиб, бу разведкачини тириклайин асир қилиб олиш пайига тушдилар. Бир группа фашистлар уйга яқинлашди. Улардан бири уйнинг туйнугига чиқиб Алимовга ташланган эди, азамат разведкачи унинг томоғидан хиппа бўғиб нафасини чиқармай кўя қолди. Бир оз ўтгач яна тўрт гитлерчи туйнукка чиқа бошлади. Қаттиқ жангда баҳодир Алимов бу тўрт фашистнинг ҳам масаласини ҳал қилди ва то пиёда аскарларимиз етиб келгунча ўз постида маҳкам турди.

Рота комсомол ташкилотчиси ва рота комсомоллари, агитаторлар комсомол разведкачилар Пинчук ва Алимовнинг шуҳрати тўғрисида ўша куннинг ўзидаёқ бутун жангчиларга сўзлаб бердилар.

Ҳозир Одернинг у томонидаги плацдармда мардона жанг қилаётган Н-чи ротанинг ёш аскарлари бу ажойиб қаҳрамонлардан намуна олиб гвардиячилик шуҳратини янада ортдириш учун душман устига шердек ташланиб уни ўз уясида янчиб ташламоқдалар.

Гвардия майори А.Хартюменков.

Майор Г.Шатунов

НЕМИС ҚУЗҒУНИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

Биз постда турар эдик. Бирдан биз турган районда икки немис самолёти пайдо бўлиб қолди. Душман самолётларига қараб зенит тўп-ларидан ва бошқа қуроллардан кучли ўт очилди. Ҳаммаёқни отиш овози босди.

Немис қузғунлари атрофини ўраб олган ўт тўсиғидан чиқолмай шошиб қолди. Орадан сал ўтмаёқ бир фашист калхати қуюқ қора тутин ичида қолиб ерга ағдарилиб тушди ва ёниб кетди. Иккинчи самолёт эса зўрға қочиб қутилолди. Мен ва ёнимдаги шерикларим бу немис қузғунини ким уриб туширганлигини дарров билолмадик. Лекин бир оз вақт ўтгач самолёт уриб туширганлар ҳаммага маълум бўлди: булар – қорақалпоғистонли Ортик Матёқубов ва хоразимли Бозорбой Нурматовлар экан. Буларнинг ҳар иккови ҳам ҳукумат мукофатига тақдим этилди.

Оддий аскар М.Ботиров

ДУШМАН ПИСТИРМАСИ ЯНЧИБ ТАШЛАНДИ

Гвардия сержанти Совченко отделенияси бўлинманинг жанг тартибида илгари босарди. Бирдан автомат ва винтовка ўқлари визиллаб қолди.

– Олдинда-ку мудофаа иншоатлари йўқ. Бу аблахлар қаерда яшириниб олган экан? Ёки ана у ...

Отделения бораётган томонда, рўпарада, тахминан икки юз эллик метрча нарида катта тўп снарядлари портлашидан пайдо бўлган чуқурлар бор эди. Савченко «ўқ шу ердан отилган бўлса керак» деб ўйлади. У янглишмади. Чунки немислар чекина туриб шу ердаги бир неча чуқурда пистирмалар қўйиб кетган экан.

Фашистларни шу чуқурларнинг ўзида сарамжонлашга аҳд этган Савченко битта ҳам гитлерчини тирик чиқариб юбормаслик учун чу-

курларни қуршаб олиш пайига тушди. У ўз отделениясидаги жангчиларни уч группага бўлди.

Группаларга бўлинган жангчилр жуда усталик билан ҳаракат қилиб чуқурларга 25 – 20 метргача яқин бордилар. Ана, кучли қизил аскарлик «ура»си янгради. Жангчилар олдин устма-уст гранаталар ирғитиб, кейин уч чуқурга ҳар томондан шердек ҳамла қилиб бордилар. Бир чуқурга бостириб тушганлар орасида оддий аскар Муслим Тўхтаев ҳам бор эди. Булар группаси чуқурга ёриб кирган пайтда бир фашист Муслимнинг дўсти Сергей Сорокинни қаттиқ ярадор қилди. Тўхтаев чуқурга сакраб тушганда рўпара келган бир гитлерчини кўкрагидан отиб ташлади-да, Сергейни ярадор қилган фашистни эса кучли қўллари билан бўғиб ўлдирди.

Азамат Савченко чуқурлардан бирида ёлғиз ўзи тўрт немиснинг ўртасида қолди. Аммо у шошиб ёки эсанкираб қолмади. Балки мардона жанг қилди. Қўл олишуви қизиқ турганда Тўхтаев унга ёрдамга келди. Худди шу пайтда тирик қолган икки фашист Савченкони ерга йиқитиб, унинг бўйнига қўл юборган эди. Тўхтаев автомат қўндоғи билан бир немиснинг бошига туширди. Миясининг қатиғи ўйнаган немис ўша замони тил тортмай ўлди. Шеригининг аҳволини кўрган иккинчи немис эса шишиб-пишиб қўлини кўтариб таслим бўлди.

Савченкoning қарори тўғри чиқди. Таслим бўлган 3 фрицдан бошқа 11 таси шу чуқурларнинг ўзига абадий жойлашди. Бўлинма-мизнинг илгари силжишига тўсқинлик қилмоқчи бўлган душман пистирмаси ўз тупроғида мана шу хилда янчиб ташланди. Бу жангда гвардия сержанти Савченко ва унинг жангчилари ўзларининг душманга бўлган нафратлари нақадар кучли эканини ва ҳарбий усталиклари тобора такомиллашаётганини яна бир марта намоиш қилдилар.

Сержант Нури Аҳмедов

ГИТЛЕР ГЕРМАНИЯСИНИНГ УЗИЛ-КЕСИЛ ҲАЛОКАТ СОАТИНИ ТЕЗЛАЙЛИК! ҲУЖУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Гвардия старшинаси Шоимов

Жангда солдатга осон эмас. Шунга қарамай, олдинги доирада замбараклар товуши тинганда, ҳорган жангчилар ўз окоплари ва блиндажларида дам олаётганда улар олдига қаёқдандир рота партия ташкилотчиси Абдулла Шоимов келиб қолади. Афтидан, унинг ҳам бошқалар сингари чарчаганлиги ва уйқуга тўймаганлиги кўри-ниб туради. Бошқалар каби у ҳам жангдан кейин шошилмай, секин, оҳисталик билан гапиради. Лекин Шоимов келганда ҳар бир сол-датда қандайдир рухланиш рўй беради, ўзини дадил ва тетик ҳис қилади. Солдатлар партия ташкилотчисини жасур раҳбар сифатида яхши кўрадилар. У гвардиячилар ўртасида толмас ва кўркмас ас-кар бўлиб танилган. Шоимов энг оғир минутларда ҳам кишиларни қаҳрамонликка илҳомлантирадиган ишлар қилишга ва сўз топишга кодир.

Партия ташкилотчисининг кўзлари ҳамиша кулиб боқади. Би-ронта солдат ғамгин ва маъюс кўринса, Шоимов дарҳол унинг око-пига ўрмалаб боради, унинг кўнглини олади:

– Хўш, нима бўлди, нега таъбинг хира? Кўп нарсаларни ўйлама. Ҳаммамиз бир кишимиз. Бирга жангга кирамиз. Кўнглингни бўшат. Чехранг очилсин.

Солдат унга дардини айтади ва кўнгли очилади. Висла даръёси бўйидаги плацдармда ана шундай эди. Ўша кунлари Шоимов келгу-си кунлар тўғрисида гапиришга орзуманд эди:

– Вақт-соати етадию ҳаммамиз зўр бир тўлқиндек душманни янч-гани немислар уясига, лаънати Германияга бостириб кирамиз.

Субҳидам чоғида булутли осмонга атакага чақирувчи ракета уч-ганда Шоимов биринчи бўлиб окопдан ирғиб чиқди.

– Олга! – деб қичқирди у. Партия ташкилотчиси қаватида жанг-чилар югириб бормоқда. Шоимов ҳансираган ҳолда немисларнинг биринчи қатордаги траншеясига сакраб кирди. Унинг ёнгинасига,

бруствер устига граната келиб тушди, лекин Шоимов чакқонлик қилиб ўзини таппа граншея тубига ташлади ва ўзининг бир гранатасини граншеянинг муйилишига ирғитди. Винтовкасини қаттиқ ушлаган ҳолда гранатанинг порглашини кутмасдан унинг кетидан югурди. У отган гранатаси ёрилдими, йўқми – билмайди. Шоимов муйилишда немисларни кўрди. Улардан иккитаси қонига беланиб жон бермоқда, учинчиси тиз чўкиб Шоимовга қараб ўқ узди, лекин тегизолмади. Гвардиячи винтовкасининг қўндоғи ҳавода бир айланиб зарб билан немиснинг бошига тушди. Бу гитлерчи ҳам тайёр бўлди. Шоимов граншея ичидан яна югириб кетди.

Турли жойларда гвардиячилар билан гитлерчилар ўртасида қизгин қўл жанглари бошланиб кетди. Шоимов эса ҳамма ерда хозир. У винтовкасини ўйнатиб немисларни гоҳ қўндоқ билан урмоқда, гоҳ найза санчиб ўлдирмоқда, гоҳ отиб ағдармоқда. Шу кунги жангда Шоимов етти немиснинг ястиғини қуритди. Кунлар ўта бошлади. Ҳужумимиз тобора авж олди.

Чегара яқинидаги катта бир қишлоқда немис артиллериячилари ва миномётчилари дам олмақда эдилар. Шоимов ротанинг энг олдида борар эди. Унинг ёнида яна бир жангчи ҳам бор эди (афсуски, қизгин ҳужум кунлари бўлганиданми, старшина унинг исмини сўрашни унитган). Улар қишлоққа етиб бориб у ерда немислар борлигини аниқладилар. Дарҳол Шоимов қаҳрамонона бир иш ўйлади. Икки гвардиячи қишлоқ четигаги уй ёнига писиниб борди. Бу уй олдида шатак машинага тиркаб қўйилган 105 миллиметрли немис тўпи турар эди. Шоимов уй орқасидан югуриб чиқди ва тўғри немисларга қараб ўхталиб уларнинг ўзларини ўнгириб олишларига имконият бермай автомат билан отиб ағдара бошлади. Гитлерчиларнинг эҳсоналари чиқиб кетди. Қишлоғда ваҳима бошланди. Шоимов фурсатни қўлдан бермай тўпни эгаллади. Ҳалиги жангчи унга тўпни ўқлашга ёрдам берди. Старшина эса немисларни ўз тўплари билан қонқакшата бошлади. Гитлерчилар батамом ваҳимага тушдилар. Улар курол-аслаҳа ва ўқ-дориларини ташлаб қишлоқдан қоча бошладилар. Шоимов снаряд орқасидан снаряд ота бошлади. Бу снарядлардан ўнларча немис ҳалок бўлди. Рота цепь бўлиб ёйилиб қишлоққа етиб келди. Душман тор-мор келтирилди.

Гвардия старшинаси Шоимовнинг Одергача босиб ўтган йўлидаги ҳамма жанговар ишларини санаб чиқиш қийин. Жасур гвардиячи ҳар бир жангда ҳаммага ўрнак бўлди. Рота немис шахрининг шимоллий четида қизгин кўча жанги қилгандан кейин даръё бўйига ёриб чиқди. Шоимов темир йўл вокзалидан ўтаркан, бир неча немисни ўлдириб Одер бўйига чиқди. У олдинда жуда кучли қилиб ишланган немис истеҳкомлари борлигини эшитган эди. Юпқа муз орқали даръёдан ўтиш анча хатарли. Шундай бўлса ҳам, Шоимов муз устига қадам қўйганда кўча жангларидадан кейин қутилиб қолган немис солдатларининг айрим группалари ҳали нариги қирғоққа етгунча йўқ эди.

Шоимов бир тўда жангчилар билан даръёнинг нариги бетидаги бир қишлоққа бостириб кирди. Немислар ҳар бир уйда деворни тешиб олиб пистирма қилиб ўтириб олган. Гитлерчилар гвардиячиларни пулемёт ва автоматлардан ўт очиб қарши олдилар. Жангчилар ётиб олдилар. Шоимов ҳам ётиб олди. Шоимов ҳам ётди, лекин кўп эмас, бир минутгина. У ҳаммаёқни кўздан кечирди, чамалади, бир оз ер бағирлаб илгарига ҳам силжиди. Яна ғоз туриб чопди ва яна ётиб олди. Писиниб, бекиниб бир уй ёнига борди. Қўшни уйдан унга қараб автоматдан ўт очилди. Шоимов ўзини муйилишга олди, нафасини ростлади. Гранаталарга запал қўйиб тайёрлади. Унгача ўртоқлари ҳам етиб келишди.

– Қаттиқ олишишга тўғри келади. Бўш келманглар. Қани, тайёр-мисизлар? Бошлаймиз!

Бошланди. Шоимов бошлиқ гвардиячилар уй орқасидан шердай ҳамла қилиб чиқдилар. Гранаталар портлай бошлади, автоматлар ўти немисларни қулатаверди. Шоимов саккиз немис кириб олган уйга яқинлашди. Гитлерчиларни қалин тош деворлар ҳимоя қилар эди. Гвардиячининг эса тўрт томони ҳам очиқ эди. Лекин, барибир, Шоимов ғолиб чиқди. Немислар уни пулемётдан ўққа тутдилар. Шоимов бир сидра ўқ чиқариб иккаласини ҳам ўлдирди. Шоимов шу куни уч уйни немислардан тозалади, 15 га яқин гитлерчини қириб ташлади.

Немислар қишлоққа куч ташладилар. Душманнинг моторлаштирилган пиёда аскарлари бир неча марта қаттиқ контратака қилди.

Уларга ёрдам учун немис бронетранспортёрлари ҳам етиб келди. Бизнинг жангчиларга қараганда немислар кўп эди, лекин гвардиячилар жуда қаттиқ туриб олишдилар. Одернинг нариги бетидаги плацдарм мустаҳкам эгалланди. Шоимов снаряд портлашидан ҳосил бўлган чуқурдан туриб гитлерчиларни қаҳри-ғазаб ўқлари билан отиб ташламоқда.

– Ўлсак ўламиз, лекин бу маррани яна кенгайтирамыз! – деб қичиради у ўз ўртоқларига. Душман кетма-кет контратака қилаверди. Қишлоқ бўсағаларини душман ўликлари қоплади, бироқ немислар ҳамон кутирмоқда. Шоимов немис автомашинасини кўрди. Унинг ёнида ярадор бронь тешучи қуролни олиб машина хийла яқин келиб қолганда уни ёндирди.

– Келавер, – ҳарамилар деди гвардиячи ўзбек йигити. – Энди сенларга Одерни кўриш қаяқда!

Гвардия капитани Н.Наумов

1945 ЙИЛ 1 МАРТ. №12 (297)

БИЗ ҚУДРАТЛИ СОВЕТ ВАТАНИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Майор Алексейев бўлинмасида Олий бош қўмандон ўртоқ Сталиннинг 5-чи сон буйруғига боғишланган митинг бўлди. Офисерлар ва жангчилар ўз сўзларида қудратли совет халқининг улуғ ғалабалари тўғрисида, шунингдек, ўртоқ Сталин томонидан қўйилган вазифалар тўғрисида гапирдилар. Сўзга чиққан «Шухрат» ордени кавалери гвардия старшинаси Маслов бундай деди:

– Улуғ лашкарбошимиз бизни хушбўр бўлишга яна бир марта чакирди. Биз ҳозир ёвуз йирткичлар – гитлерчилар ўсиб катта бўлган ифлос герман еридамыз. Ўртоқ Сталин кўрсатганидек, душман энг сўнги ва энг қабиҳ кураш воситаларига ёпишмоқда ва ёпишажак. У бизнинг орқа томонимизда жосуслар ва диверсиячилар қолдириб кетмоқда. Ҳамма вақт шай бўлиш зарур!

Минбарга оддий аскар Дадажон Юсупов чиқди.

– Биз лаънати душманни унинг ўз ерида янчаётганимиз учун фахрланамиз ва мамлакатимиз халқларининг дўстлик кучи немис бронидан ҳам кучли эканини яна бир марта намоёйиш қиламиз. Ана шу қудратли куч бизни Германиянинг ичкарасига, Берлинга олиб бо-
ради.

– Биз, – дейди Мартемьянов, – герман ерида ғолиблар сифатида, даҳшатли ва ҳаққоний ўч олучилар сифатида қадам босмоқдамиз. Бу нарса бизни Қизил Армия аскарлари мундирини шараф билан сақлаш-га, командирларимизнинг бутун буйруқларини сўзсиз бажаришга, устав ва низомномаларнинг бутун талабларини ўрнига қўйиб бажаришга чақирди.

Севиқли доҳийимизнинг буйруғини қудратли совет Ватанимизнинг содиқ фарзандлари сифатида шараф билан бажарамиз.

Капитан З.Фатхуллин. Старший лейтенант Н.Ўрмонов

1945 ЙИЛ 5 МАРТ. №13 (298)

МУҚАДДАС ҚАСОС КУЧИ

Биз севиқли Олий бош қўмондонимиз улуғ Сталиннинг Қизил Армия XXVI йиллигига бағишланган 16-чи сон тарихий буйруғини Стир дарёсининг ғарбий соҳилидаги пласдармда, қаттиқ жанглар шароитида ўқиган эдик. Улуғ саркарда ўзининг 16-чи сон буйруғида бутун оддий аскарлик ва ҳарбий усталикларини тинмай мукамаллаштиришни давом этдирсинлар, жуда соз ҳарбий техникамиздан яхши фойдалансинлар, душманни шонли гвардиячиларимиз ургани сингари урсинлар деган эди.

Биз Олий бош қўмондонимизнинг бу буйруғини астойдил ўрган-дик, ҳарбий усталигимизни қунт билан такомиллаштирдик. Мана, орадан бир йил ўтди. Бу бир йил қандай тарихий воқеаларга бой! Шу давр ичида қахрамон Қизил Армиянинг аскарлари, шу жумладан, менинг отделениям ҳам юз эмас, минг километрлаб шонли йўл босиб ўтди: бепоён чўлларни кезди, қанчадан-қанча дарёлардан кечди, булутлар билан ўпишадигон тоғу тошлардан ошди.

Мана, ҳозир лаънати Германия тупроғидамиз. Итвачча немис-фашистлар зўр умид боғлаган катта сув тўсиғи – Одер анча орқада қолиб кетди. Мен Висла бўйидаги мудофаа жанглирида ярадор бўлиб январь ойининг бошигача госпиталда ётдим. Кеча-кундуз фикризикрим тезроқ қисмимга қайтиб бориш эди. Чунки агар хужум, бадбахт Германиянинг юрагига қилинадиган сўнгги ва қатъий штурм бошлана қолса, нахотки, мен ҳамон госпиталда ўралашиб юраман деб ўйлар эдим. Мақсадимга етдим. Сташев районида тарихий хужум бошланишидан бир неча кун илгари мен яна аввалги постимда – ўз отделенияда бўлдим.

Шундай қилиб, улуғ Сталиннинг Қизил Армия XXVII йиллигига бағишланган 5-чи сон буйруғини манфур душман маконида ўқидик. Ўлимга маҳкум қилинган ярадор йиртқич ўзининг ҳалокат соатини чўзиш учун жон талвасасида қутириб қаршилиқ кўрсатмоқда. Яқинда Одернинг ғарбий соҳилида шундай бир воқиа бўлди: бўлинмамиз немисларни катта бир аҳоли пунктидан ярим километргача беридаги траншеялардан суриб чиқарди. Зўрға қочиб қутилган бир группа гитлерчилар қишлоқнинг бериги четидаги икки қаватли ғиштли уйга ўрнашиб олиб қўш пулемётдан ўт очиб қолди.

– Отабоев, – деди взвод командири, – қани, ҳунарингни кўрсат, бу хумпарларнинг масаласини ҳал қил! Биз ёнлаб илгари босаверамиз. Жуда орқада қолиб кетма!

– Бузоқнинг югургани сомонхонагача дегандек, бу лаънатилар траншеядан қочиб ўша ерга борди. Амин бўлинг, энди у ердан биттаси ҳам тирик чиқмайди. Мен рўпарадан, олдингиздан кесиб чиқаман, – дедим командирга. Ўйлашга фурсат йўқ эди. Гитлерчиларнинг диққатини ўзига маҳлиё қилиб турсин учун пулемётчим Арутуянни атайлаб рўпарада қолдирдим. Ўзим ва отделениядаги беш жангчи «лимончалар»ни камарга қаторлаштириб пластунчасига илгари сурилдик. Сайхонлик ва, бунинг устига, ер ҳайдаб қўйилган бўлгани учун илгари босиш анча қийин эди.

Қора терга ботдик. Лекин ҳеч ким бир-биридан орқада қолишни истамасди. Муқаддас қасос уларга чексиз куч бағишлар, уларни ҳамон илгари элтар, ҳатто ўзининг сўнгги минутларида ҳам қаршилиқ

кўрсатишга журъат этган шу газандаларни шафқатсиз янчиб ташлашга ундарди. Ғазаб ўти моҳирлик ва эпчилликка ҳамроҳ бўлди. Ҳадемай биз уйнинг деразалари яқинига бориб етдик. Энди нафасимизни ростлаймиз деган эдик, уйнинг биринчи қаватидаги фашистлар бизни сезиб қолдилар. Аммо бадбахтлар бизга қарата ўз пулемётларидан ақалли битта ҳам ўқ узолмаган Жангчи Егоров ва Панколар кетма-кет гранаталар ирғитди.

Шартли сигналга кўра Артунян иккинчи қаватдаги пулемёт уясига қараб тўхтамай отаверди. Биз эса ҳалиги гранаталарнинг тутуни тарқалиб улгурмасданок уйга бостириб кирдик. Брок бу ерда биз қиладигон иш қолмабди. Гранаталар ўз ишини қилибди. Дарҳол зина орқали иккинчи қаватта чиқа кетдик. Немис автоматдан ўқ узган жангчи Романовни ярадор қилди. Муюлишда яна гитлерчи автоматчи пайдо бўлиб қолди. Лекин унинг автомати отмади. Шундай қилиб, иккинчи қаватда чиқа кетиш қийинлашиб қолди. Шунинг учун шу ердан туриб уйга қадар етти граната отдик. Шундан кейин чурқ этган овоз эшитилди. Демак, масала ҳал. Ёлғончи бўлмадим: буйруқ ҳам бажарилди, шартлашган жойга взводни ҳам қувиб етдим.

– Офарин, азамат, – деди бўлинма командири капитан Сиганов, – сени камолга етказган ўзбек халқига балли! Юз йилдан буён душман аскарлари қадам босмаган кичрайган немис юртида, душман бўлган жаллодлар уясида мен шундай жанг қилмоқдамиз. Ўрток Сталин 5-чи сон буйруғида Қизил Армиянинг ҳар бир солдатидан ҳар қачонгидан ҳам хушъёрлик ҳар қайсиси учун сув билан ҳаводек зарур.

Биз севикли маршалимизнинг барча буйруқларини шараф билан бажариб, унинг олийжаноб махтовига сазовар бўлган эканмиз, улуг ғалаба арафасида ҳам унинг бу буйруғини жони-дил билан бажариб қабих душманни заҳарли илон сингари янчиб ташлаймиз.

Старший сержант Оллаберди Отабоев

БАҲОРИМИЗ КЕЛУР

(Жангчи дўстга)

*Тилингда доҳийнинг муқаддас номи,
Қўлингда ватанинг топширган қурол.
Дилингда зафарнинг жўшқин илҳоми,
Демак, қудратлисан: гарб томон йўл ол!*

*Гарбга йўл олгил, «тилсим»ларни оч,
Ялмоғуз, девлардан қолмасин нишон.
Насллар бошига бўлажак гултож
Тарихий жангларда қозонилган шон.*

*Ёв истеҳкомини кул қилганингда,
Озод этганингда қулларни мангу,
Хароб қишлоқларни гул қилганингда,
Озод этганингда қулларни мангу,*

*Хароб қишлоқларни гул қилганингда
Чехрамизда ўйнар музаффар кулгу.
Зафар боҳори деб олга бос, югур,
Ёвни титиб ташила, ўнгингдан келса,*

*Қаршингдан келса, от, ёндан келса, ур,
Чапа-роста қилгил, сўлингдан келса.
Қуролинг қўлингдан тушмасин сра,
Душман яксон бўлсин уришларингдан.*

*Сендан келажакка қолсин хотира,
Ер ларзага келсин юришларингдан.
Сизнинг зарбангиздан ёв бўлур барбод,
Келур баҳоримиз, голиб фасллар,*

*Шонли авлодимиз, яна бўлур шод.
Минг йиллаб унутмас сизни насллар!*

Уйғун

ҲИЖРОН КУНЛАРИДА

*Эй севгиси азиз, эй севимли ёр,
Кетма, асло кетма кўзимдан йироқ!
Гарчи тушимда ҳам сени бир кўриш
Ҳижрон кунларидан минг бор яхшироқ.*

*На гўзал тунларки январь тунлари –
Узун қиш тунлари ўзинг тушимда.
Қора кўзларингнинг дилбар нигоҳи
Кун бўйи яшайди ақлу ҳушимда.*

*Келиб деразамдан боқдинг жилмайиб,
Кўрдиму севинчдан тилим бўлди лол.
Бир нафасга келдим, дединг, кўргали,
Қушдай учиб чиқдим олдинга дарҳол.*

*Атрофда очилди эрам боғлари,
Биз аста йўл олдик гуллар сайлига.
«Сен учун очилган, сенга деб уздим,
Ол, – дединг, – қўлингда сўлса майлига!»*

*Севги, ҳаяжонда ёнингда юриб,
Берган гулларингни дасталаб олдим.
Ҳаёдан юзинга боқолмай тикка,
Ранго-ранг гулларга нигоҳим солдим.*

*Гулларда учратдим сенинг кўзингни,
Оташин севгингни ўқидим унда;
Уни ўпмак бўлиб юзимни қўйдим...
Қушлар ҳам сайради шул ажиб тунда.*

*Мен уйғониб қолдим, қалбим безовта,
Сўнгра бедор ўтдим ол тонг отгунча;
Мен-ла бирга яшар гўзал хотирот
Сен ёвни йўқотиб омон қайтгунча!*

Зулфия

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

1944 йилда колхозчиларимиз немис-фашист босқинчиларга қарши қаҳри-ғазаб блан тўлган ҳолда колхоз далаларида фидокорона ишладилар. Файратли меҳнат яхши натижалар берди. Қишлоқ хўжалик экинларидан кўнгилдагидек мўл ҳосил олдик. Ҳар гектардан давлатга 38 центнер пахта топширдик. Колхозимиз ўрта ҳисоб билан ҳар гектар узумзордан 200 центнер, Ҳасан Абураҳмонов бригадаси эса 360 центнер узум олди.

Колхоз далаларида ҳалол меҳнат қилаётган колхозчилар катта даромад олдилар. Бу йил биз ҳар бир меҳнат кунига 86 сўмдан пул, 1,2 килограмдан майиз, 1 килограмдан сабзавот, 400 грамдан ғалла бердик. 75 яшар колхозчи Саттор ота Дўстов 1944 йилда стахановча ишлаган 403 меҳнат кунига 2.438 килограмм қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, 434 килограмм майиз олди. Ҳосил топширигини ошириб бажаргани учун унга 246 килограмм майиз тегди. Шундай қилиб, Саттор отанинг оиласи 2.524 килограмм майиз ва турли сабзавот ҳамда 87 минг 118 сўм пул олди. Звено бошлиғи ўртоқ Муҳаммадий Сатторов 4.326 килограмм маҳсулот ва 56 минг 674 сўм пул олди. 4.326 килограмм маҳсулот ва 56 минг 674 сўм пул олди.

Биз 1945 йили ҳар гектардан 45 центнер пахта бериш учун пухта замин тайёрламоқдамиз.

**Самарқанд область
Комсомол районидаги Ленин номи
колхоз раиси Ҳасан Тошмуродов**

ҚАСОС ОЛАМАН

Урушгача мен ўрта мактабда ўқир эдим. Мақсад педагог бўлиш эди. Акаларим Бошқирдистоннинг Салават район Насибашево қишлоғида колхоз ишини қилишарди. Бирдан уруш бошланиб қолди. Ҳар иккала акам ҳам севиқли Ватанни немис босқинчилардан ҳимоя қилиш учун фронтга кетишди. Ватанимизнинг озодлиги учун бўлган жангларда иккиси ҳам – катгаси Ростов ёнида, кичкинаси Курск ёнида – ҳалок бўлди.

Мен уларнинг ўрнини босдим. Мен ҳали ёш фронтчи. Жангда немисларга кўп дуч келганим йўқ. Лекин уларга рўпара келишга бўлишга зўр бериб тайёрланмоқдаман. Севиқли акаларимнинг қони ва жони учун гитлерчилардан тўла-тўқис ва ортиғи билан ўч олмагунимча тинчланмайман. Чунки мен душманни шафқатсиз киришга, она Ватаннинг лойиқ фарзанди бўлишга онт ичганман.

Гвардия сержанти Р.Исмоилов

ОЛМА

*Баҳор каби нозик келинчак,
Шу деб осгай олмани шипга,
Асрар экан олмазорини,
Ўзи эшиб қўйган бир ипга.
Гўё дилда интизорини –
Севган ёрин қўп ойдан бери
Олмаларга сўйларди юрак.
Шону-шуҳрат, эрку-соадат –
Бу кун богдан бир қизил олма,
Шайдосидир, жангоҳдир ери,
Олмалардан энг асл олма,
Унга бўлмиш чодирлар одат,
Узиб кайтариб келди уйга у
«Албат кайтиб егач олмани,*

Гул кўтармиши гўё бир оху,
«Олмам» дея ўпар у мани!»
Истар эди бу шўх мевани –
Дерди ўйлаб юриб париноз,
Бир кун есун жондан севгани!
Дарвозада шунда ногуҳон
Узатдилар унга бир қоғоз,
Қаради-да, тушинди ҳамон:
«... У шаҳиддир!» деди қайгули,
Ерга томди кўздан олмаси.
Нола тортди, бўшашиди қўли,
Чанга тушиб кетди олмаси.
Қизил олма, қирмизи олма,
Тупроқларга беландинг нега?
Гўзал келин, олмадай сўлма,
Интиқомга ўзинг сен эга!

Шайхзода

ЗАФАР КАРВОНИ

Тунларда фалакка ташлайман нигоҳ,
Юлдуздек кўзингни эслайман, жонон,
Ширин ғамзаларинг ёдланур гоҳ-гоҳ,
Дилимда меҳмонсан, эй қоши камон!

Даръёлар кечдимиз, тоғлардан ўтдик,
Найзада келтирдик бахту саодат,
Ўт очиб соҳибсиз боғлардан ўтдик,
Қўллардан тутгуси энди фароғат.

Қариндош-уруғлар бўлсин деб озод
Қонларга ювдимиз ханжар, найзани!
Бу юртда гулхона қилурмиз бунъёд,
Мурдорга санчилар тиги ханжаринг.

*Боради гарбга зафар карвони,
Пўлатдек сафларда мен ҳам пешқадам.
Дилларнинг қолмайди асти армони,
Бўстонда булбуллар сайрар субҳидам.*

*Энди Варшаванинг сулу қизларин
Кўзидан оқмагай ҳалқа-ҳалқа ёш...
Хўрламас ҳеч бир зот эл қирмизларин,
Истак чаманига нур тўкар қуёш!*

*Кўзимиз гавҳари, онажонимиз
Бахти деб жабҳада жанг қилмоқдамиз!
Ер бетин лоладек ранг қилмоқдамиз,
Шод бўлсин бир умр меҳрибонимиз!*

Ёнғин Мирза

1945 ЙИЛ 22 МАРТ. №17 (302)

ҲУЖУМ БОҲОДИРЛАРИ

3. Мохир офицер

Бўйи ўртадан паст. Кенг елкали, жуссаси бақувват – худди қуйиб қўйгандек. Қошлари қоп-қора кундуздек ва қуюқ. Гўё сурма қўйгандек шахло кўзларда унинг юрагидаги барча олижаноб ҳислар, жасорат ва мардлик, дилкаш ва гўзал табиат акси товланиб мавж урмоқда. Кўрган ҳар бир киши у билан бир нафас ҳамдам бўлгиси келади.

Кўкраги «Александр Невский», иккинчи даражали «Ватан уруши» ва «Қизил юлдуз» орденлари билан безалган. Ҳар бир поғонида учтадан юлдузчаси бор. Бу йигит Қўқон шаҳрида истиқомат қилучи кекса Раҳмон отанинг жаҳонгашта ўғли старший лейтенант Воси Раҳмонов бўлади. Биз унга «жанговар ҳаётингиздан сўзлаб беринг» деб муурожаат қилдик.

– Мени қўя беринг, – деди у ғоят мулоимлик билан, – кўп қатори ўз вазифамни бажариб юрибман. Бизнинг миномётчилар ўртасида

ажойиб ишлар қилган ўткур йигитлар кўп. Ана ўшалар тўғрисида ёзилса кўп яхши бўлур эди.

У кўп кишиларнинг номларини тилга олди, уларнинг қахрамонликлари тўғрисида эринмасдан, узоқ ва батафсил сўзлади. Унинг зўр иштиёқ билан, юракдан чиқариб, фахр билан гапираётганлиги кўри-ниб турарди.

– Бизда Анган деган молдавияли бир қизил аскар бор. Ўзи музикачи. Скрипкани жуда яхши чолади. Бешотар милтиғи ва ана шу скрипка – унинг айрилмас дўсти. Ҳар икки қуролнинг ҳам моҳир устаси. У олдинги доирада позиция танлаб, яхшилаб жойлашиб олади. Бирдан скрипка наво қила бошлайди. Баъзи немис солдатлари «қизиқиб» қолиб аста-секин окоплардан бошларини кўтариб чолғучини қидира бошлайдилар. Шу маҳалда скрипка сайрашдан тўхтади, «пақ» этиб милтиқ товуши чиқади. Бир немис камайди дея беринг. Бирпасдан кейин яна чала бошлайди, яна гал милтиққа келади... Шундай қилиб, у бир кунда Бреслаудаги немислардан еттитасини жаҳаннамга жўнатди. Бу йигит бутун қисмда «чолғучи-ўқчи» деб ном чиқарган.

... Бреслау шаҳри учун бўлаётган кўча жанглиридан бирида бўлинмамиз ҳужум қилиб немислар тўла бир уйни қуршаб олди ва эгалланган позицияларни мустаҳкамлади. Ҳайитов уларнинг яқинроқ келишини пойлаб туриб, сўнг винтовкасидан ўт очди. Икки гитлерчини ўлдирди, қолганларини тўзғитиб юборди.

Раҳмонов яна кўп кишилар тўғрисида гапирди. Ўзи тўғрисида эса ҳеч нима демади. Биз гапни унинг томон буришга ҳаракат қилсак ҳам, натижа чиқмади. Ниҳоят, унинг ўртоқларига мурожаат қилишга тўғри келди. Раҳмоновнинг миномётчилари Тернополь бўсоғаларида бўлган жангларда пиёда аскарлар билан ёнма-ён туриб уларга бевосита мадад бердилар. Ўшанда старший лейтенантга сафдан чиққан миномёт расчёти командирининг ўрнини босишга тўғри келган эди. Шу шиддатли жангларда Раҳмонов ўзининг синалган миномётчилари Жердев ва Қосимовлар билан бирга 200 дан ошиқ фашистни қирди, душманнинг ўндан ошиғ ўт нуқтасини емирди, ўнларча автомашина ва от-аравасини ёндирди, мажаклади.

Бу жасур офицер Тернополь шаҳрида бўлган қаттиқ жангларда ҳам шуҳрат қозонган. Унинг миномётлари шаҳар кўчасининг ўр-

тасида, очиқ позицияда немисларга рўпара туриб ўт оча бошлади. Гитлерчилар тўхтовсиз контратака қила бердилар. Атрофда яранган жанговар дўстлар, қахрамонлар, ҳалок бўлган баҳодирлар. Айни қизғин пайтда бирдан миналар тугаб қолди. Раҳмонов дарҳол душмандан ўлжа қилиб олинган миналарни ишга солиш тўғрисида буйруқ қилди. Раҳмонов бошлиқ совет миномётчилар шу куни 50 га яқин немис отлиқ аскарни қириб ташладилар ва бир неча пулемёт ўрнини яксон қилдилар.

Львов учун бўлган жангларда ҳам шундай бўлган эди. Немисларнинг кутуриб ташлаган контратакалари тезда сусаймади. Миномётчилар ҳам бўш келмадилар. Қонли уруш тобора шиддатли тус ола берди. Кеч пайт қоронғу тушгач немислар ҳолдан тойиб, аҳволлари паст бўлиб қолди. Лекин кечаси безовта бўлиша бошлади. Лекин улар зийрак совет аскарларини ғафлатда қолдиришолмади. Миномётчилар вақтида хабардор бўлиб жангга ҳозирлик кўрдилар ва душманни жуда яқин келтириб рўпарадан беамон ўтга тутдилар. Немис разведкачиларидан атига 5 – 6 киши қутилиб қочди, холос. Қолганлари жону имони билан абадий хайру маъзур қилишди. Эрталаб қисмларимиз фронт бўйида хужум қилиб душман қаршилигини синдириб олға босдилар. Раҳмонов миномётчилари ўз участкалари қаршисида 120 гитлерчининг ўлигини кўмдилар.

Раҳмонов уруш бошидан бери фронтнинг 1941 йилнинг алам ва изтиробли муддатли кунларини бошдан кечирган. У биринчи марта Можайскда Ватан учун ўзининг шарафли қонини тўкди.

Воси Раҳмон отанинг ёлғиз ўғли эди. Улар тўрт оғайни эдилар. Бу шафқатсиз уруш Воси Раҳмонов отасининг ёлғизига айлантирди: қатта акаси Ғани жонажон Москва ёнида ҳалок бўлган. Али эса Одесса мудрофааси вақтида қахрамонларча шаҳид бўлди, Наби Курск учун бўлган қизғин жангларда қурбон бўлди. Немис-фашист босқинчиларга нисбатан бу йигит юзида йиғилган нафрат ифлос газандаларни ўз уяларида янчиб ташлаш учун тўлиб-тошди, ғайрат накадар кучли эканлигини мана шундан ҳам қиёс қилиш мумкин. Буларнинг ҳаммасини Раҳмоновнинг содиқ фронтчи дўсти лейтенант Скок сўзлаб берди.

– Раҳмонов, умуман, азалдан камтар, манманлик унга ёт. Лекин жанг қилиш, жангчиларни қаҳрамонликка илҳомлантиришни, солдатнинг кадрини, фикри-зикри юрак сирларини яхши билади. Раҳмонов урушгача Қўқонда физика-математика ўқитувчиси эди. Унинг отаси ва бутун ўзбек халқи бу баҳодир билан фахрланишга ҳақлидир.

**Гвардия старшинаси Зиё Аминов.
Старшина Фотиҳ Ёқубов**

ДОВЪЮРАК ТЎПЧИЛАР

Батарейамиздаги жангчилар Германия ерида немисларга қарши ажойиб қаҳрамонлик билан жанг қилиб жасурлик намунасини кўрсатаётирлар. Яқинда бир шаҳарда бўлган кўча жанглирида разведкачимиз Рўзи Муродов ҳамма вақт пиёда аскарларнинг жанг тартибида бўлиб, душманнинг ўт очиш нуқталари тўғрисида батарея командирига аниқ маълумотлар бериб турди.

Бу маълумотларга кўра тўпчиларимиз душман устига дахшатли ўт очиб уни кўп орқага чекинишга мажбур қилдилар. Сўнг ўзлари ҳам олдинга силжиб, ёниб турган уйларнинг падваллари остоналаридан, тўрт атрофи ёниб турган ҳавлилардан туриб ўт очишни давом этдирдилар. Бу жангда тўп наводчиси Тамим Игдисанов ўзининг ташаббускорлиги, чакконлиги ва дадиллиги билан бошқаларга ўрнак бўлди.

Ўзларининг жасурликлари, мардликлари туфайли Игдисановнинг мағрур кўкраги II даражали «Шухрат» ордени ва «Қизил юлдуз» ордени билан безанган, довъюрак тўпчилар Ватан олдида, совет халқи олдида ичган онтларини шараф билан бажармоқдалар.

Қизил аскар А.Жўрабоев

МИРЗАОЛИМОВНИНГ МАРДЛИГИ

Бўлинмамизда Мирзаолимовдек жангчи бор. У қизил аскарлар ўртасида ўзининг жасурлиги, ботирлиги, эпчиллиги ва аъло даражада интизомлилиги билан танилган. Бреслау шаҳри учун бў-

лаётган қаттиқ жангларнинг бирида бўлинмамиз олдида немислар мустаҳкам ўрнашиб олган катта бинони эгаллаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун разведкага юборилди. 3 кишидан иборат разведкачилар Мирзаолимов бошчилиги остида тун қоронғисида бинога ўрнашдилар. Шу вақт муюлишда ўрнатилган немис пулемётчилари ўт очиб қолди. Туровский ва Мирзаолимов немисларнинг кучли ўти остида шиддат билан бинога бостириб кирдилар ва ундаги бир неча гитлерчини ўлдириб, немис пулемётининг овозини ўчирдилар.

Тун бўйи уч совет разведкачиси бу бинони эгаллаш учун кўп марта уриниб кўрдилар. Лекин ҳеч бир натижа чиқаролмадилар. Мирзаолимов эрталабга яқин ярадор бўлди. Аммо бу азамат ўзбек йигити, оғриқнинг зўрига ҳам қарамай, мардона олишаверди. Эрта билан пиёда аскарлар атакага ўтиб гитлерчиларни яна бир неча уйлардан суриб чиқардилар. Шундан сўнггина Мирзаолимов санитария бўлинмасига боришга рози бўлди.

Лейтенант Пўлатов

МИНОМЁТЧИЛАР ДУШМАНГА ҚИРОН КЕЛТИРАЁТИРЛАР

Яқинда бўлиб ўтган жангларнинг бирида биз даръёдан кечиб ўтиб оролда қолган немисларни суриб чиқара бошладик. Бу ерда буйрукни бажаргач яна бир даръёдан ҳам ўтиб, фашистлар кучли таянч пунктига айлантирган бир аҳоли пунктини ишғол қилдик. Немислар учун бу қишлоқ жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Шунга кўра улар аҳволни тиклаш учун бир неча марта контратака қилдилар. Контратакалардан бирида фрицлар 30 метрча ораликқа яқинлашдилар. Олий бош қўмондон ўрток Сталиннинг 5-чи сон буйруғидан илҳомланган миномётчиларимиз гитлерчилар бошига дўлдай ажал уруғини ёғдирдилар. Гитлерчилар ҳеч қандай натижага эришолмай, катта талафот кўриб чекинишга мажбур бўлдилар.

Шу жангда фақат менинг миномёт расчётим душманнинг 3 ўт очиш нуқтасини, 2 тўпини, 3 пулемётини яқсон қилди ва 40 тача

гитлерчини кириб ташлади. Миномётчиларимизнинг шу жангда кўрсатган ботирликлари учун бўлинма командири капитан Киселёв «Қизил байроқ» ордени, младший сержант Кулик «Қизил юлдуз» ордени, кизил аскар Бисембоев «Жасурлиги учун» медали билан мукофотландилар. Мен ҳам ўша жанг учун II даражали «Ватан уруши» ордени билан тақдирландим.

Бреслау учун бўлаётган даҳшатли кўча жанглирида ҳам бўлинма-миз ажойиб жасорат кўрсатмоқда. Гитлерчилар қўлдан бериб қўйган квартални қайтариб олиш учун ҳар икки-уч соатда контратакага ўтиб турдилар. Сержант Литвиновскийнинг миномёт расчиёти чаккон ва тез ҳаракат қилиб немислар устига шу куни 200 га яқин мина юборди. Наводчи младший сержант Краслов, ефрейтор Эргашевлар ва заряжающий қизил аскар Юдинларнинг эпчиллик билан жасурона ҳаракат қилишлари натижасида ўша куни немисларнинг кутуриб қилган беш контратакаси ҳам муаффақиятли равишда қайтарилди. Шу кунги жангда Акрам Эргашев наводчи бўлган расчёт душманнинг 2 пулемётини расчёти билан йўқ қилди ҳамда 40 немис солдат ва офицерини кириб ташлади.

Сержант А.Оқбошев

ЮРАКЛИ ЙИГИТ

Абдувахоб Шодиев йигирма ёшда. Улуғ Ватан уруши фронтларида вояга етган қирчиллама аскар. 1944 йилдан бери партия аъзоси. III даражали «Шухрат» орденининг кавалери. Бундан ташқари, унинг кўкраги «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан ҳам зийнатланган. Булар ҳаммаси бу ёш ўзбек йигитининг жанговар ҳаёти мазмундорлигини кўрсатиб туради.

... Жанглр району. Ёв юрти – мудҳиш Германия. Немис кишлоғидан 500 метр нарида жанубдан шимолга қараб гажжак-гажжак бўлиб бир ариқ оқади. Сувнинг нариги юзи душманнинг олдинги доираси, бериги томонда эса бизникилар. Қишлоқдаги бир уч қаватли уйни сапёрлар эгаллаган. Биринчи қаватдаги катта залда (қайси бир немис газандасининг ресторани бўлган) туни билан тиним ва ором нималигини билмай ишлаган, ёмғирда ивиган ҳорғин сапёрлар дам олмоқ-

да. Шу ерга яқин бўлган артиллериячилар бирин-кетин уч снаряд уздилар. Даҳшатли садо тўлқини ҳавони титратиб осмонга сингиб кетди.

– Ҳозир немислар ҳам ташлаб қолади, – деди Шодиев мутлако совуққонлик билан...

У шу гапни айтди ҳаму аввал душман снарядларининг «хуштаги», сўнг 2 – 3 шиддатли портлаш товуши эшитилди, иморат бир қалтираб олди. Сапёрлар эса пинақларини ҳам бузмадилар. Шодиев ўзининг қилган жанглари тўғрисида жуда қисқа гапиради – истиҳола қилади. Шодиевнинг касби разведкачи-сапёр. Душман уясига киргач унинг бу фаолияти янада активлашди. Қишки ҳужум авж олган вақтлар. Муайян фронт доираси йўқ. Бу шаройитда разведкачиларнинг иши мураккаблашади. Улар бу ҳолда кўпинча таваккал билан иш кўрадилар. Душманни ўз ерида, минг хавфу хатарга тўла уясида ахтармоқ, топмоқ, аниқ маълумотлар олмоқ, кўшинларни унинг изига туширмоқ – айтишгагина осон.

Бир кун Шодиев олтига разведкачи билан бирга кечаси навбатдаги разведкага жўнади. Чаппа-роста қор урмоқда. Шимолдан кўзгалган қаттиқ шомол гоҳ ҳайвондай ҳайқиради, гоҳ ёш боладай йиғлайди. Бунинг икки жиҳати бор: бир жиҳатдан, кулоқларнинг фаолиятини чеклантиради – душман шарпасини эшитиш қийин бўлади, ишонч кўзларгагина. Иккинчи жиҳати шуки, ўз навбатида, душман ҳам разведкачиларнинг шарпаларини сезиш имкониятидан маҳрум.

Бирдан шимол томонда, тахминан 400 – 500 метр нарида немис қишлоғи кўринди. Разведкачилар шайландилар. Қишлоқда сирли жимжитлик ҳукмрон. Ҳатто итлар ҳурмайди. Группа эҳтиёткорлик билан яна олға силжиб қишлоқ четига 100 метрча қолганда тўхтади. Жангчилар диққат билан кулоқларини қамишдай тик қилдилар. Изғирин шомол ғалча немис тилида айтилаётган сўзларни учуриб кела бошлади. «Урушда баъзан шамол ҳам мадад берар экан», – деб кўйди ичида Абдуваҳоб. Разведкачилар бошлиғи ўз одамларини 10 метрча нарироқдаги, шарқдан ғарбга қараб кетадиган сувсиз, чуқурлиги белгача келадиган ариққа имлаб олиб борди. Шивирлаб ҳаммага вазифа топширди. Уч киши ариқ ичидан энгашиб қишлоқ-

нинг шарқий четига томон кетишди. Шодиев ва унинг икки шериги ғарбга томон жўнади. Улар бир-бирларидан 50 – 60 метр узоқлашиб ярим соатча пойлаб ётдилар. Азаматлар немисларнинг нақ тумшуғи остига бориб олган эдилар. Улар қишлоқнинг икки станокли пулемётни ҳам, бир батальонга яқин немис борлигини ҳам аниқлаб ғойиб бўлдилар.

Эрта билан душманнинг бу кучли таянч пункти тор-мор келтирилди. Гитлерчилар ғафлатда қолдирилди. Битта ҳам немис қочиб кутила олмади. Шодиев учун бу разведка биринчи ҳам эмас, охириги ҳам эмас. У разведка санъатини ўз совет ери учун бўлган жанглarda ўзлаштирди. Мардлик ва жасурликдан эса азалдан камчилиги йўқ. Тажрибани бўлса фронтда ортдирди.

1943 йил ёзида Курск дўғасида бўлган қиёматдек даҳшатли жанглар пайтида Шодиевга биринчи вазифа топширилган эди. Кечаси у немислар позициясининг олдини тўсиб туручи тиканли симларга яқинлашди. Қоронғи кеча, лекин немислар одат бўйича дам-бадам ракета отиб ҳаммаёқни ёритиб турадилар, позициялари қаршисини тез-тез пулемётдан ўққа тутадилар. Шодиев ер бағирлаб силжимоқда. Елкасида винтовка, белида бир шада граната, чап кўлида қайчи, кўксига шер йигитнинг юраги. Ракета илондай пишқириб осмонга уриши билан Шодиев ерга биқиниб олди. Ёни-веридан визиллаб ўқлар ҳуштак чалиб ўтди. Шу лаҳзада Шодиев Фарғона водийсини, кадрдон қишлоғи – Қўштегирмонни, меҳрибон онасини, отасини, укаларини, эркин ўқиб ва ўйнаб юрган дамларини бир сидра кўз ўнгидан ўтказди... Шундан кейин у ўзини қандайдир енгил ва дадил ҳис қилди. Ракета сўниб, пулемёт жим бўлиши билан у яна олға интилди. Ана, етди... ўнг ёнбоши билан узун ётиб олиб, бошини ерга тираб 2 – 3 тола симни кесди. Яна ракета, яна ўқлар. Лекин бу гал тезроқ товуши учмайди. «Нега бундай бесаранжом бу лаънатилар, сезиб қолди, шекилли...» Худди шу пайтда ундан 200 метрча чап томонда бизнинг пулемёт ва автоматлар сайраб қолди. Бу Шодиевга мадад бериш ва немисларнинг диққатини ўзига тортиб туриш учун ажратилган группа эди. Дарҳақиқат, немис пулемётлари, автоматлари ўша томонга қараб кутириб, жазава билан жавраб кетди. Шодиевга айна

шундай пайт керак эди. У беш минутча босим ишлаб симтўсиқдан катта йўл очиб қайтди. Пиёда аскарларнинг командири Шодиевга ташаккур айтди.

1944 йил ёзида Н. шаҳари бўсағаларида бўлган қаттиқ жанглар пайтида Шодиев ўн тўрт марта разведкага борди.

– Икки марта «тил» ҳам тутдик – дейди у, – лекин бир сафар иш ўнгидан келмади, биз пулемёт ДЗОТига жуда яқин бориб қолган эканмиз. Гранаталар олдин орқасидан ўзимиз ДЗОТга бостириб кириб 5 – 6 немисни ўлдириб тирик қолган биттасини олдимизга солиб олиб келаётган эдик, лаънати чап бериб қочиб қолди. Орқасидан югуриб етиб олдим. Тириклай ушлаб олай деб отмадим у автоматнинг қўндоғи билан бошига битта туширган эдим, ўша заҳоти тил тортмай ўлди. Кейинги сафар тутганимизни, ҳар қалай, бежиримгина олиб келдик.

«Мард йигит майдонда синалур» деган мақол бор халқда. Абдуваҳоб бу синовдан шараф билан ўтди. Жанггоҳда шуҳрат унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Бу шуҳрат билан у Берлингача боради.

Гвардия старшинаси Зиё Аминов

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎКЛАМГИ ЭКИН

Тошкент. Ўзбекистоннинг жанубида иссиқ кунлар бошланиб, колхоз-савхоз далаларида ишлар қизғин тус ола бошлади. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё областларида ўн мингларча гектар пахта экиладигон ер ҳайдалиб 40 минг гектар ерга дон экилди. Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги бирмунча колхозларда қанд лавлагиси экишга киришдилар.

ГВАРДИЯЧИЛАР ЗАРБАСИ

Сержант Эсонов расчёти бир жангда немисларнинг 3 танк ва 4 бронетранспортёрини ёндирди.

Исмоилжон Эсоновни қисмимизда танимайдиган киши йўқ десак адашмаймиз. Ватан уруши фронтларида немис газандаларга қарши мардона курашиб келмоқда. Сталинградда, Курск дўғасида бўлган даҳшатли курашларда, жонажон совет Украинасини озод қилишда, Висладан кечиб ўтиш жангларида донг чиқарган гвардия сержанти Эсонов ҳозир танкка қарши тўп расчётининг командири. Курск дўғасидан Висла бўйигача бўлган қаттиқ жангларда Эсоновнинг тўп расчёти душманнинг 5 танкини, 3 ўзиюар тўпини, 6 бронетранспортёрини яксон қилиб, кўпгина немис солдат ва офицерини қириб ташлаган эди.

Ботир Эсонов ҳозир ёвуз душман ерида аввалгиларгидан ҳам кучли ғазаб ва нафрат билан жанг қилмоқда. Яқинда душман бизнинг илгари силжишимизни тўхтатишга уришиб кўп пиёда аскар ва танклар билан контратакага ўтди. Ўқчиларнинг жанг тартибида бо-раётган Эсонов расчёти қўлга киритган маррада мустаҳкамланди ва немисларни омонсиз қириш учун уларнинг мумкин қадар яқин кели-шини ва қулай фурсатни кутди.

Ҳали немис танклари кўринмас эди. Гитлерчи автоматчилар эса анча берига келиб қолган. Шодиев учун Эсонов ва унинг расчётида-ги жангчилар ўқчилар билан биргалашиб пулемёт, автомат ва винтовкалардан зарб билан ўт очдилар. Немис автоматчиларининг кўпи қириб ташланди. Қолганлари ерга ёпишиб олди. Шу вақт рўпарада-ги тепалик орқасидан немисларнинг 7 танк ва 4 бронетранспортёри кўриниб қолди. Улар очиқ позицияда турган Эсонов расчётини ўраб олиш мақсадида икки группага бўлиниб ён томонлардан яқинлаша-вердилар.

– Мана энди навбат сенларга келди, аблахлар, – деди Эсонов танклардан кўзини узмай. У роса мўлжаллаб даҳшатли ўт очди.

Снарядлар кетма-кет, тўхтовсиз узатилиб турди. Орадан сал ўтмай бир фашист танки ва 3 бронетранспортёри аланга ичида қолди. Расчёт шу фурсатдан фойдаланиб тезлик билан ўз позициясини ўзгартирди ва чакқонлик билан яна ўт очди. Оз вақт ичида ўнг томондан келаётган танклардан ҳам иккитаси ва бир бронетранспортёр ўрнидан кўзгалмай қолди...

Бу тенгсиз жанг узок давом этмади, лекин жуда даҳшатли бўлди. Фашист босмачилар гвардиячиларнинг зарбасига, ёлғиз совет тўпининг маҳв этучи зарбасига бардош қилолмадилар. Ўзбек халқининг асл фарзанди – гвардия сержанти Исмоилжон Эсоновнинг мағрур кўкрагида унинг ажойиб совет боҳодирлигидан гувоҳлик берадиган нишонлар – II даражали «Ватан уруши» ордени, «Қизил юлдуз» ордени, иккита «Жасурлиги учун» медали, «Аълочи тўпчи» ва «Гвардия» значёклари товланиб турибди.

Гвардия лейтенанти Турдимат Жиянов

НЕМИСЛАРГА ОМОН БЕРМАЙМАН

Гвардия старший сержанти Бурақов отделениясида пулемётчиман. Сўнгги ҳужум жанглирида актив иштирок қилдим. Отделениямиз немисларнинг таянч пунктида бўлган қаттиқ жанглардан бирида олдингилар каторида душман траншеясига бостириб кирди ва у ердаги бир группа гитлерчилар билан қўл жанги бошлади. Мен пулемётим ва ёрдамчим қизил аскар Косорук билан душман траншеясида ўтиб олдим ва артиллериямиз ўтидан эсанкираб қолган немисларни кира бошладим. Мен шу жангда 17 фашистни лаҳатга тикдим.

Лаънати Германия тупроғида бўлаётган қаттиқ жангларда ҳам севикли жанговар дўстим – пулемётим аввалгидек қатта иш кўрсатмоқда. Мен яқинда кечаси бўлинмамизнинг ўнг флангини кўриқлаб турган эдим. Бирдан душман танкларининг ўрмалаб келаётгани эшитилиб қолди. Сал ўтмай артиллериямиз даҳшатли ўт очди. Рўпарамизда ёнаётган немис танклари пайдо бўлди. Ёнғин шуъласида бизга томон келаётган танклар ва гитлерчи автоматчилар кўрин-

ди. Мен немис танкларининг ичкарига ўтиб кетишини пойладим. Худди шу вақтда ўз артиллериямизнинг снарядлари менинг атрофимга туша бошлади. Немис танклари чап томондан ўтиб кетай деганда мен немис пиёда аскарларига қараб ўт очдим, уларни танкдан ажратиб қўйдим ва қиравердим. Ўша жойда немисларнинг 40 дан ошиқ ўлиги қолди.

Оддий аскар Жума Алиназаров

1945 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ. №21 (306)

ҲАРБИЙ ҚАСАМ

Мен, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг граждани, Ишчи-Дехқон Қизил Армиясининг сафига кириш билан қасам ичаман ва номусли, ботир, интизомли, ҳушъёр жангчи бўлишга, ҳарбий сирни ва давлат сирини қаттиқ сақлашга, барча аскарний уставларни ва командир ҳамда бошлиқларнинг буйруқларини ҳеч сўзсиз бажаришга тантанали қасамёд қиламан.

Мен ҳарбий ишни виждон билан ўрганишга, ҳарбий мулкни ва халқ мулкни бутун чоралар билан асрашга ва ўз Халқимга, ўз совет Ватанимга ва Ишчи-Дехқон Ҳукуматига сўнгги нафасимгача содиқ бўлишга қасамёд қиламан. Мен Ишчи-Дехқон Ҳукуматининг буйруғи билан ўз Ватаним – Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини ҳимоя қилишга ҳамма вақт тайёрман ва Ишчи-Дехқон Қизил Армиясининг аскарлари сифатида душманлар устидан тўла ғалаба қозониш учун ўз қонимни ва жонимни ҳам аямасдан мардлик, моҳирлик билан, муносиб равишда ва шон-шараф билан Ватанимни ҳимоя қилишга қасамёд қиламан.

Агарда мен ёмон ният билан шу тантанали қасамимни бузсам совет қонунининг қаттиқ жазосига, меҳнаткашларнинг умумий нафратига ва жирканиб қарашига дучор бўлай.

МУҚАДДАС БУРЧ

Оғир ва мураккаб жанг арафасида эдик. Ҳар бир жангчи немислар ўзларининг бу муҳим мудофаа марраларини охиригача сақлаб қолиш учун қаттиқ қаршилиқ кўрсатишини яхши билар эди. Аммо бу нарса жангчиларимизнинг руҳини мутлақо туширмади, аксинча, уруш майдонида қандай ўрин тутиши тўғрисида яна бир марта ўйлаб кўришга ундади. Қизил аскар Холмагоров душманнинг ўт очиш нуқталарини аниқлаб, қўл пулемётидан кучли ўт очди ва жангчиларимизнинг сув маррасидан ўтишларига ва душман траншеяларига ёриб киришига имкон берди.

Қизил аскар Воробьёв ўзининг пулемётчи дўстининг мадад бериши натижасида қўл жангида автомат ўти билан 5 немисни ўлдирди. Қизил аскар Шокиров ҳам уч гитлерчини отиб ташлади. Бу жангда ҳар бир аскар кўйилган вазифани бажаришда ўзининг шахсий масъулиятини уқиб олган эди. Қизил аскар Сулаймонов бунинг ёрқин мисолидир. У икки марта ярадор бўлди, лекин душманнинг таянч пункти ишғол қилинмагунча жанг майдонидан кетмади.

Младший сержант Н.Алимов

1945 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ. №22 (307)

ЖОСУСЛАР УШЛАНДИ

Мен жанговар дўстим Сударев билан кузатиш пунктдан келаётган эдим. Узоқдан бирдан нарироқда оёқ товуши эшитилиб қолди. Биз тинчиб, нафасимизни ҳам чикоролмай товушга қулоқ солдик. Товуш яқинлашди.

– Қичқир, «ким» де, – деди Сударев.

Жим. Бегона одам. Оёқ товуши биздан узоқлаша бошлади. Биз оёқ товушига қулоқ солиб ўша одамнинг кетидан охисталик блан кетавердик. Биз ҳам кирдик. Тап-тап, оёқ товушига яна қулоқ солдик. Унинг ўз уясига бориб етганлигини пайқадик. Биз ҳам жуда асталик билан унинг орқасидан бордик. Қоронғу. Ҳеч нарса кўринмайди. Фонар ёқиш сра мумкин эмас. Энди товуш ҳам эшитил-

майди. Мен шу ерда уй ёнидаги ертўлага зинапоя бўлса керак деб ўйладим ва кўзим блан пийпаслаб пастга тушиш йўлини изладим, тополмадим. Бирдан қўлимга бир нарса тегиб кетди. Симнинг кўчадан келган томони ерга қўмилган. Биз шу симни қўлдан чиқармай секин-аста яна ичкарига кириб кетдик. Телефон сими бизни бир эшикка олиб келди. Ичкарида одам борлиги билинди. Таваккал қилиб жаҳл блан эшикни тортдим ва автоматимдан бир сидра ўқ уздим. Немис тилида биров нималарнидир бақирди. Иккаламиз ҳам яна бир сидрадан ўқ уздик.

– Ҳенди хох! – деб кичқирдим. Фонаримни ёқдим. Икки немис қўл кўтарди. Битта яралангани тўппончасига қўл узатган эди, уни Сударев отиб ташлади. Яна биттаси караватдан боши осилган ҳолда ўлиб ётар эди. Уйни текширдик. Бир радио аппарати, телефон, 4 автомат, гранаталар, ҳар хил ҳужжатлар топдик. Натижада маълум бўлдики, бу фрицлар бир немис офицерининг бошчилигида кўпо-риш ишларини бажариш, қисмларимизнинг команда пунктларини аниқлаш, кўзга илинган офицер ва командирларимизни ўлдириш учун бизнинг томонимизда махсус қолдирилган немис жосуслари экан.

Саидали Ҳасанов

ДУШМАН ТЎПЛАРИНИ ЯКСОН ҚИЛДИК

Тўп расчётимизга пиёда аскарларнинг жанговар тартибда позиция ишғол қилиб, рўпарадан отиши учун тайёрланишга буйруқ берилди. Биз душмандан 200 метр берида позиция ишғол қилдик. Сал ўтмай душманнинг бир тўпи пиёда аскарларимизга қараб рўпарадан ота бошлади. Мен дарҳол душман тўпига қарши ўт очдим. Брок душманнинг иккинчи тўпи бизнинг позициямизни сезиб қолди ва қаттиқ ўт очди. Шу маҳалда Костилёв ўз тўпи блан бизга ёрдамга келди. У бизни ўтга тутган немис тўпига қарши даҳшатли ўт очди. Тўрт тўп ўртасида қаттиқ жанг бошланди. Мен душман снарядларининг ўти остида отишни давом этдирдим ва тўртинчи снаряд блан немис тўпини яксон қилдим. Шундан кейин кўз очиб

юмгунча Костилёв тўпининг снарядлари иккинчи немис тўпининг ҳам дамини чиказмай кўйди. Сўнгра мен яксон қилинган тўп ёнидаги саройга қараб ўт очдим. Сарой ичида бир ротага яқин немис солдатлари контратака тайёрланаётган экан. Саройни аланга ўраб олди. Фрицлар саройдан чиқиб қоча бошладилар. Мен тўпимни қочаётган фашист галаларига қараб бурдим ва отишни давом қилдирдим. Фрицлар тутдай тўкилди.

Шу пайтда пиёда аскарларимиз ҳам атакага ўтдилар, немис солдатларини кетма-кет қувиб илдам қадам блан олдинга қараб кетдилар. Сарой ичида ва атрофида 70 дан ошиқ немис солдат ва офицерининг мурдаси қолди.

Наводчи ефрейтор П.Эшбоев

1945 ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ. №23 (308)

ДУШМАН ЎЛИМ ЗАРБАСИГА УЧРАДИ

Немислар изма-из қувиб бораётган аскарларимиздан узоқлашиш ниятида кўпинча унда-мунда пулемёт пистирмалари қўйиб кетадилар. Тепаликларни диққат блан кўздан кечирган бўлинма командири капитан Ишчук мени, сержант Черкашинни, младший сержант Карисовни ва жангчи Супелевни ўз хузурига чакириб бундай деди:

– Чап томондаги тепаликда янги қазилган тупроқ уюмлари бор. Бу бежиз бўлмаса керак. Дарҳол разведка қилинсин! Биз икки группа бўлиниб тез ва чаккон ҳаракат қилиб сал вақтда тепалик бўсағаларига бориб етдик. У ерда уч окоп бруствердан маскировка қилинган пулемёт стволи зўрға кўзга чалинади. Бу газандалар устига тўрт томондан кўкқисдан қатъий бостириб бориб янчиб ташлашга қарор қилдик. Энди биз тарқалишиб ҳам бўлган эдик, олдин автомат, кейин пулемёт тарақлаб қолди. Ўша замони орқа томондан учиб келган граната пулемёт окопида портлади. Мен эса немис автоматчисига яқин бўлганим учун унинг устига кетма-кет икки граната ирғитдим. Гитлерчиларнинг овози ўчди. Гранаталаримиз портлаган окопларга

эса икки пулемётчи ва бир автоматчининг тилка-тилка бўлган разил жасадлари ётарди. Булардан сал нарида турган ва ўтакаси ёрилган бир полк штурмчи-фаустпатрончи «Гитлер капут» деб икки кўлини баланд кўтариб келди.

Бир пулемёт, уч мингтача ўк, етти фаустпатронни кўлга туширдик. Топшириқ бажарилди. Сигнал берилди: йўл хатарсиз. Бўлинма ваҳимага тушиб қочаётган немисларнинг ўзларини ўн-ғариб олишларига имконият бермаслик учун шахдам қадам блан олға босди.

Қизил аскар Темирбек Жонбеков

МЕН НИШОН КЎРСАТИБ ТУРДИМ

Германия территориясида кўпдан бери жанг қилаётирман. Аммо кўп жанглар ичида энг сўнгги курашимиз ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Мен телефончи Кудряшов блан тўпчиларнинг кузатиш пунктида немисларнинг ҳаракатини қайд қилиб турган вақтимизда биз томонга қараб келаётган 17 немис танкини кўриб қолдик. Немис танклари бизни кўрмасди, лекин жуда яқинлашиб келиб қолди. Шунда мен телефон трубкасини олиб артиллерия бўлинмасининг кўмондонлик пунктига хабар бердим:

– Мен сиз буюрган ердаман. Менинг олдимда 17 танк, улар сиз томонга бормоқда. Кучли ўт очингиз! Ариентир ва прицел илгаригича.

Жуда оз вақт ўтди. Менинг ён-веримда ўз снарядларимиз ёрилаверди. Мен ярадор бўлдим. Мен трубкани Кудряшовга бериб, ўзим артиллерячиларимизнинг ўт очишларига нишон кўрсатиб турдим.

Шундай қилиб, узоқ давом этмаган жангда немисларнинг 7 танки шикастлантирилди ва 3 танки ёндирилди. Қолган душман танклари олдинги доирамизга қараб қочдилар.

**«Ленин» ордени ва «Қизил байроқ»
ордени кавалери
сержант Хусан Сатторов**

ТИЛ ТУТДИК

Мен разведкачиман. Ҳозиргача 11 немисни тирик ушлаб келтирдим ва 50 дан ошиғини жанг майдонида отиб ўлдирдим. Яқинда мен қизил аскар Қасқабоев ва Ильин блан бирга олдинги позициядан нарироқда кузатиб ётган эдик. Кеч кирган пайтда шеригимиз Галустян ўрмондан саккиз немис чиқиб биз томонга келаётганини айтди. Биз вазминлик блан шайланиб турдик. Гитлерчилар ётиб, туриб келаверди. Орамиз 50 метрча қолганда биз автоматлардан ўт очдик. Немислар ерга ётди. Қасқабоев блан мен икки томондан югириб бордик. Иккитаси қўлини кўтарди. Биттаси ётган жойидан менга тўппанчасини тўғрилаётган эди, Қасқабоев автомат блан мийясига солди. Олиб келган «тиллер»имизнинг бири немис офицери – оберлейтенант экан. У аввал хиралик қилиб турди-ю, кейинчалик «ипакага келиб» бизга керакли кўп нарсаларни айтиб берди.

Қизил аскар М.Жалолов

1945 ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ. №24 (309)

ҚАНДИНГНИ УР, ҚАҲРАМОН ЖЎРАЕВ

Қизил аскар Жўраевнинг социалистик Ватанга содиқ бўлишга қасамъёд қилган тарихий кун унинг ёдида абадий сақланиб қолди. У ўша куни ўзининг қуролдош ўртоқлари олдида софдил, қўркмас, интизомли, хушъёр бўлишга онт ичган эди. Жўраев ҳарбий онтни ҳамма вақт ёдда тутиб немис ерида гитлерчиларни аёвсиз қирмоқда. Бир жангда командир Жўраев илгари силжиб душман ҳаракатини кузатишни буюрди. У буйруқни шараф блан бажарди: душман ўз кучларини тўплаётганлигини ва тез орада ҳаракат қилиб қолишлигини сезди ва бу тўғрида командирга маълум қилиб, ўзи кузатишни давом этдирди. Бир оздан сўнг немислар контратака бошлади. Жўраев тепасидан душман снарядлари визиллаб ўтар ва яқин орада портлар эди. Жўраев қутирган фашистларнинг катта группасига қарши тенгсиз жанг бошлади. Немислар уни тириклайин қўлга туширмоқчи

бўлди. Аммо совет аскарлари асир бўлиб тушмайдилар! Жўраев немисларни автоматдан отиб хатосиз урди, ўқи тамом бўлгандан кейин эса кўндок блан жанг қила бошлади.

Немислар жанг қизиғида совет аскарлари уларни қуршаб олганини сезмай қолдилар. Немисларнинг ҳаммаси кириб ташланди. Бу тенгсиз жангда Жўраевнинг ўзи 12 немис газандани кириб ташлади.

«На разгром врага» редакциясининг коллектив хабари

ҲАМШИРА ҚИЗ

*Жўш урар экан қалбим, унитсам гувоҳ
Ҳаётим соқчиси ҳамшира қизни.
Ётган чоғимда, о, беҳуш, бепаноҳ
Ўлимдан уйғотган дилбари юзни.*

*Ҳайқуриб борардик... атакамиз зўр,
Снаряд портлашар ҳар бир одимда.
Ёвларни қирардик, қаҳримиз ўтқир,
Хаёлим ҳужумда, зафар ёдимда.*

*Шунда, эҳ, кўққисдан оташин парча
Тегдию дармонсиз қорликка ётдим...
Ғойиб бўлди кўзимдан ўрмону арча,
Сувсиз ва дармонсиз ҳушимдан кетдим.*

*Бир замон танимда жон кеза қолди,
Оҳиста очилди сўлгин кўзларим
Ва қандайдир оғриқ-ўт қалбимда ёнди,
Шунда мен англадим, сездим ўзларим.*

*Кўрдиму бошимда парвона қиз бор,
Полкимиз қайда деб сўрадим ундан,
Солдатча кийинган мардона қиз у,
Флагдан сув бериб, сийпар юзимдан.*

*Кўзлари зангори, сочи қўнғироқ,
Чаққон ва беозор бойлар ярамни,
Кўнглимни юпатар: – Айт, жангчи ўртоқ,
Қай ердан, исминг ким? – дер, сўрар ўлкамни.*

*Шу ғамхўр, қадрдон бўлмаса агар,
Жангчининг тақдирин билганлар десин!
Қонимни тиндириб асраган дилбар,
Раҳмат сенга, шуҳратлар бўлсин!*

*Жўш урар экан қалбим, унитсам гуноҳ
Ҳаётим соқчиси ҳамшира қизни.
Ётган чоғимда, о, беҳуши, бепаноҳ
Ўлимдан уйғотган дилбари юзни.*

Сержант Ҳамид Ёқубов

1945 ЙИЛ 18 АПРЕЛЬ. №25 (310)

ЎЛЖА ҚУРОЛДАН ОТИБ

Қисмимизнинг шиддатли хужум қилиб бориши натижасида гитлерчилар ваҳимага тушиб кўп қурол-аслаҳа, ўқ-дориларини ташлаб кетдилар. Менинг бўлинмадаги жангчилар душманнинг 105 миллиметрли тўпини қўлга туширдилар. Иккинчи группа жангчиларим машина блан 59 снаряд келтирдилар. Ўлжа қуроллардан фойдаланишда ном чиқарган наводчи гвардия сержанти Притикин, тўп командири гвардия старший сержанти Сотниковлар тўпга ўз панарамаларини ўрнатиб душман устига ўт очдилар. Ўлжа тўпдан отилган учинчи снаряд гитлерчиларнинг 75 миллиметрли тўпини мажақлаб ташлади. Иккинчи куни гвардия лейтенанти Танитовский бошчилигида шу тўпдан отиб саккизинчи снаряд блан душман ДЗОТининг кулини кўкка совурдилар. Бўлинмадаги бошқа тўпчилар ҳам ўлжа қуролдан отиш техникасини эгалламоқдалар.

Гвардия лейтенанти Турдимат Жиянов

ҲУШЪЁР БЎЛ!

Ниқоб йиртилди

Қоронғи тушган пайтда лейтенант Соснов блан сержант Козимов топшириқни бажариб ўз бўлинмасига қайтиб боришаётган эди. Улар йўл устидаги бир қишлоққа яқинлашганда ўнг томондаги чангалзордан «ўртоқлар, ўртоқлар» деган овоз эшитилди. Улар хайрон бўлишиб тўхтаб қолдилар. Чангалзордан эмаклар чикқан жувринди бир киши уларни имлаб «ўртоқлар» деб чақирди. Соснов бир оз тараддудланиб турди-да, сўнгра дадил қадам босиб унинг олдида борди. Козимов қўлидаги автоматини тайёр тутиб ўз жойида кузатиб турди. Жулдир туғилганлигини, 1941 йилда немислар уни оиласи блан бирга Германияга хайдаб келганини, мана шу қишлоқдаги бир помешчик уйида хизмат қилиб юрганини айтди. Сўнгра овозини яна пастроқ қилиб гапирди:

– Помешчикнинг ўғли обер-лейтенант Вербе ҳозир ўз уйида ертўлада ётибди. Уни ўткан кун ўрмондан келтирдилар. Ярадор бўлган. Соснов ишонмаган назар блан унга қаради. У Сосновнинг фикрини тушунди, шекилли, ўрнидан ярим туриб қўлтиқ чўнтагидан паспортини чиқарди. Паспортда «Станислав Дербицкий, поляк, 1911 йилда туғилган» деб кўрсатилган эди.

– Мана шуни хабар қилмоқчи эдим, худога шукур, ўзларинг келиб қолдиларинг, – деди у.

Полякнинг ҳаракатлари ва сўзлари Сосновга ясамадек бўлиб туғилди. Унинг «хайрихоҳлиги»дан шубҳаланди. Вақт анча қоронғилашиб қолган эди. Лейтенант сержант блан бирга уни тўғри бўлинма штабига олиб келдилар. Поляк унда ҳам халиги сўзларини такрорлади. Бўлинма командири бир неча автоматчини юбориб поляк айтган уйни текширтди. Ундан ҳеч қандай ярадор немис офицери топилмайди. Лекин подвалнинг дераза ойнаси пардаланган ва стол устига шам ёқилган эди. Уйнинг бурчагида улар пиширилган, лекин ҳали совимаган картошка қолдиқларини ҳам кўрдилар. Аммо одамдан асар ҳам йўқ. Улар ён теварақдаги уйларни ҳам текшириб чикдилар. Ҳеч ким йўқ.

Бўлинма командири бу воқиани эшитгач полякни каттиқроқ суриштирди. Сир очилди. Унинг поляк эмаслигини, балки немис бў-

либ, гестапо томонидан очилган махсус мактабда ўқиганлиги, полякча, русча, украинча тилларни ўрганганлиги аниқланди. Помешчик ва унинг ярадор ўғли тўғрисида айтилган сўзлар эса совет аскарларини қўлга тушириб, гестапога керакли маълумотларни олиш учун қурилган тузоқ экан. Гитлерчилар қишлоқдан чекинган вақтда жосуслик ва кўпоручилик қилиш мақсадида беш кишини қолдириб кетган экан. Совет аскарларининг хушъерлиги натижасида душман никоби йиртилди.

Младший сержант Х.Турсунов

КОММУНИСТ САИДОВГА ҚОЙИЛ!

Коммунист ефрейтор Саидовга яна тўртта жангчи блан бирга сув маррасининг ғарбий қирғоғида қўлга киритилган кичкинагина плацдармни батальон етиб келгунча ҳимоя қилишга тўғри келди. Саидов бошлиқ бу кичкинагина группа душманнинг икки контратакасини қайтарди. Жасурлар плацдармдан бир қадам ҳам орқага жилмадилар. Совет жангчиларини сувга улоқтириб ташлашга қасд қилган гитлерчиларнинг уринишлари барбод бўлди. Бу жангда ефрейтор Саидов ажойиб мардлик ва усталик кўрсатди. У ўзига, ўз жанговар ўртоқларига, совет куралининг кучига ишонган, ҳар жиҳатдан чиниққан, тажрибали аскардек жанг қилди. Шахсан ўзи 5 гитлерчини ўлдирди.

Оддий аскар Илья Черницкий

МАРДЛИК

Йўл ҳаракатини бошқарувчи регулировчи қиз байроқчалари блан ишора қилиб ғарбга йўл кўрсатди. «Студаб-аккер» унинг ёнидан ғизиллаб ўтиб кетди. Унинг орқасидан кўтарилган чанг-тўзон куюни гир-гир айланиб ҳарбий қизни бир чулғаб олди-да, ҳавога сингиб кетди. Машинанинг кабинасида қорачадан келган ёш ўзбек йигити шофёр Мамадали Хусанов рулни бошқариб бормоқда. Унинг қўллари ва юзлари, чанг аралаш қора кўзлари узоқларга тикилган. Гўё у машина блан бир жон-бир тандай. Баҳайбат «Студаб-аккер» унинг кучли билақларига, иродасига итоат қилиб шиддат блан урушнинг

хатарли йўлидан учиб бормоқда. Унинг бошида хаёллар кўп: йироқларда қолган меҳрибон юрти, Уйчидан Наманганга пахта ташиб юрган вақтлари, мўл юриб чарчаган вақтларида шофёр ўртоқлари блан кишлоқ чойхонасида кўниб, садда қайрағочларнинг қуюқ кўланкасида ош еган, чойхўрлик қилган, яллалар айтиб ҳордиқ чиқарган ғанимат дамлар... эсига тушиб кетади.

Ҳозир эса Ҳусанов ўз машинасини беҳуда тўхтатмайди. Унинг онги бир муҳим фикр блан банд: Жанггоҳга тезроқ етиб бормоқ керак, жангчилар ўқ-доридан камчилик тортмасин. Шунинг учун ҳар бир минут, ҳар бир босиб ўтилган километр ғанимат. Машинани тўхтатиш мумкин эмас! Аскарлар интизор бўлмасин. Шу куни у портлатилган кўприкка етганини пайқамай қолди. Кўприкнинг ўпирилган жойида юк машина ағдарилиб ётибди. Таваккал қилиб ва шашт блан машина кутмоқда. Ҳусановнинг эса кутишга тоқати йўқ. У ҳаяжонланди. Бузук кўприкнинг у ёқ-бу ёғини синчиклаб қараб чиқди ва катъий бир қарорга келиб кабинасига тушиб олди. Ҳаммани ҳайратда қолдириб машинасини юргизиб юборди. Кўз очиб юмгунча унинг машинаси нариги томонга ўтиб олди. Шофёрлардан кимдир «Оббо, шайтоне!» деб қўйди.

Яна неча ўнлаб километрлар орқада қолиб кетди. Йўлнинг ўнг томонида машиналар қалоннаси тўхтаб қолган. Олдинда ботқоқлик. Бу жиддий тўсиқлик.

– Мана энди бу ерда ҳеч илож қилиб бўлмайди, бу ўтиришдан мурод ҳосил бўлмайди. Бир неча қалин тахта керак, холос. Мен сизларга қандай қилиб ўтишни кўрсатиб бераман.

Ҳусанов яқиндаги кишлоққа қараб югирди, бошқа шофёрлар унга эргашдилар, ҳаттоки офицерлар ҳам ҳаракатга кириб қолишди.

Ҳусанов машинасига тушиб, биринчи бўлиб бемалол ўтиб кетди. Унинг ташаббуси, ғайрати бу тўсиқни ҳам енгди. Энди олдинги доира узоқ эмас. Артиллерия отишмаси, пулемётларнинг товуши эшитила бошлади. Уфқда уруш майдонидан кўтарилаётган тутунлар кўринмоқда. Бирдан унинг ёнида ўтирган лейтенант «Немис самолётлари!» деб қичқирди. Ҳусанов кабинадан бошини чиқариб бир осмонга қараб олди-да, машинани янада тезроқ ҳайдади. Душман самолёти ташлаган бўмбалар унинг машинасида 30 метр орқароққа

тушди. Хусановнинг кўз қорачиқлари кенгайиб кетди. Самолёт бу гал хийла олдинроқда шўнғиди. Хусанов бирдан машинани таққа тўхтатди. Бомбалар анча олдинга тушиб портлади. Совет шофёрининг жасурлиги, мохирлиги немис учувчисини ғазаблантирди, шекилли. Чунки у яна баттарроқ ўчакишиб, гоҳ ўнг, гоҳ сўл томондан пастгина учиб ўтиб пулемётдан қаттиқ ўтга тутди. Кабинада ўқлар визиллаб учиб ўтмоқда. Ойналар чил-чил бўлиб кетди. Хусановнинг ранги оппоқ бўлиб оқарди. «Ўқ-дори ўт олиб кетса нима бўлади?» Ўнг кўли шилқ этиб тиззасига тушди. Самолёт эса уни ҳамон ўққа тутмоқда. «Ёмон ашаддий фриц экансан-у, лекин тўхтатолмайсан» деб кўйди Хусанов тишини тишига босиб. Машина юриш суръатини сусайтирмадигина эмас, аксинча, тобора ошираверди. Ниҳоят, немис учувчисининг ўқ-дориси тамом бўлди, шекилли, мақсадига етолмай учиб кетди. Лекин Хусановнинг аҳволи оғир эди. Бунни пайқаган лейтенант ташвишланиб:

– Машинани тўхтатсангиз бўлар эди, – деди.

– Йўк! – деди Хусанов бош чайқаб, кўзларини тикилган нуқтадан узмай. Унинг овозидан кучли ирода жаранглаб кетди. – Тўхтатиш мумкин эмас!

Машина қишлоқ четигаги бир уй панасига бориб тўхтади. Ҳозиргина охириги снарядни отиб Хусановнинг машинасини илҳақ бўлиб кутиб турган артиллериячилар уни сўз ила тасвираб бўлмас қувонч блан қарши олдилар. Хусанов олиб келган снарядлар гитлерчилар бошига ёғила бошлади. Кўкраги «Ватан уруши», «Қизил юлдуз» орденлари ва кумуш медаль блан безалган Хусанов завқ блан бу «музыка»ни тинглар экан, ғарбга тикилиб қараётган кўзларида ва чеҳрасида ажойиб табассум пайдо бўлди. Ҳатто у ҳозир яранинг оғриғини ҳам сезмас эди.

Капитан З.Фатхуллин

ПАЗАНДА ОШПАЗ

Ҳомиджон Дадабоев урушгача Кўқон Чорсусидаги пазанда ошпазлардан бири эди. Унинг бу ҳунари жанг майдонида ҳам қўл келди. Дадабоев пиширган хилма-хил ва лаззатли таомларни еган ҳар-

ким ҳам унинг усталигига тан бермай иложи йўқ. Бу ер уруш майдони. Иш шаройити Қўқондагига қараганда тамомила бошқача, албатта. Буни Дадабоев яхши англайди. Шунинг учун у жангчиларни, командирларни қачон ва қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, иссиқ ва ширин овқат блан мамнун қилишга тиришади. Кунлардан бирида Дадабоев иссиқ мастава ва жарков тўлдирилган термизни елкасига ўнгариб, олдинги доирада – команда пунктда бўлган офицерларни зиёфат қилгани бораётган эди. У команда пунктига юз метрча колди деганда немис миномётининг ўтига дуч келди. Унинг ён-вериди портлаётган мина парчаларидан бири чап қўлининг кўрсаткич бармоғини узиб кетди. Лекин азамат Дадабоев кўрқишни ёки шу ярим йўлдан қайтишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Тишни тишга қўйди. Қўлини бойлади ва ер бағирлаб, сурғалиб йўлини давом этдирди.

Жангчи Дадабоев Ватан уруши frontiдаги шундай мардликлари ва фидокорлиги туфайли «Жанговар хизматлари учун», «Жасурлиги учун» ва «Ленинград мудофааси учун» медаллари блан мукофотланган.

Ефрейтор Э.Алиев

ҚЎЛИМДА ҚУРОЛУ УСТИМДА ШИНЕЛЬ

*Мен узоқ ўртандим, ёндим ҳижронда,
Кундан-кунга бўлди муҳаббатинг зўр.
Сени ўйлаганда жон ҳаяжонда,
Жисмим ўтда ёнди, йўқолди ҳузур.*

*Лекин сен қайдасан, хабар бермасанг,
Қайси жанг чўлидан ахтарай сени?
Сен томонга тушган, айтгил, қайси йўл
Сенинг ҳузурингга элтади мени?*

*«Олга кетмоқдамиз ҳужум-ла ҳамон,
Музаффар жангимиз этмоқда давом.
Нега хат ёзмайсан, енгдими ҳижрон,
Бардош қила олмай унитдинг тамом?»*

*Дебсан, қора кўзим, хатни кўп ёздим,
Мендаги муҳаббат сизмас мактубга.
Кутдим, ўйламаки – севгидан оздим,
Бардош берар экан севги маҳбубга.*

*Наҳот, мен унитай, унитай сени,
Наҳот, ўйладингки, шунча бағрим тош.
Юлдузлар кўзингни эслатган чоғда,
Наҳотки, тўлмаса дийдаларга ёш.*

*Беҳад соғинганман, кўришига зорман,
Хабар бер қайдасан, эй офатижон.
Букун сен томонга қиламан сафар,
Сен ҳам кўрмоқ бўлсанг бергил тез нишон!*

*Гўзал Ўзбекистон қолди ортимда,
Қизлар оқ йўл тилаб силкитди рўмол.
Оқ йўл тиладилар яшил далалар,
Ҳовуз бўйидаги садда, мажнунтол.*

*Сўроқлаб бораман учган қушлардан,
Мардлигингдан куйлар қушлар навоси.
Силаб сочларимни мени эркалар
Улуғ Русиянинг мовий самоси.*

*Бирга жанг қиламиз туриб ёнма-ён,
Таниш бўлиб қолар ўқлар овози.
Мен узган ўқимдан немис йиқилса,
Сен мамнун бўларсан, Ватан ҳам рози.*

*Ишиқинг қанотида сени сўроқлаб
Парвоз қилмоқдаман осмонда енгил.
Тездан етажакман сенинг ёнингга,
Қўлимда қуролу устимда шинель.*

Зулфия

БЕРЛИНГА ҲУЖУМ

Ойдин кеча. Қалин ўрмонда сирли жимжитлик ҳукмрон. Ҳатто тикка ўсган қарағайларнинг учи ҳам кимираммайди. Чунки шабада ҳам эсмай кўйган. Лекин ер тагида – блиндажларда ҳамма ҳаракатда, тайёргарликда. Қизил Армия жангчилари, сержантлари ва офицерлари одатдагидан ҳам кўпроқ руҳланган. Гўё катта тантанага тайёрланаётгандай. Ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Лекин бугун нима бўлишини ҳамма яхши билади. Фалон соатда бошланади деб ҳеч ким аниқ эълон қилмаган бўлса ҳам, барибир, ҳамма билади, чунки ўзидан-ўзи сезилиб турипти. Биз «Шухрат» орденининг кавалери сержант Самат Ҳотамов отделениясининг блиндажига кирдик. Жангчилар қуролларни охирги марта синчиклаб кўздан кечириб чиқмоқда, тоза ич кийим киймоқда, гимнастёркаларига янги оқ ёқалар тикмоқда.

Беш минутдан кейин блиндажлар бўм-бўш бўлиб қолди. Қисмлар, бўлинмалар, взводлар, отделениялар белгиланган марраларни эгалладилар. Ҳотамов отделенияси сув маррасининг бериги юзида қарор топти. Сув лабидаги буталар орқасига қайиқчалар ҳам келтириб кўйилган. Бирдан ер ларзага кирди. Шонли артиллериямизнинг даҳшатли садосига гвардиячи миномётларимизнинг пишқириши кўшилди. Душманнинг олдинги доираси талқон қилинди. Тутун ва тўзон булутлари кўкка кўтарилди. Бу манзаранинг таъсири жуда кучли. Душман учун баҳайбат ва мудҳиш, биз учун эса дабдабали тантана манзарасидир.

Ўз жангчилари ёнида туриб артиллерия ўтини завқ блан тамоша қилаётган Ҳотамов бирдан жиддий тусга кирди. Қайиқларни сувга туширишга команда берди. Немис даръёсининг ғарбий қирғоғи баландлик, немислар у ерда сон-саноксиз ўт нуқталари қуриб олган, бериги томондаги ҳар бир қарич ерни яхши кўриб турадилар. Совет артиллериясининг маҳв этувчи ўтидан омон қолган якка-ярим пулемётлар, миномётлар жонланиб қолди. Бу душманнинг ашаддийлигини, жон бера туриб ҳам захрини солишга тиришувчи газанда

эканлигини кўрсатди. Лекин энди унинг бу кучанишлари беҳуда. Совет баҳодирларини тўхтатадиган куч йўк. Келиб тушган снаряд ва миналар портлашидан ҳосил бўлган тўлқин юзида қайиқчалар ёнғоқ пўчоғидай чайқалар, баъзилари оғдарилар. Совет аскарлари эса ҳеч нарсага қарамай, кимлар қайиқ блан, кимлар сузиб ғарбий қирғоққа қараб интиладилар. Ҳотамов отделенияси биринчилар қаторида ғарбий қирғоққа қадам қўйди. У «Олға!» деб қичқирди ва югира кетди. Гув этиб ҳамма жангчилар атакага кўтарилдилар. Ҳотамов душман окопига биринчи бўлиб сакраб тушди, ундан нарироқда Москва мудофааси жанглариининг иштирокчиси Сафонов, сталинградчилар Савченко ва Курмаевлар ва бошқа жангчилар бостириб кирдилар. Қаттиқ қўлма-қўл олишув бошланди. Савченко бешта немис солдатини тиккасига отиб ташлади, Курмаев иккитасини найза санчиб ўлдирди, Назарян бир немис офицерини ўлдирди, Ҳотамов эса етти фашистни ўлдириб, биттасини асир қилиб олди. Кўп вақт ўтмай душман траншеяларнинг биринчи қатори тозаланди. Траншеяларнинг иккинчи қаторига етиб олиш учун кўтарилганда душман пулемёти қаттиқ ўт очди. Жангчилар ерга ётиб олишга мажбур бўлдилар. Буни кўрган Ҳотамов «жангчилар совуб қолишмасин, кизиғида уриб қолиш керак» деб қўйди-да ўзича, пулемёт нуқтасига қараб эмаклади. У деярлик мўлжаллаган ерига бориб етгунча тўхтовсиз ёғилиб турган ўқ ёмғури остида ҳаракат қилди. Унга ўқ тегмаганлигининг боиси урушда кўп рўй берадиган тасодифдан бошқа нарса эмас. Ҳотамовнинг ирғитган гранаталари душман пулемётининг овозини ўчирди. Жангчилар кўтарилиб илдам олға ташландилар. Ҳадемай, қисқа, лекин қизғин қўл жангидан кейин иккинчи қатор траншея ҳам батамом эгалланди. Остин-устин бўлган ДЗОТлар, мажақланган тўплар ва миномётлар, сон-саноксиз ўликлар совет артиллериясининг ҳалол ишлаганини кўрсатиб турипти. Дархон колган гитлерчиларни эса шонли совет пиёда аскарлари янчиб ташламоқда. Берлинга ҳужум давом этаётир.

Капитан З.Фатхуллин (Телеграф орқали олинди)

ДУШМАНГА ҚАҚШАТҒИЧ ЗАРБАМИЗНИ ТОБОРА ОРТТИРАЙЛИК!

Халиевга қойил

Сержантимиз Жума Халиев биринчи марта Волга бўйларида жанг қилган эди. Мана энди у ҳозир Ширеевдан ўтиб олди. Қандай катта ва шонли йўл. У биринчи ҳамда иккинчи даражали «Шухрат» орденининг кавалери. Қисмнинг донгдор аскарларидан бири.

Халиев ўзига қулай позиция танлаб олиб, душман кучлари тўпланган жойлар ҳақида аниқ маълумотлар бериб турди. Снарядларимиз худди мўлжалга тегиб туша бошлади. Бир ёқда немис танклари, ўзиюрар танклари ёнмоқда, тўп ва миномёт нуқталари, истехкомлари емирилмоқда... То артиллерия хужуми охиригача разведкачи сержант бу даҳшатли манзараларнинг гувоҳи бўлди. Унинг ўзи ўт ичида эди. Лекин ҳозир кўзига ҳеч нима кўринмас эди. Унинг юраги ўзи мансуб бўлган шонли совет артиллерияси учун фахр блан тўлиб-тошган эди.

Танкларимиз ва пиёда аскарларимиз душманни янчиб, мажақлаб олға кетдилар. Халиев доклад қилиш учун штабга қайтар экан, аскарларимизнинг орқа томонида қолиб кетган, артиллериямиз ўти шиддатидан ўзларини йўқотиб телба бўлиб қолган бир тўда немис солдатларига дуч келди. Қолган 8 таси безрайганча қўл кўтариб қўя қолишди.

(Ўз мухбиримиздан)

ОРИПОВ ЕНГИБ ЧИҚДИ

Комунист Орипов энг довюрак аълочи алоқачилардан бири. Орипов узилган симни улаштириш ёки бўлинмалар ўртасида сим тортиш тўғрисида жанговар буйруқ олдими, бас, ҳеч нарса унинг шаштини қайтаролмайди. Яқинда у жуда каттиқ жанг бўлаётган районда бир кун ичида 19 марта узилган симни улади.

Бундан уч кун илгари младший сержант Ориповнинг кўрсатган мардлиги яна ҳаммага манзур бўлди.

Орипов телефон симларини кўздан кечириб ўрмон ичида келаётган эди. У ўн бир гитлерчига рўпара келди. Брок младший сержант эсанкираб қолмади. Кўлида шай бўлиб турган автоматини ишга солиб ўрмон ичида моҳирлик билан манёвр қилди. Узоқ давом этган жанг Ориповнинг зўр ғалабаси блан тугади: ўз шерикларидан 8 таси биргина совет баҳодирининг ўтидан ер тишлаганини кўргач уч фашист қўлини кўтариб таслим бўлди.

З.Романов

ҲУЖУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Душман ҳалокат олдидан қутириб қаршилик кўрсатмоқда. Немислар жуда ичкари томон чўзилган кучли мудофаа истехкомлари қурган, сон-саноксиз мина далалари, тиканли симтўсиклар ишлаган, ўрмонларда жуда кўп ёғочларни кесиб ғовлар ясаган. Бунинг устига, жанг районларининг ўрмонзорлик ва ботқоқлик жойлар бўлишининг ўзи катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Лекин совет аскарлари ёвга қарши йўлланган бу сўнгги, ҳал қилувчи ва мислсиз қаттиқ жангларда қаҳрамонликнинг янги-янги намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу қаҳрамонлар ўртасида ўзбек халқининг содик фарзандлари ҳам бор.

Душман мудофаасини ўпириш вақтида биринчи даражали «Ватан уруши» орденининг кавалери, жасур сапёр сержант Эргаш Сатторов танкларимиз ва ўзиюлар тўпларимизни кузатиб боручилар группасининг бошлиғи бўлди. У қаттиқ пулемёт ва миномёт ўти остида душман мина далалари орқали учта йўл очди, юзлаб миналарни қовлаб олиб зарарсизлантирди. Қудратли танкларимиз ва ўзиюлар тўпларимиз сержант Сатторов очиб берган йўллардан ўтиб, гитлерчиларнинг жонли кучи ва техникасини мажақлаб олға кетдилар.

Иккинчи ва учинчи даражали «Шухрат» ордениларининг кавалери сержант Абдурашид Бобожонов очик позицияда туриб жанг қилаётган тўп расчётларидан бирида эди. Тўп наводчиси ярадор бўлиб сафдан чиқди. Унинг ўрнини сержант Бобожонов босди. У дастлабки

икки-уч снаряд блан немисларнинг икки ўт нуқтасини яксон қилди. Немис гитлерчилари кутириб расчѐтни янада қаттиқроқ ўтга тутдилар. Лекин Бобожонов ҳам бўш келмади. Гитлерчилар устига кетмакет снаряд ёғдираверди ва душманнинг ўқ-дори ортилган яна тўрт от-аравасини яксон қилди.

Аламзада немислар пиѐда аскарларни ишга солдилар. Бир группа душман автоматчилари флангдан совет тўпи расчѐтига яқин келиб қолди. Шу пайтда душман снаряди келиб қолди. Буни кўрган гитлерчилар тобора бостириб киравердилар. Улар ёлғиз қолган совет тўпчисини тирик қўлга туширмоқчи бўлди.

Бобожонов ғазаб блан автоматни олиб яқин келиб қолган немисларни қаттиқ ўтга тутди. Бир неча немис солдати ағдарилиб тушди. Энди улар ҳам қаттиқ ўт очишди. Сўнг ҳар икки томондан гранаталар уча бошлади. Бобожонов яраланди. Лекин у душманни ўзига сира яқин йўлатмади. Гитлерчилар бостириб келмоқчи бўлиб ўринларидан турганда автомат ўти билан уларни ерга қапиштирди, ётиб олишлари билан эса бошларига граната ёғдирар эди. Шу хилда у то ёрдам етиб келгунча якка ўзи шердек уришиб, ўз позициясидан бир қарич ҳам чекинмадигина эмас, балки 20 дан ошиқ немис солдатини қириб ташлади.

Немислар бўлинмаларимиздан бирининг хужумини тўхтатиш учун контратакага ўтдилар. Наводчи Шариф Тешаев расчѐти рўпарасидан душман ўзиюрар тўпи чиқиб, йўл-йўлакай ўт очиб пиѐда аскарларимиз томон бостириб кела бошлади. Тешаев душман машинасини нишонга олиб бир снаряд узди, тегмади. Тешаев ҳовлиқмади. Ўзини босиб олиб вазминлик блан яна нишонга олди. Бу снаряд душман машинасини ерга парчинлаб қўйди, учинчи снаряд блан эса уни ёндирди.

Капитан З.Фатхуллин. Жанглар райони

БОТИРЛАР РАСЧѐТИ

Жангчи Дониқул Курбонов Висла бўйида станокли пулемѐт расчѐтига келганда ҳали анча тажрибасиз эди. Расчѐтдаги кўпни кўрган солдатлар унга жони-дил блан ёрдам бердилар. Қишки ғолибона

хужумлар пайтида эса Қурбонов жуда кўп жанглarda қатнашиб зўр тажриба ордирди.

Бир қанча вақт муқаддам Қурбоновлар расчётига Петров, Чумак ва Додонов деган янги, ёш жангчилар келди. Дониқул дарҳол улар блан ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, бу ёш аскарларни йиртқиқ душманнинг юраги бўлажак ҳал қилувчи жанглarda пухта шайлади. Мана ҳозир эса азамат Қурбонов ана шу қуролдош янги дўстлари блан биргаликда Берлиннинг ғарби-жанубий бўсоғаларида мардона жанг қилмоқда.

Қурбонов расчётидаги ҳамма жангчилар наводчи бўлиб етишган. Шунинг учун улар қутириб қаршилиқ кўрсатаётган гитлерчиларни шафқатсиз янчмоқда.

Бир шаҳар бўсоғасида узоқ вақт қаттиқ жанг бўлди. Немислар кўп марта кучли контратака қилдилар. Лекин ҳар сафар улар ўқчи бўлинманинг флангида турган Қурбонов «максими»нинг ҳалок қилувчи ўтига бардош беролмай, кўп талофат кўриб орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Шаҳар чеккасида эса Қурбонов душманнинг бир ўт очиш нуқтасини яқсон қилиб штурмчиларимизнинг илгари силжишига ёрдам берди ва усталик блан манёвр қилиб душман обозининг чекиниш йўлини тўсди ва 12 от, 3 тўпни қўлга тушириб, 7 фрицни асир қилиб олди.

Лейтенант Собир Раҳматов (Телеграф орқали)

ПУЛЕМЁТЧИЛАР МАДАД БЕРДИ

Гитлерчилар бир дарё бўйида мустаҳкамланиб олдилар. Улар тепалик жойларга пулемётлар ўрнаштириб бизнинг жанг тартибларимизни, дарёга келучи йўлларни ўтга тутабошладилар.

Дарёнинг чап қирғоғига ўтиш жуда қийин эди, чунки гитлерчилар кўприкни бузганлар. Бу ерда фақат бир яқка чўпгина бор эди. Пиёда аскарлар ана шу орқали ўта бошладилар. Шу вақт пулемётчи старший сержант Лизовенко илгари силжиб ўқчиларимизнинг дарёдан ўтишлариға халақит бераётган душман пулемётининг овозини ўчирди.

Пиёда аскарларнинг ҳаммаси чап қирғоққа ўтгандан кейин пулемётчилар ҳам ўз «максим»ларини шу яқкачўп орқали ўтиб олдилар.

Ярим соат ўтар-ўтмас жасур пулемётчилар ўз ўринларига, пиёда аскарларнинг жанг тартибига етиб бордилар ва ўз қурулларининг даҳшатли кучини душман томонга қаратдилар.

Младший сержант Антон Романченко

1945 ЙИЛ 1 МАЙ. №28 (313)

ЯШАСИН МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЖАНГОВАР КУЧЛАРИГА КЎРУК КУНИ 1 МАЙ!

Зафар байрами

Биз ҳозир тарих саҳифасида олтин ҳарфлар блан ёзиладиган ажойиб кунларни кечирмоқдамиз. Совет қўшинлари Берлинда. Германиянинг марказида совет қўшинлари самимият блан учрашиб,



Самарқанд область Комсомол районидаги Киров номли колхоз стахановчиси Собир Қодиров ўтган йил ичида ўз оиласи блан бирликда 1.200 меҳнат куни ишлаб, даромад тақсимоотида 7,5 тонна сабзавот ва майиз ҳамда 100 минг сўм пул олди.

Суратда: Собир Қодиров (чапда) колхоз кассирдан ўз даромадини олмоқда.

А.Кузменко фотоси.

гитлер Германиясига биргалашиб зарба бермоқда. Озодликни севу-чи мамлакатларнинг вакиллари Сан-Францискода йиғилишиб, ин-соният оламини тинчлантириш, тинчликни бузучиларни нуқталаб қўйиш учун ақл югуртириб, режалар чизмоқдалар.

Дарҳақиқат, кувончли, тантанали кунлар! Биз Берлинда бўлсак армонимиз йўқ деган эдик. Шунга аҳд қилган эдик. Муқаддас тила-гимизга эришдик – армонимиз йўқ.

Берлинда санитария қисмларимиздан бирида бош ва бети бой-ланган бир жангчини кўрдик. Унинг бетини снаряд парчаси шилиб кетган, лекин унинг госпиталда ётгиси келмайди. Жанг майдонига боришга тиришади. У айтади: «Мен москвалиман. Немислар Москва яқинига бостириб келганида биз уларни уриб қайтарган эдик. Ўша вақтда мен Берлинда бўлишга ва уни тамоман қўлга киритгунча жанг қилишга аҳд қилган эдим». Ҳар бир совет аскарининг кўнгли-даги аҳди шундай эди. Ҳеч ким аҳдидан қайтмайди.

Биз Ватанимизнинг энг жанубидан келган Ўсар Қиличовни Берлинда учратдик. У разведкачилар блан бирликда Тельтов кана-лидан биринчи бўлиб ўтган ва Лихтерфельде кўчаларидан бирида бир уй деворига ўз номини ёзган. Ефрейтор Бойжигит Қўйқадамов иккинчи бир уйнинг деворига «Москва – Берлин. Қўйқадамов» деб ёзиб қўйган. Буларнинг ҳаммаси совет аскарларининг ўз кувончла-рини юракларига сиғдиrolмай ўз ғалабаларидан из қолдиришни ис-таганликларини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам тантанали ғалаба кунлари! Биз Берлин устида за-фар байроғини тиклашга аҳд қилган эдик. Ҳозир у байроқ совет ку-ролининг ва совет кишиларининг ғолиблигидан шаҳодат беручи зўр тимсол бўлиб мағрур ҳилпираб турмоқда. Бу байроқни биз тикдик, уни улуғ рус халқининг баҳодир фарзандларидан бири сержант Иван Яковлев, украин йигити Тарас Петренко, қозоғистонлик ефрейтор Молдабоев, ўзбекистонлик қизил аскар Наби Қодировлар тикдилар. Улар генерал Рибалконинг даҳшатли танклари олдида шу байроқни кўтариб шаҳарга кирдилар.

Душман жон аччиғи блан қаршилиқ кўрсатмоқда. У шаҳар кў-чаларида кучли баррикадалар қуриб ва истехкомга айлантриб жон сақлаб қолишга уринмоқда. Бехуда уриниш! Совет аскарларининг

иродасига, шаштига ҳеч қандай нарса тўсиқ бўлолмайди. Улар шиддат блан олға босмоқдалар. Шаҳар марказига етиб бордилар. Герман пойтахтининг санокли кунлари қолди. Бу тош ва темирга ўралган баҳайбат шаҳарнинг хўмрайиб бош эгиши турган гап. Ундан кейин бошқалари ҳам, бутун Германия ҳам бош эгишга мажбур. Бошқа чора йўқ!

Бу баҳор мислсиз бўлди. Ватанимиз қуёш нурига тўлган, гулларга безанган, ватандошларимизнинг чехраларида ғалаба баҳори ўз аксини намоён қилмоқда. Биз совет аскарларининг ҳам чехрамиз очик, ғайратимиз тошган.

Байрам устига байрам, тўй устига тўй бўладиган кунлар келди.

Бу улуғ айёмга биз дахшатли ўт бўронларидан кечиб эришдик. Бу улуғ зафар айёмига бизни улуғ Сталин бошлаб келди.

Рустам

БЕРЛИНДА

Фашист Германиясининг пойтахти Берлин уруш олови ичида. Мудҳиш қонли жиноятлар маркази, оламга ёвузлик уруғини сочган фашизмнинг бу уясида Қизил Армия хун олмақда. Берлиннинг тақдири ҳал қилинган. Душман ўз ҳалокати олдида кутириб қаршилиқ кўрсатмоқда. Ҳар бир бино, уй ва подвал кучли мудофаа истехкомига, қаршилиқ кўрсатиш узелига айлантирилган. Кўчаларда баррикадалар қурилган. Лекин буларнинг ҳаммаси совет аскарларининг шиддатли зарбалари остида бирин-кетин қуламоқда. Қизил Армия жангчилари ва офицерларининг қайнаб тошган ғайратли, мардлик ва жасоратлари чексиз ва мислсиздир.

Гвардия старший сержанти Большаков (тўп командири), гвардия младший сержанти Собир Қодировлар ўз тўпи блан туну кун, чарчаш нималигини билмай жанг қилмоқда, штурмчи группалар блан бирга ҳаракат қилиб йўлларида учраган барча тўсиқ ва қаршилиқни енгиб Берлин марказига ёриб бормоқдалар. Улар қўққисдан бир немис тўпига рўпара чиқиб қолдилар. Қодиров нишонга олди. Большаков баланд кўтарилган қўлини силтаб туширди. Уста наводчи Қодиров отган биринчи снаряд эса душман тўпининг стволини

чўрт учириб юборди. Иккинчи ва учинчи снаряд эса душман тўпи расчётининг бошига етди. Артиллериячилар ўз тўпларини судраб яна олға кетдилар.

Большаков блан Қодиров ўртасидаги жанговар дўстлик жонажон Москва ёнида бошланган эди. Улар бирга ёнма-ён туриб Ватан юрагини ҳимоя қилган эдилар. Бу жанговар дўстлик уларни Берлингача олиб келди.

Одердан кечиб ўтиш вақтида Қодиров ярадор бўлган эди. У қўшинларимизнинг Берлинга хужум бошлашлари дарагини эшитгач госпиталда чидаб туролмади. Батамом тузалмаган бўлса ҳам, юз баҳона ва тақал қилиб у ердан чиқиб қисмига келди ва дўсти Большаковни, сеvimли тўпини топиб олди.

Мана бошқа тўп расчёти: командир гвардия старший сержанти Азиз Бойтегов, наводчи гвардия сержанти Романенко, заряжающий Аҳад Бобоев, расчёт номмерлари Ҳасан Жонбеков, Устинов ва Слишенко. Булар Сталинградда бирга жангга кирган. Ўшандан бери бу жанговар дўстлар оиласи шонли жанговар йўл босиб ўтди: Сталинграддан Берлингача! Бу расчёт ҳисобига душманнинг 16 ёндирилган ва шикастлантирилган танки, неча ўнлаб автомашинаси, юзлаб ўлдирилган немис солдат ва офицерлари ёзилган.

Бу шонли расчёт Берлинда жангга кирган куниеқ душманнинг бир «йўлбарси»ни ёндирди, етти ўт нуқтасини яксон қилди, 70 га яқин немис солдат ва офицерини қириб ташлади. Берлиннинг санокли кунлари қолди.

Капитан З.Фатхуллин (Ўз мухбиримиз телеграф орқали)

ҒАЛАБА БАҲОРИ

*Келмоқдалар юртга гул баҳор,
Келур баҳор блан голиб ёр,
Не ёр, ўша суюкли дилдор,
О, сочлари тўлқин, жамалак,
Баҳор қизи, дилрабо малак.
Соврилмоқда душманлар уйи,
Янграмоқда ғалаба куйи,*

Бошланмоқда голиблар тўйи,
Тўй демакки, севинч, бахт демак,
Қадим одат, тўйона бермак!
Ўлкамизга кийгизиб зар тўн,
Бутун ёшу қари, эр, хотин,
Карвонларга юклаб оқ олтин –
Бахт тўйига кирайлик шердек,
Жангда ёвни қақшатган эркак.
Шу йўл блан ювилар алам,
Шу йўл блан битар мотам, гам,
Шу тўй блан оқ кияр олам,
Юрт эл яна тақаркан безак –
Бажо бўлур улугвор тилак.
Бу тўй эрта ё индин яқин,
Шунга қадар қилич кўрмас қин,
Шунга қадар ҳаром бизга тин,
Шунга қадар тинчимас юрак,
Шу ниятда азм этмоқ керак.
Уринг, дилбар, кетмонингизни,
Гулга чўминг чаманингизни,
Ғолибона ватанингизни,
Юртни олтин блан бойитсак,
Бахт устига бахт келур, бешак.

Ўткир Рашид

1945 ЙИЛ 7 МАЙ. №30 (315)

ДУШМАН ҲАЛОКАТДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛОЛМАЙДИ

Олий бош кўмондонимиз Совет Иттифокининг маршали улуғ Сталин ўзининг 20-сон тарихий буйруғида Қизил Армия ва совет халқининг оламшумул ғалабаларини қайд қилиш блан бирга бизга қарата: «Душман уясига энг сўнгги штурм қилинмоқда. Охириги

жангларда ҳарбий усталикларнинг ва ботирликларнинг янги наъмуналарини кўрсатингиз. Душманни қаттиқроқ савалангиз, унинг мудофаасини моҳирлик блан емирингиз, немис босқинчиларни изма-из қувингиз ва қуршаб олингиз, қаршилиқ кўрсатишни тўхтатмагунча уларга тиним бермангиз!» – деди.

Жонажон йўлбошчимизнинг ғалаба буйруғи босилган газеталар келганда биз Гитлернинг малъунлар қароргоҳи Берлин кўчаларида қаттиқ жанглар қилаётган эдик. Улуғ саркарданинг ҳар бир сўзи бизни чексиз мардликларга ундади. Шунинг учун ҳам Берлинда қуршаб олинган душман устига қатъий штурм қилиб унинг қаршилигини синдиришга ва совет қуролининг шуҳратини янада баланд кўтаришга муваффақ бўлдик.

Лаънаги Германия пойтахти Берлинни эгаллашда ўз бурчларини шараф блан бажо келтирган бўлинмамиздаги комсомол аъзолари Зайцев, Ҳасанов, Решетников, Субаев ва Гусеновлар немис йиртқични яна ҳам шафқатсизроқ дўппослашга онт ичдилар.

**Лейтенант М.Мустафоев, «Ватан уруши»,
«Қизил юлдуз» ва «Шуҳрат» орденлари кавалери.
Жанглар райони**

МЕН ДУШМАННИ ЯНА ҚАТТИҚРОҚ САВАЛАЙМАН

Мен уч йилдан буён Ватан уруши фронтларида немис-фашист босқинчиларига қарши жанг қилмоқдаман. Ватан уруши шаройи-тида 1 майни биринчи марта буюк ғалаба – жонажон Ватанимизни фашист босқинчилардан батамом тозалаган вазиятда байрам қилдик.

Олий бош кўмондон Совет Иттифоқи маршали Сталиннинг 20-сон буйруғи ғалаба буйруғидир. Қизил Армия ва совет халқи бу ғалабага оғир жангларда ва орқа томон меҳнаткашларининг жондил блан қилган меҳнатлари, уларнинг фронтга узлуксиз ёрдам бериб туришлари натижасида эришди. Немис йиртқични ўз уясида янчиб ташлаш учун биз қонимизни ва жонимизни ҳам аямай жанг қилдик.

Биз уч киши – мен, сержант Қодирқулов ва қизил аскар Баранов хозиргина разведкадан қайтиб келдик. Биз кўмондонликнинг жанговар топшириғини бажариб ўз қисмимизга 26 немисни асир қилиб олиб келдик. Бундан ташқари, яна душманнинг тўрт тўпини, 12 отини ҳам келтирдик. Разведкадан қайтиш вақтида мен ярадор бўлдим. Аммо ярамнинг оғришига ҳам қарамай, тезроқ ўз бўлинмамга етиб келишга, унда улуғ саркарданинг 1-чи май буйруғини тинглашга ошиқдим.

Мен ва мен блан бирга жанг қилмоқда бўлган кўпгина жангчилар герман империализмининг маркази ва фашист агрессиясининг ўчоғи Берлин учун жанг қилганимиз ва унинг устида ғалаба байроғини тиклашга ўз хиссамизни қўшганимиз учун ўзимизни беҳад бахтли деб ҳисоблаймиз.

Бу йилги 1 май байрами кунига бутун Қизил Армия, жанговар дўстларим каби мен ҳам катта ютуқлар блан келдим.



Берлин кўчаларида 1-Май. Н-чи қисм командири строй олдида ўртоқ Сталиннинг биринчи май буйруғини ўқимоқда.

Великжанин сурати.

Мен гитлерчиларга қарши курашда кўрсатган жанговар ишларим, жасурлигим ва жангга усталигим эвазига икки «Қизил юлдуз» орденини ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофатланганман.

Ўртоқ Сталиннинг 20-сон буйруғида Қизил Армия аскарлари олдига қўйган вазифаларни бажаришда ҳам мен актив қатнашганман ва Гитлер Германиясини батамом янчиб ташлагунча жанг қилишни давом эттирмаман.

Разведкачи Алижон Рустамов

ТЎПЧИЛАРНИНГ УЛУҒ САРКАРДА БУЙРУҒИГА ЖАВОБИ

Тарихий ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ саркарданинг биринчи май буйруғи эълон қилинган пайтда гвардия лейтенанти Давидовнинг тўпчилари Берлиннинг шарқи-жанубида қуршаб олинган гитлерчи газандаларнинг қолган-қутганларини тугатиш юзасидан мувафакқиятли суратда жанг қилаётган эдилар.

Севиқли Бош қўмондоннинг буйруғи тўпчиларнинг руҳига руҳ ва ғайратига ғайрат қўшди. Улар жон талвасасида кутириб қаршилиқ кўрсатаётган лаънати немислар устига ғазаб билан ажал уруғини тобора кўпроқ юбораверди.

Совет пўлат ҳалқасидан чиқиб кетишга кўзи етмаган кўпкина фашистлар баҳодир тўпчиларнинг даҳшатли зарбаларига тоқат қилолмадилар. Гвардия старший сержанти Гаранин, гвардия сержанти Суннатулла Сибгатуллин ва сержант Копличний расчётларининг жангчилари пиёда аскарлар генерал-лейтенанти бош бўлган 400 дан ошиқ немис солдат ва офицерини асир қилиб олдилар.

Офицер ўртоқ Давидов батареясининг тўпчилари жонажон маршал буйруғига биринчи кундаёқ мана шундай амалий иш билан жавоб бердилар.

Ўртоқ Сталиннинг 30-сон буйруғига бағишланган митингда гвардия сержанти Сибгатуллин бундай деди:

– Олий бош қўмондонимиз ўз буйруғида: «Эндиги вазифа бир нарсадан – фашист йиртқични янчиб ташлашдан иборат», – деди. Шубҳа йўқки, биз севикли саркардамизнинг бу буйруғини ҳам шараф блан бажарамиз ва Гитлер Германиясини ўз куралимиз олдида тиз чўктирамиз.

Капитан З.Фатхуллин

ҲАҚҚОНИЙ ИШИМИЗ ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

Биз улуғ Сталин буйруғини зўр қувонч блан тингладик. «Ўлгудек каттик яраланган фашист йиртқич энг охири нафасини олмоқда», – дейди Олий бош қўмондонимиз.

Қудратли Ватанимиз ва улуғ совет халқининг шаъни учун, ўртоқ Сталиннинг шуҳрати учун фашист газандалар устига энг сўнгги, хал қилучи штурм қилмоқдамиз. Инсониятнинг энг қабиҳ душмани – гитлеризм устидан Ватанимиз тўла-тўқис ғалаба қозониш куни яқин қолди.

**Совет Иттифоқининг Қаҳрамони
старший сержант З.Асфандиёров**

БУЮК ҒАЛАБА БУДЖЕТИ

СССР Олий Совети XI сессиясининг Миллатлар Совети мажлисида депутат Т.Н.ҚОРИНИЁЗОВ НУТҚИ

Ўртоқ депутатлар! Тарихий нуқтайи назардан караганда, душман Москва бўсағасида турган вақт блан хозирги, Қизил Армия Берлинда бўлган вақт орасидаги муддат нисбатан катта эмас. Брок бу вақт ичида Қизил Армия ғалабаларининг якуни жуда каттадир.

Уруш олишаётган мамлакатларнинг эканомикаси ва молияси учун жиддий синов бўлди. Совет халқи бу синовдан шараф блан ўтди. У Гитлер Германияси устидан ҳарбий, иктисодий ва моддий-сиёсий ғалаба қозонди.

Социалистик системанинг устунлиги, маънавий-сиёсий бирлик, Совет Иттифоқи халқларининг фидокорона ватанпарварлиги ҳамда

улуғ Сталиннинг доно раҳбарлиги бизнинг бу ғалабаларимизни таъминлади.

Совет кишиларининг ватанпарварлиги фақат жанглардаги қахрамонликларида эмас, балки совет кишиларининг меҳнат соҳасидаги қахрамонликларида ҳам, Қизил Армияга ёрдам бериш формаларининг хилма-хиллиги ҳам ўз ифодасини кўрсатди. 1944 йил фақат декабрда, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси 20 йиллиги кунда, Ўзбекистон меҳнаткашлари танк ва самолётлар қуриш учун мудофаа фондига 175 миллион сўм бердилар.



Ўртоқ депутатлар! Маълумки, Ўзбекистон оқ олтин пахта мамлакатидир. Бу муҳим ўсимликнинг мудофаа ва халқ хўжалигига катта аҳамияти бор. Республикамиз бутун Совет Иттифоқида териладиган пахтанинг умумий миқдоридан 66 процентини беради, бу эса улуғ Совет Иттифоқимиз эканомикасини бундан кейин ҳам ривожлантириш ишида муҳим тухфа ҳисобланади. Ўтган йил бошида ўзбек халқи пахтачиликни социалистик Ватанимиз талаби даражасига кўтариш учун ўртоқ Сталин олдида тантанали сўз берган эди. Мен ўзбек халқи номидан ўзбек халқи ўтган йил ўртоқ Сталинга берган ваъдасини тўла равишда бажарди ва 1945 йилда Совет Иттифоқига 1 миллион тонна пахта бериш учун мажбурият олди деб айтиш шарафига эгаман. Бу йил об-ҳаво шаройитининг нобоблигига қарамасдан, ўзбек халқи 1 миллион тонна пахта учун кескин ва жасуруна кураш олиб бормоқдалар.

Ўртоқ депутатлар СССР Олий Советининг ушбу сессиясида қараб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилинган 1945 йил давлат бюджетининг лойиҳаси мўлжалланган тадбирларнинг қай даражада муҳимлигини ва зарур бўлган миқёсларини ҳисобга олиб тузилган ҳамда 1945 йил Совет Иттифоқи олдида турган навбатдаги вазифалар характерини белгилайди.

Совет Иттифоқининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети 1943 йилда 1 миллиард 423 миллион 300 минг сўм қилиб бажарилди, ҳолбуки, 1942 йили 1 миллиард 353

миллион сўм қилиб бажарилган эди, 1944 йилда эса 1 миллиард 719 миллион 100 минг сўм қилиб бажарилди.

СССР Иттифоқи Олий Советининг ушбу сессиясида қараб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилинган СССР давлат бюджети лойиҳасида Ўзбекистоннинг 1945 йилги бюджети 2 миллиард 159 миллион 918 минг сўмдан иборат бўлиб, бу бажарилиши кутилаётган 1944 йилга нисбатан 440 миллион 800 минг сўм ошиқдир, яъни 25,7 процент кўпдир. Шуниси характерлики, Ўзбекистон ССРнинг 1945 йилги бюджети республиканинг урушдан олдинги бюджетидан 50 процент ошиқдир.

Шуни қайд қилиб айтмоқ керакки, асосий маблағ аввалгидек ижтимоий-маданий тадбирларга сарф қилинмоқда, бу тадбирлар учун ажратилган маблағ 1 миллиард 403 миллион 700 минг сўмдан иборат ёки республика бюджети харажатларининг 65 процентидир.

Бундай маблағ сарфлаш республика ижтимоий-маданий муассасаларининг зарур бўлган ўсишини, ўзбек халқининг фани, маданияти ва санъатининг янада тараққий этишини таъминлайди.

Маориф ишларига ажратилган маблағнинг 1944 йилгига нисбатан 186 миллион 300 минг сўм ўсиши: мактаблар тармоқларини кенгайтириш ва ўқучилар сонини оширишни (1945 йил охири 1 миллион 58 минг 900 ўқучи таълим олиши керак – шу йил бошидагига нисбатан 133 минг 900 киши ошиқ); мактабдан ташқари муассасалар тармоқларининг кенгайтириши (1945 йил охирида болалар бокчаларига план бўйича 47 минг бола тортилиши керак, 1944 йил охирида 32 минг 463 бола тортилган эди); болалар уйлариининг тармоқларини кенгайтириш ва 8.316 кишига ошириб, умумий қўшимча харажатлар суммасини 1944 йилгига қараганда 42 миллион 200 минг сўмга оширишни кўзда тутуди.

Республика бюджети олий ва ўрта малакали мутахассислар тайёрлашга катта маблағ сарф қилишни кўзда тутуди. Бу соҳа учун ажратиладиган маблағнинг миқдори 1944 йилгига қараганда 24 миллион 400 минг сўм ёки 29,1 процент ошади ва ўқучилар сонини 9.091 кишига оширишни таъминлайди. Илмий-текшириш муассасаларига 31 миллион 800 минг сўм ажратилгандир. 1945 йилда санъатга 24 миллион сўм ажратилди, шу блан бирга, республика театрларининг хусусий даромадлари ҳам анча ўсади.

Соғлиқни сақлаш ишларига 53 миллион 500 минг сўм ёки 14,4 процент ошиқ маблағ ажратилади. Бошқа сўз блан айтганда, республика халқ хўжалигига ажратилган харажатлар 1944 йил бюджети бажарилиши муносабати блан 108 миллион 900 минг сўм ёки 28,8 процент ошади.

Ўзбекистон ССРнинг халқ комиссарликлари ҳамда республика ва маҳаллий аҳамиятга эга ташкилотларга маблағ ажратиш ҳамда капитал ремонт учун уларга ажратиладиган маблағ 1945 йилда 306 миллион 600 минг сўмдан иборат жуда катта суммадир. Бюджет ҳисобига бажариладиган катта ишлар ҳажми 210 миллион 800 минг сўмдир ёки ҳамма харажатлар суммасининг 68,8 процентини ташкил қилади.

Провардида шуни айтмоқ керакки, Совет Иттифоқи Олий Советининг ушбу сессиясида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилинган 1945 йил бюджети Совет Иттифоқидаги кенг халқ оммасининг манфаатларини тўла-тўқис ва батамом ифодалайди. Бюджет Совет Иттифоқи халқларининг халқ хўжалигини, фани, техникасини, маданиятини, санъатини бундан кейин ҳам ривожлантиришга, мамлакат хужжатини бундан кейин ҳам кучайтиришга қаратилган ва немис босқинчиларини тезроқ ва батамом тор-мор келтириш вазифасини акс эттиради. Шунинг учун 1945 йил бюджетининг бажарилишини таъминлаш – барча меҳнаткашларнинг шарафли ишидир.

Мен олдин сўзлаган, 1945 йил давлат бюджетининг Бюджет комиссиясининг тегишли тузатишлари блан тасдиқланишини таклиф қилган нотикларни қувватлайман.

Депутат ўртоқлар! Кучли салютлар Қизил Армиянинг янгидан-янги тарихий ғалабаларидан хабар бермоқда. Бирлашган Миллатлар кучлари блан манфур душманни тўла ва батамом тор-мор келтириш соати яқин. Хурриятпарвар халқлар бу жуда катта ғалабани, адолат ва идрокнинг немис-фашист ваҳшийлари устидан қозонган ғалабасини дoston қилиб куйлаяжаклар. Бу ғалаба таронасида, қайси тилда у куйланмасин, Ленин-Сталин партиясига, улуғ совет халқига, доно саркарда Сталинга қаратилган ташаккур сўзлари, айниқса, кучлироқ бўлиб жаранглаяжак. *(Олқишлар.)*

ТОШКЕНТДА ТАНТАНА

ТОШКЕНТ. Тошкент вақти блан эрталаб соат олтидан 15 минут ўтган. Карл Маркс кўчасида репродукторлар остида минглаб кишилар йиғилган... Улар диққат блан радио тинглайдилар. Москва сўзламокда. Ғалабадан хабар бермокда. Ғалаба сўзи шундай сўзи, ёрқинлик ва тантаналик жиҳатдан унинг тенги йўқ. Дикторнинг таниш овози ўқишни тамомлагач, шаҳар устида кучли «ура» тўлқини янграб кетди.

– Қизил Армияга шон-шараф!

– Олий бош қўмондонимизга, маршал Сталинга сўнмас шон-шараф!

Туш пайтида шаҳар меҳнаткашларининг колонналари байроқлар ва совет давлатининг раҳбарлари портретларини кўтарган ҳолда Ҳукумат уйи олдида Қизил майдонда бўладиган митингда йиғила бошладилар.

Кечкурун ҳамма паркларда, стадионларда, боғларда, скверларда сайл бўлди.

Кечаси кўплаб меҳнаткашлар репродукторлар остида йиғилиб, улуг ватан урушининг ғолибона тугалланиши шарафига сўзга чиққан ўртоқ Сталиннинг ҳар бир сўзини мароқ блан тингламокда. Қувончли шовқинлар узоқ вақтгача тинмайди.

Бу тарихий кун ҳар бир тошкентлик ёдида абадий бўлиб қолажак.

ФАШИСТ ГЕРМАНИЯСИНING ЎЛИМ СОАТИ

Қизил Армия ўзини куёш каби абадий порлаб туручи шон-шухрат блан қолади. Ўз маҳоратлари блан бутун дунёни қойил қолдирадиган армиямиз куч-қудрати ва қаҳрамонлигининг тарихда тенги йўқдир.

Совет жангчисининг юраги Ватанга муҳаббат блан тўлиб-тошган. Совет Ватани уни инсон қаторига қўшди, ўз тақдирига эга қилди, фан, маданият ва тараққиётнинг порлаб турган чўккиларига чиқиш учун унга катта йўл очиб берди. Шунинг учун у аллакимлар мени Ватанимдан маҳрум қила оладилар деган фикрни юрагига бир лаҳза ҳам сиғдирилмас эди.



Ойбек

Бутун Еврупони онсонгина камраб олган немис-фашист босмачилари СССРга бостириб кириб биринчи марта кучли қаршиликка дуч келдилар.

Руҳи кучли, Ватан ҳаёти ва озодлиги учун ўлимдан ҳам қайтмайдиган совет кишиси фашист каллакесарларига қарши кўзғолди. Ана шу совет кишиси фашистлар армиясининг енгилмаслиги тўғрисида афсонани чил-чил қилиб юборди.

Қизил Армия гитлерчилар тўдасини Волгадан Одергача, Сталинграддан Берлингача қувлади. Сталинча доно стратегияни ажойиб равишда ўзлаштирган, илғор совет техникасини эгаллаган Қизил Армиянинг қудратли хужумини ҳеч нарса, гитлерчилар жон аччиғи блан тирмашиб олган на тоғлар ва на дарёлар тўхтатолмади.

Ниҳоят, Қизил Армиянинг қудратли зарбалари остида гитлеризмнинг бош қалъаси, сариқ вабонинг ўчоғи – Берлин қулади. Виждон ва озодликни, ҳақиқат ва адолатни севучиларнинг ҳаммаси бу шаҳарга лаънатлар ёғдирдилар. Фашизм томонидан бошларига солинган жабр-жафоларни тортган барча халқлар бу шаҳарга лаънат ва нафрат ўқидилар.

Ҳозир энди тўрт йилдан бери қилган умидимиз амалга ошди. Инсоният тарихида энг улуғ бўлган тўла ғалаба тўғрисидаги хушхабар бутун оламга ёйилди. Ғолиб аскарларимиз томонидан кули қўкка совурилган Гитлер Германияси таслим бўлди. Бизлар, тарихий воқеанинг замондошлари, улуғ кунларни, маслагимиз, иродамининг, совет халқимизнинг тантанасини кечирмоқдамиз.

Гитлер Германияси дунёда ҳоким бўлишга ошиққан эди. У дунёдаги бойликларни босиб олишни, барча халқлар ва қабилаларнинг қонларини сўришни истаган эди. Энди бу хом хаёлларнинг ҳаммаси абадий гўру чўп қилинди.

Бугун таслим бўлган герман шаҳарлари кўчаларидан Қизил Армия жангчилари – буюк ғалаба бургутлари, совет халқининг, ўз Ватанининг шону шавкати қўқларга кўтарган ажойиб фарзандлари фахр блан қадам ташлаб ўтмоқда.

Совет халқи ўз қахрамон фарзандлари блан фахрланади. Улар сон-саноксиз, лекин улар юракдан, фикр ва туйғу жиҳатдан бутун совет халқи блан бир жон-бир тандир.

Рус баҳодирлари блан бирликда қўлма-қўл ушлашиб украинлар, белоруслар, грузинлар, арманлар, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва бирлашган совет ватани учун, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун, инсоният иқболи учун қон ва жонларини ҳам аямай, бирликда, аҳиллик блан олишдилар. Уларни халоскор Сталин армиясининг шавкатли Қизил Армия томонидан фашист қўлигидан озод қилинган шаҳар ва қишлоқларда яшовчи, турли тилларда гапиручи қизлар, хотинлар, болалар ва чоллар шодлик кўз ёшлари блан кучоқлаб ўпдилар.

Қизил Армия душманнинг қора юрагига ўтқур найза санчди. Фашист Германиясининг узоқ кутилган ўлим соати етди. Зафар байроғимиз тонг ёғдуси каби порламоқда.

Ёзучи-академик М.Ойбек

БИЗ ЕНГДИК

Уруш битди. Биз енгдик. Фашист Германияси енгилди. Дунёдаги хурриятпарвар халқлар биз блан бирга улуғ ғалабанинг тантанали кунларини кечирмоқда. Совет кишиларининг шодлиги ва хурсандчилиги янада чексиз. Чунки бу кунларга эришиш учун дунёда ҳеч кимса совет кишисидай кўп жафо торган эмас.

Буюк орзу амалга ошди. Инсоният бир катта офатдан – герман фашизмидан халос қилинди. Бизлар, ғолиб Қизил Армиянинг ғолиб аскарлари, фақат ўз Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчимизгина эмас,

шу блан бирга, гитлеризм зулми остидан инграган Еврупа халклари олдидаги бурчимизни ҳам шараф блан ва тўла-тўкис бажардик.

Миқёси жихатдан, аҳамиятининг катталиги жихатдан тарихда мисли кўрилмаган курашимизга улуғ саркардамиз, севикли маршалимиз ўртоқ Сталин йўлбошчилик қилди. У бу курашимиз ва жаҳоншумул ғалабамизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. Унинг муқаддас номи бизнинг виждонимиз, фахримиз ва байроғимиздир. Шони-шавкати оламга ёйилган улуғ Маршал Сталин қўшинига мансуб бўлишдан ҳам буюк фахр бўлиши мумкинми?!

Биз Сталин солдатлари! Қандай шарафли ва юксак ном. Кўп қатори мен ҳам бу ном блан фахрланаман. Буюк ғалабага озми-кўпми менинг ҳам ўзимга яраша ҳиссам қўшилган. Мен миномёт расчётининг командириман. Ватан олдидаги бурчимни, солдатлик бурчимни ҳалол бажардим, айта оламан. Фақат кейинги жанглардагина, фашист йиртқишни уясида батамом янчиб ташлаш кунларида ўз миномётим ўти блан душманнинг икки ўт очиш нуқтасини емирдим ҳамда солдат ва офицерларни кириб ташладим. Бунгача қанчаю қанча қонли ва шонли жанглар бўлиб ўтди.

Биз – ғолиблармиз! Дунёнинг хурриятпарвар халклари бизларга, Сталинга таҳсин ва офаринлар айтмоқда. Бу кунларда юракларда тўлиб-тошаётган тоза ва юксак тилакларнинг ҳаммасини тўла-тўкис ифода қилиш ғоят мушкул ишдир. Қувончимиз шу қадар чексиздир!

**Сержант Раззоқ Дониев, «Жасурлиги учун»
медали ва III ва II даражали «Шуҳрат»
орденларининг кавалери**

КЎКРАГИНИ ҚАЛҚОН, ТОҒНИ ТАЛҚОН ҚИЛГАН ЙИГИТ

Кўм-кўк майсаларга бурканган катта ўрмон ичи бугун ҳаддан ташқари шодлик ва қувноқликка тўлиб-тошган. Арча дархтлари ва гулзорлар эса каттиқ ва узлуксиз давом этган жанглардан кейин тинчлик ва жимлик ҳукм сурган ҳаёт кучоғида гўё дам олиб, фароғатда ётгандай бўлиб кўринади.

Жангчилар қўшиқ айтиб, худди тинч даврдагидек, одатдагича харбий машқдан қайтиб келдилар. Сал ўтмай гармоннинг мунгли овози эшитилди, гитаранинг нозик қиллари чертилди, комсомол аъзоси Аксёнов ёқимли хушовоз блан ашула бошлаб юборди.

*Кенг эрур менинг
Гўзал Ватаним.
Кўп унда ўрмон,
Дала, дарё...*

Аксёновга бутун группа – украин ва белорус, ўзбек ва қозоқ, грузин ва молдаван йигитлар қўшилиб куйлай бошладилар. Улар кечагина Гитлер галаларига қарши шердай жанг қилган эдилар. Бугун эса ўзларининг кўкракларини қалқон этиб, қони ва жонини ҳам аямай ҳимоя қилган севикли ва гўзал Ватанлари тўғрисида завқ блан куйламоқдалар.

Буғдойранг, ўрта бўй, қора кўз шўх бир йигит уларга бошчилик қилаётган, ашулани гармонга жўр қилиб авж олдираётган эди.

– Бу фарғонали йигит, гвардия лейтенанти Мамат Мустафоев, – деди бўлинма партия ташкилотчиси. – У жуда хушчақчақ, ташаббускор, эпчил солдат. Ҳаммани ишга солади. Ҳеч тек тургиси келмайди. Жанг вақтларида-ку...

... Мустафоев Қизил Армия сафига 1938 йилда чақирилган эди. Мана орадан етти йил ўтди. Бундан етти йил бурун Мустафоев ҳали бўйнига қизил галустук тақиб, Олтиариқ район пионер ва комсомол ташкилотчиларининг ходимларидан бири эди. У юзлаб ватанпарварлар тайёрлади ва ўзи ҳам оташин ватанпарвар сифатида Ватанни ҳимоя қилучилар қаторидан ўрин олди. Етти йил давомида Мустафоевнинг бутун фикри-зикри фақат Ватанга садоқат блан хизмат қилиш, ўз халқининг номига иснод келтирмаслик, қони ва жонини ҳам аямай Ватанни ҳимоя қилиш, душман устидан ғалаба қозонишга қаратилган эди.

Юртимизга хиёнаткорона бостириб кирган Гитлер галалари жоннажон Москва бўсағаларига яқинлашганда Мустафоев Москвани ҳимоя қилучилар қаторида эди. Энг қаттиқ бир жанг бошланиши олдидан жангчиларга қараб у бундай деди:

– Азиз дўстларим! Мен комсомол аъзосиман. Мен улуғ Сталиннинг фарзандиман. Менинг севикли отам Сталин ҳозир шу хартарли кунларда атиги бир неча километр биздан нарида туради. То юрагим тепишдан тўхтагунча кўкрагимни қалқон қилиб душман йўлини тўсишга, уни улуғ падар қароргоҳига томон бир қадам ҳам силжитмасликка онт ичаман.

Мустафоев у вақтда пулемётчи эди. Изғирин совуқ ва узун тун жангчиларни қаттиқ қийнади. Узлуксиз давом этган жанглар натижасида Мустафоевнинг бармоқлари музлаб қолиш даражасига бориб етди. Лекин у сафдан чиқмади. Унинг юрагида душманга нисбатан аланга олган ғазаб ва нафрат ўти уни иситар, Ватанга садоқат ва муҳаббат ҳислари эса ор-номус, шон-шавкатга йўллар эди. У бостириб келаётган фрицларни тутдек тўкиб «максим»ини шундай сайратар эдики, бундай кезларда пулемёт кожухидаги сув сал ўтмай самовардаги сувга ўхшаб шарақлаб қайнарди.

1942 йилнинг кузи ва қишида бўлган Сталинград жанглирида Мустафоев шуҳрати яна ортди. Унинг ажойиб баҳодирлиги жангчилар оғзидан тушмайдиган бўлиб қолди.

Кунлардан бир куни қўмондонлик Мустафоевга қийин ва масъулиятли топшириқ берди. У бу топшириқни бажаришга жўнар олдидан полк партия ташкилотига хат ёзиб қолдирди: башарти шахид ўлсам, мени коммунист деб ҳисоблашингизни сўрайман.

Партия билети топширилганда Мустафоев севинчига сиғмади.

– Мен энди бу малъун душманни аввалгилардан ҳам қаттиқрок савалайман, – деди партия билетини юрагига босиб.

Орадан кўп ўтмай оламшумул тарихий ўзгариш юз берди. Навбат, ҳужум навбати, хумордан чиқиб қасос олиш навбати келди. Уруш ташаббуси шонли Қизил Армия кўлига ўтди. Сталинград кўчалари, унинг бўсағалари гитлерчиларнинг мазорига айланди. Қолган-қутган немис кўшинлари эса ғарбга томон чекинди. Мустафоев шу чекинаётган немисларни тўхтовсиз таъқиб қилиб бораётган авангард қисмлар қаторида эди.

– Ваҳшийлар Сталинградни вайрон қилдилар, – деди Мустафоев ўз ўртоқларига қарата. – Аммо биз қаҳрамон шаҳарнинг улуғ номи-ни сақлаб қолдик. Энди олға, совет Украинасини, қардош Польшани

сақлаб қолиш учун, ҳаққоний қасос олиш учун Германияга, Берлинга томон олға!

Сталинград жангларида кейин Мустафоев полк артиллериясига кўчирилди. У дастлаб наводчи, сўнгра расчёт командири бўлди.

Катта бир дарё бўйида бир кун қош қорайганидан то тонг ёришганига қадар қиёматдек жанглар бўлди. Немис танклари қисмларимиз позициясига ҳамла қилдилар. Мустафоев расчётда фақат икки киши, унинг ўзи ва заряжающий жангчи Зайцев бор эди. Аммо бу жиддий вазият икки дўстнинг ва икки гвардиячининг иродасини синдирилмади.

Немисларнинг, айниқса, кейинги контратакаси жуда қаттиқ бўлди.

7 немис танки Мустафоевнинг тўпига қараб ўрмалаб келаверди. Тўп очик позицияда, рўпарада турарди. Тўп атрофида кетмакет немис снарядлари портлар, чанг-тўзон осмонга кўтарилган эди. Ғазабидан кўзлари чакнаб, тишлари ғижирлаган ва қора терга ботган Мустафоев, ёнгинасига келиб портлаган снаряд алангасидан икки юзи, қоши-кўзи куйганига ҳам қарамай, душман танкларини йўлатмаслик пайида эди. У учинчи снаряд блан олдда келаётган танкни ёндириб юборди. Лекин бошқа немис танклари йўл-йўлакай ўт очиб қолавердилар. Оралик, немис танклари блан совет тўпи позициясининг оралиғи тобора қисқара борди.

– Ватан учун, Сталин учун! – деб қичқирди ғазаби ошиб-тошган Мустафоев ва тўпнинг ричагини босди. Шу пайтнинг ўзида иккинчи танк аланга олди.

Моторларнинг ҳайбатли товуши ва ўрмаловчи занжирларнинг вижирлаши секунд сайин яқинлашмоқда эди. Оралик 100 метрча қолди.

– Снаряд мўлми? – деб сўради Мустафоев Зайцевдан.

– Атиги 2 – 3 та қолди, лекин граната етарлик, – деди Зайцев.

Тўп ёнига бир снаряд тушиб ёрилди. Тўп қумга кўмилди. Мустафоев қўлидан яраланди. Аҳвол яна мушкуллашди. Танклар биттагина совет тўпи устига ўт ёғдириб ҳамон келавердилар. Мустафоев яра қўлининг оғриғини эсига ҳам олмай яна бир танкни нишонга олди ва отди. Танк ўша замони тақа-тақ тўхтади ва қуюқ қора тутунга ўралди.

– Бу сўнгги снаряд, ўртоқ командир, – деди Зайцев бир оз чўчигандай бўлди.

– Майли, парво қилма, дўстим, мана энди гранаталаринг иш беради, дадил бўл!

Ричак босилди. Снаряд бир танкнинг устки қопқоғини учуриб юборди.

– Мерганлигинга, ботирлигинга қойилман, Миша, – деди Зайцев ҳаддан ташқари қувониб. Лекин жавоб қайтариб туришга Мустафоевнинг вақти бўлмади. Снаряд битди. Қолган немис танклари ўрмалаб келавердилар. Оралик 100 метрдан ҳам камайиб қолди. Улар дарҳол граната олиб окопга ўрнаша бошладилар. Аммо икки совет баҳодирининг бу ҳаракати айни фурсатда бекорга кетди. Чунки улар гранаталарни шайлаб окопга тушиб улгурмасданок немис танклари орқаларига бурилиб қоча бошлаган эди.

– Биз енгдик, дўстим! – Зайцевни кучоқлаб, ниҳоят даражада қувонган Мустафоев. Сал ўтмай ўнг томонидан ўқчилар атакаси кўтарилди. Чап томондан ҳам душман устига штурм қилучиларнинг кучли «ура» садолари янгради.

Фарғонали серзавқ Мустафоев ўз жанговор дўстлари блан Сталинграддан то Берлингача, Эльба бўйларигача мана шундай шонли йўл босиб ўтди. У гўзал пойтахтимиз бўсағаларида, Сталинград кўчаларида ўйлаган орзусига эришди. У ҳозир зафар қуёшининг ҳаётбахш ёқимли нурларига чўмилмоқда. Бу сўнмас қуёш ўзбек халқининг содиқ фарзанди гвардиячи Мустафоевнинг қатор-қатор орденлар блан безалган кўкрагига ёғду сочмоқда.

Капитан З.Фатхуллин

ОНА ВА АЁЛЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ

Мамлакатимизда она ва аёлларимизга ғамхўрлик катта. Ўзбекистонда 15 мингга яқин кўпболали ва якка-ёлғиз аёллар давлат нафақаси олади. Республикада бола туғилиши кўпайиб, шу блан биргаликда, нафақа оладиган аёлларнинг сони ҳам ортмоқда. Шу йилнинг январь ойдан кўп болалик ва якка-ёлғиз аёллардан 2.612 киши

давлат нафақасига ўтказилди. Ўтган йилнинг сўнги 6 ойи ичида эса 8.050 аёл нафақа олиб турар эди.

Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон, Марғилон, Жиззах, Каттақўрғон, Бухоро, Когон, Термиз, Урганч шаҳарларида ҳомиладор ва бола эмизадиган аёллар учун махсус озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари очилди. Бу магазинлар орқали чақалоқлар учун 3 минг комплект йўргак-кийимлар тарқатилди.

Қўқонда ҳомиладор ва чақалоқли аёллар учун 50 кишилиқ махсус уй очилди. Кўпболалиқ аёлларнинг номи улуг. Ўзбекистонда 10 ва ундан ортиқ болалар туғиб ўстирган аёллардан 20 таси «Қаҳрамон она» унвонига эга бўлиб, кўкраги «Қаҳрамон она» ордени билан безалди. Яна 40 та аёл тез кунда шу юксак унвонга эга бўлди. 5 – 9 бола ўстирган аёллардан 351 таси «Оналиқ шухрати» ордени ва «Оналиқ» медаллари билан мукофотланди.

ШОЙИЛАР ШАҲРИ

Марғилон шойиси деганда йигитлар киядиган беқасам тўнлар, қизлар киядиган атлас кўйлақлар кишининг кўз олдида жилваланиб кетади. Ҳа, Марғилон шойиси ҳавасга кийилади. Марғилон шойиси қадимдан машҳур.

Марғилонлилар шойи тўқишдаги усталиқлари билан шухрат қозониб келганлар.

Совет ҳукумати пайтида Марғилон шойисининг кадр-қиймати яна ошди. Ўз бошига кун кўриб келган жуда кўп майда артельлар бирлашди. Меҳнат техникаси асосида енгиллаштирилиб, шойи тўқиш ривожига кенг йўл очилди. «Байналмилал» номидаги шойи тўқийдиган катта артель кўпдан бери маълум. Бу артель Ватан уруши йилларида таниб бўлмас даражада ўсди. Асосий эркак кадрларнинг Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга кетишига қарамай, артель урушининг биринчи йилидаёқ 350 минг метр шойи чиқарди.

Артель бир-биридан кўркам 13 нав ранг-баранг шойи чиқарди. Хонатлас, беқасам, жужинча, қанаус каби шойилар Ўзбекистондагина эмас, балки Совет Иттифоқининг бошқа ерларида ҳам маълум. Бу шойиларнинг «кўлинг дард кўрмагур» усталари бор. Бу усталардан

бири хонатлас устаси Ҳамид ота Мақсудовдир. Унинг бели шойи тўкиб букчайган. Ҳамид ота қартайган кунда дам олишга чиққан эди. Уруш бошланди. Ўғли Рустам Ватан ҳимоясига кетди, Ҳамид ота токат қилиб туrolмади. Яна ишхонасига қайтиб, ўғли ўрнида кадрдон хунарни давом эттирди. У ҳозир артелда стахановчи бўлиб ном чиқарган. Уруш йилларида ишхонага қайтиб фронтга кетган азаматларнинг ўрнини босган Ҳамид ота каби усталар кўп.

Тўқучиларнинг кўпчилиги аёллар. Улар 60 процентни ташкил қилади. Аёллар ишлайдиган цех йўқ. Катта хунар ва оғир меҳнат талаб қиладиган цехларда ҳам станокларни, рационализатор усталарининг таклифларига мувофиқ аёллар бемалол ишлай оладиган қилиб қурилган.

Уруш йиллари ичида Марғилон Совет Иттифокида энг катта ипак тўқиш комбинатига эга бўлди. Бу ерда янгидан 500 станокли фабрика қурилди. Комбинат кун сайин 10.000 метр шойи чиқаради. Уруш даврида чиқарилган шойиларнинг тенг ярми фронт эҳтиёжига кетди.

Шойилар шаҳри Ватан уруши йилларида фронт учун катта хизмат қилди ва душман устидан тўла ғалаба учун зўр бериб ишлади.

Фабрикадан янги чиққан ранг-баранг шойиларни турли шаҳарларга жўнатиб турган Розия опа Исматова:

– Йигит-қизларимизнинг шойи кийиб, тўй-томоша қиладиган улуг ғалаба байрами келди.

Моисеев

1945 ЙИЛ 24 МАЙ. №34 (319)

ШОҲИМАРДОН КУРОРТИДА

Фарғона. Шоҳимардон курорти бутун иттифоқимиз шифохонасига айланди. Ўтган олти ой ёз мавсумида бу ерда Ватан уруши инвалидларидан ва ҳар томондан келган стахановчилардан 1.600 киши шифоланди. Бу йил курортда яна ҳам кўпроқ киши шифоланиши керак. Шунинг учун шифохонани янада обод қилиш, шифоланишга

келганларни даволаш ва уларга маданий-маиший томондан хизматни яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Курорт электр станцияси янги асбоблар блан таъминланди. Ёрдамчи хўжалик касаллари сабзавот ва сут блан таъминлашга қодир. Даволаш мавсуми 15 апрелдан бошланди. Бундан кейин курорт йил бўйи ишлайдиган бўлади.

10 МИЛЛИОН ГЕКТАР ЯЙЛОВ

Тошкент. Ўзбекистон колхоз ва совхозларда бу йил қорақўлчилик ва туячиликни кучайтириш учун 10 миллион гектардан ошиқ яйловга эга бўладилар. Яйловларни аниқлаш учун Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг махсус экспедициялари Орол денгизи районларига ва Қизилқумга жўнади.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ ОБОД БЎЛМОҚДА

ЧИРЧИҚ. Чирчиқ шаҳрининг курилишлари ва ободончилиги учун бу йил 30 миллион сўм харажат қилинди.

Шаҳарнинг тош йўллари ва шағал йўллари ремонт қилинади. Йўл четлари планга мувофиқ чиройлик қилиб ишланади. Пиёда юрила-



Ғалаба қаҳрамонлари: гвардия старший сержанти С.Сметанников, қизил аскар А. Гришин, старшина А.Ҳакимов, қизил аскар К.Бегимов, гвардия младший лейтенанти В.Донич.

диган йўллар ғиштдан ишланган. Эски ариқлар тозаланиб, яна 20 километр узунлигида янгидан ариқ қазилади.

Шаҳарнинг 50 жойида сув тақсимоти қудуқлари, 75 жойида пиёдалар юрадиган ва 2 жойида от-арава юрадиган кўприклар қурилади. Шаҳарни сердарахт қилиш учун 30 минг тўп кўчат ўтқазилди.

ИНЖЕНЕР ҚИЗ

Қора кўз, қора қош ўзбек кизи Мадина Раҳимова пахтачилик саноати институтининг илмий ходимларидан бўлади, яъни унинг ихтисоси инженер технологдир. У пахтачилик саноати соҳасида кўп ишлар қилди. Ўзбекистоннинг 20 йиллиги виставкаси очик вақтларида бу қизнинг пахтани текширадиган қизик бир апаратыни одамларга тушинтириб турганини ким кўрмаган?

Мадина Раҳимова линтер пахталар ишлаб чиқариш соҳасида ишлайди. Чигитнинг тувитини кириб оладиган машинани линтер деб аталади. Ана шу линтердан чиққан тивит пахта мудофаа аҳамиятига эга бўлган жуда қимматли хомашёдир. Бу жиҳатдан унинг аҳамияти маъдандан қолишмайди. Мадина худди ана шу линтер пахтани кўпроқ чиқариш устида ишлайди. Линтер машиналарни янада кўпроқ маҳсулот берадиган қилиб яшаш чорасини излайди ва муваффақиятларга эришади. Ватан уруши даврида линтер пахта маҳсулоти кўпроқ чиқарила бошланди. Бу жиҳатдан фронтлардаги аскарларимиз томонидан душманга берилган зарбаларда инженер-технолог Мадинанинг ҳам улуши бор. Душманни тор-мор келтиришга бу ўзбек кизи ҳам меҳнат қўшган.

Мадина энди 25 ёшга қадам қўйди. У 22 ёшида инженер унвонини олган эди. Унинг шунча ёш туриб мутахассис бўлиб етишганига сабаб замонамизнинг кўп ажойиблиги, кишиларнинг ўсиши ва билим олиши учун совет ҳукумати ва партиямиз томонидан вужудга келтирилган имкониятнинг жуда ҳам катталигидир. Мадина Раҳимова буни яхши билади, шунинг учун ҳам уруш вақтида бор куч-қувватини бериб Ватанамизнинг мудофааси ва бахти учун ишлаб қолди.

– Мен ҳали Ватан олдида қарздорман, – дейди Мадина. – Совет ҳукумати мени сийлаб-сийпаб парвариш қилди. Мен ўз бахтиёр ҳаётимнинг ҳақини тўлашим керак...

Ватанпарвар ўзбек кизи ўз сўзини устидан чиқади.

Н.Сирова

1945 ЙИЛ 27 МАЙ. №35 (320)

*Газетанинг 3-саҳифасидан муаллифи қўйилмаган
мана бу шеър ўрин олган:*

**СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ГУЛЛАБ,
ЯШНАМОҚДА**

*Эй муқаддас гул диёрим, гулшаним, жоним менинг,
Мен сенинг бағрингда ўсдим, йўқдир армоним менинг,
Сен блан ўтмоқда шодон ҳар кун, ҳар оним менинг,
Жон фидо бўлсин сенга, эй Ўзбекистоним менинг,
Шухрати оламни тутган шавкатим, шоним менинг.
Кенг улугворсан: Хазар, Балтиқ, Азов баҳринг сенинг,
Чу, Днепр, Сир, Зарафшон, Нева, Дон шахринг сенинг,
Андижон, Харков, Қозон, Ленинград шахринг сенинг,
Москва севган диёринг, Москва фаҳринг сенинг,
Бағри поёнсиз маконим, Ўзбекистоним менинг.*

Шеърнинг пастки қисмида қизиқарли мана бу хабар ва маълумотлар келтирилган:

100 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН

Хоразм области, Қорақалпоқ АССР ва Тошҳовуз области (Туркманистон ССР) қишлоқ хўжалик илғорлари ўзаро ижтимоий мусобақа тузиб, 1945 йилги қишлоқ хўжалик ишларини муваффақиятли бажаришни шартлашдилар. Хоразм область колхозчилари бу йил область бўйича камида 100 минг тонна пахта бериш учун курашмоқдалар.

АНДИЖОН НЕФТЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ


«Андижон» нефть промисласининг коллективи Қизил Армиянинг тарихий ғалабаларидан рағбатланиб нефть чиқаришда тобора кўпроқ муваффақиятлар қозонмоқда. Улар кейинги ҳафта ичида пландан ташқари 250 тонна ёқилғи ишлаб чиқардилар.

УЧ КОЛХОЗ ЎРТАСИДА КАНАЛ

Бухоро областининг илғор чорвачи чўпонлари қўй қўзилатишни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Конимех совхозида эгиз қўзилар 10 – 12 процентга етди. Шу райондаги Калинин номли колхознинг атоқли чўпони Холмирзаев 100 совликдан 130 қўзи олиб, ажойиб ғамхўрлик блан ўстирмоқда.

ИККИ ДОНГДОР ЗВЕНОНИНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛ МУСОБАҚАСИ

Пастдарғом районидаги Ленин номли колхознинг машҳур звено бошлиғи Тожиҳон Ҳусайнова ўтган йили гектаридан 78 центнердан пахта берган эди. Ҳусайнова звеноси шу райондаги Молотов номли



Ҳукуматимизнинг олий мукофотига сазовор бўлган атоқли кишиларимиз (чапдан ўнга): инженер Р.Алимов, профессор И.А.Корженевский, академик Уста Ширин Мурадов.

И.Глауберзон сурати.

колхознинг Малахай Пардаев звеносини бу йил гектаридан 110 центнердан ҳосил олиш мусобақасига чақирди.

ЯЛТИРОҚ МАЪДАН ЭРИТУЧИ ЗАВОД

Ўзбекистонда ишлаб турган корхоналар қаторига иккинчи даражадаги ялтироқ маъданларни эритадиган яна бир янги завод қўшилди. Республикада биринчи бўлган бу завод темир-терсак ва ялтироқ маъданларнинг чикитларини эритиш нағижасида дастлабки иш кунларидаёқ 60 тонна алюмин, кўрғошин ва бабит маъданлари қуйиб чиқарилди.

ТИКЛАНАЁТГАН КОРХОНАЛАР УЧУН УСКУНАЛАР

Ўртоқ Даугач директор бўлган завод коллективини немис босқинчилари томонидан вайрон қилинган қора металлургия ва химия саноат корхоналарини тиклаш учун жуда кўп хилма-хил асбоб-ускуналар тайёрлаб жўнатиб турмоқда.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» ФИЛЬМИ

Тошкентдаги бадий фильмлар студияси Собир Абдулла ва А.Спешнев ўртоқлар сценариясига мувофиқ «Тоҳир ва Зухра» номли янги бадий фильм ишлаб чиқарди. «Тоҳир ва Зухра» фильми 1 майдан республика кинотеатрларида қўйила бошлади.

«АЛИШЕР НАВОИЙ» ПЬЕСАСИ ҲАМЗА ТЕАТРИДА

Шоир Уйғун ва Иззат Султон ўртоқлар томонидан ёзилган «Алишер Навоий» пьесаси Ҳамза номли театр томонидан сахнага қўйилди. «Алишер Навоий» пьесасини сахнага қўйишга республика халқ артисти Маннон Уйғур раҳбарлик қилди. Алишер Навоий ролида СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятлов ўйнади.

КЎЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА

*Айб этма, дил қурғур дилиннга пайванд,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!
Олти ой хат кутдим Барчиной монанд,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!
Ёнингдан тушимасам бир одим айри,
Жонимга тегишли гурбатнинг сайри,
Ҳойу ҳавасларинг бўлмас ҳеч хайри,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!
Беқарор кўнгилга шифокор ўзинг,
Ёв учун ҳақ ажал – мард сувор ўзинг,
Қалбида ёлқини – ўти бор ўзинг,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд!
Қаҳрамон бўлиб қайт, қучоқ очай мен,
Азиз бошигинангдан гуллар сочай мен,
Кўксингга бош қўяй, бўйинг қучай мен,
Кўзларим йўлингда, эй номи баланд.*

Миртемир

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА

Республика пойтахти Тошкент шаҳрининг кўчалари тобора обод бўлмоқда. Кенг асфальт йўлларнинг четларидаги дарахтлар кун сайин кўпроқ ям-яшил барглар ёйиб, ёзнинг иссиқ кунларига соябон тайёрламоқда. Урушдан бир неча йилгина аввал қурилган Навоий кўчасининг ҳам ёш тераклари соя ташлайдиган бўлиб қолди. Навоий ажойиб кўча бўлаётир. Уруш йиллари ичида бу ерда яна қават-қават ҳашаматли иморатлар қурилди. Турли хил жамоат идоралари, ишчи-хизматчилар учун уй-жойлар бино бўлди. Ўрдадан Чорсуга тикка тушиб кетган бу кўча «Эски шаҳар» деган номни аллақачон тарихдан ўчириб юборди. Бир бошидан шарқдаги Паркент тоғларининг осмонни ўпган чўққилари, иккинчи бошидан эса ЎзССР Олий Советининг ҳашаматли биноси кўриниб турадиган Карл Маркс кўчаси ва жанубдан шимолга тикка тушган Ленин

кўчаси пойтахтимизга алоҳида ҳусн бағишлаган. Булар энг серқатнов кўчалар, бу кўчаларда эрта тонгдан ярим тунгача ҳаёт тинмайди. Минут сайин машиналар визиллаб ўтиб туради. Ҳозир турли хил машиналар жуда кўпайган... Пойтахт аҳли бутунлай ёз кийимига ўтди. Нозик белли, жингалак сочли гўзал қизлар гулдор нафис кўйлаklarини кийиб олдилар. Баҳор кийими уларга яна ярашди, ҳуснларини яна очди.

Кинотеатрлар кеча-кундуз баробар ишлайди. Уларнинг олдида ҳамма вақт одамлар гавжум. Бу ерда фронт ҳаётини, жонажон Қизил Армиянинг ажойиб ғалабаларини кўрсатадиган кинофильмлар узлуксиз кўйилиб туради.

Ҳар бир йўловчи, иши қанча зарур бўлганда ҳам, «Ўзкитоб» магазини ойналарига ёпиштирилган катта хариталар олдида тўхтамай иложи йўқ. Харитага қараган кишининг дили шод бўлади. У бу ерда қахрамон Қизил Армия ваҳший ёвнинг уяси Берлинга етиб, зафар байроғини тиклаганлигини кўради. Ҳар кимнинг орзу қилган тилаги шу эди. Кишилар бу кунни аввалгидек тоқат ва ишонч билан кутардилар. Келинлар ўз мардларининг, болалар оталарининг, қизлар севган ёрининг тез ва қатъий ғалабасини кутардилар. Шу улуғ ғалаба тантанаси келди.

ЖАНГ ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚДАМИЗ

Акам лейтенант Адҳам Қобилов тинч даврда – 1939 йилда Қизил Армиянинг кадр қисмида хизмат қиларди. У вақтда мен бошланғич мактабнинг сўнги синфида ўқир эдим. Акамнинг Қизил Армиядаги жўшқин ҳаёт тўғрисида ёзадиган хатлари мени жуда завқлантиради ва мен тезроқ ўсиб, аскар бўлиб хизмат этишни орзу қилардим.

Мен немис-фашист босқинчиларга қарши улуғ ватан уруши кунларида шу орзумга эришдим. Ҳали мен чақирик ёшида бўлмаганим учун ҳарбий таълим отрядида машқ қилишни тавсия этишди. Лекин мен «Ватанимиз тақдирига қасд қилган, бахтли ёшлигимизга чанг солган гитлерчи газандаларга қарши кураш учун фронтга

– акам ёнига юборишингизни илтимос қиламан» деб қайта-қайта ариза бердим.

Ватанпарварлик илтимосим ерда қолмади. Шундай қилиб, мен 1942 йилда, 16 ёшимда кўнгилли суратда қизил аскар бўлдим. Халқим кўлимга дахшатли қуроли берди. Мен қудратли совет халқи олдидаги бурчимни сўнгги томчи коним қолгунча мардона адо этишга, совет қуролининг шуҳратини орттиришга онт ичиб, биринчи марта Дон дарёси бўйида – қадимги рус шаҳри Воронеж остоналарида ўт ичига кирдим.

Мана орадан ойлар, йиллар ўтди. Дон ва Днепр ҳам, Висла ва Одер ҳам, Шпрее ва Эльба ҳам орқада қолиб кетди. Биз бу ерларга марш блан эмас, балки қутирган душманни кеча-кундузи савалаб, қаттиқ жанг блан келдик.

Мен дастлабки кезларда отделенияда оддий ўқчи эдим. Ўнг қирғоқ Украина учун бўлган тарихий жангларда Дектяревнинг қўл пулемёти блан қанчадан-қанча фашистларни қириб ташладим. Шу йил бошида Сташев районида бошланган қатъий ҳужумда эса ўз отделениямни душман устига штурмга олиб бордим. Шу отделениям блан қардош Чехославакия пойтахти Прагани озод қилган ва Олий бош қўмондоннинг ташаққурига сазовар бўлган шавкатли қўшинлар сафида бўлдим.

Ҳозир эса биз одатдагича лагерь шаройитида таълим олаётирмиз, ўзимизнинг ҳарбий усталигимизни такомиллаштираётирмиз.

Отделениямда кўп жангларда қатнашиб донг чиқарган ва тажриба орттирган, шунингдек, яқинда келган, жангда бўлмаган солдатлар бор. Масалан, пулемётчи сержант Репин, айниқса, сўнгги жангларда кўп маҳорат кўрсатган. Отделениямга янги келган оддий аскар Смирний, унинг ёрдамчиси Репин, ҳозир Смирнийни фақат зериктирадиган қуруқ гап блан эмас, балки ўзининг ҳаммага манзур бўлган бой тажрибаси блан чиниқтирмоқда. Натижада машғулотлар яқингинада бошланган бўлишига қарамай, Смирний пулемётининг материал қисмини ўрганиш блан бирга қулай ўт очиш позицияси танлаш, уни жиҳозлаш, пулемёт ўтидан яхши фойдалана билиш масаласида дуруст тушинчага эга бўлди.

Менинг ўзим яқинда аскарларимга бир жанг воқеасини сўзлаб бердим. Бу воқеа 1945 йил 14 январда Висла бўйидаги плацдармда бўлган эди. Биз ҳужумга бошлаш тўғрисида буйруқ олдик. Даҳшатли артиллериямиз еру кўкни титратиб немис мудофаасининг кулини кўкка совирди. Шунда баъзи жангчилар «битта ҳам немис тирик колмаган бўлса керак» деб ўйлади. Биз артиллерия ёмғури остида душман траншеяларига жуда яқин бориб олдик. Ўз снарядларимиз биздан атиги 120–150 метр нарида портларди. Артиллерия ўти немис мудофаасининг ичкарисига кўчирилиши ҳамано биз ғоз туриб «ура» кичқириб, шиддат блан душман траншеяларига бостириб кирдик. Унда кўпгина немислар траншея тубида ўралар қазиб бекиниб олган экан. Яхшики, биз шиддат билан дарҳол бостириб борганимиз учун гитлерчилар жиддий қаршилиқ кўрсатолмадилар. Биз озгина вақт давом этган қўл жангида 7 немис солдатини ўлдириб, 2 офицерини асир қилиб олдик. Агар биз артиллериямиз ўтидан фойдаланиб душман траншеясига мумкин қадар яқинлашиб борганимизда ёки артиллерия ўти ичкарисига кўчирилган замони хандакка чакқонлик билан бостириб бормаганимизда немислар бизга анча талофат етказиши эҳтимолдан узок эмасди.

Менинг бу ҳикоям, айниқса, ёш жангчиларда зўр таассурот қолдирди.

Дастлабки кунлардаги машғулот яқунлари жангчиларимиз ўзларининг ҳарбий билимларини ортдириши, ўз ишларининг устаси бўлишга кунт блан киришганликлари равшан кўрсатмоқда.

**Гвардия сержанти Раҳмат Қобиров,
«Қизил юлдуз», II ва III даражали «Шухрат»
орденларининг кавалери**

Газетанинг шу сони биринчи саҳифасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самад Садриевнинг мана бу сурати берилган.



КАТТА ЁШДАГИЛАРНИНГ ЎРНИНИ ЁШЛАР БОСАДИ

Катта ёшдаги гвардия оддий аскарлари, III даражали «Шухрат» ордени кавалери ўртоқ Жлобинский қисмимизнинг темирчилик взводида ишлар эди. У яқинда аскарликдан бўшалиб юртига қайтиб кетди. Унинг ўрнини III даражали «Шухрат» ордени кавалери, гвардия оддий аскарлари Воис Рискулов босди.

Ҳозир ўртоқ Рискулов қисмимизда бутун отларни тақалаб, аравлар ремонтини тугатди.

Оддий аскар Мухтор Жўраев

КЎПНИ КЎРГАН СОЛДАТ ЁШ ЖАНГЧИЛАРНИ ЎРГАТМОҚДА

Оддий аскар Азим Ҳайдаров 1942 йилда фронтга келди. У меҳр қўйиб станокли пулемётни ўрганди. У урушнинг охиригача ўзининг «максим»идан ажралмади ва энг оғир жанг шароитларида ҳам ўзининг ҳарбий илмини мукаммаллаштиришни давом этдирди.

Фронтга келган вақтида станокли пулемётнинг нима эканини ҳам билмаган жангчи Азим Ҳайдаровнинг поғонида ҳозир уч қизил лен-

та, кўкрагида гвардия нишони, II даражали «Ватан уруши», «Қизил юлдуз» орденлари ва медаллар тақилган.

У ҳозир қисмимизнинг кўпни кўрган солдатлари, атоқли аскарлари қаторида бўлиб, яқиндагина қисмимизга келган ёш жангчиларга станокли пулемётнинг материал қисмларини ўргатмоқда, уларни ўзидай пулемётдан отиш усталари қилиб етказмоқда. Пулемёт ротамизда гвардия старший сержанти Азим Ҳайдаровнинг расчёти ҳарбий машғулотда биринчи ўринда туради. Унинг ёш жангчиларидан Иван Салатов, Андрей Кирсановлар пулемётнинг материал қисмларини мукамал билишда ротамизда биринчи ўринни олдилар.

Гвардия оддий аскари Турсун Рашидов

КУН ТАРТИБИ АСКАР ҲАЁТИНИНГ КЎРГАЗМАСИДА

Капитан Глухов бўлинмасида шахсий составнинг бутун ҳаёти кун тартибига итоат этдирилган. Ҳамма ерда ва ҳар соҳада ҳарбий тартиб-интизом яққол кўриниб туради. Бўлинмада подъём, эрталабги текшириш, машғулот, кечки йўқлама бузилмас қонун бўлиб қолган.

Жангчининг строевой, сиёсий ва бадантарбия тайёргарлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Взводларда старшина И.Корниенко ва старший сержант И.Слепцовлар раҳбарлиги остида ҳар куни 30 минутлик сиёсий информация ўтказилади.

Қизил аскар Бекмирза Орзиев

ДОВУД ҚЎШАНОВНИНГ РАСМИ ҚИСМИМИЗ КЎРГАЗМАСИДА

Довуд Қўшанов 1941 йилдан буён қисмимизда хизмат қилиб, улуг ватан урушининг жанглирида катта қаҳрамонлик ва ботирлик намуналарини кўрсатиб келди. Унинг кўкраги орден ва медаллар блан безанган.

Довуд Қўшанов қисмимизнинг жанговар тарихида биринчи ўринда кўрсатилади. Унинг катта ва бадиий суратда ишланган расми қисмимиз кўргазмасининг марказий жойига ўрнатилган.

Гвардия лейтенанти Солиҳ Абдуллин

ТОШКЕНТ БАҲОДИРЛАРИМИЗНИ ҚУВОНЧ БЛАН КУТИБ ОЛАЖАК

Гитлерчилар Германиясини тор-мор этиб, совет куралининг шон-шуҳратини оламга ёйган ва эндиликда СССР Олий Советининг қонунига мувофиқ ҳарбий хизматдан бўшатишга қизил Армиянинг катта ёшдаги аскарлари ўз ватанларига қайтаётдилар. Ватан урушининг ўзбекистонли қаҳрамонлари тушган биринчи эшелон шу яқин кунлар ичида Тошкентга келади. Ўзбекистон пойтахти ғолибларимизни муносиб кутиб олиш учун зўр таратдуд кўраётди.

ЎзК(б)П Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ С.К.Емцов «Қизил Ўзбекистон» муҳбири билан қилган суҳбатида пойтахт тайёргарликларининг баъзи тафсилотларини айтиб берди.

– Тошкентликлар ёвуз душманни сўзсиз таслим қилиб, Берлин устига ғалаба байроғини тиккан шонли Қизил Армия баҳодирларини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Пойтахтнинг барча 8 та районида катта тайёргарлик қизитиб юборилди. Тошкент пассажир ва товар станциялари махсус равишда безатилади. Вокзалда СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, республика халқ комиссарлари, шаҳар ташкилотларининг раҳбарларидан иборат навбатчилар туради.

Махсус жиҳозланган автобуслар фронтчилар хизматида қўйилади. Вокзал – Пушкин кўчасининг охири, Вокзал – Хадра, Вокзал – тўқимачилик комбинати, Вокзал – Сталин номли парккўл ўрталаридаги линияларда қатновчи автобуслар фронтчиларни ташийди.

Шаҳардаги барча милиция бўлимлари ҳамда район ҳарбий комиссарликлари қошида фронтчиларга хизмат қиладиган хоналар жиҳозланади. Фронтчилар шу ернинг ўзида суратга тушиб, паспорт оладилар, уй дафтарида ёзиладилар, нон ва гарантияли озиқ-овқат карточкалари оладилар.

Ўзбекистонга қайтаётди Тошкентда бир неча кун қоладиган ҳамда уй-жойи бўлмаган аскарларимиз учун бир неча ерда ётоқхоналар ташкил қилинди.

Айрим корхона ва муассасаларни коллективлари фронтчи оилаларнинг фондиди яратиш мақсадида ўз ихтиёрлари билан яқинба-

ликлар ўтказмоқдалар, ишдан ташқари соатларда қолиб ишлаётирлар. Шу мақсадда шаҳардаги кинотеатр, театр ва боғларда Ватан химоячилари оилаларининг фондига атаб махсус кечалар уюштирилаётир.

Бу пуллар эвазига шаҳар корхоналарида ички ресурслар ҳисобидан пойабзал, усти-бош тикилади, газлама тўкилади, уй-рўзғор асбоблари тайёрланади. Бу буюмлар муҳтож фронтчи оилаларга берилади.

Айрим корхоналарнинг коллективлари фронтчиларга атаб совғалар тайёрлаётирлар. Масалан, «Ўзбеквино» трестининг 7-нчи вино заводида 26 фронтчи учун совға тайёрланаётир.

Шаҳардаги бир заводда 250 фронтчи учун совға тайёрланмоқда. Завод шу мақсад учун 250 килограмм гўшт, 500 дона совун, ҳар кишига 100 – 200 тадан папирос ва ҳар бир оила учун 300 килограмдан ёқилғи ажратди. Бундан ташқари, заводда 100 та челак, 100 та таз ва 150 та печка тайёрланаётир.

Шаҳар план комиссияси август – декабрь мобайнида фронтчиларнинг оилаларига тарқатиш учун 4 минг тонна саксаул ва кўмир ажратди. Уйсиз фронтчиларга ҳамма районларда квартиралар бўшатилаётир.

Қизил Армия сафидан қайтиб келучи кишиларнинг ҳаммаси ўз қобилиятига яраша иш блан таъминланади. Корхоналардан ишчи кучи сўраб жуда кўп талабномалар олинмоқда. Масалан, Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати ҳозирнинг ўзидаёқ 1000 га яқин малакали ишчини иш блан таъминлай олади. Янги ишчилар учун комбинатда уй-жой, озиқ-овқат, иш кийимлари тайёрланмоқда.

Шаҳар ва район советларининг депутатлари Қизил Армия сафидан қайтучи кишиларнинг оилалари нималарга муҳтож эканлигини аниқлаш мақсадида ёппасига текшириш ўтказаетирлар. Ҳозиргача Ленин районида 600 хонадон, Сталин районида 400 хонадон, Марказий районда 350 хонадон текширишдан ўтказилди. Октябрь районида ўтказилган текширишда урушнинг дастлабки йилларида ёшлари кам бўлган давлат нафақаси олмаган, ҳозир эса ёшлари улғайиб нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, бу имтиёзлардан фойдаланмай

келган 200 тача оила борлиги аниқланди. Уларнинг ҳаммасига давлат нафақаси ва жамоат йўли блан ёрдам кўрсатилади.

Қизил Армия жангчилари ва уларнинг оилалари ҳақида Ватан уруши йилларида ҳамиша катта ғамхўрлик қилиниб келди. Сўнгги икки йил мобайнида шаҳарда фронтчиларнинг оилаларидан 11.800 киши ишга жойлаштирилди, 428 киши ўқишга юборилди, 29.385 киши солиқлардан озод қилинди, 8.200 уй ремонт қилиб берилди. Шаҳарда бундан бир неча ой илгари ўтказилган якшанбаликда 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тўпланди.

Тошкент меҳнаткашлари баҳодир жангчиларимиз ва уларнинг оилалари ҳақида бундан сўнг яна ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилажаклар.

ОМОН КЕЛДИ

*Қувон, халқим, қувон, юртим, созинган жонажон келди,
Қувон, ота, қувон, она, танингга янги жон келди,
Қувон, э бахтли гўдаклар, отанг жангдан омон келди,
Қувон, э Ўзбекистон, қанча ўзлинг беизён келди,
Вужуди келмагандан номи ўчмай дoston келди.
Табассум бирла оқ ҳуснингни кўрсат, пахта майдонлар,
Яшинма, чиққил истиқбол учун ер остидан, қонлар,
Фалак нонвойи, ойдан катта бўлсин тўйда ширмонлар,
Висол созини чол, созанда, ўйна, шўх жувонлар,
Сени сақлаб ўлимдан қанча минг соҳибқирон келди.
Жаҳон голибларига, э фалак, кўксинг пояндоз эт,
Изин ўпмоққа, олтин қанотлар, кўкка парвоз эт,
Кел, эй тинчликни кўзгуси, мудом ҳуснингни пардоз эт,
Ғубори қолмасин қалбида, голибларни эъзоз эт,
Ажални куйдириб кул айлаган фарзанди жон келди.
Чақирғил эл юзидан тўйга деб хешу таборингни,
Кетур, э боғбонлар, сақлаган қайю анорингни,
Қучоғингга етишиди асраганлар мевазорингни,
Ёйиб дунё юзига шухратингни, эътиборингни,
Тикиб Берлингга байроқ қанча голиб қаҳрамон келди.
Қараб турма, кетур зар қоплаган шишангни, э соқи,*

*Қуйилсин пайма-пай олтин қадаҳларга қизил, оқи,
Кўтар ғолиб йигитлар соғлигига, базм муштоқи,
Узоқ йиллар умр кўрсин саломат доҳимиз боқи,
Бу қандай яхши соат, Чустий, яхши замон келди.*

Чустий

ЎЗ ЖОНАЖОН ЗАВОДИНГИЗ КУТМОҚДА

Урушнинг тезроқ ғолибона тугалланишини ва фронтга кетган дўстларимизнинг тезроқ келишини кўзларимиз нигорон бўлиб кутдик. Ана шу қувончли соат келди.

Немис-фашистлар Ватанимизга хоинларча бостириб келгандан кейин бизнинг Ильич номли заводимиздаги кўпгина ишчилар ҳам Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга кетган эдилар. Улар халқимиз олдидаги бурчларини шараф билан ўтадилар.

Коллективимиз қайтаётган ғолиб жангчиларимизни муносиб кутиб олиш учун тайёрланмоқда. Фронтчилар учун совғалар ғамлаб кўйдик. Биз уларни иззат-ҳурмат билан кутиб оламиз.

**Ш.Исмоилов, Тошкентдаги Ильич номли
завод партия комитетининг секретари**

1945 ЙИЛ 14 АВГУСТ. №49 (334)

КОММУНИСТ ЕГОРОВГА РАҲМАТ

Мен фақат 1944 йилнинг бошида фронтга келдим. Бир неча жанглардан кейин бўлинма партия ташкилотчиси ўртоқ Егоров мени ўз олдига чақириб олди ва ботирларча жанг қилганим учун раҳматлар айтди. Мен ўртоқ Егоровдан мени партия сафига киришим учун ёрдам беришини илтимос қилдим. У менинг бу илтимосимни жони-дил блан қабул қилиб, бўш вақтларимда мен блан шуғуллана бошлади.

Одер учун бўлган жанглардан кейин мен партия сафига кандидат қилиб қабул қилиндим.

Бундан кейин ўртоқ Егоров мен билан яна кўпроқ шуғуллана бошлади. Мен партияимизнинг устави, программаси ва генералис-

симусимиз ўртоқ Сталиннинг бутун буйруқ ва докладларини ўқиб ва оғир жойларини ўртоқ Егоров блан бирликда ўқиб ўрганиб чиқдим.

Мен рус миллатидан бўлмаган жангчилар блан бир неча марта суҳбатлар ўтказдим. Бу суҳбатларда ҳам ўртоқ Егоровнинг ўзи шахсан иштирок қилди ва суҳбатлардан кейин менинг камчиликларимни кўрсатиб, келгуси суҳбатларга тайёрланиш юзасидан менга бевосита ёрдам бериб турди.

Яқинда мен большевиклар партиямизнинг ҳақиқий аъзолигига ҳам қабул қилиндим.

Ҳозир мен коммунистман. Менинг шахсий ҳаётимда катта ўрин олган бу тарихий ҳодисани ҳеч қачон унутмайман ва большевик Егоровга менга берган ёрдамлари учун сўнгги нафасимгача раҳматлар дейман.

Сержант Эшниёз Жалилов

МЕРГАНЛАРГА ТАШАККУР БИЛДИРИЛДИ

Бўлинмамизда бошқа машғулотлар блан бир қаторда отиш машғулотлари ҳам тез-тез бўлиб туради. Тўғри ва мерганларча отиш қоидаларини ўрганиб чиққанимиздан сўнг командирларимиз синов ўтказди. Назарий билимларни яхши ўзлаштирганимиз учун яқинда амалий отиш машғулотлари ўтказилди.

Ҳар бир жангчи учтадан ўқ олиб, бу тўғрида уставда айтилганидек доклад қилди. Кейин ҳар ким командир кўрсатган жойга ётиб қандай сонли мўлжалга отишни билиб олди ва отишга тайёрланиб, командир командасини кутиб турди. Команда берилди. Ўқлар бирин-кетин отилди. Яна команда бўйича ирғиб турдик. Командиримиз блан мўлжаллар ёнига бориб натижаларни кўрдик. Жангчилардан Иброҳимжон Умрзоқов ва Дарвешали Довудовлар отган учала ўқ ғужжа бўлиб мўлжал ўртасига тегибди.

Отиш тамом бўлгач, Умрзоқов ва Довудовларга аъло отганлари учун ташаккур билдирилди.

Қизил аскар Карим Раҳимов

ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИСИДА СУҲБАТ

Гвардия старший сержанти, «Шухрат» орденининг кавалери Қодирали Тошпўлатов Бреслау учун бўлган жангларда яраланиб госпиталга жўнаб кетган эди. Госпиталдан эса у ўз юртига, Ўзбекистонга, бир ойлик отпусккага юборилди.

Ўртоқ Тошпўлатов яқинда отпускдан ўз қисмига қайтиб келди. У келиши бланок қисмидаги барча ўзбек аскарларни тўплаб Ўзбекистон қурилишлари ва ўзбек халқининг қандай яшаётганликлари тўғрисида суҳбат ўтказди.

Ўзбек жангчилар ўртоқ Тошпўлатовни катта завқ блан тингладилар ва жонажон юртларидан жуда кўп қувончли янги гаплар олиб келгани учун ташаккур билдирдилар.

Оддий аскар Иброҳим Умурзоқов

АТОҚЛИ АСКАР

Турғун Самадов улуғ ватан уруши даврида тўп расчётида ездавой бўлиб ишлар эди. Отларни яхши боққани, уларни душман ўтидан эҳтиёт қилгани учун «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотланди. Сал ўтмай сафдан чиққан замковойнинг ўрнини босиб, жангда жасорат кўрсатгани учун «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди. Урушнинг сўнгги кунларида Берлин учун бўлган жангларда сафдан чиққан наводчининг ўрнини босиб, кечдан эрталабгача жанг қилди ва душманга жуда кўп талафот етказди. Оддий аскар Самадов бу ҳал қилучи жангларда маҳорат ва ботирлик кўрсатгани учун «Қизил юлдуз» ордени блан мукофоланди ва унга сержант унвони берилди.

Ҳозир сержант Турғун Самадов наводчилик вазифасига тайинланиб, ёш жангчиларга тўпнинг материал қисмларини ўргатмоқда.

Яқинда ўртоқ Самадовга старший сержант унвони берилди ва у ВКП(б) аъзолигига қабул қилинди.

Гвардия сержанти Матрозиқ Ҳайитов

МАРҲАМАТ, ҲАММОМ ТАЙЁР!

Жангчи Ҳикмат Убайдуллаев ҳозир ҳам ўзининг эски ҳарбий касбида ишлайди. У ҳаммомчи. У ўз ишини жуда севади.

Ҳозир ўртоқ Убайдуллаевнинг ҳаммоми ертўлада эмас, яхши бир бинода қурилган. У ҳозир, айниқса, меҳр қўйиб ишлайди. Унинг ҳаммоми яхши жиҳозланган, озода, иссиқ ва совуқ суви дойимо сероб. Ҳаммомга қай вақт борсангиз ҳам ўртоқ Убайдуллаев эшик олдида чиқиб «Марҳамат қилинг, ҳаммом тайёр!» деб туради. Унинг бу ишлари учун бўлинмамининг бутун жангчилари Убайдуллаевдан миннатдор.

Старшина Акбар Ҳомидов

1945 ЙИЛ 17 АВГУСТ. №50 (335)

ОТДЕЛЕНИЯ РАЗВЕДКАДА

Гвардия лейтенанти Чулковников бўлинмасида ҳарбий машғулотлар уюшқоқлик ва зўр қизиқиш блан ўтади.



Н-чи лагерда. Часовой Соттибоев линейкада турибди.

В.Юдин сурати.

Яқинда «Отделения разведкада» темасида машғулот ўтказилди. Взводимиз командири ўртоқ Чулковников устав бўйича разведка отделениясининг вазифалари, ҳаракат қилиш қондаси ва тартибларини тушунарли қилиб сўзлаб берди. Кейин жангчилардан сўраш йўли блан айтилганларни жангчилар миясига жо қилди. Гвардия қизил аскари Рева ва взвод командирларининг ёрдамчиси Дектовлар жуда яхши жавоб бердилар.

Гвардия қизил аскари Ортиқ Ашуров



Гвардия старшинаси Мухтор Исроилов бир гуруҳ ўзбек жангчиларига «Ватан шарафи учун» газетасини ўқиб бермоқда.

В.Юдинов сурати.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА ҚАЛАЙИ

Яқинда Самарқанд областида рангли металл ва, хусусан, қалайининг янги манбаълари топилди. Қилинган тажрибалар шу ерда қалайи эритиб олиб бўладиган минераллардан касситерит ва қалайи тошлари кўплигини исбот қилди.



Бу йил Бухоро педагогика билим юрти Бухоро области мактабларида ишлаш учун кўп ёш ўқитучилар етиштирди. Суратда (чапдан ўнгга): Педагогика билим юртини «аъло» баҳолар блан тугатиб чиққан ёш ўқитучилардан Хосият Шарипова ва Адолат Омонова.

И.Юсунов сурати

ЯНГИ ИШЧИЛАР ОТРЯДИ

Чирчиқдаги 3-чи сонли фабрика- завод таълими мактаби қурилишларда ишлайдиган 360 дан ортиқ ҳар хил касбдаги малакали ишчилар тайёрлаб чиқарди. Ёш ғиштчилар, сувоқчилар, дурадгорлар ва слесарларнинг кўпчилиги битириш имтиҳонларини аъло баҳолар блан топширди. Облақулиев ва Собировлар сантехника слесари бўлиб етишдилар. Новинков сувоқчи, Машарипов ва бошқалар дурадгор бўлиб чиқдилар.

ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасининг ташкил топганлигига шу йилнинг июль ойида 75 йил тўлди.

Кутубхонанинг юбилей сессиясига Москва, Ленинград, Боку, Рига ва Совет Иттифокининг бошқа маданий марказларидан бир канча илмий ходимлар чақирилди.

Юбилей муносабати блан ташкил қилинган кўргазма халқ кутубхонаси СССР миқёсидаги энг йирик китоб хазиналаридан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бу кутубхона 1870 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб унда 2.200 тача китоб бор эди, холос. Революциягача ўтган 48 йил ичида кутубхонанинг китоб бойлиги 80 мингга етди.

Кутубхона совет ҳукумати даврида 1 миллион 200 мингдан ортироқ китоб жамғарди. Ҳозир унинг китоб фонди бир ярим миллион томдан иборат.

Кутубхонанинг юбилейи Ўзбекистон совет маданияти ҳаётида катта воқиа бўлди.

Партия ва ҳукуратимиз кутубхонанинг хизматларига юксак баҳо бердилар. Унинг ходимларидан 13 киши СССР орден ва медаллари блан мукофотланди.

1945 ЙИЛ 21 АВГУСТ. №51 (336)

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон меҳнаткашлари Қизил Армия сафидан бўшатилган ўз ватандошларини кувонч блан кутиб олаётирлар. Ботирларимизни кутиб олиш катта халқ байрамига айланмоқда. Халқимиз қаттиқ курашларда Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолган юртимиз ҳимоячиларидан чексиз миннатдордир. Халқимиз кўрсатган қаҳрамонликлари ва Ватанга бениҳоя садоқатлари учун голиб аскарларимизга қизғин муҳаббат ва ташаккурларини изҳор этаётир.

Ўзбек халқи улуғ ватан урушининг биринчи кунлариданоқ ўзининг улуғ ва севикли дохийси ўртоқ Сталиннинг чақириғи ҳамоно бепоён Ватанимиздаги барча халқлар блан бирга кўп миллатли дав-

латимизнинг озодлиги, шаън-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қилишга отланди.

Ўзбек халқи ўзининг энг яхши фарзандларини йиртқич душманга қарши жангга юборди. Ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, тожиклар, грузинлар, озарбойжонлар, туркманлар ва бошқа халқларнинг аскарлари блан қўлма-қўл ушлашиб севикли Ватанимизнинг бахти-саодатини ҳимоя қилдилар.

Фарзандларимиз Украина, Белоруссия, Литва, Эстония, Латвия ерлари учун курашар эканлар, улар бу блан жонажон ўлкаларининг бахти-саодати ва озодлиги учун курашаётганликларини яхши билар эдилар. Неча мингларча шонли ўзбек жангчилари совет юртини озод қилиш учун, ҳаққоний ишимизнинг тантанаси учун олиб борилган жангларда ўз қонларини тўқди ва жонларини қурбон қилди.

Ўзбек халқи озод ва бахтиёр ҳаётга Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли, ўзининг катта оғаси бўлмиш рус халқи туфайли эришганини яхши билади. Бузилмас дўстлик ўзбек халқини ва Совет Иттифоқидаги барча халқларни улуғ рус халқи блан чамбарчас боғлади. Бу дўстлик уларни бириктирди ва енгилмас бир ҳолга келтирди. СССР халқларининг жангларда синалган сталинча дўстлиги енгилмас зўр бир кучга айланди. Севикли аскарларимиз ана шу дўстлик туйғуларидан илҳомланиб ўз юртларини садоқат ва фидокорлик блан ҳимоя қилдилар.

Шавкатли Қизил Армиямиз Сталинград бўсоғаларида, Шимолий Кавказда ва Ватан урушининг бошқа фронтларида каттиқ жанглар олиб борган унутилмас кунларда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига мурожаат қилиб, уларни сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилишга, жонажон юртимизнинг ҳар бир қарич ерини ҳимоя қилишга чақирди. Аскарларимиз эл-юртнинг амри-фармонини сидқидил блан бажо келтирди. Улар Ватан уруши тарихига қанча-қанча шонли саҳифалар ёзди. Ленин-Сталин партияси томонидан тарбияланган, унинг ғоялари блан илҳомланган аскарларимиз совет ватанпар-



Абдували Мўминов.
ЎзССР Президиуми
раиси

варлигининг бутун кучини ёрқин мисолларда намойиш қиладилар.

Қадрдон аскарларимиз ўз уйларига қайтаётган ҳозирги кунларда халқимиз Улуғ ватан уруши кунларида нималар қилгани ҳақида аскарларимизга ҳисоб беришни истайди. Ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциямизнинг қахрамонона меҳнати соясида Ўзбекистон жуда йирик аслаҳахона ва озиқ-овқат базаси фронтни барча зарур нарсалар блан таъминлаб турди. Корхоналаримиз, колхозларимиз, ишхона ва артелларимиз уруш вақти талабларига яраша ишладилар. Биз технологиялари жиҳатидан мураккаб бўлган янги саноат тармоқларини – авиация, машинасозлик, ўқ-дори ва қурол-яроғ ишлаб чиқаруви саноатни вужудга келтирдик. Уруш йилларида Ўзбекистонда металлургия заводи ишга солинди, шахталаримиз ўн мингларча тонна кўмир бера бошлади, нодир металллар чиқариш кўпайди, янгидан қурилган ўнларча электростациялар саноатимизга электр қуввати бериб турди.

Ўзбек халқи қадрли фарзандларининг ўз уйларига қайтиб келишини ишлаб чиқаришда мисли кўрилмаган янги ғалабаларга эришиш блан нишонлайди. Қадрдон Ватан ҳимоячиларини меҳр-муҳаббат блан қуршаб олайлик. Республикамиз уларни она ўзининг севиқли фарзандларини қандай илиқ кутиб олгани сингари қарши олажак.

КОММУНИСТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коммунист офицерларимизда ўз ғоявий, сиёсий даражаларини кўтариш учун мустақил равишда ўқишу ўрганишга интилиш катта. Жанглар вақтида мустақил ўқиш-ўрганиш, зарур бўлган китобни топиш, уни ўрганиш учун кўпинча имконият бўлмас эди. Мана энди, ҳозирги янги шароитда коммунист ўзининг марксча-ленинча билимини ошириш учун жиддий киришиши мумкин.

Партия ташкилотларининг муқаддас бурчи мустақил равишда ўқиб-ўрганаётган офицерларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Бу йўлдаги катта қийинчилик китоб камлигидир. Ўз жонажон мамлакатимиздан йироқлардалигимиз бу қийинчиликнинг асосий сабабидир.

Батальон партия ташкилоти офицерлардан ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида» китобини кимлар мустақил равишда ўрганишни истаганликларини аниқлаб чиқди. Барча офицерлар бу китобни мустақил равишда ўрганишга талабгор эканликларини билдирдилар. Офицерлардан бир ўртоқнинг ташаббуси билан биз бу китобдан анчагина, шунингдек, бир неча нусаха «ВКП(б) тарихи қисқа курси», Ленин ва Сталиннинг танланган асарларини топдик.

Ҳозир батальон офицерларининг кўпчилиги мустақил равишда шуғилланмоқда. Бизлар коммунистларнинг бундай ўқишларини дойим контроль қилиб турамыз. Барча офицерларни бирданига тўплашга имконият бўлмагани учун 3 – 5 кишидан иборат группалар билан мусохаба ўтказамиз. Бу усулнинг яхши томонлари бор. Мана шундай кичик группалар билан мусохаба қилганда кишиларнинг ўқиганларини аниқлаш, қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш, уларга маслаҳат ва консултациялар билан ёрдам бериш анча енгил бўлади.

Бизлар ўртоқ Сталиннинг 1941 йил 3 июлда сўзлаган нутқи ва унинг 1941 йил 7 ноябрда қилган доклади юзасидан икки мавзуда ўртоғлиқ мусобақаси ўтказдик. Бу мусохабалар жуда муваффақиятли ўтказилди ва офицерларни ғоят қизиқтирди.

Ўртоғлиқ мусобақалари кўп коммунистларнинг ўз назарий билимларини ошириш учун жиддий шуғулланаётганликларини кўрсатмоқда. Мен партия бюромизнинг аъзоси гвардия техник-лейтенанти Ганиннинг ажойиб ишини алоҳида равишда кўрсатиб ўтмоқчиман. Офицер Ганин ўртоқ Сталиннинг «Совет халқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида» китобининг биринчи қисми юзасидан конспект тузиб бўлди. Ганин сиёсий журналларни, марказий газеталарда босилиб чиқадиган назарий мақолаларни системали равишда ўқиб боради. Ганин батальонда жуда катта сиёсий иш олиб бормоқда. У энг моҳир ва уста докладчилардан бири ҳисобланади. У ҳозир комсомолларга Александр Невскийнинг муз устида қилган уруши ҳамда Совет Иттифоқининг Гитлер Германияси устидан қозонилган ғалабаси тўғрисида икки доклад қилиб беришга тайёргарлик кўрмоқда.

Гвардия старший лейтенанти Шамшин ҳам махташга лойиқ ишлар қилмоқда. Бу ҳам ўртоқ Сталиннинг китобини ва «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни қунт блан ўрганмоқда. Ҳозир у «Рус халки – раҳбарлик қилучи куч» деган мавзуда доклад тайёрламоқда. Партия бюроси ўртоқ Шамшинга ўртоқ Сталиннинг китобини мустақил равишда ўрганаётган ёш коммунистлар блан ўртоғлик мусохабаси ўтказишни топширди.

Иш тажрибамиз шуни кўрсатадики, офицерларни ўқишга тортиш, уларнинг ўз назарий билимларини ошириш йўлида жиддий ишлай бошлашлари уларнинг сиёсий активлигини оширмоқда. Коммунист офицерлар тарбиячи командир сифатида ўз вазифаларини яхши ба- жармоқдалар.

**Батальон партия ташкилотчиси,
гвардия лейтенанти О.Шокирзода**

1945 ЙИЛ 24 АВГУСТ. №52 (337)

ЁШ КОММУНИСТЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА КЎПРОҚ АҲАМИЯТ БЕРИШ КЕРАК

Барча коммунистлар партия мажлисига ўз вақтида етиб кел- дилар. Бу батальон большевикларига одат бўлиб қолган. Қаттиқ жанглар вақтида ҳам, бир қадар осойишталик вақтида ҳам улар худди ана шундай, белгиланган вақтда мажлисга етиб келар эди- лар.

Мен эски одат бўйича коммунистларнинг партия билетларини текшириб чиқишга қарор бердим. Барча партия аъзолари ва канди- датларининг партия ҳужжатлари тартибли равишда эди. Уларда пар- тия аъзолик бадаллари ўз вақтида тўланганлиги тўғрисида белгилар қилинган. Фақат гвардия сержанти Гладковнинг кандидатлик кар- точкаси ёнида йўқ экан.

– Партия ҳужжатингиз қаерда? – деб сўрадим мен ундан.

– Мен уни ғаладонда қолдирганман, шекилли, – деб жавоб берди Гладков.

Сержант Гладков мажлисга кандидатлик карточкасини олиб келгандан кейин мен ёш коммунистларга, партиямизнинг ўз партия ҳужжатларини қандай эҳтиёт қилиб юрганлари, полкимизнинг большевиклари жанглар давом қилиб турган энг қийин шаройитларда ҳам ўз қизил дафтарчаларини муқаддас байроқ сингари жондан азиз кўриб олиб юрганликлари тўғрисида гапириб бердим.

Партиянинг кандидати Гладковда рўй берган бу ҳол менинг учун роталарда «Партия ҳужжатларини сақлаш тўғрисида» суҳбат ўтказиш бўлди. Бу натижада катта фойда келтирган тадбир бўлди. Шундан кейин ташкилотимизда партия ҳужжатларига бепарво қараш ҳоллари юз бермади.

Ёш коммунистларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш – катта ва мураккаб иш. Ғоявий жиҳатдан чиниқмасдан, большевизмни ўрганмасдан большевикча тарбиялаш мумкин эмас.

Вена бўсоғаларида қаттиқ жанглар бораётган вақтда биз гвардия сержанти Пашковскийни ВКП(б)га аъзоликка қабул қилдик. Ботир отделения командири тез вақт ичида ҳаммага танилиб қолди. У кандидатлик стажини фронтга сўнгги жанглар вақтида ўтади. Батальон партия бюроси унга ҳамиша диққат ва эътибор бериб турди. Коммунист Пашковский ҳамма партия топшириқларини жонидил блан бажарар эди, «Жанговар варақа»нинг редактори ҳамда взвод агитатори эди.

Ҳозир гвардия сержанти Пашковский ротанинг комсомол ташкилотчиси бўлиб ишламоқда. У дивизиядаги партия мактабининг энг яхши ўқучиларидан бири ва актив агитатор.

Полкнинг атоқли аскарлари, икки «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган, яқинда партияга ҳақиқий аъзоликка қабул қилинган младший сержант Волковнинг сиёсий жиҳатдан ўсишини кўздан кечириш ҳам қизиқарлидир. Волковнинг кандидатлик стажини узлуксиз давом этган жангларда ўтади ва ўзини жасур аскар, қизил аскарларнинг чинакам етакчиси сифатида кўрсатди. У вақтларда, жанглар шаройитида Волков рота партия ташкилотининг айрим топшириқларини бажарар эди. Сержант Волковнинг миномёт расчёти турган жойдан душман ўтмаслигини биз яхши билар эдик.

Жанг ҳаракатлари тамом бўлгач, батальон партия ташкилоти коммунистлар олдига янги талаблар қўйди. Биз батальон большевиклари олдига жанговар ва сиёсий таълимда авангардлик қилиш вазифасини қўйдик. Бу мураккаб ва катта ишимиз бекам-қўст бўлмади. Бошланғич партия ташкилоти бюросига, бўлди, энди бизга барибир деб ўйлаш каби қолоқ кайфиятларга зарба беришга тўғри келди. Бу кайфиятлар айрим ёш коммунистларда кучли эди.

Яқинда менга сержант Волков блан шу мавзуда суҳбат қилишга тўғри келди. Тўғри, ташқи томондан қараганда, бундай кўнгилсиз суҳбат учун сабаб ҳам йўқ эди. Волковнинг расчёти ҳозир ҳам батальон командири кўзи олдидан энг яхшилардан ҳисобланар эди, бироқ младший сержант ўзидан, шунингдек, ўзига итоат қилучи жангчилардан талаб қилишни бўшаштирган. Мен Волковнинг газеталарни доимий ўқиб бормаётганлигини ва бир қанча муҳим воқиалардан хабарсиз эканлигини аниқладим.

Атиги мана шу ҳолнинг ўзи мени ва батальон партия бюросини ёш коммунистларнинг ўқишларини қандай қилиб яхши ташкил қилиш тўғрисида ақл юргизишга мажбур қилди. Ҳар бир коммунистнинг хоҳиши ва лаёқатини ҳисобга олиб партия топшириқлари тақсим қилинди. Волков блан бўлган суҳбат ундан яхши агигатор чиқиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг илгариги партия топшириғи дидига тўғри келмаган ва, ҳақиқатни айтганда, кучига ҳам лойиқ бўлмаган – оғирлик қилган.

Охирида рота партия ташкилотчиларининг ўқишлари тўғрисида бир неча сўз. Уларнинг ҳаммалари партия томонидан пастдан юқори кўтарилган ёш коммунистлар. Мавжуд бўлган қоидага мувофиқ улар дивизия партия мактабига қатнайдилар, у ерда большевизмнинг асосларини ўрганадилар. Лекин, менинча, бу етарлик эмас. Полкдаги партия ходимлари рота партия ташкилотчиларига партия ишининг амалий томонларини шахсан ўзлари ўргатмоқлари, уларнинг ғоявий жиҳатдан ўсишларига ёрдам беришлари керак.

**Батальон партия ташкилотчиси,
гвардия младший лейтенанти Ю.Абдуллаев**

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мен «Ўқчи отделения дала қоровули хизматида» деган мавзуда ўз отделениям жангчилари блан машғулот ўтказдим. Машғулот вақтида жангчиларга дала қоровули қилиб тайинланган отделениянинг вазибаларини тушинтириб бердим. Дала қоровули душманнинг пайдо бўлишини ўз вақтида пайқаши ва бу тўғрида дарҳол кўруқчи заставка билдириши, кўруқчи заставка келиб етгунча душманни жанг блан андармон қилиб туриши, қоровуллик қилиниб турган маррадан душманнинг разведкасини ва бошқа майда группаларини, шунингдек, маҳаллий кишилардан битта ҳам одамни қўймаслик, пропуск ва сигналларни яхши билиш, окопланиш ва ниқобланиш тўғрисида бирма-бир гапириб бердим.

Бу машғулотдан кейин кечаси бўлинмамиз маршга жўнаб кетди. 12 километр йўл юрганимиздан кейин катта привал бўлиб, менинг отделениям кўруқчи заставка составига кирди ва биринчи навбат дала қоровуллиги хизматига белгиланди.

Мен жанговар буйруқни олишим бланоқ кўриқчи заставкадан 200 метр нарида отделениямга белгиланган маррани кўриб ҳисоб қарточкаси туздим, жангчиларимга позициялар белгиладим. Уларга кўпроқ нималарга аҳамият бериш кераклигини ва ҳар бир жангчининг конкрет вазибаларини тушунтириб, уларга сигнал ва пропускани оғзаки айтиб бердим.

Жангчилар ўз позицияларини ишғол қилдилар.

Бизнинг бу ҳарбий машқимиз урушдагидек жиддий, Уставнинг бутун қоидаларига тўла риоя қилинган ҳолда интизомли ва тартибли равишда ўтди. Шунга қарамай, менинг жангчиларим ўртасида бир қанча камчилик рўй берди.

Кўруқчи пост устидан кузатучи қўйилмаган. Бу менинг ўзимнинг катта хатом эди. Чунки кўруқчи ухлаб қолганда ҳеч ким билмаган бўлар эди. Аслида, мен бу вазибани сигналчига топширишим керак эди.

Ҳаво булут бўлди, ерни туман босди. Шундай вақтда дам олаётган жангчилар ҳам окопларда ётиши керак эди. Бу иш ҳам бажарилмади.

Ёш жангчи ўртоқ Симаков кўруқчи жангчи Шералиевнинг ёнидан ўтиб борганда Шералиев уни йўлидан тўхтатиб пропускаи сўраган. Ўртоқ Симаков пропускаи унутиб «ўз кишингиз» деб жавоб берган, холос. Шералиев Самаковни овозидан таниб кўйиб юбора берган.

Дала қоровуллигида турганда бутун қуроллар жанговар ҳаракатга тайёр бўлиб туриши керак. Ёш жангчи Назарян эса окопида ётиб винтовкасини тозалашга бошлаган. Сержант Короленко бундай қилиш мумкин эмаслигини тушунтириб бергандан кейингина Назарян винтовкасини яна жангга тайёр ҳолга келтирган.

Бу камчиликлар пухта тайёрланиб, ўтказилаётган таълим машқларида очиб ташланмоқда ва тузатилмоқда.

**Гвардия старший сержанти Ашурали Воҳидов,
отделения командири, III даражали «Шухрат»
орденининг кавалери**

КУРСАНТЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШЛАРИ

Н-чи қисмда ҳар якшанба куни курсантларнинг маданий дам олиши уюштирилган ҳолда ўтади.

Курсантлар дарё бўйига музика асбоблари, шахмат, шашка ва бошқа ўйинларини олиб борадилар.

Курсантлар чўмиладилар, шахмат, шашка ўйнайдилар, ашулалар айтадилар.

Кечқурун курсантлар бўлинмаси ташкилий равишда кинога боради.

Курсант М.Имомқулов

ЁШ СУВОРОВЧИ ОФИЦЕРЛАР

Ички ишлар халқ комиссарлигининг Тошкентдаги Суворов ҳарбий ўқув юрти бўлажак офицерларининг биринчи гуруҳини ўқитиб чиқарди, 49 киши етуклик аттестатини олди. 8 суворовчи – Гофриенко, Соловьёв, Юлов, Баталин, Плюшкин, Скугин, Шинчарадзе ва Зимин ўқув юртини олтин медаль блан битирдилар.

Ўқув юртини битириб чиққанларни янада ўқитиш учун уларни Ички ишлар халқ комиссарлигининг ҳарбий билим юртларига юборилади. Олтин медаль билан мукофотланганлар ҳарбий академия ва ҳарбий институтларга юборилади.

«ҒОЛИБЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ» КИНО-ЖУРНАЛИ

Тошкент кинохроникалар киностудияси бўшаб келаётган аскарларни кутиб олиш тантаналарини кинога олиш учун тайёрлик кўрди. Суратга олиш Саидов, Рядов, Лаврентьев каби уста операторларга топширилди. Олинган суратлардан «Ғолибларни кутиб олиш» деган махсус кино-журнал ишлаб чиқарилди.

ҒОЛИБЛАР КЕЛГАНДА

*Биз сизни жанг сари кузатган бир чоғ
Вокзал тўла эди лиқ-лиқ одамга.
Ҳамма тетик эди, ҳамма шер эди,
Кўзлар ботмаганди ҳасратга, намга.
Биз яхши билардик, бир кун оналар
Ўғил манглайига текизади лаб...
Шу йўлдан жўнаган нўлат паровоз
Яна шу йўлдан тўхтар пишиллаб...
Биз яхши билардик галабамизни,
Чунки бизга саркор эди Сталин.
Дўст қилиб улғайтди у халқимизни
Жангда мардларга ёр эди Сталин.
Хуш айём етишиди бизга, андоқки –
Энди душманмиз кўтаролмас бош.
Душман маҳв этилди! Фашизм – поймол!
Қоронғу элларга нур сочди қуёш.
Биз чиқдик пешвоз мардлар йўлига,
Кексалар, оналар, ёшлар, келинлар...
Йўлларга таиладик жаннат гулларин,*

*Марҳабо, ғолиблар, шерлар келинлар...
Сизгадир гулларнинг асл гуллари,
Сизгадир шоирлар яратган куйлар,
Марҳабо, эй Рустамсимон йигитлар,
Қайсики ер кўрмай ўсган яғрини.
Келинлар, унутсин ҳижронни энди,
Сизга очмиш Ватан иссиқ бағрини.
Биз чиқдик пешвоз таниш вокзалга
Кексалар, оналар, ёшлар, келинлар...
Йўлларига ташладик эрам гулларин,
Марҳабо, ғолиблар, мардлар келинлар!..
Мирмуҳсин*

О Н А

*Онамни севаман! У менинг қуёшим,
Йўлига жонимни
Айладим пойандоз...
У менинг мадорим, умидим, бардошим,
Тараннум айласин
Қўлдаги олтин соз!
Капалак эмгандек гулларнинг болини,
Онажон, эмганман
Сийнанинг сутини...
Чирогим сен бердинг,
Юзимнинг холини
Суянган тогим сен! Ҳаётим устуни.
Болалик – чаманнинг мисоли гунчаси,
Духоба гуллардек –
Бўлгуси арзанда...
Бешигим тебратдинг йилларнинг нечаси
Сенсиз тил,
Дилсиз тил яшамас бу танда!
Қабул эт, онажон!
Мен келдим гурбатдан...*

Тўйиб бос бағрингга, тугади сафарим...

Қалбингни бўшатгил

Ғам юки, фуққатдан,

Жафонинг доғларин ўчирур зафарим!..

Ёнғин МИРЗА

1945 ЙИЛ 28 АВГУСТ. №53 (338)

ЧАҚҚОН НАВОДЧИ

Гвардия сержанти Отабой Аллабердиев тўп расчётида наводчи бўлиб ишлайди. У наводчи сифатида уруш вақтларидаёқ жангчи артиллериячилар ўртасида катта донг чиқоргон эди. Ҳозир унинг расчётидаги жангчиларнинг ҳаммаси ёш жангчилардан иборат. Шунга қарамай, Аллабердиевнинг расчёти ҳарбий таълимот машғулотларида батареямизда илғор расчётлардан бири ҳисобланади.

Яқинда Аллабердиев ўз расчёти жангчилари блан шуғулланиб турган пайтда унинг олдига қисмимизнинг командири келди. Командир Аллабердиевга тўпнинг материалъ қисмидан бир неча савол берди. Аллабердиев ҳеч ўйлаб-нетиб турмай шартта-шартта жавоб берди. Командиримиз хурсанд бўлди ва соатига қараб «жангга!» ва «жангдан тўхта!» командаларини берди. Аллабердиев расчётининг жангчилари шундай чакқон ва тез ҳаракат қилишдики, кўз очиб юмгунча «жангга!» ва «жангдан тўхта!» командалари бажарилди.

– Баракалла, азаматлар, 12 секундда бажардингиз, – деди хурсан бўлган командир.

Машғулотдан кейин қисмимиз командири батареямизни саф қилдириб, гвардия сержанти Аллабердиевга ва унинг расчётидаги жангчиларга ташаккур эълон қилди.

**«Қизил юлдуз» ордени ва қўш медаль
кавалери гвардия сержанти
Ўлмас Жўраев**

УЗОҚ ШАРҚДАГИ АГРЕССИЯ ЎЧОҒИ ҲАМ ТУГАТИЛДИ

Улуғ доҳимиз ва севикли генералиссимусимиз ўртоқ Сталин 1936 йилдаёқ «Уруш хавфининг икки ўчоғи бор, шулардан бири – Узоқ Шарқда, Япония зонасида, иккинчиси эса – Германия зонасидадир» деб кўрсатиб ўтган эди.

Фашист Германияси очкўз Япония блан бирлашиб Улуғ Ватанимизни ҳар тарфдан ўраб олиб, бепоён еримизни бўлишиб олишга уринган эди. Лекин улар бу қора ниятларига етолмадилар! Шонли Қизил Армиямиз ва иттифоқчи кўшинларнинг шиддатли зарбалари остида фашист Германияси мажакланиб ташланди. Япония агрессияси Қизил Армиямиз ва иттифоқчи кўшинларнинг сўнгги зарбаларига бардош беролмай таслим бўлишга, ғолиб армиялар олдида тиз чўкишга мажбур бўлди.

Узоқ Шарқдаги агрессия ўчоғи ҳам емирлди. Бутун оламда узоқ муддатли тинчлик учун бўл блан тугади. Ҳаққоний ишимиз тантана қилди. Қаҳрамонона Қизил Армиямизнинг шонли шухрати яна ҳам юксакларга кўтарилди.

Сержант Тўхтамағ Мирзоев

ИНСОНИЯТ ЭНДИ ЭРКИН НАФАС ОЛАДИ

Япон агрессорларининг таслим бўлгани ҳақидаги хабарни қисимиздаги солдат ва офицерлар катта қувонч блан қарши олдилар. Узоқ Шарқдаги фронтларнинг шавкатли кўшинлари улуғ доҳимиз ва севикли генералиссимусимиз ўртоқ Сталиннинг буйруғини шараф блан бажардилар.

Узоқ Шарқдаги чегараларимизнинг тинчлигини неча марталар бузган япон босқинчилари хурриятпарвар халқларга қазиган чуқурларига ўзлари йиқилдилар, тарих олдида шарманда бўлдилар.

Эришилган ғалаба натижасида Узоқ Шарқнинг неча ўн миллионлаб мазлум халқлари япон империалистлари зулмидан абадий озод бўлдилар.

Қизил Армия ҳамда иттифоқчиларимиз армияларининг қақшатғич зарбалари ашаддий япон босқинчиларини ҳам тиз чўктирди. Иккинчи жаҳон уруши прогрессив кучларнинг реакция қора кучлар устидан қозонган тўла ғалабаси блан тамом бўлди. Хурриятпарвар халқлар мудҳиш хавф-хатарлардан, бало-қазолардан, жабр-жафолардан халос бўлдилар.

Инсоният энди эркин нафас олади.

Оддий аскарлар Т.Сафаров, М.Халилов, Т.Ҳошимов

1945 ЙИЛ 11 СЕНТЯБРЬ. №56 (341)

ПУЛЕМЁТЧИЛАРГА ТАШАККУР

Яқинда бўлинмамизда жанговар тайёргарлик юзасидан синов машғулотлари бўлиб ўтди. Бу синов бўлинмамиздаги жангчилар пухта таълим олаётганликларини кўрсатди.

Синовда яхши натижага эришганлардан бири бизнинг пулемёт расчётимиздир. Биз позиция танлаш, позицияни ниқоблаш, отиш ва позицияни тез алмаштиришда намунали кўрсаткичларга эга бўлганимиз учун қисм командири бизга ташаккур билдирди.

Қизил аскар Б.Тўхтаев

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КИТОБ ЎҚИШ

Офицер Шепиков бўлинмасининг жангчи ва офицерлари бадий адабиётга жуда қизиқдилар. Бўлинма комсомол ташкилотчиси гвардия старшинаси Супрунов ташаббуси блан бадий китобларни коллектив бўлиб ўқиш уюштирилди. Жангчилар ёзучи Фадеевнинг «Ёш гвардия» романини, совет замонининг талантли шоири Владимир Маяковский асарларини зўр қизиқиш блан ўқимоқдалар. Ўқиш пайтида камида 20 – 30 аскар иштирок қилди.

Сержант А.Ботиров

Адабиёт саҳифаси

АКСИ САДО

*Хотирдан чиқмайди
У қонли лаҳза.
Кўлимда Ўролнинг
Оғир қуроли.
Орқамда Ватаннинг
Пўлат Ўроли.
Белимда Бухорий
Дудама қилич.
Кўп улуг жанг бўлди
Фавго,
Тиқилич...
Бизга байрам эди,
Шаддодга аза.
Юракда қасоснинг
Эзгу олови,
Бош узра ҳилпиллар
Зафар ялови.
Кутқазиб борардим
Тутқин юртларни.
Аямай янчардим
Мурдор қуртларни.
У кун баҳор эди
Чўлда ҳам дилда.
Кун ботар томонга
Юради қўшин.
Ватан тупроғини
Пок қилмоқ учун
Сардорнинг буйруғи
Аскарга далда.*

* * *

Йўлимда дуч келди
Қадим бир шаҳар
Биринчи мен кирдим
У тутқун ерга,
Ваҳима кўтарган
Душман дарбадар –
Ё қочган ва ёки
Киргандир гўрга.
Ҳаммаёқ жимжитди,
Чор атроф хомуш,
Гўёки бу ерни
Замон унутмиши!..
Паришон кўчалар,
Хароб уйлардан
Қўнарди ҳар ёққа
Бир кимсалик,
Тақдир қилган эди
Шунча хасислик –
Қадим ариқларда
Сувлар ҳам битган.
Бу мудҳиш манзара
Титратди мени,
Баралла қичқирдим:
«Ҳой, ким бор, қани?!»
Саволим таралиб
Харобаларда,
Турғун ҳаво ичра
Кўп узоқлашди.
Йиқиқ деворларга
Бирпас туташди.
Бўшашиб кўмилди
Саробаларда.
Узоқдан бир жавоб...
Ғариб... бемаъни –

*Етти қулогимга:
«Ҳой, ким бор, қани?!»
Оҳ, бу инсон эмас,
Ўлик бир нидо,
Вайрона қайтарган
Бир акси садо...
Бу жавобсизликдан
Озурда, маъюс,
Ўтирдим тош узра
Тортиб кўп афсус!
Йўқ, эй юрт, сен шунда
Қолмайсан сра,
Сен энди эмассан
Тутқин, асира.
Озод уфқларда
Ярашар чаман,
Сени яшнатаман –
Қасам ичаман.
Кўп ўтмай қайтурман
Айтиб шўх ўлан,
Қўлимда бир болға
Бир болта блан.
Кўчангда кўп ишчан
Одамлар қайнар,
У маҳал «ким бор?» деб
Чиққан наърани
Босқуси заводнинг қувноқ сурони!..*

Шайхзода

ХУШ КЕЛДИНГ, ЎҒЛИМ

*Дил гулианида тарихий мавсум,
Гуллар лабида битмас табассум,
Мақсадга етдим, мен она маъсум,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Икки кўзимни оқу қароси,
Белим мадори, дардим давоси,
Шул эрди дойим дил муддаоси,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Қилдим жудолик ўтига тоқат,
Тўрт йил ўтиб бу на яхши соат,
Кўрдим юзингни ўғлим саломат,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Қалбингга солдим мардлик ўтимдан,
Қувват топардинг ҳар бир ютимдан,
Мен рози бўлдим берган сутимдан,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Бу кексаликда беҳад қувондим,
Оппоқ сочимни ювдим, тарадим,
Мен шойи кийдим, мангу ясандим,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Бахт келтирибсан авлодларингга,
Раҳмат отангга, аждодларингга,
Мен садқа қадди озодларингга,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Совга келтирдинг менга жувонлик,
Топди отанг ҳам ёш новқиронлик,
Қилдинг ватанга сен жонажонлик,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Ғолиб йигит деб сўзлар бу дунё,
Номинг жаҳонда ўчмайди асло,
Достонинг ўпгай келгуси Зухро,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Фаҳрим учун сен ҳақли гувоҳим,*

*Бахтим қуёши, пушти-паноҳим,
Соғу саломат етгузди доҳим,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Қай кун газабнинг кийдинг либосин,
Душмандан олдинг авлод қасосин,
Ёздим изингга жаннат палосин,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Кам бўлма асло, эй шери золиб,
Бағримга келдинг орденлар олиб,
Ой ҳам юзингдан ўпмоққа толиб,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.
Йўлингга сув деб сепдим атирлар,
Олтин лаганда ёғли патирлар,
Чустий дилимдан ёзмиш сатрлар,
Шод ўлди кўнглим, хуш келдинг, ўғлим.*

Чустий

ЗАМИРА

*Қўли енгил, сочи қундузни,
Колхоздаги Зухро-юлдузни,
Ким билмайди пахтакор қизни?
Удир Замира!*

*Оппоқ туман ётади тоғда,
Фақат уйғонибди шаббода,
Қушлар учмас ҳали ҳавода,
Турур Замира!*

*Юлдузлардан аримай фалак
Олтин сочин айлаб чамбарак
Бригадага беради дарак,
Бедор Замира!*

*Пахтасига бўлади шайдо,
Ғўзалари очилур ағло,
Меҳрин бериб, айлар жон фидо,
Хумор Замира!*

*Юртга кетган қизнинг шухрати,
Зойи кетмас жафо, кулфати,
Бўлди галабанинг улфати,
Бозбон Замира!
Ғўза – гўдак, у – гўё она,
Кезиб юриб бўлур парвона,
Қизни қувонтирар ҳар шона,
Шодон Замира!
Эй ўлканинг хур қаламқоши,
Пахтазорда кенжа, ишбоши,
Оқ олтиннинг сенсан йўлдоши,
Ҳорма, Замира!
Юз центнер оламан дебсан,
Юртга доврўғ соламан дебсан,
Кремлга бораман дебсан,
Толма, Замира!
Тоғ-тоғ бўлсин кузак хирмонинг,
Ҳеч қолмасин орзу-армонинг,
Узун бўлсин пахта карвонинг,
Сарбон Замира!
Пахтакорнинг номус-ори бор,
Миллион тонна! – Юрт қарори бор.
Юракларга қўнмасин губор,
Тўлгон, Замира.*

Ёнғин Мирза

Газетанинг шу сонида таниқли адабиётшунос Ҳомил Ёкубовнинг «**Навоий романи тўғрисида**» номли мақоласи берилган. Ундан айрим парчаларни келтиришни лозим билдик. Чунки буюк Навоий ҳақидаги романнинг юзага келиши ҳарбий хизматдаги ўзбек жангчиларига жуда катта руҳий малҳам бўлиб хизмат қилиши табиий эди.

«Ҳозирги замон ўзбек адабиётидаги бадий сўз усталаридан бири академик-ёзучи Ойбекдир. Ўзбекистон 20 йиллиги муносабати блан СССР ҳукуматининг юксак мукофоти – «Ленин» ордени олишга сазовар бўлган бу ёзувчининг асарлари кенг Ойбек китобхоналарига маълум.

Ойбекнинг кейинги ажойиб романи – «Навоий». Ойбек бу романда ўз олдига мураккаб бир вазифа – буюк ўзбек шоири Алишер Навоий образини яратиш вазифасини кўйди. Романнинг босилиши ўзбек адабиётида ғоят катта бир воқиа бўлди ва Совет Иттифоқи халқлари адабиётига қимматли хазина бўлиб кирди. Бу ерда, ҳаммадан бурун, романнинг тарихий-биографик характерини қайд қилиб ўтишга тўғри келади. «Навоий» романида Ойбек яратган образлар тарихий муҳит блан нафас оладилар, уларни яшаган даврларидан узиб олиш мумкин эмас, улар қон ва жонлари блан XV асрга – Темурийлар салтанатининг емирилиши асрига қаттиқ боғлангандир. Бу ҳол фақат образлар блангина эмас, балки воқиаларнинг бориш ва ўрни блан ҳам белгиланади. Бу эса Ойбек романини чинакам бадиий-тарихий биографик романга айлантирган.

Бу ҳаммадан аввал Навоий образида кўзга ташланиб туради. Унинг дунёга қараши ва гуманизми, кураш ва интилиши, шахсий ҳаёт ва хулқ-атвори даврнинг асосий чизиқларини, XV асрдаги прогрессив ғоянинг халқ интилиши блан боғланганини ва майдонга келганини кўрсатади.

Ватанпарварлик, юрт ва халқ иши учун куйиниш Навоийнинг улуғ шахсиятида, айниқса, бўрттирилади. У ўз даври, ўз мамлакати ва ўз халқининг специфик хислатларини ўзига сингдирган буюк гуманист бўлиб гавдаланади. У она тупроғининг саодати ҳақида ўйлайди, юртни хонавайронликдан асрашга тиришади, меҳнат аҳлининг аҳволини яхшилашга интилади. Шаҳарларнинг ободонлиги учун жонқуярлик кўрсатади, мадраса, касалхоналар қурдиради, ариқлар қаздиради, илм ва санъат аҳилларига ҳомийлик қилади. У халқ оммасининг талабларини қондириш учун Султон Хусайн Бойқаро блан талашади, мазлумларни мудофаа қилади, сарой фитналари ва низоларини бостиришга ҳаракат қилади, мамлакатнинг бутунлигини сақлаш мақсадида дўстлик ва муҳаббатни тарғиб қилади: «Ҳар нечук фалокатни даф қилмоққа ғайрат қилмоқ керак... муборак ватаннинг, эл-улуснинг саломатлиги учун фидокорлик кўрсатмоқ вазифамиздир».

Бироқ Навоий гуманизми ўтмишдаги ҳар қандай гуманизм сингари тўла амалга ошмайдиган утопик тусда эди. Навоий гуманизми ҳоким гуруҳлар блан халқнинг бирлигига асосланган эди. У мулкий

тенгсизликни инкор этмай туриб халқнинг оғир аҳволига қайғирди, мамлакатдаги адолатсиз идора усулига қарши чикди. У аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги зиддиятни кўриш у ёқда турсин, уни юмшатишга, ҳамма қатламларини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Навоий мавжуд тартибларни қайта тузишни озу қилмади ва орзу қилиши мумкин ҳам эмас эди. Шу маънода унинг гуманизми пассив ва қарама-қарши эди.

Навоий романида халқнинг маишати, хулқ-атвори, одатлари, шахсларнинг характерлари, қизгин шарқ бозорлари, дабдабали саройлар, дехқонларнинг аянч аҳволи, шарқ феодализмига хос зулм формалари, қонли жанглар, халқ исёни, шоирларнинг мажлислари, ҳарамлар, қалъалар, зиндонлар, сарой фитналари – ҳаммаси ёрқин равишда миллий рангда берилади.

Ойбек «Навоий» романи блан ўзбек адабиёти тарихига ёрқин саҳифалар битди. У ўзбек прозасини кенг йўлга олиб чикди ва уни Совет Иттифоқидаги илғор халқларнинг ҳозирги замон прозаси савияси даражасига кўтарди. У ўзбек адабий тилини халқ сўзлашув тили асосида юксалтириб, уни янги элементлар блан бойитди.

У ўзбек адабиётининг ютуқларини яқунлаштириб, уни баъзи рус (Тургенев, Горький) ва Ғарбий Ёвропо (Флобер, Бальзак) романчиларининг айрим тажрибалари блан бойитди. У прозадаги улуғ санъаткорларнинг адабий традицияларини ўзбек адабиёти традицияларига сингдиришга уринди. У бу имтиҳондан дуруст ўтди.

Академик ёзучи Ойбекнинг ўз самарали ижодий ишида яна янги-янги ютуқларга эришишини тилаймиз.

Унинг халқларнинг Улуғ Ватан уруши эпопеясига бир боб бўлиб кирадиган янги романи «Қуёш қораймас»ни маза қилиб ўқишни орзу қиламиз.

Ҳомил Ёқубов

ФРОНТЧИ ЁЗУЧИ БЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида пойтахт ёзучиларининг Қизил Армия қаторидан қайтиб келган ёзучи капитан Мумтоз Муҳамедов блан учрашувлари бўлиб ўтди.

Орденли капитан Муҳамедов бу учрашувда Улуғ Ватан уруши фронтларининг хотираларидан сўзлаб берди.

Унинг, айниқса, Ватан уруши майдонларида қахрамонларча курашган ўзбек баҳодирларидан – шаҳрихонлик майор Дониёр Абдурахмонов, андижонлик старший сержант мохир разведкачи Аҳмедов, душманнинг 15 тўпини яксон этган довьорак тўпчи Маъди Султонов ҳақидаги ҳикояларини ёзучилар зўр қизиқиш блан тингладилар. Учрашувда Шайхзода, Ж.Шарипов, Сайдахмад ва бошқа ўртоқлар сўзладилар.

КОЛХОЗЛАРДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ

Катта Мўғул қишлоғи Учқўрғон районида кўп хушманзара табиатга эга. Қишлоқ ёз бўйи ям-яшил серсоя дарахтларга кўмилиб туради. Энди тинч давр бошланиб, колхозчиларда қишлоқни обод қилиш ҳаваси туғилди. Кўп ажойиб уй-жойлар қурилиши бошланди. Масалан, Калинин номли колхоз 10 та уй-жой қурмоқда. Энг биринчи уй Ватан уруши инвалиди Ҳайитали Мадмусаевга берилди. Фронтчиларнинг оилаларидан Манзура Раҳмонова, Хайриниса Турсуновалар ҳам янги уй эгаси бўладилар.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН МОЛЛАР



Энг яхши теримчи
Мунаввар Эшонхўжаева
М.Ненсон сурати

Ўзбекистон далаларида саноат моллари блан савдо-сотик авж олди. Пахтакорларга хизматни яхшилаш мақсадида матлубот кооперацияси томонидан 850 та кўчма дўкон, 300 тача қизил чойхона очилди. Чой, гугурт, совун, туз каби энг зарур нарсалар далаларда сотилмоқда. Экин ишлари бошлангандан бери матлубот кооперацияси колхозчиларга 124 минг тонна озиқ-овқат моллари сотган. Тракторчиларга эса 3 миллион 625 минг сўмлик газлама, этик ва бошқа саноат моллари сотилган.

ТЎПЧИ МЕРГАНЛАР

Тўп батареямизда винтовка ва карабинлардан 100 метрга отиш машқи бўлди. Машқ уч кун давом этди. Ҳар бир жангчига учтадан ўқ берилди.

Отиш машқларида гвардия сержанти Отабой Оллобердиев, қизил аскар Асқар Исмоилов ва Иброҳимовлар яхши натижаларга эришдилар. Уларнинг ҳар бири ҳар учала ўқни ҳам мўлжалга тегиздилар. Бу уч мерганга батарея командири гвардия старший лейтенанти Шафаренко ташаккур эълон қилди.

Гвардия сержанти Ўлмас Жўраев

БЎЛИНМАГА ЯНГИ ГАЗЕТАЛАР КЕЛДИ

Бўлинмамизда ўн бешга яқин ўрта осийли ва татар жангчилари бор. Биз ўз номимизга ўзбек, татар ва қозоқ тилларида газеталар олиб турамиз. Бундан ташқари, «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда востока» газеталари ҳам келиб туради. Бу газеталар бизларнинг сиёсий онгимизни юқори кўтаришда катта ёрдам бермоқда. Ўз она тилимизда шеър ва хикоялар ўқиб ҳордиқ чиқарамиз, ўз республикаларимиздаги янгиликлар, қурилишлар тўғрисида хабардор бўлиб турамиз.

Қизил аскар Турсун Сафаров

ҲАРБИЙ УСТАВЛАР БИЗ УЧУН ҚОНУН

Мен кўп жанглarda иштирок этдим. Шу жанглар пайтида мен ҳеч қачон Ваган олдида, кудратли совет халқи олдида ичган муқаддас онтимни унутмадим ва ҳар қандай вазият юз берганида ҳам командирга итоат қилиб, унинг буйруқларини сўзсиз бажардим.

Қизил аскар уставларида бизнинг ҳаётимиз, хатти-ҳаракатимиз қандай бўлишлиги қонун сифатида қайд қилингандир. Мана шу уставларга аниқ амал қилмай туриб тартибни яхшилаш ёки интизомни



Гвардия старшинаси
Мухтор Исроилов

мустаҳкамлаш мумкин эмас. Мен бунга фронтда – қўмондонликнинг жанговар топшириқларини бажариш вақтларида ва ҳозир эса жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштириш пайтида яхши тушундим.

Ҳар сафар машғулотга бора туриб фронтда бўлган вақтдаги воқиаларни хотирлайсан киши. Мен босиб ўтган шонли йўлни – жангларда қандай ҳаракат қилганимизни эслай туриб ёш аскарларни ҳарбий уставларни сўзсиз ва аниқ бажаришга содиқ қилиб тарбияламоқдаман.

Младший сержант В.Мингбоев

ҲАЁТИМДАГИ ЭНГ ТАНТАНАЛИ КУН

Менинг Ишчи-Дехкон Қизил Армияси сафига чакирилганимга кўп бўлгани йўқ. Шунинг учун мен ўзим сингари бир неча солдатлар қаторида яқиндагина Ватан олдида қасамёд қилдим.

Онт ичиш маросими жуда тантанали вазиятда ўтди. Мен ўз ҳаётимдаги энг тарихий воқиалардан бири бу кунни асло унутмайман. Чунки мен ўша кун совет халқи ишониб топширган қуролни қўлда маҳкам ушлаб ўз Ватанимга, совет ҳукуматига сўнгги нафасимгача содиқ бўлишга сўз бердим.

Биз ҳозир машғулот майдонида таълим олмақдамиз. Ҳарбий техникани пухта эгаллаш, ўзимизнинг жанговар тайёргарлигимизни мукамаллаштиришда Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари бўлган жангчи ва сержантлар бизга катта ёрдам бермоқдалар.

Қизил аскар Ф.Саъдуллаев

ОТИШ САНЪАТИНИНГ УСТАЛАРИ

Танк-мишенларга қараб отиш синовиде артиллериячиларимиз ажойиб усталик кўрсатдилар.

Мишенлар соатига 15 километр тезлик блан ва фронт бўйлаб ҳаракат қилишига қарамай, наводчи Мачарашвили, Трунов, Шикалик,

Қаландаров, Голубченко, Пелих ва Казакларнинг отган снарядлари мўлжалга тегди.

Бир мишенга қараб қизил аскар Мачарашвили ўт очди, биринчи, иккинчи ва учинчи снарядлар «танк»нинг ён томонига тегди, тўртинчи снаряд эса башняга тегиб мишеннинг тити-питисини чиқариб юборди.

Гвардия младший сержанти Трунов рўпарадан отишда ажойиб санъат кўрсатди. Унинг тўрт снаряди ҳам мишенга ғуж бўлиб тегди.

Гвардия сержанти М.Ашуров

БАТАРЕЯНИНГ ИЛҒОР РАСЧЁТИ

Восилов бошчилик қилаётган расчёт тўпчилари ҳарбий таълимот машғулотларида энг биринчи ўринда туради. Батареяда бўлиб ўтган текширишда Восилов расчёти тўрт юз метр масофадаги нишон – ясама танкни урди. Шундан икки кун кейин яна тўрт снаряд отишга рухсат берилди. Бу сафар ҳам расчёт 4 снаряддан 3 тасини нишонга тўғри тегизди.

Яхши мўлжал олгани учун наводчи Яхидага ва расчётни яхши ўргатиб етиштирган Восиловга батальон командири ташаккур билдирди.

Қизил аскар Дони Норбеков

ПОЛК КОМАНДИРИНИНГ ТАШАККУРИ

Яқинда бўлинмамизда тўплардан отиш юзасидан синов ўтказилди. Синовда гвардия қизил аскари Горбовцевга полк командири ташаккур билдирди. Жанговар таълим ва сиёсий тайёргарлик аълочилиги Иван Горбовцевга «ефрейтор» унвони берилди.

Гвардия қизил аскари Қ.Шомуродов

УЧУЧИ АБДУСАТТОР ЭШОНҚУЛОВ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ

Ўзбек халқининг асл фарзанди, сталинчи лочин Абдусаттор Эшонқулов Улуғ Ватан уруши кунларида Иккинчи Белоруссия frontiда

немис-фашист босқинчиларига қарши мардона курашган эди. Совет ҳукумати унинг бу жасоратини юқори даражада баҳолаб, штурмчи старший лейтенант Абдусаттор Эшонқуловга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони унвонини берди.

ЁШ КОММУНИСТЛАР БЛАН ИШЛАШ

Маълумки, Гитлер Германиясига қарши Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан сўнг бўлинмаларда партия ташкилотлари ишларини ҳар тарафлама кучайтириш ва мустаҳкамлаш, партия сафини тобора ўстириш, коммунистларни сиёсий жиҳатдан чиниқтириш учун тинч шаройитнинг барча имкониятлари мавжуд бўлди.

Мен ўзим партия ташкилотчи бўлган бўлинмада сўнгги вақтларда тинч даврнинг шу мавжуд имкониятларидан фойдаланиб, партия ишларини худди ана шу асосда олиб бормоқдаман.

Яқин кунларгача бўлинмамизда коммунистлар унчалик кўп эмас эди. Биз май ойидан буён бўлинмамиздаги энг яхши солдатлардан – немис-фашист босқинчиларига қарши курашнинг қаҳрамонлари ҳамда жанговар ва сиёсий тайёрлик аълочилардан 13 кишини партия сафига янгидан қабул қилдик. 21 кандидатни эса ҳақиқий аъзоликка қабул қилдик.

Биз ўз ташкилотимизда партия қаторини ўстириш блан бирга, коммунистларнинг ғоявий жиҳатдан пухта қуролланишларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бу масалада, бўлиб турадиган тўғарак машғулотлари, алоҳида доклад ва деклорациялардан ташқари ҳар бир коммунистнинг ўз устида қунт блан ишлаши айниқса катта аҳамиятга эгадир.

Бу соҳада ёш коммунистлар ўртасида хилма-хил шаклларда иш олиб бораётирмиз. Бу усулларнинг ҳаммаси ҳам ҳар бир коммунистнинг ғоявий ўсишига катта ёрдам бермоқда.

Бир куни мен, партия сафига киришни истаб ариза берган жангчи Злобин, Тоштемиров ва Кузьменколарни ўз ҳузуримга чакириб суҳбатлашдим ва ҳар бирига партия уставини такрор ўқиб, шу уставга доир, ўзларини кизиқтирадиган саволлар ёзиб, бир неча кундан кейин яна менинг олдимга келишларини айтдим. Орадан бир ҳафта

ўтгач, мен уларни ҳар учаласини чақириб, ёзиб келган саволларини ўртага ташлашни ва ким истаса жавоб қайтариши мумкинлигини айтдим. Шундан кейин улар ёзиб келган саволларини бир-бирларига бера бошладилар ва уни зўр қизиқиш блан музокара қилдилар. Мен эса уларнинг ўзаро музокараларини тинглаб, баъзи қийинроқ масалаларни ечишга ёрдамлашиб турдим. Шундан кейин улар партия мажлисига анча тайёрланган ҳолда келдилар.

Япония устидан қозонилган ғалаба муносабати блан ўртоқ Сталиннинг совет халқига қарата қилган мурожаатини коммунистлар ўртасида алоҳида ўрганиб чиқилди. Шу муносабат блан бўладиган такрор йиғилиш олдидан мен ёш коммунистлардан Алексеев, Субботин ва Кругловларни чақириб, ўртоқ Сталиннинг совет халқига қарата қилган аввалги ва сўнги мурожаатининг аҳамияти тўғрисида сўзлашга ҳозирланиб келишларини топширдим. Бир неча кундан кейин ёш коммунистлар йиғилишида бу йигитларга сўз бердим. Менинг ёш коммунистлар блан бу шаклда бўлган суҳбатим бу тарихий ҳужжатларни анча пухта ўзлаштиришга ёрдам берди.

Бундан ташқари, биз коммунистларни, айниқса партияга янги кирганларни, актив қилиб тарбиялаш масаласига зўр диққат қилдик. Чунки, баъзи коммунистлар ҳамма вақт партия мажлисларида ҳеч бир сўзга чиқмай, бир бурчакда ўтирабердилар. Масалан ёш коммунистлардан Миронов ва Алжиевлар шундайлардан эди. Улар мажлисларда ва суҳбатларда ҳеч гапирмас эдилар. Бир кун мен уларнинг ҳар иккисини чақириб, яқинда бўлажак мажлисда Миронов ҳуёрликни ошириш, Алжиев эса интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида чиқиб сўзлашлари кераклигини уқдирдим. Улар олдин бир оз тортинди. Лекин мен бунга йўл қўймай, уларнинг тайёрлик кўришларини текшириб бордим ва ёрдамлашдим. Натижа яхши бўлиб чиқди. Ҳозир эса улар партия мажлисларида жуда актив бўлиб қолдилар.

Бўлинма парторги гвардия лейтенанти Аён Алиев.

РАЗВЕДКАЧИЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИ

Бўлинмамиз разведкачилари ўз ишларини кунт блан ўрганмоқдалар, Ватан уруши тажрибаларини эгалламоқдалар. Ёш жангчиларга жанг кўрган билимдон жангчилар, разведка усталари ёрдам бермоқдалар. Улар ўз ўртоқлари блан суҳбатлашадилар, уларга ўзларининг пистирмада турганликлари, қандай қилиб кузатганликлари тўғрисида, «тил» тутиш вақтида қандай ҳаракат қилиш кераклиги, қандай қилиб разведкачилар учун зарур бўлган жанговар хусусиятлар: жасурлик, ихчамлик, зийраклик, ҳар нарсани тезда пайқаб олишга ўрганиш тўғрисида сўзлаб берадилар.

Уч жанговар орден кавалери старшина Леткин яқинда жангчилар блан «Пистирма» темасида машғулот ўтказди. У ўз суҳбатида муваффақият усталик блан никобланиш, разведкачиларнинг мохирлиги, ташаббускорлиги ва кескин ҳаракат қилишга, душман устига кўкқисдан ташланиш учун жой танлашга боғлиқ экани тўғрисида алоҳида айтиб ўтди.

– Сталинградни мудофаа қилиш вақтида биз кўп вақтгача «тил» олиб келолмай юрдик, – деб ҳикоя қилади жанг кўрган разведкачи, – кейин биз пистирма қуришга қарор қилдик.

Қоронғи тушиши блан немисларнинг энг яқин орқа томонига ўтдик. Уларнинг телефон симларини уздик ва шу ерда писиниб олиб немис телефончиларининг келишини кутдик. Пистирмада биз беш киши эдик. Тез орада оёқ товушлари эшитилди. Телефон симларини улаш учун икки немис солдати келар эди. Кўкқисдан ва ҳар томондан немисларга ташландик ва унинг икковини ҳам штабга олиб келдик.

Ёш разведкачилар блан старший сержант Замаев ҳам қизикарли суҳбат ўтказди. Бир вақт у разведкачи группамиз составида душманнинг орқа томонида ўн бир кун тинимсиз ҳаракат қилган. Замаев бу чуқур разведка тўғрисида сўзлаб, бундай шаройитларда разведкачилар ўз ҳолларига якка-якка ҳаракат қилишлари кераклигини уқтириб ўтди.

Жанг кўрган разведкачиларнинг суҳбатлари системали равишда бўлиб туради. У командирлар томонидан ўқиш планига мувофиқ ўтказиладиган дарсларни тўлдирадилар.

Гвардия младший лейтенанти Н.Шоҳимов

ФАРҲОД ГЭС ҚУРИЛИШИДА

Бекобод

Фарҳод ГЭС тўғонлари оралиқларини ёпиш бўйича кеча-кундуз қизгин иш бормоқда. Бетон ва металл қадди кенг Сирдарёни Фарҳод тоғи ёнида бўғиб олди. Яқинда тўғонлар оралиғининг яна икки ерида дарбозалар ёпилади ва 200 метр кенгликда бўлган сув оқимининг ўтиши учун фақат 9 метр оралиқ қолди. Ҳозир тўртинчи оралиқ ҳам бетонланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИ

Тошкент

Республикамизда бу йил бир қанча ирригация иншоатлари қурилади. Ҳозир Фарғона областидаги Сўх дарёсида Сари Кўрғон гидроузелини қуриш авж олиб кетди.

Анджон, Тошкент областларида бошланган шундай қурилишларда ҳам жуда кўп колхозчилар ишламоқдалар. Келгуси йил кўкламида Ўзбекистон пахта майдониغا яна 190 минг гектар сер ҳосил ер қўшилади.

ГОЛИБЛАР БЛАН УЧРАШУВ

Қизил чойхона дохийларнинг портретлари, шиорлар, плакатлар блан безатилган. Электр нурлари тунни кундузгидек ёритиб турипти. Бу ерда ҳозиргина дийдор кўришган кишилар бир-бирлари блан ҳол-аҳвол сўрашадилар. Йиғинда жуда кўп киши бор. Чоллар, кампирлар, ўспиринлар тўпланган.

Октябрь район «Мустаҳкам» маҳалласининг қизил чойхонаси ёнида агитпункт ҳам жойлашган.

Бугун агитпункт жойлашган қизил чойхонада ўз эл-юртига қайтиб келган Ватан ҳимоячилари – Аҳмад Нишонов, Ўсар Сарқулов, Ҳикмат Шариповларнинг маҳалла меҳнаткашлари блан учрашуви бўлди. Бу кеча қувончли ўтди. Кечага қўшни маҳаллалардан ҳам бир неча киши келди. «Бирлик» маҳалла комитетининг раиси мўйсафид Амирхон ота Берлиндан келган ғолибларни кучоклаб ўпти ва уларни тинч меҳнатга янги куч, янги ғайрат блан ишлашга чақирди. У баҳодир жангчиларга қарата бундай дейди:

– Сизлар севикли Ватанимиз учун, болаларимизнинг келажак бахт-саодати учун курашдингиз, пировардида ҳаққоний ишимиз ғалаба қилди. Сизлар она сутини оқлаб, ўз юртингизга ғолиб бўлиб қайтдингиз.

Ўртоқ Аҳмад Нишоновнинг 6 боласи бор, у армиядан қайтиб келганда оиласидагиларнинг қийналмаганини, улар давлатдан ҳар доим ёрдам олиб турганликларини кўриб ғоят шодланди.

Кечада қатнашганлар, фронтда кўрсатган жанговар хизматлари учун ҳукуматнинг олий мукофотига сазовор бўлган собиқ ишчи ўртоқ Ўсар Сарқуловни қизгин табрикларилар ва унинг сўзларини ҳаяжон блан тингладилар. У ўзбек йигитларини Ватан уруши фронтларида кўрсатган қахрамонликлари тўғрисида сўзлади. Ўртоқ Ўсаровнинг ўзи ҳам кўплар қаторида Қизил Армия сафида кўп билдим, тажриба тўплади.


«Мустаҳкам» маҳалласида Ватан ҳимоячиларини кутиб олишга бағишланган тантанали кеча ана шундай завқли ўтди.

П.Назаров, Тошкент

1945 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРЬ. №59 (344)

ЎЗБЕКИСТОН ОСОРИ АТИҚА ЁДГОРЛИКЛАРИНИ СУРАТГА ОЛИШ

Ленинград «Лентелефильм» студиясининг махсус экспедицияси осори атиқа ёдгорликларини кинога ола бошлади. Бу овозли бадийий фильм бўлади. Экспедиция Хива, Термиз, Шаҳрисабз,



Молотов номли Горький автомобил заводининг тўртинчи беш йилликда ишлаб чиқариш учун тасдиқ қилинган янги автомашиналари. Суратда: «ГАЗ-51» юк машинаси ва «Зафар» енгил машинаси.

Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги бутун дунё аҳамиятига эга ёдгорликларни суратга олиб бўлди. Темурнинг Шаҳрисабздаги саройи, XVI асрда Қаршида солинган кўприк суратга олинди. Бухородаги Мирараб мадрасаси, Исмоил Сомонийнинг мақбараси ва бошқалар суратга олинмоқда. Экспедициянинг иши Қўқондаги ёдгорликларни суратга олиш блан тамом бўлади. Суратга олишга олимлар ва хизмат кўрсатган санъат ходимлари раҳбарлик қилмоқда. Фильмда ўзбек шоирларининг шеърлари ва халқ кўшиқларидан фойдаланилади.

АЪЛОЧИЛАР РАСЧЁТИ

– Улуғ Ватан уруши тамом бўлди, тинч ҳарбий таълим олиш даври бошланди, – деди ўз жангчиларини атрофига тўплаб тўп расчётининг командири гвардия сежанти Сулаймон Юсупов. – Биз фақат урушнинг сўнгги кунларида душманнинг 4 танкини яқсон

қилдик. Ҳарбий таълим ҳамда жанговар ва сиёсий тайёрликда ҳам расчётимиз батареямизда олдингилар қаторида бўлиши керак. Расчёт жангчилари «Шухрат» орденли Юсуповнинг бу сўзларини ерда қолдирмадилар. Уларнинг ҳар бири ҳарбий интизомни сақлашда, юриш-туришда намуна кўрсатмоқдалар. Ҳарбий уставни ўрганиш юзасидан расчётнинг ҳамма жангчилари аъло боҳо олдилар. Ездовой Абулхайров отларга яхши қарагани учун қимматбоҳо совға блан мукофотланди. Яқинда бўлиб ўтган кўрикда Юсуповнинг расчёти «жангга ҳозирлан, жангдан тўхта!» командасини 2 минут ичида бажариб батерияда биринчиликни олди.

Шундан кейин бўлиб ўтган жанговар отиш машғулотида Юсупов расчёти уч снаряд отиб, учаласини ҳам ҳаракат қилучи нишонга тегизиб қисмда биринчи ўринни олди. Қисм командири, ўртоқ Юсуповга унинг бутун жангчиларига ташаккур эълон қилди.

Гвардия ефрейтори Султон Қосимов

МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Эрталаб Сайдали сочиқни елкасига ташлаб анҳор бўйида солдатча махоркасини тутатиб ўлтирар ва кечаги кизни ўйлар эди. Пахса деворнинг нарсасидан хотин кишининг боши кўринди. У доқа рўмол блан юзини пана қилиб кимнидир чақирди.

– Қитобхону, акангиз уйдадилар?

Сайдали ўрнидан турди.

– Ҳа, хола, нима гап?

– Айланай, Сайдалихон, синглингиз Назокатхоннинг тоби қочиб қолди. Доктор блан тиллашиб беринг, барака топкур.

Сайдали шошиб-пишиб юзини ювди, уйга кириб артинди. Ойнакка қараб соч тараб югириб чиқиб кетди. Ойша хола ҳовлида самовар қўяётган экан. Айвондаги қароватда бемор ётибди. Касал тепасида оқ партук кийган бир аёл турибти. Доктор касал блан банд бўлгани учун Сайдали унинг башарасини дарров кўролмади.

– Нима гап, хола? Назокатхонга нима бўлди?

– Синглингиз кечаси блан мени қўрқитиб алаҳлаб чиқти.

Эркак кишининг овозини эшитиб доктор ўгирилиб қаради. Назокат бошини кўтариб Сайдалига ҳасратли термулди. Сайдалининг юраги дукуллаб уриб кетди. Бейхтиёр айвонга томон бир-икки қадам босди.

– Барака топгур, тиллашиб беринг, – деди яна Ойша хола.

Доктор қиз Сайдалига Назокатнинг касали ҳақида яхшилаб гапирди ва дори ёзилган қоғозни берди. Сайдали блан унинг кўзлари тез-тез бир-бирига тўкнашиб олмоқда эди.

– Хола, ортиқча ташвиш тортманг, касали енгил эмиш, офтоб урган дейди. Дори ёзиб берди. Мана, аптекадан оласиз.

– Қизи тушкур ўртоқларимдан кейинда қоламан деб куннинг тиғида қора терга ботиб кетмон чопти.

Доктор қиз Сайдалининг рус тилида шунчалик яхши гапирганига ҳайрон қолди. Ойша хола супага жой солиб чой дамлади. Назокатхон ҳорғин кўзларини Сайдалидан олмас, Сайдали эса докторнинг зангор кўзларидан кўзини узмас эди.

– Қурмагурингиз тугмачадеккина экан. Отини сўранг.

Сайдали қулди. Ойша холанинг бу гапи Сайдалининг айни муддаоси бўлгани учун гап орасида исмини сўради.

– Оти Лида экан.

– Ўзимизча Холида деяверамиз. Қизим тузалса, шу Холидахонга бош-оёқ сарпо қилиб бераман.

Ойша хола уларни йўлаккача кузатиб қўйди. Улар кўприкда тўхташди.

– Кечирасиз, сизнинг исмингиз Сайдали, шундайми? Қаранг қандай манзара.

Сайдали оқ жужун шим ва шойи сарочка кийиб ясаниб чиқди. Гузарда одам кўп. Сўриларда, супаларда қизил гиламлар порлайди, электир лампалари атрофида чивин ва парвоналар айланади. Куни блан одам йўқлигидан шикоятланган самоварчи Тошпўлат ваҳма чойнак-пиёла етказолмай гаранг.

Чойхўрлар кетма-кет чойнак қоққоғини уриб шиқиллатадилар.

– Тилинг кесилганми, тажанг, чойнак қоққоғини шиқиллатма, қулоғимни том босгани йўқ!

Тошпўлат воҳма югириб кета туриб Сайдали блан Холидага кўзи тушиб қолди.

– Эй қизим, кел, чой ич. Обба Сайдалиси тушмагур-эй, дарров илибсиз-да. Сиздан париштаси ҳам қутилмас экан. Жўраҳофизлар тарелкани чертиб ашуллани баланд кўтаришди.

*Бир ишва блан, жонон,
Девона қилиб кетдинг.
Ақлимни сочиб элга
Афсона қилиб кетдинг.*

Холида кўшиқ мақомига тебраниб қулоқ солди ва Сайдалига қараб:

– Бу қандай кўшиқ? – деб сўради. Сайдали оҳиста унга томон бурилди.

– Бу муҳаббат ҳақида кўшиқ. Бу ҳижрон азобида ўртанган ёр томонидан айтилган кўшиқ.

– Ҳижрон ҳақида, – деди Холида ва секин оҳ тортди.


...Июль ойининг ёқимли кечаси бошланди. Ой нури терак баргларида ялтирайди. Чигирткалар чириллайди. Анҳорнинг қирғоқларга ёйилиб оқаётган муздек суви ёқимли овоз чиқариб шовиллайди. Улар Яккачўп олдига келиб тўхташди.

– Хайр, – унинг елкасига қўлини ташлаб иликқина қилиб ўпиб олди-да, югуриб кўприкдан ўтиб қоронғида кўздан йўқолди. Сайдали ойга қаради. Ой кўм-кўк ҳовода сузар эди. Анҳор боягидек тўлиб оқмоқда. Сайдали Усмонов бўлган воқиаларни худди тушида кўргандек бўлди. Холида кетган томонга қараб қичқирди:

– Хайр, яна учрашамиз, мени кутгил!

Пахса деворлардан ошиб, боғма-боғ кўчиб юрган беқарор шаббода Холиданинг жавобини келтиргандек Сайдалининг атрофида айланар эди... Старший лейтенант Сайдали Усмонов азонлаб Ватан хизмати учун яна жўнаб кетди.

Сайдахмад



Бухоро йигириш фабрикасининг ёш стахановчиси Зухра Фуломова.
У ҳар ойда нормани 180 процент қилиб бажармоқда.

И.Юсупов фотоси

БУХОРО УСТАЛАРИ

Бухоронинг машҳур бинокор усталаридан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси 70 яшар уста Ширин Муродов ҳамда унинг ота ва бобоси томонидан солинган 20 га яқин уй-жой бор. Бу нақшдор, серҳашам уйлар сўнгги юз йил ичидаги ўзбек халқи санъатини ўрганиш учун ажойиб маълумотлар беради. Бу бинокорлик санъатини ўрганиш учун уста Ширин Муродов ва архитектор Раҳмон Абдурасулов раҳбарлигида тарихчи этнографлар, архитекторлар ва рассомлардан иборат махсус экспедиция Бухорода иш олиб бормоқда.



Гвардия сержанти
Қўчқор Рўзиқулов.
О.Игнатович сурати.

ХОРАЗМ КОЛХОЗЛАРИДА

Хоразм областининг колхозларида янги ҳаммомлар кўпаймоқда. Сўнги ойлар ичида областнинг Урганч, Гурлан, Хонқа районларида 40 дан ортиқ колхоз ҳаммомлари курилиб, ишга солиб юборилди. Ҳаммомлар ёнида дезинфекция хоналари бор.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Гвардия сержанти Доронин ПТР отделенияси деярли ёш жангчилардан иборат. Улар ичида Ватан уруши жанглирида Доронин билан бирликда иштирок қилган гвардиячи қизил аскар Мамажон Расулов бор. Бу икки жанговар дўст ҳозир ҳам бирликда ёш жангчиларга чинакам мохир ПТРчи бўлишни ўргатмоқдалар. Бу икки кўшин кўрган солдат назарий машғулот вақтида ёш жангчиларни ўзларининг бой тажрибалари билан таништирмоқдалар.

Ҳарбий машғулот бўлиб турган пайтда Расулов Дорониннинг назарий маълумотларга қўшимча қилиб ўзининг бошидан ўтган бир воқеани айтиб берди.

– Бир вақт, – деди Расулов, – биз хужумни давом эттириб вейс дарёсига бориб етдик ва дарё орқали солинган катта бир кўприкни ишғол қилдик.

– Сал ўтмай 4 та немис қирувчи самолёт пайдо бўлиб, устимизга пулемётларда ўт ёғдира бошлади. Биз самолётларга қарши ўт очдик. Лекин ўша вақтда биз жуда оз эдик, асосий қисмлар ҳали келиб етмаган эди. ПТРчилардан эса мен ўзим эдим. Шунга қарамай, мен кўприк тагига бекиниб олиб ПТРдан отишни давом эттирдим. Бирдан-бир немис самолёти пайдо бўлиб қолди. У кўприкка қараб шўнғиди. Мен фурсатни қўлдан бермай самолётга қараб ўқ уздим. Ўқ тўғри самолётнинг бензин бакига бориб тегди ва минутнинг ўзида самолёт алангага ўралиб ерга йиқилиб тушди.

Расуловнинг бу ҳикояси ёш жангчиларни жуда қизиқтирди уларда бронтешар милтиқни кунт билан пухта ўрганишга зўр ҳавас туғдирди.

Гвардия оддий аскарлари Исҳоқ Норқулов

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАМИЗ

Ротамизда ўзбек, туркман ва қозок жангчилари кўп уларнинг баъзилари рус тилини яхши билмас эдилар. Ўзбек аскар У.Субхоновнинг ташаббуси билан улар йиғилишиб рус тилини ўргана бошладилар.

Қизил аскар Мирзаев, Онахонов, Имоналиев, Шоназаровлар рус тилини ўрганишга қизиқиб киришдилар.

Қизил аскар М.Самандаров

ЯРАДОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Медицина хизмати майори Пензиер бошлиқ бўлган госпиталда маданий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилган. Госпитал кутубхонасида кишини қизиқтирган китоблар, журналлар ҳамда газеталар бор.

Ярадорлар ҳар куни янги газеталар ўқийдилар. Госпитал бошлигининг сиёсий ишлар бўйича ёрдамчиси халқаро масалалар юзасидан тез-тез лекциялар қилиб туради.

Гвардия қизил аскари Мардонов

БИРИНЧИ ИМТИҲОН

Қизил аскар Жўракул Тўраев қисмимизга яқиндагина келди. У уруш кўрмаган ёш жангчилардан биридир. Тўраев бутун совет қуролини зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Бироқ унинг гранатани ўрганишга ҳеч қизиқмаганлиги отделения командиримиз старший сержант Гавриловга сезилиб қолди. Шундан сўнг унинг ўзи Тўраевга гранатанинг материал қисмларини ўргата бошлади. У дарс орасида жангларида граната қандай ўрин тутганлигини, атака вақтида аҳоли пунктларида гранатани ўзининг жанговар тажрибалари билан тасвирлаб унга гапириб берди. Гранатани яхши билган жангчининг қўлида у даҳшатли бир қурол эканлигини англади.

Шундан кегин Тўраев гранатани ҳам қизиқиб ўргана бошлади. Сал ўтмай Тўраев гранатанинг материал қисмини ва унинг жанговар хусусиятини пухта билиб олди. Бир куни далага жанговар машғулотга чиқдик. Бир соатча граната ирғитишни машқ қилгандан

кейин жанговар (чинакам) гранаталар ташлашга команда берилди. Бу машқда ўртоқ Тўраев биринчи имтиҳондан ўтди. Жанговар гранатани 30 метр масофага ташлаб нишонни яксон қилди ва аъло баҳо олди.

Сержант Қилич Пардаев

ЗЕБИ

*Улуғ жангдан қайтдим шон топиб,
Қутиб олди жонажон қишлоқ.
Қариндошлар зиёратимга
Келишдилар. Уй тўлди шу чоқ.
Қўшни қизи Зеби ҳам чиқди,
Жувон тушкур гулдай очилган.
Қора сочи елкаси бўйлаб
Тарам-тарам бўлиб сочилган...
Қўлларида дўндик ўғилча,
Фарзандига боқарди қиё.
Ухлаб ётган ўғлонга кунча
Кўзларидан тўкарди зиё.
Лабларида нозик табассум,
Кўзларида шарм бор бир оз.
Сўрамади ёрини мендан,
Мени қилди бир жоҳон эъзоз.
Эҳтимол, у энтикар, тошар,
Зўрға-зўрға тутар ўзини.
Унинг ёри ҳақида кимдир
Гапирса, ёш босар кўзини.
Йўқ,
Бўлмади мен ўйлагандек!
Қойил қолдим қиз бардошига.
Ҳижронларни енгмиши! Ва лекин
Ҳаёт қайғу тушмиши бошига.
Лабларида нозик табассум,
Кўзларида шарм бор бир оз.*

Сўрамади ёрини мендан,
Лекин мени айларди эъзоз.
Тўзри, бизлар кетганда жангга
Кетган эди унинг ёри ҳам.
Ўшанда ҳам Зеби келинчак
Олмаганди кўзларига нам.
Пишиллайди кўзларига гўдак...
Кўз олдимдан ўтар жангий он.
Айтмадим мен бир сўз. Нечора?
Кураш асло бўлмас бекурбон.
Фақат дедим: – Ўғил – бахт.
Яхши
Ниятларни этмагил канда.
Ўғил ўсар. Уйлантирсанг мени
Айтмай қолма тўйга у дамда.
Заррин камар боглайман унга
Отасидек бўлсин деб у дов.
Агар қизим бўлса-чи, Зеби,
Уни ўзим қиламан куёв...

Мирмуҳсин

1945 ЙИЛ 5 ОКТЯБРЬ. №61 (346)

Биринчи саҳифада «Ватан уруши» ордени кавалери, гвардия лейтенанти **Арбоб Алиев**нинг мана бу сурати берилган. ПТР взводнинг командири гвардия лейтенанти **Арбоб Алиев** Улуғ ватан урушида Волгадан Дунайгача шонли йўл босиб ўтди, ўз взводи блан жонли куч ва техника жиҳатдан душманга анча талафот етказди. Шу саҳифада старший лейтенант Г.Шейкиннинг «Дастлабки натижалар» хабарномасида шундай ёзилган: «Мусобақага узоқ вақт тайёргарлик кўрдик. Спортменлар кунт билан машқ қилдилар. Мусобақа натижаси ёмон бўлмади.



Младший лейтенант Лаврентьев 100 метрлик масофани 11,9 секундда, қизил аскар Еремеев эса 12,1 секундда югуриб ўтди. 1000 метрга югуриш мусобақасида қизил аскар Тохиров ютиб чиқди. У бу масофани 3 минута 26 секундда югуриб ўтди. Қизил аскар Каюков 63 метр узоқликка граната ирғитди».

«Ғолиб аскарларга сталинча ғамхўрлик» мақола ҳам мазкур саҳифадан ўрин олган. Шунингдек, мана бу хабар ҳам берилган:

ТАКТИКА МАШҒУЛОТИДА

Яқинда бизнинг гвардия қисмимизда пиёда аскарлар бўлинмаси блан артиллерия бўлинмасининг биргаликда тактика машғулоти бўлиб ўтди.

Ҳамма ўз ўрнини эгаллади. Хужум бошлаш шартли белгиси – оқ ва қизил ракеталар отилди. Биз тўпларимизни ишга солдик, кейин винтовка, автомат, пулемёт, миномётлар ҳам сайрай бошлади.

«Душман» чекинишга мажбур бўлди. Иккита кўк ракета отилди. Демак, машғулот тугади.

Полк командири ҳаммамизни саф қилди. Машғулот жуда яхши ўтганини, пиёда аскарлар бўлинмаси блан тўпчилар мослашиб ҳаракат қила билганини қайд қилиб ўтди ва ҳаммамизга ташаккур билдирди.

Гвардия сержанти О.Оллобердиев ва етти медалли гвардия қизил аскари Шарипов

«Қисмларимизда» рукни остида гвардиячи қизил аскар О.Ашуровнинг «Талантли рассом», қизил аскар А.Аҳмедовнинг «Бизнинг старшинамиз» каби хабарлари берилган.

«Шахмат турнири» хабарида: «Яқинда офицер Псарев бўлинмасида шахмат турнири бўлиб ўтди. Шахмат ўйинларида сержант Карпов биринчи ўринни олди. Афанасьев, Рўзиматов ва Яснопольский ўртоқлар эса кейинги уч ўринни олдилар. Турнир ғолибларига бўлинма буйруғида ташаккур билдирилди», – деб ёзилган.

Тўртинчи саҳифадаги «Ватанимизда» рукни остида «Аҳоли учун ипак моллар ишланмоқда» хабарномаси берилган. Уни айнан келтирамиз.

Ўзбекистон ипак саноатининг корхоналари аҳоли учун энг машхур бўлган ипак молларни ишлаб чиқаришга киришди. Марғилон ипакчилик комбинатининг йигириш ва тўқиш фабрикаси креп-гранит, фай-де-шин жуженча каби шойи молларни ишлаб чиқармоқда. Самарқанд ипак тўқиш фабрикаси зефир шойи ва беқасам шойилар ишлаб чиқаришни эгаллади. Фабрика энг яхши ва аъло нав жуженчалар ишлаб чиқармоқда. Фабрика йилнинг охиригача юз минг метрга яқин шойи берди. Бундан ташқари, Самарқанд ипакчилик фабрикасида ҳар хил атлас шойилар ишлаб чиқарадиган алоҳида цех қуриш бошланди. Бу цех шу йил декабрь ойидан ишга тушади.

1945 ЙИЛ 13 ОКТЯБРЬ. №62 (347)

ЯНА ВИНТОВКАНИ КЕТМОНГА АЛМАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Наманган область Тўрақўрғон районида Мулкобод номли донгдор пахтакор колхоз бор. Гитлерчи босмачилар мамлакатимизга хиёнаткорона ҳамла қилганига қадар мен шу колхозда бригада бошлиғи эдим. Урушнинг биринчи йилини ўз постимда – меҳнат фронтида ўтказиб, давлатга ҳар гектар ердан 80 центнердан оқ олтин топширдим. 1942 йил янада астойдил меҳнат қилиб юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдим ва шундан кейин кетмонни винтовкага алмаштириб фронтга жўнадим. Бу вақт ноябрь ойининг боши эди. Бригадам аллақачон планни бажариб мамлакатга мўлжалдагидан анча ордириб ҳосил бераётган эди. Немис-фашист каз-



Жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун уч марта олий мукофотга – уч орденга лойиқ кўрилган гвардия капитани Буздоқ Нуралиев.

зоблар эса улуғ рус дарёси Волга бўйига, Сталинград бўсоғаларига яқинлашган эди. Мен биринчи марта қаҳрамон шаҳар Сталинград кўчаларида душманга қарши жанг қилдим. Қаватимда ҳамқишлоғим, колхозчи-жангчи Соли Қурбонов ҳам бор эди. Бизни отделе-ниямиздаги рус, украин ва бошқа миллатли курулдош ўртоқларимиз душманни ҳалок этувчи қатъий атакаларга бошладилар. Биз жанг қилиш санъатини даҳшатли кураш майдонида ўша ўртоқлардан ўр-ганиб тажриба ордирдик. Одер бўйида бўлган жанглардан бирида эса Қурбонов иккимиз гитлерчилар устига дадил ташланиб 4 немис-ни ўлдириб, 8 тасини асир олдик. Бу тарихий уруш кунлари ортда қолди. Шавкатли Қизил Армия бахтиёр совет халқининг осойишта, фаровон турмушини янгидан таъмин этди. Энди менинг ҳам севим-ли винтовкам билан хайрлашадиган вақтим келиб етди. Мен яқинда жонажон колхозим кучоғига қайтаман. Улуғ Ватан уруши ва армия ҳаёти бизни кўп нарсага ўргатди. Мен бундан кейин ҳам колхоз да-ласида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг ҳарбий ва иқ-тисодий қувватини янада мустаҳкамлашда ўз ҳиссамни шараф блан кўшаман.

Қизил аскар Қ.Нурматов

ҒАЛАБА БИЛАН ҚАЙТАЁТИРМАН

Мен Қизил Армия сафига 1939 йилда чақирилиб, тинчлик даври-да Ватанимизнинг ғарбий чегарасида хизмат қилдим. Немис-фашист босмачилар мамлакатимиз ерига бостириб кирганда мен кўшинла-римиз блан биргаликда Кировоград шаҳригача чекиндим. Кейин ўша ердан бошланган ҳужумда катнашдим. Мен ўз жонли қисмим блан Днепр дарёси, гўзал Киев шаҳри учун жанг қилдим, бутун Украинани жанг блан босиб ўтдим, қардош Польша ерини душман-дан тозалашда ўз ҳиссамни кўшдим, Карпат тоғида бўлган жуда оғир жангларда иштирок қилдим. Бутун уруш давомида кўп гитлерчини кириб ташладим. Жангларда тўрт марта ярадор бўлдим. Мана энди ҳукуматимизнинг кейинги фармонида асосан бошқа кўп жангчилар каторида мен ҳам аскарликдан бўшайман. Бундан олти йил муқад-дам мени армияга кузатган ва бутун Ватан уруши давомида мени хат

блан йўқлаб турган рафиқам Орифахон блан яна бирга бўлиш насиб қилди. Мен «Партия МК» номли ўз колхозимга – Сталинобод об-ластининг Вазроб районидаги Вазроби боло кишлоғига ғалаба блан қайтаётirman.

Қизил аскар О.Норов

МЕРГАНЛАР ОТДЕЛЕНИЯСИ

Мен винтовкадан беҳато отиш санъатини 1942 йилда жанг май-донида сержант Қабуловдан ўргандим. У менга винтовканинг ма-териал қисмини, отишга яхши тайёрланишни, мўлжалга ола би-лиш қоидаларини пухта ўргатди. Унинг менга берган ёрдами беҳу-да кетмади. Мен қизгин жанг пайтларида беҳато отишнинг барча қоидаларига амал қилиб ҳар бир ўқни душман кўкрагига қадашга ҳаракат қилдим ва жуда кўп гитлерчини кириб ташладим. Уруш та-мом бўлгандан кейин мен командир бўлган отделенияга бир неча ёш жангчилар келди. Мен машғулотнинг биринчи куниданоқ улар-ни мерган отучилар қилиб тарбиялашга киришдим. Энг аввал мен уларга винтовканинг материал қисмини ўргатдим. Бунда илғор-лар бўш вақтларда қоқоқларга ёрдамлашдилар. Масалан, жангчи Шумилов ва Семёнов Калачёвга, Тўйчиев ва Сумара Жабборовга, Бойбеков ва Воронов Чернякка кўмаклашди. Шунингдек, ўзим ҳам сушт группалар блан шуғулландим. Натижа ёмон бўлмади. Сал вақт ичида отделениядаги ҳамма жангчилар винтовканинг ма-териал қисмини беш бармоқларидай билиб олдилар. Бу машғулот винтовкани ўрганишнинг фақат бошланғич даври эди. Воронов, Чесняк, Калачёв ва Жабборовлар учтадан патроннинг учаласини ҳам тегизиб аъло баҳо олдилар. Сумара, Шумилин ва Тўйчиев эса яхши баҳо олди. Умуман, менинг отделениям бу отиш машғуло-тида аъло баҳо олишга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам ҳозир бўлинмада менинг отделениямни «мерганлар отделенияси» деб атайдилар.

Гвардия сержанти Шоди Ҳақбердиев

ЖАНГЧИ МАМАСОЛИЕВ АЪЛОЧИ

Қизил аскар Ардом Мамасолиев қисмимизга яқиндагина келди. У келиши бланок ўзининг ҳамшахар, ҳамқишлоқ ўзбек ўртоқларига ҳарбий таълимни аъло даражада ўрганишга, ҳар вақт интизомли бўлишга сўз берди. Мамасолиевнинг бу ваъдаси курук сўз бўлиб қолмади. У ҳар бир машғулотда ўтаётган темаларни қунт блан ўрганди, билмаганини ўртоқларидан сўраб билишга тиришди, машғулотдан ташқари вақтларда ҳам ўз устида зўр бериб ишлаб ҳарбий билимини оширишга ҳаракат қилди. Мамасолиевнинг бу тиришқоқлиги бекор кетмади. У икки ой ичида сапёрлик ишида анчагина нарсани билиб олди, мина турларини, уларнинг жанговар хусусиятларини яхши ўрганди ҳамда миналаштириш ва миналарни зарарсизлантириш машғулотларида аъло баҳо билан имтиҳон берди. Саф олдида бўлинма командири томонидан эълон қилинган ташақкур Мамасолиевни янада руҳлантирди. У яна ҳам зўр бериб ҳарбий таълимни ўрганмоқда, энг уста сапёр бўлишга интилмоқда.

Гвардия лейтенанти С.Абдуллин

ПУХТА ТАЪЛИМ ОҚИБАТИ

Яқинда гвардия старший лейтенанти Плешков ротасида ростакан отиш блан ҳужум машқи ўтказилди. Машқ кенг далада ўтди. Машқ вақтида қисм командири ва штаб бошлиғи ҳозир бўлди. Машққа пухта тайёргарлик кўрилди. Взвод командирлари – гвардия лейтенанти Чулковников ва гвардия младший лейтенанти Шумуровлар ўз жангчиларига машқ олдидан пухта инструктаж бердилар. Отделения командирлари ҳар винтовкага бештадан, автоматларга 15 тадан, станокли пулемётга бир лентадан, қўл пулемётига 10 тадан ўқ олиб жангчиларга улашдилар. Машқ бўладиган жой худди чинакам жанг майдонига ўхшаб кетди. «Ҳужумга!» деб сигнал берилиши блан жангчилар дарҳол ҳаракатга кириб қисқа ва узун перебежкалар блан атака бошлаш маррасига интилдилар. Ўқчилар ўз пулемётларини «душман»га сездирмай чакқонлик билан илгари силжиб бордилар. Йўл-йўлакай турли тўсиқлар бор эди. Жангчилар «душман» тўсиқларига – окоп ёки траншеяга яқин боргач у ерга гранаталар ташлаб, ундаги мишенларни емириб ҳамон илгари силжиб бордилар. Ана

«душман» мудофаасининг сўнги траншеялари. Унинг нариги томонида атака объекти. Аскарлар шу ерга етгач қатъий штурмга ҳозирландилар. Ракета осмонга учиши блан далада аскарларнинг қаттиқ «ура» овозлари янгради. Жангчилар шашт блан объектга бостириб кирдилар... Бу машқда Гуллев ва Бикановларнинг отделениялари, айникса, яхши ҳаракат қилди. Машқ яхши ўтгани учун полк командири рота шахсий составига ташаккур билдирди.

Гвардия қизил аскари Ортиқ Ашуров

СИНОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

Гвардия младший лейтенанти Демченко взводи инспекторлик кўригидан ўтишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Кўпчилик жангчилар тактика, ўт очиш, сафда юриш юзасидан ҳозирданок дуруст баҳоларга эришдилар. Ўқиш-ўрганиш аълочилари ичида гвардия старший сержанти Гусев, гвардия сержантлари Шадо, Афанасьев, гвардия қизил аскарлари Пискун, Дмитренко, Платоновлар бор.

Гвардия старший сержанти Э.Соҳибов

Тўртинчи саҳифадаги **«Ватанимизда»** рукни остида **«47 жондан иборат оила колхозчи Ўғилбиби 100 ёшга кирди»** номли хабарни айнан келтирамиз:

«ТОШКЕНТ. Ўзбекистоннинг Избоскан районидаги Янги қишлоқда яшовчи Ўғилбиби Қулматова яқинда 100 ёшга кирди. У районнинг энг кекса колхозчисидир. Ўғилбиби кексайиб қолганига қарамай, ҳали анча бақувват ва колхоз ишларига қизикди. Бу бахтиёр аёлнинг оиласи 47 кишидан иборат. Энг кичкина набираси Махбуба 6 ёшга кирди. Тўнғич ўғли тажрибакор агроном Аҳмаддин Кўчқоров эса 70 ёшда. Ўғилбибининг 15 набираси Улуғ Ватан қатнашчиси. Уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқининг орден ва медаллари блан мукофотланган. Ҳозир бу кекса колхозчининг оиласи яқинда аскарликдан бўшаб келадиган икки фронтчи набирасини кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда».

Масъул муҳаррир С.И.Жуков.

Масъул муҳаррир ўринбосари Р.Абдурахмонов

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ЮЗАСИДАН
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА
КАНДИДАТЛАР КЎРСАТИШ

**Ўзбекистон Коммунистлар ташкилотидан ўртоқ
Усмон Юсуповнинг кандидатураси кўрсатилди.**

Тошкент, 18 октябрь (ТАСС). Ўзбекистон коммунистлар (большевиклар) партияси Марказий Комитети СССР Олий Советига сайловлар юзасидан Марказий сайлов комиссияси составига кандидатура кўрсатиш тўғрисидаги масалани музокара қилиб, Ўзбекистон коммунистлар ташкилотидан Марказий сайлов комиссияси составига Ўзбекистон К(б)П Марказкомининг секретари ўртоқ Усмон Юсуповнинг кандидатурасини кўрсатди.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

ТОШКЕНТ. Тошкенда сут комбинати қуриш бошланди. Келаси йилнинг биринчи ярмида бу янги корхона эксплуатацияга берилишга мўлжалланади. Комбинат суткада 40 тонна турли сут махсулотлари беради.

Озиқ-овқат саноатининг бошқа корхонаси – кондитер фабрикаси қурилишига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қибрай қишлоғида консерва заводи қурила бошланди. У мавсумда 5 миллион банка ҳўл мева (олма) консерваси ишлаб чиқаради.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

АНДИЖОН. Избоскан районининг ёш пахтакорлари октябролди социалистик мусобақасида актив қатнашмоқдалар. Район колхозларида 2 минг ёшлар ва қизлардан иборат 186 ёшлар бригадалари ташкил қилинди.

«Зарбдор» колхозининг теримчиси комсомолка Ўғилхон Курбонванинг шуҳрати бутун районга ёйилган. Ўғилхон икки қўллаб ишлаб ҳар куни 335 килограмдан пахта термоқда.

ПАРФЮМЕРИЯ ФАБРИКАСИ

ТОШКЕНТ. Уруш муносабати билан қурилиши тўхтаб қолган Тошкент парфюмерия фабрикасининг қурилиши янгидан бошланди.

Фабрика шу йилнинг охиридан бошлаб ишлай бошлайди. У одекалон, атир, упа, тиш порошоги ва пастаси, ҳидли сувлар, кремлар, вазелин ишлаб чиқаради.

ГРАММАФОН ПЛАСТИНКАЛАРИ ЗАВОДИ

ТОШКЕНТ. Тошкент граммафон пластинкалари заводининг биринчи навбати иш бошлади. Йил охиригача симфония, опера ва енгил музика, халқ ашулалари ва маршлар кўчирилган юз эллик мингга яқин пластинка ишлаб чиқарилади. Пластинкаларнинг қарийб ярмиси миллий ашула ва музикалардан иборат бўлади.

Ҳозир пластинкалар Апрель заводидан келтириляётган тайёр пластмассадан ишланмоқда. Келаси йилдан бошлаб Тошкент заводи ўзи ишлаб чиқарган пластмассадан тайёрлай бошлайди. 1946 йилнинг иккинчи ярмида граммафон пластинкаларини матрицалар ёрдами блан чиқарадиган Гальвано матрица цехи қурилади.

БУРЧИМГА СОДИҚМАН

Мен армия сафига келишим блан ичган онтимни амалда бажариш учун жанговар ва сиёсий тайёргарликда ҳамма вақт олдингилар қаторида бўлишга тиришдим. Менинг бу ҳаракатим бекор кетмади. Назарий билимни текширишда яхши ва аъло баҳо олдим.

Яқинда бўлиб ўтган жанговар синов машғулотида автоматдан ўк отиб ўшандан еттитасини нишонга тегиздим ва аъло баҳо олдим.

Винтовкадан эса уч ўқ отиб яхши баҳо олдим. Мен келгусида ҳам ватан олдидаги бурчимни гвардиячи қисмимизнинг шиддатли жангларда қўлга киритган ютуқ ва шонли традицияларига муносиб даражада жони-дилим блан бажараман.

Қизил аскар С.Бўтаев

ҚАҲРАМОННИНГ СУҲБАТИ

Гвардия лейтенанти Манин бўлинмасида жанг кўрган аскарлар блан янги келган аскарлар ўртасида тез-тез суҳбатлар бўлиб туради. Яқинда Совет Иттифоқининг Қаҳрамони старшина Новиков ёш жангчилар блан суҳбат ўтказди.

У бўлинманинг жанговар йўли, кўп жангчилар Ватан олдида ичган қасамларини садоқат блан бажариб кўрсатган қаҳрамонлиги, ботирлиги ва эпчиллиги тўғрисида муфассал ҳикоя қилиб берди.

Гвардия старший сержанти Ю.Сўфиев

СЕРҲАФСАЛА ШОФЁР

Бўлинмамизда шофёр бўлиб хизмат қилучи Довуд Содиков ўзининг асосий ҳунаридан ташқари бошқа ҳарбий ихтисосликларни ҳам зўр ҳафсала блан эгалламоқда. У 17 кун ичида тўпнинг материал қисмини яхши ўрганиб олди ва наводчиликни эгаллади. Яқинда бўлиб ўтган митингда эса Содиков сўзга чиқиб радистликни ўрганишга ваъда берди.

Бундан ташқари, Содиков янгиликларга кўп қизиқади. Уни машғулотлардан бўш вақтларда кутубхона ва Ленин комнатасида учратиш мумкин. У янги брошюра ва китобчалар, газета ва журналларни қизиқиб ўқийди, ўзининг сиёсий онгини ошириш учун ҳаракат қилади.

Гвардия сержанти Умаржон Усмонов

СИНОВДАН ЯХШИ ЎТДИЛАР

Яқинда қисмимизда зенит тўпларидан отишнинг 3-чи машқи юзасидан синовлар бўлиб ўтди.

Гвардия старшинаси Смолко ўз тўпидан узиб-узиб ўт очиб нишон-варварак икки марта урди.

Гвардия сержанти Х.Ўтаганов

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Расул Исматов

Расул Исматов фронга етгунча мўл йўл босиб ўтди. Кўп катта қишлоқлардан, шаҳарлардан ўтиб бораркан, Ватанимизнинг улуғ ва бепоялиги тўғрисидаги фикрлар унинг юрагини фахр блан тўлдирар ва тўлкинлантирар эди. Бир куни эрта блан поезд бир станцияда тўхтаганда Расул деразадан бошини чиқариб қарадио бирдан чўчиб кетди. У ёниб битган уйларнинг харобаларини, ойнасиз ва ромсиз бўм-бўш тешиқларни кўрди. Ана шундан бошлаб ўт қўйилган, вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларнинг мудҳиш манзаралари тез-тез унинг кўз ўнгига гавдалана берди.

– Бу нима ҳол? – деб сўради у.

– Бу ерларга немисларни қадами теккан, – деб тушинтирди фронтчи офицер.

Бир станцияда Расул ва унинг ўртоқлари вагонлардан чиқдилар ва бундан у ёғига сафарларини пиёда давом эттирдилар. Кимдир йўл кўрсатучи тахтачалар ёнидан ўтаркан, баланд овоз блан «Змеевка» деб ўкиди. Брок бу ерда қишлоқ ўрнида қуйиб кул бўлган масканлар ва баъзан онда-сонда ивирсиб юрган якка-ярим кишилар кўринар эди. Расулнинг туси ўзгарди.

– Биласанми, – деди у ўртоғига, – отам менга баъзан саҳрода қуюн пайдо бўлиб дунёни остин-устин қилиши тўғрисида гапириб берар эди. Биласанми, бундай қаттиқ шамол кум блан аралашиб кетгандан кейин ҳеч нарса қолмайди. У ҳамма нарсани вайрон қилади. У жим бўлди, сўнг яна қўшимча қилди: – Инсон зоти бу ишни қилолмайди. Фақат қочқирлар бундай қила олади.

Қисмда Расулни отделение командири қилиб тайинладилар, бир неча кундан кейин унинг отделенияси Карпат тоғи этагидаги бир участка мудофаа маррасини эгаллади.

– Кўрдингми, Исматов? – деб командир унга кўрсатди. – Душман хў анча паст-баландликларга ўрнашиб олган.

Расул ўша томонга қарар эди, лекин ер блан теп-текис қилинган Змеевка қишлоғи асло унинг кўз ўнгидан нари кетмас, кўзлари чакнаб, тишлари ғичирлар эди.

Тез вақт ичида у фронт ҳаётига одатланиб қолди. Бир куни командир ким «тил» тутиб келгани боришни хоҳлайди деб сўраганида Исматов:

– Мен, – деб жавоб берди.

* * *

Бир тепалик ёнида душман қаттиқ қаршилик кўрсатди. У олға силжиш йўлини тўсдигина эмас, ҳаттоки бўлинмани бир оз орқага ҳам суриб қўйди.

Тепаликнинг қайси бир ерида душманнинг ДЗОТи бор эди. Бўлинмаларимиз атака бошлашга уриниб кўтарилганда душманнинг ўша ДЗОТи ўтига дуч келарди.

Исматов тепаликка тикилиб қараб тургач командирга мурожаат килди:

– Ўртоқ командир, энг олдинга чиқиб олишга рухсат беринг.

Дастлаб командир Исматовнинг нима қилмоқ истаганини англамади, сўнг, яъни Исматов ўз планини айтиб берганидан кейин у розилик берди.

Улар тўртов бўлиб эмаклаб кетдилар ва душман траншеяларига қарийб етиб қолдилар. Энди душман ДЗОТини топмоқ керак эди.

Ўткур кўзлар, ниҳоят, ДЗОТни ҳам топди. Улар яна эмаклаб кетдилар. Брок немислар уларни кўриб қолиб ўт очдилар. Заболотняк ҳалок бўлди, Коробко оғир ярадор бўлди, старший сержант ҳам ярадор бўлди. Исматов бир ўзи қолди, лекин тўхтовсиз олға интилишни давом этдира берди. ДЗОТгача атиги бир неча метр қолганда у бирин-кетин бир неча граната, шу жумладан, бир танкка қарши граната ирғитди.

Даҳшатли портлашдан ён-атроф ларзага келди. Расулнинг усти бир қатлам тупроқ блан қопланди. У бошини кўтаргач гитлерчиларнинг ваҳимага тушиб қочаётганларини кўрди, автоматдан яхшилаб мўлжалга олиб туриб ўт очди ва уларнинг бир нечасини думалатди.

Бир лаҳзагина атрофда хомушлик мавжуд бўлди. Исматов бир хезлаб душман траншейи олдида пайдо бўлди, автоматдан тагин бир сидра ўқ чиқаргач баланд ва ҳайбатли овоз блан немисларга қараб таслим бўлингиз деб команда берди.

Исматов 46 гитлерчини асир қилиб олиб келгани, 7-си ДЗОТ ичида ва атрофида ўлиб ётгани тўғрисида доклад қилганда рота командирининг аввал ишонгиси келмади, броқ землянка олдида 46 немис бош эгиб турар эди.

– Тепаликда ҳужум бошлаш мумкин, ўртоқ командир, – деб қўшиб қўйди Расул.

Кўп ўтмай тепалик ишғол қилинди. Жанг муваффақиятини ўз мардлиги ва жасурлиги блан младший сержант Исматов ҳал қилди.

* * *

Москвада ғалаба паради бўлганда Ватаннинг энг яхши, энг ботир фарзандлари қаторида Қизил майдондан Совет Иттифоқининг Қахрамони, старший сержант Расул Исматов ҳам мағрурона қадам ташлаб ўтди.

Капитан Н.Докучаев

1945 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ. №64 (349)

ХАЙРЛАШУВ

Зиннат Фатхулин

... Бир неча минут жимликдан кейин яна қаттиқ жанг бошланди. Юзлаб немис танклари қаторма-қатор бизнинг мудрофаа марраимизга интилдилар. Осмон немис калхатлари блан қопланди. Ҳали стволлари совимаган юзлаб совет тўплари яна ўтли нафас ола бошлади-

лар. Москванинг узок остоналари куюк қора тутун блан қопланди. Узлуксиз гулдурос ва портлаш овозидан ер-кўк ларзага келди. Шамол ҳам кучли ҳаво тўлқинидан гўё ўзининг эсиш йўлини ўзгартгандай, қуёш ҳам ер юзидаги бу мудҳиш ходисани кўриб, титраётган ер қирғоғига кириб яширингандай, ой ҳам кўк денгизда юзишидан тўхтагандай бўлиб кўринарди.

Мана шундай оғир ва мудҳиш бир вақтда тўп расчётида Мансуров фақат бир ўзи қолган эди. Унинг жанговар ўртоқлари узлуксиз давом этган жангларда ё ҳалок бўлган ёки сафдан чиқиб кетган эдилар. Мансуров дурбин блан қараб худди унинг позициясига 4 немис танки ўрмалаб келаётганини кўрди. Мансуров осойишталик ва усталик блан немис танкларининг устига ўтли снарядлар ёғдира бошлади. У тўртинчи снаряд блан олдинда келаётган немис танкини ёндириб юборди. Қолган уч танк Мансуровнинг позициясига яна қаттиқроқ ўт ёғдирди. Тўп атрофига тарс-тарс снарядлар тушиб ёрилмоқда. 40 даража қаҳратон совуқ кеч Мансуровга жаҳаннамдай бўлиб кўринмоқда. Мансуровнинг қора сочи ва қоши оқ қиров билан қопланди. Лекин унинг кўзлари ўтдай ёнарди. У уч душман танкининг позицияни ёриб ўтишга, жонажон Москвага йўл очишга уринаётганини яхши кўриб турибди. Мансуров «Ўталмайсанлар!» деб ғазаб блан қичқирдию яна бир снаряд узди. Снаряд ўртада келаётган танкка бориб тегди. Танк тўхтади ва куюк тутунга ўралиб ёна бошлади. Мансуровнинг қомаи яна кўтарилди. У бу мудҳиш ўт ичида ўзини ёлғиз сезмади. Ҳақиқатдан ҳам, у ёлғиз эмас эди. Номаялум бир тўп Мансуров позициясига яқинлашиб келаётган танкларга қараб ўнг томондан ўт очди. Сал ўтмай Мансуров учинчи немис танкининг ҳам ўт олиб кетганини кўрди.

Лекин қолган бир немис танки йўл-йўлакай ўт очиб олдинга қараб келаверди. Оралиқ атиги 150 – 100 метр қолди. Мансуров чакконлик блан тўпни отишга шайланиб яна бир снаряд отди. Снаряд танкка тегмади. Мансуровнинг ғазаби тошди, қони қайнади, кўзларига қон тўлди. У снаряд олиб келиш учун югурди. Брок ёнига келиб тушиб ёрилган снаряд унинг йўлини тўсди. Тўпнинг бир парчаси унинг кўз олдидан учиб ўтиб кетди. Мансуров тўпга айланиб қаради, аммо пешанасидан отилиб чиққан қон унинг кўзла-

рини қоплади. Унинг кўз олдига кулранг парда тўсилгандай бўлиб кўринди. Сўнгра бирдан у ўзини осмонда парвоз этаётгандай сездиди. У гўё аллақандай гилам устида сайр суриб бормоқда. Баланд-баландлардан ер юзини томоша қилмоқда. Ана мағрур Москва, кекса Кремль. Кремлда улуғ Сталин. Унинг олдида катта жанг харитаси. Юмшоқ гилам Мансуровни секингина тебратиб, қалин-қалин булутлар орасида ўтиб кетди. Ана Мансуровнинг кўз ўнгида бепоён Қозоғистон чўли, қудратли Сирдарё, жонажон Фарғона водийси, севимли қишлоғи. У гулларга безанган. Ана кўзлари ёшга тўлган меҳрибон онаси, севган ёри Анвархон. Унинг қўлида бир даста гул. У нурларга тўлган, қувончли юз блан Мансуровнинг йўлини ёритмоқда...

Мансуров ўтли тили блан қонли лабларини ялади. У ўзини чанқоғи босилгандай, ширин-ширбат ичкандай сездиди.

Бирдан жанг шовқини Мансуровнинг қулоғини ёриб ўтди. У сесканди. Кўзларини очди. Бошини кўтарди. Бир ҳовуч қор билан қонли юзини артди. Кўзларини яна каттароқ очиб олдинга қаради. Шикастланган тўпдан 100 – 70 метр нарироқда қорни чангитиб келаятган немис танкини кўрди. Мансуров ҳаяжонга тўлиб-тошди. У қор устида қон изи қолдириб гранаталар ўрнатилган жойга эмак-лаб борди, титраган қўллари блан белига мина боғлади. Танкка қарши миналарни жангга шайлади. «Мени янчасан, лекин ўзинг ҳам менинг ўтли юрагимга урилиб ҳалок бўласан, бадбахт!» деди у ичида.

Немис танки тўғри Мансуровга қараб келаверди. Мансуров ўз тўпидан сал олдинроқ чиқиб ётган эди. Немис танки ўнг томондан отиб турган тўпнинг ўтидан қочиб олддаги тепаликнинг чап томонига бурилди ва тўғри Мансуровнинг тўпига қараб йўл олди. Ана, танк Мансуровнинг ёнидан ўтиб бормоқда. Мансуров учун қулай фурсат келди. Вақтни кечиктириш мумкин эмас. Шу пайтнинг ўзида Мансуров баҳодирларча ўрнидан ирғиб турди ва танкка кетмакет икита граната ташлади. Танк ўрнидан жилалмай қолди. Совет баҳодирлари бу гал ҳам зўр чиқди. Душман танки унинг маррасидан ўтолмади.

* * *

Генерал жанговар донесенияни ўқиб бўлгач адютантини чоқирди.

– У жангчи ҳозир қаерда экан, биласанми? – деб сўради.

– Санбатда, – деди адютант. – Ўтиб боришда албатта қирамиз.

... Генерал ярадор жангчилар ётган хонага кириб келаркан, унга ориққина, қисқи бўйли, қара мағз бир ярадор солдатни кўрсатдилар. Ярадор икки қўли блан краватга суяниб ўрнидан турмоқчи бўлди.

– Ўтиравер, ўтиравер, – деди генерал ва ўзи ҳам ярадорнинг ёнига ўтириб: – Фамилиянг нима, йигит? – деб сўради.

– Қизил аскар Аҳмад Мансуров.

– Миллатинг?

– Ўзбек.

– Раҳмат сенга, ўртоқ Мансуров, – деди генерал ярадорнинг кўлини сиқиб. – Шундай мард йигитни ўстирган ўзбек халқига минг раҳмат!

Генерал ярадор солдатни маҳкам кучоқлаб ўпди...

Тамарахоним Венада



СУРАТДА: чапда – Ўзбекистон ССР халқ артисти Сталин мукофотининг лауреати ордени Тамарахоним; ўягда – Тамарахоним Вена шаҳридаги Қизил Армия Офицерлари Уйи саҳнасида қорақалпоқ халқ кўйини ижро этмоқда.

М. МЕЛЬНИК фотоси.



* * *

Ҳозир у оғир кунлар, у шиддатли жанглар орқада қолиб кетди. Мансуровни ўз меҳрибон онаси, опа-сингиллари, ёр-биродарлари зор-интизор бўлиб-кутган севган ёри яқин келгусида севинчли учрашиш, бахт-саодат минутлари кутмоқда. Бугун Мансуровнинг юраги чексиз қувончларга тўлган. Шу блан бирга, унинг юрагида аллақандай ташвиш ҳам бор. У ўзининг шунча оғир жанг йўллари – шонли йўллари бирга босиб ўтган жонажон қисми блан хайрлашиш минутларининг яқинлашишидан ташвишланмоқда.

Ҳозир эса Мансуров мағрур ва осойишталик блан сўнгги марта ўз тўпининг ёнида ғоз туриб ўзи ўргатган ёш жангчиларнинг машғулотларини кузатиб турмоқда!

Тўп расчётининг янги командири Судакин жангга тайёрланиш командасини берди. Ёш жангчилар зўр тиришқоқлик, аниқлик ва чоққонлик блан ўз командирларининг командасини ижро этдилар.

Мансуров ўз шогирдларининг тезлик ва чакқонлик блан қилган ҳаракатларини катта завқ блан кузатиб турди.

– Ҳар ҳолда, – деди қувончларга тўлган Мансуров, – мен ўзимнинг жанговар кадрдон дўстимни ишончли кишиларга қолдириб кетаётирман. Уни мен севгандай севинглар, мен кадрлагандай кадрланглар.

Гвардия старший сержанти Мансуров ҳамма жангчиларнинг қўлини маҳкам сиқиб хайрлашди. Сўнгра у тўп ёнига келди, унинг стволини кучоқлади. Унинг қизғин лаблари тўпнинг совуқ жисмига жипс ёпишди.

АДОЛАТ ЖАНГИ

Узоқ Шарқнинг қаърида

Жаҳонда зўр соябон.

Энг оғир жиҳодларда

Бугун ўқлар кезмайди.

Тугади қонли уруш,

Самурайлар тиз чўкди.

Шўх Амурнинг бағрида

*Байроқлар тик – хиёбон.
Фарб ва кенг Шарқ қаърида
Балиқлар хавф сезмайди.
Қалбда юксак жасурлик,
Бугун ўқлар кезмайди.
Серқуёш Узоқ Шарқда
Зафар топди зўр қўшин.
Шоре, Уссурийда
Бугун зуборсиз осмон.
Келди жаҳонга тинчлик,
Балиқлар хавф сезмайди.
Ёв бошин янчди шартта
Ер тишлади ёв тўшин.
Мард қўшин – золиб посбон.
Адолат жангларида
Бахтли, фаровон турмуш,
Мард ўғлонлар қон тўкди.*

Илёс Муслим

ЎРТА ОСИЁ ТЕАТР САНЪАТИ ИНСТИТУТИДА ЎҚИШЛАР БОШЛАНДИ

СССР Иттифоқи ҳукуматининг қарорига мувофиқ очилган Тошкентдаги театр санъати институти ўқиш мавсумини бошлаб юборди. Бу институтда актёрлик, режиссёрлик ва театршунослик факультетлари бор. Бунда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон театрлари учун кадрлар етишмоқда. Республикалардан келган ўқучилар группаларга бўлиниб ўқимокдалар.

Институтда ўзбек театр санъатининг атоқли арбоби – ЎзССР халқ артисти Уйғур, профессорлардан В.Н.Кун, В.М.Зуммер, М.С.Григорьев, Г.И.Гоян биринчи лекцияларни ўқидилар.

Актёрлик факультетининг ўзбек группасига биринчи лекцияни ЎзССРда хизмат кўрсатган актёр Жавод Обидов ўқиди.

БУХОРО КЎЧАЛАРИ АСФАЛЬТЛАНМОҚДА

Бухоро шаҳрининг юзларча аҳолиси марказий кўчалардан бири бўлган Ленин кўчасини қайта куриш ва уни обод қилиш ишларида актив қатнашмоқда. Улар тратуарлар очиб янги ариқ қазимоқдалар ва дарахт ўтказмоқдалар. Бу кўчанинг Регистондан пиллакашлик фабрикасигача бўлган қисмига асфальт ётқизилади. Асфальт ёткизиш ишлари бошланди.

3 МИЛЛИОН 800 МИНГ ЛИТР ВИНО

Ўзбекистоннинг виночилик заводлари бу йил узумдан 3 миллион 800 минг литр ҳар хил вино ишлаб чиқардилар. Ўзбекистонда кўп йиллардан бери ишланиб келган «Алеттико», «Буваки», «Юмалок», «Пушти ранг Вассарга» ва бошқа шу каби десерт винолардан ташқари «Каберне» ва «Ркацители» деган аъло сифатли ликёр винолар чиқаришга киришилди.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстойнинг асарларини бутун совет халқлари блан бир қаторда ўзбек халқи ҳам севиб ўқийди. Унинг бир қанча асарлари («Уйғониш», «Анна Каренина», «Болалик», «Ҳожимурод», «Кавказ асири», «Севастополь ҳикоялари» ва бошқалар) ўзбек тилига таржима қилинган. Бу китоблар ўзбек китобхонлари томонидан севилиб қайта-қайта ўқилади.

Ўзбек интеллигенцияси эса улуғ ёзувчининг ўлмас асарларини асл нусхаларидан ўқиб ўрганади. Ўзбек ёзувчиларининг ижодий юксалишида, жумладан, улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой асарларининг таъсири каттадир.

ЖАНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ ТАЪЛИМ АЪЛОЧИЛАРИ

Вена номи берилган Н-чи полк гвардиячилари Дондан Венагача шонли йўл босиб ўтдилар. Тинч даврдаги таълим пайтида улар ўзларининг ҳарбий билимларини кунт блан оширмоқдалар.

Пулемётчи старший сержант Сейручков, гвардиячи қизил аскарлар Микун ва Полянскийлар душманга қарши кўп қаттиқ жангларда иштирок қилганлар. Бу жанг қаҳрамонлари ҳозирги таълимда энг яхши аълочилар бўлиб, бошқа жангчиларга ҳам ёрдамлашмоқдалар.

Гвардия қизил аскари А.Жўраев

Ўзбекистон ССР халқ артисти ва Сталин мукофотининг лауреати Тамарахонимни бепоён ватанимизда танимайдиганлар ёки унинг таърифини эшитмаганлар кам десак янглишмаган бўламиз.

Ўн икки ёшлигиданоқ тўй-томошаларда ўйинга тушиб, қўшиқ айтиб юрган ва ўзининг санъат соҳасидаги чексиз талантини баланд чўққига олиб чиққан Тамарахоним санъатига қойил бўлчилар чет элларда ҳам озмунча эмас. У Лондон, Париж, Техрон сахналарида, совет ҳокимиятининг шарқ халқларига берган маданий меваларидан бири – ўз ажойиб санъатини намойиш қилган эди. У Улуғ Британия пойтахтида бўлган халқаро рақс фестивалида қатнашувчилар қаторида ҳам ўзига муносиб, фахрли ўрин олган эди.

Тамарахонимни Қизил Армия тамошабинлари ҳам самимият блан севиб, ҳурмат қиладилар. Чунки урушгачайин Тамарахоним ватанимизнинг шарқий ва ғарбий, шимолий ва жанубий чегараларидаги ҳарбий қисмларга тез-тез бориб концерт берар ва бўлинмалардаги хаваскорлар тўгаракларининг ишларига ёрдамлашарди.

Немис-фашист босмачиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши санъат ходимларидан ҳам кўп нарсалар талаб қилишини Тамарахоним уруш бошидаёқ совет ватанпарварларига хос ҳиссиёт блан англади. У Қизил Армияга ёрдам фондига 100 минг сўм топшириб улуғ Сталиннинг ташакқурига сазовор бўлди ва ўз репертуарларини бойитиб, ҳарбий қисмларга бориб хизмат кўрсатишга киришди.

Тамарахоним урушнинг бошида, аввало, фронт учун жанговар резервлар тайёрлаётган Узоқ Шарк fronti қисмларида бўлди. Фронт ҳарбий кенгаши унинг ҳарбий қисмларда кўрсатган хизматини юксак даражада баҳолаб, Тамарахонимга Қизил Армиянинг офицерлик унвони – капитан унвони берди.

Гитлерчи галалар қутуриб ҳужум қилаётган пайтда Тамарахоним Узоқ Шаркдан тўғри ҳаракатдаги армия қисмларига келди. Қаҳрамон Қизил Армия аскарлари Кавказ тоғларида, Кубань саҳроларида, Украина далаларида бўлган даҳшатли жанглар пайтида ҳам Тамарахонимнинг хилма-хил жозибали рақсларини кўрдилар, турли миллатлар тилида айтган ёқимли ашулаларини тингладилар. Тамарахоним кўкрагини қалқон қилиб муқаддас еримизнинг ҳар қаричи учун душманга қарши шердек олишаётган совет аскарларига фақат маданий хизмат кўрсатибгина қолмай, шунингдек, у ўз санъати блан аскарларнинг севиқли ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини ортдиришга, душманга бўлган қаҳр-ғазабини алангалатишга ёрдам берди.

Мана, урушдан кейин ҳам Тамарахоним Қизил Армия тамошабинларидан узоклашмади. У Берлинга зафар байроғини тиккан, Прагани озод қилган, Венани эгаллаган, ҳозир эса жонажон юртимиздан анча йироқда ватанимизнинг давлат манфаатларини ҳушёрлик ва шон-шараф блан ҳимоя қилаётган шавкатли Қизил Армия қисмларига хизмат кўрсатиш учун ўз ансамбли блан яқинда бизга меҳмон бўлиб келди.

Тамарахоним дастлаб Баден, Медлинг ва Вена шаҳарларидаги Қизил Армия офицерлари уйларида бир неча марта концерт берди. Унинг бой мазмунли ҳамма концертлари катта муваффақият блан ўтди. Ажабо, ўзга юртда туриб ўз она тилида, рус, ўзбек, украин, козоқ, беларус, қирғиз, арман, тожик, туркман, грузин, озарбойжон тилларида – СССРда яшовчи кўпгина миллатлар тилида зовқли куйларни эшитиш ёки ажойиб миллий рақсларни кўриш кимга ёқмайди дейсиз! Мана, Венада бўлган такрор концертдан кейин гвардия подполковниги ўртоқ Львов бундай дейди: *«Мен илгари Тамарахонимнинг концертини кўрмаган бўлсам-да, аммо унинг таърифини эшитган эдим. Бугунги концертдан жуда мам-*

*нунман. Тамарахоним чиндан ҳам совет санъатининг атоқли на-
мояндаси экан».*

– Мен концерт пайтида ўзимни томоша залида эмас, гўё Каспий соҳилларида юргандек ҳис қилдим. Тамарахонимнинг озарбайжон, грузин тилларида айтган жўшқин ашулалари менга ҳеч унитилмас таъсир қилди. Бугунги концерт ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон ССРнинг халқ артисти Тамарахоним ўзининг ижодий ҳаётини мамлакатимиздаги кўп миллатли халқлар санъати блан маҳкам боғлаганлигини яққол кўрсатди, – дейди капитан Мамед Эфендиев.

Қўш орденли ва қўш медалли Тамарахоним ансамблида композитор Пўлатжон Раҳимов раҳбарлигида Солиҳов, Шукруллаев, Алиев ва Қодировлардан иборат ўзбек миллий музика группаси бор. Улар Тамарахонимнинг ҳамма қўшиқларига жўр бўлишдан ташқари бир неча ўзбек миллий куйларини ҳам усталик блан ижро қилдилар. Айниқса, Шукруллаевнинг қайроқ ва тоғора ўйини томошабинларни қойил қолдирди. Концертмейтр ва программани олиб боручи София Швидлер эса қарийб ҳамма репертуарларнинг мазмунини моҳирлик блан рус тилига таржима қилиб бериб турди.

Ҳозир «Шарқ юлдузи» Тамарахоним ўз ансамбли блан қўшилма ва қисмларимизда концертини давом этдирмоқда.

Капитан Т.Соатов

1945 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ. №70 (355)

ТАРИХИЙ КУНГА МЕНИНГ СОВҒАМ

Ҳаётимда бўладиган унутилмас тарихий кунни мен сабрсизлик блан кутмоқдаман. Бу кун – 1946 йил 10 февраль. Ўша кун мен сайлов қутиси ёнига бориб давлатимиз ҳокимиятининг энг юқори органига биринчи марта овоз бераман.

1937 йил 12 декабрда СССР Олий Советига бўлган биринчи сайловларда овоз бермаган бўлсам-да, лекин сайлов кампаниясида иштирок этган эдим. У вақтда колхозда табелчи бўлиб ишлар ва

бригадада агитаторлик вазифасини адо этардим. Колхозчиларимиз сайловни қандай муваффақиятлар блан кутиб олганликлари, сайлов куни эса катта халқ байрамига айлангани кечагидек эсимда.

Мен улуғ ватан урушида қатнашиб, Сталин Конституцияси берган ҳуқуқларни, совет ҳуқумати берган бахт-саодатли турмушимизни ҳимоя қилдим. Ҳозир ҳам Ватан олдидаги гражданлик бурчимни бажариб, ҳарбий хизматни давом этдирмоқдаман.

СССР Олий Советига сайловлар кунига менинг совғам қисми-миздаги жанговар ва сиёсий тайёрлик аълочилари қаторидан фахрли ўрин олиш бўлажак.

Қизил аскар Ж.Йўлдошев

АЪЛОЧИ ЭКИПАЖ

Улар бепоён мамлакатимизнинг ҳар томонидан: младший лейтенант Саъди Бердиев – ўқитучи, Ўзбекистоннинг Бухоро шаҳридан, старшина Топильский – колхозчи, Тамбов областидан, старший сержант Балкушин – ишчи, Сталинграддан, сержант Иброҳимов – Ўролдан. Экипажда фақат йигирма ёшли Саъди Иброҳимовгина янги келган. Экипажнинг бошқа аъзолари – улуғ кураш қатнашчилари, каттиқ жангларда бой тажрибаларга эга бўлган қаҳрамонлар, мағрур кўкраклари кўша-кўша орден ва медаллар билан безалган ажойиб баҳодирлардир.

Аммо шу жанговар оиланинг янги аъзоси – топ командири Иброҳимов ҳам ўз куралининг ҳамма материал қисмини беш бармоқдай билишда ўз сафдошларидан қолишмайди. Шунингдек, у даҳшатли машинани ҳам командир Бердиев каби яхши қилади. У ўзиюрар тўпни юргизиш қоидасини механик-ҳайдовчи Топильский сингари билади. Хушчак-чак рус йигити – ўқловчи Балкушин эса истаган вақтда машинани ҳаракатга киргиза билади ва зарур бўлганда тўпдан ҳам ота олади. Яъни бу аълочи экипажнинг ҳар бир аъзоси истаган вақтда бир-бирининг ўрнини босишга қодир.

Яқинда бўлинма командири барча экипажларни жиддий синовдан ўтказди. Шу синов пайтида Бердиев экипажи аъло баҳога эга бўлди ва ташаккур олди. Ўзиюрар тўпдан 1000 метр масофадан рос-

такам отиш машқида ёш аскар Иброҳимов тез юриб бора туриб отиб биринчи снаряд бланок нишонни уриб йикитди.

Бердиевнинг экипажи ўз севикли куроли – ўзиюрар тўпни ҳар қачон кўз қорачиғидай сақлайди.

Капитан М.Садриддинов

МЕНИНГ «МАКСИМ»ИМ

Бизнинг «максим»ни кўрган киши ҳавас қилади. У ойнадек ярқирайди, материал қисмлари соат механизмидек ишлайди. Биз шу жонажон дўстимиз блан Улуғ Ватан уруши фронтида неча юз километрлаб шонли йўл босиб ўтдик. Ҳозир эса шу пулемётимиз блан таълим олиб, ўз ҳарбий билимимизни тўхтовсиз ортдирмоқдамиз.

Расчётимизда Ватан уруши ветеранлари блан бир қаторда янги аскарлар ҳам бор. Биз шу ёш жангчиларни қисмимизнинг шонли традицияси асосида тарбияламоқдамиз, бой тажрибаларимиз блан чиниқдирмоқдамиз. Улар Ватан олдида ичган қасамларига сўнги нафаси чиққунча содиқ аскарлар бўлиб етишмоқдалар.

Расчёт командири Я.Умаров

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛА ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон колхозлари йиллик ғалла тайёрлаш давлат планини бажардилар. Республикаимизнинг жуда кўп илғор колхозлари давлатга пландан ташқари ғалла топширишни давом этдирмоқдалар.

ИККИНЧИ БОБ



«ДУШМАНГА ҚАРШИ ОЛҒА»

Мазкур газетанинг 1944 йил 6 январь (№2 163) сонидан 24 декабрь (№122 263) сонигача, жами 268 саҳифадан иборат 67 сони – 2 – 4-, 7 – 14-, 19-, 21 – 23-, 25 – 34-, 36 – 43-, 45 – 47-, 53-, 55 – 56-, 58-, 60 – 61-, 63 – 64-, 68 – 70-, 73 – 77-, 80-, 83 – 92-, 94 – 102-сонлари сақланиб қолган. Газета ҳафтада 2 мартадан чиқиб турган. Унинг масъул муҳаррири М.М.Рамзин, масъул муҳаррир ўринбосари Ҳ.Рисқулов бўлган. Газетанинг фаол мухбирлари Саид Мурод, Мансур Маҳмудов, Абитай Турумбетов, А.Мухторов, Э.Қаюмов, И.Подпасков ва бошқалар бўлган. Абитай Турумбетов газетанинг айрим сонларига масъул муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Шунинг қайд этиши лозимки, газетанинг 1944 йил 6 январгача 162 та сони чиққанлиги маълум. Уларнинг бари ихтиёримизда эмас. Газетанинг барча сонларини қидириши, топши зарурдир. Балким, газетанинг бу сонлари СССР Мудофаа вазирлиги архиви фондларида, Россия ҳарбий давлат архивида ёки Россия, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари архивлари ва музейларида сақланаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг ҳамда шу газета муҳаррирлари ва уларнинг ўринбосарлари, фаол мухбирлари шахсий архивларида сақланиб қолган бўлиши мумкин. Хуллас, бу борада келажакда тадқиқот-қидирув ишлари олиб борилиши шарт.

Газетанинг бу сони 1-саҳифасида «Олий бош қўмондоннинг армия генерали Ватутинга буйруғи», «Бизнинг фронтда», 2-саҳифасида «СССР Олий Совети Президиумининг раиси М.И.Калининнинг 1943 йил янги йил муносабати билан сўзлаган нутқи», «Ефрейтор», 3-саҳифасида «Мард йигитларнинг сараси», «Немисни ўлдириш савоб иши», «Куч блан қилинган разведка», «Городок учун олиб борилган жангларнинг қаҳрамони», «Элдошларнинг учрашуви. Ширин суҳбат», 4-саҳифада «Армияга қўшиқ» шеъри, «Ўзбекистонда», «Жангчиларимизнинг оилалари учун», «Йиллик планни бажардилар», «Совет информбюросидан», «Рус тилини ўрганингиз», «Чет элларда» рукни остида мақола ва хабарлари берилган. Улардан айримларини келтирамыз.

ЕФРЕЙТОР

Бир кишлоқ учун бўлган қизгин жанг пайтида алоқа симлари узилиб қолди. Старший лейтенант симни тиклаб келишни бир жангчига буюраётганини эшитиб командир олдига югириб бориб:

– Алоқа симларини бориб тузатиб келаман, – деб командирдан рухсат сўрадим. Командир сўроғимни рад қилмасдан рухсат берди. Чакалакзорлар ичидан писиб бориб музли дарёдан кечиб ўтдим. Душманнинг пулемёт, миномёт ўтлари остида ҳаракат қилиб узилган симларни уч бор жипслаштирдим. Ярадор бўлганимга қарамай, жанговар вазифани аъло даражада бажариб қайтганим учун командирим яна ташаккур эълон қилди ва ефрейтор унвони берди.

Ефрейтор Ҳайитжон Раббиев

НЕМИСНИ ЎЛДИРИШ САВОБ ИШИ

Ўзбекистон колхозчиларининг фидокорона ишлаб, фронтга катта ёрдам бераётганликларидан биз, жангчилар, ғоят хурсандмиз. Эл-юртимизнинг бу ватанпарварлик иши жангчиларни янгидан-янги қаҳрамонликларга рухлантирмоқда.

Мард йигитларнинг сараси

Лейтенант Оғлуздин кўл остидаги пулемет вазводи мас'удиятга вазифани бажарайтиб, оғир аҳволга тушди. Немислар уни аввал икки томондан қисдилар кейинчалик кучларини тўплаб ҳужум қила бошладилар.

Взвод жангчилари доира шаклига мудофза қуриб, ён бермай тенг бўлмаган курашни давом этдирабердилар.

Кеч қурун лейтенант Оғлузданининг олдига бир ёшгина, қомати келишган жангчи келди. У пулемет расчегивининг иккинчи номери Араб Исламов эди.

— Ҳуш ўртоқ Исламов, нима деймакчисиз? — Деб бошини картадан кўтариб сўради лейтенант.

— Менинг бир таклифим бор, ўртоқ лейтенант, — деди Исламов.

Лейтенант руҳсат бергандан кейин Исламов тиз чўкиб ўтирди да, ниманидир шивирлаб гапирга бошладди.

Бир оздан сўнг лейтенант ўрнидан турди. Исламов ҳам кўтарилди.

— Муваффақият тилайман ўртоқ Исламов, — деди взвод командири.

— Ҳайр, ўртоқ лейтенант, жавоб берди Исламов ва ячелкздан йўлакка чиқиб ўз жойига томон кетди.

Сал ўтмай жангчиларимиз жойлашган окоплар олдида ўсган майда дарахтлар ўртасида янги бир тўп ўсимлик пайдо бўлди. Унинг

фарқи шугина эдики, — у ним қоронғуликда душманга томон силжиб борар эди.

Бирдан душман томонида бирин-кетин бир-неча гранзтанинг портлаши эшитилди. Ўша ерда тартибсиз отишма бошланди. Лейтенант оқондан сакраб чиқиб, ярим овоз блан командда берди:

— Орқамдан олға!

Лейтенант, унинг орқасидан эса пулеметларини судраб бутун взвод, немисларга томон югирди. Душман лагерда кўтарилган қоронғуликдан фойдаланиб взвод қуршовни ёриб қоронғуликда гайиб бўлди. Взвод анча узайиб кетгандан сўнг лейтенант Оғлуздин олдига бир жангчи келиб мурожаат қилди:

— Доклад қилишга руҳсат этингиз, ўртоқ лейтенант!

— Исламовимиз деб қичқирди лейтенант Оғлуздин.

— Ҳа мениан, — деди Исламов ва жылмайиб: душман лагерда ўлишни сра ақтирмадим. Ҳали уруш тамом бўлганда Ташкентга бориб бизни меҳмон қилмоқда ва да берган эдики ку.

Оғлуздин шодликдан қулиб, жангчини қучоқлади.

— Пулемет вазводига ҳарбаёт мард, ишда синалган жангчилар тайин қилнади, — деди у. Сиз эса бу мард йигитларнинг сарасисиз.

Қизил аскар Э. ҚАЮМОВ.

Сержант Исоков яқинда ажойиб мардлик кўрсатди. Яқинда қарши атакага тайёрланаётган немисларга қилинган атака вақтида жуда кўп фрицни қириб ташлади. У бу каби жанговар хизматлари учун «Ватан уруши» ордени блан мукофотланди. Пулемётчи Нуриддинов, Шокир Норқўзиевлар бир жангнинг ўзида ўз пулемётлари блан 50 дан ортиқ немисни ўлдирдилар.

Шунингдек, снайпер Шоим Шомуродов, самарқандли сержант Муродов каби мард йигитлар 100 лаб немисни кириб, душманни багамом тор-мор келтириш соатини яқинлаштирмоқдалар.

Ўзбек халқи «Немисни ўлдириш — улуғ савоб!» деган эди. Жангчилар катта савоб ишни бажармоқдалар.

Старший сержант Мухаммаджон Содиков

ЭЛДОШЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

Ширин суҳбат

Бир куни дивизиядан агитатор Мухтаров шу бўлинмага келди. Бўлинма командири ҳужум жанглар натижаси ва унда коммунистларнинг авангардлик роли ҳақидаги масаларнинг якуини тўплаш блан шуғулланмоқда эди.

Гапдан гап чиқиб старший лейтенант Нечаев:

– Ўртоқ капитан, сиз қаердан бўласиз? – деди Мухтаровга.

– Мен серқуёш Ўзбекистондан бўламан, – деди киссасидан кисетчасини чиқозиб тамакини ўраётиб.

– Нима учун сўрадингиз, ўртоқ старший лейтенант?

– Жуда муҳим. Бизда Абдурахмонов деган битта йигит бор, биз уни Саша деб юритамиз. У ўзбек, ажойиб қахрамон йигит. Сизнинг келишингиз жуда ҳам яхши бўлди. Уни сўзлатиб кўришга жуда ҳаваскор эдим. Афсуски, биз уни дилига тегиб сўз ташай олмаймиз; ахир ўйнаб-кулмайди, қандайдир дардлари бор билмайман.

У постдан олмаштирилди. Ўз блиндажига бурилмасдан ўрмон ичини оралаб, елкасида автомати блан чақирилган блиндажга қараб жўнади.

Ўзи кичкинагина 5 – 6 одам блан лиқ тўла блиндажга у зўр гавдасини суқиб кирди. Ва йўғон яқимли овози блан:

– Ўртоқ старший лейтенант, сизнинг буйруғингиз бўйича ефрейтор Абдурахмонов келди. (Ўша жангдан кейин ефрейтор номи берилган эди унга.)

– Яхши, ўтир. Сенга элдошинг битта ўзбек йигити келди. Эшикка чиқди, ҳозир келади. Ўтириб тур, – деди.

Елкасига пўстинини ёпингани ҳолда қизил юзли, чирайлик, ўрта бўйли ёш йигит энгашиб блиндажга кирди. У ўтириши блан старший лейтенант Нечаев:

– Мана, элдошингиз капитан ҳам келди, – деди. Жойлашиб ўтириб, қўли блан сочини юкорига бир сипаб қўйди-да, Собиржонга қараб табассумли юз блан: – Қани, бир танишиб қўяйлик-чи, исмишарифингиз ким бўлади, фронтга қачон келдингиз?

Деярлик икки йил бўйи фронтда юриб Собиржон ўзининг жонажон тилида гапни шу биринчи галгина эшитиши эди, халос. У ўз отасини кўрганидек шод бўлди. Баҳри очилиб, дили хуш урди. Кўрган-билганларини бутун бошдан охиргача гапириб берай деган эди, фурсат ва шароит йўқлигини ҳисобга олди.

– Исмин Собиржон, Бухоро области Косан райони палан колхозининг аъзоси – кетмончи эдим, қирқ иккинчи йилдан буён фронтданман, – деб жавоб берди.

Диллар яқинрок, суҳбат жонлирок бўла бошлади.

– Собиржон эса мен ҳам худди ўша Косан райониданман.

Собиржон юлиб олгудай:

– Қай ерда ишлар эдингиз?

– Муборак совхозини биласизми?

– Эса-чи.

– Ана худди ўшанда сиёсий бўлимда ишлар эдим. Ихтимол, кўп танимассан, мен ундан бурун Самарқандда қишлоқ хўжалик институтида ўқир эдим. Собиржон ўрнидан ирғиб туриб жуда ҳам яқин элдоши бўлиб чиққан ёш капитан Абдулла Мухтаровни қучоқлаб қайтадан кўришди.

Собиржоннинг шод бўлиб, барқ уриб гаплашаётганини диққат блан кузатиб турган старший лейтенант Нечаев ғоят хурсанд эди. Чунки Собиржоннинг шодлигини у ўз шодлиги деб ҳис этар эди.

Собиржон анча гаплашди. Уруш даврида кўрган оғир ахволини ўзидан чиқозиб ташлагандай бўлди.

– Отамнинг якка-ягона ўғли эдим, Абдулла ака, нодонлик-да охир. Ойлам мени ҳеч қаерга юбормас эдилар. Ҳатто ўқитишни ҳам билмаганлар. Бир пақирлик саводим йўқ. Рус тилини ҳеч билмайман. Рус ўртоқларимга ёздириб 3 – 4 мартаба қишлоққа хат солган эдим, ҳалигача биронта жавоб ололмадим. Армонданан ўқимаганим учун, Абдулла ака! Ўзимга хафаман, шунинг учун уруш битса, уйланишдан ҳам бурун ўқийман энди, – деди.

Агитатор капитан Мухтаров элдошнинг бу сўзларини алоҳида кўнгил бериб тинглади.

Агитатор ўзининг элдошига ҳозирги Ўзбекистондаги Фарҳод қурилиши, ишчи ва колхозчиларнинг тинмайин ишлаб фронтга бераёт-

ган ёрдамлари ҳақида, халқаро аҳволлар, Қизил Армиянинг ғолибона хужуми ва тез кунларда немис-фашист газандаларни тор-мор қилиб омон-эсан ўз эл-юртимизга қайтажагимиз ҳақида гапириб уни яна янги жанг сари, ғалабалар сари рухлантирди.

А.Турумбетов

Ўзбекистонда

ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРДИЛАР

Давлат Мудофаа Комитетининг кўчма қизил байроғини беш ойдан буён ва ЎзК(б)П Марказий Комитети блан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг кўчма қизил байроғини 7 ойдан буён ўз қўлида сақлаб келаётган взвод коллективи (директори ўртоқ Ярунин) 30 ноябрда жанговар машиналар ишлаб чиқариш юзасидан берилган йиллик давлат топшириғини бажарди. 11 ой ичида бугун 1942 йилда чиқарилганидан 66 процент кўп маҳсулот чиқарилди. Маҳсулот тан-нархи 9 ой ичида пландагидан 15 процент камайтирилди.

Взвод ишчилари ва инженер-техниклари улуғ Сталиннинг чақириғига жавобан жанговар машиналар ишлаб чиқаришни янада қучайтиражақлар.

Б.Лисунов, взвод бош инженери

* * *

Марғилон ипак комбинатининг тўқув фабрикаси социалистик мусобақани кенгайтириш натижасида 26 ноябрда йиллик планни бажарди. Йил охирига қадар пландан ташқари юқори сифатли 145 минг метр ипакли газлама тўқиб бериш мажбуриятини оламиз.

Фабрика директори вазифасини вақтинча бажаручи Салимов. Бош инженер Зайцев. Партком секретари Шахгельдян

* * *

Самарқанд гўшт комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини бажарди. Комбинат коллективи ўртасидаги социалистик мусобақада мол сўйиш цехи биринчиликни олди.

* * *

Термиз пахта заводининг коллективи Октябролди социалистик мусобақасига қўшилиб, йиллик планини муддатидан олдин бажариш мажбуриятини олган эди. Коллектив фидокорона ишлаб бу мажбуриятни шараф блан бажарди. Завод пахта толаси чиқариш йиллик планини 25 ноябрда 102,8 процент бажарди.

ЖАНГЧИЛАРИМИЗНИНГ ОИЛАЛАРИ УЧУН

Наманган район Дегрезлик даҳасидаги Сталин номли колхоз қизил аскар оилаларига 420 пуд буғдой, гуруч, битта қўй тақдим этди.

Шунингдек, Чуқуркўча даҳасидаги Тельман номли колхоз 300 пуд гуруч, 180 пуд маккажўхори, 600 пуд сабзавот ва 5 қўй ажратди. Тельман номли колхоз 2.400 пуд ғалла, 1.200 пуд сабзавот ва 5 қорамол берди. Колхоз раиси ўртоқ Мўминжон Эгамбердиев 100 килограмм шоли ва битта қўй тақдим этди. Каттакўрғон қишлоқ советидаги Фрунзе номли колхозининг раиси Олимов ҳам бир бузук берди.

1944 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ. №3 (164)

ЖАНГОВАР ДЎСТЛИК

Ёз кунларидаги каттиқ жанглارнинг бирида ярадор бўлиб тўрт ой мобайнида госпиталда ётган оддий аскар Гапсиддин Зияев ўттизтача рус жангчилари блан бирга қалин ўрмонзорни кезиб яна фронтга борди. Уларга келиши бланок бўлинмаларга ким қаерга бориши тўғрисида тушинтирдилар.

Зияев отделенияси жойлашган ертўлага кириб янги командири сержант Полторацкий кўрсатган жойга халтасини ташлади-да, сўрининг четига ўтирди. Ертўланинг ичкараси ва сўрида ётган янги ўртоқларини кўздан кечираркан, бир жангчи бошини кўтариб унга тикилиб қаради:

- Ўзбек?
- Ҳа, ўзбек, – жавоб берди Зияев.
- Қаерликсан?



Суратда: Партия аъзоси, тўп устаси, старший сержант Акбар Матқосимов ҳужум жангларда душманнинг артиллерия-миномет ўти остида кўп тўпларни тузатгани учун «Жанговар хизмати учун» медали блан мукофотланди.

Суратчи: С.Баранов.

кишини.

– Хўб, ўртоқ сержант...

Ўшандан буён икки ой ўтди. Зияев жангда иштирок этган бўлса ҳам, растини айтганда, илгари ҳарбий маҳорат жиҳатидан анча ожиз эди. Чкалов эса тажрибали солдат. У Гапсиддинни ҳақиқатан оталикка олиб, унга кўп нарсаларни ўргатди. Иккаласи бир-биридан ҳеч ажрамас эдилар. Бирга мудофаада турдилар, бирга разведкага бордилар. Ҳатто отделениядаги бошқа ўртоқлари ҳам уларни «ажралмас дўстлар» деб атай бошладилар.

Кунлардан бир кун икки дўст хизмат қилаётган қисм ҳужумга ўтди. Қисм олдидаги вазифа душман мудофаасини ёриб ўтиб аҳо-

Шундай пайтларда она тили, айниқса, ширин туюлади. Зияев шодланиб:

– Наманганликман, – деди.

– Вот так!¹¹

Жангчи ўрнидан турди-да, Гапсиддинга келиб қўлини узатди.

– Ман тоже Наманган. Маники Чкалов. Сан?

– Зияев, Гапсиддин Зияев.

Иккаласи ҳам хурсанд. Анча ўтириб сўрашдилар, сўзлашдилар. Гапсиддин Чкаловнинг «Баранчик бор?» саволига жавобан хотини ва болалари борлигини сўзлаб берди ва ҳатто каттакони – олти яшар Максудани тасвирлаб ўтди. Янги ўртоғи ўзбекчага нўнокрок бўлса ҳам, унинг сўзлари Гапсиддин учун ёқимли куй сингари жаранглар эди.

– Ҳамқишлоқни топдингизми? – деди кулиб Полторацкий Чкаловга.

– Ҳа, ҳамшаҳар, – деб жавоб берди у.

– Жуда соз. Оталикка олингиз бу

¹¹ Ҳа, шундайми?

ли яшайдиган икки муҳим пункт ўртасидаги темир йўлни кесишдан иборат эди. Старший лейтенант Сухаков кўл остидаги рота артиллерия тайёрлик бошлаганда снаряд портлашларига мумкин қадар яқинроқ силжиб, душманнинг биринчи маррасини ёриб ўтди-да, душманни узлуксиз қувлаб бир ўрмонликка етиб борди. Бошқа бўлинмалар ортда қолганлари учун илгари силжишни тўхтатишга тўғри келди. Старший лейтенант Сухаков доира шаклида мудофаага тайёрлик кўришни буюрди-да, взвод командири лейтенант Андерсоновни чақиртирди.

– Разведка юбориш лозим. Аблахларнинг қай ерда қандай жойлашганлигини билиб олишимиз зарур. Икки-уч кишигина ишончли жангчилардан бўлсин, – деди.

Андерсонов взводиға қайтиб, алоқачига қисқагина буйруқ берди:

– «Ажралмас дўстлар»ни чоқриб келингиз!

Бир минут ўтар-ўтмас чўққайиб қарағайға суянган взвод командири олдида икки жангчи пайдо бўлди. Иккаласи ҳам ўрта ёшда, бақувват, кенг елкали қадрларини ростлаб қимирламай турардилар.

– Буйруғингиз бўйича келдик, ўртоқ лейтенант! – рапорт берди олдинроқ турган малла ранг мўйлави бор жангчи.

– Дурут, Чкалов. Яқинроқ келиб ўтиринглар, – деди лейтенант.

Бу ҳақиқатан Чкалов блан Зияев – ажралмас икки дўст эди. Иккаласи чўққайиб, командирға мумкин қадар яқинроқ ўтирдилар. Лейтенант Андерсонов вазифани тушинтириб, охири:

– Тушунарлими? – деб сўради.

– Тушунарли, – ўзи учун ва дўсти Зияев учун ҳам жавоб берди Чкалов. – Бу ўрмонзорни нариги чекасиғача разведка қилиб келмоғимиз лозим.

– Бажаринглар!

... Икки дўст аста-секин қарағайзорни кезиб борар экан, ўрмонда ҳатто кишининг изи ҳам кўринмайди. Охири разведкачилар ўрмон чекасиға етиб бордилар. Икки қарағай орқасидан туриб олдиндаги очиқ далаликни кузата бошладилар. Ўрмон чекасидан 15 – 20 метр масофада темир йўл. Нарироқда, ундан 50 метр масофадаги тепалик тагида окоп. Ўнг томонда қалин ўрмон, чап томонда эса 300 метр масофада темир йўл станциясининг биноси кўринмоқда. Унинг ол-

дида, шарқи-шимолида бўлинмаларимиз хужум қилаётган томонга қаратилган траншеялар ва икки ДЗОТ.

– Она, энди қайтсак ҳам бўлади, – деди шиғирлаб Чкалов. Гапсиддин бошини силкиб маъқуллади. Бу гапдан сўнг иккаласи яна бир марта олдидаги манзарани кўздан кечирдилар.

– Хальт!..

Икки дўст дарахтни пана қилиб чап томонга тикилиб қарадилар. Ўнтача немис солдати, улардан бир-икки қадам берироқ бир немис уларнинг бошлиғи, шекилли.

Хальтни яна такрорлади ўша немис.

Чкалов бошини аста-секин буриб Гапсиддинга қаради. Гапсиддин унга қаради. Бирдан ўрмонзорда милтиқ овози жаранглади. Унга жўр бўлиб автомат татақлаб кетди. Олдин бир немис, сўнг яна учтаси йиқилди.

– Урра! – деб икки дўст бирдан илгарига ташландилар. Немислар доврираб темир йўлга томон қоча бошладилар. Милтиқ блан автомат овозлари яна янғиради. Битта, сўнг яна иккита немис чалқамчасига йиқилиб тушди. Учтаси темир йўл орқасига думалаб тушдилар ва ўша ердан автоматларидан ўт очдилар. Уларга жавобан ўрмон чекасидан фақат милтиқнинг овози эшитилди. Бирдан қарағай шохларини тебратиб гранатанинг порглаши гулдуради. У немисларга боғишланган Чкаловнинг совғаси эди. Бир зумдан сўнг темир йўлнинг нариёғида тепаликка томон қуён сингари иланг-биланг сакраб қочаётган бир немиснинг қораси кўринди. Чкалов, унинг орқасидан эса Зияев ҳам, темир йўлга томон югириб борди-да, тез жойлашди. Чкалов қисқа сидра ўқ узиб ўша қочаётган немисни ҳам нариги дунёга жўнатди.

– Балли, Чкалов. Шу блан ўнта немисни ер тишлатдингиз! – қичкириб деди Зияев.

– Учтаси сизнинг битта-биттадан отган ўқингизни еб ўлди-ку, Зияев, – кулди Чкалов.

Худди шу пайтда икки дўстнинг тепасидан ғуж-ғуж учган ўқлар визиллай бошлади. Тепалик этагидаги окопларда жойлашган немислар пулемётларидан қаттиқ ўт очдилар.

– Хўш?! – деди Чкалов.

– Ёнимда ҳали икки юздан ортиқроқ ўқим бор-ку охир, – деб жавоб берди Зияев.

– Гап унда эмас, дўстим. Бу жойни сақлаб қолиш керак, албатта, бу ердан туриб станцияга қанот томонидан зарба бериш мумкин. Лекин командирга ҳам хабар беришимиз жуда зарур.

– Бундай ишларга мендан кўра сиз эпчилроқ.

– Боринг, Зияев. Бу ерда менинг автоматим фойдалироқ бўлади, – деди жиддийлик билан Чкалов. – Менга фақат гранаталарингизни берсангиз, шуниси кифоя...

Зияев бағрини ерга бериб ўрмон чекасига томон силжий бошлади. Биринчи дарахтларга етиб бордию у энди туриб кўтарилганда бир ўқ унинг каскасига тегиб ўтди. Гапсиддин йиқилди.

– Эҳ! – деб хўрсинди Чкалов. У бошини буриб дўстини кузатиб ётарди.

Шу он Зияев ҳушига келди. «Шошилган қиз эрга ялчимас!» деди у ўз-ўзига ғазабланиб, «дўстининг ҳаёти ва бўлинмамининг муваффақияти менинг тезроқ хабар беришимга боғлиқ бўлганда шошиланганимни қаранг!» – у тишга тиш қўйиб ўрмон ичкарасига томон ўн-ўн беш қадам эмаклаб бориб турди-да, қадам ташлаб ўрмон ичида ғойиб бўлди.

Ўн минут ўтар-ўтмас Зияев бир ярим километр йўл юриб алоқачи – татар йигити Абдуллиннинг ёрдами билан рота командирига доклад қилди.

– Ҳаммасини пухта таржима қилиб бердингизми менга? – деб сўради лейтенант.

– Бир сўзини ҳам унутмадим, ўртоқ командир, – деб жавоб берди Абдуллин.

Рота командири телефон трубкасини олди.

Бир оздан сўнг рота жойлашган ерда ҳеч ким қолмади.

Зияев дозор билан бирга силжиб бораркан, пулемёт ва автомат овозларини босиб Чкалов қолган ердан бирин-кетин уч граната портлаши эшитилди.

«Ана, энди ҳужумга ўтдилар, лаънати!» – деди ўзига Зияев қадамларини тезлатиб.

Рота ўрмон чекасига етиб бориб ҳужумга ўтди.

– Бормисан, дўстим? – деди қичқириб Зияев.

– Ҳа, борман!

Икки дўст ёнма-ён югириб темир йўл кўтармасига чикдилар. Лекин икки изнинг қоқ ўртасида Зияев йиқилиб оёғини ушлади. Душман ўқи тиззасига тегиб суякларини тешиб ўтди. Чкалов, ўқ виззилашига қарамай, дўстини кўтариб илгари ўзи ётган ерга жойлаштирди.

– Хайр, дўстим! Тез соғайиб тез қайтинг! – деди ва Гапсиддинни пешанасидан ўпиб илгари жангга томон ташланди.

Немислар тўсатдан берилган зарбага дош беролмай тумтарақай кочдилар. Тепаликтагидаги окопларишғолқилинди. Рота силжишини тўхтатмасдан станцияга томон бурилиб хужум бошлади. Худди шу он фронтдан бошқа бўлинмаларимиз ҳам хужумга ўтдилар. Қисқа, лекин қизғин жангдан сўнг станция биноти тепасида қизил байроқ кўтарилди. Қисм олдига қўйилган вазифа бажарилди. Станция тепасида байроқ ҳилпиллаётганини Зияев икки санитар кўтарган замбар устида ётиб ўз кўзи блан кўрди.

Бу воқиаларни Гапсиддин Зияев ўзи сўзлаб берди бизга. У хозир госпиталда. Доктор уни икки-уч ҳафта ичида соғайтириб ўз қисмига, дўсти Чкалов олдига жўнатишга ваъда берди.

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИ- ПАХТАКОРЛАРНИНГ КЕНГАШИ

ТОШКЕНТ. 2 январь («Правда» мухбири). Бу ерда Ўзбекистон колхозчи-пахтакорлари кенгаши очилди. Кенгаш ишида икки мингга яқин колхоз вакиллари – звено бошлиқлари, бригадир, колхоз раислари, агрономлар ва, шунингдек, республиканинг район ва область партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари қатнашмоқда.

Делегатлар орасида кўпининг донғи чиққан пахтакорлар. Ленин районида «Ленинчи» колхозининг раиси Халиков, Ҳожиобод районида Сталин номли колхоз раиси Жўрабой келди. Улар иккаласи давлатга чигитли пахта топшириш планини анча ошириб бажаришга эришдилар. Улар раҳбарлик қилаётган колхозларда чигитли пахтанинг ўрта ҳосили гектаридан 20 центнерни ташкил қилади.

Тошкент область Янгийўл райониға қарашли Каганович номли колхоз йилдан-йил чигитли пахта топшириш планини анча ошириб бажармоқда. 1943 йилда колхоз ҳар гектаридан 25 центнер чигитли пахта териб давлатға топширди.

Колхозчи-пахтакорларнинг пахта ҳосилини кўтариш вазифалари ҳақида доклад блан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Советининг раиси ўртоқ Абдурахмонов сўзға чиқди.

1944 ЙИЛ 13 ЯНВАРЬ. №4 (165)

СЕРЖАНТ ИСМОИЛ КАРИМОВНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Кизгин жанг давом қиларди. Бизнинг қисмимиз қишлоққа ёриб ўтарди ва шу вақтда тўсатдан жуда яқин масофадан немис автоматчилари ўт очдилар. Улар биз шикастлантирган танкаға бекиниб олдилар-да, бизнинг жангчиларимизға қарата кучли ўт очиб ерга ётишға мажбур қилди. Бир ўқ командир отделения сержант қозок Бойбековни ярадор қилди. Жангнинг шу оғир минутида коммунист Исмаил Каримовнинг эрларча баланд, мустаҳкам товиши эшитилди: Менинг команدامни эшитингиз!

Ўзбек халқининг «Эр кишини майдонда кўр» деган мақоли бор. Каримов тезда вазиятни ҳисобға олди. Мақсад битта – душман автоматчиларни қириб ташлаш, қишлоқни озод қилиш эди. Каримов душманға автоматдан ўт очиб қира бошлади. Жангчилар қаҳрамон командири томонидан жонлантирилди ва уларни ўлим қуршовға олди.

Душман автоматчиларига ёрдам келди, аммо вақт ўтган эди.

– Олға, ўртоқлар! – деб қичқирди Каримов. Душман қишлоқ бўйича таралиб қоча бошлади, қаерға қочсалар ҳам ўлимдан қутила олмадилар. Ким сонайди, Каримов неча немисни ўлдирди? Ўнтача немис ўлиги жанг майдонида ётар эди, уларнинг ҳаммаси Каримов ва унинг жанговар дўстлари томонидан ўлдирилган эди.

Эрта блан донгдор совет артиллеристлари немис траншеяларига қаратиб ўлим ўтини очдилар. Атакага Исмоил Каримов биринчи бўлиб кўтарилди. Жангчилар унинг товишини эшитдилар:

– Олға Ватан учун!

«Урра» товиши блан пулемёт ҳам автоматдан ўт очиб унинг жанговар дўстлари – Маҳмудов, Азимов, Расулов, туркмен Жумаев, грузин Динарзелар илгари қараб югириб бордилар.

Улар траншеяларга гранат ташладилар, ҳали тутун тарқалиб битмаган эди, жангчилар немисларнинг теппасидан траншеяга сакраб тушдилар. Траншея ичида жанг бошланди. Бир немис автоматини Каримовга қаратиб отди. Сержант тезда сакраб тушди, ўқ орқа томондан нимагадир бориб тегди.

– Энди ол! – деб Каримов кичқирди ва душман унинг ўқи блан оғдарилиб тушди. Иккинчи фашист қочмакчи бўлган эди. Каримовнинг автомат очреди блан у ҳам оғдарилди. Каримов тирик немисни октариб душман ўликлари устидан ўтиб борар эди. Каримовга қарата қаердандир отилган ўқ унинг ёнидан визиллаб ўтди. Каримов у немисни ҳам отиб ўлдирди.

Совет жангчиларининг зарбасига бардош бера олмай гитлерчилар ўлган ва ярадор бўлганларини ташлаб қочдилар. Исмоил Каримовнинг юраги севинч блан урарди: яна бир парча совет ери душмандан тозаланди. «Жасурлиги учун» медали донгдор жангчининг кўкрагини безатиб турарди, унга сержант унвони берилди ва командир отделение қилиб тайинланди.

Ўзбекистон халқлари ўзининг донгдор ўғли, Тошкент шаҳрининг собиқ ўқитучиси Каримов блан фахрланади.

Орденли майор Мансур Маҳмудов

ПАРТОРГ ҲУСАИНОВ

Ўртоқ Ҳусаинов фронтга янги келган кунларида ҳарбий техникадан биронтасини ҳали яхши билмайдиган оддий жангчи эди. У рус оғалар ёрдами блан бир неча ойлар ичида ҳарбий техникани яхши ўзлаштириб олди. Немис босқинчиларга қарши бўлиб ўтган бир қанча жангларда иштирок этди, жанг майдонида ўзини кўрсатди. Унинг

яхши хизматларини эътиборга олиб ўртоқ Хусаиновга аввала сержант унвони берилди. Ҳозир у рота парторги ҳам старшина.

Ўртоқ Хусаинов парторглик қилаётган рота жангчилари ўртасида партия сиёсий ишлари яхши йўлга қўйилган, ротада 12 та агитатор бор, улар жангчилар ўртасида кенг агитация ишини олиб бормоқдалар. Жангда ўзини кўрсатган жангчилар ҳақида жанговар варақалар чиқариб уни жангнинг қизғин пайтларида бошқа жангчиларга олиб бориб ўқиб бериб уларни ҳам илҳомлантирадilar. Агитаторлар, бундан ташқари, кундалик газеталарда эълон қилинаётган Совет Информбюро ахбороти, чет эл хабарлари, фронтимиз қаҳрамонлари ҳақидаги мақолалардан ҳам ўқиб тушинтириб берадилар.

Бундан ташқари, Хусаинов якка-якка суҳбатлашиб, жангчиларнинг тушинмаган жойларини тушинтириб беради, ҳол-аҳволларини сўрайди. Шунинг учун ўртоқ Хусаиновни ротадаги ҳамма жангчилар хурматлайди ва севадилар.

Қизил аскар Ҳамид Элмуродов

ҚАҲРАМОН ШАРҚ ФАРЗАНДЛАРИ

Бир кишлок учун бўлган қатъий бир жангда старший лейтенант Крюковнинг ПТР взводи алоҳида маҳорат кўрсатди.

Турили миллат жангчиларидан бўлган бу дўстона взвод қандай бўлмасин душманнинг қарши атакасини қайтариб, катта тош йўлни ва унинг бўйидаги кишлокни ишғол қилишга бел боғладилар.

Оддий аскар ўзбек йигити Жўра Дехқонбоев ўзининг танкка қарши отадиган қуроли блан бошлаб келаётган душманнинг «йўлбарс» танкасини уриб тўхтатди ва ёндириб юборди. Танк ичида иккита душман офицери ҳам қутила олмай қаҳрамон Дехқонбоевнинг такроран ўтидан ҳалок бўлдилар.

Бу жангда маҳорат кўрсатган қизил аскар Жўра Дехқонбоев ва бошқалар «Шухрат» ордени блан мукофотлашга белгиландилар.

(Ўз мухбиримиздан)

МАЙДОННИНГ МАРДИ БЎЛ

Старший сержант Абдурахмон Содиков



Қизил Юлдуз
ордени кавалери
гвардия
лейтенанти Собир
Исфандияров.

Б.Альминов сурати

Фронтда ҳаётим оддий аскарликдан бошланди. Ўқчилар ишини астайдил кўнгил бериб ўргандим. Натижада старший сержант унвонига эришдим. Малакамни яна ошириш учун офицер ва тажрибали ўқчиларнинг суҳбатларида иштирок этдим. Тушинмаган жойларни ўз ўртоқларимдан сўрадим. Ўқчилар тажрибаси ҳақидаги брошюра, китоблар, фронтимизда ўзбек тилида чиқадиغان газетадан ҳам анча нарсаларни ўқиб ўргандим.

Бу эса менинг ўз мутахассислигимни яна ҳам оширишга ёрдам берди. Командирим мени жанговар ва жавобгар вазифаларга бошлиқ қилиб юбора бошлади. Ҳар қачон ва ҳар жойда командиримнинг буйруқларини чаққон ва тўла бажариш учун тиришиб ҳаракат қилдим, бажардим.

Бўлиб ўтган бир жангдаги ўз бошимдан кечирган жанговар ҳаётни гапириб ўтмоқчиман.

Взводимиз шиддат блан олға ташланишга тайёр бўлиб турган пайт эди. Командирга душман ўқи тегиб сафдан чиқди. Дарҳол ўрнимдан турдим-да:

– Олға! Большакка қараб ўнгдан ва чапдан жўна! – деб команда бердим.

Жангчилар турган жойларида ва югириб бораётиб ўт очиб олға интилдилар.

Ўзим кўлимдаги автоматимдан ўқ узишда тўхтатмай отделениени большак бўйидаги душман траншеясига биринчи бўлиб бошлаб кирдим. Натижада большак ва унинг ёнидаги аҳоли яшайдиган пунктни ишғол қилдик.

Ўша траншея жангида ўзим тўртта немисни отиб ўлдирдим.

Ўз мутахассислигимни жангчилар блан яна чуқурроқ ўргана бошладим. Ва бир неча жангчиларни тайёрлаб майдоннинг марди қилиб етказдим.

Кўрсатган маҳоратим учун кўмондонлик мени «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Майдоннинг марди бўлайлик, дўстлар!

ЖАНГОВАР ҚУРОЛИНГНИ ЖОНИНГДЕК СУЙ

Одий аскар Аббор Ҳаялиев, 1-даражали «Ватан уруши» ордени блан мукофотланган

Ўртоқлар! Мен 1942 йилнинг сентябридан буён немис-фашист босқинчиларга қарши курашаётirman.

Шонли Ватанимни, қадрдон халқимни, жонажон оиламни севаман. Снайпер милтиғим блан душманни шафқатсиз қириб, ҳар қачон бир немисни ўлдирган сайин уни қишлоғимда қолган ягона севикли жонажон қизим Найилани кучоқлаб ўпканим каби бир ўпиб яна бош устига кўтараман.

Чунки мен бу қурол блан 125 немисни ер тишлатиб аълочи снайпер номига эга бўлдим ва мана шу бугунги тажрибали солдатлар кенгашига вакил бўлиб келишга муяссар бўлдим ахир.

Ўз тажрибамдан қисқачагина гапирмоқчиман.

Снайпер мохир, жасур ва чакқон бўлиши блан бирга ер шароитига қараб ўзгара билиши зарур. Яъни киш бўлса оқ халат кийиб қор ва муз ниқобида бўлиб, баҳор ва ёзда эса кийими ўрмон ва кўкатлар шаклига ўхшаш бўлиши керак.

Яхши ниқобланиш – бу ўзини сақлаш демакдир, душманни биринчи ўқ бланок йўқ қилишнинг гаравидир.

Снайпер сабрли, чидамли, аллақерда лип этиб кўринган нарсани дархол пайқаб, оралигини тез ўлчаб чиқодиган кўзлари ўткур бўлмоғи лозим.

Ўз қуроли ва унинг оптикасини жонидек азиз кўриб кун сари кўздан кечириб турмаган снайпер снайпер эмас.

Мудофаа даврида мумкин қадар марранинг олдинги томонига силжий бориб, аста-секин, ўзингни душманга билдирмай танлаган жойингга бора бил. Душманни нишонга олиб йўқ қилиш учун эринмай баъзи бир маҳалларда соатлар бўйи кут. Қулай бўлмаган тақдирда жойларингни олмоштириб тур.

Мана мен ўтган йил ёзида худди мана шу йўсунда 56 немисни ер тишлатдим.

Ҳужумий жанглarda эса 20 гача немисни отиб ўлдирган кунларим ҳам бўлди.

Совет Иттифоқида

ПАХТАНИНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛИ УЧУН ОММАВИЙ САФАРБАР

ТОШКЕНТ (ТАСС). Ўзбекистон колхозчилари республика пахтакорлар курултайининг 2030 иштирокчиси ўзбек халқи номидан ўртоқ Сталинга берган қасам'ёдини бундан ҳам муваффақиятлироқ бажариш учун амалий чораларни кўрмоқдалар.

ЛИЖАДА ЮРИШНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Ҳозирги уруш шароитида лижада юришни ҳар бир жангчи ва командир билишлари лозим. Н-чи госпиталнинг иккинчи бўлимида бунини хўб яхши тушунадилар. Бу ерда енгил ярадор жангчи ва командирлар ўртасида лижада юришни ўрганиш иши яхши йўлга қўйилган. Лижада юришни ўрганишга, айниқса, узоқ шарқ ва жанубдан келганлар зўр қизиқиш блан киришдилар. Масалан, ўзбек йигитларидан кичик лейтенант Ўринбоев, оддий аскар Бобоев ва бошқалар лижачиларни тайёрлаш машғулотларида систематик равишда иштирок этиб лижада юриш спортида анча муваффақият қозондилар.

Лейтенант Н.М.Соколова

ЎРТОҚЛАРЧА ЁРДАМ

Рус тилини кам биладиган ўзбек жангчилари учун қўлидаги ку-ролларининг моддий қисмларини ёдлаб олиш анча қийин. Бу каби ўртоқларга амалий ёрдам бериш лозим.

Мен ўзим пулемётчиман, лекин автоматни ҳам хўб яхши ўзлаш-тирдим. Бўлинмамизда эса автомат қисмларини ва автоматдан отиш-ни яхши билмаган тўртта-бешта ўзбек йигити бор эди. Буларни ота-ликка олиб ўргатишга қарор қилдим.

Бир вақт бўлинмамиз бошқа участкага тайин қилиниб йўлга чиқдик. Мен дам олиш пайтлардан фойдаланиб ўртоқларимни ўр-гатишга киришдим. Бу ишда мен автомат қисмларини амалий аж-ратиш-йиғнаш усулини қўлладим ва бу усул кўп фойдали бўлиб чиқди. Ўн икки кун йўл юрган эдик, бу муддат ичида фақат дам олиш пайтлардан фойдаланиб ҳалиги ўртоқларим автоматни ўз-лаштириб ундан яхши отадиган бўлдилар. Улар ҳам на қадар хур-санд, мен ҳам хурсандман, чунки №309 буйруқни бажариш йўлида амалий иш кўрсатдим ва рота командиримиздан раҳмат олишга са-зовор бўлдим.

Оддий аскар Ш.Бобоев

ВАТАНГА РАПОРТ

*Сен жаҳонда тенги йўқсан, эй улуг Ватан,
Тингла, Ватан, бизлар келдик Ўзбекистондан,
Сен азизсан бизга, она каби ғамхўрсан.
Сенинг учун кечсак шодмиз тан ила жондан.
Гўдак эдик, меҳр қўйдик, қулиб қарадинг,
Озод қилиб берган эдинг қўлга ол байроқ,
Қундуз – қора сочларимиз силаб тарадинг.
Буйруқ ҳам бер, отланайлик, йўлларимиз оқ.
Барчамизга ҳаёт сари сен бердинг мандот,*

Бу байроғинг бизга ҳаёт келтирган байроқ,
Учарканмиз, осмонда сен бўлдинг қанот.
Улуғ элни қувончларга тўлдирган байроқ.
Ўзбек ўгли қучоғингда камоллар топди,
Бу байроқ-ла синдирилди қулликнинг бели,
Янги боғлар, гулу райҳон, ниҳоллар топди.
Бу байроқ-ла хуррам бўлган меҳнаткаш дили.
Сен буюрдинг, тиканзорни айладик гулзор,
Шу байроқ-ла доҳий дея жангга қирамиз,
Буйруғинг-ла чўлда пайдо бўлди узумзор.
Тумшуғи қон бўриларни тамом қирамиз.
Чаман бўлди қийноқларда қолган Фарғона,
Кўрсатамиз жангда Фарҳод ботирлигини,
Самарқанднинг донги кетди жумла жаҳона.
Зарб урганда Гўрўелининг моҳирлигини.
Гул ҳаётга қулиб боқди узоқ Хоразм,
Ёв устига Рустам каби босиб борамиз,
Аму бўйи гулзор бўлди, қурилди базм.
Сенга қилич қўтарганни уриб ёрамиз.
Камол топди ўғилларинг – шонли йигитлар,
Ёндирилган шаҳарлар ҳам қишлоқлар учун,
Болға урган, канал қурган донгли йигитлар,
Куйдирилган қиз-жувонлар, ўртоқлар учун
Бу йигитлар тоғни талқон қилишига тайёр,
Ўч оламиз, токи жонлар танимизда бор,
Йигитларки, дили тўла номус ила ор.
Қутилолмас қўлимиздан шумқадам – айёр.
Омон топмас қариши келса гарчи аждаҳор,
Кўрсатамиз канал қурган билаклар кучин,
Чунки белга боғлаганмиз мардликдан камар
Ўз бошига уражакмиз ёвнинг қиличин.
Ёв келибдур боғларингни тортиб олмоққа,
Ёвни яқсон, мамлакатни бўстон этамиз,
Жондай тотли гул ҳаётдан олов қўймоққа.
Яна бир йўл содиқликка биз онт ичамиз,

*Қўрқмас, ботир авлодингиз нўлат сафларда,
Буйруқ бергин, доно доҳий, қадрдон Ватан,
Жангга деган буйругингни кутамиз дамда.
Йўлингизга қурбон бўлсин жонлар ила тан!*

Аҳмад Бобожонов

1944 ЙИЛ 5 ФЕВРАЛЬ. №10 (171)

ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ БОТИРЛИГИ

Раҳима Алимова совет Украинаси учун бўлаётган жанглarda маҳорат кўрсатмоқда

Улуғ Ватан уруши майдонларида руслар, украинлар, белоруслар, қозоқлар, грузинлар, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва бошқа қардош халқларнинг дов'юрак ўғиллари блан бир қаторда бу халқларнинг кўпгина жасур қизларини ҳам тез-тез учратиб туриш мумкин. Ватанимизнинг бу оташин ватанпарварлари ҳам немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилётган мардона курашимизда яқиндан иштирок этмоқдалар.

Мен командирлик қилаётган полкда ўз номларини шон-шараф блан қонлаган ўзбек йигитлари орасида бир неча ўзбек қизлари ҳам бор.

Украина учун олиб борилаётган ҳужум жангларимизда Бухородан келган Раҳима Алимова деган комсомол қиз, айниқса, қаҳрамонлик кўрсатмоқда.

Ўқчи ротанинг санитария инструктори бўлиб хизмат этаётган бу жасур ўзбек қизи на ҳаводан қилинган ҳужумдан, на душман томонидан учган автомат ўқидан, на минадан қўрқади. Унга ҳеч нарса писанд эмас.

1943 йилнинг 18 июлидан 28 июлгача Шимолий Донецк дарёси қирғоқларида Донбасс учун ўн кунлаб жанг бўлди. Ана шу вақтда Раҳима Алимова пулемёт ҳам миномёт ўти остида 97 ярадор жангчи ва офицерга шошилиш медицина ёрдамини кўрсатди ва уларнинг кўпини жанг майдонларидан хавфсиз ерга олиб чиқди. Ҳаёт қолган

бу жангчи ва офицерлар Раҳима Алимовага ҳали-ҳали ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Бу жанглар вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Раҳима Алимова «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

1 сентябрдан 21 сентябргача давом этган 20 кунлик ҳужум жанглари вақтида ҳам Раҳима Алимова ана шундай мардона ҳаракат қилди. Бу сафар у 30 ярадор жангчи ва офицерни қурол-яроғи билан жанг майдонларидан олиб чиқиб, зарур бўлган медицина ёрдамини кўрсатди. Шундай пайтлар ҳам бўлдики, Раҳимахон айни замонда ҳам санитар, ҳам санитария инструктори, ҳам фельдшер вазифаларини бажонидил бажарди. Полкимиздаги ҳамма жангчи ва офицерларнинг Раҳимахонни чин қалбларидан севишларига, самимий хурмат қилишларига сабаб ана шудир.

Ўртоқ Раҳима Алимова жанг майдонларида фақат медицина ходими сифатидагина эмас, балки оддий жангчи сифатида ҳам ном чиқарди. Алимова бир тўда разведкачилар билан бирга душманнинг орқа томонига ўтди. Совет разведкачиларининг келишини сезиб фашистлар жанг бошлаб юбордилар. Ана шу жангда жасур қиз ўз автоматидан отиб ўнга яқин фашистни қириб ташлади. Яна бир жангда немислар қарши атакага ўтди. Шунда Раҳимахон олдинги сафга чиқиб жангчиларни илгари бошлади ва немисларни қиришда ҳаммага намуна бўлди. Бу жангдан кейин ўртоқ Алимова «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланишга тақдим қилинди.

Раҳима Алимова жонажон Ўзбекистон учун, серкуёш республиканинг бахтиёр халқи учун, ёр ва биродарларимиз учун жанг қилмоқда, янада порлоқ келажак учун немисларни беаёв қирмоқда.

**Подполковник Савин. Н-чи полк командири.
«Ватан шарафи учун» газетасидан олинди**

ЎЗБЕК БОТИРЛАРИ

Душманнинг қаттиқ мустаҳкамланган мудофаа минтақасини ёриб ўтиш учун буйруқ бўлди. Бизлар лейтенант Воротилов бошлигида хужумга тайёрландик.

Душманнинг олдинги марраси оғдар-тўнтар бўлиб, артиллериямиз ўз ўтларини душманнинг иккинчи маррасига кўчирганида атака бошланди.

Душманнинг бош тортишидан завкланиб биз шиддат блан атакага ташландик. Жангчилар бутун турдаги куроллардан ўт очиб душман траншеясига бостириб кирдилар. Қатордаги жангчилардан Хидиров, Иржановлар алоҳида маҳорат кўрсатдилар. Улар икковлари траншея жангида автоматлари блан 8 гитлерчини жаҳаннамга жўнатдилар. Алоҳида маҳоратни пулемётчи Бойматов кўрсатди. У, ўзи ярадор бўлганига қарамай, бир гуруҳ итваччаларнинг қарши атакасини қайтариб ўнларча немисларни кириб ташлади.

Взводимиз душманнинг биринчи мудофаа маррасини ишғол қилиш блан тўхтаб қолмайин қочиб бораётган душманни тиндирмай кува бошлади. Нагижада бўлинмамиз аҳоли яшайдиган яна иккита пунктдан душманни суриб чиқариб, тўрт юк машина, усти-бош қўйилган омбор, 2 отни ўлжа қилди.

Ватанимиз олдида ичкан муқаддас онтни жанг майдонидаги ўзбек жангчилари мана шундай оқлай ётирлар.

Ефрейтор Б.Олломурадов

ҚАСАМ'ЁД ҚИЛАМАН

*Меҳрибон онамдек севикли Ватан,
Сени деб гарбга келдим шарқдан.
Сени деб ёвларга бўлдим шафқатсиз,
Белорус ерида қирдим шафқатсиз.*

* * *

*Сталин сўзлари илҳомдир менга,
Галаба буйруғи куч-қудрат менга,
Ватаним топширган қурол қўлимда,
Аблаҳлар лол бўлиб ётар йўлимда.*

* * *

*Қасам 'ёд қиламан ўзбек тилида,
Бир немис ўлдирсам савоб кунига.
Бир томчи қоним қолгунча танда
Онамнинг оқ сутин оқлайин жангда.
Оддий аскар А.Каландаров*

Сен бу буюк оила (СССР халқлари оиласи) аъзоларининг тинч ва эркин ҳаётини душман ҳамласидан сақлашга бахт ва тўй айёмида аҳду паймон ичган эдинг-ку! (**Ўзбек халқи мактубидан**)

ПИЁДАЛАРГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Тезгина сим тўсиқларини бузиб пиёдаларимизга йўл очиш зарур эди. Ҳаммамиз оқ халатларни кийиб, гвардия сержанти Баков бошлиғида қор устидан эмаклаб жўнаб кетдик.

Сим тўсиқларини кеса бошлаганимизда душман бизларни кўриб қолиб тошбўрон ўтларни оча бошлади. Аммо биз унга эътибор бермадик, кесишни давом эта бердик, йўл очиш ишини тезлатиш зарур эди.

Белгиланган муддат ичида мен бир метр кенглигида йўл очдим ва 15 минани зарарсизлантириб олиб ташладим.

Пиёдалар биз очган йўл блан тўхтовсиз ўтиб кетдилар.

**Гвардия оддий аскари
Фаттах Мансуров**

ДУШМАНГА ШАФҚАТСИЗ ВА УЗЛИКСИЗ ЗАРБА БЕРИНГИЗ!

Гвардиячиларнинг зарбалари

Қизғинлашиб бораётган ҳужум жангларда алоҳида жасурликни совет гвардиячилари кўрсатмоқдалар.

Немис станокли пулемёти чап канотдан ўқ ёғдириб биринчи ротанинг илгари силжишига имкон бермас эди. Душманнинг дўлдек ёғдирилган ўқи остида ҳаракат қилган станокли пулемёт расчётининг командири гвардия сержанти Мирон Нагорный, бутун расчётидан ўзи якка қолганига қарамай, душман пулемётининг расчётини қириб ташлади ва рота учун йўл очди. Бу маҳал Нагорный ярадор бўлди, лекин жанг майдонидан кетмади. Пулемётидан ўқ ёғдириб у немисларни қиришда давом этдира берди.

Гвардиячи оддий аскар Дардум Матранов, қўл пулемёти блан илгари силжиб бориб ётиб-югириб яқинлашаётган олтита немисни тил тортқизмай ўлдирди.

Душманнинг қаттиқ ўтига дуч келган ротамиз бағриларини ерга бериб ётиб қолишга мажбур бўлган эди. Коммунист Қўзиаҳметов эмаклагани ҳолда ротанинг жанговар қаторларини аралаб жангчиларга қўшни ротанинг эришилган муваффақиятлари тўғрисида хабар қилди. Бу хушхабардан илҳомланган қизил аскарлар атакага кўтарилиб, немисларнинг қаттиқ ўт очишига қарамай, муваффақият блан белгиланган маррага етиб бордилар.

Пулемётчи Бобожон Олимов аввалдан илгари силжиб немисларнинг окопларига яқин бориб жойлашди. Бизнинг пиёдаларимиз ҳужум бошлаганларида Олимов аввалдан аниқлаган немис пулемёт расчётини ўққа тутиб, уни икки сидра ўқ блан қириб ташлади ва шу блан пиёдаларимизга катта ёрдам берди.

Автоматчи Аҳмадов пиёдаларимиз душман траншеяларига бос-тириб қириб найзабозлик жанги бошлаганларида чакалакзор ораси-

га яшириниб ётган бир неча немисни пойқади. Аҳмадов уларга томон тез эмаклаб бориб:

– Қўл кўтаринглар! – деп кескин команда берди.

Уч немис қўл кўтариб таслим бўлди.

Бу каби жасурлик блан оддий аскардан Иван Латес ва Семен Солодовлар ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Зирх тешучи милтиқдан улар бир кун ичида душмanning уч пулемётини яксон қилдилар ва бир неча солдат ва офицерини қириб ташладилар.

Шундай ҳаракат қилиб, сталинча гвардия немис босмачиларни омон бермай қириб ўзининг байроқларини сўнмас шуҳрат блан қоплатмоқда.

**Телеграф орқали ўз мухбиримиздан.
Жанглари райони**

ДУШМАННИНГ ИККИ ТАНКИ ЕМИРИЛДИ



Ўзбек халқининг қаҳрамони ўгли сержант Исмаил Каримов. «Жасурлик учун» медал билан мукофотланган.

Старший сержант М.Аҳмадов қўл остидаги танкка қарши отадиган расчёти пиёдаларнинг жанговар қанотларида ҳаракат қилди. Биринчи маррадан суриб чиқарилган душман муҳим позицияни қайтариб олиш мақсадида куннинг иккинчи ярмида тўрт танк ва юзтача пиёда аскар кучи блан контратака ясади.

Душман танклари 259 – 300 метрга қадар яқинлашиб келганда старший сержант Аҳмадов тўғри мўлжалга олиб ўт очди. Бир зумдан сўнг душмanning ишдан чиқарилган икки машинаси жангчиларимиз жойлашган траншеяга етмасдан қотиб жим қолди. Яна икки танк бардош беролмай орқага чекинди. Танклардан ажраган немис пиёдалари эса жанг майдонида ўнларча ўлигини қолдириб тумтарақай қочдилар.

Оддий аскар М.Саидов

БИР КИШИ 21 САМОЛЁТГА ҚАРШИ

Балдаков командирлик қилаётган бўлинмамаиздаги 82 мм тўп рас-
чётининг ўқловчиси ўзбек Дорибой Тўрабеков тўп ёнида жанговар
соқчилик қилар эди. Бу пайтда душманнинг 21 бомбардимончи са-
молёти учиб келиб тўпни бомбардимон қила бошлади. Аммо довя-
рак Дорибой ўзини йўқотмасдан, тўпидан ўт очиб 21 кузғунга қар-
ши танҳо курашга чиқди. Натижада қаҳрамон Дорибойнинг ўтидан
душман самолётининг бири ёниб ерга тушди. Қолган самолётлар
кочди.

Кўмондонлик ўртоқ Тўрабековнинг хизматларини юксак баҳолаб
уни 3-нчи даража «Шухрат» ордени блан мукофотлади.

Қизил аскар Ҳамидов

ПУЛЕМЁТЧИ СОТТОРОВНИНГ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Эрталаб бошланган артиллерия тайёрлиги ҳужум учун сигнал
бўлди. Тўпчи ва миномётчиларимизнинг узган снаряд ва мина порт-
лашларига мумкин қадар яқинроқ ҳаракат қилиб гвардия майори
Хромов қўл остидаги пиёда аскарлар илгари силжий бошладилар.
Батальоннинг ўнг қанотида ҳаракат қилган пулемётчи гвардия қи-
зил аскари Сотторов чакалакзордан паналаб жанговар қатордан бир
неча ўн метр илгари силжиб борди-да, чакқонлик блан ўт позицияни
қуриб, душман траншеяларига қаратиб қаттиқ ўт очди. У шундай
қалин ўқ ёғдирдики, немислар ҳатто жойлашган траншея ва окопла-
ридан бош кўтаролмадилар. Шу блан мард жангчи ўқчиларимизнинг
илгари силжишини таъмин қилиб турди. Охири немислар Сотторов
жойлашган позицияни аниқлаб олдилар. Душман артиллерияси уни
ўққа тутди. Лекин жасур пулемётчи ўзини йўқотмади. У тезлик блан
илгари ташланди-да, немис снарядлари портлаган ерни орқада қол-
дириб янги позицияга жойлашди. Бир зумдан сўнг унинг пулемёти
яна сайрай бошлади.

Ўқчиларимиз бундан фойдаланиб илгари силжишини давом этдирдилар. Гвардия кизил аскарлардан, айникса, Шарапов ва Рябинлар дадил илгарилаб бордилар. Ҳатто ҳаракат вақтида ҳам ўт очишни тўхтатмай, бу икки жасур ва моҳир жангчи ўнларча гитлерчини тил тортқизмай ўлдирдилар.

Ана, кизил ракеталар ҳам отилиб кўтарилди, бу эса артиллерия ва миномёт ўтини душманнинг орқа томонига кўчириш учун сигнал эди. Жанговар қаторларига: «Атакага тайёрланилсин!» – деб команда берилди. Снаряд ва миналаримиз немис окопларининг орқа томонида портлай бошлагандаёқ гвардиячилар шиддат блан илгари ташландилар-да, душман траншея ва окопларига кириб найзабозлик жангини бошладилар. Шиддатли зарбага бардош беролмай гитлерчилар қочдилар. Худди бу пайтда Сотторов ўз пулемётини жойлаштириб, узун-узун сидра ўк уза бошлади. Мард ва мерган пулемётчининг ўқини еб 30 дан ортиқроқ немис солдат ва офицери ер тишлаб жанг майдонида қолдилар.

Батальоннинг ҳужуми жуда муваффақиятли бўлиб чиқди. Гвардиячилар ўз вазифаларини аъло даражада бажара билдилар.

**Ўз мухбиримиздан. Жанглар райони.
Фронтимиздаги қахрамонлар**

МАРДЛАР ХИСЛАТИ

III. Нафратнинг кучи

«Душманга нафрат – уни ўлдириши, қириб ташлаши демоқдир».
(Ўзбек халқи мактубидан)

Жон ширин. Жон жуда ширин! Лекин бахтли ва эркин ҳаётимизга қасд қилган душманга қарши адолатли курашга бел боғлаб жанг майдонига қадам босган мард ўз жонини ўйлайдими?!

*«Ёвни кўрса мард дарёдай тошади,
Номарднинг, кўрса, ақли шошади.
Эр йигит майдонда жондан кечади,
Душманларга кафан тўнин бичади».*

Болалик чоғимиздан хотиримизда сақланиб келган мард Гўрўглининг бу ўзлари Ватанни деб жанг майдонига кирган ҳар бир жангчининг қулоғида жанговар чақирик сингари жаранглаб уни жангга, курашга чарлайди. Юрагида ёвуз душманга нисбатан муқаддас нафрат туйғуси аланга олган бу каби жангчининг йўлини жанг майдонида бирор нарса тўса оладими?!

... Офицер Скорик қўл остидаги бўлинманинг кизил аскари Суяров, жанговар ўртоқлари блан бир қаторда бошланғич маррага чиқиб ҳужум сигналини кутиб турар эди. Олдида қор поёндози блан қопланган далалик, унинг нариги четида кўкимтил булут сингари узоққа чўзилган ўрмон. Суяров кумушдек ялтираган қор блан қамаштирган кўзларини қисиб дадилликни, узоқдаги ўрмонни кузатар экан, кўз олдида бирдан узоқ Ўзбекистон, кўсаклари очилган пахтазор, боғлар, узумзорлар пайдо бўлиб, у беихтиёр урушдан илгариги тинч, бахтли ҳаётини эсига тушди.

– Лаънати йиртқичлар!..

Суяров тишини тишга қўйиб, автоматини маҳкам қисди-да, гўё сакрашга тайёрланиб илгари интилди. Худди шу пайтда бўлинманинг орқа томонидан эшитилиб, артиллериямизнинг баҳайбат овозлари ер-кўкни титратди. Суяров бурилиб ёнидаги ўртоқларига қаради: рус, украин, белорус, козоқ, қирғиз, татар – ҳаммалари куролларини маҳкам қисиб илгари, ҳали кўринмаган душманга томон тикилар, кўзларида қаҳр-ғазаб, нафрат алангаси ёнар. Бу пайт Суяров ўзининг ёнидаги ҳамма ўртоқлари блан бир жон бир тан бўлиб, катта, қаршисига ҳеч қандай қалъа, ҳеч қандай тўсиқ туролмайдиган ғоят катта кучга айланганлигини, у ўзи эса бу кучнинг бир қисми эканлигини ҳис этди.

Турли калибрдаги артиллерия, «катюша» овозлари даҳшатли момақалдироқ каби, яна ва яна ҳавони ёриб ўнг томонга узоқлашар ва Суяров учун манфур душмандан қасос олишни талаб этган, олға, ғалаба сари чорлаган Ватан фармонидек туюларди.

– Олға!

Бўлинманинг жанговар қаторлари бирдан жонланиб, жангчилар илгари интилдилар. Суяров арслондай сапчиб олға, душманга томон ташланди. Одатдагича у ётар, яна югурар, югурганида душман тран-

шеяларига қаратиб автоматидан ўқ узар, лекин онгида биргина фикр, биргина ҳавас – душманга тезроқ етиб бориб уни қириш, янчиш...

Суяров немис траншеясига сакраб тушганда ўнг томонга қараб қочаётган тўртта-бешта немис кўринди. У автомат тепкисини босди. Бирин-кетин иккита немис йиқилди, қолганлари окопнинг муюлиши орқасида ғойиб бўлдилар. Бу он траншеяга уч жангчи сакраб тушди ва ўша немислар қочиб кетган окопга югурдилар. Суяров бир зумда тарадудда қолди. Окопда икки немиснинг ўлиги ётарди. Лекин осонгина эришилган бу ғалаба мард жангчини қаноатлантормади. Юрагида аланга олиб нафрат туйғуси ёнарди ва курашни, ёвни қириб янчишни талаб қиларди. Суяров бурилиб чап томонга югурди. Окопнинг қоқ муюлишида мард жангчи норғул бир немисга дуч келди.

Мана, душман унинг қаршисида ва шунчалик яқинки, ҳатто автоматни ҳам ишлатишга на вақт, на жой бор!

– Ҳа...

Суяров қаттиқ сўкиниб немисга ташланди...

Иккови узоқ олишди. Немис жон-жаҳдида бутун кучини тўплаб Суяровни йиқди. Суяров бир қўли блан немиснинг оғзи ва энгагидан ушлаб унинг бошини бурди. Немис мушт блан мард жангчининг лабларини йиртиб, бир тишини синдирди. Буни писант этмай совет ботири ўнг қўлини узатиб немисни кекирдагидан ушлади ва бутун кучини йиғиб немис бир оз кўтарилганида икки тиззаси блан унинг қорнига қаттиқ урди ва окопнинг тагига ташлади. Улар яна олишдилар, лекин немис жон қайғусида шошилар, мард жангчининг нафрати эса кучига куч, ғайратига ғайрат қўшар эди. Бир зумдан сўнг Суяров немисни йиқди-да, устига миниб олиб, бир қўлини оёқ блан босиб, ёнидаги устарани олиб, душманнинг бўғзидан бир чертиб юборди...

Суяров чарчаганидан оғир нафас олиб кўтарилди.

– Итга ит ўлими, – деди у ва кескин бурилиб автомат овозларига томон югурди.

Саид Мурад

«СССРдек улуг оилангдаги ўгилларнинг сараси бўл, қардош халқлар ўртасида ҳам илгор баҳодирларнинг биттаси бўл».

(Ўзбек халқи мактубидан)

ЖАНГЧИЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ҲАЁТИДАН

буйруқни аъло бажарди

Фахриддин Ялаев лейтенант ўртоқ Лахматов командирлик қилаётган ўт взводида 1942 йилдан буён 122 мм тўпнинг ўқловчиси бўлиб хизмат қилади. У жангнинг айна қизғин вақтларида командирнинг буйруқларини аъло бажарди. Фахриддиннинг ўша хизматларини эътиборга олиб уни «Жанговар хизмати учун» медали билан мукофотладилар.

Қизил аскар Ҳамраев

ҚИСМГА ҚАЙТИШ

Бизлар тўрт киши, Юнусов, Шарипов, Давронов ва мен госпиталдан даволаниб чиқиб, ота-оналаримиздек ғамхўрлик қилган, бизларни даволаб сафга қайтарган медицина ходимлари, жонажон врач, ҳамширалар билан хайрлашиб ўз қисмимизга жўнадик.

Анча йўлларни юриб кўрсатилган жойга бордик. Бу жойда ҳам кўп тўхтамадик. Олдинги позицияга жўнадик.

Йўллар бўйи немис-фашист босқинчилар томонидан ўртанган, хароб бўлган қишлоқларни кўрдик, улар душманга бўлган нафрат, ўч ғазабимизни яна орттирди.

Дам олиш учун уйи бутунлай ўртаниб, фақат печкаси билан мўржасигина қолиб, ер ғўлада яшаган бир кампирниқига кирдик. Атрофидаги ёғочлар ҳали пискиб, ёниб турмоқда эди. Дарров бизларни қарши олиб:

– Болаларим сизлар учун, – деб картошка пишириб, чой қайната бошлади. – Ечининг, дам олинг, пиймаларингизни ечиб, қуриптиб олинглар, ўғилларим, – деб кампир жон куйдира бошлади.

– Сизлар қай ердан бўласизлар, ўғилларим?

– Биз серкуёш Ўзбекистонли йигитлар, бабуся. Мен Тошкентли, бу Самарқандли, мана бу Фарғонали, – деб жавоб бердим кампирга.

Сўнг кампир урушга қадар ўзбекларни ҳеч кўрмаганлиги, фақат улар ҳақида эшитганларини ҳикоя қилиб гапириб берди. Ўзбекистоннинг пахта, боғу боғчалари, ипакларини, камқиш, серкуёш эканлигини эсимизга туширди. Унинг бир ўғли хали уруш бошлангунга қадар Ўзбекистонда агроном бўлиб ишлар экан.

– Менинг ўғлим ҳам худди сизларга ўхшаб бир жойларда жанг қилиб юргандир... Мен ундан ҳалигача хат олганим йўқ. Немислар бу ердан чекиниб кетганларига икки кун бўлди, халос... Ёлғиз сигиримни сўйиб едилар ва уйимни ўртаб ўн саккиз ёшида Нина деган қизимни қулликка Германияга олиб кетдилар, ўғилларим.

Бизлар қаттиқ ғазабландик, душманга нисбатан нафратимиз яна ҳам кучайди. Кампир блан хайрлашиб йўлга равона бўлдик.

Эртасига штабга етиб келдик. Ҳаммомга тушдик, овқатландик ва дам олдик. Бизларни группаларга бўлди. Мен разведкачилар группасига ёзилдим. Чунки бу менинг севган ишим эди.

Олдинги қаторга ҳали 8 километр бор. Бизлар яна йўлга тушдик, ўз бўлимимизга бориб еткунча шошилмоқдамиз. Йўл бўйларидаги бузилиб, синиб ётган немис автомашина ва танклари, ҳали ёнаётган кишлоқлар немис-фашист босқинчиларнинг қаҳрамон Қизил Армиянинг ҳужумига бардош беролмай жонажон Белоруссиямиз тупроғини ташлаб, шошилиш равишида чекиниб ғарбга қараб қочаётганидан дарак берар эди.

Бизлар одинги позицияга келиб етдик.

ОЛДИНГИ ПОЗИЦИЯДА

Ўз уйимизга етиб келгандек шод бўлдик. Соғиниб қолган жанговар дўстларимиз блан кучоқлашиб кўришдик.

Мен блан госпиталдан бирга чикқан ўртоқларим ҳам разведкачиларга қўшилдилар. Янги командиримиз блан танишдик.

У ёшгина, «Ленин» орденли, тажрибали, ғайратли йигит экан, ўзини:

– Старший лейтенант Иванов, – деб бизларга танитиши бланок олдинги қатордаги душманнинг қаршилиқ кўрсатаётган жойларини бизга хўп яхши тушинтирди. Сўнг ҳаммамиз бир-бир янги автомат, патрон ва гранаталар блан қуролландик.

РАЗВЕДКА ЖАНГИДА

Катта бир аҳоли яшайдиган пункт учун жанг бошланди. Бу жойда аввалдан бир тўда фашистлар қаршилиқ кўрсатиб турганлиги бизга маълум эди, уларни тор-мор қилиш вазифаси бизнинг разведкачилар группасига топширилди. Душман позициясига яқинлашиб борганимизда старший лейтенант Иванов менга тўрт кишини олиб олдимиздаги сойлик блан қишлоқни чап қанотидан айланиб ўтишга буйруқ берди ва ўт очишимизга ракета сигнали блан хабар қилишини билдирди.

Мен бош устига деб командирнинг буйруғини такрор этдим ва қизил аскар Юнусов, Шарипов, Давронов ва битта рус йигитини олиб, кўрсатилган йўл блан силжиб душманнинг орқа томонига ўтдик.

Тун жуда қоронғу, олдиндаги кишини кўриб бўлмас эди. Командир взводнинг ракета сигналинини кутмоқдамиз.

Мен ўзимча командиримизнинг сигнали кўриниши бланок икки томондан отишни бошлаб душман позициясини штурм блан эгаллашга қарор қилиб қўйган эдим. Шу маҳал автомат ва пулемётлар блан қуролланган 17 – 18 кишидан иборат бир тўда фашистлар бизнинг ёнимиздан ўтиб кетдилар, бу жуда яхши бўлди, сабаб бизлар душман кучини яна аниқроқ билдик. Умуман, бу қишлоқда душманнинг 50 – 60 дан иборат солдат ва офицерлари, 4 жойда пулемёт, ДЗОТ ва ДОТлари борлиги аввалдан бизга маълум эди.

Сигнал берилди. Мен ўша қарорим бўйича душманнинг орқасидан туриб унинг марказига ўз отделением блан штурм қилмоқчи эдим, аммо биринчи группа эса олдиндан ўт очиб душманнинг назарини ўзларига жалб қилаётгани учун мен аста-секин билдирмай ер бағирлаб душманнинг ДЗОТига яқинлашдим ва бутун жангчиларимга гранаталарни улоқтиришга буйруқ бердим. Тўғри улоқтирилган гранаталарнинг кучи блан душманнинг катта ўт очиш нуқтаси

– ДЗОТи кул бўлиб осмонга совурилди. Ўзимиз эса дарҳол душман траншеясига ташландик. Автомат ўтлари ва қўндоқлар блан уриб ўнларча немисни қириб ташладик.

Моҳирлик блан қилинган бу совет разведкачиларининг ҳаракати натижасида бу жойда душман тамомила тор-мор қилинди ва 13 немис-фашист асир олиниб, қишлоқ эса тозартилди.

Сўнг командир взводимга учрашдим, у мени қаттиқ кучоқлаб ўпди, жанговар вазифани аъло даражада бажарганинг учун раҳмат деди.

– Совет Иттифоқи учун хизмат қиламан, – дедим командиримга.

Чап қўлим ярадор бўлиб, ундан қон кетаётганини шу ерда билдим, халос.

**Сержант Қозоқ Қурбонов,
«Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган**

ТЎҒРИ НИШОН БЛАН

Гаубица тўпининг нишонловчиси ўртоқ Хозиев тўғри нишон блан отиб немисларнинг 4 ДЗОТини, ротага яқин пиёда аскарини, 10 га яқин автомашинасини емириб ташлади.

Шунинг учун Хозиев «Жанговар хизмати учун» медали блан мукофотланди.

Гвардия старший сержанти Ибрагимов

РУС ОҒАЛАР ЁРДАМИ БЛАН ЎРГАНДИМ

Ҳарбий хизматга чақирганларигача қишлоқда бошланғич мактабда ўқитучилик қилар эдим.

Фронтга келиб, аввало, бир неча бор жангларда иштирок этдим. Ўша маҳалларда милтиқ, автомат ва пулемёт каби қуроқларни пухта ўргандим. Кейинчалик мени радистлик вазифасини қилишга буюрдилар, мен кунт блан бу мутахассисликни ҳам ўргандим. Менга старший сержант унвони берилди. Бу ишда ҳам бир неча ойлар ишладим, хизматларимни эътиборга олиб партия сафига қабул қилишди.

Ҳозир алоқачи бўлиб хизмат қилаётирман, бу иш ҳам масъулиятли иш. Кўп вақт душманнинг миномёт ва тўпларидан отилган снарядлари тушиб телефон симларини узиб кетади. Шундай вақтларда душманнинг қаттиқ ўтлари остида узилган телефон симларини бир неча бор тузатиб келдим. Командирим ишларимга қойил бўлиб икки бор ташаккур эълон қилди.

Мен бу ҳарбий техникани ўз-ўзимдан ўргандим дейиш мумкин эмас, уларни ўрганишда рус оғалар менга кўп ғамхўрлик қилдилар, ўргатдилар.

**Гвардия старший сержанти
Жиянмирза Ибрагимов**

1944 ЙИЛ 8 МАРТ. №19 (180)

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ ТИНМАЙ ЎРГАНИНГИЗ!

Пухта тайёрлик натижаси

Душман биздан кўп узоқда эмас эди. Аблахлар позициянинг қулайлигидан фойдаланиб мудофаасига яқин боришга кундузи сра қўймас эди. Бир неча бор кечаси сим тўсиғини кесаётганимизда сезишиб қолиб пулемёт ва винтовкадан қаттиқ ўт очди. Илгари боришга иложи бўлмагандан кейин чекинишга мажбур бўлдик.

Иккинчи кун лейтенант Круглов раҳбарлигида 32 киши яна чиқишиб кетдик. Тун қоронғу, ер лой, жуда эҳтиётлик блан тепалик бағрига томон силжишиб бордик ва симни қирқа бошладик.

Бу маҳал айрим жангчилар миналанган ерларни тозалай бошладилар.

Немисларнинг траншеяси энди бизга узоқ эмас, у ён, бу ёнга бориб келиб турган немис соқчисининг шарпаси бизга жуда яхши эшитилади. Взвод командири ўртоқ Круглов:

– Немислар турган траншеяга танкка қарши отадиган граната ирғитилсин! – деб буйруқ берди. Ҳаммамиз бирдек гранаталарни ирғитиб ҳужумга кўтарилдик ва траншеяга бостириб кирдик.

Ваҳмага тушган немислар тумтарақай бўлиб қочишди. Мен лейтенант Круглов блан блиндажга бостириб кирдим, маст ва ғафлатда қолган 4 та немисни отиб ўлдирдик. Икки қўл пулемётчисини асир олдик. Шундай қилиб, лейтенант Круглов раҳбарлигидаги разведкачилар душман гарнизонини тор-мор қилиб хужум қилувчи батальонга йўл очиб берди. Буйруқни аъло бажарганимиз учун қўмондонлик ҳаммамизни орден ва медаллар блан мукофотлади.

Старший сержант Ч.Мўминов, қўш орденли

РАЗВЕДКАМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЧИҚДИ

Почта ташучи янги газеталарни келтириб жангчиларга тарқатди. Газетани ўқир эканмиз, рота командири қўққисдан:

– Разведкачилар сафга, – деб қичқирди.

Биз дархол саф тортиб турдик. Рота командири батальон командирига бориб, ўртоқ комбат, жангчилар тайёр деб рапорт берди ва взвод командири қилиб старший сержант Эргашевнинг тайинлаганини айтди. Батальон командири рапортни қабул қилди-да, биз томонга 5 қадамлар чамаси юриб келди.

У взвод олдига қандай вазифа қўйилганини муфассал тушунтириб берди. Кейин тарқалишдик ва бўш вақтдан фойдаланиб яна пухтароқ тайёрландик. Кечаси соат 12 ларда буйруқни бажариш учун разведкага жўнадик.

Қалин ўрмонзор ичидан бир соатлар чамаси юрганимиздан сўнг яланг жойга чиқдик. Қишлоққа анча яқин келдик, у ерда нималар борлигини билиш учун қишлоқнинг ўнг ва чап томонига иккитадан жангчи юбордим. Улар немис гарнизонининг состави, қишлоқ атрофидаги йўллар ва пулемёт нуқталари ҳақида жуда зарур ва қимматли маълумотларни олиб келишди. Эрталаб соат 5 ларда буйруқни бажариб қисмга қайтдик. Ўша куни олиб келган маълумотларни топшириб бир оз дам олдик ва кечаси яна разведкага чиқишиб кетдик.

Қоронғи кечада ўрмонзордан ўтиб ҳаммамиз маҳкам ниқобланиб қишлоқ томонга силжидик. Қишлоқ жуда яқин қолди, уйларда чи-

роқ ёқилган ва ойналари ниқобланмаганидан уйдаги немисларнинг нималар қилаётгани яхши кўринар эди. Шу чоғ қандайдир дайди ўк жангчининг сонидан тегиб ярадор қилди. У оғриғига чидаёлмасдан додлаб юборди, унинг товушидан ваҳмага тушган немислар хавлиқишиб уйдан туриб пулемёт ва автоматларидан раса отишдилар. Бу маҳалда биз аллақачонлар ўрмонга кириб бекинишган эдик.

Ўрмонда 3 соатлар чамаси ётгандан кейин қишлоқнинг бошқа бир томонидан ҳужум қилишга қарор бердик. Жуда эҳтиёткорлик блан ер бағирлашиб яна қишлоқ томонга силжидик, немислар ухлаганидан бўлса керак, жимжитлик эди. Сержант Иванов эшик олдидаги соқчининг оркасидан бориб бўғиб олди. Унга ёрдамга борган жангчилар дарҳол оғзига қор тикди, қўл-оёғини боғлаб орқа томонга жўнатдик. Бу маҳал бошқа бир тўда жангчилар уйга ҳужум қилиб 14 немиснинг ҳаммасини асир олишди. Мен ва яна бир жангчи уйнинг атрофидаги хашаклар орасида бекиниб ётар эдик, бирдан ҳалиги уйдан икки немис чиқиб қолди. Уларни ҳам ушлаб олдик. Бронта ҳам кишини йўқотмасдан қисмимизга қайтдик. Асирлар муҳим маълумотларни берди.

Бу охириги разведкамиз эмас. Ҳали кўп марта разведкага бориб душманнинг сирларини фош қиламиз ва ҳужумга ўтган кўшинларимизга ёрдам берамиз. 16-нчи сон буйруқда кўрсатилган талабларни қунт қилиб ўрганамиз, бутун кучимиз ва билимларимизни дохий буйруғини шараф блан бажаришга қаратамиз.

Старший сержант Абдукарим Эргашев

ИНТИЗОР

*Интизор эрур кўзлар
Сизга, марди майдонлар,
Соғ бўлинг, омон қайтинг,
Жангчи шеру ўғлонлар.
Тилаклар туну кунда
Ёв қирилсин қирғинда,
Чин қасос олур кунда
Ҳормангиз, э ёронлар.*

*Беаёв қиринг ёвни,
Ҳар тараф суринг ёвни,
Ўт қўйиб қувинг ёвни
Тортиб тиги-урёнлар.
Ёв қочар, йўлин боғланг,
Банд этиб, дилин доғланг,
Бор бўлинг, сра ҳорманг,
Ёв сари ўқ узганлар.
Ёв қочар хатар бирлан,
Тезда хушхабар бирлан
Янғрасин ер-осмонлар.
Сиз келинг, баҳор келсин,
Сиз блан диёр кулсин,
Очилиб чаман бўлсин
Мунтазир гулистонлар.*

Аҳдий

СОЦИАЛИСТИК ЎЗБЕКИСТОНДА

Сирдар’ё янги издан оқмоқда

Фарход курилиши (ЎзТАГ). Уч марта узилган ўқ Сирдарёни янги издан ажратиб турган жойнинг портлатилиши учун қилинган тай-ёргарлик тамом бўлганидан хабар берди. Бу ишлар Ўзбекистонда энг кучли гидростанция курилишининг муҳим даври тугалланганини билдиради.

Портлатиш ишларининг бошлиғи ўртоқ Рождественский портлатучи асбобни ишга солади. Тупроқ осмонга кўтарилмоқда, сув куйинлари пайдо бўлмоқда. Тўғоннинг сув беручи участкасининг асосий қисмидан қўйиб юборилган Сирдарё суви янги издан секин-аста оқа бошлади. У ўзининг эски йўлини тўғон қуришга бўшатиб бермоқда.

Сирдарё сувини янги изга қўйиб юбориш Ўзбекистон меҳнаткашлари учун катта халқ байрами бўлди. Бу байрамга Ўзбекистоннинг энг яхши кишилари, стахановчи ишчилар, кишлоқ хўжалигининг илғорлари, корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар, ёзучилар ва санъ-

ат усталари келишди. Булар орасида Фарҳод ГЭСнинг қуручилари фахрий ўринни олдилар. Улар дарё қирғоқларига байроқлар ва шиорлар блан келдилар. Қуручилар ҳамда меҳмонлар блан бирга Юсупов, Абдурахманов, Мўминов, Ломакин, Қобулов ва республиканинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Тўсиқ портлатилгандан кейин қуручилар меҳмонлар блан учрашдилар.

Қурилиш бошлиғи ўртоқ Саркисов ўн ойлик ишга яқун ясади. Ўн ой мобайнида 6 миллион кубометрга яқин тупроқ, 75 минг кубометр шағал чиқазилган, 52 минг кубометрга яқин бетон ётқизилган. 14 километрга чўзилган деривация каналида ер қазииш ишларининг деярлик ярмидан кўпи бажарилган.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Усмон Юсупов ишнинг муҳим даврини муваффақиятли тамомлаган қурилиш ишчиларини табриклади ва уларни 1944 йил охиригача Фарҳод ГЭСнинг мудофаа корхоналарига, республика халқ хўжалигига биринчи кувват бериши учун янада ғайрат блан ишлашга чақирди.

1944 ЙИЛ 18 МАРТ. №22 (183)

ЎТЛАР ИЧИДА ЧИНИҚҚАН ЙИГИТ

Белая церковь атрофида бўлган қаттиқ жангларда кичик лейтенант Зинченко ҳалок бўлди. Душман томонидан қуршовга олинган взводдан атиги ўн киши қолган эди, халос. Ёш бўлса-да, кўпни кўрган жангчи Жўра Ҳайдаров командирликни ўз қўлига олди. У жангчиларни ёвуз ва маккор душмандан севиқли командири Зинченко учун қасос олишга, охирги кучлари қолгунча қурашиб, Ватанга садокатни намоёиш қилиб кўрсатишга чақирди.

Душман уст-устига қарши атака қилишиб бизларнинг мудофаа районимизни қисиб кела бошлади.

Взводнинг озик-овқатлари, ўқ-дори запаслари тугай деб қолди. Ҳайдаров қандай бўлмасин шу оқшом душман қуршовини ёриб чиқишга қарор қилди.

Кечроқ чап қанотда душман ўти анча пасайди. Ҳайдаров ҳам худди шуни кутиб турган эди.

– Дўстларим! – деди у ҳаяжонлангани ҳолда. – Бутун гранаталарни қўлга олингиз, винтовка учига найзаларни ўрнатингиз! Фақат команда берганимдагина ўт очиб, гранаталарни улоқтирасизлар! Фақат найзабозлик жанги натижасидагина қуршовдан чиқишимиз мумкин.

Ҳайдаровнинг айтганича жангга кирдилар. Натижада улар ўнларча немисни қириб ташлаб, саккиз киши қуршовдан чиқиб ўрмон ичига беркидилар. Туни блан ўрмонни оралаб юришиб тонг отар пайтида бир тўда душман разведка группасига дуч бўлдилар. Тўхтаб қолиш ва ёки чекинишнинг иложи йўқ эди.

– Ура! Атакага! – деб команда берди Ҳайдаров. Саккиз ботир арслондек ёв устига ташландилар, тўккуз фрицни найзалаб, отиб, қўндоқ блан уриб ўлдирдилар.

30 минут давом этган қизғин найзабозлик жангида битта грузин йигити, ўзбек Эргаш Эрназаров, қозоқ Абди Менгдигалиев қахрамонона ҳалок бўлдилар. 5 киши эсан-омон ўз қисмига келиб қўшилдилар. Бу Жўра Ҳайдаровнинг 1941 йил июль-август ойларида бошидан кечирган биринчи жанговар эпизоди эди.

Ўша йил август ойининг охирида у яна Житомир райони атрофидаги жангга қатнашди. 35 километр олдинга ҳужум қилган взвод командири Метлинский блан 40 немисни асир туширдилар. Бу гал у икки мартаба ярадор бўлиб даволаниш учун Харьков госпиталига кетди.

1942 йил Сталинград учун даҳшатли жангларда ҳаётини аямай олишган Жўра Ҳайдаровнинг кўксини «Жасурлиги учун» ва «Сталинградни мудофаа қилгани учун» медаллари безатмоқда.

У ҳозир старший сержант, жонажон совет тупроғини немис-фашист босқинчилардан тамомила озод қилиш йўлида ғалаба учун кураш майдонида ҳаракат қилмоқда.

Ўтлар олови ичида табланган ёш жангчи йигитга шон ва шарафлар бўлсин!

Старший лейтенант Абитай Турумбетов

ПАРТОРГ ТРИБУНАСИ

Мен партия сафига киришга қандай тайёрландим

Гапиев парторг бўлган бўлинмада коммунистлар қатори энг яхши илғор жангчи ва офицерлар ҳисобига қабул қилинди.

Гап партия ташкилотларининг сон жиҳатидан ўсиши устидагина бормайди. Бу ерда сўз одамларнинг шонли партиямиз сафига катта масъулиятни сезганлари ҳолда кўп мажбуриятларни ўз гарданларига олганлари ва шу мажбуриятларни бажариш учун бутун куч ва қувватларини сарф қилишга шайланганлари ҳолда келишлари ҳақида боради.

Мен дастлаб Ленинград фронтида бўлдим, сўнгра 1-нчи Балтиқ-бўйи фронтига келдим. Гарчи партияга киришга анчадан бери ҳозирлик кўриб юрган бўлсам-да, мана шу кўчиб юришларим туфайли масаланинг расмий томонларини ҳал қилишим қийин эди.

«Ленинградни мудофаа қилгани учун» медали блан мукофотланишим блан партия сафига киришга яна ҳавасим ошди. Бу ҳақдаги орзу-ҳавасларимни партия ташкилотчисига айтганимда у фикримни маъқуллаб, амалий ёрдам беришга тайёрлигини билдирди.

Парторг менга ўқиб чиқишим зарур бўлган китобларнинг рўйхатини берди ва халқаро майдондаги воқиалардан, фронт ахлидан хабардор бўлиб туриш кераклигини айтди. У шунинг блангина кифояланиб қолмасдан менга айрим вазифаларни, масалан, рус тилидан нўноқ бўлган баъзи ўртоқлар блан суҳбатлашишни топширди.

Шундан кейин мен партия Устави ва Программасини, «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни, ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги» китобини яна ҳам чуқурроқ ўрганишга киришдим. Ўзбек ва қирғиз жангчилари орасида улуғ Сталин буйруғи юзасидан бир неча суҳбатлар ўтказдим.

Яқинда кекса коммунистлардан Бедалъ, Иванов ўртоқлар ва парторгнинг ўзи партияга кириш учун рекомандация бердилар. Навбатдаги мажлисда менинг аризам ҳам кўрилмоқчи. Мен бу мажлисни ҳаяжон блан кутмоқдаман.

Медицина старший лейтенанти Т.Алиев

МУКОФОТ ЯНГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЮКЛАЙДИ

Немис-фашист қонхўрлар Ватанимизга босқинчилик қилишининг биринчи кунлариданоқ фронтдаман.

Калинин, Ржев шаҳарларини озод қилишда олиб борилган жангларда, айниқса, кўп тажриба ордирдим. Қисмимиз Старая Русса районида қизгин жанглар олиб борган кунларнинг бирида командир мени ўз ҳузурига чақирди-да:

– Сизни разведкачиларга бошлиқ қилиб тайинлайман. Жанговар топширикни эшитинг, – деди ва харитани очиб душман жойлашган ерни, конкрет топширикни ва қайтиш йўллари кўрсатиб берди.

Командир буюрган йўллар блан расо ниқобланган ҳолда юриб немисларнинг мудофаасига яқин келдик.

Вақт эрта, соат 5 лар чамаси эди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик блан иш кўриб окопда кўл пулемёти ва 3 фриц борлигини аниқладик. Биз тўхтаган пастликдан фрицлар жойлашган окопгача масофа 30 метрча келар эди. Мен жангчиларни тўплаб, ҳамма томондан қуршаб, траншеядаги фрицларнинг овозларини чикормасдан бирданига бўғишни буюрдим. Бутун кучимизни ишга солиб, яқдиллик блан немисларнинг устига ташланган эканмиз, шу вақтда Теханхоновнинг темирдек бармоқлари бир фрицнинг бўғозини узиб юборган экан.

Бир фрицни асир қилиб жанговар топширикни бажариб келдик.

Бу жанговар буйрукни ўз вақтида муваффақиятли бажарганимиз учун қисм командири етти жангчини «Жасурлиги учун» медали, мени «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Гвардия старший сержанти Эшматов

Ўзбекистондан хат

КОЛХОЗЧИЛАР ҲИММАТИ

Ўтган йил 6 ноябрда қилинган доклад ва буйруқлардан илҳомланган район колхозчилари немис-фашист босқинчиларига қарши қурашда кун сайин ғалаба қозонаётган қаҳрамон жангчиларимизнинг оилаларига, кексаларга ҳамда ватан уруши инвалидларига ҳар та-

рафлама ёрдам беришни тобора кучайтирмоқдалар. Ватанпарварлар фронтчиларнинг оилаларини ҳеч нарсага зориктирмаслик учун Қизил Армия жангчиларининг оилаларига ёрдам фондларига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Ўртоқ Усмон Юсуповнинг Тошкент область партия активлари блан қилинган суҳбатда сўзлаган нутқи колхозчиларга тўлиқ етказилди. Шундан кейин фронтчиларнинг оилаларига, кексаларга ҳамда ватан уруши инвалидларига ёрдам бериш яна ҳам кучайиб кетди.

Фақат ноябрь ва декабрь ойлари ичидагина 1593 жангчи оиласининг уйи ремонт қилиб берилди. 1471 оила ўтин блан таъминланди.

Фронтчиларнинг оилаларига берилаётган ёрдамни яна ҳам кучайтириш масаласи колхозчиларнинг йиғилишларида кенг сурабди муҳокама қилинаётди. Бу нарса амалий ёрдамни тобора кучайтирмоқда. Колхозчилар, колхоз раислари кейинги кунларда 126 центнер ғалла, 386 иссиқ кийим, 110 минг сўм пул, 80 метр газлама, 260 бош қўй, эчки, сигир; моллар учун 200 қанордан ортиқ сомон ва 24 центнер турли сабзавот ва ҳоказолар тўпланиб, муҳтож оилалар ўртасида тақсимланди. Колхозчилар 350 оиланинг томорқа еридаги ҳосилани йиғиб, ўрнига кузги экинлар экиб беришди.

Ғалларол қишлоқ советига қарашли «Большевик» колхозининг правленияси (раиси ўртоқ Худойназаров) ўғли фронтда бўлган Жуман Абулқосимовга бир соғин сигир ва эчки берди. Бундан ташқари, 9 оилани турли усти-бош кийимликлари блан таъминлади.

Чкалов номли колхоз (раиси ўртоқ Омонов) фронтчиларнинг оилаларига ғунажин, кўрпа-ёстиқ, 4 центнер ғалла ҳадя қилди. Шу колхознинг аъзоси бригадир Қаршибоев бир қўй, бир эчки, 2 та кўрпа-ёстиқ, 5 метр газлама; бир этик, 1.000 сўм пул ва 1 центнер ғалла тақдим этди. Бундан ташқари, колхозчилар томонидан тақдим қилинган 12 кубометр ўтин, 20 центнер ғалла, 8 минг сўм пул, 8 бош мол, 20 та иссиқ кийим, 10 метр сатин, 7 центнер сабзавот, 15 та кўрпа-ёстиқ ва шунинг каби нарсалар жангчиларнинг оилаларига тақсимлаб берилди. Худди шунингдек, Ворошилов номли, «Ударник», «Оқартув», «Коммунизм» каби қатор колхозларда ҳам колхозчилар томонидан 43,5 центнер ғалла, 30 минг 400 сўм пул, 45

дона кўрпа-ёстик, 22 та оёқ кийими, 24 центнер ҳар хил сабзавот, 12 килограмм ёғ, 7 килограмм жунгазлама ва турли кийимликлар қизил аскар оилаларига инъом қилинди.

Район ташкилотлари қаҳрамон жангчиларимизнинг оилаларига доимий ғамхўрлик қилиб туриш, уларни керакли нарсалар блан ўз вақтида таъминлаш ва ҳар жиҳатдан ёрдам бериш ишини планли равишда олиб бораётирлар.

Жангчиларимизнинг оилаларига ёрдамни тўғри уюштириш ва уларнинг аҳволларидан тез-тез хабардор бўлиб туриш мақсадида коммунист ва комсомоллардан бириктириб қўйилди. Ишонч блан айтиш мумкинки, район меҳнаткашлари баҳодир жангчиларимизнинг оилаларига бундан ҳам кўпроқ ёрдам берадилар, бу блан мард йигитларимизнинг жанговарлик руҳини тағинда кўтарадилар.

**Очилова, Самарқанд область
Ғаллаорол район партия комитетининг секретари**

ҚАСАМИМИЗ АСЛО БУЗИЛМАС ҚАСАМДИР

Онтим онт, аҳдим аҳд

Қизил Армияга келишим блан Улуғ Ватанимга садоқат тўғрисида қасам ичганман. Ҳарбий онтнинг ҳар бир калимаси ҳамиша ёдимда. Совет жангчиси учун охириги томчи қонигача ўз қасамига вафодор бўлишдан ҳам шарафлироқ иш йўқдир. Биз ҳар жангга онтимиз онт, аҳдимиз аҳд деб кирамиз.

...Котов қишлоғи ёнида қизгин жанг пайтида миналаримиз соб бўлди. Бу орада фашистлар контратакага ўтишди. Миномёт расчётининг командири Кузьмин:

– Винтовкалар олинсин, найза жангига кирамиз! – деб команда берди. Миномёт ёнида бир жангчини қолдирдик-да, найзаларни текшириб, гранаталардан олиб немисларга қарши атакага отилдик.

– Ура! – деб қичқириб юборишимиз пиёда аскарларимизга ҳам мадад берди. Бир неча минут давом қилган жангдан сўнг немислар қоча бошладилар. Бу найзабозлик жангида расчёт ўндан ошиқ не-

мисни кириб, 3 тасини асир олди. Шундай қилиб, миномётчилар рус винтовкасининг кучини ҳам намойиш қилиб кўрсата билдилар.

Ҳарбий ишни астойдил ўрганишга қасамёд қилган эканмиз, турли-туман ва чексиз бой техникани тинмай ўзлаштириб боришимиз зарур. Қанчалик кўп қуролни билсанг урушда шунчалик кўп фойдалиқ бўласан.

Кичик сержант Назирали Мадаминов

АРСЛОН ИЗИДАН, ЙИГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТМАС

Мен колхоз кучоғида тарбияланиб ўсдим. Колхозимиз жуда бадавлат, колхозчилар тўқ, турмуш жуда ширин эди. Саломат кишига иш қилиш гап эмишми? Бригадир берган нормани ҳаш-паш дегунча 2 – 3 баравар ортиғи блан бажарар эдим.

Ўша қувноқ турмушларни қандай қилиб эсидан чиқарсин киши? Биз бу қувноқ хушчок-чок турмушга Ленин-Сталин партияси раҳбарлигида эришдик. Немис босқинчилар бахтли ҳаётимизни тортиб олиб, қул қилиш ниятида Ватанимизга чўчка тумшиғини суқиб кирган кунлар, тенгдошларимни военкомат чақириб фронтга жўнатар, аммо менга сра навбат етиб келмаслигидан кўп хижолат бўлар эдим.

Кўп кутишга тоқат қолмади. Военкоматга ўзим бориб ариза бердим. Аризамда қуйидагиларни ёзган эдим: «Ўртоқ комиссар, мени ҳам ўртоқларим қаторида Қизил Армия сафига юборишингизни илтимос қиламан. Ишчи-Дехқон Қизил Армия аскарари сифатида душманлар устидан тўла ғалаба қозониш учун ўз конимни, жонимни ҳам аямасдан мардлик, ботирлик блан номусимни тўкмай виждон блан Ватанимни ҳимоя қилишга қасамёд қиламан», – дейилган эди.

Комиссар аризамни рад қилмади. Бу маҳал 1943 йил куз пайти эди. Ўзбек халқининг бошқа фарзандлари қаторида мени ҳам фронтга жўнатдилар.

Қуролларни пухта ўрганганимдан кейин қўл пулемётига мени биринчи номер, жангчи ўртоқ Комоловни иккинчи номер қилиб тайинлади. Биз мудофаада турган жой тепалик эди, душман қўкқисдан артиллерия ўтига тутиб бир неча жангчиларни ярадор

қилди. Биз 7 киши қолдик. Артиллерия тайёрлигидан сўнг бир рота чамасида немислар кечаси хужумга ўтишди. 7 баҳодир тенг бўлмаган душманга қарши курашиш учун тезда тайёрландик. Душманни жуда яқин масофага юбориб автомат, пулемётлардан қаттиқ ўт очдик. Аблаҳлар ётишга мажбур бўлдилар. Биз отишда давом этдик. Бошини кўтаришга қўймадик. Тонг ҳам ёриша бошлади. Бу маҳал ёрдамга жангчилар етишиб келишди. Немисларни улоқтириб ташладик.

Қўмондонлик мен ва ўртокларимни шу ернинг ўзида орден ва медаллар блан мукофотлади.

**Оддий аскар Вапо Сопоев,
«Жасурлиги учун» медалли**

НАФРАТИМГА НАФРАТ ТЕНГ ЭМАС

*Этигим блан кечдим қўлларни,
Муҳаббат ва севги, қизиқишим
Дарёлардан ўтдим қулоч уриб.
Фақат ғарбга, олга! Интилиш,
Кўрмоқдаман озод элларни,
Учинчи йил хунар ва ишим,
Фашистларни ғарбга суриб.
Излаб бориб ёвни ўлдириш.
Ватан берган муқаддас қуро­л –
Бир айланиб чарчасам ғарчи,
Автоматим маҳкам қўлимда.
Со­я топиб ётар мен эмас.
Шафқатсиз у ўтлари бўрон,
Жангда юрган душманга қарши
Қирилмоқда душман йўлимда.
Нафратимга нафрат тенг эмас.*

Шарқий 1944 й¹².

¹² Азиз Турсун (Шарқий) – 1909 – 1957; Наманган вилояти Поп туманидан. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. – Ҳамиджон Ҳомидий, Маҳмуджон Маъмуров. Наманган адиблари – Тошкент: Фан, 2007.

ҚАСОС ОЛИНГИЗ

Итваччалар нималарни қилмади дейсиз. Немис боскан ерлар хонавайронлик, харобазорликдан иборат. Немис бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг қайсисига борманг, албатта, ўша ерда дор қурилган. Тинч яшавчи қишлоқ аҳолисини ноҳаддан осган ёки қийнаб ўлдириб ташлаб кетган ёш гўдак ва қари чол ёки кампирни учратасиз.

Мен немис босқинчиларига қарши икки йилдан буён курашаётирман. Аввало Орёл томонидаги қаттиқ жангларда, кейинчалик Ржев атрофида бўлиб ўтган жангларда иштирок этдим. Ҳозир Витебск учун бўлаётган жангларда иштирок этаётирман. Ўша ўтган ойлар ичида немисларнинг ваҳшийликлари тўғрисида нималарни кўрмадим дейсиз. Итваччалар Собакинский, Веселка қишлоқларини батамом ёндириб юборганлар.

Қишлоқ аҳолисини Германияга каторгага ҳайдаб олиб кетганлар. Новозогорое қишлоғидаги колхозчи деҳқонлардан 13 кишини отиб ўлдирганлар. Петров деган колхозчини Германияга боришдан бош торгани учун ўзига гўр кавлатиб отиб ўлдиришган. Бундай фактларни немислардан озод қилинган ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин.

Ўртоқ жангчилар! Азоб-ла ўлдирилган ака-ука, опа-сингил учун, харобазорга айлантирилган қишлоқ ва шаҳарларимиз учун немис босқинчилардан марҳаматсиз ўч олайлик.

Старший сержант Ж.Ибрагимов



Ботир ўзбек жангчиси
Жўра Ҳайдаров.
Вдовенко сурати

БОТИРЛАР ЭЛИ

Энди гранаталарни ирғитиб атакага кўтарилган эдик. Отделениемга назар ташласам пулемётчини кўрмадим. Тузукроқ қарасам, пулемётчи Шоҳимардонов мендан 25 – 30 метр нарироқда, ўнг оёғи қонга ботган ҳолда, пулемётини бағрига босиб ётипти. Мен бир зумда унинг олдига сакраб ўтдим, у ҳам севинганича пулемётини менга узатди. Шу онда жанг немис траншеяси ёнида қизишган эди. Мен пулемётдан икки-уч сидра ўқ узиб душманнинг чап қанотидаги пулемёт расчётини жим бўлишга мажбур этишим блан кўшни отделение жангчилари ҳам кўтарилиб фрицлар жойлашган траншеяга отилдилар. Қўл жангида пулемётдан отиш анча мушкул бўлганидан мен ҳам пулемётни кўтариб тўғри келган немисларни кўндок блан уриб кетдим. Пулемёт оғир эмасми, рўпара келган фриц чурк этмай оғдарилиб тушади денг.

Ўша кечаси рота командири старший лейтенант Ручкин мени ўзи блан разведкага олиб чиқди. Йўлда менга:

– Тузук жангчи бўлиб қолдингиз. Сизни «Шухрат» орденига тақдим қилдик. Бундан кейин ҳам сра бўшашманг, – деди.

«Шухрат» ордени ва «Жасурлиги учун» медалли сержант К.Қурбонов

УЧИНЧИ НЕМИС

Снайпер Иванов янги келган ўзбек йигити Асқар Каримовнинг винтовкадан ўқ узганда кўз юмиш одатини қандай йўқотиш ҳақида узоқ вақт бош қотириб юрди. Бу ният блан ўртоқлари Каримовга нисбатан нималарни қилмади дейсиз: уялтириб ҳам кўрдилар, қандай отиш кераклигини қайта-қайта кўрсатдилар ва, ниҳоят, тоқатлари қолмай, аччиқ гапирар ҳам эдилар.

Каримовни қўрқоқ дейиш асло мумкин эмас. У биринчи жанглардаёқ ном чиқарди. Жангчилар душманга яқинлашиб боргандаги отишма чоғида Каримов винтовкасининг отилиши камдан-кам эшитиларди. Аммо немис окопларига яқинроқ келган сари Асқарнинг юзлари кескинроқ тус олар, у аллақандай дахшатли бўлиб кетар ва тирик немисга рўпара келиши блан бутунлай ўзгариб қолар эди.

Унинг найзаси ва винтовка қўндоғи шундай иш кўрсатдики, кекса солдатлар ҳам бунга қойил қолишади.

Шундай бўлса-да, ёш ўзбек йигити ўқ узишдан чўчийди дейишга тўғри келади, худди ўз винтовкасининг отишидан ҳадиксирайди. Бу аҳвол бутун взводни ҳаяжонлантириб қўйган эди.

– Нима қилай, қўлимдан келмайди, – деб жавоб қайтарар эди Каримов командирнинг саволларига.

– Ўзимнинг ҳам ақлим етмайди, лекин негадир отган чокда мушкага тикила олмайман.

Нихоят, снайпер Иванов бир йўл топди...

* * *

У кунлардан бир кун Каримовга мурожаат қилиб:

– Немисларни ўлдиргинг борми? – деб сўради.

– Бўлмаса-чи. Шунинг учун урушга келганман-да, – деди унга Каримов.

– Истасанг, шундай бир иш қилайки, сен ҳам ҳар ўқинг блан фрицга ажал еткизадиган бўласан.

– Ўқ блан ажал етказиб бўлмайди, – деди тундлик блан Каримов, – мен найза ва пичоқ блан боппайман. Немисни урарканман, қўлимга ушлаб олиб урганим тузук.

– Аслида, немисни ўлдиришга ярайдиган ҳамма қуролни ишлатиш керак, – деб сўзида турди Иванов, – найза блан қанчасини урардинг, бор ана, учтасини, тўрттасини ўлдирдинг дейлик, бу ҳам фақат атака пайтида. Бироқ немисга етиб олиш ҳам борку. Ўқ-чи?.. Ўқ блан юзтасини юзтубан келтирасан. Энг муҳими, уларни кун сайин, ҳатто ҳужум бўлмаган пайтда ҳам ўлдириш мумкин.

– Майли, ўргата қол, – деб гапга қўнди Каримов.

* * *

Немислар мудрофаасидан 200 метргина берироқда бўлган чакалакзорда қариб уч соатча ётганларидан кейингина икки немис пайдо бўлди.

– Биринчисини мўлжалга ол, – деб шивирлади Иванов.

Асқар немисни нишонга олди. Иванов унга имо қилиб, ўзи спусковой қрючок боса бошлади.

Иванов худди Каримов блан бир маҳалда биринчи немисга қараб отиб юборди. Немис қўлларини ҳавода чайқаб оғдарилиб тушди. Иккинчиси дарҳол чакалакзорда ғойиб бўлди.

Каримов отиб бўлгач бир секунддан кейин кўзини очди ва немис ўлигини кўриб ҳайрон бўлди.

– Ҳа, балли! – деб махтаб қўйди Иванов.

– Ҳисобингга биринчи немисни ёзамиз.

Каримов бир сўз айтмоқчи эди-ю, севинчи ичига сиғмай жим қолди.

– Бопладинг уни! – деб сўзини давом қилдирди Иванов. – Афтидан, ўк нақ қора юрагидан текканга ўхшайди.

Иванов бирдан:

– Немисни қандай оғдарилганини кўрдингми ўзинг? – деб сўради.

– Йўқ, – дейди дудукланиб Асқар.

– Демак, бутун нашъалик жойидан махрум бўлибсан-да, оғайним.

Каримов қовоғини солганича жим қолди.

Янаги гал улар немислар ишғол қилган қишлоқнинг яқинида пис-тирма қилдилар. Яна ошиқлари олчи эди. Чеккадаги уйдан, кийими-га яраша офицерга ўхшаган немис чиқди ва шинелининг этақларини йиғиштириб, бизнинг мудрофаа томонга кўз ташлади. Каримов командани кутмай уни мўлжалга олди ва... энди отай деганда беихтиёр кўзини қисди. Яна унинг блан Иванов ҳам гитлерчини отди. Офицер ер тишлаб қолди.

– Ҳисобингга иккита ёзилди.

Асқар кўзини очиб даргумон унга қаради.

– Сен ҳам отдинг-а?

– Мен болаҳонага қараб отдим, – деб жавоб қайтарди снайпер, – у ерда бир нарса ялтираб кўринди, кузатучи бўлса керак, – деди ва, – бу сафарги немиснинг қандай йиқилганини кўрдингми? – деб савол берди.

Каримов яна хўмрайиб:

– Кўрмадим, шекиллик, – деб қўйди.

Учинчи ов олдидан Иванов ўз шогирдини узоқ вақт машқ қилдирди, уни бир неча соат сурункасига қор устида ётишга, эмаклашга, никобланишга мажбур этди.

Каримов сабрсизланиб жойида қимирлаб қолган эди. Шу онда аллақаяқдан ҳам бирин-кетин икки ўқ узилиб бизнинг жангчилар ўтирган окопнинг брустверидаги қорни сачратиб юборди.

– Снайпер! – деб шивирлади Иванов.

– Кўрдим, – деди Каримов ва винтовкасини ўрмоннинг ўнг томонида ўсган кекса ва қалин арча дарахтига қаратди.

Масала бир зумда ҳал бўлди. Ўзбекнинг ўткир кўзи дарахтнинг қор босган шохида қимирлаб кўйган кўк аралаш оқ нуқтани винтовканинг мушкасига ўтқизди. Иванов ўз шеригининг спусковая скобадаги бармоғини астагина эгиб роса тикилганини кўрди. У Каримовга бир нарса демокчи, уни тузатмоқчи этиб улгиролмай қолди. Дарахт томондан ўқ отган овоз келди ва ўқ визиллаганича Ивановнинг маскасини ялаб ўтди. Худди шу онда Каримов ҳам отди. Ҳалиги кўк ранг аралаш оқ нарса бир чеккага кийшайди ва ёш ўзбек, никоб халатини кийган немис снайперининг қопга ўхшаб пастга думалаганини кўрди.

– Ана энди ўз кўзим блан кўрдим, – деб қичкириб юборди ўзбек йигити.

Иванов жилмайганича кўйин дафтарчасини олди ва йўғон қилиб «1» рақамини ёзди. Бу рақам шу гал Каримовнинг ўзи отиб ўлдирган немисни кўрсатар эди.

Аскар ўз снайперлик йўлини ана шу йўсинда бошлади.

Капитан Я.Каменский

АМАЛИЙ ЖАВОБ

Ўрмонда жанг бўлди. Пулемётни бўлинманинг чап қанотига олиб чиқиб, қулай бир жойга жойлаштирилсин деб буйруқ бердим. Қизил аскар Шамраев чакқон ҳаракат қилиб пулемётни янги позицияга олиб ўтди. Қаршимиздаги тепаликка жойлашган душман пулемёти пиёдаларимизни ер бағирлаб ётишга мажбур қилди. Дурбин блан кў-

зимга яхши кўриниб турган душманнинг ўт нуқтаси бизлардан 500 метр узоқликда эди.

– Ориентир бир, прицель тўрт узун сидра ўт оч! – деб буйруқ бердим.

Душман пулемёти жим бўлди.

Пиёдаларимиз ёппасига ўринларидан кўтарилганда бир взводча немис итваччалар қарши атакага ўтдилар.

Ўт позициясини яна ўзгартириб илгари силжиган қизил аскар Шамраев ва Жабборовлар душманнинг чап қанотидан тошбўрон ўтларни ёғдирди. Ўнларча немис итваччалар ер тишлашиб қотиб қолдилар.

Шу жангда расчётимдаги аъло даражада ҳаракат қилган қизил аскар Шамраев, Жабборов, Сундиқов ва Нашинлар «Жасурлиги учун» ва «Жанговар хизматлари учун» медаллари блан мукофотландилар. Улар медалларни кўкракларига тақа туриб:

– Бу ўртоқ Сталиннинг 16-нчи сон буйруғига берган амалий жавобимизнинг нишонидир, – дедилар.

Сержант Йўлдаш Ортиқов

1944 ЙИЛ 29 МАРТ. №25 (186)

ЖАНГЧИНИНГ ФИДОКОРЛИГИ

Ҳужумга ўтиш олдидан бўлинмада митинг бўлди. Митингда оддий аскар Аббос Пиржонов ҳам сўзга чиқди.

– Мен яқинда комсомол сафига кирдим, – деди у. – Комсомол билетини олганимда ўртоқларим олдидан қасам ичиб уларнинг ишончини жанговар ишлар блан оқлашга ваъда бердим.

Жанг авжига чиққанда гвардиячи Пиржонов ўз қасамига содиқ бўлиб ҳужумга ўтганларнинг биринчи қаторида борди. Ўша куни у тўртта гитлерчини беомон қириб, бир немисни тириклайин қўлга туширди.

ШОДИЁНА

Пулемёт расчётининг командири бир кун:

– Ўртоқ агитатор, – деди менга, – бизда Ўразов деган бир йигит бор, унга ўзим ҳам жуда ачинаман. У ҳам рус тилидан нўноқ ва қўлидаги куролни ўрганишда ҳам ҳали кўп ишлар қилиши керак. Хатто устидаги кийимларини ҳам тартибли кийишни билмайди. Ўша ўртоқ блан алоҳида ўзингиз бир гаплашсангиз яхши бўлар эди.

Мен Ўразов блан алоҳида гаплашдим. У икки йилдан буён ўз қишлоғидан хат олмаган экан.

– Агар, – дедим, – энди ўзингни тартибга солиб бошқа ўртоқларинг сингари жангда фидокорона хизмат қилиб, маҳорат кўрсатсанг, оилангга ва алоҳида хотинингга ўзим хат ёзиб юбораман.

У жуда хурсанд бўлди. Қаддини кўтариб маҳорат кўрсатишга ваъда берди.

Эртасига у блан яна гаплашдим. Ўртоқ Сталиннинг 309-нчи сон буйруғини ўзбек тилида ўқиб тушинтирдим. Зерикмадим, бир неча кундан кейин яна гаплашдим. Қўлимда асл нусхаси бўлмаса ҳам, ўзбек халқининг алоҳида фронтдаги жангчи фарзандларига қаратиб ёзган хатининг мазмунини айтиб тушинтирдим. У яна завқланиб кетди. Шундай қилиб, аста-секин Ўразов хушчоқ-чоқ тетик йигит бўлиб қолди.

Унга алоҳида бириктириб қўйган «Қизил юлдуз» орденли комсомолец Аҳмедов менга:

– Ўразов станокли пулемётни хўп яхши ўрганиб олди. Энди мен уни ўзимга иккинчи номер нишонловчи қилиб олдим, – деб доклад қилди.

Қиш. Изғирин шамол. Йўллар қор блан қопланган, икки томондан ҳам каттик артиллерия отишмалари давом этмоқда. Ён атрофга тушган снарядлар муз ва кесакларни осмонга ирғитмоқда эди.

Рўпарамизда турган катта аҳоли яшайдиган пунктдан немисларни суриб чиқариш учун жанговар вазифа олган бўлинмамиз ҳужумга ўтди.

Мен ўз тўп расчётим блан пиёдаларнинг ҳужумини қўллай бориб қишлоқнинг ўнг қанотида кўринган станокли пулемёт ва битта

енгил тўпни нишонга олиб ер блан яксон қилдим. Ҳовлиқиб чекина бошлаган чоғида душманнинг яна битта юк машинаси бир йўла саккизта кишиси блан портловчи ўқ отиб ёндириб юбордим.

Бу вақт комсомолец Ҳасановнинг станокли пулемёт расчёти бўлинманинг чап қанотида ҳаракат қилмоқда эди. Бу расчёт ўрмон ичидан чиқиб қарши атака қилган ўнларча немисни кириб ташлади ва ҳаммадан бурун пиёдалар қаторида қишлоққа бостириб кирди. Бу чоғ бизлар ҳам чап қанотдан қишлоққа келиб қолган эдик.

Чекинаётган бўлинмаларнинг ҳимоя қилиш мақсадида баъзи бир уйларда ва окопларда қолган душманнинг ўт нуқталари ва гуруплари қаттиқ ўт очишга қаршилик кўрсата бошлади. Шу вақт «Ватан учун, Ўзбекистон учун!» – деб қичкириб илгари чоғиб бораётган Ўразовни кўриб қолдим, у ҳамма жангчилар қаторида душман траншеясига ўз пулемётини судраб келган эди. Дарҳол бир қулай жой олиб қочиб бораётган душманларнинг хўп адабини берди-я! У йигирмадан кўпроқ гитлерчиларни кириб ташлади.

Жанговар топширик кўнгилдагидай бажарилди.

– Ҳафталар ўтмаёк Ўрозовнинг хотинидан хат келди. «Жанг майдонида кўксингга тақилган «Қизил юлдуз» ордени блан қутлайман. Азизим! Ёлғизгина мен эмас, бутун колхозчи оға-иниларинг шоду хуррам бўлишди. Бу шодлик амалий ишларда акс этмоқда. Мен сенинг учун ҳам ўзим учун ишлаётирман... Амон-эсан қайтиб келгайсан тез кунда кўришгаймиз жоним!» дебди.

*Осмонга учарсан, бўлса
қанотинг,
Шод бўлурсан, шодли бўлса
элотинг.*

(Халқ ижодиётидан)

Ўрозов бу хушхабардан сўнг янада ғайратлироқ, душманга марҳаматсизроқ бўлиб қолди.

Старший сержант С.Эшмухаммадов

3 НЕМИСНИ ЮЗТУБАН КЕЛТИРДИМ

Мен ўртоқ Ермолаев взводидаги Раҳимжонов отделениясида қўл пулемётчи бўлиб хизмат қилардим. Шу йилнинг 10 феввалида бўлинма ҳужумга ўтди. Мен ҳужум қилиб бораётган отделение жангчиларини пулемётдан ўт очиб қўллаб бордим.

Шу йўсинда жангчилар ҳужум қилиб душманни аҳоли яшайдиган 5 пунктдан суриб чиқардик. Немислар ҳамон қочар, биз қувишда давом этардик. Кўп немисларни қириб ташладик. Аблахлар қочиб, бориб-бориб илгаридан тайёрланиб қўйилган таянч мудофаа маррасига суяниб бизни қаттиқ ўққа тутиб контратакага ўтишди.

Жангчиларимиз душманни ҳамма турдаги қуроолларни ишга солиб қарши олишди. Натижада довьорак жангчиларимизнинг дўл каби ёғдирган ўтига бардош беролмай, немислар кўп талофат кўриб чекиндилар. Мен ҳужум пайтида ўлдирганимдан ташқари яна 3 немисни отиб ўлдирдим.

Қизил аскар Тожибой Эрназаров

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАҲРАМОНОНА ЎТМИШИДАН

Жалолиддин

Жангчи ўзбек! Сенинг боболаринг ҳамма вақт ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашдилар. Ўтмишдаги жуда кўп халқ қаҳрамонларининг баҳодирлик ва фидокорликларини халқимиз ўз дилида меҳр-муҳаббат блан сақлаб келди. Шу қаҳрамонлардан бири баҳодир Жалолиддин эди.

У бундан етти юз йил илгари яшаган. Ўша вақтда боскинчи мўғул – Чингизхон Ўрта Осиёга бостириб кирди. Буюк олим ва шоир Алишер Навоий Чингизхон ҳақида шундай деб ёзди:

«Эшитдимки, Чингизхон блан Хоразмшоҳ бир-бирига душман бўлгач дунё ҳаддан ошиқ бузилди. Қачонки Чингизхон зафар топди, Хоразмшоҳнинг мулкани остин-устин қилиб юборди. У қайси вилоятга борса ўзининг қаҳрли қиличи блан оммани қирғиндан ўтказди».

Чингизхоннинг 200 мингли армияси шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилди. Боғлар ва экинзорлар чўлга айланди, гўзал саройлар харобазор бўлди.

Бизнинг боболаримиз қурол олиб ўз ватанини, ўз номуси ва озодлигини ҳимоя қилиш учун босқинчиларга қарши кўтарилдилар.

Ҳар қайси шаҳарнинг дарвозаси, ҳарбий крепостнинг (қўрғоннинг) остонасида шиддатли қонли жанглар бўлди.

Шонли баходир Жалолоиддин ўзбек ватанпарварларининг мўғул босқинчиларга қарши курашига бошчилик қилди. У қўшин тўплади, уларга таълим берди ва қуроллантирди.

Биринчи шиддатли жангдаёқ Жалолоиддин мўғулларнинг Тахучар бошлиқ армиясини тор-мор этди. Шундан кейин Чингизхон ўзбекларга қарши 45 минг кишилик танланган армиясини юборди. Ўша вақтдаги Поровон деган шаҳарнинг (Амударёнинг жанубий қирғоғида) остонасида қонли жанг бўлди. Мўғул қўшинлари тепасида Чингизхоннинг машхур лашкарбошиларидан Шаки-Хутуху Нуян турар эди. Ўзбеклар отларидан тушиб душман блан қўл жанги бошладилар. Жанглар бир неча ҳафта давом этди. Чингизхоннинг ўн минглаб аскарлари қириб ташланди. Жалолоиддиннинг ўзи жанг майдонида туриб юзлаб душманларни жаханнамга юборди. Мўғул қўшинлари заифлаша бошлади. Шундан сўнг Шаки-Хутуху Нуян алдов йўли блан ютмоқчи бўлди: у кигиздан қўғирчоқ отлик аскарлар ясашни ва узоқдан ватанпарварларга кўрсатишни буюрди. Буни ўзбеклар кўриб мўғулларга янги ёрдамчи қўшинлар келибди деб ўйлашлари мукин эди. Лекин алдамчилик ҳам мўғулларга ёрдам бермади. Жалолоиддин ўз йигитларини отга миндириб душманга тўсатдан зарба беришни буюрди. Йигитлар, тулпар отлари блан ўқдай учиб бориб душманнинг таянч кучлари турган майдонга бостириб кирдилар ва уларни ер блан яксон қилдилар.

Нуян бўлса бир қисм аскари блан зўрға қочиб қутилди.

Чингизхон янги қўшинлари блан ўзи Жалолоиддинга қарши жанг майдонида борди. Дарё қирғоғида жуда дахшатли жанг бўлди. Бутун майдонни ўликлар коплади, брок мўғул босқинчилари ватанимининг ботир ҳимоячиларини батамом енга олмадилар.

Жангчи ўртоқлар! Ўз боболаримизнинг шонли ишларини чин давом этдирувчилар бўлингиз. Немис-фашист босқинчиларни кечакундуз раҳимсиз қирингиз! Уларни бизнинг тупроғимиздан ҳайдангиз, бизнинг севимли совет Ватанимизни гитлерчи одамхўрлардан озод қилингиз!

Т.Рустамов

ҒАРБДА

*Мушкулликни кўрмаган киши
Ўз юртининг биларми қадрин?
Ватанини севмаган киши
Музга бериб ётарми бағрин?*

*Ёвга нафрат бўлмаса дилда,
Ким чиқарди тинч уйдан,
Ким кетарди узоққа, жангга
Ота-онаси, ёри ёнидан?*

*Ойлар ўтди, соқол-соч ўсди,
Сур шинели тешилди ўқдан.
Тиззасини тош-чангал йиртди,
Ўшанда ҳам қайтмайди ўтдан.*

*Ким у? Келди қай ердан, қачон?
Не қилмоқда Балтиқ бўйида?
Юриши тез, ҳаммадан чаққон,
Автомати маҳкам қўлида.*

*У гуллаган баҳор ўлкаси
Зарафшонли қалам қош йигит.
Жангчиларнинг бўлиб серкаси
Фашистларни қирмоқда суриб.*

*Йўллар оғир ўртанган қишлоқ,
Эси кетиб йиғлаган хотин.*

*Озод бўлиб дили хушчоқ-чоқ
Олқишлайди озод ҳаётни.*

*Ёвга нафрат бўлмаса дилда,
Ёвизликни кўрмаса киши,
Юрармиди зарбда жангда
Ватанини севмаса киши?*

Шарқий. 1944 й. март

1944 ЙИЛ 2 АПРЕЛЬ. №26 (187)

ЁШ КОММУНИСТНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Жангчи Муҳтарамовни партиёга кандидат қилиб олганда у ўзининг таржимаи ҳолини муфассал гапириб берди. Муҳтарамов фронтга Сталинград учун тарихий жанглар олиб борилган кунларда келгани тўғрисида, бу жангларда ўз командирларининг ҳамма топшириқларини ҳалол бажаргани ва ўн олти марта ярадор бўлгандан кейингина жанг майдонидан чиққани ҳақида сўзлади. У фронт саргузаштларини ҳикоя қиларкан, коммунистлар бу ростгўй ва камтарин йигитнинг ҳар сўзига астайдил қулоқ солар ва унинг айтганларига чин кўнгилдан ишониб, ҳар сўзини тасдиқлагандай қилиб кўяр эдилар.

Партия мажлиси уни яқдиллик блан партиё аъзолигига кандидат қилиб қабул этди. Ўртоқлари шу муносабат блан уни самимий табрикладилар. Муҳтарамов ўзининг пухталиги, интизомга жуда қаттиқ берилгани ва ибратли ишлари блан ана шундай ишонч ва обрўйга муносиб бўлиб қолди. Партия сафига қабул қилингандан кейин кўп вақт ўтмай у отделение командири қилиб тайинланди. Кунлардан бир кун бўлинма командири унга душман мудофаасини жанг блан разведка қилишни топширди.

Муҳтарамов отделенияси немисларнинг ўт ёғдиришни чамалаб кўйган ерларини якка-якка тартибда ўтиб немислар мудофаасининг

олдинги маррасига жуда якин келди. Отделение командири жангчиларни шундай жойлаштирди ва хужумни шунчалик тўсатдан бошладики, немислар катта бир бўлинма хужумга ўтди деган фикрга келиб ҳамма қуролларидан, жумладан, ҳозиргача маълум бўлмаган икки пулемёт уясидан ҳам ўт очдилар.

Муҳтарамов отделенияси бу операцияда душманнинг бир қўл пулемётини яқсон қилди ва пулемёт ўти блан бир қанча немисларни қирди. Душман ҳаммаёқни ёритиб, миномёт ва пулемёт ўтини энди авжга чиқарганда отделение жангчилари вазифани муваффақиятли бажариб, ўз бўлинмаларига якин келиб қолган эдилар.

Бўлинма командири топшириқни аъло бажарган Муҳтарамов ва унинг отделениясига ташаккур эълон қилди. Ёш коммунист Муҳтарамов ўз жавоб сўзиде: «Партиямиз ишончига муносиб бўлиш – энг бир пок бурчимиз, ҳар қандай топшириқни бутун кичимизни сарфлаб, ҳатто ҳаётимизни аямай ижро қиламиз», – деди.

Парторг, гвардия старшина Учайкин

ЎЙЛАЙМАН

*Ер юзиде шодлик жаҳонни ўйлайман,
Рўпарамде ёвни бузмоқ ўйлайман,
Қонхўр золим Гитлерни йўқ ўйлайман,
Доҳим йўли менга равшан ўйлайман.*

*Дилде дилбар олганимни ўйлайман,
Душманни йўқ қилганимни ўйлайман,
Эли-юртимни озод қилмоқ ўйлайман,
Ёв бошига вайрон солмоқ ўйлайман.*

*Онам ёзган хатни дармон ўйлайман,
Келажак бахт куним армон ўйлайман,
Ёрим нози, меҳрин фармон ўйлайман,
Фарбде ёвиз ёвни тирик қўймайман.*

*Рус ери ўз ерим деб ўйлайман,
Йўлдан кетсам ўзимни ўзбек демайман,
Чегарадан ўтсам нари... ўйлайман,
Фашистларнинг битсин зори ўйлайман.*
Сержант Султон Турсунов

1944 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬ. №27 (188)

Гвардиячилар тажрибасидан

ГВАРДИЯЧИЛАРНИНГ ШИДДАТЛИ АТАКАСИ

Соат 4 лар эди. Рота командири мени олдига чақирди. Мен бориб, эшикдан киришим блан стол устида букланиб ётган харитани очдида, менга Н. қишлоғини қўлидаги қизил қалами блан чизиб кўрсата бошлади. У қишлоққа қайси томондан ҳужум қилиш, қаерлардан бориш йўлини ҳам кўрсатди. Вазифани пухта тушинтирди. Қишлоқни эгаллашга буйруқ берди.

Бу маҳал соат тўрт яримлар. Рота командири блан хайирлашди-му буйруқни бажариш учун чиқиб кетдим. Вздодга келишим бланок дарҳол машиналарни кўздан кечириб чиқиб, вазифани жангчиларга тушинтирдим. Танклар устига автоматчиларни миндириб, артиллерия тайёрлигидан сўнг ҳужумга бошладик.

Бу маҳал соат 5 лар бўлган эди. Немислар танкларимизни қаттиқ ўққа тутди. Биз ҳам навбати блан артиллерия ва пулемётлардан ўт очиб боравердик. Қишлоққа яқинлашганимизда бир танкамиз шикастланди. Қолган икки танк блан душман мудофаасини ёриб ўтиб қишлоққа бостириб кирдик. Душман мудофаасига яқинлашганда танкдан сакрашиб тушиб танк орқасида ҳаракат қилиб келаётган автоматчилар ваҳмага тушиб қочган немисларнинг кўпини қириб юборди.

Биз ҳам улардан қолишмадик. Танк ғилдираклари блан аблаҳларнинг кўпини янчиб юбордик. Немисларни қишлоқдан улоқтириб ташладик. Бу жангда, шундай қилиб, гвардиячи танкчилар қишлоқ-

ни эгаллаш тўғрисида берилган буйруқни икки соатда бажардилар. Қўмондонлик бир қанча жангчиларни орден ва медаллар блан мукофотлади.

Эртаси куни эрталаб соат 6 лар чамасида икки кишлокнинг ўнг ва чап томонидан немислар 6 танк, унинг ҳимоясида батальон чамасида пиёдалари блан контрака қилди. Танкнинг 3 тасини артиллериячилар уриб ишдан чиқаришди, 3 тасини эса танкчилар ёндириб юборди. Пиёдаларини пулемёт ва винтовкалардан ўт очишиб қириб ташладилар. Айрим немисларгина қочиб қутилишга улгира олди.

У ўтган жанглардан, бир неча кунлардан кейин менинг взводимга Н. кишлоғини эгаллаш учун яна буйруқ берилди. Бу ерда ҳам биз душман мудофаасини ёриб ўтиб, пиёдаларимизнинг илгари силжиши учун йўл очиб бердик ва кишлокни эгалладик. Бу гал мени иккинчи бор «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлашди.

Н. кишлоғи учун бўлган жангда ҳам немисларнинг мудофаасини ёриб ўтиб пиёдаларимизга йўл очиб бердик, аблаҳлар артиллериядан ўт очиб икки танкка шикаст етказди. Бу гал 3-бор «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлашди.

Мен уруш бошланганидан буён сурункасига немис босмачиларига қарши курашиб келаётирман. 1943 йилнинг май ойлари. Самахвал деган станция учун қаттиқ жанг борар эди. Бизнинг ротага станцияни эгаллаш тўғрисида буйруқ берилди. Гвардиячилар шиддат блан атакага жўнади. Душман артиллериясидан қаттиқ ўт очишиб қарши олишди. Лекин гвардиячи танкчиларнинг иродасини синдира олмади. Ўлимни писанд қилмай танкчилар ҳамон илгари силжишда давом этдилар. Душман мудофаасини ёриб ўтиб станцияга бостириб кирди. Бу жангда 40 немис солдат, офицерини асир олдик. Кўп микдорда курол-яроғ, аслаҳаларни қўлга киритдик.

Бундан ташқари, ўша кунги жангда бир муҳим тепалик ва яна бир кишлокни ҳам эгалладик. Бу сафар мени 4-маратаба «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлашди. Ундан илгари бўлиб ўтган жанглардаги ишларимни эътиборга олиб икки медаль блан мукофотланган эдим.

Гвардия лейтенанти Я.Б.Аҳмедов, орденли

* * *

*Шовқин-сурон солиб руминлар
Қочмоқдалар эсини йўқатиб,
Оқмоқдалар аблаҳ малайлар
Моли-мулки дарёга ботиб.*

*Қолди Бессарабия ери,
Қолди «жаннат» дўкон савдоси.
Тумтарақай қочар руминлар
Кенг Прутга ботиб гавдаси.*

Шарқий

1944 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ. №28 (189)

НАЙЗАБОЗЛИК ЖАНГИ

Кучли артиллерия тайёрлиги давом этмоқда эди.

Сездирмасдан ерга эмаклаб немисларнинг мудофаа траншеялари-га жуда яқинлашиб борганимизда отделение командиримиз Павлов:

– Винтовкаларингизни ўқлаб, гранаталарни тайёрлангиз! Артиллерия тайёрлигидан кейин ҳужум қиламиз, – деб буйруқ берди.

Биз тайёрландик.

Бир неча минутдан кейин командиримиз Павловнинг:

– Немис траншеясига, олға! – деган жанговар буйруғини эшитишимиз бланоқ қаттиқ «ура» овозлари блан гранаталарни душман траншеяларига ирғитиб, траншеяга ташландик. Найзабозлик жанги блан фрицларни кира бошладик ва бир группа фрицлар контратака қилишди, биз қайтардик. Лекин биз ҳужумни давом қилдира бориб иккинчи контратакага ўтаётган 14 фрицни асир олиб олдимизга қўйилган жанговар буйруқни бажардик.

Бу жанговар ишларимиз учун қўмондонлик томонидан орден ва медаллар блан мукофотландик.

Гвардия қизил аскари Абдуллаев, медалли

БОШ ҚАЙҒУСИ

– *Вой, дод! Фюрьер секинроқ,
Чопинг аста, секинроқ.
Қолдим-ку мен далада
Гүё манграб етим улоқ.*

*Қани сизнинг ваъдангиз,
Россияни забит этиши?
Волга, Кавказ, Кубанда
Сайри-сафо кайф этиши?*

– *Антонесга гапирма,
Чена бергин сўнгимдан.
Кетса кетсин, майлига,
Ҳам Руминия қўлимдан.*

* * *

*Наълат рус ерига,
Бошим омон қолса гап.
Чона бергин орқамдан
Гаранг қилмай войсираб.*

Шаркий

АКА-УКА

...Тун. Соат 00.30 Мамадов кичкинагина блиндажга энгашиб кирди. Арсландек етти йигити ширин уйқуда эди. Секингина иккита шинелнинг енгидан тортди. Гап йўқ! Ўринларидан ирғиб туришиб икки йигит рус С.Михайлов ва қозоқ А.Байжуманов дарҳол кийинишиб тахт бўлдилар.

Мамадов ўз жангчиларини шундай тахт бўлишга ўргатган эди.

Қиш. Қаттиқ совуқ. Аксига, шамол ҳам рўпарадан эсмоқда эди. Унга қарамай, жасур разведкачилар душманнинг миналанган далалари ва сим тўсуқларидан ўтиб соқчи турган бир блиндажанинг

ёнига келдилар. Мамадов икки жангчисини шу районда қолдириб, ўзи бошқа районларни разведка қилиб чиқди. Келса, Бойжуманов блиндаж олдида турган немис соқчисини бўғиб ўлдирган экан. Блиндажда шовқин кўтарилди, бу маҳал Михайлов гранатани улоктириб блиндажни ости-устига ағдар-тўнтар қилиб юборди. Саккиз фриц ҳалок бўлиб, икки фрицни асир олиб, қўлларини бойлаётгани устига Мамадов келиб қолади. Бу чоқ тонг отиб қолган эди.

АЖОЙИБ ХАТ

Эртасига бўлган жанглarda Муродумар Мамадов отделениеси Н. кишлоғига ҳаммадан бурун бостириб кирди. «Сталинград мудофааси учун» медалли назоратчи тожик Юлдашев, қўл пулемётчиси Лисков, ўқчи Юрченко бу сафар алоҳида маҳорат кўрсатдилар. Булар шу қишлоқда қолишиб, бошқа бўлинмалар душманни қувлаб кетаётганларида қўлида автомати, ёнида катта сумкаси блан почтальон йигит ҳам етиб келди.

– Сизга хат бор, ўртоқ Мамадов.

– А нука, – деди алоқачиси блан кетаётган капитан Рассказов.

Хат ўзбек тилида ёзилган экан, ўзидан бошқа ҳеч ким тушинмайди.

– Сабир қилинг, ўртоқ капитан, хат ўз укамдан келган экан. Ажабо, у қачон келиб қолди экан фронтга? – деди ва хатни ўқий бошлади:

«Жондан азиз, шакардан ширин Мурод ака! Фронтга келганимга икки ой бўлди. Мен сафарга чиққанимда Тошкентда ҳол-аҳвол жуда ҳам яхши эди... Ўғлингиз Маъмуржон, қизингиз Наима ва янгамлар соғ-саломат, «йўл бўлиб, акангиз блан учрашсангиз дуойи салом айтсангиз» деб қолишган эдилар...

Ҳаммадан ҳам бурун фронтдаги ўз шодлигимни гапириб сизни севинтириш учун шошилмоқдаман... Қўлимда автомат, белимда тўртта танкка қарши гранатам бор; алоқачи эдим-да мен. Штабдан олдинги қаторга кетаётган эдим. Рўпарамда тош йўлдан немиснинг як машинаси келаётганини кўриб қолдим. Дарҳол ўзимни бир ён отиб ташладим-да, гранатани қўлимга олиб тайёрланиб турдим. Машина ғириллаб ўтиб кета бериши бланок гранатани тўғри унинг моторига улоктириб ёндириб юбордим. Машина блан бир йўла 8 та

немис ҳалок бўлди. Бутун ҳужжатларини йиғиштириб ва ярадор бир немисни асир олиб тегишли жойга топширдим.

Жондан азиз, шакардан ширин Мурод ака! Мени бу хизматларим учун II даражали «Ватан уруши» ордени блан мукофотладилар. Шодлигимдан жаҳонга сиғмайман. Мен бу фронтда, сиз у фронтда аблаҳ фашистларни шафқатсиз қириб, уларни муқаддас еримиздан тамомила ҳайдаб чиқарайлик ва омон-эсан кўришайлик.

Немис босқинчиларига ўлим!»

Укангиз

Ҳасанбой Мамадов.

Ажойиб хат, на қадар шодлик!

Ҳалигина немис итваччаларини траншеяда қириб, найзабозлик жангида ҳориган Муродумар Мамадов бутунлай енгиллашиб қолди. У ғоят кўтаринкилик блан бу ажойиб хатнинг мазмунини жанговар дўстлари ва жонажон капитани Рассказовга русча гапириб берди...

Старший лейтенант А.Турумбетов

1944 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ. №29 (190)

ЯНГИ КАШФИЁТЛАР

Мир Одил Толибов, асли, Тошкентда туғилиб, 1935-нчи йил ўша ерда тиш докторлик мактабини битказди. Улуғ Ватан уруши бошланганга қадар ўз мутахассислиги бўйича Чирчиқ қурулишида ишлар эди.

Ёш доктор буюк қурулишдаги мингларча ишчи ва ўша теваарақдаги колхозчи деҳқонларни тиш ва миғда касалларидан даволар эди.

Уруш бошланиши бланок у армия сафига ўтди ва ўз мутахассислигини яна ошира бошлади.

У 1943-нчи йил январь ойида Н. қисмга келиши бланок тиш протезной лабораториясини ташкил қилди ва енгларини шимариб ишга киришди. Баъзи бир иш давомида етишмаган материалларни шахсан ўзи кашф этиб ғайратли ёш олим, жангчи офицерларнинг соғлиқ-

ларини сақлаш (оғриқ тишларни даволаш ва тишсизларга сунъий тишларни яшаш) йўлида кўп ишларни қилди, намуна учун экспериментлар ясади.

Масалан: деферцит бўлган материаллардан форфоровой тишлар ўрнига пластмассадан тишларни ишлаш усулини майдонга чиқазди ва сўнги 4 ойлар давомида 700 дан 800 гача жангчи-офицерларга янги тишлар қўйди.

Фронтда кўрсатган бу фидокорона хизматлари учун ёш олим Мир-Одил Толибов «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланди.

Унинг сўнги кашфиётлари яна ҳам ажойиб: фабрикадан ишланиб чиққан форфоровой тишлари ўрнига пластмассадан тишлар ишлаш усули кашф этилган учун умуман пластмассадан пластинка (қизил танглай) қўйилар эди. Мана шу қизил танглайдан (пластмассадан) оқ тишларни ишлаб чиқиш усулини кашф этди. Бу ишлар соҳасида тиш техникаларидан ўртоқ Павлов катта ёрдам кўрсатмоқда.

Яқинда тиш протизной лаборатория начальниги, медицина ходими, старший лейтенант Толибов қўмондонлик томонидан яна янги давлат мукофотига белгиланди.

Фронтимиз бўйича тиш ва миғда касалларидан даволанган мингларча жангчи ва офицерлар ёш олимга ташаккур айтиб хат устига хатлар ёзмокдалар.

Ўзбек халқи фронтдаги ўзининг ёш олимлари блан ҳам мағрурлана билади.

Старший лейтенант А.Турумбетов

ОШПАЗ ВА ЖАНГЧИ

Жанг майдонига илҳомловчи рус аскарларимиз қаторида серқуёш Ўзбекистоннинг Андижон областидаги оқ олтин – пахта далаларида ишлатиладиган кетмонни даҳшатли рус винтовкасига алмаштириб Иброҳим Мадумаров ҳам етиб келди. У то шу маҳалгача душманга қақшатғич зарба бериб Ватан олдидаги муқаддас ўз бурчини оқлаб келмоқда.

Иброҳим Мадумаров ҳозир Н-чи қисмдаги атоқли қизил аскарлардан бири бўлиб, қисм жангчилари, сержант ва офицерлари учун лаззатли таомлар пишириб беради. Жангчиларни соғлигини сақлаш ниятида ўз ишига ихлос қўйиб ошхона ичларини озода тутиши натижасида у қўмондонлик томонидан бир неча бор ташақкурларга сазовар бўлган эди. Яқинда уни ВКП(б) кандидатлигига қабул қилдилар.

Иброҳим Мадумаров пиширган лаззатли овқатларни еган ҳар бир сержант ва офицерлар: «Иброҳим ошпазгина эмас, у ўз ишининг моҳиридир», – деб қўядилар.

(Ўз муҳбиримиздан)

ЭТИКДЎЗ

Қўш орденли майор ўртоқ Мешников командирлик қилаётган бўлинма этикдўзи жангчи Шоюнус Шоаббозов ўзининг ҳашаматли хунари блан жангчилар ўртасида танилди. Бўлинмада ботинкаси йиртилиб юрган бронта ҳам жангчини учратмайсиз. Ўртоқ Шоюнус бўлинмага келгунча кўп жангларда бўлиб, икки бор қаттиқ ярадор бўлган.

Ўртоқ Шоюнуснинг икки ўғли – Шомурод ва Ҳожимурод деган ўғиллари ҳам Ватан уруши фронтларида немис босқинчиларига қарши курашаётир.

Жангчи Ботиров

БАҲОР

*Олма боғи бўлди чаманзор,
Ери гуллар отиб бойчечак.
Бағринг бериб ётсанг, майсазор
Яшил бархут, гўя бир тўшак...
Эсга тушар колхоз ерлари,
Барги кумиш тераклар қатор.
Меҳри мумтоз ёрим кўзлари
Эсга тушар гўё шу баҳор.*

*Эсга тушар окопда, жангда
Она юртим Чирчиқ бўйлари.
Булбули гул базми шу онда,
Мангу баҳор Тошкент ерлари.
Қора булут бўлиб осмонда
Ҳали қоплаб турмоқда фашист,
Муздек эриб жануб томонда,
Бунда қотиб қалтираган фриц.
Олга! Ўзбек – жангчи дўстларим!
Сафни бузмай жиплашинг қатор.
Бадбахтларни суриб чиқайлик,
Бу ерда ҳам яинасин баҳор!
Балтиқ бўйи кўллар ва ботқоқ,
Осмон бўйи ўрмонлар чексиз.
Тошкентдаги баҳор сингари
Гуллар отиб яинасин теккис.*

А.Шарқий

ЧИНАКАМ МАРДЛИК

Гвардиячи Тўлабердиев бу қисмга госпиталдан келди. Аммо у хали бу ерда қаттиқроқ жангларда иштирок этиб бошқаларга манзур бўладиган ботирлик кўрсатмаган эди.

Бир куни кеч пайти бўлинма бир қишлоқдан гитлерчиларни қувиб чиқариб, унда ўзи мустаққамланиб олди. Тўлабердиевнинг окопи йўл ёнида эди.

Душман бир батальондан кўпроқ пиёда аскарларни контратакага ташлади. Жангчилар гитлерчиларни қаттиқ ўт блан қарши олдилар. Ана шунда Тўлабердиев чакана иш кўрсатмади. У винтовкадан мерганларча ўт очиб кўп фрицларни «терма қилиб» ташлади. Ёнидаги пулемёт ҳам тоза ишга тушиб кетди.

Бирдан пулемёт жим бўлиб қолди... Немислар эса сурбетлик блан босиб кела бердилар. Тўлабердиев икки ҳатлаб пулемёт ёнига бориб олди. Пулемёт яна ишлай кетди. Жанг майдони гитлерчиларнинг ўлуги блан қопланди.

Тўлабердиевнинг шуҳрати бутун қисмга таралди. У отоқли пулемётчи бўлиб қолди ва жанглarda кўп фашистларни кириб ташлади. Қўмондонлик уни «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Яна бир куни Тўлабердиев чакқонлик ва эпчиллик билан ҳаракат қилиб немисларнинг флангларига ўтиб олди ва қаттиқ ўт очди. Бундан душман саросимага тушди. Жангчиларимиз жадал билан олға босиб душман окопларини эгалладилар.

Капитан А.Назаров

ЧЕГАРА

*Билар эдик, қайтиш муқаррар,
Йиллар эдик... аммо кўз ёшин
Калидламоқ мумкинми магар?
Дард бор эди дилда, оташин.*

*Чегарамдан хотира дея
Чекинаркан, бўлсин ҳадия,
Олган эдим бир ҳовуч тупроқ,
Халтачамда мен билан, ўртоқ!*

*У азиз хок, худди бир тумор,
Кўксим узра топди эътибор.
Ташина эдим у ёз чогида,
Қалтогимда сувингдан ичдим.*

*Гўзал Прут, у қирғоғингда
Қайтурман деб қонли онт ичдим.
Сенинг обиҳаётингга ман
Кўз ёшларин тўқдим кўзлардан.*

*Билар эдим мен-ку сенга қарз,
Кўз ёши сув баҳоси эмас.
Борар эдим шарққа ул замон,
Борар эди шарққа кўп карвон.*

*Хайрлашаркан ёр – ҳамоғушлар,
Шарққа учди кечиккан қушлар.
У чегара... Табаррук сарҳад –
Ўзбекнинг ҳам сарҳади, албат.*

*Сталиннинг солдати менман,
Сўзим қатъий, ваъдам муқаррар.
Ваъда берган бўлсам мен агар –
Ана келдим... келдим муайян.*

*Сенинг яра сийнангга ёҳу
У омонат тупроғинг дору.
Қизил тасма, азиз харита,
Меникисан абадий, сўлум.*

*Йиглаб эдим сенда бир марта,
Манзилингга етишди йўлим.
Кўзим ёшин қайтиб бергин тез,
Соҳилларда эркин оқиб кез!*

Шайхзода

БАҲОДИРЛАРИМИЗ

Гвардия младший сержанти **Шомил Ҳамраев** ҳам бошқалар сингари ҳозиргина қўлга киритилган маррада мустаҳкамланиб олди. Чаққонлик блан яхшилаб окоп казиди. Бронтешарининг оғзини немислар томонига тўғрилади.

Орадан кўп ўтмади. Бир неча фашист танки ўрмалаб кела бошлади. Кўпни кўрган гвардиячи Ҳамраев немис танкларининг яқинроқ келишини пойлаб турди.

Ана, унинг мўлжалича қулай фурсат келди, шекилли, у мўлжаллаб туриб нафасини ичига олди, тепкини босди. Худди шу вақтда немисларнинг бир ўрта танки ён бериб бурилган эди. Бронтешарнинг стволи олдида пайдо бўлган тутун аралаш чанг тўзганича йўқ эди,

гвардиячи ўз позициясидан 90 – 100 метр нарида фашист танки бур-қираган тутун ичида қолганини кўрди.

Шу кун кечгача гитлерчилар қайта-қайта бир неча бор контра-така қилди. Лекин заррача муваффақиятга эришолмади. Гвардиячи Ҳамраев бўлса ҳалиги танкдан ташқари душманнинг яна 3 ўт очиш нуктасини емирди, кўпгина фрицларни ер тишлатди.

Кўмондонлик баҳодир Ҳамраевнинг моҳирлигига қойил бўлди. Шунинг учун ҳам Ҳамраев 1-нчи даража «Ватан уруши» ордени блан мукофотланди.

МУРОДОВ «ТИГР»НИ ЕНГДИ

Гитлерчилар бўлинма позициясига 50 танк, ўзиюрар тўп ва бир неча батальон пиёда аскарлар блан атака қилдилар. Душман қандай қилиб бўлса ҳам қисмимизнинг жанг тартибига ёриб киришга уринди.

Кулай позицияни эгаллаган артиллериячиларимиз ярим соат ичида немисларнинг 22 танки ва ўзиюрар тўпини шикастлантирдилар, бир неча юз гитлерчини қириб ташладилар. Атака бошлаган душман ўз қонига беланди.

Артиллериячилар «пантер»ларни жуда яқин келтириб ўт очдилар. Икки «пантер»га шикаст етказилди. Буни кўриб бошқа танклар юришдан тўхтадилар ва уларнинг экипажлари турган жайларидан Муродовнинг тўпига жуда қаттиқ ўт ёғдира бошладилар. Душман снарядлари жуда ҳам яқин тушиб ёрилмоқда. Тўп расчёти деярлик батамом ишдан чиққан. Брок жасоратли жангчи Муродов немис танкларни блан курашни тўхтатмади.

Тўп ўтининг сусайганини пайқаган «пантера»лар 15 метрга яқинлашганда Муродов ўзининг сўнгги снарядини отди. «Пантера» ловуллаб ёниб кетди. Қаҳрамон Муродовнинг ҳалок бўлиши муқаррардай кўринди. Брок немисларнинг қолган етти танки кўрқиб шошиб-пишиб орқаларига бурилиб бадар қочди.

Жасур совет артиллериячиларининг метин иродасига дуч келган душман танкларининг атакаси мана шундай қайтарилди.

Жанглар райони (Ўз мухбиримиздан)

ҚАҲРАМОНЛИК НИШОНИ

Немислар бизнинг ҳужумимизни тўхтатишга уриниб бирин-кетин беш марта контратака қилди.

Бу гал душманнинг бир взвод пиёда аскарлари гвардия сержанти **Мансур Муҳаммедов**нинг позициясига атака қилди. Сержант ўз жангчиларига мурожаат қилди:

– Дадил бўлинглар! Бўш келманглар, шоввозлар! Фақат мен команда бергандан кейингина ўт очасизлар! Тайёрланинглар!

Гитлерчилар блан отделения позицияси ўртасида 100 метр қолгандагина сержант команда берди. Жангчилар автоматлардан қаттиқ ўт очдилар. Фашистлар ўз мурдалари устидан босиб ўтиб келавердилар. Жангчиларимиз ҳайикмай жуда қаттиқ туриб олдилар. Тенгсиз шиддатли жанг қизиқ кетди.

Кўркмас сержант Муҳаммедов отделениясининг жангчилари шердай олишиб кучи 3 – 4 баробар ошиқ бўлган душманнинг атакасини қайтардилар. Кўп гитлерчиларни қириб ташладилар. Фақат сержант Муҳаммедовнинг ўзи шу жангда 20 фашистни ўлдирди.

... Муҳаммедовни жангчи ўртоқлари кўкрагида барқ уриб турган 1-чи даража «Ватан уруши» ордени блан табриклаганда у яшнаб кетди, кўкрагини тўлдириб нафас олди ва: «Ниҳоят, мен бир қарзни уздим», – деди. Барча қизиқиб: «Кимдан, қандай қарзингиз бор эди, ўртоқ сержант? Биз ҳам билсак мумкинми?» – деб сўрай бошлади.

Муҳаммедов чўнтагидан бир ўроғлиқ қоғозни чиқариб очди ва ундан бир қоғоз гулни олиб жанговар дўстларига кўрсатди-да, сўнг бунинг сиррини сўзлаб берди.

Бу гул унинг севиқли ёри Шаҳрихондан келган хат эди.

Капитан З.Фатхуллин

КЎК КОНВЕРТ

Ўзбек йигити Эркабой Мирзаев бир қисмда оддий аскар бўлиб урушиб юрганида бир куни бўлинма командири «ма, қорақош, қорақўз йигит» деб кичкина бир посилка берди. Мирзаев командир-

нинг гапига хайрон бўлиб қараса, бу гап посилкага ёзилган адресда бор экан: «Ўнтадан ортиқ немисни ўлдирган қорақош, қора кўз йигитга тексин».

Посилкада икки юз грамча тамаки, битта ғалати батист рўмолча, кўк конвертга солинган икки энликкина хат:

«Ўртоқ қизил аскар! Тамакини ўртоқларингиз блан чекинг. Рўмолча сизга омонат. Урушдан кейин сўраб оламан. Латофатхон Ғулова».

Мирзаев шошиб қолиб бир куннинг ўзида Латофатхонга иккита хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан-оёқ «рахмат»дан иборат эди, кейингисида «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди. Иккита хатга ҳам тезда жавоб келавермади. Бу орада катта жанглр бўлиб, Мирзаевнинг қисми гвардия қисми, ўзи гвардиячи сержант бўлди. Шундан кейин Латофатхонга яна хат ёзди. Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармагандан кейин Мирзаев «унақа гаплар мижозига тўғри келмади, шекилли» деб қаттиқ хижолат тортиди, шу хижолатликдан қутилиш учун бу гапларни эсидан чиқаришга ҳаракат қилди.

Сержант ярадор бўлиб шаҳарга келаётганида яна Латофатхонни эслаб «оёққа босишим бланок йўқлаб бораман» деб жазм қилган эди, оёққа босганидан кейин ўйлаб қараса, тўғри келмайди; хатларига жавоб бермади, рўмолчани урушдан кейин сўраб оламан дегани немисни каллапоча қилмагунингча кўзимга кўринма дегани...

Шу блан Мирзаев бу гапларни хаёлдан чиқарган эди. Шу бугун кечкурун диққат бўлиб ўтирганида яна Латофатхон эсига тушиб бир фикрга келди. Латофатхонни кўриб «мен ўша Эркабой Мирзаев бўламан» дейиши шартми? Тўғри келса, Мирзаевман дейди, тўғри келмаса, унинг ўртоғиман, ярадор бўлиб келаётганимда «Латофатхонни бориб кўр, мендан салом айтгин» деб тайинлаган эди дейди кўядида. Ақлли, бамаъни қизга ўхшайди, бирпас гаплашиб кўнглини ёзиб келади...

Жўнади. Латофатхоннинг ҳовлисини топиб, эшикни тақиллатаётганида кўнглидан бир гап ўтди: бордию Латофатхон дегани суви қочиб, шохида майиз бўлган кампирсумон бир хотин бўлса-чи?

Ҳақиқатан эшикни жуда ўтиб қолган бир кампир чиқиб очди. Кампир уни кўриб аввал ўзини йўқотиб қўйди, кейин бўйнидан кучиб у юзидан, бу юзидан ўпди.

– Вой, қоматингдан онанг ўргилсин! Оёғингга нима қилди? Кир тезроқ! Бу ёққа, ўргилай... ҳай, қизим, қаёқда қолдинг, самовар қўй! Аканг урушдан келиптилар...

Мирзаевнинг юраги «шув» этиб кетди.

Кампирнинг ўзи дарров супага жой қилди. Бирпасдан кейин ичкаридан атлас қўйлак кийиб, кокилини бошига ўраб олган 17 ё 18 ёшдаги бир қиз чиқиб Мирзаев блан сўрашдию яна кириб кетди. Мирзаев унинг кетидан қараб, «чакки беҳуда хат ёзиб хуркитибман-да, жуда менбоп нарса экан» деб қўйди. Кампир Мирзаевни яна ўпди, ярадор оёғини силади.

– Худаё, немис ўлсин, сендай йигитларни уй-жой қилиб, орзу-ҳавас кўргани қўймас! Латофатхон ҳам сизлар блан биргадир-да, а, ўғлим?

Ҳалиги қиз дастурхон кўтариб келаётган эди, кулиб юборди.

– Бу киши шунақа, ким урушдан келдим деса, опамни сўрай бердилар.

– Ҳе, Латофатхон ҳам урушга кетганми? Қачон, нима бўлиб?

– Опам медсестра бўлиб кетганлар. Ўтган йил 3 майда эди.

– Шунақами?

– Ҳа, ўғлим, шунақа... Шунча айтдим, от миналмасанг, замбарак оталмасанг нима қиласан дедим. Ҳеч кўнмади. Ўзи жуда ғайратлик эди-да. «Берлинга от қўяман» дейди. Фикри-ёди урушда. Шу ерда юрганида нима топса қизил аскарларга совға қилиб юборар эди. Хат ёзмаган куни йўқ. Ҳали-ҳали қизил аскарлардан, командирлардан хат келиб туради. Келган хатларни ўзига жўнатиб турамиз. Қизим, нечта хат жўнатдинг?

– Ҳа, 102 та хат юбордик.

Мирзаев бир чўчиб тушди:

«Ҳе, учтаси мендан бўлса, қолган 99 таси кимдан?»

– Ҳаммаси урушдан келганми?

– Ҳа, ўғлим, ҳаммаси урушдан. Бор, қизим, суратини олиб чиқ, аканг кўрсинлар... Бу хатларнинг кўплигини синглингиз менга ўқиб

берган. Қизил аскарлар, командирлар бирам хурсанд, бирам миннатдор денг. Шу хатлардан иккитасини шўхроқ йигит ёзган экан!.. Майли, умрини берсин.

Мирзаев қип-қизариб пешанасини қашлади.

Қиз Латофатхоннинг суратини олиб чикди.

– Мана, бу шу ерда олдирган суратлари, – деди.

Абдуваҳоб Ҳамидов олиб кўрди. Битта қиз шунчалик бўладида! Суратда худди «боринг, унақа деманг!» деганга ўхшаб турипти. Лекин медсестраликка ярарликми?

– Мана бунисини кўринг, ўғлим, бу Москвадан юборган сурати.

Латофатхонга ҳарбий кийим шундай ярашибтики... Мирзаевнинг кўзи тиниб кетди. Бу суратда «ҳай бола, кўзингга қара!» деганга ўхшаб турипти. Медсестраликка яраш ҳам гапми!

Мирзаев ўйланиб қолган эди, кампир:

– Танидингизми? – деди.

– Онажон! Шу суратни менга берсангиз. Латофатхон юборган совғалардан бири менинг бир ўртоғимга теккан эди. Шу йигит хурсанд бўлиб Латофатхонни бир кўрсам деган эди. Ўзи ярадор...

– Ким деган йигит?

Мирзаев шошиб қолди.

– Сиз юборган ўша 102 та хатнинг учтаси ўша йигитники. Лекин сиз айтган шўх йигит эмас... Унақа шўхлик қилмайди.

Кампир кизига қаради. Қиз бир нарсани пайқагандай илжайиб:

– Майли, олсинлар, – деди.

Мирзаев суратни ёнига солиб ўрнидан турди. Булар кўймаганига қарамай, хайрлашиб кетди.

У госпиталга келиб, шу куни кечгача ўтириб хат ёзди. Хатни Латофатхоннинг конвертига ўхшаган кўк конвертга солиб адрес ёзди: «Полевая почта 19640, ўнтадан ортиқ ярадорни жанг майдонидан олиб чиққан бўлса, қорақош, қуралай кўз Латофатхон Ғуломовага тегсин».

Бу хатнинг мазмунини... бировга айтиб бўлмайди.

Абдулла Қаҳҳор

АГИТАТОР ЖАББОР АКБАРОВ

Старшина Жаббор Акбаров ўз жанговар ишлари ва оташин агитаторлиги блан кўшилмамизда ҳаммага танилди.

У қисмдаги энг жасур жангчи ва энг моҳир агитаторлардан бири ҳисобланади.

Аkbаров курашимизнинг маъно ва аҳамиятларини ҳамда вазифаларимизни ёрқин аниқлаб берадиган ўртоқ Сталин сўзларини жуда моҳирлик блан қизил аскарлар оммасига тушинтириб беради.

Аkbаров ўртоқ Сталиннинг доклат ва буйруқларида айтган фикрларини ҳар бир жангчи онгига сингдириш учун жони-дили блан тирришади. Ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида» деган китоби ҳеч қачон Акбаров кўлидан тушмайди. У жангчиларга бутун воқиаларни сталинча онглашга, ундан тўғри хулосалар чиқаришга ва жанговар вазифаларни муваффақиятли бажаришга беҳад кўп ёрдам қилади. Агитатор Акбаров ўз большевистик сўзлари ва баҳодирона иш намуналари блан бўлинмадаги ўртоқларини янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантиради.

Ўртоқ Акбаровнинг агитация ишидаги энг кучли томонидан бири унинг большевистик сўзи блан жанговар ишини бирлигидир. У ўзининг қаҳрамонлиги ва жасурлиги блан ҳамда ҳарбий ҳийлакорлиги блан ҳаммага намуна бўлади. У ўзининг довиорак, ботирлиги блан жанг майдонида жангчиларни душман устидан ғалаба қилишга илҳомлантиради.

«Д» қишлоғи учун бошланган жанг олдидан ўртоқ Акбаров ўз взводидаги жангчиларни тўплаб, уларга жанговар буйруқни пухта қилиб тушинтирди ва ҳар бир жангчининг қандай ҳаракат қилишини яхшилаб онглатди.

Жанг давомида взвод командири младший лейтенант Васильев мардона ҳалок бўлди. Командир сафдан чиққач, Акбаров дарҳол командирликни ўз кўлига олди. Жангчиларга қараб: «Ўртоқлар! Севган командиримиз Ватан йўлида ҳалок бўлди. Сталин учун, севган командиримиз учун олға», – деб хитоб қилди ва биринчи

бўлиб ўзи душман окопига қараб ташланди. Душман траншеяси-дан бир ифлос немис Акбаровга қараб ўқ узмоқчи бўлди, лекин Акбаров чаққонлик қилиб винтовка қўндоғи блан бошлаб немис калласига урди. Немис ағдарилиб тушгач, уни Акбаров ханжар блан санчиб ўлдирди. Ёрдамга етиб келган дўсти Иван блан Акбаров яна 7 немисни қириб ташлади ва бир немисни асир олди. Акбаров взводи шу кун топширилган жанговар вазифани аъло даражада бажарди.

«Д» қишлоғи учун бўлган жанг муваффақият блан тугагач, ўртоқ Акбаров бутун жангчиларни тўплаб уларга қараб: «Ўртоқлар! Бугунги жанговар вазифани биз аъло бажардик. Эртага яна олдимизда катта жанглар турипти, Ватан биздан янги ботирликларини талаб қилади. Ҳаммамизнинг уйимизда ота-она, опа-сингил ва бола-чақаларимиз душман устидан ғалаба қилишимизни ва омон-эсан қайтиб боришимизни кутмоқдалар. Ўртоқ жангчилар! Эртаги кун вазифасини ҳам аъло бажариш учун курашув керак. Ўртоқ Сталин биздан янги қахрамонликларни талаб қилади», – деди ва жангчилар олдига янги конкрет вазифалар қўйди.

Эртаси куни жанглар яна қизиқ кетди. Акбаров взводи душман позициясини ёриб чекинаётган душман орқасидан қувиб олға боса бошлади.

Бир группа немис-фашист солдатлари ён томонидан Акбаров взводини ўраб олишга уринди. Акбаров жангчиларни кўркмасликка, ботир бўлишга, жасурлик блан курашга чақирди.

Жангчилар Акбаров буйруғига кўра немисларни 30 метргача яқин келтириб, сўнгра бирданига бутун қурооллардан баравар ўт очдилар. Атака қилаётган фашистларнинг биринчи қатори тутдек тўкилди. Сўнгра Акбаров ўз йигитларини контратакага кўтарди. Найзабозлик жанги бошланиб кетди. Акбаровнинг ўзи немис офицерига қараб ташланди ва калласи блан немиснинг кўкрагига уриб йиқитиб ташлади ва яна 5 немисни ўлдирди. Бу жангда Акбаров взводи 50 дан ошиқ немисни қириб ташлади.

Эрта блан қисм Н. тепалигини штурм қилиши керак эди. Акбаров бўлинмасига ҳам муҳим вазифа топширилди. Жанг бошланди, бўлинма олға қараб ҳужум қила берди.

Рота командири ярадор бўлиб сафдан чиқгач, ўртоқ Акбаров рота командирлигини ўз кўлига олди ва аскарларга қараб «Командиримизнинг тўкилган қони учун олға!» деб жангчиларни штурмга олиб борди. Рота жанговар топширикни аъло даражада бажарди. Н. тепалигига қизил байроқ ўрнатилди.

Старшина Акбаровнинг қилган хизматлари қисм қўмондонлиги томонидан бир неча мартаба тақдирланди. Ўзбек халқининг мард ўғли Жаббор Акбаровнинг кўкраги «Қизил юлдуз», II даражали «Ватан уруши» орденлари ва «Жасурлиги учун» медали билан безалган.

Майор Мансур Маҳмудов, орденли

МИНОМЁТ РАСЧЁТИДА

Совет Иттифоқи маршали улуғ Сталин ҳар бир жангчи, сержант ва офицердан хушёр бўлишни, ҳарбий техникани пухта ўрганишни талаб қилади. Масала шундай экан, ҳар бир жангчи ҳарбий техниканинг бутун турдаги қуролларини қунт билан ўрганишга киришишлари лозим. Кимки ҳарбий техникани яхши эгалламас экан, ўз-ўзидан маълумки, у жангчи албатта немисни ўлдиришда ожизлик қилади.

Ҳарбий техникани қанчалик пухта ўрганар экансан, у маҳал душманни ҳам шунча кўп ўлдирасан, улуғ Сталин буйруғини бажарасан. Мисол: Орденли капитан ўртоқ Пишаханов командирлик қилаётган бўлинмадаги қозоқ ва ўзбеклардан иборат старший сержант ўртоқ Султон Алмахонов расчётини олайлик, бу расчёт жангчилари ўзларининг интизомлилиги, ҳарбий техниканинг бутун турдаги қуролларини пухта ўрганишлари ва жангда кўрсатган қаҳрамонликлари билан бошқа расчётлардан фарқ қилишади.

Расчёт командири ўртоқ Султон Алмахонов бўлинмага янги келган қунларида русча яхши сўзлашолмас, миномёт ва бошқа қуролларни билмайдиган оддий жангчи эди. Ҳозир у миномётгина эмас, автомат, граната, пулемёт ва винтовкаларнинг қисмларини ҳам беш панжасидек билиб олди. Унинг хизматларини юксак баҳолаб старший сержант унвони беришиб, миномёт расчётига командир қилиб тайинлашди. Бўлинма партия ташкилоти ВКП(б) сафига қабул қилди.

Унинг расчётида ўзи блан 4 киши бор, улар ҳам командиридан қолишмайди. Ўртоқ Алмахонов уларни расчёт командирлиги вазифасини олиб боришга қобилиятли қилиб тарбиялаб етиштирди. Ефрейтор ўзбек Эркабой Тожиев ўқловчилик вазифасида хизмат қилади. Ўзбек Малик Эшонов мина ташучилик вазифасини бажаради. Бўлинма партия ташкилоти интизомли ва ҳарбий техникани ўрганишда бошқа жангчилар ўртасида намунали бўлганликлари учун Тожиев ва Эшонов, сержант ўртоқ Саймахановларни ВКП(б) сафига қабул қилди.

Ўртоқ Алмаханов расчёти кейинги кунларда бўлиб ўтган жангларда катта маҳорат кўрсатди. Улар немисларнинг бир группа танк десантини қириб юборди. Бундан ташқари, нишонловчи ўртоқ Саймахонов тўғри нишонга олиб отиб душманнинг икки от-аравасини яқсон қилди, 20 дан ортиқ солдат ва офицерини қириб ташлади. Сержант ўртоқ Саймахонов жанг майдонида мина парчаси тегиб қўлидан ярадор бўлса ҳам, то жанг тўхтамагунча жанг майдонидан кетмасдан, душманга қарши ўт очиб қахрамонларча курашди.

Ўқловчи Тожиев тўпни ўз вақтида ўқлади. Мина ташучи Эшонов минани ташиб етказишда алоҳида маҳорат кўрсатди. Қўмондонлик расчёт командири ўртоқ Алмахановни «Жанговар хизматлари учун» медали блан, Тожиевни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Қахрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Майор Х.Рискулов

ГВАРДИЯЧАСИГА ИШЛАДИЛАР

Гвардия майори ўртоқ Сулифов командирлик қилаётган бўлинма жангчилари землянка қуруш, траншея қазиш ишида зўр маҳорат кўрсатдилар.

Лейтенант Евдокимов взводидаги автоматчиларга землянка қуруш учун 8 соат вақт берилган эди. Гвардиячилар бу ишга зўр кўтаринчилик блан бир кишидек қиришиб нормани 8 соат эмас, 4 соатда 200 процент қилиб бажаришиб бошқа взвод жангчиларига намуна кўрсатдилар.

Ер кавлаш ишида взвод комсорги Заиссов, жангчилардан Макаров, Сидиков, Дураков, Хуснутдинов ва Ливитанов ўртоқлар яхши ишлашиб, взвод командири ташаккурига сазовар бўлдилар. Шунингдек, ер кавлаш ишида 1- ва 2-взвод жангчилари ҳам зўр маҳорат кўрсатдилар. Халиев, Музнов, партиянинг ҳақиқий аъзоси Аҳмедов, кичик сержант Ёркилов ўртоқлар 1,5 нормагача ер кавлашиб тупроқни иргитишдилар.

3-нчи взвод жангчиларидан старший сержант Пономарчук, Шарипов ва Мўминов ўртоқлар ҳам нормасини 130 процентгача етказиб бажаришди.

Кизил аскар Мўминов

Фронтчилар ижоди

АВТОМАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Атрофимга боқаман,
Днепр дарёсидан
Ўрмонлардан ўтаман.
Қайиқ-ла сузиб ўтдим.
Душманни истаб топиб,
Қирғоқда қирқ немисни
Кўкрагидан отаман.
Шафқатсиз қириб ўтдим.
Мени жангга жўнатган
Ўқ эмас, автоматдан
Ватанимдир – онамдир.
Нафратим гу-гу учар.
Бир немис ўлдирмасам,
Немислар, «ура» десак,
Ичган ошим ҳаромдир.
ДЗОТин ташлаб қочар.
Менга куч – илҳом берган
Ёримдир автоматим,*

*Сталиннинг сўзидир.
Боримдир автоматим.
Жангларда ботир қилган
Ўлимни енгиб чиққан
Автоматим ўзидир.
Жонимдир автоматим.*

Лейтенант И.Элмуродов

ШОДЛИК

*Баҳор келди. Даладан қайтиб
Мактубини ўқисам очиб,
Уйга кирдим онам ёнига.
«Қизил юлдуз» олипти ёрим.
– Қизим, – деди, – ўйна жилмайиб,
Н. қишлоғи катта тепада
Мактуб келди ёрингдан мана...
Душманларни қирипти ёрим.
Ўйнаб кетдим «баҳор» куйига
Сержант экан пулемётчи у,
Қора сочим белимга ташлаб.
Фашистларни қирипти ёрим.
Дарё бўйи, кенг далада
«Қизил юлдуз» бахтим, онажон!
Пахта-гуллар терганим эслаб...
Омон-эсан юрипти ёрим.*

Ҳабиба Жўраева Қўқан райони

ЎЗБЕКИСТОН ПЎЛАТИ

Меҳнат frontiда янги порлоқ ғалабага эришилди. Ўзбекистон металлургия заводи қурулишида биринчи мартен печи ишга солинди. Ёш пўлат эритучилар отряди ишга киришди. Мамлакат блан фронт Ўзбекистоннинг биринчи пўлатини олдилар. Урал ва Украина

қора металлургия ишчилари ва мутахассислари қатнашаётган бу буюк қурулиш ҳаётида муҳим давр тамомланди.

Ўзбекистон металлургия заводи қурулишида биринчи мартен печини ишга солиш блан бир вақтда маданий-маиший бинолар қуриш ҳам тамомланди. 15 километрлик темир йўл, 13 километрлик тош йўл ўтказилди, корхонадаги бошқа цехлар қурулишини тамомлаш юзасидан катта ишлар қизитиб юборилди. Шу йил иккинчи ва учинчи мартен печлари, прокат цехи, теплоэлектро-централь қурулиши тамомланиши лозим. Генератор станциясида ферросплав заводини қуриш бошланади. Қурувчиларнинг бир қисми мартен печини қураётган вақтда бошқалари Уралда пўлат эритиш, мураккаб механизмларни бошқариш санъатини эгалладилар. Кечаги колхозчилар ўзлари учун янги бўлган ихтисосни тезлик блан ўзлаштирдилар. Қаюмов блан Тошпўлатов пўлат эритучи, Ҳожиматов блан Халиқулов канавшиқ, Гатауллин қуючи, Маҳмудов кран машинисти бўлиб олдилар. Юздан ортиқ ёш ишчи бевосита қурулиш майдонида ишлаб чиқариш таълимини олдилар. Одамлар заводни вужудга келтириш блан бирга унда ишлаш техникасини ҳам эгалладилар.

Мартен печини ишга солиш куни умумхалқ байрамига айланди. Меҳнаткашлар Ўзбекистонда металлургия заводини вужудга келтиришга Ленин-Сталин миллий сиёсатини амалга оширилишининг яққол гавдаланиши деб баҳо бердилар. Ўзбекистон пойтахтидан большевиклар партияси, Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари, стахановчилар, олимлар, санъат усталари келди. Ёш пўлат эритучилар табрикларига жавобан аъло сифатли пўлат бериш учун фидокорона меҳнат қилишга ваъда бердилар.

Қуручилар, монтажчилар ва эксплуатациячилар ўрток Сталинга табрик телеграммаси юбориб, Ўзбекистонда биринчи мартен печи ишга солиниши ҳақида рапорт бердилар. Кремлдан келган жавоб телеграммаси меҳнат ғайратининг янада кўтарилишига сабаб бўлди. Буюк дохий қуручиларни, монтажчиларни ва эксплуатациячиларни мартеннинг ишга солиниши блан самимий табриклади ва уларга бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тилади.

Пўлат эритилмоқда... Печь оғзидан металнинг оловли оқими урмоқда. Эндигина қуйилган пўлат кесаклари тоғдай чўзилиб турипти. Улар тўп, снаряд, танкларга айланажак, улар душман устидан тўла ғалаба қозониш кунини яқинлаштиришга ёрдам беражак.

(ЎзТАГ)

1944 ЙИЛ 23 АПРЕЛЬ. №32 (193)

ГВАРДИЯЧИ ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Гвардия старшинаси Ҳамид Солиевни офицер Бўлахов қисмидаги барча жангчилар жуда яхши билади. У ўзининг жасур ва моҳир жангчилиги ҳамда эпчил ташкилотчилиги блан бутун қўшилмада шуҳрат чиқарди.

Бу қорача, чуппак тошкентли йигит Улуғ Ватан урушининг бошидан бери фашист босқинчиларга қарши мардларча кураш олиб бормоқда. Солиев рус, украин, қозоқ, грузин ва бошқа миллат жангчилари блан бирга Сталинград, Орёл, Городок ва бошқа шаҳарларда немис босқинчиларни тор-мор қилиш урушларида ботирларча иштирок қилди.

Солиев бошлаб фронтга келганда оддий жангчи эди. Ҳозир у гвардия старшинаси деган ҳарбий унвонга эга ва гвардиячи, миномёт расчётига командирлик қилмоқда. Ўртоқ Солиевнинг расчёти бир қатор жангларда топшириқни аъло даражада бажариб немисларнинг жуда кўп жонли куч ва техникаларини ер билан яксон қилиб ташлаган.

«А» қишлоғини фашистлар таянч пунктига айлантирган эдилар. Қисмга фашистларни шу қишлоқдан ҳайдаб чиқариш вазифаси топширилди. Ўтказилган артиллерия отишмасида Солиев расчёти алоҳида маҳорат кўрсатди. Солиев ўз миномётини фашист окопларига яқин ва қулай жойга ўрнаштириб, немислар устига минани дўлдек ёғдирди. Пиёдаларимиз атакага кўтарилган замоноқ Солиев ҳам ўз расчёти блан пиёдалар қаторида душман траншеясига отилди ва қо-

чиб бораётган немисларни ўққа тутиб 50 дан ошиқ ифлосни кириб ташлади. «А» кишлоғи немислардан тозаланди.

Г. шаҳри остоналарида фашист солдатлари хужум қилаётган кўшинларимизга қутириб қаршилиқ кўрсатдилар ва кеча қўлдан кетган муҳим позицияни қайтариб олиш учун қарши хужумга ўтдилар. Солиев расчёти устига 100 дан ортиқ немис солдати хужум бошлади. Солиев йигитларига қараб: «Кўркманг, азаматлар! Дадил бўлингиз! Барибир биз енгиб чиқамиз, жонингиз борича курашингиз!» – деб хитоб қилди. Солиев ўзи миномётдан отиб 40 дан ошиқ фашистни кириб ташлади. Лекин фашистлар олға босишни давом этказди ва гвардиячиларга яқинлашиб қолди. Солиев фашист гранатасининг порчаси блан яраланди. Юзи кип-қизил қонга бўялган ҳолда у: «Граната ва автоматлар ишга солинсин», – деб команда берди ва ўзи биринчи бўлиб граната ирғитди, мина ташучи Алексей ҳам автоматдан узун сидра ўқ узди, яқинлашиб қолган фашист галасининг биринчи сафи ер блан яқсон қилинди. Соғ қолган 20 тача немис ўлиги ва ярадорларини ташлаб орқасига қочди. Солиев ва унинг икки ўртоғи 100 немис солдатидан кучли чиқди.

Топорино кишлоғи учун бўлган жангда ҳам Солиевнинг миномёт расчёти алоҳида маҳорат кўрсатди. Шахсан Солиевнинг ўзи бу кишлоқ учун олиб борилган жангларда немисларнинг иккита пулемёти ва миномёти ҳамда 500 дан ортиқ кириб ташланган немис-фашист солдат ва офицерлари бор.

Солиев ботир жангчигина эмас, моҳир ва агитатор ҳам, у гвардиячи миномёт ротасининг партия ташкилотчиси ва энг яхши агитатор. У раҳбарлик қилган партия ташкилоти командирининг ҳақиқий ёрдамчиси. Партия ташкилоти жанговар буйруқларни бажаришда кўмондонликка катта ёрдам бермоқда.

Солиев ўзининг оммага тушинарли қилиб олиб борган алангали агитация блан жангчилар қалбидаги немисларга нисбатан бўлган нафратни ва улуғ она Ватанимизга бўлган муҳаббатни янада кучайтириб келмоқда.

Солиев ўзининг жанговар ишлари ва большевистик агитациялари блан жангчиларни янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда.

Ўзбек халқининг мард фарзанди Ҳамид Солиевнинг бу жанговар хизматлари қўмондонлик томонидан кўп мартабалар тақдирланган. Донгдор гвардиячи Солиев «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган.

Бу гвардиячи ўзбек йигитидан ўрнак олингиз!

Гвардия майори М.Абдуллаев

ФРОНТЧИГА ЖАВОБ

Фарғона (ЎзТАГ). Мен яқинда фронтдаги ўз ўғлимдан дарак олдим. Қосим шонли жанг ҳақида ёзган эди. У фақат бир ойдагина 14 гитлерчини қириб ташлаган. Ўғлим кучини ҳам, ҳаётини ҳам аямай немисларни қиражаги ҳақида ваъда берибди. У менадан артелигиздаги колхозчилар фронтга қандай ёрдам бермоқдалар, тўла ғалаба қозониш пайтини тезлаштириш учун сен қандай ишламоқдасан деб сўрайди. Мен ўғлимга бизлар ҳам ўз кучларимизни аямаймиз деб жавоб қайтардим. Ўтган йил колхозимизнинг аъзолари давлатга ҳамма маҳсулотларни муддатдан илгари топширдилар. Ҳозир биз пахтадан юқори ҳосил олиш учун замин тайёрламоқдамиз. Мен 82 ёшга кирган бўлсам ҳам, иш қилиш қўлимдан келади. Ўзбек халқи шу йилнинг бошида пахтадан мўл ҳосил олиш ҳақида ўртоқ Сталинга буюк қасамёд қилганида мен янада кўпроқ ишлашга қарор бердим ва ҳозир ҳар куни икки-уч норма бажармоқдаман.

Колхозимиз правленияси фронтчиларнинг оилаларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмоқда: колхоз уларнинг уйларини ремонт қилиб берди, бизларнинг тўқ яшамоғимиз учун зарур ҳамма чорани кўрмоқда.

**Тоҳир Зокиров, Фарғона область
Олтиариқ районидаги «МОПР»
колхозининг аъзоси**

КОЛЛЕКТИВ ГАЗЕТА ЎҚИШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Яқиндан бери «Душманга қарши олға» газетаси қисмимизга муфассал кела бошлади.

Агитатор ўртоқ Ҳасан Умаров ўзбек жангчиларини ҳар куни тўплаб, уларга ўз она тилларида мақола ва хабарларни тартибли равишда ўқиб беради ва шу мақолалар атрофида кенг суҳбатлар ўтказмоқда.

Кичик лейтенант Давлатов

* * *

Биз ўз постимизда хушёрлик блан навбатчилик қиламиз. Яқинда объектимиздан бир номаълум кишини ушлаб қисм штабига топширдик. Синчиклаб текширилгач у иланчаи парашютдан ташланган душман шпиони экани аниқланди.

Қизил аскар Аҳмад Аббосов



Қизил аскар М.Шарипов (чапда) ва А.Раҳимовлар ўз она тилларида
чиққан газетани ўқимқдалар.

С.Баранов сурати

Фронтчилар ижодидан

ОЛФА

*Кўлимда муқаддас қурол,
Улуғ жангдаман.
Шиддатли ҳужумим бўрон,
Ёвни енгаман.*

*Халқ учун, Сталин учун
Тугилдим ўғил бўлиб,
Ер учун, Ватан учун
Қурашга ботир бўлиб.*

*Белорус, ўзбек, рус
Жангчилар, олға-олға!
Ғалаба бахт қуёши,
Етишидик олтин тонгга!*

*Қирилсин итваччалар
Ўлиги тоғ-тоғ бўлиб.
Халқимиз ватанпарвар,
Яшасин хушчоқ-чоқ бўлиб.*

Старшина Тўйчи Хусанов

1944 ЙИЛ 30 АПРЕЛЬ. №34 (195)

ПАХТА УЧУН КУРАШДА КОЛХОЗ АГИТАТОРЛАРИНИНГ ИШИ

Андижон (ЎзТАГ). Илгари кишлоқ хўжалигидан бошқа ишларда банд бўлиб келган пахта усталаридан 500 киши районимиз колхозларига қайтиб келди. Улар агитация ишларини уюштиришни ҳам ўз устларига олдилар. Ёрбоши кишлоқ советидаги Дзержинский номи колхозининг раиси Теша Боймирзаев 12 кишидан иборат колхоз

агитаторларининг группасини ташкил қилди. Агитаторлар қизгин ишга киришдилар, улар ҳар куни халқаро аҳвол ҳақида, Ватан уруши фронтларидаги уруш ҳаракатлари ҳақида сўнги янгиликларни колхозчиларга тушинтириб турадилар. «Жанговар варақалар» чиқармоқдалар. Агитаторларнинг ёрдами блан колхозда маданий чойхона ташкил этилди.

Зовроқ қишлоқ советидаги Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам оммавий агитация ишлари қизитиб юборилди. Бу ерда сиёсий тўғарақлар тартибли ишлаб турибди, колхозчилар ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши ҳақида»-ги китобини ўрганмоқдалар. Районнинг 12 қишлоқ советида агитпунктлар ташкил этилди. Колхозларда 25 маданий чойхона очилди. Пахтачилик бригадалари ва звеноларида ўнлаб жанговар варақалар чиқарилмоқда. Сиёсий иш кўклам экин ишларини большевикча муваффақиятли ўтказилиши учун ёрдам бермоқда.

**Додажон Қосимов, Ўз К(б)П
Андижон райони комитети пропаганда ва
агитация бўлимининг мудир**

1944 ЙИЛ 5 МАЙ. №36 (197)

ЯНГИ ЗАЁМГА АҲИЛ БЎЛИБ ЁЗИЛАМИЗ!

Ватанпарварлик намоиши

Учинчи давлат ҳарбий заёми фронтдаги ва мамлакат ичкарисидаги қаҳрамон ватанпарварларимизнинг немис-фашист босқинчилар устидан узил-кесил ғалаба кунларини яқинлаштиради.

Мен 1942 йилдан буён уруш майдонида жанг қилиб келмоқдаман. Харьков, Белгород, Воронеж шаҳарлари учун бўлган қатъий жангларда бошдан-охиригача иштирок қилдим. Жонажон Ватанимнинг бахт-саодати учун, Олий бош қўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг буйруғини бажаришда жони-танимни аямай хизмат қилажакман.

Бу янги заём душманга ўқ, снаряд, пулемёт, тўп орқали ўлим бўлиб тушажак. Мен бу заёмга 250 сўмга ёзилиб ёнимда бўлган 70 сўмни нахт тўлаб, бошқа гвардиячи дўстларимнинг ҳам шундай активлик кўрсатишларига тўла ишонч билдираман.

Гвардия қизил аскари Қори Қорабаев

ЯНГИ ЗАЁМ – ДУШМАНГА ҚАТТИҚ ЗАРБА

Гвардия старший лейтенанти Алексеенко бўлинмасидаги гвардия ефрейтори автоматчи Умар Қаландаров Ватан уруши бошлангандан буён олдинги қаторда бўлиб, немис итваччаларини шафқатсиз кириб келмоқда.

Унинг қўлидаги даҳшатли совет автомати ўтлари блан кўп немис боскинчилари ер тишлаб, қотиб қолдилар. Сталинград остонасидаги тарихий жангларда разведкачи бўлиб алоҳида маҳорат кўрсатгани учун у «Сталинград мудофааси учун» медали блан, Харьков учун бўлган жангларда қаҳрамонона ҳаракатлари учун «Жасурлиги учун» медаллари блан мукофотланган эди.

Қисм комсорги, гвардия старший лейтенанти Калилин бўлинмага келиб тантанали митинг ўтказганида ўртоқ Қаландаров ҳаммадан биринчи бўлиб сўзга чиқди:

– Ярадор бўлган йиртқични изидан қувиб бориб, уни ўз уясида ўлдириб, душман устидан узил-кесил ғалаба қозонишимизда бу учинчи давлат ҳарбий заёми янги куч-қудратимиздир. Мен ёнимда бўлган 80 сўмни нахт бериб икки ойлик маошим юзасидан заёмга ёзиламан, – деб шу жойнинг ўзида ваъдасини бажарди.

Бўлинмадаги бутун гвардиячилар янги давлат заёмига икки соат ичида ёзилиб бўлдилар.

Гвардия қизил аскари Махмуд Султонов

ИСТАКЛАРИМ

Сўнгги бир неча ойлар давомида «Душманга қарши олға» газетасини узлуксиз олиб турмоқдаман.

Ўқуйман ва қаноатланаман.

Тўғриси айтганда, газета бултургига нисбатан ўсди ва техника сифати жиҳатидан анча яхши бўлиб қолди. Газета саҳифаларидан биз немис-фашист босқинчиларга қарши курашда бошқа совет халқлари сингари фронтимиз бўйича қаҳрамонона курашаётган ботир ўзбек фарзандларини ҳам кўрмоқдамиз ва уларнинг жанговар муваффақиятларидан руҳланмоқдамиз.

Эндиликда газетамизда Ўзбекистонимизнинг ҳоли-аҳволларидан, унинг ўтмишидаги халқ ботирлари ва уларнинг қаҳрамонона ҳаракатларидан ва ўзбек халқининг меҳнат frontiда қозонган ютуқларидан тузукроқ хабар ва мақолалар ёритилиб туришини истар эдик.

Ундан ташқари, жанг санъати, жанг тажрибалари ҳақида, отделение командири ва алоҳида жангчиларнинг жангдаги вазибалари кўпроқ ёритилиб турилса жуда ҳам яхши бўлар эди.

**Старший лейтенант
Мир-Одил Толибов, орденли**

ГАЗЕТАМИЗ ЁРДАМЧИМИЗДИР

Мен фронтимиз бўйича чиқадиган «Душманга қарши олға» газетасини биринчи бор олиб ўқиганимда худди ўз она юртимни кўриб, бошқа қисмлардаги жанговар ўзбек дўстларим блан сирлашиб, сўзлашгандек бўлдим.

Мен ўзбек халқининг жанг майдонида етишган ёш офицерларидан бўлиб, ўз бўлинмамда агитаторлик ишини ҳам бажармоқдаман.

Биз бу газетамиз орқали фронтимиздаги уч орденли, тўпчи старший сержант Жаббор Тошев, пулемёт расчёти командири Умар Ҳасанов, орденли старшина Ҳамид Солиев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Кўчкор Турдиевнинг собиқ отделний командири Умармурод Мамадов, оташин агитаторимиз майор Маҳмудов, офицер

Ниёзим Давлетов ва шунинг каби бошқа бир қанча қахрамон ўзбек халқи фарзандларини таниб ва билиб олишдик.

Жанговар дўстларимизнинг кўрсатаётган қахрамонона ишлари бизларни илҳомлантирмоқда.

Старший сержант Нестеров парторг бўлган бўлинмадаги гвардия оддий аскарлари Абдували Абжалилов яқинда бўлган қатъий бир жангда ўнларча немис солдат ва офицерларини қириб ташлаб, душманининг қарши атакасини қайтарди. Жанговар дўстларидан ибрат олган серкуёш Ўзбекистон халқининг мард ўғли «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Гвардия лейтенанти Ҳошим Бобоев

1944 ЙИЛ 11 МАЙ. №37 (198)

ТАНТАНА БЛАН

Янги заёмнинг аҳамияти ҳақида бўлинма командири гвардия лейтенанти Калилин қисқача сўзлагандан кейин жангчилар заёмга ёзила бошладилар. Гвардия старший лейтенанти Бородихин учинчи давлат ҳарбий заёмига 1.500 сўмга ёзилди.

Гвардия старший сержанти Рочков икки ойлик маошига, батарея парторги, гвардия сержанти Серёгин 460 сўмга ёзилди.

«Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган фарғонали гвардия оддий аскарлари ўзбек йигити Маҳмуд Султонов икки ойлик маошига ёзилиб, 170 сўм нахт ёнидан чиқариб бериш билан бошқаларга намуна кўрсатди.

Икки соат ичида бутун бўлинмадаги оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар учинчи давлат ҳарбий заёмга ёзилишни тамом қилдилар.

(Ўз мухбиримиздан)



Миноёт наводчиги сержант Сулейман Хусайнов ўзининг аниқ нишонлаши ва эпчиллиги блан бошқалардан устун туради. Кўп жангларда иштирок қилган Хусайнов икки мартаба яраланган эди. Қўмондонлик унинг ботирлигини назарда тутиб Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлик учун» медали блан мукофотланган.

Б.Вдовенко сурати

БИР ЖОН – БИР ТАН БЎЛИБ

– Учинчи давлат ҳарбий заёмига 100 сўмга ёзилдим, – деди Ш даражали «Шухрат» ордени блан мукофотланган қизил аскар Лебедев, – ўртоқларимни ҳам ўшандан кам ёзилмасликларига чақирдим.

Ўша ернинг ўзида ёзилиш қизиб кетди. Ўзбек Аҳмад Ражабов икки ойлик маошига, ўзбек Юнусов икки ойлик маошига, бошқирт Аҳмедов икки ойлик маошига ёзилишдилар.

Қизил аскар Ҳамраев

ХИРУРГ

Қаҳрамон ўзбек халқи ҳам барча совет халқлари сингари немис-фашист босқинчиларига қарши муқаддас курашга қийғос отланди.

Ўзбек халқи мингларча асл фарзандлари – колхозчи, ишчи, интеллигентларни ғарбга – фронтларга сафарбар қилди.

Ўзбек халқининг ўн мингларча фарзандлари Улуғ Ватан урушининг барча фронтларида барча миллат жангчилари блан бирга фашист итваччаларига қарши баҳодирона жанг қилмоқда ва муқаддас Совет еримизни немис босқинчиларидан тозалашда.

Медицина хизматининг гвардия подполковниги, хирург Ғани Раҳимбердиев ана шундай жасур ва мохир ўзбек фарзандларидан биридир.

Ҳозир ўртоқ Раҳимбердиев фронтимиздаги қисмлардан бирида бош доктор бўлиб ишламоқда.

У, асли, тошкентли. 1931 йилдан бери армия сафида. 1931 йил ва 1932 йилларда босмачиларга қарши ҳаракатларда, айниқса, Қорақум операциясида ўртоқ Раҳимбердиев ўзининг фидокорона ишлари блан алоҳида кўзга кўринган. Бир қанча жангчи ва командирларга ўз вақтида медицина ёрдамиини уюштириб ва бир қанча азаматларга ҳаёт бахш этди. Ўртоқ Раҳимбердиев бу хизматлари учун кўмондонлик томонидан бир неча мартаба мукофотланган эди.

Ўртоқ Раҳимбердиев Улуғ Ватан уруши бошланган кундан буён фронтда.

Ўртоқ Раҳимбердиев шавкатли Қизил Армия сафида Ельна шаҳрини озод қилиш жанглирида ва бир неча катта ҳал қилуви жанглирида қаҳрамонона иштирок қилган. Ўша 1941 йил октябрь ойларида ярадор ва оғир контужин бўлади ва тез даволаниб қўшилмаларнинг бири блан яна жанг майдонига кетади. Унинг қўл остида бўлган медицина ходимлари кечаю кундуз душман ўтлари остида қаҳрамонона ишлаб, мингларча кишиларни даволаб уларга қайта бошдан ҳаёт бахш этдилар. Ярадор бўлган минглаб жангчи ва офицерларни сафга қайтардилар. Ўртоқ Раҳимбердиевнинг бу кўрсатган фидокорона ишлари кўмондонлик томонидан тақдирланиб унга майор унвони берилиб, соат билан мукофотланди.

1943-нчи йилнинг каттик киши, одам бўйи қор бўлиб, йўллар бутун кўмилган. Ҳол оғир. II. районида дивизия ҳужум қилаётир. 40 километр узокликдаги станцияга ярадор жангчи ва офицерларни

омон-эсон етказиш, айниқса, қийин иш эди. Ўртоқ Раҳимбердиев бу жойга шахсан ўзи келиб, бутун медицина ходимларининг кучи билан темир йўл куришни ташкил қилди, сўнг машиналарга эса кичкина вагончаларни тиркаштириб, битта ҳам ярадорларни қолдирмай душман ўтлари остидан олиб чиқдилар ва ўз вақтида даволадилар. Ташкилотчилик ишлари учун ўртоқ Раҳимбердиевга қўмондонлик томонидан алоҳида буйруқ блан ташаккур эълон қилинди.

1943-нчи йил ўртоқ Раҳимбердиев Д. ва Г. шахарлари учун бўлган қатъий жангларда ҳам жуда кўп жангчи ва офицерларни астайдил даволаб сафга қайтарди.

Ўтлар ичида чиниққан ва мингларча жангчи ва офицерларга ҳаёт бахш этган, ўзбек халқининг асл фарзанди, медицина ходими, хирург Ғани Раҳимбердиевнинг хизматлари ҳукумат ва қўмондонлик томонидан юсак тақдирланиб у «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланди.

Ғолибона шонли Қизил Армиямизнинг соғлиги ва келажакдаги бахт-саодати учун қаҳрамонона ишлаётган фронтимиздаги медицина ходимларига шарафлар бўлсин!

Старший лейтенант А.Турумбетов

СЕН ДЕМИШСАНКИМ

*Шеърни олдим, севганим, меҳрингга таскин айладим,
Ёдладим, ялла қилиб жангларда талқин айладим.*

*Сен демшисанким менга: аҳду вафодор ўрнида,
Мен сўзинг мазмунини қўнглимга таскин айладим.*

*Сен демшисанким: менинг ёрим экансан, ёвни қир!
Мен бутун таклифларинг майдонда таъмин айладим.*

*Сен демшисанким: кел омон, жоним, бу қўзлар йўлга тўрт!
Талх бу кунларни ваъданг бирла ширин айладим.*

*Сен демишсанким: агар қўрқоқ бўларсан, бўлма бор!
Мен дедим: бу тўғри даъво, жангни мен чин айладим!*

*Сен демишсан: тўйимизни юртда ёр, дўстлар қутар:
Ёвни йўқ айлаб жадал бормоқни тахмин айладим.*

*Сен демишсан: шошмагил васлимга, шошгил жанг учун,
Мен бу жангда шошдимү васлингга тамкин айладим.*

*Сен деган сўз: Собир ул васлимга восил бўлгунча,
Мен зафар бирлан висол топмакни тайин айладим.*

Собир Абдулла

Социалистик Ўзбекистонда

ҚИЗИЛ АРМИЯ УЧУН ҚОРАБАЙИР ОТЛАР

ЖИЗЗАХ (ЎзТАГ). Курусойнинг кўз илғамас яйловларида Жиззах район «Коминтерн» колхоз йилқичилик фермасининг қорабайр отлар подаси боқилади. Бу ферманинг отлари бутун мамлакатимизга машхур. Улар Бутун Иттифоқ виставкаларида, ўнлаб пойгаларда қатнашиб олдинги ўринларни ишғол қилган эдилар. Пойгаларда биринчиликни қўлдан бермай келаётган Қилич номли қорабайр от йилқичилик фермасининг фахри ҳисобланади.

Уруш кунларида «Коминтерн» колхози фронтга катта ёрдам берди. Колхоз Қизил Армиямиз учун 106 та энг яхши отлар тақдим қилди.

Ҳозир колхозда қулунлагиш давом этмоқда. Қулунлайдиган биялар яхши боқилгани учун анча семиз. Ҳозиргача 40 та бия қулунлади. Барча қулунлар соғ-саломат.

Фермада биялар подасига кекса колхозчи Бекназар Худойбердиев бошчилик қилади. Ёш йилқиларни эса Қодирбой Мирзаев парвариллайди. Йилқи боқучилар ўз вазифаларини аъло адо этмоқдалар.

БИЗ ЧИГИТНИНГ УНИБ ЧИҚИШИНИ ҚАНДАЙ КУЗАТИБ БОРДИК

Звеномиз 25 мартда чигит экишни тамомлади. Биз вақтни ўтказмай дарҳол қатор ораларига қум аралаш гўнг сепдик. Экишдан кейин ҳамма вақт чигитнинг униб чиқишини кузатиб бордик. Бир текис кўқарган гўзалар даламизни қоплади. Кичик бир участкамизда эса чигитнинг униши кечикди. Бу ерни дарҳол кетман блан юмшатиб яхши ивитилган чигитни қўл блан экдик. Чигитлар бир текис униб чиққандан кейин эса ёш гўзанинг ўсишини кўздан кечириб бордик. Қатор ораларида яганалаш ўтказиш блан биргаликда ёввойи ўтларни ҳам юлиб ташладик.

Ернинг хусусияти, экилган чигитнинг сорти ва сув шароитини ҳисобга олиб гўза уя ораларини 25 сантиметрдан ва ҳар гектар ерда 85 минг тубдан гўза қолдирдик. Звеномизда биринчи кетман чопиғи ва яганалаш тамомланди.

**Сафар Муродов, Бухоро районидаги
«Янги турмуш» колхозининг
юзцентнерчи звено бошлиғи**

РАҲИМА ҒУЛОМОВА ЗВЕНОСИДА

Свердлов районидаги Ленин номли колхознинг юзцентнерчи Раҳима Ғуломова звеноси 4 гектар ерга чигит экишни 25 мартда тамомлаган эди. Экилган чигитлар ердан бир текис униб чиқди. Звено аъзолари гўзани яганалашга, биринчи чопикни ўз вақтида тугаллашга бутун кучларини сафарбар қилдилар. Натижада гўзалар яганалашдан ва биринчи чопикдан чиқарилди. Ғиждивон район Сармижон кишлоқ советидаги Ленин номли колхоз 4 апрелда экишни тамомлади. 122 гектар ердаги гўза кийғос кўқарди.

ХРОНИКА

Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришда актив қатнашганликлари ва халқ қурилишлари ҳамда колхозларга бадий-сиёсий жиҳатдан хизмат қилиш тадбирларини муваффақиятли ўтказганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 10 апрелда чиқарган фармониға мувофиқ Роман Васильевич Гершаник ва Георгий Николаевич Карлов ўртокларға Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий ном берилди ҳамда Ўзбекистон совет рассомлари союзининг 19 ходими Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрликлари блан мукофотланди.



Ўзбек халқининг содиқ фарзанди орденли коммунист гвардия кичик лейтенанти Каримкул Эрматов.

1944 ЙИЛ 14 МАЙ. №38 (199)

БУРЧИМИЗНИ ШАРАФ БЛАН БАЖАРАМИЗ

Бизни шиддатли оғир жанглар кутади. Душман кўп калтакланган бўлса-да, уни тамомила йўқ қилиш учун янада зўр бериб курашу керак. Фашист босқинчиларға қарши кўп жангларда қатнашганман. Энди анчагина тажрибаға эға бўлиб, чиниқиб қолганмиз. Аммо Сталин биздан ғайратға ғайрат қўшиб ўқишни, билимларни оширишни талаб этади. Сафимизда хотиржамлик ва беғамликка ўрин йўқ.

Қизил аскар Эргаш Мамажонов

17 ЎЛИК ҚОЛДИРДИЛАР

Бўлинма командири менға душман мудофаасини ёриб ўтиб Мугала совхозини эгаллаш тўғрисида кўмондонлик томонидан буйрук берилганини тушинтирди. У менға комсомолларға буйрукни кенг тушинтиринг деб буюрди.

Мен бўлинма командири олдидан чиқиб ҳамма комсомол аъзоларини йиғдим, уларга бўлинма командирининг буйруғини кенг тушинтирдим. Комсомол Ўразов ва Масловлар партиячи жангчилар орасида намунали жанг қилажаклари тўғрисида бирин-кетин сўзга чиқишиб ваъда бердилар.

Артиллерия тайёргарлиги бошланди. Артиллерия ўти химояси остида жангчилар ҳужумга кўтарилди. Улар қаторида гвардиячи комсомоллар ҳам шиддат блан атакага кўтарилдилар. «Ура! Сталин учун! Ватан учун!» деган овозлар жаранглаб кетди. Душман мудофаасини биринчи бўлиб ёриб кирдик. Найзабозлик жанги бошланиб кетди. Лекин найза ва қўндоқ блан уришимизга немис бардош бералмай, жанг майдонида 17 ўлигини қолдириб тумтарақай қочишдилар.

Бу жангда аъло даражада ҳаракат қилганлигимиз учун гвардиячи комсомоллардан Ўразов «Жасурлиги учун», автоматчи Маслов «Жанговар хизматлари учун», Бурмистров «Жасурлиги учун» медали блан, станокли пулемётчи Чистяков ва мени «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотладилар.

Гвардия кичик сержанти Каримқул Эрматов

КУРСДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАЧ

У яқиндагина снайперлик курсини битказиб бўлинмаимизга қайтиб келди. Соғинишиб қолган эканмиз, қаттиқ кучоқлашиб кўришдик.

– Дўстим! – дедим сўнг. – Ўқишда муваффақиятлар нечук, имтихонни қандай топширдинг?

– Аъло даражада топширдим, – деб жавоб қилди дўстим.

Эртасига «ов»га чиқди. Ёш снайпер Хуров биринчи ўқ узиши бланок бир немисни манги жаҳаннамга жўнатди.

Ишнинг бошланиши яхши. Ёш снайпер Хуровнинг кўзи ўткир, «ови» чакқондир.

Сержант Алибой Ҳайдаров

ТАШАККУР ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Қисмимиздаги энг яхши алоқачиларимиздан ефрейтор Мурод Дехқонов ўз ишининг моҳиридир, шу блан бирга, у рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида агитаторлик ишини ҳам олиб бормоқда. Баъзи бир рус тилини билмаган ва ҳарбий техникадан оз биладиган ўртоқларга амалий ёрдам бериб ўргатмоқда.

Яхши уюштирилган агитация иши учун ефрейтор Мурод Дехқоновга қисм командири ташаккур эълон қилди.

Қизил аскар Вали Қозоқбоев

1944 ЙИЛ 18 МАЙ. №39 (200)

АЪЛО БАҲО

Яқинда бўлинмамиз бўйича снайперларнинг 2 машғулоти – отиш синовлари бўлиб ўтди.

Ёш снайпер қизил аскар Турсунов, старшина Маслов, старший сержант Калинин синовда аъло баҳо олдилар. Бундан ташқари, яна ўнта қиз ва эркаклар синовда яхши баҳо олди.

Снайпер А.Ҳайдаров

АГИТАТОР РИЗО ИКРОМОВ

Баланд ва текис ўсган арча дарахтлари кичик кўлни ҳар атрофдан ўраб олганлар. Кўл қирғоғида, жарлик ёнида эндигина қисмга келган бир тўда жангчилар: қозоқлар, ўзбеклар, тожиклар, татарлар ўтиришибди. Қисмнинг энг кекса кишиси агитатор Ризо Икромов сўзламоқда эди. У полкдаги энг яхши жангчилар – тожик Иброҳимов, қозоқ Исгут Айтиқов, тўп командири татар Сўфиевларнинг номини тилга олди. Қозоқ ва ўзбек халқларининг энг яхши фарзандларидан ўрнак олишга, гвардиячи деган шарафли номни оқлашга чақирди.

Агитатор Ризо Икромовни полкдагиларнинг ҳаммаси билади. Уни, айниқса, рус бўлмаган миллат жангчилари ҳурмат қиладилар, улар ўзлари тушинмаган масалалар юзасидан унга савол берадилар,

ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Агитатор равшан қилиб тушинтириб беради, жангчининг уйига хат ёзади, автомат ва пулемётнинг жанговар хусусиятларини фаҳмлаб олишга кўмаклашади.

Курашимизнинг олийжаноб ва юксак мақсадларини чуқур равишда онглаб олиш, Ленин-Сталин ишига чексиз садоқат, Ватанга меҳр-муҳаббат совет жангчиларига ғалаба йўлидаги ҳамма қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Икромов рус бўлмаган жангчиларни ана шундай руҳда тарбиялаш учун хормай-толмай кундан-кун ишлаб бормокда.

Икромов жангчининг юрагига етиб борадиган сўзларни топа биллади. Қизил аскар Жўрабоев интизомни бузган эди. Икромов унинг блан қозоқ халқининг қахрамон фарзандлари ҳақида суҳбатлар ўтказди, Қозоғистон меҳнаткашларининг фронтчиларга юборган нақзини ўқиб берди. Жўрабоев урушга қадар чўпон эди. Ундан хабардор бўлган Икромов унга «Қозоғистон фронтга қандай кўмаклашади» деган сарловҳали мақолани ўқиб берди. Жўрабоев агитаторнинг сўзларига диққат блан кулоқ солди ва Алиев ҳамда Султонбеков деган чўпонлар бир йил ичида юз қўйдан 150 кўзича олганликларини, яна отбоқар Давгарин Ватан уруши даврида Қизил Армияга 275 от бергани тўғрисида ўқиганда Жўрабоев:

- Ҳа, балли, бор бўлсинлар! – деб қўйди.
- Ҳамшаҳарларимизнинг мамлакат ичкарасида фидокорона меҳнатлари сен – фронтчини ҳам яхши жангчи бўлишга мажбур этади, – деди агитатор.

Шундай суҳбатлардан кейин Жўрабоев анча ўзгариб қолди. У ўзи ҳам агитатор ёнига газета олишга келиб турадиган бўлди. Ҳозир Жўрабоев ўқиш батальонида отделенияга командирлик қилади. Аълочи автоматчи бўлиб қолган ва унга гвардия кичик сержанти деган унвон берилган.

Шахсий намуна жангчига, айниқса, катта таъсир қилади. Агитатор Икромов бу томондан ҳам ажойиб киши. У қўрқмас жангчи, моҳир автоматчи ва қўл пулемётчиси. Баъзида Икромов суҳбат ўтказгандан кейин жангчилар блан бирга атакага борар эди, найзабозлик жангига киришиб кетар эди. Шунинг учун ҳам жангчилар Икромовнинг сўзларини алоҳида эътибор бериб эшитадилар, унга ишонадилар, уни

оташин большевистик агитатор, довьюрак йигит ва тажрибали жангчи деб биладилар. Бўлинмалардаги ҳар бир агитатор ана шундай – Икромовдай бўлишлари керак.

БУВАЙДАЛИК ТУРСУНБОЙ

Турсунбой Раҳимов урушга қадар қуёшли Ўзбекистоннинг Бувайда район Беглар жамоасида «Қизил Обод» колхозида сут-товар фермасига бошлиқ бўлиб ишлар эди. Турсунбойнинг ҳаёти ҳам барча совет дехқонлари ҳаётидек тўқ ва хушчок-чок эди.

Лекин фашист аблахлар совет кишиларининг ширин, тўқ ҳаётига тажовуз қилди. Минг-мингларча ўзбек ватанпарвар йигитлар қаторида Турсунбой Раҳимов ҳам кўлига қурол олиб фронтга – немисфашистларни совет еримиздан қувиб чиқариш учун жўнади. Унга жўнаш вақтида онаси Туридибувиш, хотини Тожинисалар «олгин, олдирмагин, душманларни ер блан яксон қилиб омон қайт, ботир ва эпчил бўл» деб насиҳат қилган эдилар.

Турсунбой фронтда ҳам худди колхоздагидек ҳалол ва жондили блан хизмат қилмоқда. У дастлаб фронтга келганда ўқчи эди. У Смоленск шаҳри учун бўлган жангда жасурлик блан жанг қилди. Бир жангда 6 немисни қириб ташлади.

Қўмондонлик Турсунбойни кўзи пишган жангчи экани учун уни ўқишга юборди. У сапёрлик билимини аъло даражада ўрганиб яна жанг майдонига қайтгандан кейин немислар минасини зарарсизлантириш, атака қилаётган пиёда аскар ва танкларимизга йўл очиб беришда катта моҳирликлар кўрсатди. Н. шаҳри учун бўлган жанглар вақтида Турсунбой Раҳимов ярадор бўлди, лекин жанговар вазифани бажариб бўлмагунча жанг майдонидан кетмади. Қўмондонлик ўртоқ Раҳимовнинг хизматини тақдирлаб уни «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотлади.

Жасур жангчи Раҳимов икки мартаба қаттиқ ярадор бўлган, лекин у ўз жанговар постида ҳеч тинмай намунали хизмат қилмоқда.

Азамат ўзбек жангчиси биз блан бўлган суҳбатда бундай деди:

«Онам, қадирдон хотиним ва кўз нури кизим Норхонларни жуда ҳам соғиндим. Улар блан юз кўришишга жуда иштиёқдаман. Лекин

Ўзбекистонга борадиган йўлнинг энг яқини Берлин орқали эканини жуда яхши биламан. Дохиймиз ўртоқ Сталин айтганча, яраланган немис йиртқични ўз уясигача – Берлингача изма-из қувиб бориб тамоман пачоқлаб ташлаймиз. Ана шундан кейин севган она юртимга голиблар қаторида қайтиб бораман. Мен бу сўзимни устидан албатта чиқажакман».

Шундай жасур жангчига оқ сут бериб тарбиялаган Турдибувиш онага минг раҳмат!

Гвардия майори М.Абдуллаев

КОМСОМОЛ АЪЗОЛАРИ – ОЛДИНГИ САФДА

Бўлинма комсорги А.Махмудов



Ўзбек халқининг содиқ фарзанди ёш снайпер қизил аскар Шарофиддин Раҳмонов.

С.Баранов сурати

Бўлинмада битта ҳам қоқоқ жангчи қолдирмасдан, ҳаммани энг яхши гвардиячилар даражасига етказиш комсомол ташкилотининг конкрет вазифасидир. Ёш жангчилардан ўзбек йигити ўртоқ Обидов сўнгги вақтларгача куракдан тўғри фойдаланиш ва усталик блан ниқобланиш масалаларига илтифотсиз қараб келар эди. Комсомол ташкилотининг актив агитаторларидан гвардия сержанти ўртоқ Кальекберов, у жангчи блан алоҳида шуғуллана бошлади. У Обидовнинг камчиликларини қаттиқ танқид қилиб, ўртоқ Сталин буйриғи ҳар бир жангчидан нималарни талаб қилганини уқдириб ўтди. Ҳозир ўртоқ Обидов анча ўзгариб қолди. Кеча у комсомолга қабул қилиш тўғрисида ариза ёзди. Обидов ўз аризасида ўзбек халқининг гвардиячи фарзанди экани, буюк маршал буйруғига яхши тушингани ва душман устидан узилкесил ғалаба қозониш учун фидокорона курашга тайёр эканини кўрсатади ва «энди мен комсомол бўлай, немисни комсомолларча жонбозлик блан урай» деб ёзади.

1 май буйруғи чиққандан бери бизнинг бўлинмада ёш жангчилардан 9 киши комсомол сафига қабул қилинди. Булар орасида энг мохир гвардиячилардан Бекжон Юсупов, Исломов, миномётчи Умар Иброҳимов, сўнги жангларда снайпер сифатида қатнашган Мавлетдин Гайсин ва бошқалар бор.

Бўлинма командири қурулларни қандай сақланганини кўздан кечирганда ҳам ўз винтовка ва пулемётларига яхши қараганлари учун бир неча комсомолецларга ташақкур эълон қилди. Шундай қилиб, бизнинг комсомолецлар Олий бош қўмондоннинг буйруғига амалий ишлар блан жавоб қайтармоқдалар ва бу тарихий ҳужжатнинг энг ўтқир агитаторлари бўлиб етишмоқдалар.

1944 ЙИЛ 21 МАЙ. №40 (201)

САИДМУХТОР САРМАНОВ

Саидмухтор 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. У бир қанча вақтлар ҳарбий тактика ва қурулларни қунт блан ўрганди. 1942 йил. Урушнинг анча дахшатли кезлари. Ўртоқ Сарманов Ржев остоналарида турган бўлинмалардан бирига юборилди ва взвод командирига ёрдамчи қилиб тайинланди. Ўшандан кейин кўп кунлар ўтмади. Взвод бўлинма қаторида ҳужум қилиб бориб Дураков қишлоғини эгаллади. Ҳали жанг давом этар эди. Жангчилар душман блан тўққиз кечаю кун жанг қилиб тўққиз километр илгари силжидилар. Бир қанча аҳоли яшайдиган пунктларни эгалладилар. Ўша жангдан сўнг Саидмухтор «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотланди.

Ўшандан кейин бўлинма бир қанча вақт мудофаада турди. Кунлардан бир куни Чиртулин станцияси ёнидаги бир қишлоқни разведка қилиб душман кучларини билиб келиш учун ўртоқ Сарманов буйруқ олади. Қўл пулемётчиси кичик сержант Пиртасов, Қосимов ва Володинлар блан кечаси чиқишиб кетади. Қишлоққа 50 метрлар қолганда соқчилик қилиб турган немис уларни сезиб қолиб ўқ узди. Айрим немислар ваҳимага тушиб қочишди. Тун қоронғи, ҳеч нарса ни кўрмайди киши. Булар ҳам қўл пулемётидан қаттиқ ўт очди. Бу

махал рота ёрдамга келиб қолиб жангчилар шиддат блан қишлоққа хужум қилишдилар ва қишлоқдан немисларни ҳайдадилар. Бир қанча вақтлар ўтгандан кейин бир взвод чамасидаги немислар қишлоқни қайтариб олиш учун контратакага ўтдилар. Немисларнинг ҳамма атакиси уларга талафот етказиш блан қайтарилди.

Биз таърифлаётган баҳодир гвардиячи ўзбек йигити Саидмухтор Сармановнинг қаҳрамонона ишлари кўп. Унинг хизматларини эътиборга олиб кўмондонлик «Қизил юлдуз» ордени блан тақдирлади. Яқинда бўлиб ўтган жанглarda ўртоқ Сарманов жангчиларни яна икки бор жангга олиб борди. Бунинг учун бўлинма командири ўртоқ Сармановни II даражали «Ватан уруши» ордени блан мукофотлашга тақдим этди. Унга лейтенант унвони берилди. Ҳозир у бўлинма комсорги бўлиб хизмат қилаётир.

Майор Ҳ.Рискулов

БОЛЬШЕВИСТИК АГИТАЦИЯНИНГ ПОРЛОҚ НАТИЖАЛАРИ

Офицер ўртоқ Лобанов командирнинг сиёсий ишлар бўйича муовини бўлган қисмда рус бўлмаган жангчилар орасида ишлаш анча яхши йўлга қўйилган.

Офицерлардан Масленников, Логванов ва бошқа ўртоқлар жангчи ва сержантлар орасида ўз она тилларида суҳбат ва докладлар ўтказиш, жанговар варақалар чиқариш ва шунинг сингари сиёсий-тарбиявий ишларни тартибли равишда олиб бормоқдалар.

Яқинда бўлган жанглarda Мўминжон Хўжаев, сержант Тошбоев, қизил аскар Ғаффоров, Мамедов, Алибердиев, Имонали Исмоилов ва бошқа ўртоқлар алоҳида маҳорат кўрсатдилар.

Ўзбек халқининг бу азамат фарзандлари жанг майдонида кўрсатган жасурликлари учун кўмондонлик томонидан тақдирландилар, уларнинг кўплари Мирзаев, Ғаффоров, Мўминжон Хўжаев ва бошқа ўртоқлар орден ва медаллар блан мукофотландилар.

Сержант Жалол Мирзаев орденли

ЎЗБЕКНИНГ АЗАМАТ ЎҒЛИ

Сержант Карим Раҳимов ўзининг довьораклиги ва оташин агитаторлиги блан бутун қисмимизда ном чиқарди.

Карим Раҳимов серқуёш Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида туғилган ва униб-ўсган.

Раҳимов уруш бошланишдан бурун Тошкент педагогик институтида ўқир ва шаҳар мактабларидан бирида муаллимлик қилар эди.

Фашист босмачилар Совет Ватанимизга қарши хоинона уруш бошлаган кунининг эртасигаёқ Карим қўлига қурол олиб гўзал юртимизни мудофаа қилишга – фронтга жўнади. Ўшандан бери у фронтда фашист итвачаларга қарши жанг қилмоқда.

Раҳимов ёлғиз жасур жангчигина эмас, у алангали агитатор ҳам. У фронтда ҳам муаллимлик қилишни давом этмоқда. У ўзбек, козок, қирғиз, татар ва бошқа миллатдан чиққан жангчиларни тарбияламоқда, уларга Ватан урушининг улуғвор вазифаларини зўр бериб тушинтирмоқда. Жангчиларни ватанимизга садоқат, душманга улуғ нафрат руҳида тарбияламоқда.

Батальонда бўлган жангчилар, айниқса, рус бўлмаган миллат жангчилари Раҳимовни яхши хурмат қиладилар. Улар Раҳимовни худди ўз туғишган ака-укаларидек кўрадилар.

Раҳимовни қўмондонлик рус бўлмаган жангчилар орасида ишлайдиган штатсиз инструктор қилиб тайинлади. Шундан сўнг унинг фаолияти яна ошиб кетди. Раҳимов батальонда бўлган бутун ўзбек, козок, татар, қирғиз жангчиларни ҳисобга олди ва улар блан танишиб чиқди. У тартибли равишда бутун роталарга юриб жангчиларни тўплаб газеталар ўқиб бериб, тушинтириб борар эди.

Бўлинмамиз мудофаада турган эди. Бирдан хужумга ўтиш тўғрисида қўмондонликдан буйруқ олинди. Карим «ўртоқларга жанговар вазифани тушинтириш керак: жанг ғалабаси шунга боғлиқ» деб ўйлади. Энг аввал у Ноздрин бўлинмасига боришга қарор қилди. У жангчиларни тўплаб жанговар вазифани тушинтириб берди. Бир ротада ўтказилган суҳбат блан Карим қаноатланиб қолмади. Хужумга

Ўтиш олдида барча роталардаги рус бўлмаган жангчилар тўпланди. Майор Давидов олинган жанговар топшириқ ҳақида қисқа ахбор берди. Сўнгра агитатор Раҳимов сўзга чиқди:

– Эртага хужум бошлаймиз, – деди у. – Командир буйруғини яхши бажариш керак. Жангда бир-бировингизни қўллангиз. Командирни асрангиз.

Эрталаб хужум бошланди. Артиллерия тайёрлиги тамом бўлиши бланок ўзбек, козоқ, туркман ва татарлар руслар блан ёнма-ён бўлиб атакага киришдилар. Раҳимов ҳам хужумга кирганлар сафида эди. У ўз дўстларининг яхши жанг қилаётганини кўриб хурсанд бўлди ва «яхши-яхши, Мингалиев, Отангга раҳмат, Абдуллаев», «Ҳа, балли, Булимбетов» деб уларни мактаб қўйди.

Автоматчи татар йигити Мингалиев буталар орасида яшириниб ётган немисни кўриб қолди. Бир сакраб унинг ёнига етиб борди ва: «Қуролингни ташла!» – деди.

Қўрққанидан жони ҳалқумига келган гитлерчи автоматини ташлаб қўлини кўтарди. Мингалиев асирни команда пунктига олиб борди. Командир уни шу жойнинг ўзидаёқ мукофотлади. Жасур жангчи яна югурганича жангга кириб кетди.

Ўзбек жангчиларидан Жумаев биринчи бўлиб душман траншеясига ташланди. У ярадор бўлса-да, жанг майдонидан кетмади ва немисларни киришни давом этказди. Қозоқ Булимбетов пулемёти блан немисларни тутдек тўқди. Бу уч азамат жангчининг кўрсатган қаҳрамонликлари бир зумда бутун жангчилар орасига тарқалди. Уларнинг жасурликларини агитатор Раҳимов бутун жангчиларга кенг равишда тушинтирди.

Батальон бу жангда аъло даражада курашди. У душман мудофаасининг бир неча мустаҳкамланган линиясини ёриб ўтди ва унинг муҳим таянч пунктини ишғол қилди. Жанговар вазифа бажарилди. Бу жангда агитатор Раҳимовнинг шуҳрати яна кўпроқ тарқалди.

Раҳимовнинг хизматлари қўмондонлик томонидан тақдирланди. Унинг кўкрагида «Жасурлиги учун» медали ярқираб турмоқда.

Ўзбек халқи ўзининг Раҳимов сингари мард йигитлари блан фахрланишга ҳақли.

Лейтенант И.Элмурадов

ОЛДИНГИ ҚАТОРДА ҲУШЁРЛИК

Жангчи Раҳматуллаев олдинги қаторда соқчиликда турар эди. Кечаси соат учлар чамасида ўрмон ичидан қандайдир шитирлаган овоз эшитилди. Ўртоқ Раҳматуллаев ўша жойни жуда диққат блан кузатди. Шитирлаган овози ҳамон яқинлашмоқда, у ёввойи ҳайвонми? Ёки разведкага келаётган душман солдатими? Ким билсин. Раҳматуллаев учун номаълум. Ҳар ҳолда, у қора жуда яқинлашиб келиб киши қораси кўрина бошлади. Ёш ўзбек йигити ваҳимага тушмади. У ўзини дадил тутиб автоматини душманга қаратиб тўғриладида, «Тўхта! Ким сен?» – деб қичқирди. Ҳалиги келаётган номаълум киши овозини чиқармасдан ўрмон ичига ётиб олди. Раҳматуллаев дарҳол автоматидан узун сидра ўқ узди.

Бу маҳал взвод командири Черкасов бир қанча жангчилар блан ёрдамга етиб келди.

Жангчилар атрофини ўрашиб олгандан кейин лейтенант кийими кийган номаълум киши «свой» деб қўлини кўтариб таслим бўлди. Номаълум киши дастлабки сўроқда «мен палонча бўлинмаданман, адашиб келдим» баҳонаси блан ҳаммани алдамоқчи бўлди. Кейинчалик текширишда аниқланишича, немислар томонидан юборилган жосус экан. Улар уч киши экан. У иккиси қочиб кетканини сўзлаб берди.

Кўмондонлик ёш ўзбек жангчи комсомол аъзоси Раҳматуллаевни «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлашга, взвод командири ўртоқ Черкасовни II даражали «Ватан уруши» ордени блан мукофотлашга тақдим этди.

Кичик сержант Наби Эркабоев

ЁШ СНАЙПЕР

Старший лейтенант Усинцов бўлинмасидаги комсомол снайперлар немис босқинчи итвачаларни шафқатсиз қириш блан Олий бош кўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг 70-сон буй-

руғини амалий ишларда бажариб ўз шахсий ҳисобларини тобора ўс-тирмоқдалар.

Самарқанд область Ургут райони Мирза қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг собиқ кетмончиси снайпер комсомол Шарофиддин Раҳмонов ўн немисни отиб ўлдирди.

Ёш снайпернинг қаҳрамонона ишларини эътиборга олиб кўмондонлик Шарофиддин Раҳмоновни II даражали «Шухрат» ордени блан мукофотлади.

Ғойиб Қаландаров, бўлинма комсорги

МИНОМЁТ РАСЧЁТИДА

Ҳаёт Ҳазратқулов майор Абрамов бўлинмасидаги энг отоқли солдатлардан бири бўлиб, у ўз ишининг моҳири ва аълочи миномётчидир.

У кўп жангларда иштирок этган. Ржев шаҳри учун бўлган қаттиқ жангларда икки бор ярадор бўлди, унинг енгилмас мағрур кўксини «Жасурлиги учун» медали ва «Аълочи миномётчи» кўкрак белгиси безантириб турмоқда.

Серкүёш Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз шаҳридан оддий аскар бўлиб жанг майдонига келган Ҳазратқулов тиззадан қонлар кечиб фидокорона курашди, душманни шафқатсиз қирди, большевиклар партияси сафига аъзо бўлиб ўтди ва ҳозир старший сержант бўлиб етишди. Айниқса, у ўзининг амалий ишлари, узлуксиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиш блан бутун жангчиларини янги ғалабаларга руҳлантирмоқда.

У ўз бўлинмасида рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида оташин агитатор. Жанговар дўсти сержант Корноченко Ҳазратқуловнинг бўлиб ўтган жангдаги чакқон ҳаракатини ҳалигача эслаб ҳикоя қилади.

– Кечаси бутун полк юриш қилиб бораётган пайтда немислар тўсатдан ҳужум қилишиб қолдилар. Ҳазратқулов шошмай, дарҳол ўз тўпини олдинга, тўғри нишонга судраб чиқиб немисларни ўққа тутди. 20 дан кўпроқ немис итваччаларини қириб ташлади. Босқинчи аблаҳлар кейинга қайтишга мажбур бўлдилар, – дейди у.

– Миномётчи бўлса бизнинг старший сержант Ҳазраткуловдек бўлсин-да, – деб мағрурланиб кўяди қизил аскар Қўндашев. Медицина хизмати гвардия старшинаси Зина Тусноболованинг яқинда газетлада босилиб чиққан мактубини ўртоқ Ҳазраткулов бўлинмадаги бутун жангчиларга тушинтириб чиқди.

– Мана, ўртоқ комсомоллар, ажойиб рус қизи, коммунист Зинанинг туғилиб ўсган шаҳри Полоцк олдимизда турибди. Бизлар немис конхўрларини бу муқаддас шаҳардан тамомила қувиб чиқиб шаҳарни мангу озод қилажакмиз. Ҳозир қўл ва оёғидан ажралиб, порлоқ ҳаёти заиф бўлган коммунист Зина Тусноболова учун қатъий қасос оламиз, – деди у.

Қаҳрамон жангчи қизнинг кўксидан тўкилган бир томчи қони учун немис газандалардан минг томчи қон оламиз.

Жангчи қизнинг ажойиб хати – қасос олиш учун чакиручи ҳар бир сўзи бизларни яна қаҳрамонона ҳужумга, ифлос немисларни раҳмсиз қиришга чақирмоқда.

Бўлинмадаги бутун комсомоллар Зина Тусноболованинг мактубига амалий ишлар блан жавоб беришга қасамъед қилдилар.

Старший сержант Сардор Эшмухаммедов

Агитаторга ёрдам

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҚАҲРАМОНОНА ЎТМИШИДАН

Ўзбек халқининг тарихи озодлик ва мустақиллик учун қаҳрамонона курашларнинг ажойиб мисоллари блан тўладир. Баҳодир Олпомиш, Рустам, Равшанбекларнинг ёрқин образлари халқимизнинг юрагида асрлардан бери сақланиб келмоқда. Муқанна', Жалолдин, Торобий, Темир Малик каби халқ қаҳрамонларининг хотираси яшамоқда.

Ўзбек авлоди асрлар давомида ўз мамлакатига садоқат, халқига муҳаббат руҳида, душманларга қарши курашда чидам, қаҳрамонлик руҳида тарбияланган. Халқимизнинг бу хусусиятлари халқ жангно-

маларида ёрқин акс этдирилган ва жуда кўп баёнотлар ҳам мақола-ларда характерланган.

«Ким мард бўлса сўзига, ойдир она кўзига», «мард йигитни майдонда кўр», «кўрқокларнинг акли шошар, йигитлар майдонда тошар» каби халқ мақоллари бунинг жонли мисолларидир.

Ўзбек халқининг адолатсизликка ва чет эл босқинчиларига қарши кўп асрлардан бери курашиб келгани блан танишиш учун баҳодир Муқанна'нинг қаҳрамонликларига бир назар солиш кифоя.

1.200 йилдан ортиқ муқаддам араб босқинчилар Ўрта Осиёга хужум қилдилар ва Сирдарё блан Амударё оралигидаги ерларни эгалладилар. Маҳаллий хон ва беклар уларга қаршилик кўрсатиш у ёқда турсин, халқ курашидан кўрқиб босқинчилар блан бирлашиб олдилар. Қулликнинг оғирлиги меҳнаткашлар бўйнига тушди. Араблар зулми кундан-кун кучайди. Улар меҳнаткашларга ҳаддан ташқари кўп солиқлар солиб, мол-мулкларини талаб, ҳамма нарсага хўжайин бўлиб олдилар ва халқнинг фақирланиши ҳисобига бойидилар.

Чақирилмаган бу меҳмонларга ва мамлакатни босқинчиларга топшириб қўйган хон ҳам бойларга қарши халқнинг нафрати оша борди. Бунинг натижасида Зарафшон, Қашқадарё ва Фарғона водийларига арабларга қарши 70 йилгача зўр кураш давом қилди. Бу кураш 770 – 780 йилларда, айниқса, авж олди. Унга баҳодир Муқанна' бошчилик қилди.

Муқанна' тарихий шахсдир. Унинг асл исми Ҳошим Ҳаким ўғлидир.

Муқанна' халқ озодлигини, эл-юртининг мустақиллигини ва ерини ҳамма нарсадан азиз кўрар эди. Шоир Ҳамид Олимжон «Муқанна'» номли тарихий драмасида Ватанни ҳимоя қилиш ғоясини Муқанна' тилидан куйидаги сатрларда ифода қилади:

*«Шу тупроқда менинг онам
туғилган,
Боболарим шу тупроққа
кўмилган;
Шу тупроқда киндигимнинг
қони бор;*

*Шу тупроқда авлодимнинг
номи бор.
Жон сақлашга чақирмагин
мени, паст!
Шу тупроқдан чекинмайман
бир қадам».*

Муқанна' аскарлари арабларга кўп зарбалар бердилар. Муҳим жанглардан бири Қашқадарёда бўлди. Муқанна' отрядлари бирмунча истехкомларни ва бутун Қашқадарёни эгалладилар. Араблар катта талофот кўрдилар. Кураш бутун Зарафшонга ёйилди. Араблар бир қанча вақтгача Муқанна'ни енга олмадилар. Муқанна' ўз отрядлари блан Ҳисор тоғларининг этагидаги Санам деган ерда мустаҳкамланиб олди. Араблар қуршови узоқ вақт давом қилди. Аҳволнинг шу қадар оғирлигига қарамай, Муқанна' жангчилари душманга таслим бўлмай, охири нафасларига қадар арабларга қарши курашдилар.

Муқанна' кучининг борича курашди ва охирида душман қўлига асир тушмаслик учун ўзини ўтга ташлади. Баҳодир Муқанна' душман олдида тиз чўкишдан кўра ўлимни афзал кўрди ва Ватан озодлиги йўлида қахрамонона ҳалок бўлди. Бу курашдан руҳланган халқнинг босқинчиларга қарши кураши яна ҳам авж олди...

Капитан Х.Турсунов

МАРДЛИК ВА МОҲИРЛИК

Майор Абрамов бўлинмасидаги танкка қарши отадиган тўп командири Раҳмон Ҳамрақулов ўртоқ Сталиннинг 70-сон буйруғини ўз расчёти блан ўқиб ўрганиб, дохийнинг буйруғига амалий ишлар блан жавоб бермоқда.

Старший лейтенант Родионов бошчилигида яқинда бизнинг разведкачи группамиз «тил» тутиб келтириш учун душман ичкарисига ўтиб кетди.

Тун. Соат 3 лар чамаси. Олдинги қаторда назорат қилиб турган старший сержант Раҳмон Ҳамрақулов бемаҳал кўтарилган шовқинсуран ва отишма бўлаётканлигини пайқаб қолди.

– Бизларга қаратиб ўт оч! – деб қичқирган разведкачиларимизнинг овозлари эшитилар эди.

Сир шундай эди; худди шу кеча икки ротага яқин немислар ҳам «тил» олиб кетиш мақсадида бизнинг траншеяга томон бостириб келмоқда эканлар. Старший лейтенант Родионов бошлаган 11 разведкачимиз уларга рўпара бўлиб қуршовда қолганлар. Улар душман қуршовидан чиқиш учун тўпчиларимизга ўт очингиз деб қичқираётган эканлар.

Бу воқеадан беҳабар бўлган старший сержант Ҳамрақулов воқияни билиш учун дарҳол чопиб олдинги қатордан юз метрча нарироққа ўтди. Жанг бўлаётган жойни, душман қаерда ҳаракат қилаётганини пухта аниқлади-да, қаҳрамон тўпчи ўзбек йигити Ҳамрақулов ўз тўпи расчёти ёнига қайтиб нишонловчи кичик сержант Красковга дадил команда берди:

– Ориентир бир, ўнг томонга 0,25, ўт оч! Кетма-кет душман устига танкка қарши отадиган тўпнинг снарядлари туша бошлади...

Тонг отди. 11 разведкачиларимиз омон-эсон қайтиб келдилар.

Биз блан душман орасидаги жанг майдонида 30 дан кўпроқ немис итваччалари манги ер тишлаб қотиб қолдилар.

Бу жангда мардлик кўрсатган Самарқанддаги қишлоқ хўжалик институтининг собиқ фарғонали ўзбек йигити Раҳмон Ҳамрақулов «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди.

Жанг майдонидаги қаҳрамон ўзбек фарзандлари! Душманни старший сержант Раҳмон Ҳамрақулов каби шафқатсиз қиринг!

Старший лейтенант А.Турумбетов

ЖАНГГА ШАЙЛАН

Ҳужумга ўтиш ҳақида сигнал берилиши блан Мўйдинов ўз отделениясининг чап қанотидан отилиб чиқди, командир уни бошловчи қилиб тайинлаган эди. Гвардиячи йигит қаерда чопиш мумкин, қайси жойда эмаклаш кераклигини олдиндан чамалаб қўйган. Мана, у 10 метрча ерни яшиндек тезлик блан чопиб ўтди-да, кўздан ғойиб бўлиб ерни бағирлади. Бир зумда яна ирғиб туриб, дев қадамлар ташлаганича тагин илгарилаб янги маррага етиб олди. У ерга ағ-

дарилиши блан ҳар гал бир-икки одим четга сурилади, «душман» снайперлари қанчалик уринсалар ҳам уни мутгасил нишонга олашмайдилар. Бу гал Мўйдинов қишлоқнинг чекасидаги бутун қолган уйнинг болохонасига қараб зирҳни ҳам тешиб ўтадиган 5 та ўқни узди. Винтовкасини яна ўқлаши блан «эмакляб олға!» деган команда жаранглади. Эмакляшни Мўйдиновдан ўрганинг-да. Одатда, кишининг эмакляшига халакит берадиган противогаз, қайишга илинган гранаталар унинг илгарилашига гўё кўмаклашгандай туюлар эди.

Отделение атака маррасига етди. Мўйдинов винтовкасини чап кўлига олиб ўнг кўлидаги гранатага қараб қўйди. «Атакага» деган команда уни қанотлантириб юборгандай бўлди. Мўйдинов сим тўсиқдан қилинган йўлакдан ўтиб «душман» траншеясидан отилди ва винтовкасининг кўндок ҳамда найзасини ишга солди.

Машғулот тамом. Гвардиячи қизил аскар Мўйдинов ёнига бордик. У тетик ва бардам эди.

М.Вагизов

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ёш жангчиларни тарбиялашда Устав талабларига амал қилиш, шу блан бирга, жанг майдонларида қозонилган тажрибалардан ҳаммани хабардор этиш, энг пишиқ ва етук солдатларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Гвардия старший лейтенанти ўртоқ Морозов сиёсий ишлар бўйича командир ўринбосари бўлган бўлинмада шу мақсадни кўзда тутиб кекса жангчилар блан бўлинмага янги келган ўртоқларнинг учрашулари ўтказиб турилади.

Яқинда шундай учрашуга взводлардаги ҳамма ўзбек жангчилари тўпландилар.

Ўрта бўйли, оқ юзли, қомати келишган Содикжон Маткаримов бу суҳбатда ўзининг 39-сонли снайперлик дафтарчасини кўлига олган ҳолда сўзга чиқди:

– Мана шу дафтарчамда 32 белги бор. Буларнинг ҳар қайсиси ифлос жони жаҳаннамга улоқтирилган фрицлардан дарак беради. Бу мунофиқлар орасида бир немис снайпери ва пулемёт расчёти бор.

Командир менинг бу хизматларимни назарда тутиб «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлашга тақдим қилди. Госпиталдан даволаниб чиқаётганимда ҳам яна снайпер бўлишни хоҳлаганимни айтдим. Қўмондонлик илтимосимни қабул қилди. Менга ҳозир 7440-сонли янги винтовкани топширдилар. Шу кунларда яна малакамни ошираётирман, – деб бошлади ўз ҳикоясини Маткаримов.

У анча гапирди. Ўртоқ Маткаримовнинг айтганларини завқ блан тингладилар. Унинг чидамли, вазмин ва хийлакор бўлиш тўғрисидаги гаплари, айниқса, ёқиб тушди.

Баъзи вақтларда снайпер бир неча кун сурункасига бир целни пойлаб ётади. Бундай пайтларда жуда чидамли бўлиш ва ҳавликмаслик лозим. Устав снайпердан яна тўп ва миномёт расчётларимизга трассирующий (ёруғ из қолдиручи) ўқ блан душманнинг ўқ отиш нуқталарини кўрсатиб туришни ҳам талаб этади. Олдинги қатордаги снайпер бу соҳада кўп ишлар қилиши мумкин.

Сўнгра донгдор пулемётчи гвардия кичик сержанти ўртоқ Ш.Юсупов сўзлади. У пулемётчи учун жойдан фойдалана билишнинг аҳамияти, позицияни тез-тез, иложи бўлса, ҳар 50 – 60 ўқ узилгандан кейин ўзгартириб туриш зарурлиги ҳақида гапирди.

Бу дўстона суҳбатда бўлинманинг машҳур жангчиларидан Мамажон Қурбонов, Маҳмуд Тожиев, Мадамин Тошпўлатов ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар.

Лейтенант В.Музаффаров

Ўзбекистонда

ЯНГИ ҲОСИЛ ҒАЛЛАСИ ДАВЛАТГА ТОПШИРИЛА БОШЛАНДИ

ҚАРШИ, 23 май. Қашқадарё область колхозларида кузги арпа ҳосилини ўриб йиғиб олиш кундан-кунга қизиб бормоқда. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, область колхозлари биринчи бир ярим минг гектарни ўрганлар.

Ўриш блан бир қаторда, янги ҳосил ғалласини янчиш ва давлатга топшириш иши ҳам бормоқда. Косон районидаги Калинин, Киров,

«Қизил қахрамон» номли колхозлар биринчи ўнларча центнер ғалларини тайёрлаш пунктларига топширдилар. Чирокчи районида ҳам янги ҳосил ғалласи кела бошлади.

Косон районида таёрлаш ташкилотлари янги ҳосилот ғалласини қабул қилиб олишга яхши ҳозирланганлар. Барча ғалла сақлаш жойлари ремонт ва дезинфекция қилинган. Асбоб-ускуна, тарозулар ўз вақтида тартибга солинган.

ТОШКЕНТ ОПЕРА ТЕАТРИ ҚУРИЛИШИДА

Тошкент, 22 май (ТАСС). Ўзбекистон пойтахтида академик опера театри биноси қурилиши тугалиш олдида турибди. Бош дарвоза, вистюбеллар тамоша зали ва хизмат кўрсатиш бинолари тамомланди, шувоқ ишлари бошланди.

Бинони безантириш ишларида Ўзбекистон халқ усталари қатнашмоқда. Яқинда сувоқчи Германова стахановча вахтада туриб 30 нафар ихтисосли ишчининг бир сменада қиладиган ишини тўрт соат ичида ўзи ёлғиз бажариб машҳур сувоқчи Шекадин рекордини орқадан қолдирди.

1944 ЙИЛ 28 МАЙ. №42 (203)

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ВАРАҚА

Жуда ҳам муҳим бўлган Н. тепалиги учун жанг бошланди. Батальонимиз немис окопларига ёриб кирди. Бу жангнинг биринчи минутларидаёқ ўзбек йигити – қизил аскар Зокиров алоҳида жасурлик кўрсатди. У автоматдан отиб кўп немисларни қириб ташлади.

У жуда дадиллик ва шиддат блан олға қараб ҳаракат қилди, «Сталин учун, Ватан учун!» деган шиорлар блан бошқа жангчиларни ҳам руҳлантириб, ўз орқасидан эргаштириб душманга қарши олиб борди.

Жанг тобора кучаймоқда эди, бирданига пулемётимиз жим бўлиб қолди. Пулемётчи сафдан чиққан эди. Ўртоқ Зокиров дарҳол пулемётни қўлга олиб кўп немисларни қириб ташлади.

Жанг қизиб борган вақтда окопларда ўзбек тилида «Чақмоқ» деган варақа пайдо бўлди. Бу варақада қизил аскар Зокировнинг қаҳрамонликлари ёзилган эди. Варақа бутун ўзбек жангчиларини, душманни худди Зокиров ургандай қилиб уришга чақирди. Варақа бир неча минутда бутун батальонга тарқалди. Ана шундай қилиб мард жангчи Зокировнинг донғи бутун қисмимизга тарқалди.

Лейтенант Г.Зокиров

КУЧИМИЗНИНГ ИСБОТИ

Ҳарбий қасам – жангчи ҳаётининг асосий қонунидир. Мен кўлагура кулол олиб муқаддас туғроғимизни душмандан қўриқлаш учун фронтга келганимда Ватанга муҳаббат ва садоқатимни яна бир қарра тасдиқлаб қасам ичганман.

Кўп жангларда қатнашдим. Азиз шерикларим билан бирга аллақанча душманни кирдим. Лекин ҳар жангда, ҳар сафар, ҳар доим тантанали қасам сўзлари зеҳнимдан кетмайди.

Яқинда биринчи мукофотимни олдим. Мана, ҳозир ҳам шу медалига – «Жасурлиги учун» медалига қараб ўтирибман. Унинг сони 9923092. Бу рақам мингларча совет кишиларининг ичган оғтиларига вафодор бўлиб душманни марҳаматсиз қираётганларидан ҳам дарак беради. Ҳозир янги ҳунар ортдирганман – автоматчиман. Ҳаммамиз ҳам жасурликни кундан-кунга оширишимиз зарур.

Буни биздан Ватан олдида ичган қасамимиз, буюк халқимиз, улуғ йўлбошчимиз талаб этади. Буни биздан душманни тезроқ қириб ташлаш йўлидаги манфаатларимиз талаб қилади.

Жанглардан бирида қадирдон дўстим Ҳайитбой Мамаризоев оғир ярадор бўлса-да, пулемёт ёнидан кетмай мардларча жанг қилган эди. Санитар уни «гвардиячи солдат қасамини бузмайди» деб жавоб қайтарди. Қасамга садоқат кучимизнинг туганмаслигини ишотлайди.

Гвардия қизил аскари Саиджон Мадҳолиқов

НОМУС ДЕБ

Соли Орипов фронтга жўнатишга чиққан Охунбобоев номли колхоз аъзоларига қараб: «Мен Ишчи-Дехқон Қизил Армиясининг аскарари сифатида душманлар устидан тўла ғалаба қозониш учун ўз қоним-жонимни ҳам аямасдан мардлик, ботирлик блан, номусли, виждон блан Ватанимни ҳимоя қилишга қасамъёд қиламан», – деб ваъда берган эди.

У ичган онтига ва совет халқига садоқатли эканини жанг майдонида кўрсатаётир... Ўртоқ Орипов батареяда энг интизомли ва жасур саналади.

Верхнее Котаково қишлоғи учун бўлган жангда жангчиларимизнинг илгари силжишига душманнинг пулемёт нуқтаси халақит бера бошлади. Рота командири, лейтенант Еремечов бошчилигида Орипов, Абдухолиқов, Антипов ва Барков ўртоқларга душманнинг шу пулемёт нуқтасини йўқ қилишга буйруқ берди. Улар душман кутмаган ён томондан эҳтиётлик блан яширин ҳолда ҳаракат қилиб бордилар. Орипов танкка қарши отадиган милтиғидан бошлаб отиб душман пулемёт нуқтасини ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

Автоматчиларнинг «Ура» овозига автомат, пулемётдан дўлдек ёғдирилган ўққа немислар бардош беролмай кўп ўликларини ташлаб қочдилар. Биз қишлоқни эгалладик.

Бу жангда баҳодир ўзбек йигити Орипов биринчи мартаба ярадор бўлганда жанг майдонидан кетмади. Иккинчи бор ярадор бўлганидан кейингина даволанишга кетди. Қўмондонлик баҳодир Ориповни «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Старшина И.Имон

ҲУШ'ЁР ПУЛЕМЁТЧИ

Ўзбек йигити оддий аскар Бўри Раҳимовнинг жанг майдонига келганига роса икки йил бўлди. У бир неча бор ҳужум жангларига қатнашди.

– Олтита акам бор. Ҳаммалари ҳам фронтда, – дейди у мағрурланиб. – Айни пахта терими даврида жонажон «Қизил Шарк» колхозини

дан ғарбга томон отланаётиб бутун колхозчи оға-иниларим, меҳрибон ота-онам олдида ёвни шафқатсиз қириш учун, халқимнинг бахти-саодати, серқуёш Ўзбекистоннинг мангу озодлиги ва мустақиллиги учун курашда танда қатра қоним қолгунча садоқатли бўлишга қасамёд этганман, – дейди.

«Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган Соатов яқинда чакалақзор орасидан ўрмалаб келаётган иккита немис разведчикларини кўриб қолди. Ва дарҳол Раҳимовга кўрсатди.

– Ўзим ҳам пайқаб турган эдим, аммо яқинроқ келишини кутмоқда эдим. Сен сабр қила олмай турган бўлсанг керак, – деди ва иккита ўқ узиб икки қарақчи аблаҳни чалқанчасига туширди.

Бўри Раҳимов олдинги қатордаги хушёрлиги ва ҳарбий қасамёди-га садоқатлилиги учун бўлинма командири тамонидан яна «Жанговар хизматлари учун» медалга тақдим қилинди.

Қизил аскар Б.Исмоилов, «Жасурлиги учун» медалли

Қисқа ҳикоя

ЎЛЖА

Тонг отар пайти эди. Уч йигит – туркман Соатов, ўзбек Абдурахимов, рус Сорокин темир йўл бўйида пистирма бўлиб ётдилар.

Ёнидаги тош йўлдан тарақ-туруқ қилиб арава келаётганлиги билинди. Соатов ячейкасидан аста бошини кўтариб:

– Немис аравакаши келаётир, шайланиб туринглар, – деди.

Қолганлар ҳам бошларини кўтариб, автомат найларини тош йўлга тўғрилаб шайландилар.

– Мен имо қилмасдан отманглар, майли, араваси ўтиб кета берсин, – деб огоҳлантириб қўйди Соатов.

Аравакаш немис эди. Мўлжалдан уч қадам ўтиб кетканидан сўнг Сорокин ўрнидан туриб аравакаш немисга қараб «стой» деб қичқирди.

Немис ҳам эпчил хунаса экан, ирғиб араванинг нариги томони-га сакраб тушти-да, Сорокинга қаратиб калта милтиғидан ўқларни бўшатиб қолди. Хайрият, Сорокин тез оқопга текилиб омон қолди.

Бор ўқи соб бўлиб от-аравасини ташлаб қочишга шайланиб, шошиб турган немисни ўнг томонда ётган Соатов автоматидан узун сидра ўқ узиб чалқанчасига туширди.

Соатов дарҳол думи хоодаек тик бўлиб, кўзлари косадек ўйнаб, пишқириб қочишга уринган катга саман қашқани тутди.

– Бери кел, Абдурахимов, арава ҳам ўзимизники бўлди, – деди.

Учовлари аравани ҳайдашиб тўппа-тўғри бўлинма командири олдига келдилар.

– Оҳо. Катга ўлжа-ку, – деди старший лейтенант ва ўша аравадан чиққан ўлжадан учовларига бир шишадан ароқ ва вешчевой мешокларини тўлдириб оқ нон, колбаса, сарик мой ва асаллар олишга рухсат берди.

Қўмондонлик учовларини ҳам «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

– Бу ҳам ўлжа-да ахир.

Старший лейтенант А.Турумбетов

МЕНГА ҚАЙТИШЛИК ЎЛИМ

1

*Ёвни зарқ айлашга тезлаб худди тўфон бораман,
Дунёдан душманни йўқ қилмоққа чаққон бораман.
Мен совет фарзандидурман, аждаҳо йиртар қўлим,
Ўлмаса Гитлер қўлимда, менга қайтишлик ўлим.
Бурдалаб ташлашга ёвни худди арслон бораман,
Дунёдан душманни йўқ қилмоққа чаққон бораман.*

2

*Бу курашга доҳий Ленин йўли ўргатган мени,
Ушбу мардликка Сталин нутқи йўллатган мени,
Партия ҳаққоний йўлга яхши йўллатган мени,
Ёшлигимда халқим Олтомишга ўхшатган мени.
Мен бўлиб душманга ўт, халқимга посбон бораман,
Дунёдан малъунни йўқ қилмоққа чаққон бораман.*

*Кўждан учган бирла кам бўлмайди юлдуз, бешумор,
Минг булут келса, ҳавода парчалар фасли баҳор,
Зўр қуёшга тенг келолмайди туман, чангу ғубор,
Шум фашист албатта бўлғай зарбимиздан тору мор.
Чустий, гарқ айлашга ёвни худди тўфон бораман,
Бул разил Гитлер бошини кесмоққа чаққон бораман.*

Чустий

Ўзбекистонда

ҚАШҚАДАРЁНИНГ ИЛҒОР РАЙОНИ

Қарши (ЎзТАГ). Қашқадарё область Ғузор районининг колхозлари чигит экишни тамомлаб, ғўзанинг дастлабки парваришини қизитиб юбордилар. «Большевик», «Социализм», «Шўро», «Беш йиллик» ва Сталин номли колхозларнинг далаларида ғўзалар текис униб чиқди. Колхозчилар ғўзани суғориш, яганалаш ва чопиқ қилишга киришдилар. «Байналмилал» колхозида юзцентнерчи Каримов зеноси ғўзанинг дастлабки парваришини тамомлаш олдида турибди.

1944 ЙИЛ 1 ИЮНЬ. №43 (204)

ҚАСОС ОЛАМИЗ

Фронтимизда медицина хизмати старшинаси Зина Тусноболовнинг хатини жангчилар, сержантлар ва офицерларимиз катта ҳаяжон блан ўқимоқдалар. Бу хат аблах душмандан марҳаматсиз равишда ўч олишга жиддий қақирқдай жаранглаб эшитилди.

Ўртоқ Тусноболовнинг немис босқинчиларга қарши кураш майдонида қахрамонларча олишгани, сўнгра майиб бўлгани ҳақидаги сўзлари, душмандан ўч олишга қақириси ҳаммамизнинг ғайратимизга ғайрат, нафратимизга нафрат кўшади.

Зина ёлғиз эмас. Немис босқинчилар халқимизга, улуг Ватанимизга сра унутиб бўлмайдиган ғам-ғуссани келтирдилар. Ажойиб,

ҳашаматли шахарларимизни вайронага айлантирдилар. Эркин, шином колхоз, қишлоқларимиздан аллақанчаси шу йиртқичлар томонидан куйдириб, хароб этилди. Юз мингларча совет кишилари душман томонидан ваҳшийларча азоб-уқубатларга дучор қилинди, дорларга осилди, отиб ўлдирилди, тириклайин куйдирилди ва кўмилди. Манфур душман кўп ёшларимизни зўрлик блан фашист қуллигига ҳайдаб кетди. Халқимизнинг қайғу-ҳасратлари ғоят катта. Зина Тусноболованинг мактуби бизга фашист йиртқичларининг қилган ёвузликларини яна бир карра эсимизга солди.

Душман кўп маккор ва ёвуздир. Унинг қабих башараси, бутун ёвуз ниятлари ҳаммамизга жуда равшан. У бутун улуғ совет юртини вайрон қилиб, Советлар Иттифоқидаги ҳамма халқларни қул қилиш нияти блан ҳужум қилган эди. Қаҳрамон армиямизнинг чексиз мардлиги блан душман ҳужуми қайтарилмаганда ва у орқага чекинишга мажбур қилинмаганда, Зина кўрган бахтсизлик ўзбек, туркман, тожик, қозоқ қизларининг бошига ҳам тушган бўлар эди. Серкуёш Ўзбекистонимизнинг гулзорлари ҳам фашистларнинг ифлос қўли блан кули кўкка совирилган бўлар эди.

Бу ҳақиқатни ҳамма ўзбек жангчилари жуда яхши фаҳмлайдилар. Шунинг учун ҳам Зина Тусноболованинг мактубини энг яқин кишимиздан, азиз синглимиздан келган хатдай самимият блан ўқиймиз. Шунинг учун ҳам ўнларча ва юзларча ўзбек жангчилари Тусноболовага ёзган жавобларида душманни яна марҳаматсиз қиришга ваъда бермоқдалар.

Нафратимиз алангали нафрат, душманга омон бермайдиган муқаддас нафрат.

240 фрицни ўлдириб фронтимизда донг чиқарган машхур снайпер Александр Фролов душмандан қандай ўч олаётган бўлса, янги етишган ва ҳозирча 36 немисни қириб ўлдирган ўзбек йигити снайпер Содиқжон Мадкаримов ҳам ундан қолишмасин. Мард артиллериячиларимиз Ҳикмат Раҳматуллаевнинг тўпи душман кўшинлари устига ўлим алангаларини ёғдирсин. Немис танкларини ишдан чиқариб шуҳрат қозонган гвардия сержанти Полвоновнинг узган ўқлари асло хатосиз душман танкини урсин. Аскарларимизнинг қўли-

даги қуроллари тагинда яхшироқ ишлатилиб, бутун азаматларимиз янги мўъжизаларни кўрсатсинлар.

Мингларча бегуноҳ совет кишиларининг тўққан қонлари, қиз-жувонларимизнинг кўз ёшлари, етим қолган гўдақларнинг йиғилари эвазига душманнинг қонини дарё-дарё қилиб тўкайлик, унинг бошига ўнғалмас балоларни ёғдирайлик. Бу бизнинг муқаддас бурчимиз, эзгу ишимиздир.

ИЧГАН ОНТГА САДОҚАТЛИК

Ротага янги жангчилар келганда мен уларни саф қилиб, рота жангчиларининг жанговар тажрибалари, жанг майдонида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб бердим. Рота ҳаётининг айрим ишлари блан таништирдим. Уларни ҳам кўркмас, ботир жангчи бўлишга чақирдим.

Жангчилар немис-фашист босмачиларни жонажон Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқмагунча жони ва танини ҳам аямасдан курашажақлари ҳақида қасамёд қилган эдилар. Ўшандан буён анча вақт ўтди. Жангчилар кўп машаққатли кунларни, қаттиқ жангларни бошдан кечирди. Аммо улар ҳар қандай қийинчиликлар олдида тиз чўкмай бардош бера билдилар. Ватан олдида ичган онтга хиёнат қилмасдан, жанг майдонида немисларга қарши курашда зўр маҳорат кўрсатдилар.

Ўшалардан собиқ оддий аскар Соғидон Таласбоев қисм тузилгандан буён шу қисмда хизмат қилиб келаётир. У кўп шиддатли жангларда иштирок этди. Жанг майдонида ўзини кўрсатди. Унинг хизматларини эътиборга олиб аввало унга сержант, кейинчалик старший сержант унвони берилди. У ҳозир «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланган. Лейтенант, ПТР взводининг командири бўлиб хизмат қилаётир. Партиянинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбек Наби Эркабоев ҳам бўлинмада эскидан хизмат қилиб келаётир. У интизомли ўқишда аълочи жангчи. Яқинда қисм командирининг иштирокида ўтказилган синовда Наби аъло баҳога имтиҳон берди. Қисм командири Эркабоевни ўша ернинг ўзида қўл соати блан мукофотлади.

Немисларнинг Велиж шаҳри атрофидаги мудофаасини ёриб ўтиш пайтида ўртоқ Эркабоев ўкчилар взводи ихтиёрида ҳаракат қилиб борар эди. Душман пулемётчиси бўлинма жангчиларининг илгари силжишига ҳалақит берар эди. Рота командири старший лейтенант ўртоқ Кох Эркабоевга танкка қарши отадиган милтиқдан ўт очиб немисларнинг пулемёт точкасини йўқ қилиш тўғрисида буйруқ берди, ўртоқ Эркабоев буйруқни шараф билан бажарди.

Бўлинма жангчилари шиддат билан яна илгарига силжишиб кетишди. Жангдан сўнг мерган ўзбек йигити Эркабоев «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди ва ВКП(б) кандидатлигига қабул қилинди. Ўртоқ Эркабоевга кичик сержант унвони беришган. У ВКП(б) аъзолигига қабул қилинди.

3 бор ярадор бўлган старший сержант ўртоқ Краснов муҳим тепалик учун бўлган жангда ўз отделениясини душман траншеясига бошлаб бориб зўр маҳорат кўрсатган. Ўртоқ Краснов «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди. Жангчилардан Мартинюк «Жасурлиги учун» медали билан, Маличев III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотланди. Бу иккала ўртоқни ҳам ВКП(б) сафига қабул қилдик.

Мантай Кенжабоев ВКП(б) аъзоси, бу ҳам «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган. Ҳозир кичик сержант Мартинюк кейинги кунларда Н. қишлоғи учун бўлган жангда танкка қарши отадиган милтиғи билан душманнинг бир пулемёт точкасини расчёти билан қулини кўкка совириб юборгани учун ҳукумат мукофотига тақдим этилди. Взводимиздаги жангчилардан деярлик ҳаммаси орденли кишилар десам янглишмайман.

Бизнинг взвода Ватанга садоқатли, Ватан олдида ичган ҳарбий онтига хиёнат қилмай хизмат қилаётган жангчилар кўп, улар ҳарбий уставга қатъий риоя қилишадилар. Командирларни ҳурматлайдилар. Бундай жангчилар ҳисобига Данилов, Николенко, Тарасов, Качаев, Ильин ўртоқлар ҳам кирадилар. Биз буларнинг ҳаммасини ВКП(б) аъзо ва кандидатлигига қабул қилдик.

Старшина Қ.Аҳмедов, рота парторги

СНАЙПЕРЛАР ҲАРАКАТИ КУЧАЙМОҚДА

Бўлинмамининг аълочи снайперлари Жумабетов, Черноусов ва бошқа ўртоқлар ҳамма жангчиларга ўз ишининг моҳири бўлиш намунасини кўрсатмоқдалар. Яқинда улар ўз траншеяларини жуда усталик блан ниқоблаб яна «ов» қила бошладилар.

Снайперларимизнинг позициядан 600 метр нарида бўлган йўл душман учун қанчалик муҳимлигини ҳаммамиз биламиз. Снайперлар бу йўлдан сра кўз узмадилар. Орадан анча вақт ўтгач икки немис офицери ихтиёткорлик блан ўтаётганини кўриб қолдик. Шу пайтда сержант Алёша шерикларига чап томондан ўтаётган офицерни мўлжалга олишни буюрди-да, ўзи иккинчи офицерни мушкага олди. Уч снайпер бир вақтда узган ўқ аблахлар юрагига қадалиб уларнинг ифлос жонини жаҳаннамга улоқтирди.

Бундан уч-тўрт кун илгари шеригим Раҳимбеков блан тонг отарда «ов»га чиқдик. Иккаламизда ҳам снайпер винтовкаларидан ташқари гранаталар ва кураклар ҳам бор эди. Снайпер кураксиз юрмайди.

Йўлда кетаётганимизда немислар отган снарядлар портлай бошлади. Раҳимбеков экаламиз дарҳол чуқур қазиб жойлашиб олдик. Снаряд порчалари устимиздан ошиб ўтмоқда эди.

Қарасак, бу отишма тўхтамайдиганга ўхшайди. Секин эмаклаб илгари силжидик. Ўн минутча эмаклаганимиздан кейин биздан 500 метр нарида бешта немис солдатининг юриб келаётганини кўрдик. Мен энг олдинги немисга, шеригим эса кейинда қолганига қараб ўқ узиб бир зумда икки аблахни йўқ қилдик. Қолганлари тумтарақай тарқалишди.

Ёнимдаги улфатим биздан 400 метрча нарида бўлган дарахт ёнидаги немис снайперини кўрсатди. Иккаламиз ҳам уни мўлжалга олдик. Бирданига отилган ўқларимиз немис снайперини ер тишлатди. Шундай қилиб, тўрт соат ичида куракдан усталик блан фойдаланишимиз натижасида ҳам ўзимизни ўлимдан сақлаб қолдик ва ҳам уч немисни ўлдирдик. Менинг ҳисобим яна ошиб, ўлдирган фрицлар ҳақида ўша куни 24-нчи белгини кўйдирдим. Раҳимбеков отган ўқларни еб ўлган немислар сони ҳам 12 га етди.

Снайперлик ҳаракати шу кунларда жуда кенгайиб бормоқда. Улуғ йўлбошчининг 70-сон буйруғини астайдил ўрганаётган жангчиларимиз жанговар маҳоратларини янада ошириб, душманни тезроқ кириб ташлашга интиломқдалар.

Сержант А.Ҳайдаров

ОЛДИНГИ МАРРАДАГИ ҲУШ'ЁРЛИК

Мен 45 миллиметрли танкка қарши отадиган тўп расчётининг командири бўлиб ишламоқдаман. Оддий аскар эдим. Ҳозир эса старший сержант даражасига қадар ўсдим ва жанг майдонида коммунист бўлдим. Бу менинг ёш ҳаётимдаги энг катта ва ажойиб ўзгаришлардан биридир.

«От босмаган жойларни той босади» деган қадимги ўзбек халқининг мақоллари бор. Ота-боболарим кўрмаган улуғ рус ерларини кезиб, ҳозирги зомон ажойиб техника ва қуроллари билан немис-фашист босқинчиларига қарши курашмоқдаман.

Расчётимда шердек учта йигит бор, учови ҳам коммунист, «Жасурлиги учун» медаллари билан мукофотланган. Улар нишонловчи кичик сержант Красков, ўқловчи қизил аскар Смолин, ўқ ташучи қизил аскар Носковлар.

Мен бу йигитларим билан анча ҳужум жангларида иштирок қилдим. Кўрсатган қаҳрамонона ишларимиз учун ўзим ҳам «Жасурлиги учун» медали билан мукофотландим.

Ўтган ойда шундай бир воқиа юз берди. Бўлинмамиз олдинги қатордан мудофаа марраларини қуриб тамом қилиб бўлган эди. Бир неча кун ўтгач худди бизнинг марраимиз тўғрисидадан бир взвод чама-сида немис разведкачи группаси жанг қилиб бостириб келди.

Дарҳол сержант Китаев гранаталарни этақларимизга тўлдириб, бутун взводдаги жангчиларга 5 – 6 дан улаштириб чиқдик ва уларни руҳлантирдик. Немис разведкачиларига қарши жанг қилдик. Пулемёт, винтовкалардан ўт очиб бошларини кўтаришга қўймадик, сўнгра ўз тўпим ёнига келиб худди душман устига 47 осколочний снарядларни дўлдек ёғдирдим.

Бу кечаси, соат учлар чамасида эди. Жанг майдонида 30 дан кўпроқ немис солдатлари ер тишлаб қотиб қолдилар. Шундай қилиб, немис одамхўрларининг «тил» тутиб олиб келиш плани кўкка совирилиб, бирон-сирон омон колганлари шармандаларча кейинга қочдилар.

Мудофаа жангчилари даврада олдинги маррада турган тўпчиларнинг хушёрлиги мана шундайдир.

Старший сержант Раҳмон Ҳамрақулов

ЭНГ ЯХШИ ШОФЁР

Исоқжон Абдуллаев қисмда энг яхши шофёрлардан ҳисобланади. У Жатск, Смоленск шаҳарлари учун бўлган жангда душманнинг қаттиқ ўтларини писанд қилмай жангчиларга ўз вақтида озик-овқат ва ўқ-дориларни етказиб бериб турди.

Ўзбек жангчиси Абдуллаевнинг хизматини юксак баҳолаб қисм командири уни «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотлади. У ҳали ҳам ўша қисмда шофёр. Ўртоқ Абдуллаев биз блан бўлган суҳбатда ўзидан ташқари уч укаси – Абдирашид, Соди ва Вадиларнинг бошқа фронтларда немис-фашист босмачиларга қарши қахрамонона курашиб, орден ва медаллар блан мукофотланганини мағрурланиб сўзлаб берди. Ўртоқ Абдуллаевнинг яна бир жанговар хизмати учун қисм командири ҳукумат мукофотига тақдим этди.

Қизил аскар Т.Аҳмадалиев

1944 ЙИЛ 8 ИЮНЬ. №45 (206)

ЎЗ ОНА ТИЛЛАРИДА

Қисмимизда ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, татар жангчилари кўп. Улардан кўпи рус тилидан анча нўноқ. Шунинг учун ҳам бу жангчилар орасида оммавий агитация ишларини уларнинг ўз она тилларида олиб борамиз.

Бундан уч ой илгари мени рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида ишлаш учун штатсиз инструктор қилиб тайинладилар. Мен рус, ўзбек, қозоқ ва туркман тилларини биламан. Ўрта маълумотга

эгаман. Ўзимга топширилган ишга ҳавас блан киришиб кетиб, анчагина ишларни бажариб ҳам қўйдим. Ана шу қилган ишларим ҳақида гапирмоқчиман.

Бир неча кун ичида ҳамма жангчилар блан суҳбатлашиб чиқдим. Улардан кимларнинг рус тилини жуда ёмон билганини аниқладим. Ҳар батальонда ўзимга биттадан ёрдамчи агитатор ажратдим. Иш ана шундан бошланди. Кейин бир неча доклатлар ўтказдим. Бу доклатларим немис-фашист босқинчилар устидан ғалабаларимизнинг ташкилотчиси – улуғ Ленин-Сталин партияси ҳақида, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги ва бошқа темалар юзасидан бўлди.

Кўпинча жангчилар блан яккама-якка ҳолда шахсий ишлар юзасидан дўстона суҳбатлар ўтказиб тураман. Кунлардан бир кун ўзбек қизил аскар Орзиев уйдан анча вақтдан бери хат келмаётганини айтди. Иккаламиз ўлтириб унинг колхозига хат ёзиб юбордик. Орадан сал вақт ўтиши блан Орзиевга жавоб келди. У олган хушхабарига жуда севинди. Илгари адресларни нотўғри ёзиб юрган экан. Аллақанча жангчиларга уйларига хат ёзишда ёрдам кўрсатайман.

Партия ишларида газеталардан ҳам кўп фойдаланамиз. Ўртоқларни Совинформбюро сводкаларидан ҳар кун хабардор қилиб тураман. Қозоқ, ўзбек, татар жангчилари қардош республикаларнинг фронтга ёрдами, ўз ҳамшаҳарларининг қаҳрамонлиги ҳақидаги материалларни, айниқса, мароқ блан ўқийдилар ва тинглайдилар. Қозоқларни тўплаб олиб жасоратли пулемётчи қиз Маншуқ Маметова тўғрисида суҳбат ўтказдим. Туркман жангчиларга донгдор сержант – Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Раҳимов ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

Ҳар қайси миллат жангчиларини алоҳида группаларга йиғиб ўз тилларида чиқарилган газеталарни ўқиб бераман. СССР Олий Совети Президиумининг Совет Иттифоқи маршаллари Г.В.Жуков ва А.М.Васильевский ўртоқларни «Ғалаба» ордени блан мукофотлаш ҳақидаги фармони матбуотда эълон қилиниши блан шу машҳур лашкарбошилар ҳақида, уларнинг қўмондонлиги остида қўшинларимиз қозонган муваффақиятлар тўғрисида суҳбат уюштирдим.

Полкимиз ўзбек, қозоқ ва бошқа миллат тилларида мунтазам равишда адабиёт олиб туради. Биринчи галда, бу адабиёт блан батальон агитаторларини таъминлаймиз. Ҳозир кўп ўртоқлар «агитатор блок-

ноти», фронт газеталари ва ашулалар тўпламларини ўқимокдалар. Кичик сержант қозоқ Сейт Калиев халқ оқини Жамбул қўшиқларини завқ блан ўқиб беради. Гуржи йигити қизил аскар Каратошвили ўртоқ Шчербаковнинг Ленин тўғрисидаги докладини ўз она тилида ўқийди.

Агитаторларга ёрдам тариқасида тартибли равишда семинарлар ўтказиб турамыз. Ҳозир агитаторларимиз ўртоқ Сталиннинг биринчи майга бағишлаб чиқарган буйруғини тушинтириш соҳасида қизгин иш олиб бормокдалар.

Ўртоқ Декин парторг бўлган батальонда тожик ўртоқ Шарипов, икки ўзбек йигити – Салимов ва Тайчанов ўртоқлар хизмат қилмоқдалар. Декин ҳам ўзбек, тожик тилларини тузук билади. Шу уч жангчи блан у Қизил Армия сиёсий бошқармаси тавсия қилган тематикага биноан машғулотлар ўтказмоқда.

Яна бир бошқа агитаторимиз туркман Холназаров ҳам дохийнинг янги буйруғини кун сайин пропаганда қилмоқда. Қайси жангчимиз блан суҳбатлашманг, ҳаммаси ҳам Қизил Армиянинг ғалабалари, иттифоқчиларимизнинг ёрдами, совет халқининг фидокорона меҳнати тўғрисида муфассал гапириб бера олади. Кишиларимиз ўртоқ Сталин томонидан қўйилган вазифани – яраланган йиртқични ўз уясигача қувиб бориб мажақлаш зарурлигини яхши фаҳмлаб олдилар.

Рус бўлмаган миллат жангчилари орасида оммавий агитация ишларни сра пасайтирмай, ҳар куни кучайтириб борамиз. Бу ишимизнинг самарали натижаларини кўриб фахрланамиз.

Қизил аскарларимиз сиёсий жиҳатдан анча ўсди, таълимда ва жанг майдонида яхши ўрناق кўрсатмоқдалар. Кўп ўртоқлар Совет Иттифоқининг орденлари ва медаллари блан мукофотланди. Снайпер сержант Азметов 19 немисни отиб ташлаб III даражали «Шухрат» ордени блан тақдирланди. Бу ибратли жангчини ВКП(б) аъзолигига ҳам қабул қилдик. Сўнгги жангларда пулемётчи кичик сержант Холназаров ҳам катта маҳорат кўрсатди. Уни қўмондонлик «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Бу азаматларнинг жанговар муваффақиятлари, уларнинг баланд ҳарбий маҳорати бутун қисмга маълум.

Лейтенант И.Латипов

ДУШМАН ОГНЕМЁТИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Лейтенант Элмуродов ва унинг жангчилари олдинги маррада ниқобланиб қўйилган душман огнемётини кўриб қолдилар. Яхши кузатиш натижасида огнемёт ёнида яна бир станокли пулемёт ҳам борлиги маълум бўлди.

Ўртоқ Элмуродов бу ҳақда дарҳол миномётчиларга хабар берди ва координатларни аниқ кўрсатди. Аълочи миномётчиларимиздан старшина Руднов моҳирона ўт очиб 6 мина блан душманнинг огнемёт ва пулемётини ишдан чиқарди.

Сержант Карим Раҳимов

ОТА-ОНА НАКАЗИ АМАЛДА

Комсомол аъзоси Жаббор Каримов Бухоро областининг Шофиркон район Чандир жамоасидаги Сталин номли колхозда табелчи бўлиб ишлар эди.

Уни фронтга жўнатаётганда отаси Худойберди ака ва онаси Абира хола: «На’лати душманни омонсиз қир, ботир бўл, оиламизга иснод келтирма, эпчил ва чаққон бўл», – деб наказ берган ва «олгин-олдирмагин, ой бориб, омон келгин, болам» деб эзгу тилак тилаган эдилар.

Жаббор фронтга келган кундан бошлабоқ немис итвачаларга қарши баҳодирона жанг қила бошлади. У ёндирилган совет шаҳарлари, вайрон қилинган қишлоқлар учун ва миллион-миллион ҳалок қилинган совет кишилари учун немис жаллодлардан қасос олмақда, фашист аблаҳларни раҳмсиз равишда қирмоқда.

Невель шаҳри учун бўлган жангда Каримов душман маррасига биринчи бўлиб бостириб кирди ва граната ҳамда штик блан уч немисни ўлдирди.

Қадирдон Белоруссия шаҳри – Городок атрофида бўлган жанглардан бирида отделенияларимиздан бири мушкул аҳволга тушиб

қолди, бу отделенияни 3 томондан немислар ўраб олдилар, ўқ-дори тамом бўлаёзган эди. Ҳаво совуқ, тун қоронғи, жангчилар қуни блан овқатланмаганлар. Бу отделенияга шошилинич қўмак бериш зарур эди.

Шу оғир взвод командири лейтенант Дрижов ўз ёнига жангчи Каримовни чақириб олди ва унга: «Эргашев отделениясига мадад бериш керак, ёнингга 4 жангчини олиб уларга тездан ўқ-дори ва бир термосда овқат олиб бориб бер. Улар блан бирга сўл томонда бўлган тепачадаги немис маррасини атака қилиб ҳалқадан чиқиш чорасига киришлар, мен бошқа жангчилар блан шу тепачани бериги ёнбошидан немисларни уриб сизларга қўмак бераман», – деб буйруқ берди.

Каримов «есть, ўртоқ командир» деб буйруқни такрорлаб жадаллик блан ўқ-дори ва овқат олиб Эргашев отделениясига мададга жўнади. Душманнинг ўқ ва снарядлари остида гоҳ ўрмалаб, гоҳ югириб Каримовлар Эргашев маррасига етиб бордилар.

Эргашев ва Каримовлар тўдаси тун қоронғисида душман маррасига жуда эпчиллик ва жасурлик блан ўзларини ташладилар.

Дрижов бошлиқ бошқа тўда ҳам бу маҳалда тепачанинг нарғи томонидан атака бошлади. 15 – 20 минут ичида тепачадаги немислар тамоман қириб ташланди. Бу жангда Каримов немис землянкасига граната ташлаб 4 немисни ўлдирди, иккитасини ярадор қилди.

Эртаси қуни бўлган қизғин жангда жасур Жаббор Каримов ярадор бўлди, лекин, шунга қарамасдан, душманни изидан қувишда давом этди. Фақат жанговар вазифа бажарилгандан сўнг у медсанбатга жўнади. У ўз ярасини даволаб яна жанговар сафга қайтди. Немислардан ўч олишни, ота-она нақазларини бажаришни давом этказмоқда.

Шундай жасур ўғлонларни тарбиялаб етиштирган ота-оналарга шон ва шарафлар бўлсин!

М.Абдуллаев

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАЛАРИ

Бўлинма командири лейтенант ўртоқ Э.Элмуродов Ватан уруши бошлангандан буён душманга қарши курашмоқда. У жасур ва катта тажрибага эга бўлган, моҳир, эпчил командир ва яхши тарбиячи.

Ўртоқ Элмуродовнинг ўзи хатосиз отучи мерган, шунинг учун у жангчиларга ҳам душманни хатосиз отиш йўлларини ўргатмоқда. Унинг бўлинмасидаги жангчилар жанговар курулларни ўрганиш, ўз ишининг устаси бўлиш учун тинмай ўқимоқдалар.

Яқинда ўртоқ Элмуродов «овга» чиқиб дарахт устида ниқобланиб ўлтирди ва бетараф зонада яшириниб ўлтирган немис снайперини кўриб қолди. Мерган лейтенантнинг мўлжаллаб отган биринчи ўқиёқ душман снайперини жаҳаннамга юборди.

Унинг жангчилари ҳам ўз командирларидан қолишмай намунали хизмат олиб бормоқдалар. Бу бўлинмада интизом яхши йўлга қўйилган, жангчилар аҳил, куруллар ҳар доим тозаланган ҳолда – ўт очишга тайёр туради.

Бўлинмада қўмондонлик топшириқларини намунали қилиб бажарган ефрейтор Абдулла Усмонов, қўл пулемётчиси Комаров ва бошқалар ордон ва медаллар блан мукофотландилар.

Сержант К.Раҳимов

ВИНТОВКАДАН ОТИШ МАШҚИДА

Отиш машқи жуда пухталиқни талаб қилади. Кимки отишда шошилар ёки ўзини тута билмас экан, ўз-ўзидан маълумки, унинг отган ўқи нишонга бориб тегиши қийин.

Мен буни бўлиб ўтган машғулотлардаги тажрибаларимга суяниб айтаётирман. Яқинда мен взводда винтовкадан отиш машқини ўтказдим. Машққа 40 дан ошиқ жангчилар иштирок этди, 6 ўқ отиш, оралиғи 500 метр.

Бу отишда жангчилардан комсомол аъзоси Абди Муборов, коммунист Спиридонов, икки бор ярадор комсомол аъзоси Шокиржон Умаров ўртоқлар каби жами 40 жангчи 6 ўқдан нишонга тегизиб аъло баҳо олдилар.

Комсомол аъзоси А.Собирбоев 6 ўқдан бронтасини ҳам нишонга тегиза олмади. Кейин сабабини билсак, у винтовкани нишонга олиб бўлгандан кейин отиш пайтида қўрқиб икки кўзини ҳам юмиб, тепкини бирдан босиб юборар экан. Шунинг натижасида унинг отган ўқлари нишонга бориб тегмаган экан.

Кўп жанглар иштирокчиси орденли отделение командири ўртоқ Кононсов, Собирбоевга отишда кўз юммаслик ва тепкини бирдан босиб юбормасдан, секин босиб отишлик кераклигини тушинтирди. Кейинги отишда у ҳам анча тузуккина отди.

3-нчи отделениядан Жалманов 6 ўқдан учтасини отгандан кейин унинг ҳам кўзини юмиб отаётганини билиб қолдик. Бўлинма командири старший лейтенант Васильев ўзи тепасида туриб ҳар ўқ отганда камчилигини кўрсатиб турса ҳам, Жалманов отиш пайтида яна кўзини юма берди. Натижада Жалманов отишдан ёмон баҳо олди.

Ўқишда ҳарбий техникани қанча аъло даражада ўргансанг жанг пайтларида душманни шунча хатосиз урасан. Улуғ саркардамиз ўртоқ Сталин бизга ҳамма вақт шундай ўргатади.

Старший сержант Усмон Икромов

ҲАР ЖАНГЧИ БИР ҚАНЧА ҚУРОЛНИ БИЛАДИ

Отделенияни келажак жангларига тайёрлаганда мен ҳар бир кизил аскарнинг ўз қуролини жуда яхши билиши учун ҳаракат қилдим. Жангчиларимиз ўзларига бириктирилган қуролларни ҳар ёклама эгаллаб олганларидан кейин бўлинмада бўлган бошқа тур қуролларни ҳам ўзлаштиришга киришдик.

Дуруст, бир киши турли-туман қуролларнинг ҳаммасини икирчикирларигача билиб битириши қийин гап, албатта. Аммо, шундай бўлса-да, ҳар бир жангчи ўз ротасида бўлган хилма-хил қуроллардан кам деганда янглишмай ота билиши қатта аҳамиятга эгадир. Яхши автоматчиларимиздан Очилдиев, Никифоров, Ҳайтматов ўртоқлар ўзимизнинг рус винтовкамизни унча яхши билмас эканлар.

Винтовка стволнинг канали шикастланган ёки зах босган бўлса, унинг найзаси ва шомполи маҳкам ўрнашмаган бўлса, узилган ўқлар



13 гитлерчини қириб ташлаган ёш снайпер Назар Имомов
хатнинг текстига қўл қўймоқда.

С.Баранов сурати.

бир нуқтага тегиб турмай анча сочиладилар. Автоматчи Очилдиев умуман винтовкадан отишни билмаса-да, ана шундай «майда-чуйда»лардан беҳабар экан. Бошқа автоматчиларни текширганда ҳам баъзиларининг рус винтовкасидан бўш бўлишлари аниқланди. Шундан кейин дарҳол Ҳайтматов, Никифоров ва Очилдиев ўртоқларга винтовкани жуда синчиклаб ўргатдим. Кейин бу уч автоматчи аъло ва яхши баҳо олдилар.

Худди шунингдек, айрим ўқчилар автоматни пухта билмайдилар. Баъзи жангчилар илгари пулемётни фақат пулемётчигина жуда яхши эгаллаши керак деб хато ўйлаган эканлар. Ҳозир менга топширилган отделение жангчилари кам деганда тўрт хил қуролни – винтовка, автомат, СВТ ва қўл пулемётини жуда яхши биладилар. Бундан ташқари, уларнинг ҳаммаси гранатани узокқа ва хатосиз ирғитадиган бўлиб қолдилар.

Кўпроқ курулларни билиш ҳеч қачон ортикча бўлмайди. Аксинча, жангчи қанча кўп курулни билса шунча ботир ва душман учун даҳшатли бўлади. Унинг ўз кучига бўлган ишончи ҳам ортади.

Кичик сержант Абдуллажон Эгамбердиев

1944 ЙИЛ 15 ИЮНЬ. №47 (208)

МУНОСИБ ТАРБИЯЧИ

Агитатор Эргаш Ҳайдаров бўлинмадаги жангчилар ўртасида агитация ишини яхши йўлга қўйиб юборган. У рус бўлмаган миллат жангчиларига кундалик газеталарда эълон қилинаётган совет информбюро ахбороти, иттифоқчиларимизнинг Италия ва Францияда қилаётган ҳужуми ҳақидаги чет эл хабарларидан ўқиб тушинтириб беради.

Бундан ташқари, ўртоқ Ҳайдаров рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг 70-сон буйруғини ҳам бир неча бор ўз она тилларида ўқиб бериб тушинтирди. Жангчилардан Сапаров, Маҳмуджонов, Мукашев ўртоқлар ўртоқ Сталин буйруғини яхши ўзлаштириб олганлар.

Ўртоқ Ҳайдаров агитаторликнигина эмас, рус бўлмаган миллат жангчиларини тарбиялаш ишида ҳам командирларга яқиндан ёрдам бераётир.

Жангчи Ҳамраев ва Даврон Исмоиловлар отделеянига янги келган кунларда рус тилини билмайман баҳонаси блан командирларнинг буйруқларини ўз вақтида бажариб келмас эдилар. Агитатор ўртоқ Ҳайдаров уларнинг олдида бориб ҳарбий устав, ўзбек халқи хатидан ўқиб бериб тушинтиргандан кейин Ҳамраев ва Исмоилов ўртоқлар ҳам яхши жангчи бўлиб қолишди. Улар ҳозир командирларнинг буйруқларини ўз вақтида бажарадилар.

Ўртоқ Ҳайдаров яқинда бўлиб ўтган жангда зўр маҳорат кўрсатди. Қисм командири уни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Сержант Жалол Мирзаев, орденли

МАДАНИЯТЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЖАНГЧИЛАР

Ўрта бўйли, кенг елкали, буғдойранг юзли Бўрибоевни ўз бўлинмасида ким билмайди дейсиз. Ўзбекистон ССРнинг олис Қорақалпоқ областидан келган бу серғайрат йигит тартиб ва интизомли бўлиши, довиюраклиги, доимо тетиклиги блан ўртоқларининг иззат ва хурматига сазовордир.

Яқинда бўлиб ўтган жангларда унинг обрўйи яна кўтарилди. Душман пиёда аскарлари танклар ёрдами блан бизнинг бўлинмага шиддатли хужум қилмоқчи бўлганларида Бўрибоев ўртоқлари блан бирга танклар хужумини қайтарди. Танкка қарши отадиган қуроли блан душман танкини шикастлантирди. Жангда вазминлиги ва ботирлигини яна бир қарра кўрсатди. Қўмондонлик бу гал уни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Бу ёш жангчи ўз ўртоқларига қуролларнинг моддий қисмларини дарҳол пайкаб олишда қатта ёрдам беради. Шу блан бирга, бўшанг, ҳафсаласиз жангчиларнинг соқоли ўсгани ёки тугмаси узилиб қолганини кўрса роса боплаб танқид қилади. У айтиб гапиришга ҳам уста: «ўзини эплаёлмаган кишига қурол ишониш кўп қийин гап. Солдат деган маданий ва ҳаракатчан бўлиши керак» деб айтади у.

Бўрибоевнинг шериклари ҳам бўлинмада энг кўзга кўринган жангчилардан. Қизил аскарлардан Қодир Сафаров, Николай Куликов ва Абдуллаевлар ёш ПТР-чининг энг яқин ўртоқларидан. Кўксилари ҳукумат мукофотлари блан безатилган бу азаматларни кўриб ҳавасинг келади, ихлосманд бўласан киши. Улар жангда мард бўлганларидек, маршларда чарчаш, тиним вақтларда зерикишнинг нима эканини билмайдилар.

Сержант Карим Раҳимов

БОТИР СОЛДАТ

Яқинда қисм командири гвардиячи қизил аскар Соибжон Матхолиқовга 923092-сонли «Жасурлиги учун» медалини топширди. Кечқурун Матхолиқовни азиз ўртоқлари кутлаб табрикладилар. Ўшанда у айрим воқиаларни, айниқса, разведкачиликка ишқибозлигини айтиб берди.

Матхолиқов 1942 йилнинг декабрь ойидан бери кўп жанглarda қатнашган киши. У ҳам автоматчи, ҳам пулемётчи бўлган. Қоронғи кечаларда душман позициясига бориб асир тушириб келган. Уни кўпни кўрган жанглarda пишган солдат деб атайдилар. Шунинг учун ҳам командирлар, айниқса, бўлинмага янги келган ўртоқларга Матхолиқов сўзларига қулоқ солишни, ундан таълим олишни тавсия қиладилар.

Бўлинма тактика машғулотида чикқанида бу тажрибали солдат бошқачарок бўлиб рухланиб кетади. Бу сафар ҳам у автоматни, противагаз ва курагини яна бир қарра кўздан кечирди-да, шошилганича отделениясининг командири сержант Сидоренко хузурига келди. Сержант ҳаммадан олдин тайёрланиб улгирган, ихчам ва тетик жангчини кўриб шундай дейди:

– Чакқон ва пухта кишиларни яхши кўраман. Сиз отделенияда биринчи бўлиб шайланиб турибсиз, энди бошқаларга ҳам қарашинг, отделениямиз взвод бўйича биринчи бўлиб сафга тизилсин.

Матхолиқов кимларга қарашиш кераклигини жуда яхши билади. У пулемётчи Фудорчук ёнига келиб дисқларни тахлашга ёрдам берди. Дўсти Курбоновга винтовкасини предохранителга қўйишни айтди. Шошиб-пушиб йиғиштиринаётган бир солдатнинг курак чехоли тугмасини маҳкамлади.

Отделение, командир талаб қилганича, биринчи бўлиб сафга тизилди.

Машғулот бошлангандан кейин сержант Матхолиқов патрон етказиб туриш вазифасини юклади. Атакага ўтиш олдидан ҳаммининг ўқ-дори запасларини тўлдириш керак бўлиб колганда ротанинг патрон пунктни ораси 1 километрча келади, яна ўртада 200 метрча ботқоқлик бор. Уни чаплаб ўтай деса, масофа икки баравар ошиши

керак. «Душман» миналарни ёғдириб турибди. Матҳолиқов ҳеч нарсага қарамай, югурганича патрон пунктига жўнади.

Гвардиячи солдат тиззасидан сув кечиб кўрсатилган муддатдан бир неча минут илгари ўқларни келтириб жангчиларга тақсимлаб берди ва отделенияси блан атакага отилди.

Машғулотдан кейин командир саф олдида бу ботир жангчига сямимий ташаккур эълон қилди.

Лейтенант В.Музафаров

ЁР УЧГАНДА

(Халқ лапарни куйида)

*Кўкда лочин, қарчиғай,
Боқсам, кўзларим тингай,
Осмонда парвоз қилган
Лочинимдан ўргулай.*

*Ёвга бермас ёр омон
Урушга кирган ҳамон,
Иши кўрсатиб бўлгандур,
Ёрим унда қаҳрамон.*

*Кўкка боқсам, ёр боқди,
Кўкда лочиндай оқди,
Яхши кўрган ёримнинг
Ботирлиги кўп ёқди.*

*Сўзла шўх-шўх, дуторим,
Қайтгунча севган ёрим,
Келса қаҳрамон ёрим,
Садқаси бўлсин борим.*

Собир Абдулла

Социалистик Ўзбекистонда

ФРОНТЧИЛАРНИНГ БОЛАЛАРИГА

УРГАНЧ (ЎзТАГ). Хоразм пионерлари ва ўқучилари фронтчиларнинг болаларига жуда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар кейинги ойда фронтчиларнинг болаларига ёрдам фондига 200 жуфтдан ортиқ пойафзал, бир ярим тоннадан ортиқ дон, 3.000 га яқин дарслик топширдилар. Бундан ташқари, 17 минг сўм пул тўпладилар.

ТЕМУРЧИЛАР

НУКУС (ЎзТАГ). Фронтчи хотини Юнисованинг уч боласи бор. У ишдан қайтиб, яна рўзгор ишлари блан шуғуллангани учун анча қийналар эди. Кунлардан бир куни мактаб ўқучиларидан Галя Головина, Фая Захритдинова, Женья Клецель, Баля Бахтиёрова Юнисованинг уйига келишди. Улар пол ва деразаларни ювдилар, сув олиб келдилар. Ёш хотин шундан буён қимматли дасъёрларга эга бўлиб қолди.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПИШЛОҚ ЗАВОДИ

ШАҲРИСАБЗ (ЎзТАГ). Шаҳрисабзда юқори сифатли пишлоқ ишлаб чиқарадиган Ўзбекистонда биринчи завод ишлай бошлади. Заводнинг асбоб-ускуналари шу жойнинг ўзида тайёрланди. Янги корхона сўнгги икки ой ичида 3 тоннага яқин пишлоқ ишлаб чиқарди. Ўзбекистон Гўшт-сут саноати халқ комиссарлиги пишлоқнинг сифатини жуда яхши деб топди.

1944 йил 6 июль. №53 (214)

ПУЛЕМЁТЧИ ИСАЕВ

Кечаси соат 2 лар эди. Исаев ва бошқа жангчилар душман окоплари ёнидан жуда ихтиётлик блан ер бағирлашиб эмаклар ўтишди. Душманнинг ўнг томонига ўтиб пана жойни топишиб ётишди. Қур-

шаб оллучи жангчилар иш бошлаганларида Исаев 70 чамасида мудо-фаа иншооти кураётган немисларга қаратиб қўл пулемётидан қаттиқ ўт очди. Немисларнинг окопини кириб юборди.

Бу жангда Исаев ўзига топширилган вазифани аъло даражада ба-жарди. Қўмондонлик ўртоқ Исаевни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Қизил аскар Маҳмуд Убайдуллаев. Жанглар райони

ВИНТОВКА ҚЎНДОҒИ БЛАН

Ўзбек жангчи, комсомол аъзоси Ваҳоб Тўхтаев ҳужум қилучилар блан бирга бориб немис траншеясига бостириб кирди. Найзабозлик жангида бир немисни винтовкасининг қўндоғи блан уриб чалқамча-сига йикитди. Иккинчи немисни асир олди.

Қўмондонлик ўртоқ Тўхтаевни «Жанговар хизматлари учун» ме-дали блан мукофотлади.

Қизил аскар Мирза Раҳмонов

Социалистик Ўзбекистонда

ТОШКЕНТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

Ўзбекистон пойтахти уруш йилларида мамлакатнинг йирик са-ноат, маданий марказларидан бирига айланди, ҳукумат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг янги бинолари кўп қаватли уйлар блан безалажак.

Шаҳарда умумий кутубхона учун янги бино қурила бошлади. Бунда китоблар жуда кўп бўлади. Катта академия театрининг биноси қурилиб тамом бўлмоқда. Ҳукумат уйини қуриш учун майдон ажра-тилди ва қурилишга тайёргарлик ишлари қизиқ кетди. Шаҳарнинг кўкаламзор жойларида Пионерлар саройининг бинолари вужудга ке-лади. Бу ерда болалар маданий дам олиш, меҳнат қилишни ўрганиш учун ҳамма нарсага эга бўлажақлар. Қайта қурилиш планида икки заллик қишки кинотеатр биноси қуриш, тропик ўсимликларнинг ойнали галереясини қуриш ҳамда бадий хунармандчилик халқ ус-талари ишлаган ашъёлар қуйидагилардан виставка – музей, янги ки-

но-фабрика, мусофирхона ўн йиллик мактаб ва ҳақозоларни қуриш кўзда тутилади.

Шаҳарнинг марказий катта кўчаларидан бири бўлган Навоий кўчасида бу йил ишчилар ва мутахассислар учун 17 та янги чиройлик уй қурилади. Шаҳарда гидроэлектростанция қурилади. Унинг атрофидаги гўзал жойларда меҳнаткашлар учун янги истироҳат боғи вужудга келтирилади.

Қайта қуриш ишлари учун фақат бу йилгина 25 миллион сўмдан ортиқ пул сарф қилинади.

ЎзТАГ

МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРЛАШ

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро ва бошқа областларнинг узоқ районлари маҳаллий халқ тилини биладиган медицина ходимларига жуда муҳтож. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги Тошкент ва Самарқандда ўзбек ёшларини медицина юқори ўқув юртлирига тайёрлаш учун махсус курслар очади. Курсларга ўрта мактабни тамомлаган бир неча юзлаб йигит ва қизлар қабул қилинади. Курсларга ўқучилар танлаш бошланди. Медицина юқори ўқув юртлирини тамомлаган ёш врачлар доимий ишлаш учун районларга юборилади.

ЎзТАГ

ЎҚУЧИЛАРНИНГ ҲАРБИЙ- ФИЗКУЛЬТУРА КЎРИГИ

САМАРҚАНД (ЎзТАГ). Самарқанд ўқучиларининг ҳарбий-физкультура тайёргарлигини кўриқдан ўтказиш уч кун давом этди. Биринчи ўринни Боғишамол районидаги мактаблар олди. Булар орасида 45-нчи сонли мактаб Ўрта Осиё ҳарбий округи мукофоти-ни олиш учун энг муносиб бўлди. Бу мактабда физкультура машғулотларини Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Суворцев олиб борди. Мактаб ўқучилари ҳарбий-физкультура тайёрлиги соҳасида катта муваффақиятларга эришганликларини кўрсатдилар.

КАРИМ БОЛТАЕВ

Н. кишлоғини ишғол қилиш мақсадида взводни шиддат блан хужумга бошлаб бораётган командир қаттиқ контужин бўлди.

Шу маҳал бўлинма командири қизил аскар Карим Болтаевни бош қилиб взвод чамасида ёш жангчиларни ёрдамга юборди.

Болтаев взводни икки группага бўлди, бирисини ўнг қанотдан бориб қишлоққа хужум қилиш, ўзи блан қолганлари эса қишлоқнинг пешанасидан тикка уришга қарор қилди.

Иккинчи группа муваффақият блан қишлоқни айланиб ўтиши бланок Болтаев ўз группаси блан душман траншеясига бостириб кирди. Ўнларча немис итваччаларини қўндоқ ва гранаталар блан қириб ташлашиб, дарҳол қочаётган душманнинг изидан қувиб қишлоққа ҳам кирдилар.

Душман эсини йўқотиб тумтарақай қочди, жанг майдонида анча немис солдат ва офицерларининг ўликлари қолди, икки станокли пулемёт, учта от-арава ва ўқ-дори асбоблар ўлжа қилинди...

Қўмондонлик жангдан сўнг баҳодир ўзбек йигитини «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотлади.

(Ўз мухбиримиздан)

ЖУДА СЕВИНДИМ

Мен отделение командири ўртоқ Темирхонов буйруғи блан жангнинг қизгин пайтида душманнинг қаттиқ ўти остида жангчиларга, аввало, иссиқ овқат етказиб бердим.

700 метрлар масофада қочиб кетаётган бир немисга кўзим тушиб қолди. Темирхонов менга:

– От итваччани, – деб буйруқ берди. Буйруқни бажаришга киришдим. Роса бошлаб мушкага олиб отган эдим, немис чалқамчасига тўнтарилиб тушди. Командирим:

– Балли, мерган йигит, – деб елкамга қоқиб эркалаб қўйди. Мен жуда севиндим. Кейин бориб қарасак, ўқ елкасидан теккан экан.

Қизил аскар Абдурашул Холбоев



Суратда: Душман блан бўлган жангларда унинг 6 танки ва 20 тўпини яқсон қилган, орденлар блан мукофотланган моҳир бронейбойчилар (чапдан ўнгга): младший сержант С.Погарцев, старшина Г.Королев, старшина Қ.Орлов, сержант Ғофир Умаров, старший сержант Д.Филатов.

С.Баранов сурати.

1944 йил 16 июль. №56 (217)

ДУШМАННИ ЎРМОНДАН УРИБ ЧИҚАРДИК

Қисмларимиз шиддатли атака натижасида душманни мустаҳкамланган позициясидан суриб ташлади. Душман жанг қила-қила катта тош йўлни кесиб ўтган ўрмончага бориб олдиндан ҳозирлаб қўйилган траншеяларига жойлашиб олди ва ҳужум қилиб бораётган бўлинмаларимизни қаттиқ ўтга тутди.

Бўлинма командири жангчиларга ётишга буйруқ берди ва сержант Петров командаси остидаги бир группа жангчиларни ўнг томондан айланиб бориб душманни орқа томонидан уришга буюрди. Бу группа ичида мен ҳам бор эдим.

Бизнинг группа душманни алдаш учун ўзимизнинг орқа томонимизга қараб кетди ва панаскам жойлар блан жуда тезликда ўрмонни айланиб немисларнинг орқа томонига ўтиб олди. Ўрмоннинг ғарбий чеккасида душман кучлари йўқ эди. Фақат икки автоматчи патруллик қилиб турган экан.

Биз бу немис автоматчиларини найза блан санчиб ташлаб тезлик блан ўрмон ичига ташландик. Ўрмончанинг шарқ чеккасидаги душман окопларига бирданига гранаталар дўлдек ёға бошлади, автомат ва штиklar ҳам ишга солинди. Бу вақтда тўғридан бизнинг асосий кучларимиз ҳам кўтарилиб ўзларини душман траншеясига ташладилар. Кўп немисларни қириб ташладик, мен ўзим ҳам 5 немис жаллодни қириб ташладим.

Немислар жуда кўп ўлик ва ярадорлар ҳамда қурол-аслаҳаларини ташлаб қочдилар.



Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров.

Қизил аскар Фатҳулло Назарматов

ДУШМАН ДЗОТИНИ ЙЎҚ ҚИЛДИЛАР

Взвод командири ўртоқ Дмитрев отделение командири Тоштемир Манноновга душман ДЗОТини йўқ қилишга буйруқ берди. Душман турган жой, бориш йўлларини чизиб унга пухта тушинтирди.

– Тушиндим, ўртоқ командир. Буйрукни бажарамиз, – дедию хайрлашиб жўнаб кетди. У отделениега келиши бланок буйрукни жангчиларга пухта тушинтирди. Отделение жангчиларини икки группага бўлди. Бир группага ўзи, иккинчи группага жангчи ўртоқ Додажоновни бошлиқ қилиб тайинлади.

Ўша куни кечгача тайёрландилар. Кечаси буйрукни бажариш учун жўнашиб кетишди.

Ҳаммаси ниқоб кийимларини кийишган, 600 метргача илгарига силжишиб боришиб ётишди. Душманнинг юриш-туриш ҳаракатларини яхшилаб ўрганишди.

Ўртоқ Додажонов бошлиқ группа немислар соқчисини жуда усталик блан бўғиб олиб қуролсизлантирди. Яна илгарига силжишиб кетдилар. ДЗОТ ҳам узоқ эмас, ўртоқ Маннонов жангчиларга тайёрланишга буйруқ берди. Ўртоқ Иванов пулемётидан қаттиқ ўт очиб немисларнинг диққатини ўзига қаратди. Маннонов бошлиқ группа ўша ерда душман қаердан ҳаракат қилишини кутишиб ётди.

Додажонов бошлиқ группа ДЗОТнинг чап томонидан айланиб ўтиб ДЗОТга граната ирғитиб ҳужум қилди.

Улар ҳаш-паш дегунча ичкарига босиб кириб найзабозлик жанги қилишди. Бу маҳал ўртоқ Маннонов бошлиқ группа бошқа траншеялардан ёрдамга келаётган взвод чамасидаги немис солдатларини қарши олиб жанг қилди, уларга қарши граната ирғитишди, кўп немислар қириб ташланди.

Бу жангда Додажонов 2 немисни найза блан санчиб ўлдирди. Эшонбобоев бир немисни, ўртоқ Иванов 7 немисни ўлдирди. Ўртоқ Маннонов ярадор бўлса ҳам, жанг майдонини ташлаб кетмади.



Суратда: Гвардия қизил аскари Мансур Сирожов ва Сергей Оглоблин Полоцк учун бўлган қизғин жангларда маҳорат кўрсатдилар.

С.Баранов сурати.

Отделение жангчиларидан биронтасини ҳам йўқотмасдан буйруқни тўла бажарди.

Кўмондонлик ўртоқларнинг ҳаммасини орден ва медаллар блан мукофотлади.

Х.Рисқулов

ДУШМАНГА ОМОН ЙЎҚ!

Қисмларимиз чекинаётган душманнинг изидан қолишмай, думба-дум қувиб бордилар. Душман С. пунктига бориб, у ерда олдиндан ҳозирланиб қўйилган мустаҳкам мудофаа позицияларига жойлашиб олиб қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошлади.

Бўлинма командири офицер Поташкин кишлокни ён томондан айланиб ўтиб немисларга орқа томондан атака қилишга қарор қилди. Поташкин пулемётчи Смирнов бошчилигидаги бир группа автоматчи ва қўл пулемётчиларга кишлокнинг чап томонидан айланиб ўтиб душманга орқа томондан зарба бериш тўғрисида буйруқ берди. Қолган жангчилар душман диққатини ўзига жалб қилиш ва уни алдаш учун тўғридан атака қилаётгандай бўлиб ҳаракат қилиши керак эди.

Смирнов группаси чакалакзорни пана қилиб кишлокнинг чап томонига ўтиб борди. Улар кишлокқа тамоман яқинлашиб боргач, энг чеккадаги саройдан немис пулемётчиси уларни қаттиқ ўтга тутди. Жангчиларимиз дарҳол ерга ётиб, эмаклаб ўт зонасидан тезда чиқиб олдилар.

Смирнов ёнига моҳир снайпер ўзбек Тугалбой Маматқуловни олиб, сарой томонга жуда эпчиллик блан ўрмалаб бордилар. Сарой тагида немислар мустаҳкам ДЗОТ қурган эканлар. Маматқулов ДЗОТ атрофига тол қўйиб уни кўпориб ташлади, Смирнов уст-устига ДЗОТга қараб 3 граната ирғитди. Бирданига немис пулемёти жим бўлди.



Ўзбек-комсомол гвардия младший сержанти
Толибжон Тошбоев.
С.Баранов сурати.

Жангчиларимиз қишлоқни айланиб немисларга орқа томондан атака қилдилар. Душман жангчиларимиз атакасига чидай олмади.

Тамоман ҳалқага тушиб қолишдан кўрққан немислар чекиниш учун йўл ахтариб ўзларини ҳар томонга ташладилар. Фақат қишлоқнинг ғарби-шимол томонигина чекиниш учун «очик» эди. Душманнинг шу томонга қочишини олдиндан пайқаб олган Поташкин бу йўлга ҳам ўз вақтида ғов тўсиб қўйган эди – қишлоқнинг ғарби-шимол томонидаги тепачага қизил аскар Михаил Богатирев командаси остида бир группа автоматчи ва 2 қўл пулемётини яширин равишда пистириб қўйган эди.

Қишлоқдаги траншея ва окопларидан суриб чиқарилган фрицлар тартибсиз ҳолда тўда-тўда бўлиб ғарби-шимол томонга қоча бошладилар.

Засадада ётган совет жангчилари немисларни ўзларига тамоман яқин келтириб, сўнгра уларни пулемёт ва автоматлардан қаттиқ ўққа тутдилар. Олдинда қочиб келаётган немислардан 40 тачаси ер тишлаб қолди. Гитлерчилар жуда ҳам саросима бўлиб калаваларининг учини йўқотиб қўйдилар.

Тамоман ваҳмага тушиб қолган немис солдатлари ўнг томондаги пасқамликка томон қочдилар, аммо у жой балчиқлик эди, немислар ярим белигача ботқоққа ботиб, бутун қуролларини, ҳатто уст кийим ва овқат халталарини ҳам ташлаб қоча бошладилар. Лекин бу ифлосларнинг уринишлари фойдасиз эди. Уларнинг орқасидан етиб келган азамат жангчиларимиз немис-фашистларнинг ҳаммасини деярлик қириб ташладилар, жуда оз фашистларгина совет автоматчи ва пулемётчилари ўқидан қочиб қутилдилар, халос.

Жангчиларимиз бу қишлоқни озод этишда немислардан жуда кўп ўлжа олдилар ва 12 немисни асир туширдилар.

Бу жангда офицер Поташкин жангчилари шер каби жанг қилдилар. Айниқса, ўзбек халқининг мард ўғли, Чиноз районли Тугалбой Маматқулов, сибирли М.Богатирев ва қозоқ сержант Каниш Абдиоровлар қатта жасурлик кўрсатдилар. Ёлғиз Абдиоровнинг ўзи 10 дан ошиқ немисни қириб ташлади.

Шавкатли Қизил Армия жангчилари! Сизни фашист йиртқич қонли панжаси остида эзилиб, инграб ётган ака-ука, опа-сингил-

ларимиз – Литва, Латвия халқи сабрсизлик блан кутмоқда. Азамат жангчилар! Қон-қариндошларимизни фашист жаллодлар қўлидан озод қилиш учун янада жадалроқ олға босингиз! Офицер Поташкин жангчиларидек моҳирона жанг қилингиз! Аблах душманга ҳеч омон бермангиз, унинг мудофааларини тилка-пора қилиб, аскар ва уруш техникаларини нести-нобуд қилиб ташлангиз, халқ озодлиги душманлари – фашистларни раҳмсиз қирингиз!

Гвардия майори М.Абдуллаев

1944 ЙИЛ 23 ИЮЛЬ. №58 (219)

АГИТАТОР ҲУСАИНОВНИНГ МАҲОРАТИ

Душманни изма-из қувиб бўлинмамиз Н. кишлоғига келганида агитатор старшина Тўйчи Ҳусаинов ҳам орқамиздан етиб келган эди. Агитаторни ҳаммамиз яхши қўрамиз, айниқса, рус бўлмаган миллат жангчилари уни жуда хурмат қиладилар. Ва у келганида ҳаммамиз руҳланиб кетамиз. У қўшинларимизнинг янги муваффақиятлари, Совинформбюро ахборотлари, иттифоқчиларимизнинг Ғарбий Европадаги ҳаракатлари ва, айниқса, фронт орқасидаги жонажон Ўзбекистонимиз ҳақида жуда қизик хабарларни айтиб беради ва сўнг бизларни яна душманга қарши шафқатсиз курашга, ҳамон олға боришга чақиради. Агитаторнинг сўзи – Ватан ва жонажон халқимизнинг нақазидир.

Душман танки ҳаракат қилиб бораётган бўлинмамиз сафига ота бошлади. Бронебочи Ражабов қаттиқ ярадор бўлди. Старшина Тўйчи Ҳусаинов дарҳол танкка қарши отадиган қуролни ўз қўлига олиб келаётган душман танкига тўғри отди. Ўқлари тўғри бензин бакига тегди ва танк ўртаниб кетди. Ичидан чиқиб қочаётган экипажини ҳам у бир отиб жаҳаннамга жўнатди.

Агитаторнинг амалий ишидан ва «Олға, ўртоклар!» деб қичқирган ундов сўзларидан илҳомланиб совет жангчилари – ўзбек ва қозоқ халқининг шер йигитлари бу қишлоқни ҳам эгалладилар.

Йўл бўйлари, ўртанган қишлоқ ва сойларда жуда кўп немис солдат ва офицерларининг ўликлари, мажақланган фашист машина ва техникалари ётмоқда.

Бизлар ҳамон олға – янги муваффақиятлар сари кетмоқдамиз.

Қизил аскар Абдуллаев

ШЕРЮРАК ЙИГИТ

Юсуп Абдуллаев жанг майдонида буюк большевиклар партияси сафига аъзо бўлиб ўтди, совет офицери бўлиб ўсиб етишди. Ҳозир унинг мағрур ёш кўксини «Қизил юлдуз» ва «Қизил байроқ» орденлари безатиб турмоқда.

Капитан Онищенко бўлинмасида рота командири бўлиб, Н. совхозни районида биринчи сафар жангга қатнашди. У ўз ротасини мардларча олға бошлаб жасур ва илғор офицерлардан бири бўлиб донгичикди.

Н. шаҳри учун бўлган жангда биринчи бўлиб лейтенант Абдуллаев ротаси ёриб кирди. «Жасурлиги учун» медалли Муротов, «Жанговар хизматлари учун» медалли Шаропов, медалли сержант Турдибоев, II даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган қизил аскар Карпенколар душман траншеясига ташландилар. Улар найза, кўндоқ ва гранаталарни моҳирона ишлатиб 70 дан кўпроқ немис итваччаларини қириб ташладилар ва 11 фрицни асир қилиб олдилар, ундан ташқари, душманнинг 45-мм замбараги ва битта пулемётини ўлжа қилдилар.

Лейтенант Абдуллаев ротасининг ҳужуми тобора кучайди. Кўча жанглари бошланиб кетди. Совет кўчасидаги тўликсиз ўрта мактабда жойлашган душманнинг катта калибрли пулемётини кўриб қолган Абдуллаев дарҳол Муродов, Турдибоев ва Корпенколарга душман пулемётини йўқ қилиш учун буйруқ берди. Тезгина бинони айланиб ўтдилар-да, граната улоқтириб пулемётни йўқ қилдилар.

Вокзалнинг шимолий бухтасида жойлашган душманнинг катта бинодаги озиқ-овқат, уст-бош ва ўқ-дори склади учун қаттиқ жанг бўлди. Лейтенант Абдуллаев складни бузишга ҳозирланаётган 6 немисга

қарата автоматдан узун сидра ўт очди-да, «аблаҳлар, кўтар кўлларингни» деб қичқирди, учтаси кўлларини кўтариб асир тушдилар.

Лейтенант Абдуллаевнинг ротаси энг илғор бўлинмалар каторида жонажон Белоруссиянинг бир неча шаҳар ва жуда кўп қишлоқларини фашист босқинчилардан озод қилиш жанглирида иштирок этди. Ҳозир совет Литваси учун жанг қилмоқда.

Қаҳрамон ўзбек офицер-жангчилари шер қадамлар блан узил-кесил ғалаба сари олға босмоқда.

Старший лейтенант А.Турумбетов

ГЭСНИНГ ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

Товоқсой гидро-электростанциясида ГЭСнинг қувватини анча оширадиган катта тадбирлар кўрилмоқда.

Тўғонни 20 – 30 метр баланд кўтариш ишлари бошланди. Бунинг орқасида сувнинг сатҳи кўтарилиб, унинг босим қуввати ошади.



Суратда: Наманган область Уч-Қўрғон район Уч-Қўрғон қишлоқ советидаги Сталин номи колхоз юзцентнерчиларидан Абдугани Кўчқоров (олдинда) пахта суғориш нормасини 300 процент ва Маҳкам Машрабов 250 процент бажармоқдалар.

Б.Терехин сурати.

Тахминий ҳисобларга кўра, бу тадбир бир суткада 10 минг киловатт соатча қўшимча электр қуввати ишлаб чиқариш имкониятини туғдиради. Шунингдек, Оқсой ота аригидаги сувни тўғоннинг юкори қисмига буриб юбориш иши ҳам олиб борилаётир. Бунинг натижасида электр қуввати чиқариш яна 2,5 процент кўпаяди.

(ЎзТАГ)

1944 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ. №60 (221)

ЎЗБЕКДАН ЧИҚҚАН ҚАХРАМОН

«Қизил меҳнат» колхозининг аъзоси Умурбиби Ортиқбоева ўз ўғлини фронтга жўнатаётган вақтда: «Болажоним Рўзимат! Тинч колхоз ҳаётимизни бузмоқчи бўлган наълати ёвни аямасдан қир! Мард ва эпчил бўл! Колхозимиз ва авлодимиз шаънига муносиб жанг қил, шундай жанг қилки, бутун халқ сенинг ботирлигингни кўриб баракалла, азамат йигит, Умурбиби бекорга сут бермаган экан десин, ой бориб омон келгин, болам», – деб наказ берган ва эзгу тилак тилаган эди.

Рўзи Азимов меҳрибон она топшириқларини, ўзбек халқининг ўз жангчиларига берган наказини, улуғ Сталин буйруқларини намунали қилиб бажармоқда, у қисмга келгач фашистларни кўпроқ кириш ниятида пулемётчиликни танлаб, ўз қуролининг мастери бўлиб етишди. У фронтга келган кундаёқ ўз бўлинмаси жангчилари орасида энг интизомли ва энг ботир йигит эканини кўрсатди. Оз кунда у ўз ўртоқлари орасида шундай катта обрўй қозондики, уни офицер Пашриев қисмининг жангчилари «Рўзи ботир» деб атайдиган бўлдилар.

Комсомол ташкилоти бу ёш ватанпарварни комсомолга қабул қилди, унга рус бўлмаган ёшлар орасида ишлаш, уларни тарбия қилиш ишини топширди. Азимов бу шарафли вазифани ҳам аъло даражада бажарди. У жангчилар орасида большевистик агитацияни кучайтириш блангина қаноатланиб қолмай, ўзининг шахсий қахрамонлик намуналари блан, эпчил ва ботир жангчилиги блан ўртоқларини янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирди.

Рўзи Азимов Белоруссия ва Литва халқларини немис-фашист жаллодлардан озод қилиш учун, онаси айтганича, мардона жанг қилмоқда. Аблах фашистларни раҳмсиз қирмоқда, жанг майдонларида ажойиб жасурликларни кўрсатмоқда.

Белоруссиянинг Козонгов қишлоғи районида душманнинг мустаҳкамланган мудофаасини ёриб ўтиш учун кучли артиллерия ва авиация хужуми бўлди. Артиллериямиз ўз ўтини душман мудофаасининг ички томонига кўчиргач, офицер Паршнев қисмининг жангчилари атакага кўтарилдилар. Душман қаттиқ қаршилик кўрсата бошлади. У бутун қолган миномёт, айниқса, пулемётларидан жангчиларимизни қаттиқ ўтга тутди. Душман пулемёти ва автоматидан отилган ўқлар жангчиларимиз томон дўл каби ёғмоқда эди. Душман мудофаасининг олдинги траншеясига 60 – 75 метр қолганда, айниқса, душман ўти кучайди. Азимов фашист пулемётчиларнинг қаердан отаётганлигини аниқлаб олди-да, пулемётнинг стволини ўшанга қараб бурди ва икки сидра ўқ узиш блан душман пулемётининг расчётини ишдан чиқарди. Мард пулемётчи жангчиларга қараб:

– Совет Белоруссияси учун олға! – деб хитоб қилди ва биринчи бўлиб душман траншеясига бостириб кирди, у граната блан траншеяда писиб ётган беш фрицни қириб ташлади ҳамда қочиб бораётган немисларни пулемётдан ўққа тутиб ўндан ошиқ немис итваччаларини қириб ташлади. Ўз ўртоқлари блан қочаётган душманни изма-из қувиб борди, йўлма-йўл ўз пулемётидан мохирона ўт очиб кўп немисларни ер тишлатиб қўйди.

Қисмларимиз Ғарбий Двина дарёсининг ўнг қирғоғига етган вақтда немислар дарёнинг чап қирғоғида олдиндан ҳозирланиб қўйилган мудофааларига жойлашиб олган эдилар.

Душман дарёдан ўтадиган бутун воситаларни ўз қирғоғига олиб кетган эди. Немислар ўнг қирғоқдаги бизнинг бўлинмамизни пулемёт ва миномётлардан қаттиқ ўтга тутди бошлади.

Қутиб туриш мумкин эмас эди. Взвод командирининг ўринбосари, коммунист сержант Иван Петрович Медведев дарҳол бир группа жангчиларни тўплаб ёғоч ва тахталардан солчалар ясашга буюрди. Бир неча минутдан кейин икки солча ҳозирланди, буларнинг бирини қахрамон пулемётчи Рўзи Азимов ясаган эди. Рўзи Азимов душ-

маннинг кучли ўти остида ўз пулемёти билан биринчи бўлиб дарёга кирди, сузиб бора туриб чап қирғоқдаги немис солдатларини қаттиқ ўққа тутиб борди. Баҳодир Азимов бир зумда дарёнинг нариги қирғоғига етиб борди ва ўз пулемётини ўрнатиб, душман солдатларини ўққа тутиб уларни жим бўлишга мажбур қилди. Шу фурсатдан фойдаланиб қолган жангчиларимиз ҳам дарёдан ўтиб олдилар ва чап қирғоқдан плацдарм ишғол қилдилар.

Ғарбий Двинанинг чап қирғоғида жанглар қизиқ кетди, бу жангларда Азимов ўз пулемётидан мерганларча ўт очиш блан кўп немисларни қириб ташлади. Офицер Паршнев пиёдалари душман позициясига шиддатли атака қилдилар, немислар жангчиларимизнинг кучли атакасига чидай олмадилар, ўз позицияларини ташлаб орқага қочдилар, лекин улар ҳалокатдан қочиб қутилмадилар, азамат пулемётчиларимиз, хусусан, Азимовнинг моҳирона ўти уларнинг кўпини қора ерга жойлаштирди. Қочиб бораётган душманга орқа ва ён томондан ҳам атака қилина бошланди. Душманга орқа ва ён томондан атака қилаётган жангчилар душман кўшинларини Витебск группасига қуршаб олиш ниятида бизнинг фронтимиз кўшинлари блан кўшилиш учун курашаётган 3-нчи Белоруссия фронтининг шавкатли жангчилари эди.

Бир неча минутлик қизғин жанг натижасида бу участкадаги немисларнинг кўпи қириб ташланди. Икки фронтнинг – 1-нчи Балтикбўйи ва 3-нчи Белоруссия фронтларининг – жангчилари Витебск ҳалқасини бекитдилар ва бир-бирлари блан учрашиб, қучоқлашиб омонлашдилар. 3-нчи Белоруссия фронтининг энг олдинда келаётган жангчилари блан биринчи бўлиб учрашиб, қучоқлашган ҳам қизил аскар Рўзи Азимов бўлди.

Бундан кейин бўлган жангларда ҳам ўзбек халқининг содиқ фарзанди Рўзи Азимов баҳодирона курашди, у шер каби жанг қилиб душманни омонсиз қирди...

Совет халқи Азимовнинг баҳодирона ҳаракатларига юксак баҳо берди. СССР Олий Советининг Президиуми фармонида мувофиқ Азимовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган улуғ унвон берилди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига шон-шарафлар бўлсин!

М.Абдуллаев

ДУШМАН ГРУППАСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Душманнинг техника ва жонли кучлари қаерда экани старший лейтенант Черкасовга маълум эди. У кун ботиши бланок тўққизта разведкачи йигитларни бошлаб қуюқ ўрмон ичига кирди ва бекиниб ётган катта немис группаси устидан чиқди.

Разведкачилар дарҳол икки группага бўлинишиб, ботқоқлик жойдан тез ва моҳирлик блан ўтдилар-да, бирданига атакага ташландилар. Жасур разведкачиларнинг тошбўрон автомат ўтлари ва гранаталаридан 75 немис итваччалари йўқ қилинди, 21 солдат асир қилиб олинди.

**Старшина Нўъмон Каримов,
«Жанговар хизматлари учун» медалли**

ГВАРДИЯЧИНИНГ ЭПЧИЛЛИГИ

Гвардиячи кизил аскар Абдужабборов душман блан бўлган жангда қахрамонона курашди. У чарчашни писанд қилмай илғорларнинг биринчи сафида бўлди.

Яқинда бир аҳоли яшайдиган пункт учун бўлган жангда у қишлоққа биринчи бўлиб бостириб кирди ва гитлерчилар пиёдаларимизга қаратиб ўт очиб турган уйларга бир қанча гранаталар иргитди. Ботир гвардиячи уйларнинг бирида икки немис солдати ва бир офицерини асир олди.

Асирларни штабга топшириб Абдужабборов яна шиддат блан олға ташланди. Моҳир ўзбек йигити автоматидан ўт очиб немис пулемёт расчётини қириб ташлади ва гитлерчилардан қўлга туширилган пулемёт ёнига ётиб душманга қаратиб ўт очди.

У ўнларча немис солдат ва офицерини қириб ташлаб хужум қилаётган бўлинмага бир кишини ҳам йўқотмай очик майдон орқали қишлоққа бостириб киришга имкон берди.

(Ўз мухбиримиздан)

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ГАЗЛАМА

Сталин номли, қизил байроқли Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи Қизил Армиямизнинг ғалабаларига ишлаб чиқаришда янги муваффақият қозониш блан жавоб бераётир.

Июнь ойида Бош қўмондонликнинг алоҳида фондида пландан ташқари 700 минг метрча газлама ва 31 тонна ип топширилди. Меҳнат унуми 42 процент ошди. Фабрикаларда, айниқса, комсомол ёшларининг бригадалари ўртасида социалистик мусобақа кенг қизимокда.

Ўртоқ Аристархова бошлиқ ёш тўқучилар бригадаси (2-нчи фабрикада) 48 дан 63 станокда ишлашга кўчиб топширикни 180 процентдан адо этаётир. 1-нчи фабрикада ўртоқ Новиков бошлиқ бўлган цех июнь планидан ташқари Қизил Армиянинг 10 минг жангчисига кийим-бош тўқиб бериш учун етадиган миқдорда газлама тўқиб берди. Фронтчиларнинг хотинларидан Капитонова, Ванилова, Батаева ва бошқа ўртоқлар бошлиқ тўқучилар бригадалари фидокорона ишлаб кунига бир ярим нормадан кўпроқ маҳсулот чиқараётир.

(ЎзТАГ)

ТАКРОРИЙ ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Наманган (ЎзТАГ). Учқўрғон районидаги Киров номли колхоз Наманган областида биринчи бўлиб такрорий пилла тайёрлаш планини бажарди. Колхоз 6 қути уруғдан давлатга 156 килограмм ўрнига 240 килограмм пилла топширди. Районда такрорий боқилган қуртдан пилла топшириш суръати борган сари тезлашмоқда. 15 июлгача 922 килограмм пилла топширилди.

ҲУЖУМ ЖАНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ғолибона Қизил Армиямизнинг хужуми тобора ўсмоқда. Белоруссия далалари ва Балтиқ бўйларида сараланган ўнларча немис дивизиялари шармандаларча ҳалок бўлдилар. Қўшинларимиз ярадор бўлган фашист йиртқични ўз инида йўқ қилиш мақсадида хужумни тобора кучайтирмоқда. Жангчиларимиз жанг майдонларида ғоят зўр маҳорат ва баҳодирликлар намунасини кўрсатмоқдалар.

Бир неча мисоллар келтириб ўтаман.

Штаби блан куршовга олинган немис батальони ер қавлаб қишлоққа ётиб олди. У бўлинмаларимизга орқа томондан зарба бериб куршовни ёриб чиқиб ўз қўшинларига қўшилиш умидида қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

Взвод командири, гвардия лейтенанти коммунист Михеевга немисларнинг бу группасини йўқ қилиш вазифаси топширилди.

Михеев 13 совет автоматчиларни танк устига миндириб душман позициясига отланди. Танк устидаги автоматчилар душман устига дўлдек тўкилдилар. Бу кескин атакадан эс-хушларини йўқотиб қўйган немис итваччалар ўзларини у ён-бу ёнга ташлаб тошбўрон ўтларга ғарқ бўлиб қолдилар.

Гвардия лейтенанти Михеев шахсан ўзи автомат ўтлари блан ўнларча немисни кириб ташлади. Гвардиячи қизил аскар Чумак гранаталар блан душманнинг учта пулемёт ўт нуқтасини йўқ қилди. Автоматчи Пискунов, Байрамов, Сағанаев, Носотенколар ўз командиридан қолишмай жанг қилдилар ва душманни шафқатсиз қирдилар.

Офицер Михеев жангчиларининг тўсатдан қилган зарбалари натижасида немис батальонининг ярмидан кўпи кирилиб йўқ қилинди, қолганлари эса командири ва штаби блан асир қилиб олинди.

Ҳужум жангларимиз тобора қизиқ борди.

Аввало, Витебск атрофидаги бўлиб ўтган жангларда старший сержант коммунист Сариев яқка ўзи душманга қарши курашиб тўрт-

тасини ўлдирган ва тўрттасини асир қилиб олган эди. Ҳозир жонажон Балтиқ бўйларини фашист газандалардан тозалаш жангларида ҳам унинг отделенияси ажойиб жанг намуналарни кўрсатмоқда.

«Қизил юлдуз» орденли ва «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган ўзбек йигити, старший сержант Ашур Сариев совхоз учун бўлган жангларда алоҳида маҳорат кўрсатди. У ўз отделениясини бошлаб ҳаммадан бурун душман траншеясига отилиб кирди. Қисқа муддатли жиддий найзабозлик жангида унинг отделенияси 10 немисни қириб ташлади, ўзи эса граната блан душманнинг бир блиндажини тўнтариб, пулемёт ўт нуқтасини йўқ қилди.

Автоматчи Бегмат Абдурахмоновнинг отделенияси Н. шахрига ҳаммадан бурун ёриб кирди, жиддий жанглар натижасида душманнинг бир гарнизонини бутунлай тор-мор қилди, немисларнинг ҳарбий лагерида қамокда ётган 200 совет аҳолисини қутқазди.

Бир аҳоли яшайдиган қатта пункт учун бўлган жангда Бегмат Абдурахмонов шахсан ўзи душманнинг бир қўл пулемётини ва бир немисни отиб йўқ қилди.

Қўмондонлик уни жанг майдонидаёқ «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Бўлинма қочаётган душманни изма-из қувмоқда эди. Кенг Ғарбий Двина дарёсини кечиб ўтишга тўғри келди. Автоматчилар ротасидаги қизил аскар Нағим Ҳамидуллин Шафиғуллович ҳаммадан бурун ўзини дарёга ташлади ва нариги қирғоққа сузиб ўтиб жанг қилди. Бу азамат йигит – Нағим Ҳамидуллин яқка ўзи 30 фашистни қириб ташлади. Душманнинг бир қўл пулемётини расчёти блан йўқ қилди ва бир немис офицери ва бир неча солдатларини асир қилиб олди. Шундай қилиб, у бутун бўлинмани дарёдан кечиб ўтиш йўллари блан таъмин қилди.

Шу жангда кўрсатган қаҳрамонона ишлари учун бошқирт йигити Нағим Ҳамидуллин Шафиғуллович «Қизил байроқ» ордени блан мукофотланди.

Ҳужум жанглари қаҳрамонларига шон-шарафлар бўлсин!

**Майор М.Маҳмудов, қўш орденли.
Жанглар райони**

СОЛИХОНОВ ЎТИ – ДУШМАНГА ДАҲШАТ

Кардош Балтиқбўйи республикалари халқларини немис-фашист жаллодлар куллигидан озод қилиш учун бўлган жангларда бошқа миллат жангчилари билан бир қаторда ўзбек халқининг фарзандлари ҳам мардларча курашмоқдалар.

Қисмимиз немисларни орқасидан қувиб катта бир аҳоли яшайдиган пунктга етиб борди. Душман бу ерда жиддий қаршилик кўрсата бошлади. Немислар олдиндан ҳозирлаб қўйган мудофаа истеҳкомларига таяниб жангчиларимизнинг олға силжувига йўл бермай қўйдилар.

Бу жойда пиёдаларимизга артиллерия ва миномётимиз ёрдамга келди. Азамат совет артиллериячи ва миномётчилари душман позициясини моҳирона ўтга тутдилар. Айниқса, наводчи Борихон Солихонов ва унинг шериклари – Султаев, Отамуродовлар катта маҳорат кўрсатдилар.

Солихонов мерганларча ўт очиб душманнинг 4 станокли пулемёти, 15 дан ошиқ солдатини йўқ қилиб ташлади. Кейинги бир залп билан бу азамат душманнинг миномёт батареясини ишдан чиқарди.

Артиллериячи ва миномётчиларимиз пиёдаларга йўл очиб бердилар. Жангчиларимиз атакага кўтарилиб қишлоқни душмандан тозаладилар.

Хужум жанглари бошлангандан бери Солихонов расчёти жами бўлиб душманнинг 50 дан ошиқ солдат ва офицерлари, 6 станокли пулемёти ва бир миномёт расчётини йўқ қилди.

Кўмондонлик Солихоновни «Қизил юлдуз», Отамуродов ва Султаевларни «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Қизил аскар Номоз Раҳимов

КОМАНДИРИНИ ҚУТҚАРДИ

Жонажон Литва ерларида жанглар билан душманни изма-из қувиб бўлинма икки аҳоли яшайдиган пунктларни эгаллади. Душман қаттиқ ўқ отар эди. Қизил аскар Ҳатамов: «Ура, олға, ўртоқлар!» – деб ҳамма жангчиларни атакага кўтарди, ўзи душман траншеясига би-

ринчи бўлиб отилиб кирди ва эпчиллик блан 4 фашистни найзаси блан санчиб ташлади.

Бир маҳал командирига 5 та фашист хужум қилганини кўриб қолди Ҳатамов. Ўз жонини аямасдан дарҳол командирининг ҳаётини сақлаб қолиш учун душман ўртасига ташланди.

Ҳатамов чаққон ва моҳирона ҳаракат қилди. У 2 фашистни винтовка кўндоғи блан уриб йикитди, қолган учтасини эса найзаси блан санчиб ташлади.

Шундай қилиб, траншея жангида қизил аскар Ҳатамов жонажон командирининг ҳаётини сақлаб қолди.

Бегмат Абдурахмонов

1944 ЙИЛ 13 АВГУСТ. №64 (225)

КАТТА ЙЎЛ БЎЙИДА

Отделение командиримиз сержант Иванов уч кишига катта большак бўйидан жой олиб, ўша ерда ётишга буюрди.

Қизил аскар Азим Каримов бизларга бош бўлди. У қуролларимизни текшириб, кўздан кечирди ва ҳар биримизга тўрттадан граната ва етарлик ўқлар олишга буюрди. Ҳамма нарсаларимиз тахт бўлгач, куюк ўрмон ичидан ўтиб большак бўйига келдик.

Жиндек ёмғур ёғиб ўтди. Қанотларини ҳавога парвоз этиб сўни тўрғайлар уча бошлади. Уфуқ юпқа қизариб тонг ота бошлагани маълум бўлди.

Кейинимиздан етиб келажак взвод жангчиларини кутмоқда эдик.

Бир маҳал қизил аскарлардан бири большакнинг у бошидан немис автомашинаси келаётганлигини баён қилди.

Азим Каримов бизлардан жим бўлиб ётишни талаб қилди. Ўзи машина роса олдимиздан ўта берганида жипслаштириб созлаб қўйган гранатани шофёри ўтирган жойга тўғирлаб ирғитди. Машина ағдарилиб большакнинг нариги томонига йиқилди.

Машинада тўла озиқ-овқат экан, ҳаммаси тўнтарилиб расвоси чиқди, машинада уч фашист бор экан, каллаларидан бошқа бурдаларини ҳам топа олмадик.

Изма-из келган иккинчи немис машинасини ҳам худди шундай қилдик.

Учинчи машинада тўлиб немис солдатлари келди. Улар ўрмон чеккасида машинадан сакраб тушдилар ва бизларга қарши жанг бошладилар.

Бизлар позициямизни ўзгартириб то кейинимиздан ротамиз етиб келгунча немис қочоқларига йўл бермадик. Немис солдатларининг кўпини қириб ташладик.

Бўлинма командири учавимизга алоҳида ташаккур эълон қилди ҳам орден ва медаллар блан мукофотлашга тақдим этди.

Қизил аскар Умаров

УЗЛУКСИЗ ЖАНГЛАР

(Отделение командири Исҳоқовнинг маҳорати)

Рустам жанг майдонига серкуёш Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳридан келди. Унинг Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, душманга бўлган тугалмас нафрати фашист босқинчиларни шафқатсиз қи-



Артиллериячи сержант Қўзи Довутқулов (чапда) ва сапёр младший сержант Александр Ефимов дам олиш вақтида дамка уйнаётирлар.

Б.Вдовенко сурати.

риши блан ҳисобланади. Немисларни излаб қувиб ўлдириш унинг асосий касби бўлиб қолди. Ёш кўксини безантириб турган «Қизил байроқ» ордени ва «Жасурлиги учун» медали ўша касбни аъло даражада эгаллаб олганлигининг исботидир.

Шаҳарнинг ғарби-шимолида қаттиқ жанг бўлди. Бўлинма жангчилари зўр бериб ҳаракат қилсалар-да, душман ўрнидан жилмади. Отделение командири Рустам Исҳоқов қараб турмади: дарҳол взвод жангчиларига бош қилиб командирликни ўз қўлига олди.

Душманнинг қаршилиқ кўрсатаётган ўт нуқталарини йўқ қилиб бўлинмага йўл очиш мушқул иш эди. Бу вазифани Рустам Исҳоқов бажарди. У бутун взводни атакага кўтарди. «Ватан учун, Сталин учун, ура!» деб ҳаммадан олдинда борди. Унинг изидан ўқдек отилиб бораётган жангчилар немис траншеяларига сакраб тушдилар. Совет жангчилари ўнларча итваччаларни қўндоқ ва найзалар блан санчиб йўқ қилдилар. Исҳоқов шахсан ўзи икки солдат ва бир немис офицерини найзалаб ва отиб ўлдирди.

Шундай қилиб, отделение командири Исҳоқов бошлаган взвод бошқа ўқчи бўлинмаларга кенг йўл очиб берди. Бўлинма эса катта ғалабага эришди.

Теректовка деган қишлоқ учун бўлган жангда Исҳоқов яна взводни бошлаб душманнинг ўнг қанотидан чикди. Бу сафар совет жангчилари 60 дан кўпроқ фашист аблаҳларни қириб ташладилар.

Исҳоқовнинг ўзи 10 немисни отиб ўлдирди ва 3 тасини асир қилиб олди.

Бўлинма Крупенино районига келганда гитлерчилар бўлинмани тўхтатиш ва кейинига қайтариш мақсадида қарши атакага ўтдилар. Исҳоқов ўзи жанг блан эгаллаган позицияни қаттиқ саклаб турди, сўнг душманнинг бутун қарши атакаларини акс этиб ўзи ҳужумга ўтди. Бу жангда Исҳоқов взводи 30 дан кўпроқ немисларни қириб, ўнтасини асир олди. Сўнгра қочаётган душманни изидан қувиб бориб, катта тош йўлни кесиш блан немисларни чекиниш йўлидан маҳрум қилди ва яна 30 дан кўпроқ итваччаларни қириб ташлади.

Старший лейтенант Миродил Толибов



«Жасурлик учун» медали блан мукофотланган ўзбек, младший сержант Мамарозиқ Эргашев (чапда) дўсти старший сержант Чори Аннаев блан суҳбатда.

С.Баранов сурати

МЕРГАН ТЎПЧИ

Жангчи Турғун Раҳимович Галиев Н. шаҳри учун бўлган жангда зўр маҳорат кўрсатди. У 45 миллиметрлик тўпидан ўт очиб душманнинг бир бронемашина, бир автомашинасини, устидаги солдат ва офицерлари блан ишдан чиқарди.

Ўртоқ Галиевни қўмондонлик ҳукумат мукофотига тақдим этди.
(Ўз мухбиримиздан)

ТУНГИ ЖАНГ

Офицер Петренко қисмининг жангчилари кечга яқин жанг бошлаб, кун ботар вақтида душманни кишлокдан суриб чиқарди. Не-

мислар кўп ўликлари ва қурол-аслаҳаларини ташлаб ғарби-жанубий томонга чекиндилар.

Қўмондонликдан олинган буйруққа мувофиқ бўлинмаларимиз шу қишлоқ районида мудофаа ишғол қилдилар, жангчиларимиз тезлик ва эпчиллик блан ишлашиб, окоп ва ячейкалар қазиб, пулемёт ва миномётларни ўрнаштирдилар.

Орадан тахминан 1 – 2 соат вақт ўтгач немислар 2 «фердинанд» ва 150 дан ошиқроқ солдатлар кучи блан старший лейтенант Куличев бўлинмаси турган хутор томонга контратака қилдилар.

Старший Сержант Нурменко бошлиқ 45-мм танкка қарши ўн расчёти душман «фердинанд»ини 100 метргача яқин келтириб, сўнгра уни моҳирлик блан ўтга тутди. Наводчи Исроил Гаппаров томонидан отилган 3-нчи снаряд тўғри олдинда келаётган «фердинад»га бориб тегди ва уни ёндириб юборди.

Тўпчиларимиз 2-нчи «фердинанд»га қарши кураш олиб бораркан, пулемётчи ва пиёдаларимиз немис солдатларини йўқотишга киришдилар. Старший сержант Ф.Разов бошлиқ станокли пулемёт расчёти моҳирлик блан ўт очиб кўп немис солдатларини қириб ташлади. Наводчи Юрий Егоров, унинг ёрдамчиси Консоренколар бу жангда жасурликнинг юксак намунасини кўрсатдилар.

Душманнинг қолган солдатлари ўзларини ён томон чапга қараб ташлади, аммо аблаҳлар у жойда ҳам омон топмадилар, у ерда уларни автоматчи ва миномётчиларимиз яхшилаб «меҳмон» қилдилар. Автоматчи Расуловнинг ёлғиз ўзи 10 дан ошиқ немис солдатини қириб ташлади.

Бир соатга яқин чўзилган жангда жангчиларимиз контратака қилган немисларнинг ҳаммасини деярлик нест-нобут қилиб ташладилар. Фақат бир «фердинанд» ва 15 – 20 тача немис солдатигина орқасига қочиб кетди, халос. Эрта блан жанг майдонидан жангчиларимиз 100 дан ошиқ немис автомати, 8 пулемёт, 6 дона майда калибри миномёт ва бошқа қуролларини териб, йиғиб олдилар. Немис ўликларини эса санаб ҳам ўлтирмасдан 5 – 6 лаб чуқурларга кўмишиб ташладилар, ҳар ҳолда, мурдалар 100 дан кам эмас эди. Бу шўри қуриган «жаҳонгирлар» Литва ерида ўзларига абадий яшаш майдони топдилар.

М.Абдуллаев

РАЗВЕДКА НАТИЖАСИ

Менинг бир ажойиб дўстим бор. У «немислар қонини мусаллас қилиб ичаман» дейди.

Бу гап ўз дўстларини кулдириш учун айтилган ҳазил гап эмас, жанглар майдонидаги ҳақиқат гап. Бу гап етти бор хужум жангига қатнашиб, траншея жангида бир неча немис итваччаларни милтик қўндоғи ва найзаси блан санчиб ташлаган ўзбек йигити, младший сержант Сувонкул Отақуловнинг гапидир.

Ҳақиқатда душман қонини ичиб бўлмайди, аммо бу бир оғиз гапнинг асил маъноси ўзбек халқининг душманга бўлган чексиз нафрати, босқинчи қарақчилар зулмида эзилган мингларча ота-оналар, опа-сингилларимизнинг кўз ёшлари учун душмандан олинажак амалий қасоснинг асосидир. Ватаним, халқим деб жанг майдонида юрган совет жангчиси ҳақиқатда душманга нисбатан раҳимсиз бўлмоғи керак.

Жанглар блан олға бораётган бўлинмамиз ўрмон чеккасига келиб тўхтади. Старший лейтенант Сувонкул Отақулов блан мени разведка қилиб қайтиш учун рўпарамиздаги қишлоққа юборди. Қишлоққа етиб борган маҳалда олдимиздан олтига немис чиқиб қолди. Аввал ўзим кўрсам-да, шошиброқ қолган эдим, аммо Отақуловнинг «Ура!» деб қичқириши ва ўз қўлидаги автоматидан узун сидра ўт очиб немисга қарши чопиши мени руҳлантириб юборди. Мен ҳам автоматдан ўқ узиб, «Ура!» деб қичқирдим. Учта немис солдати ер тишлаб манги қотиб қолди, учтасини эса, яроқ-аслаҳалари блан асир қилиб олдик ва штабга келтириб топширдик.

Асирлар муҳим маълумотларни гапириб бердилар. Эртасига қилинган операцияда бўлинмамиз катта муваффақият қозонди. Қишлоқ ишғол қилинди ва душманни тўхтовсиз қувиб кетдик.

Қизил аскар Тўйчибой Юсупов

РАҲИМОВ 6 НЕМИСНИ ЎЛДИРДИ

Абдулбоки Раҳимов хужум қилиб бораётган жангчилар қаторида борар эди. Душман траншеясига яқинлашган кезде ҳаммадан илгари душман траншеясига бостириб кирди. Автоматидан ўт очиб 6 немисни ўлдирди. Траншеяда ярадор бўлиб қолган старший сержант-ни жанг майдонидан олиб чиқди.

Кейинги бўлиб ўтган жангларда ўртоқ Раҳимов танҳо ўзи душман сим тўсиқларини кесиб хужумга борувчи жангчиларга йўл очиб берди. Қўмондонлик ўртоқ Раҳимовни «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади. Ўртоқ Раҳимов командирларнинг буйруғини ўз вақтида бажаради. Шунинг учун ҳам уни взвод командири Зарифбоев ва отделение командири ўртоқ Чурекинлар яхши кўришади. У партиясиз эди, рота парторги партиясиз сафига қабул қилди.

**Сержант Ҳасан Собиров,
икки «Қизил байроқ» ва
«Жасуриги учун» медалли**

ОФАРИН

1

*Шер йигитлар, қаҳрамонлар, офарин,
Журъати соз жонажонлар, офарин,
Марду майдон, паҳлавонлар, офарин,
Сиз билан гул, бўстонлар, офарин.*

2

*Майдон узра тоғни ҳам талқон қилинг,
Ёвга берманг ҳеч омон, яқсон қилинг!
Қўкда лочинлар билан жавлон қилинг,
Шер йигитлар, паҳлавонлар, офарин.*

*Ерда офат қолмагай, сиз борсангиз,
 Ҳеч касофат қолмагай, сиз борсангиз,
 Ёвда тоқат қолмагай, сиз борсангиз,
 Марди майдон, паҳлавонлар, офарин.*

Ҳамид Ғулом

ВАТАН УЧУН ОЛИШАЁТГАН ОТА

«Биз тўғримизда ғам чекманг, жон ота!» деб ёзади фронтдаги отасига Бўрон Тошпўлатов. «Турмушимиз яхши, мен ойимнинг звеносида ишлайман, Фаттоҳ яслага қатнайди... Ғўзамиз яхши. Ҳозир тўртинчи чопиқни тамомладик, бошқа ишларимиз ҳам жойида».

Дурустан ҳам уйда ҳамма нарса жойида эди.

...Қуёш коқ тепада. Унинг иссиқ нурлари қуюқ ёнғоқ барглари орасидан ўтарди. Бўрон эрталабдан бўёқ сафарга тайёрланмоқда. Тугунчага иккита кўйнак, икки бош узум тугиб олинган, унинг лагерга олиб борадиган юки шундан иборат. У блан бирга қишлоқдан лагерга унинг тенгдошларидан фронтчиларнинг болаларидан яна тўртгаси боради. Эрталаб Бўрон буларнинг ҳаммасиникига кириб чиқиб, тайёрми-йўқми эканини суриштиради, кечикмаслигини тайинлайди. Уларнинг ҳаммаси тайёр эди. Бўрон шодланиб уйига қайтиб кетди.

Кўп ўтмай девол орқасидан арава ғилдиракларининг ғижирлаган товуши эшитилди. Аравакаш Муҳаммадраҳим отанинг оқ салласи кўринди.

– Бўрон-у-у-у!

Бола ўқдай дарвозадан отилиб чиқди. Бўрон уни кучоқлаб, худди катта кишилардай:

– Менинг йўғим звенонинг ишини сусайтирманг, илғорликни қўлдан берманг, билдингизми?

Арава жўнаб кетди. Бўроннинг онаси Бувисора хола девол тегида қўл силтаб қолди. Қишлоқ орқада қолиб кетди. Арава колхознинг бепаён даласига чиқиб олди. Бўрон ўз бригадасининг дала шийпони

ёнидан ўтиб кетаётиб сакраб аравадан тушди, югуриб бригаданинг олдига борди.

– Юлдош ака! Онамга айтингки, катта ариқ бўйидаги биринчи қатордаги ғўзаларни, айниқса, яхши қараб турсин... У ғўзалар ҳар тўпидан 150 тадан кўсак берадиган ғўзалар. Мен бу тўғрида отамга ҳам ёзиб юборганман.

Бола аравага сакраб чиққанидан кейин улар жўнаб кетишди.

Бўрон бу йил 6-нчи синфни тамомлади... Ўқишни яхши тугатди, мактов ёрлиғи олди. У мактабда ўқиётган пайтда ҳам ҳар бир бўш вақтида онасининг звеносига келарди. Ўқишлар тугагандан кейин эса бутунлай ишга берилиб кетди. У звено учун ғам чекиб, катталар учун белгиланган кунлик нормани кундан-кунга ошириб бажара бошлади. Мажлисларда колхоз раиси уни энг яхши стахановчи деб атаб доим мактар эди.

Кейин раис блан энг сўнгги марта учрашганида раис пионер лагери йўлланмасини топшираётиб унинг қўлини маҳкам сиқди:

– Хурсанд бўласан! Сен блан бирга райондаги энг яхши 160 бола дам олади...

Ғилдирақлар ғижирлади. Тоғлар орасидан қийшайиб-қийшайиб ўтган йўллар энди теккис йўлга айланди. Уфқда Оҳангароннинг оқ уйлари кўрина бошлади.

**Колосов, Тошкент область
Оҳангарон райони Тилов қишлоғи**

1944 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРЬ. №74 (235)

СОЦИАЛИСТИК ЎЗБЕКИСТОНДА

Нефтчиларнинг фронтчиларга салюти

1-нчи Украина фронтидаги ўзбекистонли жангчиларнинг ўзбек халқига ёзган жавоб мактубини «Андижон» нефть конининг коллективи жанговар наказ деб қабул қилди. Нефтчилар фронтчиларнинг мактубига ёнилғи чиқариш ва янги нефть қудуқларини пармалашни янада кўпайтирамиз деб яқдиллик блан жавоб бермоқдалар.

Августда нефть чиқариш анчагина кўпайди, суткалик график ошириб бажарилмоқда. Пармалаш мастери Ортик Халиловнинг бригадаси 1-нчи Украина фронтининг жангчиларига биринчи бўлиб ишлаб чиқариш салюти берди. Бу бригада янги чуқур нефть кудуғини муддатидан 15 кун илгари пармалаб бўлди.

Ёш мастер Ильиннинг бригадаси янги нефть кудуғини жадаллик блан пармалашга киришди. Бригада ўзбек аскарларининг мактубига конкрет ишлар блан жавоб бермоқда. У нормада белгиланганидан қарийб икки ҳисса кўп бўлган топширикни, яъни 315 метр кудук пармалашни уч кун ичида тамомлади.

ҒИЖДУВОН РАЙОНИ ДАВЛАТГА ҒАЛЛА ТОПШИРИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Ғиждувон районининг колхозлари ва колхозчилари 1 сентябрда давлатга ғалла топшириш планини ҳамма турлари бўйича 100 процент бажардилар.

**Район ижроия комитетининг раиси Абдуллаев,
ЎзК(б)П район комитетининг
секретари Абдужабборов**



Старший сержант Аҳмедовнинг расчёти ўт очиш позициясида.

В.Бабст сурати

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ДАВЛАТ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистонда қорақўл тери тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Бу йил ўтган йилга нисбатан 30 минг дона тери ортиқ тайёрланди. Маҳсулотнинг сифати бирмунча яхшиланди. Тайёрланган қорақўл терисининг катта бир қисми биринчи навга қабул қилинди.

(ЎзТАГ)

1944 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ. №76 (237)

ҲУШ'ЁРЛИК

«Қизил юлдуз» орденли Қурбон Мустапаев кечаси жанговар соқчиликда турар эди. Майда дарахтзор ичидан алланима шитирлади. Ўртоқ Мустапаев ўша ерни кунт блан кузата бошлади. Шитирлаш овози тобора яқинлашгандан кейин Мустапаев кимсан, қўлингни кўтар деб қичқирди.

Шитирлаш товуши жим бўлди. 5 минутлар ўтар-ўтмас Мустапаевга қараб винтовкадан отилган ўкнинг овози эшитилди. Мустапаев ҳам гумонсираган ерга, ўрмон ичига қаратиб станокли пулемётидан ўт очди. Ўрмон ичидан автомат овози чиқди. Икки ўртада жанг бошланиб кетди. Танкчилар Мустапаевга ёрдамга етиб келдилар. Бу маҳалда немисларнинг отиши тўхтаган эди. Эрталаб бориб қараса, ҳалиги отишган жойда немислар икки ўлигини қолдириб кетибди. Взвод командири ўртоқ Мустапаевга ташаккур эълон қилди.

**Қизил аскар Ражаб Отажонов,
икки бор «Жасурлиги учун» медали
блан мукофотланган**

ЮСУПОВНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАСИ

Ўтган жангларда старшина Мажит Юсупов танкка қарши отадиган милтиғи блан немис самолётини уриб туширган эди. Совет Литваси учун олиб борилаётган жангларда старшина Юсупов совет қуроли шуҳратини яна ҳам юқори кўтарди.

Душман танки ўрмон ичидан чиқиб, тўғри жанговар тартибимиз устига ўрмалаб кела бошлади. Юсупов душман машинасини жасурлик ва моҳирлик блан кузатиб, у жуда яқин келганда бронь тешувчи ўқ блан отиб юборди. Танк тўхтаб қолди, унинг ичидан бир офицер ва икки немис солдати юмрон қозикдек ирғиб чиқдилар. Юсупов тезгина ўз автомати ўтлари блан у уч аблаҳни ҳам қириб ташлади.

Қизил аскар В.Қодиров

ҚАҲРАМОН ТЎПЧИ

45 миллиметрли тўплар взводининг командири ўртоқ Алиев душманнинг контратакага ўтмоқчи бўлганини сезиб бир тўпни олиб пиёда аскарлар сафидан олдинга ўтди ва тўпини яхшилаб ниқоблади.

Алиев душман танкларининг пайдо бўлишини кутмоқда эди. У немис машиналарини яқин масофадан хатосиз урмоқчи. Броқ бу сафар немислар контратакани танкларсиз бошладилар. Душман автоматчилари сал вақт ичида тўп атрофига келиб қолдилар. Алиев кучли ўт очди. Кичик тўпнинг снарядлари 40 – 50 метр нарироқда портлаб немислар галасининг худди ўртасига тушмоқда эди.

Шундай қилиб, қаҳрамон тўпчи снарядлари тамом бўлгунча жанг қилди. У 20 тача фрицларни қириб ташлади. Снарядлар тамом бўлгандан кейин эса Алиев қўлига автомат ва гранаталар олиб яна жангга кирди. У ҳаммаси бўлиб 30 дан кўп немисларни йўқ қилди.

(Ўз муҳбиримиздан)

«ШУҲРАТ» ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ

Офицер Мурзин батальонининг жангчилари душманни оралик-даги мудофаа маррасидан суриб чиқарди ва уни изма-из ғарби-жануб томонга қувиб борди. Шу кун жангчиларимиз жанг қила-қила 16 километр йўл босдилар, йўллар немис мурдалари ва пачоқланган душман техникаси блан лиқ тўла эди.

Кун ботар-ботмас бўлинма шаҳар остонасидан ўтадиган дарё бўйига етиб борди. Дарёдан ўтадиган кўприк портлатилган, бутун қайиқ ва кемаларни эса душман ё сувга бостирган, ёки нарги томонга олиб кетган ва ёки ёндириб ташлаган эди. Нарги қирғоққа жойлашиб олган немислар биз томонни тинимсиз ўтга тутар эди.

Командирлар дарёдан ўтиш планларини муҳокама қилишга киришмасдан олдинроқ тажрибали солдатлар ўз дилларида сувдан ўтишнинг «майда-майда», икир-чикирларини тайёрлашга киришган эдилар.

Кекса ва тажрибали солдат Иброҳим Нурматов ўз дўсти блан маслаҳатлашиб олиб, бу дарёдан ҳам худди Днепрдан сузиб ўтгандек йўл блан – ёғочдан қилинган солчада сузиб ўтишга қарор қилди. Рота командири жангчиларга дарёдан ўтишга ҳозирланиш, ҳар бир отделение ва расчёт учун сузиб ўтиш материали ҳозирлаши ҳақида буйруқ берган вақтда Нурматов ва Морозовларнинг солчаси тайёрланиб қўйилган эди.

Нурматов дўстлари блан қўл пулемётини солчага юклаб биринчи бўлиб дарёга тушди. Уч азамат жуда мохирлик ва усталик блан солни нарги қирғоққа эшаклаб суриб бордиларки, душман сезмай қолди, немислар фақат қирғоққа чиқиб олгачкина уларни сезиб қолди ва улар томон ўнларча гитлерчилар ташландилар. Лекин немислар кечиккан эди, Нурматовлар пулемёти ўт очишга ҳозирланган эди, пулемёт ўти ва граната блан 20 тадан ошиқ немис қириб ташланди. Уч азамат нарги қирғоқдаги 250 – 300 метр чамаси жойни ўз контролигига олиб, немисларни сувга яқин йўлатмадилар.

Шундай қилиб, Нурматов ва унинг ўртоқлари бутун ротанинг деярлик қурбон бермай дарёдан ўтиб олишига йўл очиб берди.

Бутун батальон сув тўсиғидан ўтиб олгач душманга ҳар томондан атака бошлади. Душман жангчиларимизнинг қудратли тазйиқига бардош бера олмай шаҳарга томон қочди.

Артиллерия отишмаси вақтида Нурматовнинг ёрдамчиси сафдан чиқиб, пулемётда ўзи ёлғиз қолган эди, аммо Нурматов ўз ўрнида ҳеч қўрқмай дадил турди. Фашист танкининг бири тўғри Нурматов ячейкаси томон юрди, танк 15 метр қолганда Нурматов танкка қараб: «Майли, сан ичкари томон кир, сени унда қопқон кутаётир, ПТРчи дўстим Петров ва бошқалар адабингни бериб қўяди, мен эса орқангдан келаётган фрицларни яхшилаб «меҳмон» қиламан», – деб қўйди-да, фашист танкини окопи устидан ўтказиб юборди. Танкдан 20 – 25 метр орқарокда фашист автоматчилари келмоқда эди. Нурматов немисларни жуда боплаб ўққа тутди, фашистларнинг биринчи сафи тутдек тўкилди, қолганлари эса эмаклаб Нурматов томон кела бошлади, Нурматов гоҳ пулемёт, гоҳ гранаталарни ишга солиб эмаклаб келаётган фашистларнинг ҳам кўпини қириб ташлади. Брорта ҳам немис Нурматовлар позициясига кела олмади. Азамат жангчиларимиз немисларни тамоман қириб ташладилар. Фақат 2 фашист танкигина орқасига қочиб ҳалокатдан қутилиб қолди.

Шундай қилиб, офицер Кушнер взводининг жангчилари 3-4 баробар ошиқ кучга эга бўлган душманнинг контратакасини яксон қилди.

Душман блан бўлган жангларда ғоят зўр қаҳрамонликлар кўрсатгани учун азамат ўзбек йигити – қизил аскар Иброҳим Нурматов қўмондонлик томонидан III даражали «Шухрат» ордени блан мукофотланди.

М.Абдуллаев

АЪЛОЧИ ШОФЁР

Капитан Фоменко бўлинмасидаги қизил аскар Қосимжон Тешабоев 1941 йилдан буён хизмат қилиб келмоқда. У ўз машинасини жонидек яхши кўради. Командири томонидан берилган ҳар қандай оғир вазифаларни пухта ва чаккон бажаради.

1941 йил Смоленск районлари атрофида батальон оғир шароитда қолди. Ўз машинасига миналарни юклаб келган Қосимжон Тешабоев

шошмади ва ўзини йўқотмади, кабинада турган милтиғини олиб сапёр жангчилар блан душманга қарши курашди. Натижада душманга катта талофот етказиб, улоқтириб ташлади.

Қосимжон яна ўша ЗИС машинаси блан яқинда олдинги қаторда ўқ-дориларни ташиб борар эди. Йўлда бирданига душман самолётлари хужум бошлаб бомбардимон қилди. Айрим шофёр Қосимжон Тешабоев бу сафар ҳам машинасини, ҳам ўзини сақлади. Ўқ ва дориларни тегишли жойга ўз вақтида етказди.

Марғилонли аълочи шофёр Қосимжон Тешабоев кўмондонлик томонидан «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди.

Старший сержант Ҳожи Маҳкамов

НЕФТЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ



Ўзбек мард йигити,
сержант Ражаб Отажонов.
Б.Вдовенко сурати

АНДИЖОН (ЎзТАГ). «Андижон» конининг нефтчилари августда мингларча тонна юқори сифатли ёнилғи бердилар. Коллектив нефть чиқариш ойлик топшириғини эдо этди. 1 сентябрда пармалаш мастери Багиров янги нефть кудуғини пармалашга киришди. Багировнинг бригадаси пармалаш топшириғини деярли икки хисса ошириб бажараётир. Ёш мастер Ильинихнинг бригадаси соз ишламоқда. Мастерлардан Команов, Запальшиков, Трегубов ва бошқалар янги нефть кудуқларини тез суръатлар блан пармалаётирлар. «Андижон» конининг нефтчилари 1-нчи Украина frontiдаги ўзбек аскарларнинг чақирғиғига меҳнат соҳасида янги ғайрат кўрсатиш блан жавоб бермоқдалар.

«ЖОН АНДИЖОН» ДУГАН ФИЛЬМ ЯҚИНДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА ЧЕТ ЭЛ КИНОЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИ

СССР Халқ Комиссарлиги Совети қошидаги кинематография ишлари комитетида Тошкент киностудияси томонидан чиқарилган «Жон Андижон» деган кинохроника кўрикдан ўтказилган. Бу фильм уйғур колхозчиларининг турмушини ифодалайди. Фильм Совет Иттифоқи ва чет эл киноларида кўрсатилади. Уни инглиз, форси, араб ҳамда бошқа тилларга таржима қилиш бошланди.

(ЎзТАГ)

1944 ЙИЛ 10 ОКТЯБРЬ. №80 (241)

БУЮК НОМГА МУНОСИБ

Якуб Шарипов жанг майдонида ўзини кўрсатди. У кўмондонликнинг буйруқларини бажариш кезларида жанг майдонида икки бор қаттиқ ярадор бўлиб, госпиталда ётиб даволаниб чиқди.

Ҳозир Якуб лейтенант Поромонов парторглик қилаётган бўлинмада хизмат қилаётир. У командирларнинг буйруқларини намунали қилиб бажариб келади. Якубнинг хизматларини юксак баҳолаб командири уни ҳукумат мукофотига тақдим этди, рота шахсий состави олдида унга 3 мартаба ташаккур эълон қилди.

Рота партия ташкилоти Якубни ВКП(б) кандидатлигига қабул қилди. Шарипов ҳозир ВКП(б) аъзолигига ўтиш учун ҳозирланаётир. У «ВКП(б) тарихи қисқа курси»нинг 4 бобигача ўқиб чиқди. Бундан ташқари, ўртоқ Шарипов кундалик газеталарни ҳам тартибли ўқиб боради.

**Қизил аскар Азиз Мурадов,
«Жасурлиги учун» медалли**



Қизил аскар Ахмат Аббасович Насиров ВКП(б) кандидатлигига ўтиш учун ёзган аризасини батальон парторги ўзбек, кичик лейтенант Умар Жамиловга бермоқда.

С.Баранов сурати

БИР ВЗВОДДА ИККИ ЙИЛ

Комсомолец, «Сталинград мудофааси учун» медалли Иброҳим Раҳимов лейтенант Голов взводида икки йилдан буён алоқачи бўлиб хизмат қилади. Раҳимов взводга янги келган кунларида алоқа ишида анча нўноқ эди. Лейтенант Голов Раҳимовга алоқа ишини қунт блан ўргатди. Ҳозир у алоқа ишининг икир-чикирларигача яхши билиб олди.

Раҳимов икки йил ичида кўп жангларда қатнашди. Душманнинг қаттиқ ўтлари остида 3 бор симнинг узилган жойини тузатиб алоқа ишини тиклади. Рота командири капитан ўртоқ Селиски Раҳимовдан жуда хурсанд. Селиски Раҳимовга рота шахсий состави олдида 7 мартаба ташаққур эълон қилди. Рота партия ташкилоти Раҳимовни ВКП(б) кандидатлигига қабул қилди.

Партия ташкилоти Раҳимовга партия топшириғини юклаган, у ҳар икки кунда жангчиларга газеталарда эълон қилинаётган чет эл хабарлари, Совет Информбюро ахборотини тушинтириб беради.

Ўртоқ Раҳимов ҳозирги кунларда ВКП(б) аъзолигига ўтиш учун ҳозирланмоқда. У ВКП(б) уставини бир мартаба ўқиб чиқди. Энди «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўқимоқда.

**Қизил аскар Мажид Халиқов,
«Жанговар хизматлари учун» медалли**

ЎЗБЕКИСТОНЛИ ЙИГИТЛАР

Старший лейтенант Глязернинг миномётчилар бўлинмасидаги жангчиларнинг кўпчилиги ўзбек, қозоқ ва татарлардан иборатдир. Уларнинг ичида олти андижонли ўзбек йигитлари ҳам бор. Улар ҳар бириси бошқа-бошқа расчётларида бўлсалар ҳам, бир-бирларини тез-тез кўришиб турар, бир-бирларига элу юртларидан келган хатларининг мазмуни, жанглар майдонидаги муваффақиятлари, немис-фашист босқинчиларни шафқатсиз қиришлари ҳақида сўзлашиб туришадилар.

Латвия ерида бўлиб ўтган бир кунлик қизғин жангдан кейин офицер Глязернинг миномётчилар батареяси қуюқ ўрмон чеккасидан жой олиб келгуси жангга тайёргарлик кўра бошлади.

Фурсатдан фойдаланиб барча андижонли йигитлар бир жойга тўпландилар. Улар ичида қозоқ йигитлари ва тошкентли Илҳом, Хоразм область Хонқа районли Сапо Болтаевлар ҳам бор эди.

Альо миномётчи – ўқловчи андижонли йигит Марсали Умаров ўз оиласидан олган хушxabарни ҳамма ўртоқларига ўқиб беради: «Жонажон ўғлим! – дейди онаси. – Жасурлик кўрсатиб олган медалинг блан табриклайман. Немис-фашист аблаҳларни янада шафқатсизроқ қир, ўғлим! Асло бизлардан ғам ема! Колхозимиз тўқ ва бадавлат. Бизлар фақат омон-эсон ғалаба қозониб қайтишингни кутмоқдамиз. Барча жанговар дўстларингга салом айт». Мазмунли ёзилган бу хат ҳамма жангчиларни руҳлантириб юборди.

– Кечаги жангда, – деди нишонловчи Карим Ғафуров, – бизнинг миномёт расчётимиз душманнинг иккита станокли пулемётини йўқ қилди ва ўнларча немис итваччаларни қириб ташлади.

Расчѣтимиз командири старший сержант Шукин менга команда бера туриб яқинимизга келиб қолган иккита немисни автомати блан отиб ўлдирди. Расчѣтимиз жуда ҳам дўстона яшайди. Мана шу муваффақиятимизни тасвирлаб мен ҳам қишлоғимга хат ёзиб юбордим. «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланганимни ҳам айтдим. Менга ҳам яхши хат келиши керак, – деб тамомлади сўзини у.

«Жасурлиги учун» медалли старший сержант Емельянов миномёт расчѣтининг аъло миномётчи-ўқловчиси Абдували Додабоев бундай деди:

– Ўша жангда бизнинг расчѣтимиз қандай ишлади денг? Пиёда аскарларимиз ўша дарёдан ўтаётганида бир батальонга қадар немис пиёдалари уларга қарши атака қилди. «Жанговар хизматлари учун» медалли иккинчи номер нишонловчи Самигулла Ишмухаммедов югиртма ўт очиб ўнларча гитлерчиларни қириб ташлади ва битта енгил тўпини ер блан яксон қилди. Шундай қилиб, немисларнинг уч бор қарши атакасини қайтардик. Жангдан кейин пиёда аскарларимиз офицери расчѣтимизга ташаққур эълон қилди. Командиримиз Ишмухаммедовни ва мени орден блан мукофотлашга тақдим этди.

**Қизил аскар Абдулла Ашуров,
«Жасурлиги учун» медалли**

ДОВ'ЮРАК САПЁРЛАР



Медицина хизмати
старший лейтенанти
Миродил Толипов.

Бизнинг инженер-сапёр қисмимизда ўзбек жангчилари анчагина сонни ташкил қилади.

Старший лейтенант Проскурин бошлиқ бўлган рота жангчилари ҳозир бўлаётган жангларда, айниқса, қахрамонликнинг юксак намуналарини кўрсатмоқдалар.

Танкларни дарёдан ўтказиш учун кўприк ясашда Али Иброҳимов, Шарафитдин Турсуновлар ғоят зўр ғайрат кўрсатдилар.

Қахрамон сапёрларимизнинг моҳирона иш-

лари туфайли кўприк вақтидан олдин битди. Қудратли совет танк ва бронемашиналари ҳамда оғир артиллерияларимиз кўприкдан ўтиб душманни қувиб кетдилар.

**Қизил аскар Аҳроф Билолов.
Жанглар райони**

ЖАНГЧИНИНГ МАКТУБИ

*Қизғанарман паишадан ҳам жангда шу ҳол устида,
Ҳайда, қув, ўлтирмасин у юздаги хол устида.*

*Ухла, жоним, мен учун сен яхши туш кўр ҳар кеча,
Отда гоҳо ухласам мен, ёстигим ёл устида.*

*Ўз уямни мен асал-аррича асрай, жанг қилай,
Чунки кўп ёт паишалар ўтирмасин бол устида.*

*Қайси виждон жим турар, айтгил-чи, шумлар, ўғрилар
Хукмронлик истаса бу бахту иқбол устида?*

*Сенга айтсам, йиғлама: бу ваҳишларнинг қилмиши,
Кетди қизларнинг ҳаёти бир метр шол устида.*

*Отни солсак устига, қўлда қиличлар ярқираб,
Баъзиси бўлса кавакда, баъзиси тол устида.*

*Собира пок ерда бу итларга бермаймиз ўрин,
Оққуси нопок вужуди бир куни сол устида.*

Собир Абдулла

КОМСОМОЛЕЦ БОЙМУҲАММЕДОВНИНГ ОТДЕЛЕНИЯСИ

Старший сержант Шайхислом Боймухаммедов Ватан олдида ичган муқаддас онтини ҳақиқат оқлаб келмоқда. Н. шаҳри остонасида бўлиб ўтган қаттиқ жангда унинг отделенияси алоҳида маҳорат кўрсатди. У бошлаган отделение душманнинг уч бор қарши атакасини қайтариб жангда катта ғалаба қозонди. Унинг шерюрак жангчилари душманнинг биринчи маррасидан ўтиб, иккинчи маррасига бориб найзабозлик жангини бошладилар. Комсомол старший сержант Шайхислом Боймухаммедов ўзи тўрт немисни отиб ва найзалаб, милтиқ қўндоғи блан уриб ўлдирди.

Гвардия старший лейтенанти Воронов ротасидаги бу қахрамон отделение кўп ажойиб, жанговар тажрибаларга эга. У немис-фашист босқинчиларни шафқатсиз қириш блан совет халқлари, кекса отаналар наказини амалда бажармоқда.

Тунда бўлган қатъий бир жангда Боймухаммедовнинг отделенияси душман мудофаасини ёриб ўтиб олға интилди.

Комсомол жангчилардан Мирзаев, Сильченко ва бошқалар ажойиб қахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Тунги найзабозлик жангида Боймухаммедов ўзи ярадор бўлса-да, жанг майдонини ташлаб кетмади. Отделение асосий вазифани бажариб ёв устидан ғалаба қозонгунча отделение ҳаракатини бошқарди. Бу хизматлари учун отделение командири старший сержант Боймухаммедов «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланди.

Ефрейтор А.Оқмуллаев

АГИТАТОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Н-нчи қисмда рус бўлмаган миллат жангчилари агитаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга 30 дан ортиқ ўзбек, қозок, татар ва озорбойжонли агитаторлар иштирок этди.

Уларга гвардия майори Лень агитаторларнинг келгусидаги вази-
фалари ҳақида тушинтиргандан сўнг тажрибали агитаторлардан ўр-
тоқ Якуин сўзга чиқиб ўз тажрибасидан сўзлаб берди. Бундан таш-
қари, сўзга Хўжамбердиев, Жонтурсунов ўртоқлар ҳам чиқди. Улар
ҳам ўз тажрибаларини сўзлаб беришди.

Йиғилиш охирида агитаторларга гвардия капитани ўртоқ Антонин
халқаро аҳвол ҳақида лекция ўқиб берди.

Қизил аскар Саид Раҳимов

ТАНКНИ ЯКСОН ҚИЛГАН ЖЎРАЕВ

Танкка қарши отадиган милтиқ наводчиси
Жўраевнинг қаҳрамонона иши бутун бўлинма
жангчиларига тарқалди.

Жўраевнинг отган бирорта ўқи ҳам хато кет-
майди. У олган нишонини яксон қилмай қўй-
майди.

Аҳоли яшайдиган пункт олдида борганимиз-
да жанг қизиби кетди. Жўраевлар чап қанотда
бормоқда эди. Жарлик орқасидан немис танкаси
ўрмалаб кела бошлади. Жўраев уни шошмасдан
нишонга олиб биринчи отиши бланоқ ёндириб
юборди. Шу кунги жангда у яна душманнинг
бир танкасини пачақлаб ташлади.

Взвод командири оғир ярадор бўлиб ҳалок
бўлди. Жўраев командири ўрнига ўтиб жангчиларни олға бошлади.
У ўз командири учун душмандан қасос олишга жангчиларни чақир-
ди. Ўзи ҳам ярадор бўлди ва ярасини бинт блан боғлади-да, жанг
қилишда давом этди.

Шерюрак Жўраев бошлаган взвод ўша кунги жангда душманнинг
учта танкасини ва ўттиздан кўпроқ немис пиёда аскарларини қириб
ташлади.

Жўраев III даражали «Шуҳрат» ордени блан мукофотланди.

Қаҳрамонга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Қизил аскар М.Саматов



Қизил аскар
А.Қамбаров.

С.Баранов сурати

ЙИЛЛИК ПРОГРАММА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Бухоро области колхозчилари Ўзбекистонда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш планини бажардилар. Облаstdаги колхозлар пландан ташқари давлатга кўпгина ғалла топширишни ваъда қилмоқдалар.

(«Правда» газетасидан)

1944 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ. №84 (245)

ҚАСОС ОЛАМИЗ

Чекинаётган итвачча немисларни изма-из кувиб бораётган бўлинма-миз душманнинг кучли артиллерия ва миномёт ўтларига дуч келди. Шу маҳал алоқа симлари бир неча ўн жойдан узилди. Командир дарҳол қизил аскар ўртоқ Содиқовга симларнинг узилган жойларини тез тузатиш учун буйруқ берди.

Жасур алоқачи ярадор бўлса-да, ўз ишида давом этди. Командирнинг буйруғини аъло даражада бажарди. Қизил аскар Содиқов кейинга қайтаётганида унга яна душман снарядининг парчаси тегди, жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Ўзбек йигити, сенинг бир қатра қонинг учун душмандан минг қатра қон олажамиз.

**Старший сержант Вали Қозоқбоев,
III даражали «Шухрат» ордени кавалери**

1944 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ. №85 (246)

БУЙРУҚ МУДДАТДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Немислар чекинаётиб катта йўлдаги кўприкни портлатиб кетибди. Кўприкни қуриш учун взвод командири, марғилонли Алижон Матмусаев, Дмитров ва Печёнкин ўртоқлардан иборат бир группа жангчиларни юборди.

Жангчилар кўприкни куришга якдиллик блан ишга киришдилар. Кўприкни битказиш олдида улар тепасида немис самолётлари пайдо бўлди. Жангчилар эътибор бермай ишлай бердилар. Чунки уларни машиналар кутар эди. Бирдан немислар бомбардимон қилиб колди. Довюррак жангчиларимиз ўлимни писанд қилмай командирининг буйруғини вақтидан илгари бажариш учун ишлашмоқда.

Бомбанинг бир парчаси учиб келиб Матмусаевни ярадор қилди. Аммо ўртоқ Матмусаев кўприк битмагунча кетмади. Шундай қилиб, кўприк муддатидан илгари битказилди.

Бўлинма командири офицер Стикут уларни ҳукумат мукофотига такдим этган эди. Улардан кўпи орден ва медаллар блан мукофотланди. Улар қаторида ўртоқ Матмусаевни ҳам III даражали «Шухрат» ордени блан мукофотлади.

Қизил аскар Жума Аллаёров, «Шухрат» орденли

Социалистик Ўзбекистонда

ЙИЛЛИК ПРОГРАММА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

БУХОРО (ЎзТАГ). Бухоро область инвалидлар кооперацияси союзи (раиси ўртоқ Физел) системасидаги корхоналар йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар. Қарийб 7 миллион сўмлик хилма-хил моллар чиқарилди. Артелларнинг коллективлари Октябролди мусобақасини давом этдириб, Октябрнинг XXVII йиллиги кунигача пландан ташқари кам деганда бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

ҲАР ГЕКТАРДАН 42 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ

АНДИЖОН (ЎзТАГ). Избоскан машхур пахтакори 75 ёшли Қурбон ота Нурматов бошлиқ звено «Зарбдор» колхозида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини 200 процент бажарди. Звено ҳар гектар ердан 42 центнердан биринчи сорт ҳосил топширди. Звено

аъзолари Октябролди социалистик мусобақасига кўшилиб, янги муваффақиятлар учун курашмоқдалар. Курбон отанинг қизи Ўғилхон ҳар куни 275 – 300 килограмдан пахта териб бошқа теримчиларни ўзи орқасидан эргаштирмоқда.

СТУДЕНТЛАР ПАХТА ЎИҒИМ-ТЕРИМИДА

Ўрта Осиё давлат университетининг студентлари ва ўқитучилари икки ҳафта давомида Ўртачирчиқ районидаги «Ислохот», «Полярная звезда» ва Ворошилов номли колхозларда пахта теришга ёрдам бердилар. Савина, Раҳимов, Веденский ва бошқа ўртоқлар теримда, айниса, яхши ишладилар. Колхоз правлениялари ўқитучи бригадалардан Ҳамроев, Жамолов, Орифхонова ва Юсупова ўртоқларни ишни намунали ташкил этганлари учун мукофотладилар.

(ЎЗТАГ)



Танкка қарши отадиган тўп наводчиги сержант Ислам Исаков хатосиз ўт очиб, душман «Фердинанд» ини ишдан чиқарди. Шундай қилиб у пиёда аскарларимизга катта ёрдам кўрсатди. Ўртоқ Исаков III даража Шуҳрат ордени ва «Жасурлик учун» медали блан мукофотланган.

Б.Вдовенко сурати

СЕРЖАНТ ШОДИЕВНИНГ МАҲОРАТИ

Олий бош кўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўрток Сталин ўз буйруғида «ярадор бўлган фашист йиртқични ўз уясида уриб йўқ қилинсин» деган эди. Ўзбек халқининг шерюрак, мард ўғли сержант Жума Шодиевнинг отделенияси доҳининг бу буйруғини амалда ба-жариб келмоқда.

Сержант Шодиев комсомол аъзоси. У қайтмас қаҳрамон жангчи. Бўлинмадаги бутун рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида агитатор бўлиб ишлайди.

Шодиевнинг отделенияси жонажон Белоруссия ва Литванинг мингларча қишлоқ ҳамда бир неча шаҳарларини немис-фашист босқинчилардан озод қилиш жанглирида қатнашди ва унда алоҳида маҳоратлар кўрсатди. Ҳозир Жума Шодиевнинг отделенияси худди Германия ерида, Неман дарёси бўйларида немисларга қарши жанг қилмоқда.

Бўлинмага катта тепалик бағрига жойлашган Н. қишлоғини штурм блан эгаллашга буйруқ берилди. Шодиевнинг отделенияси қишлоққа пешанасидан хужум қилиб бориши зарур эди. У жанг ол-дидан ўз жангчиларини тўплаб галдаги жанговар вазифани пухта ту-шинтирди ва ҳар бирисига алоҳида вазифа топширди.

Қишлоққа хужум бошланди.

– Йигитлар, менинг орқамдан олға! – деб қичқирди Шодиев ва биринчи бўлиб ўзи жангга кирди.

Чап томонда отделение хужумини қўллаб бораётган пулемётчи ефрейтор Зайцев қаттиқ ярадор бўлди. Қаҳрамон сержант дарҳол пу-лемётни ўз қўлига олди ва тўзғиб қочаётган немисларга қаратиб ўт очди. Отделение жангчилари сержантнинг бу ишидан гоят илҳомла-ниб немис траншеясига бостириб кирдилар.

Қизғин найзабозлик жанги бошланди. 30 минутлар давом этган бу жангда сержант Жума Шодиев 3 немисни найза ва милтиқ қўн-доғи блан уриб ўлдирди. Қизил аскар Жиров эса 2 немисни санчиб ўлдирди.

Отделение ҳаракатини яхши уюштириб бу жангда алоҳида маҳорат кўрсатган сержант Шодиев «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотланди.

Козок Қурбонов

1944 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ. №87 (248)

УЧ ЎРТОҚ



Ўзбек халқининг
фарзанди, гвардиячи
Раҳмон Мардонов.
Б.Вдовенко сурати

Тўп расчёти командири Ғаниев, нишонловчи Исмоилов ва ўқ ташувчи Фозилбой Бойзаков жанг майдонида жонажон дўст бўлдилар. Улар ака-укадек бир ёқадан бош чиқариб немис-фашист босқинчиларга қақшатғич зарбалар бермоқдалар.

Бўлиб ўтган жангларда сержант Ғаниевнинг тўп расчёти немисларнинг 2 станокли пулемёт нуктаси, бир тўпини ер блан яксон қилиб, 20 дан кўпроқ гитлерчи итваччаларни қириб ташлади. Ўқ ташувчи Фозилбой Бойзаков «мен ташиб келтирган снарядлар душманга ажал уруғини сепмоқда» деб мағрурланиб кўяди.

Яқинда Фозилбой қуюқ ўрмон ичидаги сўкма йўллар блан келмоқда эди. Унинг араваси снарядлар блан тўла эди. Тўсатдан олдидан тўртта немис разведкачилари чиқиб қолди. Қахрамон ўзбек йигити шошмади ва кўрқмади. У аравадан сакраб тушди-да, ёлғиз ўзи тўрт фашистга қарши жанг очди. Икки немисни тўғри нишонга олиб отиб ўлдирди ва ўзининг ярадор бўлишига қарамасдан, қолган икки немисни ҳам қўлларини кўтариб асир бўлишга мажбур қилди.

Қизил аскар Фозилбойнинг бу муваффақиятидан ғоят шодланган дўстлари: тўп расчёти Ғаниев ҳамда нишонловчи Исмоиловлар самимий қарши олдилар ва уни «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланганини табрикладилар.

Қизил аскар Аббос Қурбонов

ЖАНГЧИ ЙИГИТГА

*Доимо йўқлар сени эл ҳар ширин ош устида,
Гарчи сен қирғоқда сен, нақшинг турар қош устида.*

*Титрасин ёв ҳар нафас қаршингда, эй ёш қаҳрамон,
Шер каби кўкрак кериб турганда бардош устида.*

*Довюррак ёшлар-йигитлар чўл кезар, гоҳ гул узар,
Гоҳ ётар парқу уза, гоҳи ётар тош устида.*

*Тузмади сендек асл фарзандни бу дунё-она.
Бу ватан фахри, гурури сен каби ёш устида.*

*Ҳар кечанг сергак, кунинг хушёр ватан ишқи блан,
Ҳар минут фикринг, гаминг қавму қариндош устида.*

*Ҳамла гар қилмоқчи бўлса ёв яна, бермай омон,
Отни қўй бошини, ўтдай чақна бебош устида.*

*Сен блан доим зафар ҳамроҳу иқболинг кулар,
Нур сепар кўдан қуёш, сен бахтга йўлдош устида.*

*Яшинагай улкан моёқ доим Кремль авжида,
Бир ватан, бир оила ҳар қайси ҳур бош устида.*

*Эй азиз бош, постда бурчинг энг улуг ишдан улуг,
Ёзса Собир шеър, оздир юртни асраш устида.*

Собир Абдулла

АТАКА ҚАЙТАРИЛДИ

Душман бизнинг хужум қилиб бораётган бўлинма жангчиларига тўсатдан контратака қилиб қолди. Тўпчилар душманни тўпдан қаттиқ ўт очиб қарши олишди. Душман ҳамон яқинлашмоқда. Маним рўпарамдан бир неча немис транспортёрлари кела бошлади. Мен тўпимни дарҳол ўша томонга тўғрилаб отдим. Иккитаси ёниб кетди. Бошқа расчётдаги ўртоқлар ҳам мерганларча отиб немисларнинг 4 пулемёт нуқтасини расчётлари блан кулини кўкка совириб юбордилар. Взвод чамасидаги немис солдатлари кириб ташланди. Шундай қилиб, душман контратакаси қайтарилди.

Қўмондонлик мени III даражали «Шухрат» ордени блан мукофотлади.

**Қизил аскар Эгамберди Худайбердиев,
III даражали «Шухрат» ордени кавалери**

«ТИГР»НИ ЯКСОН ҚИЛДИЛАР



Совет Иттифоқи
Қахрамони
Рўзи Азимов.

Бўлинмаларимиз немисларни мудофаа марралардан улоқтириб ташлаб, уларни ғарб томон кувиб бордилар. Аҳоли яшайдиган бир катта пункт ёнида гитлерчилар контратакага ўтиб кўрдилар.

Душманнинг бронетранспортёри старший сержант ўртоқ Ботир Ниёзов позициясига қараб юрди. Бронетранспортёргача 75 метр қолгандан кейин Ниёзов ўт очишни буюрди. Наводчик Мисников биринчи снаряд отиши блан фашист машинасини ишдан чиқарди. Бронетранспортёр кетидан «тигр» пайдо бўлди. Мясников хатосиз

ўт очиб уни ҳам яксон қилди. Жасур тўпчилар кучли ўт очиб бир ротага яқин гитлерчиларни қириб ташладилар. Омон қолган душман солдатлари тумтарақай қочдилар.

(Ўз мухбиримиздан)

НИЁЗОВ РАСЧЁТИ

Тўп расчёти командири старший сержант Ботир Ниёзовни офицер Павленко қисмидаги барча жангчи офицерлар севади ва ҳурмат қилдилар.

Ботир Ниёзовнинг жанговар фаолиятига батарея командири капитан Хрепунов жуда юксак баҳо берди.

– Ўзбек халқининг мард фарзанди Ниёзов, – деди у, – батареямизда жуда катта обрўйга эга, ўзининг пўлатдек мустаҳкам интизоми, моҳирлик ва иш блармандлиги блан бутун шахсий составга намуна бўлиб келмоқда. Немислар блан бўлган жангларда Ботир қўрқувнинг нима эканини билмай жуда жасурлик блан ҳаракат қилади. У ҳамма вақт жанговар вазифани аъло даражада бажаришга ва немис аблахларни мумкин қадар кўпроқ қириб ташлашга интилади.

Қисмларимиз душман мудофаасини ўпириб ўтиб уни ғарбга томон қувиб кетдилар. Офицер Павленко тўпчилари ҳам пиёда аскарларимизнинг жанговар сафида ҳаракат қилиб қочаётган душманни изидан қувиб бордилар, йўлма-йўлақай ўз тўпларидан моҳирона ўт очиб душманга катта талофот етказдилар.

К. шаҳарчасига яқинлашиб борган чоқда душман олдиндан хозирлаб қўйилган маррасига таяниб туриб қўшинларимизни тўп, миномёт ва пулемётлардан қаттиқ ўтга тутди. Пиёда аскарларимиз ерга ётиб олдилар, душман ўқ нуқталарини йўқотмасдан туриб олға бошишни давом этказиш мумкин эмас эди.

Душман ўқ нуқталарини пачоқлаб пиёдаларимизга йўл очиб бериш вазифасини қўмондонлик капитан Хрепунов тўпчиларига топ-



Ўзбек халқининг фарзанди старший сержант Ботир Ниёзов.



Суратда: Чапдан ўннга старший сержант Василий Бувалин (русс), младший сержант Усмон Бекмуҳаметов (татар), младший сержант Қурманбек Ахмедалиев (қозок), қизил аскар Сакен Асалбоев (ўзбек), ефрейтор Жўмахан Дуйсенбаев (қозок), старший сержант Алексей Аннин (русс).

С.Баранов сурати

ширди. Ботир Ниёзов расчёти ўз тўпини қулай жойга ўрнаштириб олиб душман маррасини жуда мохирлик блан ўтга тутди. Ниёзов расчёти томонидан отилган 16 снаряднинг бирортаси ҳам хато кетмади. Текшириб аниқланишича, улар душманнинг 76 миллиметрли тўпи, 5 станокли пулемёти, бир майда калибрли зенит тўпи, бир миномёт батареясини яксон қилиб взводга яқин солдатларини кириб ташлади.

Хрепунов батареясидаги бошқа расчётлар ҳам яхши ишладилар. Душман ўқ нуқталари тамоман яксон қилиниб ташланди, пиёда аскарларимиз кўтарилиб душманни яна қувиб кетдилар.

Қисмларимиз душман қаршиликларини енгиб, уни 30 – 35 километр масофагача тўхтовсиз қувиб бордилар.

Эртаси эрталаб душман қисмларимиз позициясини қаттиқ тўпга тутди. Шу артиллерия отишмаси вақтида Хрепунов батареясидаги айрим тўплар ишдан чиқарилди, Ниёзов тўпи ва расчёти омон қолди. Артиллерия тайёрлигидан кейин душман кўп танк, бронетранспортер ва автоматчилар қатнаши блан контратака қила бошлади.

Душман бронетранспортёри позициямизнинг ўз қанотига жойлашган Ниёзов расчёти маррасига қараб кела бошлади. Унинг орқасидан немис автоматчилари ҳам ўрмаламоқда эди. Ниёзов душман ма-

шинасини 150 метр чамаси масофага келтириб наводчи Мясниковга ўт очиш тўғрисида команда берди. Мясниковнинг мўлжаллаб отган биринчи снарядиёқ бронетранспортёрни ёндириб юборди.

– Ўлма, Мясников, – деб қўйди Ниёзов ва снарядчи Сангиновга қараб: – Осколкали снарядни бер! – деб буюрди. Мясников томондан уст-устига отилган осколкали снарядлар бронетранспортёр орқасидан ўрмалаб келаётган гитлерчи автоматчиларнинг ҳам қўп-ларини ер тишлатиб қўйди.

«Тигр» орқасидан келаётган рота чамасидаги гитлерчи солдатларни ҳам Ниёзов расчёти бошлаб ўтга тутди. Аблах немислар азамат тўпчиларимизнинг даҳшатли ўтига бардош беролмай, жанг майдонида қўп ўликларини қолдириб орқаларига қочиб кетдилар. Душман контратакаси барбод қилинди.

Шундай қилиб, азамат Ниёзов ва унинг 6 ўртоғи душман «тигр»и, бронетранспортёри ва 100 дан ошиқ солдатидан зўр чикдилар.

Азамат тўпчиларимиз улуғ маршалимиз ўртоқ Сталиннинг ноябрь буйруғи ва докладыга жавобан ўз фаолиятларини янада кучайтириб юбордилар. Улар немис аблахларни ҳеч тинимсиз қирмоқдалар.

Азамат тўпчиларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Гвардия майори М.Абдуллаев

ЎЗБЕК АСКАРЛАРИГА СОВҒА

М.Горький номли рус драма театрининг коллективи 1-нчи Украина frontiдаги ўзбек аскарларининг ўзбек халқига ёзган мактубини катта хурсандчилик билан ўқиди ва коллектив ҳолда ҳамда яқка тартибда мажбуриятлар олди.

Бу мажбуриятларни амалга ошириш юзасидан 25 сентябрда концерт қўйилиб концертдан тушган 40.000 сўм пул ўзбек аскарларига совғалар олиш учун топширилди.

В.Л.Извеков, концерт ташкил этиш комиссиясининг раиси, ЎзССРда хизмат кўрсатган артист

ЖАНГЧИЛАР ВКП(Б) ТАРИХИ «ҚИСҚА КУРСИ»НИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Катта жанглардан кейин бўлинмамиз дам олишга чиқарилганда партия ташкилотининг ташаббуси блан ВКП(б) тарихи «қисқа курси»ни ўрганишга киришган эдик. Аввал бошлаб оз миқдорда бўлса-да бу ишга партиясиз ўртоқлар ҳам қатнашдилар. Бўлинма парторги, старший лейтенант ўртоқ Буадзе бутун шахсий состав учун «қисқа курс»нинг дастлабки боблари юзасидан бир неча лекция ўқиди ва суҳбатлар ўтказди. Бу лекция ва суҳбатлар шундай яхши уюштирилдики, шундан кейин кўп жангчилар группа-группа бўлиб ва якка-якка равишда партия тарихи қисқа курсини ўрагана бошладилар.

Бизнинг бўлинмада рус бўлмаган миллат жангчилари кўп бўлганидан кейин ВКП(б) тарихини ўрганишда каттагина мушқилликларга дуч келди. Сўнгра партия ташкилотининг ташаббусига мувофиқ Тошкент шахридан ВКП(б) тарихи «қисқа курси»нинг ўзбекча нусхасини, Тбилиси шахридан грузинча нусхасини ва Ереван шахридан арманча нусхасини олишга муваффақ бўлдик.

Старший Мажинян армани миллатидан бўлган жангчилар орасида партия тарихини ўрганишни йўлга қўйди.

Коммунист Олим Султонкулов ўз отделениясида «Партиямизнинг II съезди», «Большевиклар блан меньшевиклар орасидаги курашнинг айрим моментлари» тўғрисида суҳбатлар ўтказди. Серқуёш Ўзбекистондан келган жангчилар бу суҳбатларда актив равишда иштирок этдилар.

Шонли ВКП(б) тарихини ўрганиш бўлинманинг жанговар қобилиятини янада оширишга ёрдам бермоқда.

Ефрейтор Овлиёкулов

ИЗБОСКАН РАЙОНИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Избоскан райони ўзбек халқининг ўртоқ Сталинга ёд қилган қасамини бажариш мақсадида Октябрлди социалистик мусобақасини кенг қизитиб юбориб, 1 ноябрда пахта йиғим-терим ва давлатга пахта топшириш йиллик планини 100,3 процент бажарди. 8.750 гектар ернинг ҳар бир гектарида 17,5 центнер пахта топширилди. Йиғим-терим давом этмоқда. Пландан ташқари яна 5 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини оламиз.

**ЎзК(б)П Избоскан район комитетининг
секретари С.Қосимов. Избоскан район
райония комитетининг раиси А.Тиллабоев**



Суратда: (Ўнгдан чапга) сержант Юсуп Ёдгоров, младший сержант Дмитрий Горбунов, қизил аскар Қосим Исаев, сержант Федор Старцев, младший сержант Ядулла Гасанов ва қизил аскар К.Ильёсов. Булар ҳаммаси орденлар блан мукофотланган.

Б.Воовенко сурати

ҚИЗИЛ АРМИЯ ФОНДИГА 550 ПУД ҒАЛЛА

Сирдарё районининг колхозчилари Украина колхозчиларининг мурожаатига жавобан Қизил Армиянинг ғалаба фондига қўшимча равишда 550 пуд ғалла беришга қарор қилдилар.

Бухаров, ЎзК(б)П Сирдарё райкомининг секретари

1944 ЙИЛ 29 НОЯБРЬ. №94 (255)

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ САНОАТИ ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ



Ўзбек аскарлар
Болтабой Йўлчиев (чапда) ва
Бекмурот Шераев.
С.Баранов сурати

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат корхоналарининг ходимлари Октябр-олди социалистик мусобақасига қўшилиб, йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари, яъни 1944 йил 26 октябрда бажардилар.

1944 йилнинг 10 оyi ичида йиллик план 104,1 процент бажарилди, бу эса ўтган йил шу даврдаги миқдорга қараганда 124,3 процентни ташкил этади.

ЎзССР Маҳаллий саноат халқ комиссарлигига қарашли саноат корхоналари йил охиригача пландан ташқари ўзгармас баҳоларда 6,5 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари ва маҳсулоти ишлаб чиқарадилар.

СЕВИКЛИ ВАТАНИМИЗ ВА БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ УЧУН!

Урушгача эркин ва бахтли яшар эдик. Отам ва онам цемент заводида ишчи бўлиб ишлар, ўзим эса ўрта мактабнинг 7-нчи классида ўқур эдим. Тошкент областига қарашли Беговат райони менинг асли туғилиб ўсган жойимдир. Мен ўша ўз юртимни жонимдан ҳам яхши кўраман...

Меҳрибон онам Гулниёз ва додам Қурбон: «Ўғлим! Жонажон Сталинимиз Конституцияси бизларни бахтли қилди. Бурун бизлар 15 йил бойлар эшигида батраклик ва чўрилик қилиб оғир ҳаёт кечирар эдик. Кийишга кийим йўқ, бир бурда нон топиб тишлашга зор эдик. Мана, Худога шукур, энди ўзинг кўриб турибсан. Яхши, чиройликкина уй-жойимиз, ейишга етиб ортарли озиқ-овқатимиз бор. Ким ишлар экан, ўша тўқ ва бадавлат яшашга ҳақли, бу доҳимиз қонунининг асосидир. Мана, сен эсанг эркин, бепул ўқиётурсан. Инженер бўлиб чиқасан, ўғлим. Ўз эли-юртинг, Ватанингни суй, яна яхшироқ ўқи», – дер эдилар шодликларидан.

Уруш бошланиб кетди, бахтли ҳаётимизга анча оғир зарбалар етказди. Доҳимиз конституциясида совет граждани ўз Ватанини кўриқлаб сақлашга мажбур деган олтин сўзларини дилимга ёд этган эдим. Миллион-миллион совет ёшлари қаторида мен ҳам ғарбга – фронтга отландим. Меҳрибон ота-оналарим оқ йўл тиладилар, ёвуз душманни енгиб омон-эсон қайтиб келишимни кутиб қолдилар.

Ўшандан буён салкам тўрт йил ўтди. Севиқли Ватаним, бахтли ҳаётимиз учун йиртқич душманни шафқатсиз қирмоқдаман. Жанглар майдонида Ленин-Сталин комсомоли сафига ўтдим. Ҳозир мен гвардия старший сержанти, аъло пулемётчиман. «Жасурлиги учун» медали блан мукофотладилар.

Менинг энг аввал жангга қатнашган ерим Таганрог шахри эди. Ундан жонажон Қримни озод этиш учун бўлган ҳужум жанглирида то бошдан охиригача қатнашдим. Орёл агрофидаги шиддатли жанг-

ларда ҳам бўлдим. Жонажон Белоруссия, Литва ерларидан жанглар блан ўтиб, ҳозир эса йиртқич ёвузларни худди Балтиқ денгизи бўй-ларида дўппослашмоқдаман.

**Гвардия старший сержанти
Бойниёз Қамбаров**

ВАТАН УЧУН

*Оқ сут берган, жоним онам,
Ўпиб юзим деди: – Болам,
Йўлинг бўлгай кўзим, лолам,
Ватан учун отланганда.*

*Қўлингга ол қилич, милтиқ,
Ёшман дея турма ҳуркиб,
Ёв бошини ташла қирқиб
Ватан учун отланганда.*

*Онам десанг, жоним десанг,
Номим десанг, шоним десанг,
Немисни ур! Айла яксон!
Ватан учун отланганда.*

*Мана, тўрт йил ўтиб кетди,
Жаҳон айлаб донгим кетди,
Аблаҳларнинг хуши кетди
Ўз ерига отланганда.*

*Ватан учун, халқим учун,
Муқаддас ҳақ, онтим учун
Яшин тусли бўлур кучим
Ёв бошига отланганда.*

**Сержант
Аллаберган Худайберганов**

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Кун совуқ, шамол ... ёмғир ёғмоқда эди. Денгиз чексиз ... шамоллар воситаси билан кўтарилган тоғ-тоғ тўлқинлар қирғоқларга урилиб, оқ кўпикларга айланиб сочилмоқда. Денгиз тинмай шавилламоқда эди.

II даражали «Ватан уруши» ва «Қизил юлдуз» орденли ўт взводи командири лейтенант Еременконинг учта тўп расчёти денгизга боқиб ҳушёр турибди.

Ажойиб картина; мана денгиз, мана қирғоқда турган қаҳрамон жангчилар. Ана кумларга кўмилиб сасиётган немислар. Қараб завқи келади кишининг.

Лейтенант Еременко бизларни ўз блиндажига таклиф қилди ва тўп расчётларининг жанговар ҳаётини ҳикоя қилиб орденли ва медали йигитлари блан мақтанди.

Тўп расчёти командири старшина Назаров III даражали «Шухрат» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотланган. Шу расчётда бутун бўлинма бўйича донғи чиққан аъло нишонловчи, бухоролик ўзбек йигити Юсуп Қаландаров «Жанговар хизматлари учун» ва «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган. Унинг иккинчи номери қайтмас мард йигит Николай Смирнов, ўқловчиси эса собиқ Белоруссия партизани Пуско. Булар ҳаммаси дўст, иноқ яшайдилар, бир кишидек бўлиб ёвга қарши интиладилар ва шафқатсиз урадилар. Бу тўп расчёти сўнгги бўлиб ўтган жангларда 7 мартаба душманнинг қарши атакасини қайтарган, немисларнинг бир тягач ва икки танкасини ёндириб юборган, ротага қадар немис солдат ва офицерларини қириб ташлаган, иккита пулемёт расчётини эса йўқ қилган...

– Гапира берсангиз, қаҳрамонона эпизодлар жуда ҳам кўп, гўё «минг бир кеча»дек тамом бўлмайди асло, – деди лейтенант Еременко.

Кечаси шамол яна қаттиғроқ бўлди, денгиз тунни блан шавиллади. Бизлар қирғоқдаги тўпчилар блиндажида ётиб қолдик.

Тонг-азон денгизда немис корабллари кўринмоқда деган овоз блан уйғондик. Дарҳол шошилиб кийинишиб қирғоққа чикдик. Саккиз чақиримлар чамасида денгиз ўртасида турган катта немис кораблини дурбин блан равшан кўрмоқда эдик. Қирғоқ бўйидаги 45 миллиметрли тўпларнинг стволлари кораблга тўғриланди. Танкка қарши отадиган қуроллари блан келган бошқа бўлинма жангчилари ҳам денгиз бўйига жойлашдилар. Кораблни отиб йўқ қилишга буйруқ берилди.

Дахшатли совет тўплари овози осмону ерни зилзила қилиб, чексиз денгиз сувларини чайқалтириб юборгандек туюлди.

Немислар ҳам отмоқда эдилар. У ён-бу ёнимизга тушган немис снарядлари портлай бошладилар, илондек шувиллаб бошимиз устидан ўқлар уча бошлади. Ётиб ҳаракат қилишга тўғри келди. Мен нишонловчи Юсуп Қаландаровнинг тўпи ёнида эдим. Қаҳрамон коммунист пешанасидан оққан терларини енглари блан артиб ташлаб, кораблга тўғрилаб снаряд сўнгидан снарядларни отмоқда. У бир-икки минут ичида портловчи ва бронтешувчи – ёндирувчи снарядлардан 12 тасини жўнатди. Бошқа тўп расчётидаги жангчилар ҳам кизғин ишладилар. Учинчи даражали «Шухрат» ордени, «Жанговар хизматлари учун» медалли нишонловчи Череньков ва унинг ўқловчиси, «Жасурлиги учун» медалли Барпи Жумаев ҳам чаққон ишладилар.

– Отишлар тўхтатилсин! Денгиз бети кузатилиб турилсин! – деган команда берилди.

Денгиз ўртасида бир катта кишлок сингари туман ора кўриниб турган немис корабли кўзлардан ғойиб бўлди. Унинг ўрнида денгиз ўртасида қоп-қора тутун пайдо бўлди. Немис пароходи чўкиб кетди, снарядлар тўғри тегди деган хабар келди назорат пунктидан.

Ярим соатлар ўтгач бошқа бир аввалгидан кичикроқ пароход кўринди. Қирғоқдаги тўпчи ва ПРТчиларимиз унга ҳам залп блан ўт очдилар. Душманнинг бу пароходи ҳам кўзлардан ғойиб бўлди.

Роса икки соатлар ўтгач сув бетида қалқиб келаётган жуда кўп душман қайиқчалари кўринди. Душман десанти деб ўйладик бизлар.

Немис қайиқчаларини отиб ёндириб юборишга буйруқ берилди. Нишонловчи Череньков биринчи ўқ узиши бланоқ 8 та немис ўтир-

ган битта қайиқчани сув блан қўша кўкка кўтариб урди ва йўқ қилди. Нишонловчи Юсуп Қаландаров учта бронтешувчи-ёндирувчи снаряд отиб иккита қайиқни денгиз ўртасида ёндириб юборди.

Бир неча қайиқчаларни денгиз тўлкини ўзи келтириб қирғоққа тутди. Бизлар томондан тўртта немис асир қилиб олинди. Бир неча қайиқларни тоғдек тўлкинлар дўппасладилар ва ичкарига олиб кетдилар. Қирғоқларга чиқолмай узоқлашиб кетган немис қайиқларини сўнг ёрдамга келган совет лочинлари – учучиларимиз осмондан атака қилиб қирдилар. Хуллас, бронта немис итваччалари кутилолмади. Қолганларини денгиз ўзи дўппослади. Жами бўлиб капитан Шияненко бўлинмаси 12 немисни асир қилиб олди.

Асирларнинг айтишига кўра 11 минг тонна оғирлигидаги корабль денгиз остига чўкиб кетган. Ҳалиги денгиз бетидаги қалқиб юрган бутун қайиқчилар душманнинг қирғоққа туширмоқчи диверсантлари экан. Душман қуршовда қолган немис армияларига озиқ-овқат, ўқ-дори ва янги резерв кучларини олиб келмоқда эканлар.

Улар мангу денгиз тубига ботиб ғарқ бўлдилар.

Старший лейтенант А.Турумбетов

1944 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬ. №98 (259)

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИ НАМУНАЛИ БАЖАРИШ УЧУН

Партия ташкилотларининг коммунистлар гарданига юклаган ҳар бир топшириғи командирнинг жанговар буйруғини бажаришга, бўлинманинг жанговар қобилиятини оширишга, партия аъзолари ва кандидатларининг билимларини юксалтиришга қаратилган бўлади. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, партия ташкилотининг топшириғини ўз вақтида, пухта суратда, намунали қилиб бажариш учун кураш ҳар бир коммунистнинг биринчи галдаги бурчларидандир.

Офицер Данилов бўлинмасидаги партия ташкилоти мени яқиндагина ВКП(б) аъзолигига қабул қилиб олди. Менинг аризамни муҳокама қилган чоқда партия мажлиси техника жиҳатидан биланла-

римни бошқа ўртоқларга ўргатишим зарурлигига, ўзимнинг сиёсий савиямни оширишим кераклигига алоҳида эътибор берди.

Партия мажлисининг кўрсатмаларини мен жанговар топшириқ сифатида қабул қилдим. Мажлисдан кейин бўлинма парторги, старший лейтенант ўртоқ Максименко менга шундай деди:

– Бўлинма жангчилари орасида душмандан ўлжа қилиб олинган курулларни яхши билмайдиган ўртоқлар кўп. Сиз эса турли-туман курулларни соз биласиз. Бу муҳим масалада ёш ва ишчан коммунист сифатида бутун партия ташкилотимизга ва кўмондонликка самарали ёрдам беришингиз мумкин. Бундан ташқари, сиёсий савиянгиз ҳали анча паст эканини эсдан чиқарманг. Ҳозир, айниқса, улуғ Октябрь социалистик революциясининг 27 йиллигига доир ҳужжатларни ўрганишга киришинг.

Парторгнинг айтганлари жуда тўғри бўлиб, менинг кўлимдан келадиган ишлар эди. Бир неча кун ўтиши блан кичик программа тузиб, жангдан ва ўқишдан бўш вақтларда курулларнинг материал қисмидан машғулотлар ўтказга бошладим. Жангчи ва сержантлар бу машғулотларга катта завқ блан қатнашмоқдалар. Ўз заводларимизда ишлаб чиқарилган янги курулларни ва душмандан ўлжа қилиб олинган яроқларни ўрганиш тузук натижалар бермоқда.

Сиёсий савиямни кўтариш бобида ҳали кўп ишлар қилишим керак. Мен ВКП(б) тарихи қисқа курсини мустақил ўрганишга киришганман. Бу дарсликнинг ҳар қайси боби юзасидан конспектлар тузиб олмоқдаман. Умуман, билимларимни, айниқса, сиёсий жиҳатдан билимларимни ошириш ниятида бўлинма парторги ўртоқ Максименкога мурожаат қилиб рус бўлмаган миллат жангчилари блан ўртоқ Сталин доклади ва буйруғи юзасидан машғулотлар ва суҳбатлар ўтказиш, бошқаларга дарс бермоқ учун тайёрлик кўриш ҳар қандай масалани яхшироқ тушиниб олишга катта ёрдам беради.

Парторг илтимосимни қабул қилди. Ҳозиргача ўртоқ Сталин доклади юзасидан тўрт марта суҳбат ўтказдим. Бу суҳбатда ўзбек жангчиларидан И.Мирзаев, Чўпонбоев ва бошқа ўртоқлар анча муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Младший техник-лейтенант А.Исоқов

ДУШМАН УЛОҚТИРИБ ТАШЛАНДИ

Кизил аскар Султон Алиев фронтга серқуёш Ўзбекистоннинг Андижон область Балиқчи районидан келган. У биринчи бор Сталинград остонасидаги тарихий жангларга кириб, немисларни то Ростовдан қувиб чиққунча қатнашган ва ўз милтиғи ўтлари ва найзаси билан душманни шафқатсиз қирган. Ҳозир у жонажон Балтик бўйида немисларга қарши курашмоқда.

Султон Алиев жисмоний, руҳий жиҳатдан бақувват, зўр гавдалик, келишган йигит. Ўзбекча қилиб қўйган мўйлави ўзига ярашиб, анор юзли хуснига зеб бериб туради. У фронтга келганидан буён икки бор ярадор бўлиб, сафга қайтди ва ўз қисмига излаб борди.

Жонажон дўстлари: старший сержант Соколов, туркман йигити Қуванч Чориев, тошкентли ўзбек йигити Акмал Акрамовлар Султонни жуда яхши кутиб олдилар.

...Эртаси тонг-азон бўлинма хужумга ўтди. Мақсад душманнинг биринчи қатор мудофаа районини эгаллаш эди.

Жангчилар кўкраклари билан ер бағирлаб силжиб атака қилиш маррасига етиб бордилар, бу ердан душман марраси оралиғи 40 – 50 метр эди, халос.

Взвод командири Ушаков отделение командири ва агитатор Акмал Акрамовни ўз ёнига чақириб олиб:

– Мен томондан берилган бутун командаларни сен ўзбек тилида айтиб такрор қиласан, – деди.

Юлиб олгудай «есть!» деди Акмал ва икки томондаги пулемётчиларга ўт очиб пиёдаларимиз ҳаракатини қўллашга буйруқ берди. Жангчилар «ура!» қилишиб ўз пулемётимиз ўтлари остида душман траншеясига бостириб кирдилар.

Ҳаммадан бурунроқ душман траншеясига отилиб қирган Султон Алиев рўпарасидан чиққан икки немисни отиб ўлдирди, яна бирисини найзага олиб ва милтиқ қўндоғи билан уриб йикитди.

Султон траншеядан кўтарилиб чиқа берганида ярадор бўлди. Унинг кўкрагидан қон оқмоқда эди. Изма-из сўнгидан етиб келган Акмал Акрамов:

– Дўстим, санчақта бор, – деди.

– Йўқ, ўртоқ отделение командири, орқамга қайтмайман. То ўлгунча олға бораман, сизлардан кейин қолиб нима ҳам қилар эдим? Душмандан қон оламан, қон! – деди у ғазаби қайнаб ва бошқа жангчилар қаторида илгари чошиб кетди.

Душманнинг биринчи мудофаа райони ёриб ўтилди. Немис траншеяси ва жанг майдони немис ўликлари блан тўлди. Акмал Акромовнинг отделенияси алоҳида маҳорат кўрсатди, ўнта немисни кириб ташлади.

Душманнинг иккинчи мудофаа районига етиб боришда пулемётчи, биринчи номер нишонловчи Абдурасулов қаттиқ ярадор бўлди. Акмал Акромов дарҳол пулемётни ўзи кўтариб иккинчи номер пулемётчи Саидовга ёрдам қилди ва олға кетдилар. Шуларнинг қаторида чошиб бораётган Султон Алиев яна бир немисни отиб ўлдирди. Аммо у душманнинг иккинчи траншеясига бориб етолмади, қонсираб қолган эди. Ҳушидан кетди. Офицер Ушаков уни дарҳол ўзи санчагга жўнатди.

Душманнинг иккинчи мудофаа райони ҳам эгалланди. Немислар бир неча километр кейингина улоқтириб ташланди.

Старший лейтенант А.Турумбетов

САККИЗИНЧИ НЕМИС

Душман блан бизнинг ўртамизда майда дарахтзорлар бор эди. Дарахтлар душманга яқинлашиб бориш учун бизга катта имконият берди. Тонг-азон артиллерия тайёргарлиги бошланиб кетди. Қудратли совет артиллериясининг жаранглаган овози ҳаммаёқни ларзага келтирди. Биз унинг ҳимоясида ҳужум қилиб бордик. Душман ҳам навбати блан отиб турди. Душман мудофааси узоқ эмас, чамада 75 метрлар қолганда рота автоматчилари «Ура! Сталин учун! Жонажон совет Ватанимиз учун!» деган хитоблар блан ҳамма бирдек олға ташланди.

Немислар траншеяларида туриб бизни қаттиқ ўтга тутдилар. Довюррак совет жангчиларини бостириб боришда давом этди. Траншеяга жуда яқин қолганда 75 – 80 чамаси немислар бизга қарши кўтарилди. Автоматчиларимиз залп ўтлари блан йирткичларни

траншеядан чиқаётганидаёқ кириб ташлади. Бу жангда Александр Ивановичнинг отделениясида жангчилар зўр маҳорат кўрсатдилар. Улар ўлдирилгандан ташқари 3 немисни асир қилиб олишди.

Қозоқ Манатов автоматидан отиб бир немисни ўлдирди. Мен икки немисни отиб ўлдирдим. Бу икки немис блан ҳаммаси бўлиб 8 та ўлдирилган немис ҳисобимда бор. Ўша куни ярадор бўлдим. Бу мени бир оз кун бўлса-да сафдан чиқарди. Ярам оғир эмас, яқинда тузалиб қисимга қайтиб бориб тўқилган коним учун аблаҳлардан қон олишга шошилмоқдаман.

**Қизил аскар Шерман Холмуротов,
хукумат мукофотига тақдим этилган**

ТЕШАБОВЕВ ОТДЕЛЕНИЯСИ ЖАНГДА

Яқинда бўлиб ўтган бир ҳужум жангида сержант Абдужалил Тешабоев отделениясининг жангчилари қаҳрамонлик ва моҳирлик намуналарини кўрсатдилар.

Тонг отди. Бутун дарахтлар қиров босган, оппок, ҳаммаёқ жимжит... Қудратли совет артиллериясининг гуркираган овози бу жимжитликни бузиб юборди. Артиллерия ҳужум бошлади. Тўпчиларимиз ҳормай-толмай жуда моҳирлик блан ишладилар. Улар душман позициясини шиддатли ўтга тутиб немисларнинг жуда кўп ўт нуқталарини бостирди, юзларча фрицларни ер тишлатиб қўйдилар.

Артиллериямиз душманни дўппослаётган чоқда офицер Золотов батальонининг жангчилари ўз жанговар курулларини яна бир гал кўздан кечирдилар, камарларини маҳкамрок тортдилар, атака учун сигнални кутиб шайланиб турдилар.

Артиллериямиз ўз ўтини душман мудофаасининг ички томонига кўчиргач, ҳавода ракета пайдо бўлди. Бу атака учун сигнал эди. Бир зумда совет жангчилари ўз ячейкаларидан кўтарилиб олға ташландилар.

Душман траншеясига биринчи бўлиб сержант Абдужалил Тешабоев отделениясининг жангчилари бостириб кирдилар, 5 азамат жангчиларимиз югириб бора туриб пулемёт ва автоматлардан қаттиқ ўт очдилар, 6 гитлерчини отиб ташладилар. Шу отделение

жангчиси Рустамов граната ирғитиб икки немисни ўлдирди, азамат Рустамов икки гитлерчини асир қилиб олди. Ярим соат ичида Тешабоев отделениясининг жангчилари 15 дан ошиқ фашистни қириб ташладилар.

Душман траншеясининг биринчи линиясида тўхтамай Тешабоев жангчилари яна олға қараб ташландилар ва оз фурсатда у азаматлар душман траншеясининг иккинчи, учинчи линиясини босиб ўтдилар.

Қўл пулемётининг иккинчи номери қизил аскар Жумантаев ярланди. Ўқ унинг кўлини тешиб ўтди. Жумантаев ярасини боғладида, яна сафда қолди ва дискларни тўлғазиб пулемётга беришни давом этказди. Снаряд осколкаси блан белидан жароҳатланган қизил аскар Соснин ҳам жанг майдонидан кетмади.

Офицер Золотовнинг ҳамма жангчилари ҳам ана шундай жасурона жанг қилдилар, душманни анча жойга улоқтириб ташладилар.

Майор М.Якимов, капитан А.Белощеев

1944 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ. №99 (260)

ХОРАЗМЛИ ЙИГИТ

Жангчининг кундалик хаётида кутилмаган воқиялар кўп бўлади. Уруш майдонида ҳар куни аллақанча янгиликлар эшитасиз. Одатда, мудофаа жангчилари қандай бўлишини ҳар бир солдат биледи десак хато бўлмас. Эрта блан икки ўртада артиллерия отишмаси бўлгандан кейин яна жимжитлик бошланди. Фақат онда-сонда зийрак снайперларимизнинг узган ўқларигина жимликни бузар эди.

Кун «ажойиб» ходисалар рўй бермай, тинчгина ўтди. Куз пайт. Дарҳол қоронғи тушиб қолди. Бўлинма командири старший лейтенант Андреев душман позициясини разведка қилмоқчи экан, сара жангчиларни танлай бошлади.

Бир орден ва икки медалга эга бўлган сержант Ласимов бўлинмада ботир йигитлардан саналади. Айниқса, разведкачиликда кўп тажрибали у. Бўлинма командири бу сержантни ҳар сафар разведкага

юбора бермайди. Засимовга топшириқ берилар экан, вазифани муҳимлигини ва ғалати ишлар бўлишини кутиш керак.

Сержант бўлинма командири ҳузуридан чиқиб келгандан кейин хоразмли йигит комсомол Қурбонбой Матмуродовни ўз ёнига чақирди. Улар биргалашиб карталарни кўрдилар, компасларни текширдилар ва сўнгра ҳужжатларини парторгга топшириб йўлга чиқдилар.

Тун жуда ҳам қоронғу эди. Маълумки, қоронғу кеча разведкачи учун энг яхши йўлдошдир. Биз жанговар шерикларимизга муваффақият тилаб қолдик.

Тахминан уч соатдан кейин азаматлар бир фрицни эргаштирганлари ҳолда разведкадан қайтиб келдилар. Засимов блан Матмуродов душман позициясида кўп маълумотларни тўплабдилар. Немислар шу кечаси катта куч йиғиб қўйганлари ҳолда бизга қарши ҳужумга ўтмоқчи эканлар. Зийрак разведкачилар буни дарҳол пайқабдилар.

Бўлинма командири шошилиш равишда кўрсатмалар берди. Қизил аскарлар душман ҳужумини қайтаришга ҳозирлана бошлади.

Бу орада бирин-кетин уч ракета осмонга кўтарилиши блан маст немисларнинг овозлари эшитилиб қолди. Ўт очиш тўғрисида команда олдик. Ҳозир эса хоразмли йигит ўзининг даҳшатли қуроли – станокли пулемёт ёнида эди. Кечаси ҳужумга ўтиб муваффақият қозонамиз деб ўйлаган немисларнинг хаёллари бу гал ҳам пучга чиқди. Улар тонг ёриши блан тўрт марта атакага ўтиб кўрсалар-да, ҳар сафар шармандаларча орқага суриб ташландилар. Гвардия кизил аскари Қурбонбой Матмуродов шу жангда ўз пулемётининг стволини икки марта айрибошлади. Тунда пулемёт ўт очиш анча мушкул бўлишига қарамай, у ўндан ортиқ фрицларни қириб ташлади.

Қурбонбой Матмуродов чаққон жангчи бўлиши блан чечан агитатор ҳам. Хоразимли йигит яқинда бўлинмага келган ўзбек жангчилари блан ўз қисмининг традициялари ва ёш жангчилар олдига қўйган вазифалар ҳақида суҳбат ўтказди. Суҳбатда у ўзбек халқининг



Совет Иттифоқи
Қаҳрамони Абдилазиз
Йўлдошев.

атака қилишларига қадар ўзларини сездирмасликлари шарт эди. Жангчиларимиз ишга киришдилар.

«Ура!» овози жанг майдонини ларзага келтириб жангчилар олға қўтарилганларида немислар қоча бошладилар. Додабоев ўз пулемёт ўти блан немис итваччаларини қириб ташлади.

Ватан Адашбой Додабоевнинг бу қаҳрамонона ҳаракатини юксак баҳолаб «Қизил юлдуз» ордени ҳамда «Жасурлиги учун» медали блан мукофотлади.

Биз яқинда унинг оиласига, қишлоғидаги ёри дўстларига жанговар бўлинмамиз номидан мактуб ёзиб юбордик.

Старший лейтенант Г.Иванов

ЎҒЛИМ

(Колхозчи она тилидан)

*Оптогим, қўзи, қулуним,
Сўзларимга қулоқ сол!
Сен йигит бўлиб етишдинг,
Қўлларингга қурул ол!
Арслон блан курашсанг,
Йиқатурган кунингдир.
Ёвга қариши отланиб
Чиқатурган кунингдир.
Узоқ жойга чопмаса,
От тезлиги билинмас.
Жангга йигит кирмаса,
Қаҳрамон ном берилмас.
Ватанга иш кўрсатмай
Халқ ботири бўлалмас.
Душманнинг бошин кесмай
Озодлик у олалмас.
Онанинг ҳақ фарзанди
Бўлур фидо элига.
Миниб олсин оқ бўз от,
Оқ шамишрни қўлига.*

*Ўғил бўлсанг халқ учун
Бор фронтга, бор, ўғлим!
Қўлингда қилич-озодлик,
Халқ қастини ол, ўғлим!
Қонли оғиз, ялмовуз
Фашистларни қириб кел.
Мангу бахт халқ учун
Озодликни олиб кел.
Меҳрибонинг мен онанг
Тийлда ортиқ ишлайман.
Қаҳрамони деб элнинг
Дилда сени сақлайман.
Сени тугдим халқ учун,
Бор фронтга, бор, ўғлим!
Қўлингда қилич-озодлик,
Халқ қастини ол, ўғлим!*

*Қорақалпоқчадан таржима
қилган Турумбетов*

Социалистик Ўзбекистонда

КУЗГИ ДОН ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Самарқанд (ЎзТАГ). Ургут районининг колхозлари кузги дон экиш планини бажардилар. Планда кўрсатилган 19 минг гектар ўрнига 19 минг 500 гектар ерга док экилди. Экиш давом этмоқда.

Нурота районининг колхозчилари ҳам кузги док экиш планини бажардилар. Бу ерда шудгорлаш планини 5 декабрдан Сталин Конституцияси кунигача тугаллаш мажбуриятини олдилар.

БОЛАЛАР КОНСУЛТАЦИЯ ХОНАСИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги Тошкент Октябрь районида янгидан болалар консултация хонаси ташкил қилди. Консултация хона ёнида махсус ошхона ҳам бор. У мингга яқин бола ва ҳомиладор хотинларни сутли овқат блан таъмин этиб туради.



Анджон область, Избоскан районининг Ўртоқлар қишлоқ советидаги «Зарбдор» колхозининг аъзоси, пахта устози Қурбон ота Нурматов ўз звеносига қарашли пахта майдонининг ҳар гектаридан 85 центнер ҳосил топширди ва яна ҳар гектардан 30 центнер пахта топшириш мажбуриятини олди. Суратда: Қурбон ота 5.000 килограмм пахта терган Эмаҳон номли (чапда) ва 10.000 килограмм пахта терган Ўғулхон номли ўз қизлари блан биргалиқда янги терилган пахталарни кўздан кечирмоқда.

В.Терехов сурати (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИСҚАЧА ЎЗБЕКЧА ФАЛСАФИЙ ЛУҒАТ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ўзбекистон давлат университетининг марксизм-ленинизм кафедрасининг бошлиғи ўртоқ Иброҳим Мўминов ўзбек тилида қисқача фалсафий луғат тузишга киришди. Бу луғат марксизм-ленинизмни, дизликтик материализмни, фалсафий фанлар тарихини, Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистондаги машҳур мутафаккирларни ўрганишга ёрдам беришга қаратилган. Ўртоқ Мўминов луғат тузишни Ўзбекистоннинг 20 йиллигига тамом қилмоқчи.

Ғ.Ашуров

ОЛҚИШ

Ўзбекистон, олқишлайман гул юзинг,
Пешанангда порлайди бахт юлдузинг.
Немис-фашист босқинчилар қирилиб,
Берлингача қувилмоқда сурилиб.
Фарзандларинг, қилич, найза қўлида,
Жанг қилмоқда ҳозир Неман бўйида.
Рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз дўстлашиб,
Кирдик немис ерларига ўт очиб.
Сенинг гўзал йигирма йил тўйингда
Қуршаб олиб ёвни Балтиқ бўйида,
Қирмоқдамиз дўппослашиб қуни-тун,
Ўттиз чоқли дивизиясини бутун.
Тийлда опа, сингилларим ўйнашар,
Йигирма йил галабангни тўйлашар.
Пахта, ипак, озиқ-овқат, ўқ-дори,
Совгалари йўқдир асло миқдори.
Биз, қаҳрамон фарзандларинг, шерюрак,
Мушти – болга, гўё темир, зўр билак.
Қирмоқдамиз ёвузларни аямай,
«Фердинанд»у балосига қарамай...
Олқиш сенга, Ўзбекистон, маконим,
Суви зам-зам, кўки қуёш Ватаним.
Йигирма йил баҳорингни олқишлаб,
Илгарига дадил қадамни ташлаб,
Жангга кирдик, дилга мадад бер ўзинг,
Меҳрибоним, қувнатиб ҳур, гул юзинг.

Т.Шарқий



Гвардия ефрейтори тўпчи-разведкачи
Гаффор Турсунов Ватан урушининг бошидан
бери бир полкда хизмат қилиб, немис-фашист-
ларни қириб келмоқда. Ўзбек халқининг мард
фарзанди Турсунов Қизил Юлдуз, III даража
Шуҳрат ордени, «Жанговар хизматлари учун»
ва «Москва мудофааси учун» медальлари
блан мукофотланган.

Г.Брайнин сурати

1944 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ. №102 (263)

СОВЕТ СОЛДАТИНИНГ КУЧИ

Дастлаб мен оддий ўқчи эдим. Винтовка ҳам жуда соз қурол. Уни икир-чикиригача пухта билиб олмасанг солдат бўлиш қийин гап. Аммо винтовканинг ўзи блан душманнинг ҳам солдатларини, ҳам, ҳарбий тил блан айтганда, техникасини зеру забар қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам армиямизда нима кўп – турли-туман қурол-яроқ кўп. Кейинчали командирларимга айтиб юриб замбарак расчётига ўтганман.

Аммо сир бўлса ҳам шуни айтайки, мен душманга қандай шикаст еткизганимни ўз кўзим блан кўриб турмасам яхши хузур қилмайман. Шунинг учун ҳам госпиталда даволаниб чикқанимдан кейин яна пиёда аскарлар қисмига бордим. Бу қисмда танкка қарши отадиган милтик, пулемёт ва кўп турли гранаталарнинг хосиятларини билиб олдим.

Кунлардан бир кун, шу йилнинг ёзида, мени ўз позициямизни қўриқлаш учун соқчи қилиб қўйдилар. Бир маҳал қарасам, учта немис биз томонга қараб эмаклаб келмоқда. «Шошмай тур» дедим кўнглимда. Ҳалиги чўққа тумшуклар яқинроқ келиши блан бирин-кетин



икки граната ирғитиб уларнинг ҳаммасини жаҳаннамга узатдим. Ўшанда «буларни тириклайин тутиб олишим керак эди» деб ҳам ўйлаб кўйдим. Лекин улар учта эмас, кўпчилик экан, анча жанг қилиб асирлар ҳам олганмиз.

Шундан кейин мени нукул катта ишларга кўйишадиган бўлди. Бир куни тепаликнинг қоқ устига чиқиб окоп қазиб, ўша ердан немисларнинг нима қилаётганини пойлаб турдим. Командир ўрмон бўйлаб келган йўлни кўрсатиб, «Шу ердан немис аскарлари, балки танклари ҳам келиб қолиши мумкин. Хушёр бўлинг» деб уқдирди.

Унинг айтганлари тўғри чиқди. Пешиндан кейин немисларнинг икки танки кўринди. Назаримда, худди улар менга қараб келаётгандай эди. Кўйиб бердим. Отамнинг «Талашиб ўлганнинг имони бақувват бўлади» деб айтганлари эсимга тушди. Бу гал танклар блан талашмоқ керак эди. Биттаси 30 одимча яқин келгандан кейин бир гранатани ирғитиб, ўзим окоп тагига чўкдим. Бирпасдан кейин қарасам, ҳалиги танк ўт ичида қолибди. Завкланишга ҳам вақт бўлмади, иккинчи танк жуда яқин келиб қолган экан. Ҳаял қилмай унга қараб ҳам икки граната отдим. Танк қийшайганича тўхтади. Яна бир гранатани аямадим, немис танки ёна бошлади.

Шу воқиядан кейин мени штабга чақирдилар ва дам олиш уйига жўнатдилар. Дам олиш уйига генералимиз келиб қолди. У ҳаммамизни сафга тиздириб, 0270-сонли буйрукни ўқиб чиқди-да, менга қараб «Ўзбеклар немисларни ўртоқ Сталин ўргатганидек урмоқдалар. Сизга ҳам раҳмат, бундан кейин янги муваффақиятлар тилайман» деб кўлини узатди. Ўша замон менга 40779-сонли 1-даражали «Ватан уруши» орденини ҳам топширди.

ҚАҲРАМОН ТЎПЧИЛАР

Уч медаль ва «Қизил юлдуз» ордени тўп расчётининг командири Иванов ўз расчётидаги жангчилар блан жуда дўстона, иноқ яшайди. Нишонловчи старший сержант Череньков III даражали «Шухрат» ордени ва «Жанговар хизматлари учун» медали, ўқловчи-ефрейтор Парпи Жумаев эса «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланган.

Иккинчи номер нишонловчи – старший сержант Маслов эса яна орден блан мукофотланишга такдим этилди.

Бу қахрамон расчёт яқинда бир ҳужум жангида алоҳида маҳорат кўрсатди.

Душманнинг пиёда аскарлари икки бор қарши атакага кўтарилганларида қахрамон тўпчилар тўғри нишонга олиб қақшатғич зарба бердилар ва уларни кейинига қайтардилар. Аламзада душман сўнгра яна бир неча бор танклар блан атака қилди, аммо қахрамон тўпчилар бир қадам кейинига тисланмай, мардларча жанг қилдилар.

... Расчёт командири ярадор бўлди. Нишонловчи Череньков дарҳол унинг ўрнига ўтиб командирлик қилди, ефрейтор Жумаев эса нишонловчининг ўрнига ўтиб душманга яна кучлироқ зарба берди.

Натижада қахрамон тўпчилар душманнинг беш бор атакасини яксон қилиб шармандаларча кейинига қайтардилар. Жанг майдонида немисларнинг бир неча танк, иккита 45 миллиметрли тўпи парча-парча қилиниб, ёндирилди. Бир рота чамасида немис солдат ҳамда офицерлари ер тишлашиб мангу қотиб қолдилар.

**Қизил аскар Юсуп Қаландаров,
«Жанговар хизматлари учун» медалли.**

УЧИНЧИ БОБ



«ФРОНТ ҲАҚИҚАТИ»

Иккинчи Белоруссия fronti газетаси – «Фронт ҳақиқати»-нинг 1944 йил май – ноябрь ойларидаги 33 – 44-, 46 – 47-, 49 – 54-, 56 – 59-, 63-, 65 – 71-, 73 – 82-, 86-сонлари, 1945 йил июль – декабрь ойларидаги 49 – 66-, 75 – 96-сонлари сақланган, қолган сонлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Шу боис газетанинг ихтиёримиздаги сонларида эълон қилинган мақола, очерк, суҳбат, учрашув, турли хабарлар, суратлар, ватандан борган хат-хабарлар, ўзбек ҳарбийларининг уйларига ёзган хатлари асосида ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмга қарши олиб борган кураши ва фронторти – Ўзбекистонда душман устидан ғалаба қозониш учун нимаики зарур бўлса, барчасини олис фронтларга юбораётганликлари, халқимизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғулари акс этган материаллар мазмуни очиб берилади. Газета 1945 йил 5 июлдан «Ғалаба байроғи» номи билан чиққан. Газетанинг 1944 йил 3 майгача бўлган сонлари қўлимизга келтирилганича йўқ, яъни 32 та сони бизгача сақланиб қолмаган, балки, тегишли ҳарбий фронтлар фаолияти билан боғлиқ архив фондларида сақланаётгандир. Эҳтимол, Россия ҳарбий давлат архиви ва мудофаа вазирлиги архив фондларида сақланаётган бўлиши мумкин. Келажакда бу борада тадқиқот ишлари олиб бориши лозимдир.

Биринчи саҳифада 1 майдаги «Олий бош қўмондон буйруғи», 2-саҳифасида Адҳам Ҳамдамнинг «Май қўшиғи», «Немисларга омон бермайман», «Душман яксон қилинади», «Қуролимга иснод келтирмайман», «Йиртқич янчиб ташиланади», «Агитатор сўзи», 3-саҳифада «Ҳарбий маҳоратни ошириши – еримизни немис йиртқичидан тозалашнинг гаровидир!» рукни остида «Фердинанд»га қарши», «Разведкада», «Командир бўлдим», «Жангга борганинда граната йўлдошинг бўлсин», «Уч тил тутилди», «Снайпер Алихонов ва унинг шогирдлари», «Мерган Селедцо», 4-саҳифада «Совет информация бюросидан», «Авиациямиз Брест темир йўл узелига ялпи ҳужум қилди», «Ўзбек музыка ансамбли», «Англия авиациясининг ҳаракати», «Жонажон элимизда» хабарлари берилган. Улардан муҳимларини келтирмоқдамиз.

НЕМИСЛАРГА ОМОН БЕРМАЙМАН

Ўртоқ Сталиннинг биринчи май муносабати билан чиқарган 70-сонли буйруғи маккор душманни тамомила яксон қилиш учун жиддий вазифалар турганлигини яна бир марта уқдириб ўтади. Бу вазифаларни шараф билан бажариш учун мен ўз ҳарбий маҳоратимни доҳий Сталин талаб қилгандек мукаммаллаштирмоқдаман.

Икки марта жангга кирганимда ўз қўл пулемётим билан 11 немисни ўлдирдим. Мен олдимиздаги жангларда немисларга омон бермайман. Немис босқинчиларга қарши шердек курашаман.

Қизил аскар Ҳожааҳмад Солиев

ДУШМАН ЯКСОН ҚИЛИНАДИ

Олий бош қўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг 1 май буйруғи шонли Қизил Армиямизнинг оламшумул ғалабаларига яқун ясовчи тарихий ҳужжатлардир.

Ўртоқ Сталин ўз буйруғида биринчи даражали совет техникасини яхши ўзлаштириб олган артиллеристларимиз, миномётчилари-

миз, танкистларимиз ва бошқа турдаги ҳарбий қўшинларимизнинг душманни Ватанимиз тупроғидан суриб чиқариш йўлидаги жанговар ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Мен уруш бошидан бери немис босқинчиларга қарши жанг қилмоқдаман. Мен Сталинград остоналарида, Витебск ўрмонларида, Киев ёнида немис босқинчиларни кирдим. Киев учун бўлган жангда тўрт немисни найза билан санчиб ўлдирдим.

Мен ҳозир госпиталдаман. Тезда сафга қайтиб ўртоқ Сталиннинг немис босқинчиларни Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқариш, оғанини, опа-сингилларимизни фашизм асоратидан озод қилиш ҳақидаги буйруғини бажаришда фидокорона қатнашажакман.

Ўртоқ Сталин буйруғи бажарилади. Душман ўз инида яксон қилинади.

Қизил аскар Даврон Шарипов

«ФЕРДИНАНД»ГА ҚАРШИ

Ҳужум жанги бошланиш олдидан биз танкка қарши тўпимизни қулай маррага ўрнатдик. Тўп командири сержант Барабоз душманни кузатар эди. Мен ҳашаматли тўпимни яна бир марта кўздан кечириб чиқдим. Ҳамма нарса жойида. Тўпимнинг панд бермаслигига тўла ишонар эдим. Тўртта «фердинанд»нинг биз томонга қараб келаётганини кўрган сержант Барабов душман яқинлашиб, ўт очишимиз учун қулайроқ ерга етганини совуққонлик билан қутиб олиб:

– Мўлжалловчи Маматхонов, душман замбарагига қарши, прицель 8, броня тешучи снаряд билан ўт очилсин! – деб буйруқ берди.

Дарҳол «фердинанд»ни нишонга олдим. Биринчи снарядим душман замбарагини яксон қилди. Қолганлари эса бу қутилмаган зарбани кўриб орқага чекиндилар.

Кўп ўтмасдан йўлда битта ўрта танк ва битта машина пайдо бўлди. Шошмасдан нишонга олиб олдин танкни, сўнгра машинани ёндириб юбордик.

Қисқа жангда расчётимиз душманнинг мақталган «фердинанд»и, танк ва машинасининг қулини кўкка совурди. Шу муваффа-

қиятларимиз учун қўмондонлик бутун расчѐтимизни мукофотлади. Шулар қаторида мен ҳам «Жанговар хизматлари учун» медали ва учинчи даражали «Шухрат» ордени билан мукофотландим. Менга сержант унвони берилди. Мен ҳозир тўпимни беш бармоғимдай биламан.

Совет тўпчиларига немис танклари, «фердинанд»лари қўрқинчли эмас.

Сержант Исмоилжон Маматхонов

КОМАНДИР БЎЛДИМ

Мен армия сафига оддий аскар бўлиб келган эдим. Тез кун ичида ўз милтиғимни аъло даражада ўзлаштирдим. Уни севиб парваришладим. Қурулга бўлган муҳаббатимни кўрган командирим ўз ёнига чақириб:

– Жабборов, миномётчи бўлишни хоҳлайсанми? – деб сўради.

Бу менинг айни муддаом эди. Шу кундан бошлаб мен сержант Козеревнинг 50 мм миномёт расчѐтига мўлжалловчи бўлиб ўтдим.

Бошда мен рус тилини яхши билмас эдим. Миномётнинг материал қисмини, командаларни ўзлаштириш қийин туйилди. Аммо мендаги кунт-сабот бу қийинчиликни енгди. Мен ўз миномётимни севиб ўргандим. Сержант Козеревнинг кеча-кундуз берган ёрдами натижасида тез кун ичида, командиримнинг айтишича, яхши мўлжалловчи бўлиб қолдим.

Бизнинг қисмимиз душманнинг олдинги марраларини ёриб хужумни давом эттирмоқда эди. Бизнинг расчѐтга душманнинг чекиниш йўлларини ўққа тутиш, қочиб бораётган душман пиёдаларини қириб ташлаш буюрилди. Расчѐтимиз худди шундай қилди ҳам.

Олий бош қўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг ҳар бир жангчи ўз қуролининг мохир устаси бўлсин деган буйруғини амалда бажариб ўз қуролимни тўла эгаллашим натижасида ҳозир расчѐт командири бўлиб етишдим.

Ҳозир менинг расчѐтимда рус йигити Комелятов, украин Ткаченко ва лизгин Ифтихоровлар бор. Биз кўп миллатли иноқ бир оиламиз. Бизнинг мақсадимиз немисларни мукаддас еримиздан суриб чиқа-

риш ва уларни қора ерга тиқишдир. Мен ўз жанговар тажрибаларимни ўртоқларимга ўргатмоқдаман. Бизнинг миномёт расчётимиз душманга омон бермаяжак.

Медалли сержант Назир Жабборов

РАЗВЕДКАДА

Разведкачилик мениям ҳунарим бўлиб қолди. Мен анча разведкаларда бўлдим, лекин ҳеч қачон вазифамни бажармасдан қайтмадим.

Старший лейтенант Комаров бошчилигидаги 13 кишидан иборат разведкачилар группаси олдига пиёда аскарларимизга йўл очиб бериш учун душманнинг биринчи мудофаа линиясига ёриб кириш ва душман мудофаасининг ичкарасига кириб жанг давомида «тил» тутиш вазифаси кўйилди.

Кимнинг қандай ҳаракат қилиши кераклиги белгиланди. Мен, оддий аскар Шельков ва Лепешкин – учтамызга «тил» ушлаш вазифаси топширилди.

Бизлар душман траншеясига жуда яқин келганда немислар бизни сезиб қолдилар. Нима қилиш керак? Старший лейтенант Комаров жанг қилишга буйруқ берди. Биз ҳаммамиз душман траншеясига қараб гранаталар отдик ва олға ташландик. Траншея ичида юзма-юз жанг қизиб кетди. Йўлдошим Шельков гранаталар отиб чопиб бораётган эди, траншеянинг бир муюлишида бир немис унтер-офицерининг уни мўлжалга олаётганини кўрдим ва дарҳол немисга ташландим.

– Ҳальт! – деган эдим, у қўлидаги пистолетини менга ўқталди. Шу ондаёқ мен автоматимнинг қўндоғи билан унинг қўлидаги пистолетни уриб туширдим ва ҳалқумидан бўғиб олиб орқага қайтдим.

Қолган ўртоқларим эса жанг билан душманни траншеядан суриб чиқардилар. Бу жангда ўнлаб немис солдати қирилди. Шахсан мен ўзим ҳалиги қўлга туширилган унтер-офицердан ташқари 3 немисни ўлдирдим.

Топширилган вазифаларни муваффақиятли бажарганим, жангларда фидокорлик кўрсатганим учун кўмондонлик мени икки марта «Жасурлиги учун» медали, III даражали «Шухрат» ордени ва «Аълочи разведкачи» деган кўкрак нишони билан мукофотлади.

Қизил аскар Эргаш Валиев

ЎЗБЕК МУЗИКА АНСАМБЛИ

Офицер Солодольников қисмида сержант Абдурахмонов бошчилигида 20 кишилик ўзбек музика ансамбли қисмидаги жангчиларга яхши хизмат кўрсатмоқда.

Ансамблнинг программаси ҳарбий мавзудаги ашула ва рақслар билан бойитилган.

Ансамбль яқинда қисм жангчилари учун катта концерт берди. Ансамблнинг хор группаси «Сталин», «Олға бос!» (ўзбекча), «Запасной полк» (русча), «Хай живые Сталин» (украинча) ашулаларини жуда яхши ижро этди.

Рақсчи, медалли сержант Абдуллаев «Танкист», «Усмония», «Дилхирож» ўйинларини ва сержант Қодиров фронт ўйини «Қуролни сев»ни моҳирлик билан ижро этдилар.

Сержант Исмоилжон Ваҳобов ижросидаги «Армиядан келганлар» ва «Отга миндим» деган кишини руҳлантиручи ашулалар тамошабинларда катта таъсир қолдирди.

Ансамбль қатнашчилари яқинда бўлиб ўтган бадиий хаваскорларнинг қўшилма кўригида биринчилigni олдим.

Младший лейтенант А.Ҳамдамов

1944 ЙИЛ 9 МАЙ. №35 (125)

ИШОНЧЛИ ҚУРОЛ

Менинг қўлимда фашист танкларига даҳшат соладиган қудратли қурол – танкка қарши милтиқ бор. Мен бу қурол билан бир жангда немисларнинг 2 танкини яқсон қилдим.

Бу шундай бўлди.

Эргалаб, тонг маҳалида немисларнинг икки ротача аскари танклар ёрдами билан қарши атакага ўтдилар. Биз душман танклари келиши эҳтимол тутилган жойда ўзларимизга ўт очиш позициялари танлаб олган ва бу позицияларни пухта ниқоблаб, ундан ўт очиш масофаларини олдиндан белгилаб қўйган эдик. Мана, немис танклари бостириб келмоқдалар. Мен танкка отадиган милтиғимдан

олдинда келаётган немис танкига тўғри ўт очдим. Биринчи ўқим танк минорига бориб тегди, аммо танк келишида давом этди. Мен моторига мўлжаллаб отдим. Танк тўхтади. Унинг экипажи чиқиб коча бошлади. Мен милтиғимни ишга солдим. Улардан иккитасини отиб ўлдирдим.

Кўп ўтмай яна немис танки пайдо бўлди. Бензин бакини мўлжалга олиб танк 180 – 200 метр масофага келганда милтиғимнинг тепкисини босдим. Немис танки гулхандек ёниб кетди.

Миномётлар, танкка қарши тўп ва милтиқлардан отган ўтимизга бардош беролмаган душман чекинишга мажбур бўлди.

Гвардиячи сержант А.Мадиев

ЎН ОЛТИНЧИ «ТИЛ»

Мен разведкачи бўлганимдан бери душман томонига ўтиб 16 немисни тутиб келтирдим.

Бир кун командир менинг отделениямга «тил» тутиб келишни топширди. Бу жуда масъулиятли топшириқ эди. Разведкага борганда жуда эҳтиёт бўлиш, бориш йўлини, душман жойлашган районни беш бармоғингдай билиш талаб қилинади.

Тун қоронғи. Биз тепалик ёнидаги чуқурликдан душман томонга қараб кетдик. Душман траншеяларидан икки юз қадам ичкаридан чиқиб, немислар сув оладиган булоқ ёнида пистирма қуриб ётдик. Кўп ўтмасдан пақир кўтарган бир немис солдатининг келаётгани кўринди. У булоққа етиб энди сув олиш учун энгашкан эди, мен унга ташландим ва ҳиқилдоғидан маҳкам бўғдим. У менинг қўлимдан кутилиб кетишга уринди, додламоқчи бўлди. Мен бўлсам унинг оғзига латга тикдим. У кутурган итга ўхшаб хириллай бошлади. Шу атрофда юрган немис қоровули бу шарпани сезган бўлса керак, биз томонга қараб югуриб кела бошлади. Биз яшириндик. Немис солдати пистирма ёнидан ўтиб 3 – 4 қадам босди. Сержант Козлов билан мен уни ҳам ушлаб олдик. «Тил»лар муҳим маълумотлар бердилар.

**Гвардиячи старший сержант,
орденли Х.Султонмуродов**

ҲИСОБИМ ТЎҚҚИЗГА ЕТДИ

Бир жангда командирим немис батареясининг кузатучисини йўқ қилишни буюрди.

Жойлашган еримизда дарахтлар сероб эди. Мен бир катта қай-рағочнинг устига чиқиб, бутуқлар орасида жойлашдим ва яхшилаб ниқобланиб олдим, мени душман эмас, ўзимизникилар ҳам кўрмас эдилар.

Мен анча вақтлар душманнинг ўт очиш нуқталарини синчиклаб кўздан кечирдим, ниҳоят, душман кузатучисини топиб олдим. У ёғоч тепасига махсус уя ясаб жойлашган экан. Дарров нишонга олдим. Икки ўқ билан уни ўлдирдим.

Вазифамни бажариб тугатай деганимда душман снайперининг ётган еридан туриб бошқа жойга кўчаётганини пайқаб қолдим. Биринчи ўқим унинг жонини жаҳаннамга кузатди.

Ҳозир мени ҳисобим тўққизга етди. Ўртоқ Сталиннинг май буй-руғини бажариб немис-фашист итваччаларни қириш ҳисобимни янада оширажакман.

Қизил аскар Суяр Шарипов

1944 ЙИЛ 12 МАЙ. №36 (126)

ОЛҒА, ДЎСТИМ, ҲАМОН ОЛҒА ЮР!

*Салом сенга, оташин юрак,
Ғалабанинг жигарбанд ёди.
Салом сенга, покиза тилак,
Олтомшининг ўлмас авлоди.
Мағрур туриб ҳужум жангида
«Фердинанд»ни айладинг яксон.
Ғалабанинг хуррам тонгида
Кўкрагингга тақилди нишон.
Сен ҳужумга отланганингда
Разил фриц қўрқар, қалтирар.*

*Атакага ташилганингда
Пешанангда юлдуз ялтирар.
Душман чиқиб қочар ДЗОТдан,
«Урра..!» десанг тинглайди жаҳон.
Сен отган ўқ, сен очган ўтдан
Ёв қирилар, ором олар жон.
Ниқобланиб сен чиқсанг «ов»га,
Мақтайдилар: «Аъло снайпер».
Омон берма қон қусган ёвга,
Ўлдира бер, эй қаҳрамон эр.
Қанча кўпки немисни қирсанг,
Бу сен учун энг катта савоб.
Ғарбга томон дадилроқ юрсанг,
Эл хатига энг яхши жавоб.
Ғалабадан сен қўшиқ айтсанг,
Ёринг чиқар кутиб йўлингга.
Сен ёвларни енгиб қайтсанг,
Даста гуллар тутар қўлингга.
Олга, дўстим, ҳамон олга юр!
Ғалабалар яшиндек чоқин.
Олга, дўстим, немисни ўлдир,
Зафарли кун, тўйимиз яқин.*

А.Ҳамдам

ДОНГДОР ЙИГИТ

Сержант Исмоилжон эндигина 19 ёшга кирди. Унинг кўкрагини III даражали «Шухрат» ордени, «Жанговар хизматлари учун» медали, «Аълочи артиллерист» ва гвардиячи значоклари безаб турибди.

У қисмининг энг донгдор йигити.

Бир неча соатга чўзилган шиддатли жангдан кейин қисмимиз душманни «З» қишлоғидан суриб чиқариб, қулай маррани эгаллади.

Қуёш ботиб, қоронғилик тушмоқда. Кун бўйи гумбурлаган тўп-ларнинг садолари тинди. Жангчиларимиз янги маррада мустаҳкам-ланмоқдалар.

Танкка қарши тўп расчёти командири сержант Барабов ўз тўпини янги позицияга жойлаштириб бўлиб:

– Ана энди дам олинглар... – деди.

Исмоилжон дарров плашпалаткасини тўшаб Барабовни дам олгани таклиф қилди.

Рус йигити сержант Барабов мўлжалловчи – ўзбек йигити Исмоилжон билан жуда қалин дўстлар, Барабов Исмоилжонни яхши мўлжалловчи қилиб тайёрлади, унга ака бўлди, рус тилини ўргатди. Исмоилжон ўзини миннатдор сезади, уни эҳтиром қилади.

Эрта тонгда бу ака-укалар жангга кирадилар. Исмоилжон биринчи синовдан ўтади.

Тонг палласи...

Яна ҳужум бошланди. Исмоилжон ўт очиш пайтини сабрсизлик билан кутмоқда. Сержант Барабов узоқдан келаётган тўртта «фердинанд»ни унга кўрсатиб:

– Исмоилжон, кўряпсанми? Шу олдинда келаётган «фердинанд»ни мўлжалга ол, – деди. «Фердинанд» сал бурилиш билан Барабовнинг:

– Мўлжалловчи Маматхонов, душман замбарагига қарши, прицель 8, броня ўт оч! – деган командаси эшитилди.

Исмоилжон шошилмасдан мўлжални тўғрилади ва ўқ узди. Биринчи снаряд «фердинанд»ни ёндириб юборди, қолган «фердинанд»лар эса орқага қайтарилдилар.

– Эҳ... Аблах, қочди-я, – деб ғижиниб қўйди Исмоилжон. Кўп ўтмай душманнинг бир танк ва битта машинаси расчёт жойлашган томонга қараб кела бошлади. «Меҳмон»лар яхшилаб кутиб олинди, Исмоилжоннинг тўғри нишонга олиши билан олдин танк, сўнгра машина яқсон қилинди.

Қиска, муваффақиятли жангдан кейин батарея командири старший лейтенант Давиденко расчёт ёнига келиб қахрамон тўпчиларни табриклар экан, Исмоилжонга қараб деди:

– Қалай, Федька (Исмоилжонни ўртоқлари доим шундай деб атар эдилар), фрицни кўрдингми?



Гвардиячи сержант
Исмоилжон
МАМАТХОНОВ.

А.Штирин фотоси.

– Кўрдим, ўртоқ старший лейтенант, тўпимга бардош беролмай думини хода қилиб қочди.

Шу кунги жангдан кейин Исмоилжон Маматхоновлар расчётининг довуғи бутун қисмга ёйилди.

Душман пиёдалари танк ёрдами билан қарши атакага ўтдилар. Пиёдаларимиз атакани қайтармоқда. Маматхоновлар расчёти пиёдаларимизга мадад бермоқда. Жанг қизиб кетди. Сержант Барабов ва икки шериги ярадор бўлиб сафдан чиқдилар. Тўп ёнида фақат довъярак Исмоилжоннинг ёлғиз ўзи қолди. У ўзи ўқлаб, ўзи мўлжаллаб душман устига ажал уруғини сепарди. Тўп тўхтовсиз ишламоқда, снарядлар эса тамом бўлмоқда. Душман танклари, пиёдалари жуда яқинлашиб қолдилар. Исмоилжон энг охирги снарядни ҳам отиб тамомлади. Энди нима қилиш керак?.. Снаряд йўқ, вақт зик.

Мана, бизнинг танкларимиз душман устига шердек ташландилар. Танклар изидан пиёдаларимиз атакага – найза жангига кўтарилдилар.

Маматхонов батарея командирининг:

– Атакага! – деган командасини эшитиши билан олдиндан келаётган танк устига чиқиб олди. Танк бир зумда немис пиёдалари ўртасига ёриб кириб пўлат занжирлари билан уларни мажақлай бошлади. Маматхонов танк устида бораётиб немисларни ўққа тутди. Мана, немислар қоча бошладилар. Исмоилжон танкдан сакраб тушиб найзасини ишга солди ва тўртта фрицни санчиб ўлдирди.

Душманнинг қарши атакаси қайтарилди. Қисм ҳужумини давом эттириб олға жўнади...

Яна бир қишлоқ озод қилинди. Немис қуллигидан қутилган, юраклари интизорликда пора-пора бўлган белорус она шодлигига сиғмай ўзбек ўғлини кучоқлаб ўпди.

Исмоилжон бугун Белоруссия ерини озод қилиб, душманни таъкиблаб ғарбга бормоқда. У яраланган немис йиртқичнинг инига бос-тириб кирижак.

Ҳ.Адҳам¹³

¹³ Мазкур материал «Водийнома» журналининг 2017 йил 2-сонида ҳам берилган.

ЎЛЖА ҚУРОЛДАН ОТИБ

Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз. Бу жуда тўғри ва ҳаққоний ай-тилган ҳикматли сўз. Ҳозир Ватан уруши фронтларида жанг қилаётган йигитларимиз ҳамма турдаги уруш қуроллари, шу жумладан, душмандан ўлжа олинаётган қуроллари ўрганишлари ва улардан усталик билан фойдаланишлари лозим.

Урушда ҳар хил қутилмаган нарсаларнинг келиб чиқиши мумкин. Душман қуролини яхши билсанг уни ўз қуроли билан қирасан.

Жанглардан бирида немисларнинг сошқага ўрнатиладиган МГ-34 деган қўл пулемётини ўлжа олдим. Бу пулемётни станокли пулемёт сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Мен ўзимизнинг СВТ, ППШларимиз, 50 миллиметрли миномётимиз ва станокли пулемётимиздан ташқари МГ-34 пулемётини ҳам жуда яхши ўрганиб олдим ва у билан анча немисни қирдим.

...Мен ва ёрдамчим қизил аскар Юзбоев жанговар соқчиликда турган эдик. Немислар бизнинг олдинги марраимизга ҳамиша тонг палласи вақтида кичик ва катта группаларга бўлиниб ҳужум қилишга уринардилар. Бундай вақтда, айниқса, ҳушёр бўлиш керак.

Тонг энди отаётганда 50 тача немиснинг бизнинг томонга эмак-лаб келаётганини кўриб қолдим. Биринчи марта уларга қараб 3 – 5 ўқ чиқариб қисқа навбат билан отган эдим, немислар ерга гуё япроқдек ёпишиб олдилар. Бир оздан кейин улар яна эмаклаб кела бошладилар. Бу сафар уларни 60 – 70 метргача яқин келтириб, узлуксиз отиб ўнлаб фрицнинг жонини жаҳаннамга юбордим. Ўзларига қаратиб отилаётган немис пулемётининг зарбасидан ғазабга келган душман бизнинг ўрнашган ўт позициямизга ўқ ёғдира бошлади. Биз дарҳол позициямизни ўзгартириб яна бир марта узлуксиз ўт очдик. Бу сафар душман солдатлари зарбамизга чидай олмай орқасига чекинишга мажбур бўлдилар.

Гвардиячи сержант Э.Ҳақимов

НЕМИСНИ ЎЛДИРДИМ

Бизнинг траншеямиз немисларга яқин. Мен ўз амбразурамда поста тураман, немис окопларини кўраман, уларнинг ДЗОТ ва қоровулларини кўраман. Мана, душман кўринади, менинг ўқимга дуч келади.

Яқинда кундузи ўз ертўламга кета туриб, одатим бўйича, ҳамма амбразурани қараб чикдим. Икки немиснинг юрганини кўрдим.

Мен шодланиб кетдим, дарҳол амбразурада туриб мўлжалга олдим. Иккала немисни ҳам бирданига ўлдиргим келади, лекин «Икки отга бирдан юган солалмайсан». Мен бир немисни мўлжалга олиб отдим ва уни йикитдим. Бошқаси қочди. Немиснинг ўрмалаб бораётганини кўрдим. Яхшики, уларнинг траншеяси саёз, мен душманни кўраман. Милтиқни ўқлаб турдим. Мана, немис бир оз кўтарилди, мен иккинчи мартаба отдим. У ҳам йиқилди. Мен узоқ вақт уни кузатдим. Йўқ, кимираммайди. Немис аниқ ўлган. У шу ҳолда кечгача оғнаб ётди.

Қизил аскар С.Қодиров

ПУЛЕМЁТ – СЕВГАН ҚУРОЛИМ

Мен дастлаб армияга келганда станокли пулемёт расчётида мўлжалловчининг ёрдамчиси эдим. Расчёт командиримиз, младший сержант Козловнинг ёрдами орқасида тездан мўлжалловчи бўлиб етишдим.

Станокли пулемёт менинг энг севган ва жонажон қуролим бўлиб қолди.

Мен сўнгги жанглардан бирида қатнашиб, станокли пулемётим билан душманнинг икки қарши атакасини қайтардим ва 30 тача немисни ўлдирдим.

Ҳозир мен ёрдамчим Самсуновга станокли пулемётнинг бутун қисмларини ўргатиб, уни энг яхши пулемётчилардан бири қилиб етиштириш устида ишламоқдаман. Ўзбек, қозоқ жангчиларини пулемётчи қилишда командирга яқиндан ёрдам бермоқдаман.

Медалли қизил аскар Ж.Шарипов

ЖОНАЖОН БЕЛОРУССИЯНИ ОЗОД ЭТАМИЗ

Исмоилжон Маматхонов мардлиги биз учун намуна

Сухбат ўз-ўзидан ташкил топди. Фронтга жўнаётган ўзбек, қозоқ, туркман жангчиларидан бир гуруҳи офтобда ўлтирган эди. Қўлига газета ушлаган агигатор Аббосжон келиб қолди.

– Кўринглар-чи, – деди жангчиларга Исмоилжон Маматхоновнинг кулиб турган расмини кўрсатиб, – бу ёш азамат немисларнинг битта танки ва битта «фердинанд»ни яқсон қилган. Мен сизларга унинг қиссасини ўқиб берай-чи.

«Донгдор йигит» очеркини ҳамма завқ билан тинглади. Ўқиш тамом бўлди. Гвардиячи младший сержант Содикназаров ўрнидан турди ва ўртоқларига қараб:

– Исмоилжон халқимизнинг топшириғини шараф билан бажарган ботир. Бизлар ҳаммамиз ундан ўрнак, намуна олишимиз керак. Биз Белоруссия тупроғидамиз. Эртан олдинги маррада бўлажакмиз. Ўзбек халқи бизларга «Аканг бўлган руснинг, қардошинг бўлган белоруснинг, украиннинг уйига герман каллакесари босиб кирди... Уни ўша қардошингни эшигида тор-мор келтир» деган нақазни берган эди. Биз уни шараф билан бажаражакмиз. Жонажон Белоруссияни Маматхоновдек ботирларча курашиб озод қилажакмиз, – деди.

Сўнгра қизил аскар Давлатов сўз олди: «Мен ҳали жангда бўлган эмасман. Лекин станокли пулемётни яхши ўрганиб олдим. Исмоилжоннинг ботирлигига ҳаммамиз:

– Баракалла, – деймиз.

Мен Исмоилжондек донгдор бўлиш учун, ҳарбий онтимни бажариш учун бутун кучимни сарф қилажакман».

Қизил аскар Маҳмуд Маликов бундай деди:

– Мен ёшим жихатидан Маматхоновга ота бўладиган одамман. Бироқ ботирликда у менга устоз бўла олади. Мен снайперман. 18 немисни ўлдирдим. Бу ҳисобни мен яна оширажакман. Немис йиртки-

чига омон бермаяжакман. Қахрамонларнинг шуҳрати тилларда дoston бўлсин. Биз Маматхонов билан фахрланамиз ва ундан намуна оламиз!

Қизил аскар Мустафоев сўз сўраб кўлини кўтарганида рота командирининг:

– Рота, сафлан! – деган командаси эшитилди. Рота сафланди. Жангчилар забардаст қадам босиб ғарбга жўнадилар. Шубҳа йўкки, улар ўз ваъдаларининг устидан чиқажақлар.

Б.Шарипов

АГИТАЦИЯ ИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР

Медицина хизмати старшинаси ўртоқ Бойжонов партия ташкилотчиси бўлган ротада агитация-пропаганда ишига катта эътибор берилмоқда. Янги агитаторлар етиштирилди. Ротанинг энг илғор кишилари бўлган Холматов, Рабеновлар жангчилар ўртасида оммавий – агитация ишларини олиб бориш учун агитатор қилиб белгиландилар.

Партия ташкилотчиси Бойжонов агитаторларнинг ўтказадиган кундалик машғулотлари учун уларга алоҳида кўрсатмалар бериб туради.

Янгидан етиштирилган агитаторлар ишга ҳавас билан киришдилар. Улар ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда аъло намуналар кўрсатиш ва большевистик сўзлари билан жангчиларни ўртоқ Сталиннинг биринчи май буйруғини бажаришга илҳомлантирмоқдалар.

Жангчиларни дўстлик руҳида тарбиялаш ҳам партия ташкилотининг ишида марказий ўрин тутмоқда. Партия ташкилоти коммунист ўртоқ Коноплевга қизил аскар Муҳаммадовга рус тилини ўргатиш вазифасини топширди. Муҳаммадов Коноплевнинг ёрдами билан рус тилини анча ўзлаштириб олди, командаларни ва қуролларнинг қисмларини бемалол рус тилида айтадиган бўлиб қолди.

Қизил аскар Муҳаммадов бунчалик зўр ёрдами учун ўз жанговар рус ўртоғи Коноплевдан ниҳоят миннатдор ва уни ҳар жойда ҳурмат қилади.

Партия ташкилоти ана шундай усулда ўз ишини анча яхшилаб олди.

Капитан А.Рустамов

*Шундай жанг қилки, номинг тилларда достон бўлсин!
офарин сизга, ўзбек халқининг ботир ўғиллари
Эргаш Ҳақимов, Шамаджон Исаев!*

ЖАСУР ПУЛЕМЁТЧИ

Ўзбек йигити Шамаджон Исаев тажрибали, кўпни кўрган жангчи. У кўп мартабалар қизгин жанглarda қатнашган, ғолиблик эса унинг йўлдоши бўлган.

Қизгин жанг бормокда эди. Исаев ва унинг ёрдамчисига ўз қўл пулемёти билан қарши атакага ўтган душманга қарши жанг қилаётган ўқчи взводга ёрдам бериш вазифаси топширилди.

Гитлерчилар артиллерия тайёргарлигидан кейин бизнинг позицияларимизга қараб кела бошладилар. Уларнинг цеплари борган сари яқинлашар эди, бироқ Исаевнинг пулемёти ҳали ҳам жим турмокда.

Душман 80 метрга яқин келганда Исаевнинг пулемёти тилга кирди. Исаев пулемётдан тўхтовсиз ўт очиб турди. Фашистларнинг цепларида саросималик бошланди. Улар орқага чекина бошладилар.

Жасур пулемётчи ярадор бўлди. У дарҳол ўз ярасини боғлаб олди ва яна қарши атакага ўтган гитлерчиларга қарши совуққонлик билан пулемётдан ўт оча бошлади ва уларнинг бу сафарги қарши атакасини ҳам пучга чиқарди.

Шу жангда кўрсатган мардлиги учун ўзбек халқининг баҳодир ўғли Шамаджон Исаев «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Қизил аскар Е.Куликов

ЭРГАШНИНГ ЭРЛИГИ

Омударъёда юк ташучи «Микоян» пороходининг ёш матросларидан бири – Эргаш Ҳақимов 1940 йилда Қизил Армия сафига чакирилди. Даръёда суза бериб офтобдан юзлари қорайган, пароходнинг лангарларини кўтариб юриб мускуллари куч олган Эргаш Ватан урушининг биринчи кунларидан немисларга қарши жанг қилмокда.

Сиз Омударъёдек жўшқин ва тажанг даръёда сузиш учун кишига қандай юрак, сабот ва моҳирлик кераклигини кўз олдингизга келтиринг ва бундай кишиларнинг жанг майдонида қандай жавлон кўрса-тишларини ҳам ўйлаб кўринг.

Эргаш фашистларга қарши ўндан ортиқ хужум жанглирида қатнашди. Буларнинг ҳаммасида ҳам эпчиллик, жасорат ва мардлик намунасини кўрсатди.

... Немислар жангчиларимиз эгаллаб олган аҳоли яшайдиган муҳим пунктни қайтадан қўлга олиш учун бир ротадан ортиқ солдатини жангга ташлади. Аҳолини пунктнинг этақларидан ўзларига қулай позициялар танлаб олган жангчиларимиз мерганларча узган ўқлари билан немис солдатларини қира бошлади. Немислар тўзғиб кетди. Автомат милтиқ ва пулемётларнинг ўқлари хуштак чолиб ўтарди. Жанг ғоят шиддатли тус олиб, қизиб кетди. Жангчиларимизнинг ғайрати оша борди. Жангда қизиб кетган қизил аскар Эргаш Ҳақимов ўз ўртоқларини немислар устига ташланишга чақирди. У милтигини маҳкам ушлаган ҳолда:

– Ватан учун олға, дўстлар! – деб кичқирди ва биринчи бўлиб немислар билан найзабозлик жангига киришди. Ярим соатдан ошиқ давом этган бу жанг жангчиларимизнинг муваффақияти билан тамом бўлди. Шу жангда Ҳақимов 6 та немисни найза билан санчиб ўлдирди ва битта немис қўл пулемётини ўлжа олди.

Жангда маҳорат кўрсатган Эргашнинг мартабаси ошди. Унга сержант унвони берилди. Немислардан ўлжа олган МГ-34 пулемётини жуда яхши ўрганиб олиб, уни немисларнинг ўзига қарши ишлата бошлади.

Эргаш Ҳақимов ва унинг ёрдамчиси қизил аскар Юзбоев жанговар соқчиликда турмоқда эди. Немислар бизнинг олдинги маррамизга ҳамиша тонг палласи вақтида кичик ва катта гуруппаларга бўлиниб хужум қилишга одатланганликдан бундай вақтда, айниқса, хушъёр бўлиш керак. Ҳар икки азамат ўткир нурли кўзлари билан атроф-теваракни кузатиб турмоқдалар. Уларнинг ҳаракати гўё юксак тоғ чўққиларидан туриб ўз овини кузатаётган лочинга ўхшар эди.

Тонг отмоқда... Уйқусизликдан ўзларини оғир ҳис қилаётган азаматлар, йигитликка хос чидам билан бу оғирликни енгиб, бутун диқ-

қати билан кузатишни давом этдирмоқдалар. Мана, Эргаш 50 тача немиснинг олдинги маррамизга томон эмакляб келаётганини кўриб қолди. У ўлжа пулемётини ушлаб немисларни мўлжалга олган ҳолда ўз ёрдамчиси Юзбоевга ўқларни тайёр ҳолга келтиришни буюрди. Немислар 200 метрга яқин келганларида Эргаш уларга қараб қисқа навбат билан отди, немислар ерга ётиб олдилар. Бир оздан кейин гитлерчилар яна эмакляб кела бошладилар. Бу сафар уларни 60 – 70 метргача яқин келтириб, «қаеринг қичийди, аблаҳлар?!» деб пулемётдан узлуксиз ўт очди. Ўнлаб немислар қонларига бўялган ҳолда тупроққа беланиб қолди.

Ўзларига қаратиб отилаётган немис пулемётидан ғазабга келган фрицлар Эргаш Ҳақимов ўрнашган ўт позицияга қараб қаттиқ ўт очдилар. Булар дарҳол ўз позицияларини ўзгартириб, яна бир марта ўт очдилар. Душман солдатлари Эргаш Ҳақимов бераётган зарбага чидай олмай орқасига чекинишга мажбур бўлдилар.

Яқинда кўмондонлик гвардиячи сержант Эргаш Ҳақимовнинг қахрамонона хизматларини тақдирлаб уни «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади. Чоржўй областининг Фараб районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзоси Наврўз опа Худойкулиева Ватан учун Эргашдек қаҳрамон етишдириб бергани билан фахрланишга ҳақли.

Младший лейтенант О.Авезмурадов

ЖАНГОВАР ОИЛА

Старший сержант Подгарбуиский командир бўлган бизнинг тўп расчётимиз рус, украин, ўзбек ва татардан иборат жанговар оила.

Расчётдаги жангчиларнинг ҳаммаси ўз вазифаларини яхши билади. Снаряд ташучи қизил аскар, коммунист ўртоқ Полянский, ўқловчи қизил аскар – татар Забиrowлар ҳарбий ва сиёсий тайёргарликнинг аълочиларидан ҳисобланадилар. Ўртоқ Полянский командирнинг бажаргани учун бўлинма командиридан икки марта ташаккур олди.

Гвардиячи сержант И.Маматхонов

БУЙРУҚ БАЖАРИЛДИ

Бўлинма командири разведкачиларга орқага чекинаётган немис ротасининг йўлини тўсиб, уларни аскарларимиз етиб келгунча тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ берди.

Биз ўрмонлик – ботқоқлик ерлардан яширинча юриб душманнинг орқа томонидаги йўлга чиқдик ва пистирма курдик.

Мана, немисларнинг юклари ортилган карвонлари кўринди. Бироқ карвонларнинг яқинида немис солдатлари йўқ эди. Биз куролларимиздан ўт очиб карвонни яксон қилдик ва яна пистирмада ётдик. Кечга томон немис солдатларининг колоннаси кўринди. Колонна худди тўғримизга келганда автоматлардан ўт очдик. Қизғин жанг бошланди. Немислар сон жиҳатидан биздан анча кўп эди. Улар бизни ҳамма томондан ўраб олдилар. Аммо биз буйруқни бажариш учун қайтмасдан ўт очишда давом этдик. Жанг икки соатга чўзилди. Кўп ўтмай бизнинг бўлинмаларимиз келиб етди. Немис ротаси тор-мор қилинди. Жанговар буйруқ бажарилди.

«Қизил юлдуз» орденли қизил аскар А.Одилгараев

ЮРАК НИДОСИ

*Кетди ёрим шон-ла жангга,
Ул букун майдондадир.
Ёвни яксон айламоқда,
Қаҳрамон зўр шондадир.*

*Мен унинг ҳамшираси,
Жангларда юрган ёриман.
Ул эрур зўр паҳлавон,
Тилларда ҳам дostonдадир.*

*Ул деди: «Қулган Ватан-чун
Жонимни берсам майлига,
Ёрни, дилдоримни сақлаб,
Қонни берсам майлига».*

*Қаҳрамон ёр ваъдасига
Мен қилай доим вафо.
Кимки енгса бу кураишда,
Бўлгуси гулишандадир.*

*Тингла, ёр, жоним нигор,
Майдонда доим олга бор.
Ёвни янчиб, йўқ этиб,
Зўр шавкату давронда бор.*

*Ёвни енгсанг, Ҳамдамий,
Озода боғда биргамиз.
Сўнгра биздек қаҳрамонлар
Ҳаммаси даврондадир.*

Адхам Ҳамдам

1944 ЙИЛ 28 МАЙ. №40 (130)

ҲУШЪЁР БЎЛ, УСТА ЖАНГ ҚИЛ

Мен жанговар соқчиликда турар эдим. Бу жуда катта ва масъулиятли вазифа. Биздан 400 метр чап томонда душман траншеялари. Қарама-қаршимизда ҳам, ўнг томонимизда ҳам немислар, чунки бўлинмамиз ҳужум вақтида шундай олдинга ёриб кирган эди.

Қоронғи тун. Тип-тинчлик. Мен ҳеч товушсиз ҳар тарафга кулок солиб тингламоқдаман. Немислар томонда қандайдир тинчсизлик эшитилади. Афтидан, улар бирор нарсага тайёрланаётган бўлсалар керак.

Мана, эҳтиёт билан босилган оёқ товушлари эшитила бошлади. Немислар бизга томон яқинлашмоқдалар. Улар бештадан бўлиб олти гуруҳга бўлинганлари ҳолда келмоқдалар. Яна бир минут ўтса, улар бизга ташланишлари, гранаталар отиб ўртоқларимни ҳалок қилишлари мумкин.

ВАТАННИНГ ЖАСУР ЎҒИЛЛАРИ



Чандан уннга: узбек йигити старший сержант Қ. АЗИЗОВ — Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган. Рус йигити младший сержант С. Соболев— „Жасурлик учун“ медали билан мукофотланган, уйғур йигити қизил аскар Ж. Шарипов— „Жасурлик учун“ медали билан мукофотланган.

Пайтни қўлдан бермай қўл пулемётимдан кучли ўт очдим. Бир-бирига яқин уч гуруҳ немисни бир зумдаёқ қириб ташладим. Бошқалари саросима бўлиб ҳар тарафга қоча бошладилар. Мен уларни ўққа тутишда давом этиб яна ўнтача немисни ўлдирдим.

Гвардиячи старший сержант Г.Яхин

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАСИ

Ватан олдидаги ўз бурчини тушунган ва ғалабамиз учун чинакам кураш олиб борадиган ҳар бир киши ўзининг ҳарбий маҳоратини ошириш, қўлидаги куролини янада яхшироқ ўрганиш ва уни душманга қарши мохирлик билан фойдаланиш учун барча имкониятлардан фойдалана олади.

Саидахмад Норов армия сафига яқиндагина чақирилган. У дастлаб оддий аскар эди, ҳозир эса старший сержант бўлиб етишди. Норов тўп расчётида командирлик қилмоқда. У фақат ўз тўпигина эмас, станокли пулемёт, 50 миллиметрлик миномётни ва бошқа қуролларни ҳам аъло биледи ва усталик билан ишлата олади.

Норовнинг расчёти бир жангда тўғри мўлжаллаб отиб душманнинг бир пулемёт нуктасини, бир ДЗОТини яқсон қилди ва ўнлаб немис босқинчисини ўлдирди.

Старший сержант Норов ўз ҳарбий билимини расчётидаги жангларга ҳам ўргатмоқда.

– Мен ўз қуролимни, – дейди Норов, – нечоғлик яхши эгалласам душманга шу қадар кўп талофот етказажимни яхши тушунаман.

Сержант Ж.Абдурахмонов

САДОҚАТ ВА МАТОНАТ

Жанг тамом бўлиши билан қисм командири ротамизга келди. У жуда хурсанд эди. Ҳаммамиз билан саломлашиб:

– Қани бизнинг қахрамон Махаров? – деб сўради. Ёнимдаги дўстим Махаров:

– Мен, ўртоқ майор, – деб олдинга чикди. Майор унинг қўлини маҳкам сиқиб кўришар экан:

– Ўртоқ Махаров, немис-фашист босқинчиларга қарши курашда матонат, жасурлик кўрсатиб душман танкини ёндириб юборганингиз учун сизни ҳукумат номидан мукофотлайман, – деб унга III даражали «Шухрат» орденини топширди.

Мен ҳаяжонланган дўстимни табриклашга улгурмаган ҳам эдим, майор:

– Старший сержант Қодир Азизов, – деб чақириб қолди. Майорнинг қўлидан нур сочиб турган «Қизил юлдуз» орденини олар эканман – жанг манзаралари кўз олдимдан ўтарди...

Шитирлаб ёққан ёмғир чанг бости қилиб бирпасда ўтиб кетди. Мен траншеядан душманни кузатардим. Шу вақт рота команда пунктига боришимга буйруқ келтирди. Югуриб бориб:

– Ўртоқ лейтенант, буйруғингизга мувофиқ старший сержант Азизов келди, – дедим.

– Ўлтиринг, Азизов. Бугун соат 10 да хужум бошлаймиз. Сиз ўз бўлинмангиз билан тепаликни ўнг томонидан ҳаракат қиласиз. Хужум бошлаш учун кўк ракета, атакага ташланиш учун қизил ракета билан сигнал берилади. Буйрукни тушундингизми?

– Тушундим, ўртоқ лейтенант.

Бўлинмани яна бир текшириб чиқдим. Сигнал берилиши билан хужумга ўтдик. Душман пулемётдан қаттиқ ўт очди. Биз жадал ҳаракат қилдик. Тепалик учун бўлган шиддатли жанг ярим соатга чўзилди. Биз душманни улоктириб ташлаб, янги маррани мустаҳкамлаб олдик.

Душман 5 танк ёрдами билан қарши атакага ўтди. Шу вақтда лейтенант Корнен ярадор бўлди. Мен рота командирлигини ўз зиммамга олдим. Рота партия ташкилотчиси Махаров ёнимга келиб:

– Қодир, немис танклари келаётир, – деди.

– Зарари йўқ, кела берсинлар. Сен гранаталарни ҳозирла, – дедим.

Олдинги танк бизга жуда яқинлашиб келди. Махаров иккимиз танкка қарши гранатани олиб баробар ирғитдик. Фашист танки аланга ичида қолди. Қолганлари орқага қараб қочдилар. Биз танк орқасидан келаётган душман пиёдаларини ўққа тутта бошладик. Автоматчи Тўрабоев бирпасда 20 гитлерчини кулатди. Сон жиҳатидан биздан бир неча марта кўп бўлган душман жон-жаҳли билан позициямизни 4 марта атака қилди. Гранаталарни ишга солишга тўғри келди. Юраклари ватанга чексиз садоқат билан жўш урган жангчиларимиз душман атакаларини қайтаришда ажойиб матонат кўрсатдилар. Душман 70 дан ошиқ ўлик қолдириб чекинди.

Ватан ўз ўғилларининг хизматини тақдирлаган экан, биз шодланмай, ким шодлансин?

**«Қизил юлдуз» ордени кавалери,
старший сержант Қодир Азизов**

ЯККА ПАКЕТ МЕНИ ҚУТҚАЗДИ

Мени ҳалокатдан қутқазиб қолган нарса яра боғлайдиган якка пакет бўлди.

Бўлинмамининг жангчилари битта аҳоли яшайдиган пунктда немисларга қарши қизгин жангни давом эттирар эди. Менга иккита жанговар ўртоғим билан асир олинган 4 та немисни олиб кетиш ҳақида буйруқ берилди. Биз уларни олиб кетаётиб энди йўлга чиққанда қаердандир бир ўқ аёғимга келиб тегди. Мен дарҳол ёнимдаги якка пакетни олиб бинт билан ярамни боғлаб олдим.

Энди йўлга тушамиз деганда қўлимдан ярадор бўлдим. Ўзи нима гап? Ким отяпти?

Қўлимдаги ярани боғлаш учун энди на бинт, на рўмол – ҳеч нарса йўқ эди. Бир ўртоғим ўзидаги бинт билан менинг қўл ярамни боғлади. Қарасак, кишлокнинг чекасида қилинган эски ертўладан яна милтиқ товуши эшитилди. Ўртоқларимдан бири шу ертўлани яксон қилишга қарор бериб ертўлани айланиб ўтди ва унга гранаталар отиб яксон қилди.

Биз буйруқни бажарган ҳолда асирларни тайинланган жойга олиб келдик.

Қизил аскар Қ.Қултоев

1944 ЙИЛ 6 ИЮНЬ. №42 (132)

ДУШМАН КОЛОННАСИНИ ТЎПГА ТУТИШ сержант Блужин расчётининг мўлжал отиши

Кундузи кузатиш пунктдан тўп командири сержант Блужинга немис пиёдалари колоннасининг олдинги марраларига қараб бораётганлигини хабар қилдилар.

Сержантнинг командасига мувофиқ расчёт мўлжал билан ўт очди. Олтита снаряд мўлжалга бориб тушди. Немислар йўлда ярадор ва ўлган солдатларни қолдириб қочиб кетдилар.

Мўлжал отиши учун батарея командири расчётга ташаккур эълон қилди.

Қизил аскар К.Назаров

ҚАРДОШЛИК ШУНДАЙ БЎЛАР ЭКАН

Жанглардан бирида қизил аскар Турғунбой Содиков оғир ярадор бўлди. Уни дала госпиталларидан бирига келтирдилар.

Қон қуйиш учун дала госпиталларида тайёр коннинг йўқлиги ярадорнинг аҳволи яна оғирлашиш хавфини туғдирди.

Шу пайтда госпиталдаги капитан Сероз дарҳол ўз қонини беришга тайёр эканини билдирди.

Ўзбек йигити Содиков рус офицери Серовнинг қонидан дармон олди ва борган сари унинг аҳволи яхшиланди.

Уни даволаш учун фронт орқа томонидаги госпиталлардан бирига юбордилар. У госпиталда кишиларга ғамхўрликнинг энг олижаноб намуналарини кўрди. Тез кун ичида даволаниб яна сафга қайтди.

– Қардошлик мана шундай бўлар экан, – дейди қизил аскар Содиков.

Б.Шарипов



Суратда (чапдан ўннга): Гвардиячи старший сержант Н.Нефталиев, озарбайжонлик, II даража Ватан уруши ордени ва Қизил Юлдуз ордени блан мукофотланган; қизил аскар Т.Каримов, ўзбек «Жанговар хизматлари учун» медали блан мукофотланган; старший сержант Ф.Хуснуллин, татар II даража Ватан уруши ордени блан мукофотланган; гвардиячи старший сержант М.Мамбеков, қозоқ ширин суҳбат устида.

В.Шаровский фотоси

ЯРАДОРГА ЁРДАМ БЕРГАНДА

Душман маррасини кузатиб турган жанговар дўстларимиздан бири ярадор бўлиб қолди. Унга тездан ёрдам бериш керак эди. Командир Ҳайруш Усмоновга ярадорни олиб келишни буюрди. Ҳайруш ўт ёмғирлари остида олдинга қараб эмаклаб кетди ва ярадорга биринчи ёрдамни бериб, уни қулай йўллар билан олиб кела бошлади. Шу вақт Усмонов ўнг томондан келаётган икки немис алоқачисини кўриб қолди. Дўстни дарров хавфсиз бир ерга ётқизди-да, автоматни тайёрлаб «меҳмон»ларни кута бошлади. Гитлерчилар яқинлашиб қолдилар. Усмонов ирғиб чуқурдан чиқди ва немисларга қараб:

– Халът! – деди.

Немислар шошиб қолдилар. Усмонов ҳар икки немисни асир олди.

Кўмондонлик Ҳайруш Усмоновни жанговар дўстини ўлимдан қутқазгани ва иккита асир тутиб келтиргани учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади.

Старший сержант Б.Ҳамдамов

1944 ЙИЛ 9 ИЮНЬ. №44 (134)


ТЎПЧИ ҚУРБОН

Қурбон Назаров сержант Блужин командир бўлган тўп расчётида ўрнаштирувчи бўлиб хизмат этади. Артиллеристларнинг хунари шундай хунарки, улар бир-бирларининг ўрнини боса билишлари керак. Ватан уруши бошлангандан бери фронтларда жанг қилган Қурбон ҳозир тажрибали, кўпни кўрган жангчи. У ўз хунаридан ташқари мўлжалловчи, қулфчи, ўқловчиларнинг қилиши лозим бўлган ишларни пухта ўрганиб олган. Расчёт командирининг ҳам ўрнини боса олади.

Коммунист Назаров ўз қуролини яхши билиш билангина қаноатланиб қолмасдан, ўртоқларига ҳам ёрдам этади. Мен батареяга келганда рус тилини билмас эдим. У менга ўз хунаримни эгаллашда яқиндан ёрдам берди.



Гвардиячи сержант
Латифжон Охунов.
Н.Иппатов фотоси



Гвардиячи
старший сержант
Абдулла Тўраев.

Ватан уруши кунларида яхши жанг қилганлиги, командирларнинг буйруғини пухта бажарганлиги учун Қурбон Назаров «Жанговар хизматлари учун» медалли билан мукофотланган.

Қизил аскар М.Бачқанов

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ НАКАЗИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛМОҚДА

Майор Москвин бўлинмасидагилар ўзбек халқининг наказини шараф билан бажармоқдалар. Пулемётчи Абдуқодир Ҳақимов бир жангда қўл пулемёти билан 20 дан ошиқ гитлерчини ўлдирди. У ҳеч нарсадан тап тортмайди. Бўлинма жангчилари унинг довъяораклиги билан фахрланадилар. Медалли ёш снайпер Ниятбек Бердиев ҳам ўз ҳисобини кундан-кунга ошириб бормоқда. У пистирмадан курук қайтмайди. Ҳозир унинг ҳисоби 12 га етди.

Ёш жангчилардан Ҳасан Аҳмедов, Шерқул Мусулмоновлар ҳам ефрейтор Дадабой Ҳамроевнинг ёрдами орқасида уста пулемётчилар бўлиб етишдилар. Уларнинг ҳисоб очиш кунлари ҳали олдинда.

Ўзбек халқининг фарзандлари немис йиртқичини ўз инида янчиб ташлаш кунини яқинлаштириш учун мана шундай олишмоқдалар.

**Қизил аскарлар: Усмонжон Умаров,
Жўрабой Расулов, Жониқул Бозорбоев**

СОЛДАТНИНГ ЖАНГОВАР ЙЎЛИ

Бу йигит ҳали ёш. Аммо у энг яхши артиллерист. Жанговар ўртоқлари уни:

– Ҳа, Тўхтасин уста йигит, ғоят яхши мўлжалловчи, – деб фахр билан тилга оладилар.

Тўхтасин Йўлчибоев кўпдан бери фронтда. У Ватанни мудофаа қилишни Сталинграддан тортиб, қуёшли Қримни немис-фашист одамхўрлардан тозалаш учун бўлган ҳамма жангларда унинг тўпи жангдан чарчамайди.

Куйбишев деган район маркази кичик шаҳарчадан иборат. Аммо душман бу ерда мустаҳкамланиб олишга жон-жаҳди билан уринди. Бу районда немислар бирин-кетин қарши атакалар қилиб турди. Бу ерда Тўхтасинларнинг тўп расчёти шундай яқин ерга ўрнаштирилган эдики, фақат уч юз метрлик масофа душман билан икки ўртани бир-биридан ажратиб турар эди. Немислар танк кучларини тўплаб бизнинг ўт позицияларимизга ёриб кириш хавфини туғдирди. Бундай ҳолларда билимнинг билаги кучли бўлади. Моҳир ютиб чиқади.

Кузатиш пункти немисларнинг танклар ва ўзиюрар замбараклар билан қарши атакага ўтганлари ҳақида хабар берди.

– Аниқ мўлжаллансин!

Тўхтасин танкларни кўрмайди, чунки улар қаердадир тепаликлар орқасида. Аммо донгдор мўлжалловчи «аниқ мўлжаллаш» нималигини яхши тушунади. У мўлжалга олиб ота бошлади. Кузатиш пункти Йўлчибоевлар тўпидан отилган 15 фугас снаряднинг худди душман танклари ичига бориб тушганлигини ва иккита фашист танки ва битта ўзиюрар «фердинанд»ни яксон қилганини билдирди.

Душманнинг қарши атакаси пучга чиқди.

Тўхтасин Йўлчибоев пешонасидаги терини артар экан:

– Биз-ку иссиқдан терлаймиз, аммо немислар бизнинг снарядлардан терлаган бўлсалар керак, – деди.

Мелитополь ёнидаги жангларни ким унита олади?! Бу ерда жанглар кеча-кундуз давом этди. Темир-бетонли ДЗОТлар ҳавога учдилар, фашист батареялари манги жим қолдилар. Йўлчибоев мўлжалловчи бўлган тўп расчёти душманга қиргин солишдан тўхтамади.

Йўлчибоев буюк Ватанимизнинг шуҳрати бўлган Севастополни озод қилиш жанглирида қатнашиб «Шуҳрат» орденига эга бўлди. Ёш ботирнинг кўкраги учинчи даражали «Шуҳрат» ордени, «Жанговар хизматлари учун» ва «Сталинград муҳофаази учун» медаллари билан безалган.

Ҳозир Тўхтасин Йўлчибоев қардош Белоруссияни озод қилиш учун жанг қилмоқда.

– Она Ватанимизни немис-фашист босқинчилардан батамом тозалаш учун охиригача курашга онт этганман, – дейди у. – Танимда жон бор экан, бу онтимни шараф билан бажараман.

Майор В.Слетин

НЕМИС ПУЛЕМЁТЧИСИНИ АЛДАДИМ

Эрталаб немис пулемётчиси бизнинг траншеямизга қараб ўт очди ва кун бўйи отишда давом этди.

Мен амбразурадан туриб немисни кузата бошладим. Ҳар қандай бўлса ҳам шу аблахни ўлдириш керак.

Кеч кирди. Мен ўз пулемётимни ёрдамчи позицияга олиб бориб ўрнатдим ва икки марта қисқа очередь билан отдим. Немис ҳам бир нуқтага ҳадеб отиб турди. Аммо ҳеч қандай натижа чиқмади.

Иккинчи кун эрталаб куёш чиққанда немислар томонда кичик кўк тепаликни кўрдим. Бу ДЗОТ экан. Дарҳол немис пулемётчисини алдаш учун у отиб турган ерга қарама-қарши қилиб ўзим учун янги ўт нуқтаси қуриб олдим.

Кўп ўтмай немис пулемётчиси ўт очди. Нишонга олиб ДЗОТдаги амбразурага қараб отдим. Немис пулемётчиси жим қолганича қайта ўт очмади.

Қизил аскар Латиф Назаров

ХИЗМАТИМ БЕКОРГА КЕТМАДИ

Станокли пулемётни ўрганиш жуда мураккаб иш. Лекин жуда чидам ва диққат билан ўрганишга киришган жангчи бемалол уни ўрганиб олиши мумкин.

Бизнинг пулемётчиларимиз бошда пулемётни ҳеч билмас эдилар. Улар ўқишга жиддий киришдилар. Айниқса, ўзбек Мамажонов, қозоқ Балиқбоев ва рус Воронинлар яхши ўқиб бордилар. Мен уларга дарсдан сўнг пулемёт қисмларининг исмларини ўз она тилларида қоғозга ёзиб бердим.

Хизматим бекорга кетмади. Ҳозир бу жангчилар пулемётдан отишнигина эмас, балки уни қисмларга ажрата ва қайтадан йиға оладилар.

Бу ўртоқлар ўз хунарларидан ташқари ўртоқларининг хунарларини ҳам ўрганиб олганлар.

Лейтенант Н.Тешабоев

ХОЛПОЛВОН МУКОФОТЛАНДИ

Бўлинма ўз мудофаасини мустаҳкамламоқда, траншеялар, окоплар, алоқа йўллари қазимоқда. Қизил аскар Холполвон Юсупов отделециясига берилган участкада ҳам иш бошланди.

Отделение жангчилари бир-биридан яхши ишламоқда. Холполвоннинг ўзи эса ҳаммадан олдинда. Кеч бўлиб иш тамом бўлган маҳалда капитан Питриков ишни кўргали келди.

– Ҳорманглар! Ишингиз жойидами? – деди капитан.

– Ҳа, жойида. Беш кунга берилган участкани бир кунда тамомладик, – деб жавоб берди Холполвон.

Мудофаани мустаҳкамлашда яхши ишлагани учун Холполвон Юсуповни кўмондонлик «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Старший сержант К.Азизов

БИЗНИНГ МАРРАМИЗ

Пиёда аскарларнинг жанговар уставида «Мудофаа мустаҳкам ва актив бўлиши керак» дейилади.

Менинг пулемёт расчётим уставнинг бу талабини бажариш учун кеча-кундуз ишлаб душманни ҳар тарафдан отиб киришга ўнғай ўт нуқтаси куриб олди.

Бизнинг ўт очиш нуқтамиз ҳалқа шаклида, жуда мустаҳкам қилиниб ишланди. Бу ердан туриб ўнг томонга ҳам, чап томонга ҳам, тўғрига ҳам бемалол ўт очиш мумкин.

Бизнинг отиш доирамизда ўқ бориб тегмайдиган жой йўқ. Немислар қаерда кўринса ҳам биз уларни ўз ўтимиз билан яксон қила оламиз.



Пулемётчи қизил аскар Ж.Камолов ва унинг ёрдамчиси В.Козиров ўт маррасида.

В.Леонов фотоси

Расчѐтимиз взводнинг чап қанотида бўлгани учун пулемѐт ўти билан қўшни взводнинг жанговар ҳаракатига ҳам ёрдам бера олади. Улар ҳужум қилишга урунган немисларни ўққа тутта олади. Қўшни взвод билан яқин алоқа боғлаганмиз.

Ҳозир ўз маррамизни мукаммаллаштиришни давом этдириш билан жанговар активлигимизни ҳам кундан-кунга оширмоқдамиз, немис босқинчиларни қирмоқдамиз. Шахсан менинг ўзим 4 гитлерчини ўлдирдим.

– Немисни қанчалик кўп қирсак, шунчалик тез ғалабага эришамиз, – дейди қизил аскар Қушбоқ Ниъматуллаев.

Шу вақтда бизнинг участкамизда жимлик ҳукм сурмоқда. Бирок бу жимлик бизни арқайинлаштирмайди. Биз немис газандаларининг маккор ва ёвуз эканини биламиз. Шунинг учун ҳам уларни хушъёр кузатамиз. Агар душман бизнинг мудофаамизга сукилишга уринса, биз уни қора қонига фарқ қилажакмиз.

Бизнинг маррамиздан душман ўта олмайди!

Қизил аскар Ж.Камолов

ЙИГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТМАЙДИ

Ҳар бир жангчи жанг вақтида юқори активлик кўрсатгани каби, меҳнатда ҳам виждонан, ҳалоллик билан ишлаши лозим.

Бизнинг отделениямизга мудофаа марраси қазииш учун маълум участка ажратиб берилди. Траншея қанчалик чуқур қазилса, ўт нуқталари қанчалик мустаҳкам бўлса – мудофаа шунча кучли бўлади. Отделениямиздаги жангчилар бунни яхши тушунадилар. Улар ишга жадаллик билан киришдилар. Ҳар бир жангчи ўзига яхши усқуналанган ячейка, запас ўқлар қўйиш учун такча тайёрлади ва уни моҳирлик билан ниқоблади.



Қизил аскар
М.Абдуллаев

Мудофаа маррасини куришда мен жанговар ўртоқларимдан қолишмадим. Кундалик нормамни 180 – 200 процент бажариб келдим.

Қўмондонлик мудофаа марраси куришдаги хизматимга юқори баҳо берди ва «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотлади.

Мукофотни оқлаш мен учун фарз. Мен мудофаани мустаҳкамлашда қандай жонбозлик қилган бўлсам, командирларимизнинг бошқа жанговар буйруқларини ҳам шараф билан бажаришга тайёрман. Эр йигитнинг сўзи бир. Йигит сўзидан қайтмайди.

Қизил аскар М.Абдуллаев

МЎЛЖАЛЛОВЧИ БЎЛДИМ

Яхши артиллерист бўлишни хоҳлар экансан, бутун кучингни бериб, ҳавас билан артиллерия ишини ўрганишинг керак. Ўтган йилда мен тўп расчётида снаряд ташувчи бўлиб хизмат қилдим. Шу вақтда менда мўлжалловчи бўлиш орзуси туғилди. Мен бўш вақтимни тўпни ўрганиш, тўпдан отиш ишини ўзлаштириш учун фойдаландим.

Жанглarning бирида расчётдаги мўлжалловчи яраланиб сафдан чиқди, мен мўлжалловчилик вазифасини бошқардим.

Ҳозир мен танкка қарши отадиган тўп расчётида мўлжалловчи бўлиб ишламоқдаман. Шу кунлардагина мўлжал отиб немисларнинг ўк-дори солинган омборларини ёндирдим. Мен ишончли тўпим билан душманнинг танкларини ҳам раҳмсиз равишда ёндиражакман ва яксон қилажакман.

**Младший сержант М.Музаффаров,
«Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган**

ЖАДАЛЛИК

Мен нима учун жанг майдонида «Ватан уруши» ордени билан мукофотландим

Бўлинмамиз душманни битта қишлоқдан суриб чиқариб олдинга кетди. Немислар бизнинг олға боришимизни тўхтатмоқчи бўлдилар ва қарши атака қила бошладилар.

Мен икки ўртоқ билан қўл пулемётидан тўхтовсиз ўт олиб бориб 50 – 60 ча немисни қириб ташладим. Душманни яқинлашишга қўймадим.

Тўхтовсиз ўт олиб бориш натижасида пулемёт мили қизиб эриб кетди. Мен дарров иккинчи запас милни олиб милни олиштирдим ва немисларни киришни давом этдирдим. Мен милни олмаштирганимда ўртоқларим тинмай ўт олиб бордилар. Бу гал мен 9 диск ўқ отиб анчагина немис итларини қирғиндан ўтказдим.

Шундай қилиб, пулемёт ва милтиқ ўтлари билан душманнинг қарши атакасини қайтардик. Сўнгра янги куч, кўтаринки руҳ билан душман устига ташландик. Немисларни таъқиқлаб, уларга нафасини ростлаб олишга имкон бермасдан қўшни қишлоққа бостириб кирдик.

Қўмондонлик мени жанг майдонида II даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотлади.

Қизил аскар К.Шоҳниёзов

6816-НЧИ МИНОМЁТ

Нурмуродов расчёти душман батареясини яксон қилди

Лейтенант Соловьев бўлинмаси немисларнинг қаршилигини синдириб олға бормоқда. Бўлинма жангчилари даръени муваффақият билан кечиб ўтдилар. Душманнинг 200 метр олдиндаги чуқурликда жойлашган миномёт батареяси жангчиларимизга қараб ўт очди.

Лейтенант Соловьев пиёдалар билан бирликда ҳаракат қилаётган миномёт расчётининг командири сержант Маҳмуд Нурмуродовга душманнинг миномёт батареясини яқсон қилишга буйруқ берди. Нурмуродовнинг миномёт расчёти бир неча минут ичида немис батареясини яқсон қилди. Фашистлар жим қолдилар. Бўлинма яна немисларни таъқиқлаб олға кетди.

Нурмуродов ва унинг расчётидаги Лифанов Вахнен уч йилдан бери 6816-нчи номерли миномёт билан немис босқинчиларни қирмоқдалар. 82 мм. миномёт расчёти кўп жанглarda қатнашиб юзларча немисларнинг жонини жаҳаннамга юборган, ўнларча ДЗОТ ва ўт очиш нуқталарини яқсон қилган. Расчёт миномётдан ҳаммаси бўлиб 9000 мина чиқарган.

Расчётдагиларнинг ҳаммаси мукофотланганлар. Ўртоқ Сталиннинг ташаққуридан илҳомланган расчёт Белоруссияни озод қилиш жанглирида мардлик ва усталлик билан жанг қилмоқда.

Ҳ.Адхам

1944 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ. №51 (141)

*Мардлик ва жасорат намуналари кўрсатингиз!
Жуманиёз Қурбонов, Бедил Раҳимов,
Латиф Холиқовлардек жанг қилингиз!*

ҚЎЛ ПУЛЕМЁТИДАН...

Бедил Раҳимов 40 дан ортиқ гитлерчини қирди

Ҳужум қилиб бораётган лейтенант Муҳаммадшин взводининг жангчилари душманнинг иккинчи траншеясини эгалладилар. Душман учинчи траншеядан туриб қаттиқ ўт оча бошлади. Пулемётчи қизил аскар Бедил Раҳимов ўз дўсти Темиров билан ишғол қилинган душман пулемёт ячейкасидан туриб ўт очди. Шу вақт Темиров сафдан чикди. Бедил Раҳимов эсанкираб қолмади. Яқка ўзи ўт очишни давом этдирди.

Аламзада гитлерчилар жон-жаҳдлари билан қарши атакага ўтдилар. Бедил учун яна қулай шароит пайдо бўлди. У душман қаторларига ўлим ёмғирини ёғдира бошлади.

Душманнинг қарши атаки қайтарилди. Бедил Раҳимов якка ўзи пулемёт билан 40 дан ошиқ гитлерчини қириб ташлади.

Сержант С.Нормахонов

ЛАТИФ ХОЛИҚОВНИНГ ШУҲРАТИ

Немислар қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аммо бўлинмамиз ҳамма ғовларни синдириб жадал олдинга интилди.

Ёнбошда ҳаммадан олдинда «Шуҳрат» ордени кавалери, старший сержант Латиф Холиқов отделениясининг жангчилари борди. Улар биринчи бўлиб немис замбараклари жойлашган позицияга ёриб кирдилар. Коммунист Холиқовнинг якка ўзи 14 немисни ўлдирди ва биттасини асир олди. Отделение беш тўп ва кўп миқдорда снаряд ўлжа олди.

Холиқов ва унинг отделениясидаги жангчиларнинг мардлик ва жасоратлигидан илҳомланган бутун бўлинма бирдамлик билан душманнинг иккинчи позициясига атака қилди ва гитлерчиларни ҳайдаб чиқарди.

Кизил аскар И.Гаврилов

ҚУРБОНОВ НЕМИС ТАНКИНИ ЯКСОН ҚИЛДИ

Биз муҳим бир тепаликни эндигина душмандан тортиб олган эдик. Немисларнинг бешта «фердинанд»и ва битта танки тепаликка қараб кела бошлади. Бундай даҳшатли машина олдида фақат ботирлик ва жасоратлик керак. Совет жангчилари қарши атакага ўтган немисларни совуққонлик билан кутиб турдилар.

Танк ва ўзиюлар замбараклар 200 метрга яқинлашиб келганларида броня тешучилар душман машиналарига қараб ўт очди. Броня тешучи ўзбек йигити Жуманиёз Қурбонов мен билан бир қаторда ўтган эди. Қурбонов икки марта ўқ узиб немис танкини яксон қилди.

Немисларнинг бошқа машиналари орқага чекинишга мажбур бўлди. Биз душманнинг қарши атакасини қайтариб яна олға қараб кетдик.

Старшина К.Аймурзин

ПУЛЕМЁТ РАСЧЁТИ

Старшина Али Усмоновнинг пулемёт расчёти биринчи бўлиб Днепрнинг ўнг қирғоғига ўтди ва пулемётни яхши позицияга ўрнатириб душманни ўққа тутди. Немисларнинг бир «фердинанд» пулемётга қараб ўт очди. Аммо пулемётчиларга ҳеч қандай зарар етказмади.

Пулемётчилардан Жамол Икромов, Ефремовлар баҳодирларча курашиб немисларнинг қаттиқ қаршилигини синдирдилар. Гитлерчилар тепалик тагида 70 дан ортиқ ўлик қолдириб чекинишга мажбур бўлдилар.

Младший лейтенант А.Ҳамдамов

1944 ЙИЛ 14 ИЮЛЬ. №53 (143)

БУЙРУҚ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ Сержант Қўзибоев отделенияси 30 дан ортиқ немисни қирди

Отделение командири сержант Тўққиз Қўзибоев ўз отделенияси билан душманнинг чекиниш йўлини кесиш тўғрисида буйруқ олгани ҳамон катта йўл орқали ўтиб, чуқур хандақ куриб, душманни пойлаб ётди.

Лейтенант Агафонов командирлигидаги рота душманни қисиб кела бошлади. Саросимида қолган немис солдат ва офицерларидан бир гуруҳи уч машинага тушиб орқага қараб қоча бошладилар.

Гитлерчиларнинг машиналари хандаққа яқинлашиб келганларида Қўзибоевнинг:

– Отделение! Душман машиналарига қараб ўт очилсин! – деган командаси эшитилди.

Отделение жангчилари немисларга қарши ўт очди. Эсларини йўқотган немислар машиналардан сакраб ҳар тарафга қоча бошладилар. Бирок жасур жангчиларимизнинг ўқидан қочиб қутила олмадилар. Қўзибоев отделенияси бу жангда 30 дан ортиқ гитлерчини кириб ташлади. Буйрук шараф билан бажарилди.

Қўмондонлик сержант Қўзибоевни III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотлади. Шунингдек, жангда маҳорат кўрсатган жангчилардан Ўта Ўрозов ва Кузьменколар ҳам мукофотландилар.

Қизил аскар А.Ғаффоров



Юсупов.

Н.Иппатов фотоси

МАШИНАМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК САҚЛАЙЛИК

T-44042 номерли ЗИС-101 машинаси билан икки йилдан бери фронтда хизмат қилмоқдаман.

Бизнинг орқамиздаги ишчилар ғалаба учун, фронт учун фидокорона меҳнат қилиб аъло машиналар ишлаб чиқармоқдалар. Биз шофёрларнинг вазифаси бу машиналарни усталик билан тинмай хизмат қилдириш ва кўз қорачиғидек сақлашдир.

Мен ўзим ҳақимда қанчалик ғамхўрлик қилсам, машинам ҳақида ҳам шунчалик ғамхўрлик қиламан, уни кўз қорачиғидек асрайман. Баъзи майда-чуйда ремонтларни ўзим қиламан. Шунинг натижасида машинам икки йил давомида бир марта ҳам аварияга учрамади.

Шофёр ҳозирда ҳужум жанглари вақтида ўқдори етказиш билан душман устидан ғалабани таъминлашга катта ёрдам беради.

Айни замонда бир группа шофёрлар олдинги линиядаги қисмга ўқ-дори етказиб бериш ҳақида жанговар буйрук олдик. Биз юриш-



Қизил аскар М.Ўрозов.

*П.Бернштейн
фотоси*

дан олдин ўз машиналаримизнинг техника аҳволини кўздан кечириб чикдик ва ўк-дори ташидик. Бу билан ўз қисмимизнинг жангдаги муваффақиятини таъминладик.


Қўмондонлик фронтга юк ташишдаги хизматимга юқори баҳо бериб, мени «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Қизил аскар Мансур Тўхтаев

1944 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ. №54 (144)

ТАРБИЯЧИ

Сержант Содиқхўжаевни бўлинманинг ҳамма жангчилари севадилар ва хурмат қиладилар. У жангчилар билан турли мавзуларда суҳбатлашади, турмуш ва уй аҳволлари билан танишади, қийинчиликларни энгишда ёрдам беради.



Ўзи юрар замбарак ўт очмоқда. Расмда сержант Ж.Исҳоқов,
ўқловчи қизил аскар А.Красильников.

В.Шаровский фотоси

Бўлинмадаги ўзбек жангчилари ўртасида бир неча партия ва комсомол аъзолари бор. Содиқхўжаев уларга партиясиз жангчиларни тарбиялашда ёрдам бермоқда, йўл-йўриқлар кўрсатиб турмоқда.

Содиқхўжаев Сиёсий бўлим томонидан берилган қўлланмага асосан ўзбек жангчилари ўртасида сиёсий машғулотлар ўтказди.

Бу ишларнинг самараси кўриниб турибди. Жангчилар ўртасида интизом мустаҳкам. Ўзбек жангчилари ўртасида битта ҳам ҳайфсан олган киши йўқ. Аксинча, тўрт ўзбек йигити ҳукумат мукофотиغا сазовор бўлди.

Сержант Содиқхўжаев тарбиячи ва жангчиларнинг энг яқин дўсти.

Қизил аскар Отажонов

4 НЕМИСГА ҚАРШИ

Коммунист Абдуллажон Турсуновнинг шижоати

Старший лейтенант Куликов бўлинмаси тор-мор қилинган немис гарнизони қолдиқларини тугатмоқда. 3 кундан бери ўрмонда жанг қилмоқда.

Ўрмон ичида бораётган қизил аскар Абдуллажон Турсунов 4 та немисга дуч келиб қолди. Абдуллажон дарров тўнғак орқасига яширинди. Уни пайқаб қолган немислар бирдагина автоматдан ўт очдилар. Абдуллажон чап қўлидан яраланди. Ярани боғлашга фурсат йўқ. Немисларни ўққа тутиш керак. Бир неча ўқ узиб Турсунов 2 фашистни гўрга тикди. Немислар жим қолдилар.

Абдуллажон ўрнидан туриб олдинга, немислар устига югурди. Немис офицери кўтарилиб унга қарши граната ташлади. Граната Абдуллажоннинг бош устидан ўтиб кетиб узоқда портлади. Жасур йигит чопиб бориб кўкрагини ерга бериб ётган немис солдатининг орқасига найза санчди. Найза немисни ерга михлаган эди.

Якка ўзи қолган немис офицери Турсунов устига ташланди. Лекин ботир жангчи бўш келмади. У ўз устига ташланган немис офицерини милтиқ қўндоғи билан уриб ерга қулатди.

– Рустамдек бир наъра тортиб кўндоқ билан чунон урган эканман, немис офицерининг бош қатиғи ўйнаб кетибди, – деди табассум билан Абдуллаев.

Жанг майдонида мардлик намунасини кўрсатган ботир жангчи, коммунист Абдуллажон Турсунов ҳозир бўлинма жангчиларининг тилида дoston.

Х.Адхам

САВОБЛИ БЎЛДИМ

Мен ўзим анча ёшга бориб қолганман. Шунда ҳам жангда жавлон урганда ёшлардан сира қолишмайман.

Белоруссия ажойиб бир эл экан. Даръёси, ўрмони сероб. Ўзбекистонга ёғочни шу ерлардан олиб борган бўлсалар керак деб хаёл қиламан...

Гап менинг жанг қилишим устида эди-ку! Биз хужум қилиб немисларни окоплардан суриб чиқардик. Лекин битта ертўлага жойлашиб олган ғанимлар хадеб ота бердилар. Мен ертўлани айланиб ўтдим. Аста-секин эшикка яқин бордим. Эшикни очиб ичкарига қараб граната ташладим.

Ертўла ичида қий-чув, дод, вой-дод бошланди. Эшик очилиб тўртта бадбахт кўлини осмонга кўтариб чиқиб қолди. Ўртоқларим келиб ертўла ичини қарадилар. Унда бешта фашистнинг ўлиги ётган экан.

Немисни ўлдирдиш катта савоб деган эди халқимиз. Мен бешта немисни ўлдирдим. Савобли бўлдим.

Қизил аскар Соли Алимов

ИККИНЧИ МУКОФОТ

Мен кишки жанглarda кўрсатган хизматларим учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган эдим. Яқинда яна «Жасурлиги учун» медали билан мукофотландим.

Шундай воқеа бўлди:

Немислар бизнинг позициямизга разведка қилишга келдилар. Кузатувчимиз уларни ўз вақтида сезиб қолди. Мен пулемёт расчётимни немисларни бошлаб қарши олиш учун тайёрладим.

Немислар позицияга яқинлашдилар. Биз ўт очдик. Бир неча лентани бўшатдик. Отган ўқларимиз ўнларча фрицларни гўрга тикди.

Разведкага келган немислар иш чиқара олмай, ўлаксаларини қолдириб қочишга мажбур бўлдилар.

Гвардиячи сержант Эргаш Ҳакимов



Гвардиячи сержант
Эргаш Ҳакимов.

М.Камшиев фотоси

1944 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ. №56 (146)

УЧ СНАРЯД БИЛАН

Мен аввал фашист танклари билан юзма-юз учрашган эмас эдим. Қардош Белоруссияни озод қилиш жанглирида менга душман танкларига қарши курашишга тўғри келди.

Немислар ўзларининг чекинаётган пиёдаларини ҳимоя қилиш учун танкларни ишга солдилар. Мана, бир неча танк хужум қилучи пиёдаларимиз устига қараб кела бошлади. Артиллеристларимиз душман танкларига қараб ўт очдилар. Бизнинг расчётимиз ёнбошдан келаётган танкка ўқ узди. Учинчи снарядимиз танкнинг остидаги занжирини узиб юборди. Немис танки ўрнида қотиб қолди.

Биз бу жангда душманнинг яна 3 автомашинасини ва 30 га яқин солдат ҳам офицерини кириб ташладик.

Қизил аскар Собир Турдиев

КОМАНДИРНИ ҚУТҚАЗДИ

Лейтенант Волнух взводи душманнинг қарши атакасини қайтариб ўзи атакага ўтди. Шу вақт ўсиб ётган арпа орасида яшириниб қолган 3 немис солдати лейтенантга ташландилар. Лейтенант

Волных гитлерчилар билан олишиб қолди ва бирини пистолет билан отиб йиқитди.

Ўз командирининг хавфда қолганини кўриб қолган қизил аскар Боқи Арслонов командирига мадад беришга шошилди. Немис солдатлари Арслоновнинг қаердан келганини ҳам сезмай қолдилар. Боқи найза билан бу икки бандитни санчиб ўлдириб командирини ўлимдан сақлаб қолди.

Қўмондонлик жасур жангчи Боқи Арслоновни III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотлади.

Сержант Ҳайдар Боқиев

СНАЙПЕР ҲУЖУМ ЖАНГИДА

Ҳужум жангида снайпер жиддий ишларни бажаради. У немис снайперларини, офицерларини, кузатувчилари ва пулемёт расчётларини йўқ қилиб ўз бўлинмасига ёрдам беради.

Сўнгги ҳужум жангарида мен 7 та немисни ўлдирдим. Битта немис снайпери бизнинг пулемётчиларимизни ўққа тутди. Мен унинг қаердан отаётганини пайқаб олиб бир ўқ билан сафдан чиқардим.

Ўрмон четида жойлашган немис пулемёти взводнинг йўлини тўсди. Взвод командири лейтенант Мельседов менга душман пулемётчиларини сафдан чиқаришни буюрди.

Мўлжаллаб отилгин уч ўқдан кейин душманнын пулемёти жим қолди.

Немислар қарши атакага ўтдилар. Немис офицери нималардир кичқириб олдида келмоқда. Мен уни мўлжалга олиб секин тепкини босдим. Офицер чалқанчасига оғдарилиб тушди.

Пиёдаларнинг жанговар уставининг берган таълимларини тўғри қўлланиш билан ҳар жангда менин қўлим баланд келмоқда.

Қизил аскар М.Каримбоев

ПИШИҚ РАЗВЕДКА

Старший лейтенант Морозов бўлинмасининг жангчилари гитлерчиларни даръёнинг нариги тарафига улоктириб ташлаб, кечув олдида қулай позицияларга мустаҳкамланиб олдилар.

Бўлинма командири даръёни кечиб ўтиш олдидан даръёнинг ўнг қирғоғини разведка қилишга қарор берди.

Старший сержант Козлов бошлиқ қизил аскарлар Ғуломжон Эшонқулов, Аҳмад Тожиев ва Мусулмонқуловлардан иборат разведкачилар группаси даръё ёқалаб душманнинг ўнг қанотига қараб жўнадилар.

Биринчи бўлиб сувга қизил аскар Ғуломжон Эшонқулов тушди. Унинг кетидан бошқалар ҳам тушиб эҳтиётлик билан сузиб даръёнинг нариги қирғоғига ўтдилар.

Моҳир, довьюрак разведкачилар душманнинг орқа тарафига айланиб ўтиб, унинг ўт позицияларига яқинлашдилар. Разведкачилар траншеяда ўтирган немис солдатларини ва шу ернинг ўзида гитлерчиларнинг 6 танки, 3 ўзи юрадиган тўп, 2 пулемёт нуктаси, миномёт батареяси борлигини аниқлаб қайтиб келдилар.

Бўлинма туни билан даръёни муваффақиятли кечиб ўтди. Тонг ёриши билан бўлинма разведкачилар аниқлаган танклар, ўт позицияларига тўсатдан хужум қилиб немисларни тепалиқдан улоктириб ташлади.

Жанг майдонида 100 дан ошиқ гитлерчиларнинг ўликлари, ёндирилган танклари, тўплари қолди.

Сержант А.Абдуллаев

*Душман танкларини яксон эт!
немисларни Мусулмонқулов, Отахоновлар қиргандек қир!*

НЕМИС АВТОМАТИ БИЛАН

Сержант Тошмирзаев 20 фашистни ўлдирди

Лейтенант Сизов взводнинг жангчилари шаҳар кўчаларида бўлган шиддатли жангларда ажойиб маҳорат кўрсатдилар. Гитлерчилар томларда, уйлардаги ертўлаларда яшириниб жангчиларимизга қарши жанг олиб бордилар.

Шаҳар четидаёқ қизгин жанглар бошланди. Шокир Тошмирзаев югуриб бораётган кўча муюлишида иккита немиснинг ўт очишини кўриб қолди.

– Ҳальт, – деди у баланд овоз билан.

Немислар кўлларини кўтардилар.

Взвод жанглар билан аста-секин шаҳарни тозалаб олға силжиди. Лейтенант Сиров сержант Тошмирзаевга шаҳар ўртасидаги тўрт қаватли бинога кириб душман қолдиқлари бор-йўқлигини аниқлашни буюрди. Сержант бинонинг биринчи қавати оралик ҳовлига ўтди. Шу вақт тўсатдан отилган бир ўқ Тошмирзаевнинг милтиғига келиб тегди, милтиқ синди. Совет баҳодирини «қуролсизлантирдим» деб ўйлаган немис автоматчиси ҳовли ўртасида турган ахлат яшиги орқасидан югуриб чиқиб Шокирга ташланди.

Қуролсиз қолган Тошмирзаев саросимага тушмади. Ишдан чиққан милтиқ қўндоғи билан немис автоматчисини бир уриб сулайтириб кўйди ва унинг автоматини тортиб олиб, ҳовлини текширишни давом эттирди. Шу ерда баҳодир Тошмирзаев яшириниб қолган бир группа немис солдатларига дуч келди. Гитлерчилар қаршилиқ кўрсатдилар. Довьюрак баҳодир немис автомати билан 20 та фашистни кириб ташлади.

Қизил аскар Рауф Каримов

Хужум жанглари қахрамонлари

ОТАХОНОВНИНГ ЯНГИ МАҲОРАТИ

Қизил аскар Акрам Отахоновнинг қахрамонлиги ҳозирги кунда ҳамма ерда дoston бўлиб кетди. У ажойиб броня тешучи. Старший лейтенант Кузнецовнинг таълимини олиб ўсган бу йигит хужум жанглари давомида фашист машиналарига қарши раҳмсиз жанг қилиши билан шухрат қозонди. Немисларнинг ҳар қандай «тигр»лари, «фердинанд» ва бошқа машиналари бу азаматнинг қахридан қочиб кутила олмадилар. Душман хоҳ чапдан, хоҳ ўнгдан келсин – Акрам учун барибир.

Акрам Отахонов ўтган 2 жангда ўз дўсти, рус йигити Федор Колесников билан бирга немисларнинг бир танки, бир «фердинанд» ва 2 бронемашинасини яқсон қилган ва «Қизил байроқ» ордени билан мукофотланган эди. У сўнгги жангларда яна маҳорат кўрсатди.

Қоронғи туша бошлади...

Хужум қилаётган қисмларимиз шаҳар остонасида душман билан қаттиқ жанг бошладилар. Немислар жон-жаҳдлари билан шаҳар остоналарида тўхтаб қолишга урундилар. Аmmo артиллериямизнинг даҳшатли ўтига туриш беролмай шаҳарга қараб чекина бошладилар. Тонг вақтида шаҳар ичида кўча жанглари бошланиб кетди.

Акрам Отахонов биринчилар қаторида шаҳарга кирди. У ўз атрофига келиб тушаётган ўқларни писанд қилмасдан буруқсаган тунлар орасида илгарига бормоқда. Унинг вазифаси немис танкларининг олдини олиш ва уларни яқсон қилиш.

Гитлерчилар шаҳарнинг ўртасида танклар ёрдами билан қарши атакага ўтдилар. Узоқдан душман машинасининг гуруллаган овози эшитила бошлади.

– Танклар, – деди Федор Колесников.

– Эшитиб турибман, – деди Акрам ва қуролни кўтариб танк товуши келаётган томонга қараб югурди. Тўғри, катта кўчанинг нариги бурчагида немис танклари кўринди.

– Шу томонга келаётир, – деди Акрам. – Кел, шу ерда кутамиз. Қулай жой экан, – деб ўз қуролини вайрона уй олдидаги ғишт

уюмлари орасида ниқоблади ва Колесников билан бирга ер бағирлаб ётиб олди. Улар душманни кузата бошладилар. Федор Колесников ўз дўстига ер остидан қараб:

– Яхши кўряпсанми? – деб сўради.

– Жойида. Олдингиси ўрта танк экан, жуда соз. Ҳозир боплаймиз.

Танклар ҳамон яқинлашиб келмоқдалар. Акрамнинг парвоси палак. У шошмайди.

– Ўт оч, Акрам, – деб кистай бошлади Федор.

– Ҳа, шу одатинг қолмади-да, – деб койиб қолди Отахонов, – бунча шошасан? Барибир қочиб кутила олмайди.

Шу орада олдинги немис танки тўғрига келиб қолди. Орадаги масофа 15 метр. Акрам душман танкининг ёнбошидан уриб қолди. Устма-уст отилган уч ўқ танкни ёндириб юборди. Ўт ичида қолган фашист танкидан қоп-қора тутун чиқди. Танк бирдан портлаб кетди. Бу кутилмаган ҳодисани кўрган орқадаги 2 танк эса дарров орқасига бурилиб қоча бошлади.

Жанг тугади. Шаҳар немис босқинчилардан томомила тозаланди. Акрам Отахонов, унинг дўсти Федор Колесников шаҳар кўчаларидан мағрурона ўтиб яна ғарбга жўнадилар. У азаматларни янги ғалабалар кутади.

Старшина Али Усмон

1944 ЙИЛ 4 АВГУСТ. №58 (148)

КЎЧА ЖАНГИДА

Бўлинмамиз биринчи бўлиб шаҳарга бостириб кирди. Кўча жанги бошланди.

Менинг отделениядаги жангчилардан кўл пулемётчи қизил аскар Рўзимат Мусулмонқулов ўз шериги Ҳуснитдинов билан бирга биринчи бўлиб қатта кўчада қочиб бораётган гитлерчиларни ўққа тутди. Жанг қизиқ кетди. Ҳуснитдинов ярадор бўлиб қолди. Ўртоғининг сафдан чиқиб қолганини кўрган Рўзимат яна ҳам кучлироқ ғазаб билан душманни кува бошлади. Шу вақт у чаккасидан қон томаётганини сизди.

Душман ўқи жасур пулемётчини ярадор қилган эди. Мукулмонкулов жанг майдонидан чиқишни истамади. Ўз ярасини ўзи боғлади ва олға боришда давом этди.

Катта кўчанинг охирида курсовда қолган душман қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошлади. Мукулмонкулов пулемётини яхши позицияга жойлаштириб олди, бир очередь билан 20 дан ошиқ гитлерчини тутдай тўкиб қириб ташлади.

Кўмондонлик кўча жанглирида қахрамонлик кўрсатган Рўзимат Мукулмонкуловни «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади.

Қизил аскар Фулом Эшонкулов



Жанговар дўстлар. Бўлималарнинг бирида моҳир ва ботир жангчилар комсомол аъзоси Деҳқон Аҳмедов, гвардиячи сержант Болтан Иманбетов ва қизил аскар Чувашин Вурмандеевлар жанг блан олға бормоқдалар.

П.Бернштейн фотоси

1944 ЙИЛ 8 АВГУСТ. №59 (149)

Газетанинг бу сони 1-саҳифасида «Олий бош кўмондоннинг иккита буйруғи», «Совет информация бюросидан, 6 август операция сводкадан» хабарлари ва М.Калининг командир бўлган батарея немис қишлоқлари – Гинген ва Прадцискенни ўтгат ўтиши жараёни сурати, 2 – 3-саҳифада «Фавқулодда давлат комиссиясининг ахбороти», 3-саҳифасида Адҳам Ҳамдамнинг «Мени қасос ўти нега ёқмасин» номли шеъри, 4-саҳифада «Григорий Васютадан ўртак ол! Старший сержант Васюта бир жангда 33 немисни ўлдирди ва битта душман танкини ёндирди», «Баҳодир жангчининг қахрамонлигини ҳамма билсин!», «Бир жангда», «Автоматнинг кучи», «Шимолий Франция уруш ҳаракатларининг икки ойлиги», «Кечувни таъминладилар» хабарлари берилган.

МЕНИ ҚАСОС ҰТИ НЕГА ЁҚМАСИН

*Отландим мен бузай деб немис инини,
Зарбамдан қон қусар муттаҳам жаллод.
Бошига соламан итнинг кунини,
Мана мен қонга қон олгучи авлод.*

*Қонга қон оламан разил фашистдан
«Лазерет»да азобда ўлганлар учун.
Жонга жон оламан қутирган итдан
Гулзоридан ажраб куйганлар учун.*

*Мен кўриб турибман кесилган бошни,
Ерларда тапталган гўдак мурдаси.
Мен кўриб турибман она ёшини,
Ўғирланган қизи, нури-дийдаси.*

*Мени қасос ўти нега ёқмасин,
Қадрдон дўстимнинг ўйилса кўзи?
Нега ёв устига бормаи бостириб?
Муштифар онанинг сўйилган қизи.*

*У босган элларда топталди гулзор,
У юрган ерларда қуриди гуллар.
Онадан ажралиб боллар хору зор,
У ўтган ерларда қоп-қора кунлар.*

*Мен ғарбга бораман, гўдаклар ҳаққи,
Немисни унида янчишим аниқ.
У энди қаҳримдан қочиб қутилмас,
Бораман, йўлларим қуёшдек ёриқ.*

*Дадилроқ юрайлик, жанговар дўстлар,
Олайлик Гитлердан даҳшатли қасос.
Халқимиз йўллади янчишига ёвни,
Душманнинг инига қараб олга бос!*

Адхам Ҳамдам

АВТОМАТЧИНИНГ КУЧИ

Коммунист кизил аскар Тошпўлат Қодиров ҳужум жанглари давомида яхшигина автоматчи бўлиб олди.

Бўлинмамиз душманни қишлоқдан улоқтириб ташлади. Шу вақт немислар қарши атакага ташландилар. Қишлоқ кўчасида, томорқаларда шиддатли жанглар бошланиб кетди. Довьюрак Қодиров отхона ёнидаги тўнгак орқасига яширинди ва шу томонга қараб келаётган бир группа немисни кута бошлади. Тор кўчада 14 немис югуриб келаётган эди. Қодиров душманни яқин келтириб туриб тўсатдан очередь бериб юборди. 11 фашист солдати қора конига беланиб йиқилди. Бу зарбадан эси чиқиб кетган, тирик қолган 3 солдат баходирни олдида қўлларини осмонга кўтариб таслим бўлдилар.

Жанг тугади. Лейтенант Виноградов Қодировни ёнига келиб:

– Баракалла, ота, биз сизни мукофотга тақдим қиламиз. Ёшлардан ҳам ўтиб тушдингиз, – деди.

– Ўртоқ лейтенант, бу автоматда иш ҳам, куч ҳам кўп экан. Мен буни кайфини билмай юрган эканман. Энди қанча фашист дуч келмасин, мендан қочиб қутулолмайди, – деди кекса жангчи.

Младший сержант Б.Ҳасаналиев

ВАТАН, СЕНГА СОДИҚМИЗ, ХОЛОС, ЖАНГ
ҚИЛАМИЗ ФАРЗАНДЛИККА ХОС

Буйруқни бажардим

Мен броня тешучиман. Қизгин жанг вақтида шеригим қизил аскар Урожов ярадор бўлиб сафдан чиқди. Бу сафар якка ўзим ҳаракат қилишга тўғри келди. Танктешар милтиғимни кўтариб олға қараб кетдим. Қишлоқ чеккасида душман қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошлади. Немис пулемётчилари, снайперлари қулай марраларда ўрнашиб олиб олға силжишимизга имкон бермай қўйди. Рота старшинаси Тутаев менинг ёнимга югуриб келди ва:

– Тошпўлат, рота командири ўт очиб турган душман пулемёт нуқталарини яқсон қилишга буюрди, – деди. Бу ерда душманнинг икки пулемёт нуқтаси бор эди. Улар тинимсиз ўт очмоқда эдилар. Хўп дедим. Қуролимни кўтариб югурганча олдинга қараб кетдим. Энди мен жойлашган позиция ҳам қулай ва ўт очишга тўла имкон берар эди.

Душман снайперлари мени кўриб қолган эканлар, тўхтовсиз шу томонга қараб ота бошладилар. Мен ўзимни эҳтиёт қилдим, буйруқни бажариш учун ўз танктешар милтиғимдан ўт очдим, уч ўк билан чап томондаги душман пулемёт нуқтасини яқсон қилдим. Милтиғимни иккинчи немис пулемётига тўғриладим. У билан узоқ олишишга тўғри келди. Шу вақт душман снайпери отган ўк, милтиғимнинг сошқасини синдирди. Энди милтиғим ерда туролмас эди. Нима қилиш керак? Дарров милтиқни ёнимдаги дўнгга тираб отишни давом этдирдим. Душманнинг иккинчи пулемётини ҳам емирдим. Бир дона ўқим қолган эди, у билан немис снайперини ҳам қулатдим. Йўл очилди. Ротамиз хужумни давом этдириб олға қараб кетди.

**III даражали «Шухрат» ордени кавалери,
қизил аскар Тошпўлат Ёкубов**

НЕМИС РАЗВЕДКАЧИЛАРИНИ АСИР ОЛДИМ

Ўрмон олдида немислар қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошладилар. Отделениямиз взводнинг ўнг қанотида ҳаракат қилиб чекинаётган душманни бошлаб адабини берди. Мен ўрмонни эгаллаш учун бўлган жангда ўнлаб гитлерчиларни қирдим ва биринчилар қаторида душман устига ташландим.

Жанг тугади.

Отделение дам олмоқда эди. Мен ўрмон ичида навбатдаги соқчиликда турдим. Тун қоронғи эди. Шу вақт нимадир шитирлади. Тек туриб кулоқ солдим. Мендан 15 қадам нарида 3 та кўланка кўринди. Шарпадан кўзимни олмадим, дарахт ёнида туриб кузата бошладим. Улар менга яқинлашдилар. Синчиклаб қарасам – немислар. Жуда соз дедим ўзимга ва тўсатдан олдиларидан тўсиб чиқиб:

– Ҳальт! – деган эдим, фашист солдатлари кўрқиб кетганларидан қўлларини кўтарганларини ҳам билмай қолдилар. Текширишда учаласи ҳам немис разведкачиси эканликлари аниқланди.

**Қизил аскар Носир Чўтғибоев,
«Жанговар хизматлари учун» медали
билан мукофотланган**



Белоруссияни озод этиш жангларида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек йигитлари. Чапдан ўннга: қизил аскар Н.Чўтғибоев, қизил аскар Т.Ёқубов, младший сержант Т.Жўраев.

В.Н. Старков фотоси

ДУШМАН ЙЎЛИНИ ТЎСДИК

Бизнинг отделенияга чекинаётган душманнинг орқасига ўтиб пистирма қуриш топширилди. Биз 10 киши эдик. Қоронғи тушиши билан отделение командири сержант Риндин бошчилигида ўрмон ичи билан кетдик ва душман чекиниши лозим бўлган катта йўл бўйида пистирма қуриб ётдик.

Ротамиз душманни сиқиб чекинишга мажбур қилди. Ўқ товушлари борган сари бизга яқинлаша бошлади. Биз автоматларни тайёр ҳолда ушлаб душман йўлини пойлай бошладик.

Тус-тўполон бўлиб чекинаётган душманнинг катта бир тўдаси бизга яқинлашди. Риндин команда берди, бирдан ўт очдик. Немислар ҳам бизга қарши ота бошладилар. Икки ўртада жанг бошланди. Отделение командири ярадор бўлиб сафдан чиқди. Мен командирликни ўз зиммамга олиб жангга раҳбарлик қила бошладим.

Ротамиз душманни ҳамон қисиб кела бошлади. Икки ўртада аросатда қолган немисларнинг биттаси ҳам қочиб қутила олмади. Душман тор-мор келтирилди. Мен ўзим шу жангга автоматдан отиб ўн немисни ўлдирдим. Топшириқ бажарилди. Мен ўз отделением билан яна ротага қўшилиб олға қараб кетдим.

Медалли младший сержант Тошнӣз Жўраев

ВАТАН УЧУН



Сержант Ҳабибулла
Тошмуҳамедов

Ротамиздаги комсомоллар ҳужум бошлангандан бери матонат билан жанг қилмоқдалар. С. қишлоғи учун бўлган жангларда шундай бўлди: ротамиз душманни қисиб ўнг томондан қишлоққа жуда яқинлашди. Душманнинг кучи биздан бир неча ортиқ эди. Қишлоқ четида жанг қизиб кетди. Мен икки отделение жанглари олиб биринчи бўлиб қишлоққа бостириб кирдим. Менинг ёнимдаги жангчи дўстларимнинг кўпчилиги ўзим тарбиялаб етиштирган комсомоллар. Биз автоматлардан даҳшатли

ўт очиб душманнинг ўртасига кирдик. Сон жиҳатидан кўп бўлган гитлерчилар ён томондан бизни қуршаб олишга ҳаракат қила бошладилар. Мен комсомоллардан Уминов, Ҳайдаров ва Комиловларни душманнинг ўнг томонига ўтишга буюрдим, ўзим қолган жангчилар билан тўғридан «Ватан учун!», «Сталин учун!» деган нидолар остида атакага ташланиб найза жангини бошлаб юбордик. Жанг узоқ давом этмади.

Биз қирқдан ошиқ гитлерчини кириб ташладик. Рота миномёти, бир пулемёт, ўнгдан ошиқ автомат ва милтикни қўлга туширдик. Мен ўзим бир немисни асир олдим.

Ватан ишимизни тақдирлади, мени ва жанговар дўстларимни мукофотлади.

НЕМИС ҚОЧГАНДА

Ҳужум давом этмоқда.

Мен 82 миллиметрли миномёт расчётимни ўт позициясида жойлаштирдим. Расчётим рус йигити Борш, татар Мухтаков, белорус Сокола, қозоқ Отамановлардан иборат. Бу йигитларнинг ҳаммаси бири-биридан яхши, кўпни кўрган жангчилар.

Взвод командири мени ўз ёнига чақирди. Душманнинг ўт нуқталарини йўқотишга буюрди. Мен дарров дарахт устига чиқиб ниқобландим ва ориентирларни белгиладим. Расчёт жангга тайёрланди. Мен дарахтдан тушмасдан:

– Мўлжалловчи Мухтаков, ориентир 2, ўнг томонда 0-30, прицел 7-41. Ўт очилсин! – деб команда бердим. Икки мина кетма-кет учиб кетди. Аммо бу отилган миналар мўлжалга озгина етмади. Яхшироқ чамаладим. Прицелни 8-22 қилиб ўзгарттирдим, яна ўт очдик. Бу сафарги миналар тўғри мўлжалга бориб тушди. Немисларнинг пулемёт нуқтасининг кули кўкка совурилди. Шундан сўнг душман траншеяларини ўтга тута бошладик. Кетма-кет тушиб ёрилаётган миналарга бардош беролмаган гитлерчилар траншеядан чиқиб қоча



Сержант
Салим Сувонов

бошладилар. Мен мўлжални доим ўзгартириб чекинаётган душманга ўқ ёғдириб турдим.

Менинг расчётим шу жангда немисларнинг пулемёт нуктасини ва 50 дан ошиқ солдат ва офицерини қириб ташлади.

1944 ЙИЛ 29 АВГУСТ. №65 (155)

БОТИР МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

Йигитнинг нори бўл!

Комсомол Зокировдек жанг қил!

Хужум жанглари қахрамонлари

Абдувоҳид Зокиров

2 марта «Жасурлиги учун» медали ва «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган комсомол қизил аскар Абдувоҳид Зокиров автоматчилар отделениясининг командири. Отделениядагиларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирдан эпчил, довъяурак одамлар. Булар босиб ўтган йўллар порлоқ, дoston қилишга арзийди. Отделениядаги қизил аскарлар Сойибжон Паёзов, Ранчинский, Титов, Исмоил Усмоновларнинг доврқлари бугун қисм жангчиларига маълум.

Отделение янги эгаллаган позицияда мустаҳкамлана бошлади. Командир Зокиров душманни кузатиб турган Титов ёнига келиб ётди.

Қуёш ўрмон орқасига ботди. Қоронғи туша бошлади. Чекинган душман қишлоқ четида позиция куриб ўт очишни давом этдирди. Командир жанговар дўстларига қараб:

– Ўртоқлар, биз бугун бу ерда қололмаймиз. Тунда душманни қишлоқдан нарига улоқтириб ташлашимиз керак. Хужум қизил ракета билан бошланади, – деди.

Ҳамма диққат билан командирининг сўзига қулоқ солди. Масала равшан эди.

Рота командири қизил ракета отиб хужумга ўтиш ҳақида сигнал берди. Зокиров отделенияси хужумга ўтиб ўнг қанотдан қишлоққа бостириб бора бошлади.

Мана, отделение душман пулемётига дуч келиб қолди. Бундай вақтда жуда тез ҳаракат қилиб душманга яқинлашиш керак ва уни янчиб ташлаш керак. Зокиров олдинга ўтиб:

– Отделение, менинг орқамдан қиска-қиска чопиб олға! – деб команда берди. Отделение олға чопди. Душман пулемётчилари совет баҳодирларининг қаҳрига бардош беролмай пулемётларини ташлаб қоча бошладилар. Зокиров ўлжа пулемёт ёнига югуриб борди ва уни душман томонга буриб кучли ўт очди.



Абдувоҳид Зокиров

Қишлоқда жойлашган душманнинг катта кучи қарши атакага ўтди. Отделениега қарши атакани қайтаришга тўғри келиб қолди. Зокиров ўз жангчиларини жой-жойига қўйди. Ўзи эса немислардан олинган ўлжа пулемёт ёнига ётди ва ота бошлади.

Душман Зокиров пулемёти қаршисида 20 дан ортиқ ўлик қолдириб чекинди. Қарши атака қайтарилди. Немислар қишлоқдан суриб чиқарилди.

Рота командири Зокировни ёнига чақириб:

– Отделениянгиз билан душман орқасига ўтасиз ва немисларнинг қочиш йўлида пистирма куриб уларнинг йўлини тўсасиз, – деб буйруқ берди.

Душман орқасига ўтиш учун ўрмон чеккасидаги ботқоқликдан бошқа қулай жой йўқ эди.

– Ўта оламизми? – деб Зокиров жангчиларга мурожат қилди.

– Албатта ўтамиз, – деб ҳамма бирдек жавоб берди.

Ботқоқлик жуда бўш эди. Оёқ боссанг тиззагача ботиб кетасан. Дўстлар бирин-кетин юриб уч километрлик ботқоқни кечиб ўтдилар. Душманнинг чекиниш йўллари ҳам аниқланди. Зокиров кўкатлар билан қопланган сувсиз ариқча ичига пистирма қурди.

Узоқ кутишга тўғри келмади. Тездан бир тўда немислар ариқ бўйлаб кела бошладилар. Зокиров жангчиларни огоҳлантирди. Немислар 19 киши эди. Зокиров уларни ўтказиб юбориб орқаларидан ўт очишга қарор қилди. Немислар ўтиб кетдилар. Зокиров

ишора билан команда берди. Ҳамма автомат бирдан тилга кирди. Немисларнинг ҳаммаси қириб ташланди.

Адхам Ҳамдам

КЎПРИК ПОРТЛАТИЛДИ

Ўзининг довъяораклиги билан бутун қисмга танилган сапёр ефрейтор Бобожон Жуманиёзовнинг шуҳрати яна ортди.

Унга бир группа жангчилар билан душманнинг орқа томонига ўтиб унинг чекиниш йўлидаги катта кўприкни портлатиш ҳақида жанговар топшириқ берилди.

У ўз ўртоқлари билан ўрмонлар оралаб немисларнинг орқа томонига ўтиб олди. Тош йўл устидаги кўприкнинг олдига келганда ўзи билан бир жангчини олиб кўприкка томон кетди. Қолган жангчилар эса уларни кузатиб турдилар. Жуманиёзов кўприкка тол кўйди. Узоқдан туриб толга боғланган ипни ёндирди.

Кўприкда пайдо бўлган кучли портлашдан немислар буларни сезиб қолдилар ва жангчиларимизнинг устига ёпирилдилар. Бироқ баҳодирлар бўш келмади.

Жуманиёзов милтиғини маҳкам тутган ҳолда шиддат билан немислар орасига ёриб кириб, уларни найза ва милтиқ кўндоғи билан яксон қила бошлади.

Душман ортиқча бардош беролмади. Бир неча ўнлаб ўлик қолдирган ҳолда турли томонга қоча бошлади. Жасур сапёр Бобожон Жуманиёзов шу жангда 16 гитлерчини ўлдирди ва биттасини асир олди.

Старший сержант Ж.Шўкаев



Ўзбекистон ССР Бухоро район Сталин номидаги колхознинг энг яхши стахановчиси Музаяб Каримова чопиқ вақтида кундалик нормасини 250 процент бажариб келди. Суратда Музаяб Каримова.

М.Юсупов фотоси

1944 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ. №66 (156)

ДУШМАННИ РАЗВЕДКАДА ҚАНДАЙ АЛДАДИК

Жанг тажрибаларидан

Хужум давомида душманни разведка қилиш анча қийин. Бундай шароитда жуда тез ва эпчил ҳаракат қилиш керак. Чунки душман кутилмаган ерда олдингни тўсиб чиқиши мумкин.

Сўнги кунлар ичида менинг отделениямга хужум шароитида душман томонини кўп марта разведка қилишга тўғри келди.

Отделениямда разведка вақтида бир киши ҳам йўқолган эмас. Бир кун шундай бўлди: бўлинма командири офицер Идъхинин мени ўз ёнига чақирди ва олдимиздаги ўрмонни разведка қилишни топ-

ширди. Ҳар икки томондан артиллерия отиб турипти. Снарядлар бизга яқин ерларга тушиб портламоқда.

Айни замонда, миномётларимизнинг басма-бас ёғдирган миналари немисларни чалғитиб қўйди. Биз пайтдан фойдаланиб душманнинг ёнбош томонига ўтдик. 400 га яқин немис борлигини аниқладик. Орқага қайтиш учун жуда қулай йўл топдик. Шу пайтда менда ўқ узиб душманни чалғитиш билан бўлинмамизни ёнбошдан немисларга қарши хужумга олиб келиш фикри туғилди. Биз душманни ёнбошдан ўққа тута бошладик.

Немислар жон-жаҳдлари билан биз бўлмаган томонга ўт очиш билан овора бўлаётганларида бўлинма хужумга ўтди ва душманни ўнг қанотдан ва орқасидан ўраб бориб қизғин жанг бошлаб юборди.

Натижада гитлерчилар ўрмондан суриб чиқарилди. Биз янги позицияларни эгалладик.

Сержант Рўзи Кенжаев

ИККИ ХАТ

Жангчи Дониш Йўлдошев оиласига

Ҳурматли Тожихон опа!

Сизга жанговар фронтчилик саломи юборамиз. Сизнинг оилангиздан Ватан уруши фронтига отланган Дониш Йўлдошев хозир бизнинг қисмда ва у бошқа жангчилар билан бир қаторда немис-фашист босқинчиларга қарши жанг қилмоқда.

Биз сизга унинг соғлигини ва чарчамай жанг майдонида жавлон ураётганини ушбу хат орқали билдирамиз.

Дониш отделение командири бўлиб хизмат қилади. У қисмдаги энг интизомли, ишчан жангчилардан бири ҳисобланади. Дониш Йўлдошев командир буйруқларини, жанговар топшириқларини ўз вақтида, пухта бажариши билан бошқа жангчиларга намуна.

Йўлдошев қардош Белоруссияни озод қилиш учун олиб борилган хужум жангларида катта маҳорат билан жанг қилди. У ўз қўлидаги Ватан ишониб топширган қурол билан бир неча немисни яксон қилди. Унинг фидокорона ишларини тақдирлаб қўмондон-

лик Йўлдошевни «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотлади.

Дониш немис-фашист босқинчиларни ўз инида тор-мор қилиш учун Шарқий Пруссияга томон бормоқда. Ишонамизки, у олдимиздаги ҳал қилучи жангларда яна яхшироқ ва юқори маҳорат билан жанг қилади.

Бизни ва Дониш Йўлдошевни колхоз ҳаёти, умуман, орқа томоннинг иши жуда қизиқтиради. Шунинг учун ҳам Сиз ўз колхозингиздаги ҳозирги ишлар ҳақида ёзиб бизни таништирасиз деб умид қиламиз.

**Капитан Гришаев, капитан Ржевский,
гвардиячи старший лейтенант Тюкавин,
старший лейтенант Аникин,
лейтенант Крашененников, лейтенант Турунтаев**

ФРОНТДАГИ ЎЗБЕК ЖАНГЧИ ВА ОФИЦЕРЛАРГА

Қимматли ўртоқлар!

Қадрдон Ўзбекистондан қизгин салом юборамиз. Бу хатни дала шийпонидан туриб ёзаётормиз. Бу шийпонни «Қизил Октябрь» колхозимиз даласи ўртасига қурганмиз. Ғўзаларимиз яхши ўсиши учун кўп меҳнат қилдик. Ҳозир бўлса ғўзаларимизни кўрганда кишининг ҳаваси келади. Унинг бўйи 70 – 80 сантиметр, ёппасига гуллади, кўсақлар пайдо бўлди.

Шу билан бирга, колхозимизда ғалла ўрим-йиғими ҳам давом этмоқда. Ғалламиз яхши бўлди. Ҳозир иш жуда кўп. Бу ишлар ўз вақтида қандай бажарилади? Биз 7 июндаёқ колхозимизда комсомол ёшларнинг фронтчи бригадасини туздик. Бу бригада 25 кишидан иборат. Шундан 10 таси комсомол, қолганлари союзга кирмаган ёшлар. Бригадага Саъдулла Шукуров бошчилик қилмоқда. Бу бригаданинг бошқалардан фарқи нимада? Бу бригада кундузи ғўза парваришида ишласа, кечалари ғалла ўради. Биз кечалари ишлаб 10 гектар ернинг ғалласини ўрдик. Кундузлари ғўзаларимизни 3 бор чуқур кетман чо-

пиғи ва 4 культивациядан чиқардик. Биз эса тинмай ишлаётирмиз ва сиз фронтчиларга душманни тезроқ тор-мор келтиришда ёрдам беришни бажонидил истаймиз.

Биз сизлар билан тўхтовсиз хат олишиб туриш умидидамиз. Ўзингиз фронтда ўтказаетган кунларингиз тўғрисида ёзиб турунгиз, биз бўлсак ўз колхозимиздаги ҳаётимиз тўғрисида ёзиб турамыз.

**Зубайда Обитаева, Бухоро область Қорақўл район
Қозон қишлоқ советидаги «Қизил Октябрь»
колхозни ўқитувчиси, агитпункт мудири**

1944 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ. №67 (157)

ЖАНГОВАР ҲАМКОРЛИК

Душманнинг икки танкини ёндирдик

Пиёдаларимиз янги маррада мустаҳкамландилар. Батарейя ҳам душман танклари пайдо бўлиши мумкин бўлган томонда янги позицияда жойлашди. Биз тўпимизни йўл бўйидаги дарахтлар орасига жойлаштириб яхшилаб ниқобладик.

Расчёт командири старший сержант Раҳимов атрофни синчиклаб кўздан кечирди ва отиш учун ориентирлар белгилади. Биз унинг буйруғига мувофиқ тўпни 3-нчи ориентирга тўғрилаб қўйдик.

Узоқ вақт ўтмади. Душманнинг 15 га яқин танки кўринди. Улар кенг дала бўйлаб ёйилиб кела бошладилар.

– Расчёт, жангга тайёрлан! – деди Раҳимов.

Биз тўпни ўқладик. Икки танк тўғри бизнинг расчёт томонга қараб кела бошлади. Шу вақт Раҳимов:

– Мўлжалловчи Умаров, душман танкига қарши, ориентир 4, прицель 8, тешучи снаряд билан ўт оч! – деб команда берди.

Мен дарров тўпни бурдим, яхшилаб мўлжалга олиб ўт очдим. Кетма-кет отилган 3 снаряд олдинги танкни ёндирди. Иккинчиси эса орқасига бурилди. Атрофимиздаги бошқа расчётлар ҳам немис танкларини ўтга тута бошладилар.

– Қочиб қутила олмайсан, – деб қичқирдим мен ва отишда давом этдим. Танк орқасига бурилиб йигирма-ўттиз метрча ҳам кетмаган эди, снаряд немис танкини тешиб ўтди, ишдан чиқарди.

Душманнинг танклар ёрдамида қилган бу галги уриниши ҳам пучга чиқди. Биз доим пиёдаларимизга мададкормиз. Биз уларга ёрдам берамиз, улар бизни доим қўллаб-қўлтиқлайдилар. Жанговар ҳамкорлигимиз жойида.

Гвардиячи младший сержант Мухтор Умаров

МЕРГАН ЎҚЛАР

Душман пулемётдан ўт очмоқда. Ўқлар йўл чангини осмонга кў-тарадилар. Немис бизни ерга михламоқчи, атакамизни бузмоқчи.

– Душман милтик, пулемётдан отганда жим туриш ярайди. Унга қарши ўт очиш керак, немиснинг ўзини ерга михлаш керак, – деди пулемёт расчётининг командири қизил аскар Шмаков.

Шмаков ўз пулемётини пиёдалар жанговар тартибидан олдинга олиб чиқди. Пулемётчилар окоп кавлаб жойлашдилар ва ишга тушдилар. Пулемётчиларимизнинг узун очередлари душманни ўт очишдан тўхтатди.

Разведкачилар бизнинг ўнг қанотимизда немис автоматчиларининг пайдо бўлишини хабар қилдилар.

Қизил аскар Шмаков баланд овоз билан: «Автоматчиларга қараб, мўлжал 3, белга мўлжаллаб ўт оч!» – деб команда берди.

Пулемётчи комсомоллар ота бошладилар. Бу жангда улар юздан ошиқ немис солдат ва офицерини қирдилар.

Пулемёт ўтининг кучи мана шундай дахшатли.

Гвардиячи старшина А.Ахмуданов

МИЛТИҚ ЎТИНИНГ КУЧИ

Мен милтикни ишга солсам, немиснинг шўри қуриydi. У 2 йилдан бери менга ҳамроҳ. Бўш вақт топдикми, дарров ёғлаб ойнадек қилиб қўяман.



Сержант
Тошболта Тўлянов
В. Шаровский фотоси

Взводимиз хужумга ўтди. Биз окоплардан кўтарилиб олдинга отилдик, душманга яқинлаша бошладик. Мен олға чопар эканман, милтиғимдан узлуксиз ўт очиб бордим. Қиска-киска югуриб бориб ётган еримда ҳам ўт очишни давом этдирдим. Ўртоқларим ҳам шундай қилдилар. Ялпи ўтимиз немисларни ерга михлаб қўйди.

Иккинчи жангда ҳам худди шу тахлитда ҳаракат қилдик. Немис бизнинг ўтимизга бардош беролмади. Биз тинмай отсак, немис калласини кўтара олмайди. Отолмайди. Демак, бизнинг олдинга силжишимизга ҳалал ҳам беролмайди. Душманга ўқ узишга имкон берма. Шундай қилсанг, талофат кам бўлади. Икки жангда мен милтиқдан отиб 27 немисни ўлдирдим.

Милтиқ ўти кучли ўт.

Жанг вақтида милтиғинг бекор турмасин. Тинмай отиб турсин. Ўқ сероб. Шундай экан, душманни мўлжалга олиб аямай қира бер.

**Қизил аскар Султон Қирғизбоев,
«Қизил юлдуз» ордени кавалери**

ЖЎРАЕВ ОИЛАСИГА ЁРДАМ

Колхозчилар хати руҳимизни кўтарди

Младший сержант Тошниёз Жўраев бир жангда ажойиб маҳорат кўрсатди. У сержант Рядин командир бўлган автоматчилар отделениясида ҳаракат қилиб, отделение билан чекинаётган душманнинг йўлини тўсиш учун пистирма қуриб ётди. Ротанинг сиқуви остида душман солдатлари чекиниб пистирманинг тўғрисиغا келганда Жўраев ўз автоматидан отиб бирданига ўн немисни ўлдирди.

Мен ўз ташаббусим билан младший сержант Жўраевнинг бу қаҳрамонлиги ҳақида Самарқанд область Ғаллаорол район ижроия комитетининг раҳбарлари бизнинг хатимизни Жўраев туғилиб ўсган Карси қудуқ қишлоқ Киров номидаги колхоз аъзолари ўртасида

ўқиб чиққан. Бизга шу ҳақда жавоб хати келди. Хатда Жўраевнинг кўрсатган қаҳрамонлигига жавобан колхозчиларнинг иш унумини яна ордираётганлари, колхознинг Жўраев оиласига бир сигир, 100 килограмм ғалла ёрдам берганлиги, унинг уйи яхшилаб ремонт қилинаётганлиги айтилган.

Киров номидаги колхоз аъзолари бизнинг хатимизни ўқиб чиққанлари каби, биз ҳам уларнинг хатини жангчилар ўртасида кенг равишда ўқиб чиқдик. Бу нарса жангчиларимизнинг руҳини анча кўтарди.

Бундай хатларнинг ёзиб турилиши фронт орқа томони ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда катта ёрдам беради.

Агигаторлар ана шундай хатларни ёзиб туришни одатга киритишлари ва ўз иш тажрибаларида қўлланишлари лозим.

Агигатор қизил аскар Маъруфжон Назаров



Н-нчи қисмнинг энг яхши агигаторларидан бири қизил аскар Маъруфжон Назаров.

1944 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ. №68 (158)

ЗИЙРАК РАЗВЕДКАЧИ

Артиллерия разведкачилари отделениясининг командири, коммунист старший сержант Норбўта Умирзоқов ўз отделенияси билан душман ўт нуқталарини аниқлаш учун бошқарувчи взвод эгаллаган позициядан 300 – 400 метрликда пистирма курди ва шу ердан туриб душман мудофаасининг олдинги маррасини кузата бошлади. У диққат билан қараб, немислар томондаги уч пулемёт нуқтасини аниқлаб, энди бошқарувчи взводга хабар берай деганда кўққисдан душман томондан 8 та ўзиюрар «фердинанд» ва 200 тача гитлерчининг тепаликка қараб келаётганини кўрди. Умирзоқов дарҳол бу ҳақда бошқарувчи взводга хабар берди. Бошқарувчи взвод эса батареяга билдирди.

Артиллерия тепаликка яқинлашган немис машиналари ва пиёда солдатларига қарши қаттиқ ўт очди. Немис пиёдаларини ўзиюрар замбараклардан ажратиб кўйди. Артиллериямизнинг қиргин ўтидан немислар 30 тача ўлик қолдириб чекиндилар. Шу ўртада тўғри мўлжал билан отган тўп расчётлари иккита «фердинанд»ни яқсон қилдилар.

Артиллерия разведкачиси Умирзоқовнинг немислар найрангини ўз вақтида пайқаши ва хабар бериши натижасида душманга қаттиқ зарба берилди.

Старший сержант Набижон Жўраев

БИТТА ҲАМ ТАЛОФОТ КЎРМАСДАН

Отделение хужум жангида

Ҳужум олдида взвод командири отделение командирларини ўз ёнига чақириб, олдимизда турган вазифа, вазият тўғрисида қисқа қилиб тушунтиргандан кейин менга шундай буйруқ берди:

– Старший сержант Ҳайитов, сиз ўз отделениянгиз билан взводнинг ўнг қанотида ҳаракат қиласиз. Қизил ракета берилиши билан биринчи ориентирга қараб 200 метр олдинга силжиб ўт очасиз, взводнинг олға боришини таъминлайсиз, – деди.

Жанговар хужум бошланди. Пулемётчи Абдурахмон Умирзоқовга 50 метрча олдинда бўлган дўнгга жойлашиб отделениянинг силжишини таъминлашга буюрдим. Умирзоқов буйруқни бажариб ўт очди. Шу пайтдан фойдаланиб отделение қисқа югуриш билан кўрсатилган жойга чиқиб олди. Жангчилар тинмай ўт очдилар. Олдимиздаги немислар каллаларини кўтара олмас эдилар. Отделениянинг очган ўқи взводни олдинга силжишини таъминлади. Душманнинг миномёт ва пулемёти ўққа тута бошлади. Душман ўти остидан чиқиш, кам талофот кўриш учун мен олдинга қараб тез ҳаракат қилишга қарор қилдим. Душман пулемёти сал жимиб қолиши билан отделение жангчилари ўнг ва чапдан қисқа-тез югуриб олға силжидилар. Шундай ҳаракат қилиб отделение талофот кўрмасдан атака маррасига етди.

Душман траншеясига 100 метрча қолганда мен отделенияни атакага кўтардим. Биз пулемёт, милтиклардан тинимсиз ўт очиб жадаллик билан траншеяга яқинлашдик.

Биз отган гранаталар траншеяга тушиб портлай бошладилар. Биз ўнг томондан душман траншеясига бостириб кирдик. Отделение немисларнинг бир пулемёт нуктасини яқсон қилди, 9 солдатни ўлдириб, 2 немисни асир олдик. Битта ҳам талофот кўрмасдан буйрукни бажардик.

Старший сержант Мажид Ҳайитов

ҲУРМАТГА САЗОВОР ҲАМШИРАЛАР

Хушмуомалалиги, ғамхўрлиги билан госпиталда даволанувчи ярадор жангчи ва офицерларнинг хурматига сазовор бўлган санитар Данеко ва Качайларнинг обрўси борган сари ортмоқда.

Улар ярадорларга туғишганлардек жуда яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Ярадорлар ётадиган хоналарни жуда озода саклайдилар.

Санитар Данеко ва Качай ярадорларга иссиқ овқатларни ўз вақтида келтириб, уларнинг вақтида овқатланишларини таъминлайдилар.

Н-нчи госпиталда даволаниб чиққан жангчилар ўз жонажон қисмларига жўнар эканлар, Данеко ва Качай ўртоқларга ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Қизил аскар А.Қаххоров

1944 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРЬ. №69 (159)

АЛОҚАЧИ ХАЛИЛ ЛАТИПОВ

Хужум қилаётган бўлинмалар билан телефон алоқаси узилиб қолди. Вақт зик, бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорликни тўғри уюштириш учун алоқа сув билан ҳаводек зарур. Алоқа бўлинмасининг командири старший лейтенант Кожухарь эпчил алоқачи қизил аскар Халил Латиповни ўз ёнига чақирди.

– Ўртоқ Латипов, 1-, 2-, 3-линияларда бутун алоқа тўхтади, дарҳол тузатиш керак, – деб буюрди.



Халил Латипов

Сим ғалтагини бүйинга осиб олган Халил Латипов линия бүйлаб олға қараб кетди. Мана сим узилган ер. Душман снарядлари атрофга тушиб ёрилмоқда. У ерга ётди ва симни улаб, яна олдинга қараб жўнади. Мана бўлинмалар ўртасида алоқа йўлининг келиб қўшилган жойи. Снаряд портлаши натижасида учала линия ҳам узилган.

– Ҳамма бало шу ерда экан-да, – деди у ўзига ва ишга киришди. Орадаги 10 минут ҳам ўтган эди. Старший лейтенант Кожухарь Халилнинг:

– Волга, Волга, мен Береза, мен Береза. Алоқа тикланди, – деган сўзларини эшитди.

Терга ботган, ҳамма ерини чанг босган Латипов алоқа узелига кириб келганда даръёни уришиб кечган бўлинма билан алоқа узилган эди. Латипов вазифасини ростламасдан яна линияни тузатишга жўнади. Даръёнинг нариги қирғоғида тепаликда жойлашиб олган душман миномёт, пулемётлардан қирғокни тинимсиз ўққа тутмоқда. Халил линия бүйлаб эмаклаб даръёга яқинлаша бошлади. Телефон сими даръёнинг ўртасида узилган эди. У кўкрагигача сувга кириб симнинг учини эндигина топган эди, қирғоққа келиб тушган мина парчаси уни яралади. Сув бети кип-қизил бўлди.

У ярасининг оғриғига қарамасдан, ишини давом этдирди. Дарёнинг нариги қирғоғига чиқиб, узилган симни топиб симларни бир-бирига улади. Алоқани тиклади. Сўнгра ярасини боғлади.

А.Ҳамдам

ДУШМАН МИНАЛАРИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИР

Сўнгги кунларда душман чекинаётиб муҳим объектларни, йўлларни миналашда янги усул ва янги найранглар ишлата бошлади.

Младший лейтенант Кожихов командир бўлган бизнинг сапёрлар взводимизга душман миналаган жойларни миналардан зарарсизлантириш вазифаси топширилди.

Биз катта йўл бўйлаб кўмилган миналарни оқтараётиб немисларнинг кўп жойларни янги усул билан миналаганликларини аниқладик.

Масалан, улар миналарни икки қават қилиб кўмиш усулини қўлламоқдалар. Душман қутили миналарни ярим метр чуқурликда, кумли, юмшоқ ерга кўмади ва унинг устидан тупроқ ташлаб, одатдаги металл миналарни кўяди. Бундай ҳолда фақат устдаги металл минанигина зарарсизлантириб қолмаслик керак. Сапёрлар кўпроқ хавфли бўлган қутили миналарни ҳам зарарсизлантириши лозим.

Шахсан мен қисқа вақт ичида икки қаватли қилиб кўмилган 40 та минани ва танкка қарши 45 та минани зарарсизлантирдим.

Мина оқтарганда хушёр бўл. Чуқур кўмилган миналар қолмасин. Сапёр пухта ишлаши, талофотнинг олдини олиши керак.

Ефрейтор Отақўзи Мирзаев

КОММУНИСТ СОРИЕВ ОТДЕЛЕНИЯСИНИНГ БИР ЖАНГИ

Коммунист Сориев командирлик қилган отделение жангчилари биринчи бўлиб душман траншеясига бостириб кирдилар ва траншеяни немислардан тозалаб янги маррани эгалладилар. Шу вақт душман қолган кучларини ишга солиб баҳодирларни ўраб олишга ҳаракат қила бошлади. Сориев жангчиларга айланма мудофаага ўтишга, ўт очишни сусайтирмасликка буйруқ берди. Отделениядаги 7 жангчи тўрт томонга ўт очиш мумкин бўлган вазиятни ишғол қилди. Душман қуршаб кела бошлади. Отделение жангчилари немисларни яқин масофага келтириб туриб мўлжаллаб ўт очдилар.

Душман чекинишга мажбур бўлди. Сориев отделениясини атакага кўтариб немисларни иккинчи траншеяларига бостириб кирди. Бу жангда унинг отделенияси 13 солдатни ўлдириб, 2 немисни асир олди ва икки тўп, 4 отни қўлга туширди.

Сержант Бобожон Сапоев

СУЛТОН ҚИРҒИЗБОЕВНИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛИГИ

«Фронт ҳақиқати» газетасининг шу йил 5 сентябрда чиққан сониде «Қизил юлдуз» орденли ва «Жанговар хизматлари учун» медалли коммунист Султон Қирғизбоевнинг икки жангда қандай қилиб 27 немисни ўлдиргани ҳақида ёзилган эди.

Қирғизбоев сўнги жанглarda янги қаҳрамонлик кўрсатди.

Немисларнинг бир ротача солдатлари бизнинг бўлинма эгаллаган позицияга қарши атака қилди. Немислар жуда яқинлашдилар. Шу вақт Қирғизбоев ўрнидан турди ва милтиғини қўлга олиб: «Ватан учун! Сталин учун! Олға, ўртоқлар!» деб қичқирган ҳолда душман устига ташланди. Бўлинмадаги ҳамма жангчилар Қирғизбоев кетидан гитлерчиларга ташландилар. Икки ўртада қўл жанги бошланди. Қирғизбоев милтиғидан отиб ва найза билан санчиб 6 немисни ўлдирди.

Фашистлар анча талофот кўриб чекинишга мажбур бўлдилар.

Лейтенант А.Солиев

МАНЕВР

Бизнинг бўлинма битта қишлоқни немислардан тозалаб олға силжишда давом этди. Бироқ катта тош йўлни кесиб ўтадиган ариқчанинг нариги томонида кўприк олдида истехком қуриб олган душман пулемётлар ва бошқа қуроллардан каттиқ ўт очиб бўлинмамизнинг йўлини тўсди.

Бўлинма командири, гвардиячи лейтенант Романов менга жуда маъсулиятли вазифа топширди. Мен ўз отделениядаги автоматчилар билан кўприкни айланиб ўтиб душманга ёнбошдан ўт очишим ва бу билан бўлинмамизнинг қилажак ҳужумига ёрдам беришим керак эди.

Мен шундай манёвр қилдим. Ариқ бўйидаги бутазорликлар ичидан биз бир километрча кўтарилдик. Қизил аскар Дўсмонов

ариқнинг ҳар икки томонини кузатиб борди. Ариқнинг ғарбий қирғоғидаги бутазорликни оралаб сездирмасдан душманга яқинлашдик. Немисларнинг диққатини бошқа томонга қаратиш учун мен иккита автоматчига душманнинг орқа томонига ўтиб ўт очишга буюрдим.

Биз немисларнинг қанотида жойлашдик. Ҳалиги икки автоматчи душман орқасига ўтиб узун очередь билан ўт очдилар. Гитлерчилар қайрилиб иккита автоматчини ўққа тута бошладилар. Биз бўлсак қанотдан немисларга қараб кучли ўт очдик.

Немислар орқаларига чекинишга мажбур бўлдилар. Ўт остида кўприкни портлатишга жазм қила олмадилар.

Отделениядаги жангчилар топширикни бажардилар. 14 немисни ўлдириб, иккитасини оғир ярадор қилдилар.

Гвардиячи младший сержант Ҳасан Рўзибоев

ГИЛЬЗАЛАРНИ ИСРОФЛАМАЙМАН

Старшина Муҳаммадқулов бизлар билан суҳбат ўтказди. У суҳбатида:

– Уруш жуда кўп ўқ-дори талаб қилади. Ўқ ва снаряд қилиш учун рангдор маъдан керак. Ҳар бир жангчи отган ўқининг гильзаларини йиғиши ва менга топшириши лозим. Биз қанча кўп гильза терсак, ўқ-дори заводларига шунча кўп ёрдам берган бўламыз, – деди.

Бу суҳбатдан кейин мен гильзаларни исрофламайман, доим тўплаб старшинага топшираман. Сўнгги жангда мен милтиқдан 70 та ўқ чиқардим. Жангдан кейин старшинага 100 га яқин гильза олиб келиб топширдим. Шу ишим учун старшина менга ташаккур билдирди. Ҳар бир жангчи отган ўқининг гильзасини йиғиши ва старшинага топшириши керак.

Қизил аскар Т.Рўзиматов

ДУШМАН ПУЛЕМЁТИНИ ЯКСОН ҚИЛДИ

Душман пулемётчиси ёндирилган танк ичида жойлашиб пиёдаларимизнинг олға силжишига халал бера бошлади.

Взвод командири младший сержант Овершенко душман пулемётини яксон қилиш тўғрисида қизил аскар Қурбонбой Ўрозметовга буйруқ берди.

Қурбонбой ўт остида эмакляб душман танкига яқинлаша бошлади. Немис пулемётчиси танкка яқинлашиб қолган Ўрозметовни пайқаб қолди ва ўт очди. Душманнинг ўтига қарамай, Ўрозметов тез ҳаракат қилиб танкка яқинлашди. У танк ичига иккита граната ирғитиб немис пулемёт расчётини яксон қилди.

Қурбонбой Ўрозметов жангчиларимизга йўл очди. Баҳодир жангчи «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Қизил аскар Олимжон Қамбаров

ОФИЦЕРНИ ҚУТҚАЗДИ

Медицина хизмати старший сержанти Янги Бўриев жанг майдо-нида жангчиларнинг мададкори. У бўлган ерда битта ҳам ярадор ёрдамсиз қолмайди. Бўриев икки марта ярадор бўлган ва икки марта контузия олган. Яра тузалиш билан дарҳол сафга қайтиб ўз ишини давом этдирмоқда.

Сўнгги жангларнинг бирида офицер Бусигин ярадор бўлди. Бўриев Бусигинга ёрдам беришга шошилиб бораётганида мина парчаси старший сержантнинг ўзини ярадор қилди. Ярадор бўлишига қарамасдан, у Бусининга тиббий ёрдам берди ва уни ўт остидан олиб чиқди.

**Ефрейтор У.Йўлдошев,
III даражали «Шухрат» ордени кавалери**

ҲУЖУМ ЖАНГЛАРИ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Разведкачилар взводнинг командири гвардиячи лейтенант С.Алибеков.

Б.Вельяшев фотоси



Автоматчи Мамат Йўлдошев Ломжа шаҳри учун бўлган жангларда ботирлик, маҳорат намуналарини кўрсатди. У ўзининг жанговар ўртоқлари блан шаҳарга биринчи бўлиб кирди. Шаҳар кўчаларида қўл жанги қилиб, ўз автомати блан ўнлаб гитлерчиларни қирди. Суратда: қизил аскар Мамат Йўлдошев.

П.Бернштейн фотоси

КИЧКИНАНИНГ ФАРОСАТИ

Лейтенант Воробьев бўлинмаси душманни таъқиқлаб бориб немисларни Нарев даръёсининг нариги қирғоғига улоқтириб ташлади. Жангчилар даръё бўйида мустаҳкам марра эгаллаб душманни ўтга тута бошладилар.

Қизил аскар Кичкина Усмонов пулемётини яхши маррага ўрнатиб ўт очди. Даръёнинг ғарбий қирғоғига қочиб ўтган немислар эса бизнинг позициямизга қараб ота бошладилар. Бир неча ўқ Кичкинанинг ҳам ёнидан визиллаб ўтиб кетди. Бу ишга Кичкинанинг газаби келди ва позициясини олماштириб немисларнинг адабини беришга қарор қилди.

Даръё қирғоғига яқин ерда уч қаватлик катта тош бино бор эди. Усмонов пулемётни кўтариб бинонинг учинчи қаватига чиқди. Бу ердан ҳаммаёқни мўлжаллаб отиш мумкин. У пулемётни ойнага ўрнатди ва даръёнинг ғарбий қирғоғидаги солдатларни ўққа тута бошлади.

Шу кунги жангда Кичкина катта иш қилди. У қисқа вақт ичида 4 диска ўқ чиқариб 30 дан ошиқ немисни қирди.

Сержант Х.Муҳамедов

1944 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ. №73 (163)

ИККИ РАЗВЕДКА

Қорабоев мукофотланди



Разведкачи қизил аскар Абдуқодир Арслонбеков.

А.Штирин фотоси

Душман томонда шубҳали ҳаракатлар бошланди. Бўлинма командири лейтенант Лапатин моҳир разведкачи қизил аскар Сафар Қорабоевни ўз ёнига чақириб:

– Қорабоев, душман нимагадир тайёрланаётганга ўхшайди. Душманнинг ўнг томонидаги чуқурликка бориб хушёрлик билан кузатинг, сўнгра менга хабар қилинг, – деди.

– Хўп, – деди Қорабоев ва кўрсатилган ерга жўнади. Чуқурликдан душман томонни кўриб бўлмас эди. Қорабоев аста-секин баландликка кўтарилди. Кенг майдонда буғдой ғарамларидан бошқа ниқобланадиган жой йўқ. У ерга ётди ва корни билан судралиб буғдой ғарамининг иккинчи томонига ўтиб душман томонни кузата бошлади. Бу ердан немисларнинг бутун ҳаракатлари бемалол кўриниб турар эди. Душман томонда ҳаракат зўр. Немис солдатлари траншея бўйлаб ўнг қанотга тўпланганлиги тўғрисидаги маълумотни дарҳол командирга етказди. Бўлинма хужумга ўтди. Душманнинг ўнг қанотга тўпланган солдатларини ер билан яқсон қилди, биринчи траншеяларни эгаллади.

Иккинчи куни Қорабоев разведкага бориб «тил» тутиб келтириш тўғрисида буйруқ олди. У қоронғи тушиши билан душман томонга жўнади.

Олдинда кичкина бутазор. Шу ерга келганда у ҳамма томонни синчиклаб текшира бошлади. Бута орасида нимадир шитирлади.

Қорабоев ерга ётди ва кузата бошлади. Бута орасида 3 та немис пулемётчиси ётган эди. Улар ҳам Қорабоевнинг шарпасини сезиб қолган бўлсалар керак, секин ётган ерларидан кўтарилиб атрофга қарай бошладилар. Қорабоев жойида кимираммай ётди. Немислар секин-секин Қорабоев томонга қараб кела бошладилар. Қорабоев ўткир ханжарини қинидан суғириб фрицларни кута бошлади. Биринчи немис унга яқинлашди. Қорабоев тўсатдан немисга ҳамла қилиб уни бўғизлаб ташлади. Қолган икки фриц ўқталган автоматни кўриб қўларини кўтаришга мажбур бўлдилар.

Жасур разведкачи икки «тил»ни командирига келтириб топширди.

Кўмондонлик Қорабоевни «Қизил байроқ» ордени билан мукофотлади.

Капитан С.Ильин

Жонажон элимизда



Колхозчи Ҳалима Латипованинг (ЎзССР Самарқанд район Каттақўрғон.

Ариқ қишлоғидаги Сталин номли колхоз) 10 та боласи бор. Унинг уч ўгли фронтда.

Яқинда икки ўгли отпускага келди. Суратда: Ҳалима Латипова ўз оиласи орасида.

Унинг ўгли лейтенант, қўш ордонли Исо Тоғаев ҳукумат фармони ўқиб эшиттирмоқда.

А.Кўзьменко фотоси

КОЛХОЗЧИ НУРХОН ТЎХТАБОЕВА ЎН ИККИНЧИ БОЛА ТУҒДИ

АНДИЖОН (ЎзТАГ). Андижон область Ворошилов район Хонобод кишлок советидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг аъзоси Азимжон Тўхтабоевнинг оиласида катта хурсандчилик рўй берди. Яқинда унинг хотини Нурхон Тўхтабоева ўн иккинчи боласини туғди. Бу янги фарзандга фронтчилар шарафига Қахрамон деб ном қўйдилар.

Район ташкилотлари кўп болали бу оиллага катта ғамхўрлик кўрсатаётирлар. Тўхтабоевлар оиласи озиқ-овқат билан таъмин этилди. Врач ва медицина ҳамшираси она ва болаларнинг саломатлигидан тез-тез хабар олиб турадилар. Тўхтабоевлар оиласига битта сигир берилди, кишлик ўтин тайёрланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июнда чиқарган фармониға мувофиқ Нурхон Тўхтабоева шарафли номға эға бўлажак.

1944 ЙИЛ 3 ОКТЯБРЬ. №74 (164)

БЕШ «ТИЛ»



Анвар Искандаров
П.Бернштейн фотоси

Икки томондан ҳам отишмалар тўхтади. Взвод командири менга немислар томонини разведка қилишға «тил» келтиришға буюрди. Мен қизил аскар Малахин ва Черновойларни олиб буйрукни бажаришға жўнадим.

Олдимизда чуқурлик. Унинг чап канотида кичик-кичик тепачалар. Мен ўртоқларимни чуқурликда қолдирдим. Ўзим эса ўрмалаб кичкина тепаликка кўтарилдим ва ётиб душман томонни кузата бошладим. Биздан 300 кадамча ерда немис траншеяси. Унда 5-6 немис ивирсиб юрибдилар.

Мен ўртоқларим билан траншеядаги немисларга орқа томондан ҳамла қилишга қарор бердим.

Чап томонда ҳали ўрилмаган бугдойзор бор эди. Биз бугдойзор ичига кирдик ва эҳтиётлик билан олға бора бошладик. Шу вақт олдимизда шитирлаган шарпа эшитилди. Жим туриб кулоқ солдик.

Демак, бу ерда ҳам душман бор экан. Мен астагина команда бердим, Малахин ўнгдан, Черновой чапдан, мен эса тўғридан шарпага қараб бора бошладик. Бизни шарпамизни сезган 5 немис ердан кўтарилди. Биз уч томондан баробар автоматларни тўғриладик. Биз 5 «тил»ни ҳам взвод командирига келтириб топширдик. Кўмондонлик ҳар учимизни мукофотлади.

**Қизил аскар Абдуқодир Арслонбеков,
«Қизил юлдуз» ордени кавалери**

АЛОҚАЧИ ЛАТИФЖОН ОХУНОВ

Кучли артиллерия отишмаси бошланди. Снарядлар атрофда ёрилмоқда. Бу вақтда сержант Латифжон Охунов контроль алоқа пунктида навбатчилик қилар эди. Шу кеча-кундуз унинг кулоғидан телефон трубкаси тушгани йўқ. У телефон йўлларини текширади. Алоқанинг тўғри уюштирилишини тўхтовсиз кузатади.

– Диска!.. Диска!.. Мен «Аврора», мен «Аврора». Эшитасизми? – жавоб йўқ, демак, линия узилган.

– Ўртоқ старший лейтенант, «Диска» билан алоқа узилди, – деб командирга хабар қилди. Командир Латифжон Охуновга узилган жойни топиб алоқани тиклашга буюрди.

Алоқачи, снарядларнинг портлашига қарамасдан, ерда ётган телефон сими бўйлаб узилган жойни излаб югуриб кетди.

Мана снаряд воронкаси. Латифжон узилган симларни улади ва снаряд ўти остида 17 марта узилган алоқани боғлади. У ярадор бўлди, аммо ўз постини ташламади, ишини давом этдирди. Алоқани таъминлади.

Кўмондонлик ботир алоқачи коммунист Латифжон Охуновни «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотлади.

Старший сержант Қ.Азизов

НЕМИСЛАР ДАРЪЁДАН ЎТА ОЛМАДИ

Шом пайти сержант Шокир Салимов ўз пулемёт расчёти билан даръё киргоғига яқин кичик тепаликда эндигина позиция эгаллаган эди. Душман артиллерия ва миномётлардан Салимов расчёти жойлашган тепаликка қараб қаттиқ ўт оча бошлади.

Расчёт командири Салимов «максим»ни маҳкам ушлаган ҳолда даръё томонни кузатар эди. Иккинчи номер қизил аскар Александр Коновалов эса ўқ лендларини ҳозирлаш билан машғул. Ҳар икки азамат тевааракларида портлаётган снаряд ва мина парчаларига парво қилмай кузатишни давом этдирдилар.

Кўп ўтмай душман артиллериясини снарядлари тепалик орқасига тушиб портлай бошлади. Бу вақт Салимов бир гуруҳ гитлерчиларнинг даръё орқали сузиб ўтаётганини кўрди.

– Коновалов, ленталар тайёрми? – деб сўради Салимов ўз ёрдамчисидан.

– Ҳа, тайёр. Ротага хабар қилиш керак эди.

– Нимани?

– Немисларнинг келаётганини. Ахир...

Конавалов сўзини тамомламаган ҳам эди. Салимов станокли пулемётни ишга солди. Даръё киргоғига чиқишга уринган ўнлаб гитлерчи, Салимов пулемётидан отилган ўқлардан нариги дунъёга кетди. Бошқа гитлерчилар орқаларига чекина бошладилар.

Салимов ўт очишини сал бўлса ҳам тўхтатмади. Бир неча гитлерчи даръёга ботиб кетди.

Душманнинг маррамизга сиқилиб кириш ва даръёни кечишга уриниши пучга чиқди. Гитлерчиларга зарба берган сержант Салимов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Қизил аскар Жалил Норбўтаев

ҲУНАРЛИ ЙИГИТ

Алоқачи ефрейтор Носир Тожиев команда пунктида рация билан бўлинмага қўмондонликнинг буйруқларини бериб турган эди. Яқинда ёрилган мина парчаси рацияга келиб тегиб уни ишдан чиқарди. Топшириқлар муҳим, уларни тўхтатмасдан бериш керак.

Тожиев кечаги жангда ўлжа олинган душман рациясини келтириб шундан фойдаланмоқчи бўлди. Рация бузуқ эди. У дарров уни тузатишга киришди.

Кўп ўтмасдан рация тузатилди ва бўлинмалар билан алоқа яна боғланди. Муҳим бўйруқлар вақтида бўлинмаларга етказилди.

Қизил аскар Аҳад Сулаймонов

ХЎЖАЕВ 8 НЕМИСНИ ЎЛДИРДИ

Хўжаев бўлинмамининг яхши жангчиларидан бири. У 8 та немисни ўлдирди. Ёзги жангларда кўп йўлни босиб ўтди. «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган кизил аскар Хўжаев ўрток Сталиндан икки марта ташаккур олди.

Младший сержант Х.Ҳакимов

ЖОНАЖОН ЭЛИМИЗДА

«Жон Андижон» деган фильм яқинда Совет Иттифоқи ва чет эл киноларида кўрсатилади

СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги кинематография ишлари комитетида Тошкент киностудияси томонидан чиқарилган «Жон Андижон» деган кинохроника кўрикдан ўтказилди. Бу фильм Ўзбекистондаги уйғур колхозчиларининг турмушини ифодалайди. Фильм Совет Иттифоқи ва чет эл киноларида кўрсатилади. Уни инглиз, форси, араб ҳамда бошқа тилларга таржима қилиш бошланди.

(ЎзТАГ)

ЯНГИ ЛАВЛАГИ ҲОСИЛИДАН ҚАНД

ТОШКЕНТ. Янги йўл қанд заводи янги лавлаги ҳосилидан дастлабки минг центнерлаб қанд ишлаб чиқарди. Завод коллективи мавсумга намунали тайёрланиб ва технология процессларини яхшилаб лавлагидан қанд ишлашни ўтган йил мавсумининг биринчи даврига қараганда тўрт мартадан ортиқ кўпайтирди.

Газетамизнинг шу йил 11 августида чиққан сонида Андижон область Ворошилов район Ленин номли колхознинг собиқ аъзоси, ҳозирги икки «Шухрат» ордени кавалери гвардиячи сержант Ҳақимжон Иброҳимовнинг шу йил ёзги ҳужум жанглари вақтида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ёзилган эди. Редакциямиз шу муносабат билан Ленин номли колхоз аъзоларининг Иброҳимов хизмат қилаётган Н-нчи қисм жангчиларига ёзган хатини олди. Қуйида биз шу хатни босамиз.

ФРОНТ! ЎЗБЕКИСТОННИ ЭШИТ!

Андижон область Ворошилов район Ленин номли колхоз аъзоларининг Н-нчи қисм жангчиларига ХАТИ

Қимматли жангчилар!

Ҳамқишлоғимиз, илгари ўқитувчи, ҳозир гвардиячи сержант Ҳақимжон Иброҳимовнинг Ватан уруши фронтида кўрсагаётган қаҳрамонликлари ҳақида хабарни эшитиб ниҳоят хурсанд бўлдик. Бу хабар бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат кўшди.

Биз Ленин номли колхознинг эр-аёл колхозчилари улуг дохиймиз ўртоқ Сталиннинг чақириғи билан ҳамма бир яқадан бош чиқариб, бутун ишимизни ҳарбий изга солиб, қайта куриб олганмиз.

Ҳаммамиз гитлеризмни маҳв этиш учун ўзимизни фронт оркасидаги қудратли меҳнат фронтининг жангчилари деб э'лон қилдик.

Биз бу йил пахтадан юқори ҳосил олиш учун дохиймиз ўртоқ Сталинга ёд қилинган қасамни албатта шараф билан бажарамиз. Биз пахта далаларида фидокорона ишлаб меҳнатда ажойиб қаҳрамонликларни яратдик. Колхозимизда Усмон Холматов, Кенжахон Умарова, Нодирахон Умрзақова ва Холисхон Ашуровалар каби уруш даврининг стахановчилари етишиб чиқдилар, улар ўз нормаларини ошиғи билан бажариб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Қамчибой Холбекиев, Мамажон Холиқов ва Абдулла Умаров каби қарияларимиз уруш бошлангандан буён фронтга кетган ўз болаларини ўрнини келиб эгалладилар, уларнинг вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

Мирзақосим ота Содиқовни ҳамма билади. У фронтга кетган 2 ўғлининг нормасини бажариш учун кечаю кундуз меҳнат фронтида жанг қилмоқда. Колхозимизда бундай ватанпарварлар жуда ҳам кўп.

Ҳозир пахталаримиз қийғос очилган. Мўл ҳосилни йиғиштириб олиш учун бутун имкониятларни ишга солиб, пахтамизни бир граммини нобуд қилмасдан йиғиштириб оламиз. Октябрь социалистик революциясининг 27 йиллик шонли байрами кунда планимизни ортиғи билан бажариб ватан олдида, улуғ Сталин олдида, сиз, қаҳрамонлар, олдида эришган ғалабаларимиздан рапорт берамиз.

Пилла жуда катта давлат аҳамиятига эга эканини тушунган ўрток Иброҳимовнинг оиласи Мўтабархон Иброҳимова бу йил бир қути пилла тутиб, 50 ўрнига 85 килограмм биринчи сорт пилла топшириб колхозда шухрат қозонди.

Азиз жангчилар!

Фронт орқасида мардонавор ҳаракат қилаётган ота-оналарингиз, фарзандларингиз ва қайлиқларингизнинг номус-ори учун қуролларингизни дадилроқ тутингиз. Техникани яна ҳам пухтароқ ўзлаштирингиз. Душманнинг бутун ҳийла-найрангини тез пайкаб оладирган бўлиб уни ҳар қадамда қақшатингиз. Ана шундагина биз сиздан минг марта она сути хурмати розимиз.

Ғалаба кунларимиз яқин, паровон кунлар яна барқ уриб қанот ёзади. Ана шунда улуғ жангда қаҳрамонлик кўрсатган сиз оташин авлодлар билан биз меҳнат фронтининг жангчилари улуғ дохийимиз, саркардамиз ўрток Сталин раҳбарлигида янги қувноқ, олийжаноб ҳаётга қараб янада дадил қадам ташлаймиз.

Сталин учун, ватан учун олға!

Ворошилов кишлоқ советидаги Ленин номли колхоз а'золарининг топшириғига мувофиқ:

Ленин номли колхознинг раиси, орденли Ашурали Ҳатамов, колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Иззатой Тошматова, колхоз ҳосилот совет кенгашининг раиси Қўшакбой Ҳасанов, илғор звенолардан Тўйчибой Холиков, стахановчи колхозчилардан Кенжахон Умарова, Усмон Холматов, Холисон Ашурова, Ленин, Коммунизм номли мактаб директори Мирза Умаров, илғор ўқитувчилардан Турғунжон Орипова, а’лочи ўқучилардан Манжихон Қўшакова.



Мард разведкачи Совет Иттифоқи
Қаҳрамони гвардиячи старший
сержант М.Ахмедов. У 27 та «тил»
келтирди.

Б.Вельяшев фотоси



Фронтчи – гвардиячининг хотини
Мўтабархон Иброҳимова. У бу йил
бир қути уруғидан 60 килограмм
ўрнига 85 килограмм пилла
ҳосили олди

ДАРЪЁНИНГ НАРИГИ ТОМОНИДА ТУНГИ ҚИДИРИШ

Биз даръёни кечиш, душман жойлашган ерга кириб контроль асир тутиб келтириш тўғрисида буйруқ олдик. Младший сержант Леванк ва қизил аскар Борисовлар бошчилигида ҳимоя группаси, икки «Шухрат» ордени кавалери сержант Буров бошчилигида тўскинлик қилувчи группа ва менинг бошчилигимда асир тутиш группаси белгиланди. Қидиришга эса младший лейтенант Бузиканов раҳбарлик қилди.

Кун бўйи дарахт тепасида қурилган кузатув пунктидан душман қирғоғини кузатдик. Кеч тушиши билан қирғоққа тушиб, иккита кечиб жойи топиб даръёдан ўтдик. Ерга ётиб немис пулемёт нуқталари жойлашган жойларни аниқладик. Буларнинг ҳаммаси тайёрлик ишлари эди. Қидиришни эса эртасига кечаси ўтказдик.

Даръёга кеча разведка қилинган йўл билан келдик. Даръёдан қайиб билан кечаги кечидан юқориқдан ўтдик. Бу душман кузатувчиларини алдаш учун эди. Сержант Буров бошлик сапёрлар мина далалари ва симлар орқали йўл очдилар. Сим тўсиқлар тўрт қозикли эди.

Аввалдан маслаҳат қилишимизга мувофиқ миномётчиларимиз душманни чалғитиш учун бошқа ерга қараб ўт очдилар. Немислар ҳам миномёт ва пулемётлардан ўт очиб жавоб қайтардилар. Шундай қилиб, душманнинг диққати бошқа жойга жалб қилинди.

Душман траншеяларини айланиб ўтиб немисларнинг орқа томонига ўтишга қарор қилдик. Биз фрицларга жуда яқинлашиб қолган эдик, орқамиздан пулемёт ўт очиб қолди. Ҳимоячи группа дархол душман ҳамласини қайтаришга тайёрланди, менинг группамдаги разведкачилар эса пулемёт устига отилдилар ва уни граната билан кўмиб ташладилар. Бир пулемётчи ўлдирилди. Иккинчисини эса мен ва менинг жангчиларим: Муҳамедов, Копченев ва Авазовлар даръёга судраб олиб кетдик. Ҳимоячи группа қайтишимизни таъминлади. Ушланган асир немис билан ўз қирғомизга кечиб ўтдик.

Младший сержант А.Бобряшев

АЗИМОВ РАСЧЁТИНИНГ ЖАНГОВАР ҲИСОБИ

Латифжон Азимов Бухоро областининг Свердлов районидан Қизил Армия сафига келганда Сталинград остоналарида қизгин ҳаёт-мамот жанглари бормоқда эди. Латифжон миномёт ишини зўр иштиёқ билан ўрганди ва мўлжалловчи бўлди.

Латифжон ўз миномёти билан немисларнинг 40 дан ортик атаксини қайтаришда пиёдаларимизга ёрдам берди. Миномётдан

мерганларча отилган миналар немисларнинг бир замбарак батареясини, ўқ-дори юкланган аравасини ва ўнларча солдат ва офицерларини ер юзидан йўқотди. Қўмондонлик бу мард ўзбек йигитининг ботирилигини тақдирлаб Латифжонни «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Қисмларимиз вақтинча мудофаада, Азимовнинг миномёт расчёти доим жангга тайёр. Немислар бўлинмалармизнинг эгаллаган қулай марраларини тортиб олиш учун атака бошладилар. Жангчиларимиз душманни кучли ўт очиб қарши олдилар. Шу куни немислар 9 марта атакага ўтдилар. Лекин талофотдан бошқа нарсага эришмадилар.

Бу жангда Азимовнинг миномёти тўхтамай отиб турди. Расчётдаги ҳамма жангчилар сафдан чиқдилар. Миномёт сафида Азимовнинг ёлғиз ўзи қолди. Шунда ҳам миномёт отишдан тўхтамади. Азимов ўзи мина келтирди, заряд қўйди, мўлжаллади ва отишни давом этдирди.

Бу тенгсиз жангда Азимов 50 га яқин немис солдат ва офицерини кирди, 2 пулемёт нуқтасини яксон қилди. Бу баҳодирлиги учун у қўмондонлик томонидан иккинчи марта «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди ва старший сержант унвони берилиб, расчёт командири қилиб тайинланди.

1944 йилнинг ёзги жанглари бошланди. Азимов расчёти яна пиёдаларнинг жанговар сафида ҳаракат этди. Расчёт шу жангларда 70 дан ортиқ фрицни, станокли 2 пулемёт ва 3 блиндажни йўқ этди.

Латифжон Азимов ҳозир коммунист ва агигатор. Моҳир ва эпчил жангчи бир марта ҳам ярадор бўлган эмас ва кадрдон миномётидан ажралган эмас. Латифжоннинг расчёти ўзининг жанговар йўлида 500 дан ортиқ немис солдат ва офицерини ерга кўмди, 15 пулемёт нуқтасини йўққа совурди.

Қизил аскар Шараф Мударрисов



Рота партия ташкилотчиси сержант В.Шевцов агитаторлар блан оқимдаги момент тўғрисида суҳбат ўтказмоқда. Чапдан ўнгга: В.Шевцов, Қизил аскарлар Р.Колагин, М.Абдурахмонов, И.Бирюков, Старший сержант И.Ляблин ва сержант Г.Жиров.

В.Шаровский фотоси

ЖАНГ БОТИРЛАРИ ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДАЛАР

Хужум жанглари давомида бўлинмамиздаги коммунистларнинг сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Партия сафига кирувчиларнинг аризалари жанг ораларида ўтказилган партия мажлисларида кўрилади. ВКП(б) қаторига қабул қилинаётган ҳар бир жангчининг ҳаёт йўли порлоқ. Улар жанг майдонларида қаҳрамонликнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар.

Бир жангда бўлинма атакага кўтарилган вақтда қизил аскар Макшаков биринчи бўлиб немис траншеясига бостириб кирди ва 8 немисни ўлдирди. Макшаков бошлиқ бўлган группа жангчилари эса

12 немисни асир олдилар. Шунингдек, қизил аскар Беловецкий ҳам 2 немисни ўлдирди. Баҳодир жангчилар партия сафига қабул қилин-дилар.

Ефрейтор Эркин Боратовнинг шухрати бўлинмамиздаги жангчи-ларга маълум. У жуда кўп жангларда иштирок қилди. 50 лаб немис босқинчиларни қириб ташлади.

Немисларнинг бир бронемашинаси қишлоқ чеккасида пайдо бў-либ, хужум қилаётган бўлинмамизга қараб ота бошлади. Офицер Синогин Боратовга душман машинасига граната ташлаб яксон қи-лишга буюрди. Жасоратли жангчи қулай йўллар билан немис маши-насига яқинлашиб танкка қарши граната ирғитиб машинани ёнди-риб юборди.

Партия кандидати қахрамон Эркин Боратов ВКП(б) ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

Лейтенант А.Стешкин

ОТА МАКТУБИ

Наманган области Чуст район Олмос қишлоғида яшовчи колхоз-чи Маҳкамбой Абдукаримов фронтимизда жанг қилаётган ўз ўғли, қизил аскар Абдурахмон Маҳкамовга куйидаги мактубни ёзади:

«Азиз ўғлим Абдурахмон! Биз, ота ва онанг, сенга қизғин колхоз-чилик саломини юборамиз.

Колхозимизда бу йил дала ишлари намунали ўтказилди. Мўл пахта ҳосили етиштирилди. Ҳозир далада иш қизғин бормоқда. Сен Ватан уруши фронтларида немис-фашистларига қарши чарчамай жанг қилаётган бўлсанг, биз ҳам бунда она ватанга кўпроқ ва си-фатли пахта бериш тўғрисида ўртоқ Сталинга берган қасамимизни бажариш устида жонбозлик билан ишламоқдамиз.

Ўғлим, сен биздан тинч бўл. Биз яхши яшамоқдамиз. Колхоз биз-га катта ёрдам бермоқда. Сенинг ёзган хатларингни олиб турибмиз. Немисларни жасурлик билан қандай қираётганинг ҳақидаги сўзла-ринг бизга куч бермоқда. Мен сен каби қахрамон ўғлим билан фахр-ланаман.

Ўғлим Абдурахмон! Янада яхшироқ жанг қил. Ўртоқларингдан қолишма! Биз сенинг тез кунда ғалаба билан ўз кадрдон колхозингга қайтиб келишингни тилаймиз.

Сенга соғлик тилаб отанг Маҳкамбой, онанг Шонисо, хотининг Зулайхажон, қизинг Маъсуда».

ЖАНГЧИЛАР БУТУН ВОҚЕАЛАРДАН ХАБАРДОР

Марш вақтида дам олиш учун 10 минут тўхтадик. Агигатор қизил аскар Қосим Юсупов бу қисқа, қимматли вақтни бекорга ўтказмади. У дарров газета топиб келиб ғайрирус миллат жангчилари ўртасида Олий бош кўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталиннинг янги буйруғини ўқиб берди. Доҳий буйруғидан руҳланган жангчилар кўтаринки руҳ билан маршни давом этдирдилар. Иккинчи бир дам олишда эса агигатор Совет информация бюросининг сводкасини ўқиб берди.

Агигатор Юсуповнинг жонкуярлиги орқасида бўлинмадаги ғайрирус миллат жангчилари ҳар доим бутун воқеалардан хабардордирлар.

Қизил аскар А.Одамов

ҚУРОЛИМНИ ЯХШИ ЎРГАНДИМ

Мен фронтга яқинда келдим. Рус тилини яхши билмайман. Шунинг учун қуролимни ўрганиш анча қийин бўлди. Мен отделения-миздаги кўпни кўрган жангчи ўзбек йигити, қизил аскар Қулбоевга ёрдам сўраб мурожот қилдим.

Қулбоев ўз она тилимизда менга милтиқ қисмларини, уларнинг нима учун хизмат қилишини тушунтирди. Яхши отишга ўргатди. Ўзининг жанговар тажрибаларини, жанг вақтида қандай ҳаракат қилиш, снаряд ва миналардан қандай сақланиш кераклигини қайта-қайта сўзлаб берди.

Мен милтиқни жуда ҳам яхши ўрганиб олдим. Уни яхши парвариш қиламан. Гранатани ҳам биламан.

Бир жангда биз душман траншеясига ёриб кирдик. Шу вақт мен икки немисга дуч келиб қолдим ва милтиғимдан отиб иккисини ҳам ўлдирдим. Қўмондонлик мени «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Қизил аскар Д.Норматов

УЧ НЕМИСГА ҚАРШИ

Қарши атака вақтида 3 гитлерчи младший сержант Қосимбоев ётган окопга яқинлашиб қолди. Немислар траншеямизга ташланмоқчи бўлдилар. Қосимбоев милтиқни ишга солди. Аввало, у олдиндан келаётган гитлерчини отиб йиқитди. Кўп ўтмай иккинчи немис ҳам брустверга йиқилди. Учинчи немис ўт очиб улгурди. Унинг ўқи Қосимбоевнинг гимнастёркасинигина тешиб ўтди, лекин ўзига зарар келтирмади.

Ўзининг якка қолишини кўрган фашист орқасига қараб қоча бошлади.

– Қочолмайсан, газанда!

Қосимбоев учинчи немисни ҳам мўлжалга олди ва икки ўқ билан ерга михлади.

Қизил аскар Шукр Пўлатов

ПАРТИЗАН КОМАНДИР БЎЛДИ

Ғофур Ҳақимов Белоруссия партизанлари билан бирликда пулемётчи сифатида 660 кун гитлерчиларга қарши курашди, у ўнларча немисни қирди.

Қизил Армия Белоруссияни озод қилгандан кейин Ҳақимов Қизил Армия сафига қайтди. Уни пулемёт командирлари тайёрлов мактабига юбордилар.

Яқинда Ғофур Ҳақимов ўқишни аъло ва яхши баҳолар билан тугатди ва пулемёт расчётига командирлик қилиш учун фронтга жўнади.

– Мен душман орқасида оғир шароитларда ҳам душманга омон бермадим, – дейди Ҳақимов. – Энди ўз расчётим билан душман инига бостириб қираман ва ўз ерида яксон қиламан.

Старший сержант В.Ашуров

ТАЛАБГОР КОМАНДИР

Взвод командирининг ёрдамчиси, старшина Юсуфхон Рустамов кўпни кўрган, тажрибали жангчи.

Бу кишини ажин босган юзлари унинг оғир турмуш йўлларини босиб ўтганидан, киёфасидаги жиддийлик эса унинг ишчан ва талабкор, ҳар бир ишни ўйлаб қиладиган муҳокамачил эканлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат Юсуфхон Рустамов оғир турмуш йўлларини босиб ўтган. У гражданлик уруши вақтида отлиқ аскарлар қанотида бўлиб, совет Ватанининг душманлари бўлган оқ гвардиячилар ва босмачиларга қарши жанг қилган. Ҳозир

у, мана икки ярим йил бўлди, Ватан уруши фронтларида ашаддий немис босқинчиларга қарши жанг қилмоқда, ёш жангчиларни тарбияламоқда.

Рустамов ўзининг яхши ташкилотчи ва тарбиячилиги билан фақат ўз взводида ёки ротасидагина эмас, бутун қисмда жангчиларнинг катта ҳурматига эга.

У ҳар бир жангчини алоҳида тарбиялашга диққат берди. Жангчиларни ўз командирлигига сўзсиз бўйсунушга ва топшириқларни ўз вақтида бажаришга ўргатади. Рустамов тарбиялаган жангчилардан Гараев ва Туренколар ҳарбий техникани эгаллашда, командир буйруқларини бажаришда қисмдаги энг намунали жангчилардан ҳисобланадилар.

Қўл пулемётининг 2-нчи номери, кизил аскар Ештанин ўз пулемётига ғамхўрлик қилмай занг бостириб юборган. Взвод командирининг ёрдамчиси Рустамов унга агар қўл пулемёти шундай сақланса, жанг вақтида панд беражагини, халқининг пешана тери билан ишлаган бу қуролини шундай ҳолда сақлаш билан Ватан олдида жиноят қилганини тушунтириб берди ва унга яна бир мар-



Старшина Ю.Рустамов.
М.Камшиев фотоси

та пулемётни қандай тозалаш кераклигини кўрсатди. Ештанин Рустамовнинг суҳбатидан кейин ўз қуролини яхши парвариш қиладиган бўлди.

Старшина Юсуфжон Рустамов каби талабкор тарбиячиларга биз офарин деймиз.

Младший лейтенант О.Авазмуродов

НАВБАТ ПИЁДАЛАРГА

Каримов 300 минани зарарсизлантирди

Боқимсиз бўлиб ўсган ва совет замонасида камол топиб, йигит бўлган Василий Каримов ҳозир Н-нчи бўлинмадаги ботир, намунали сапёрларнинг бири. У жуда эпчил, сезгир ва сергайрат, намунали йигит.

Унинг кўкрагидаги II ва III даражали «Шухрат» орденлари, «Жасурлиги учун» медали ва «Аълочи сапёр» нишонлари ефрейтор Каримовнинг ўз Ватани ва халқи олдидаги қасамини шараф билан бажараётганининг гувоҳидир.

Немисларнинг мудофаасини ўпириб ўтиш вақтида 5 кишидан иборат сапёрлар группасига душманнинг сим ғовлари ва миналаган майдонлари орқали пиёдаларимиз учун йўл қилиш вазифаси топширилди. Ефрейтор Василий Каримов разведкачи сапёр группасининг бошлиғи.

Энди миналанган майдон бошланиб кетди. Тонг отишига оз вақт қолди. Вақтни ғанимат билиш керак. Сапёрлар эпчиллик билан бирин-кетин душман миналарини топиб зарарсизлантира бошладилар. Каримовнинг якка ўзи душманнинг 300 миначини зарарсизлантирди.

Йўл очилди. Навбат пиёдаларга!

Старший лейтенант А.Амандиқов

НЕМИСЛАРГА ТИНЧЛИК ЙЎҚ

Фронтимизнинг капитан Ермоленко ротаси турган участкасида немисларга кеча-кундуз тинчлик йўқ. Ҳушъёр жангчилар душманни доим кузатиб унга бошини кўтаришга қўймадилар.

Снайпер Римаев фрицларни, айниқса, моҳирлик билан кирмоқда. У бир кунни ҳам бўшга ўтказмайди. Фақат сўнгги беш кун ичида у 4 немис солдатини ва 2 офицерини нариги дунъёга жўнатди.

Пулемётчи Бердиев ҳам бошқалардан қолишмайди. У ўз пулемётидан отиб душманнинг 5 солдатини гўрга тикди.

Бу маррада мерганларнинг ўқ овозлари ҳар вақт эшитилиб туради.
Сержант Абдуҳаким Холиқов

1944 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ. №78 (168)

ГРАНАТА БИЛАН НЕМИС ТАНКИГА ҚАРШИ

Икром Исоқов немис танкини яксон қилди

Лейтенант Артамоновнинг ротаси душманнинг биринчи траншеясини эгаллаб, иккинчи траншеяга хужум бошлаган вақтда немисларнинг 3 та ўрта танки ўрмон ичидан чиқиб жангчиларимиз устига қараб кела бошладилар.

Рота командири младший сержант Икром Исоқовга олдинги танкка граната ташлаб яксон қилишни буюрди. Довъюрак Исоқов танк йўлини кесиш учун йўл устидаги чуқурга жойлашиб танкни кута бошлади.

Олдинги танк Исоқов ёнига яқинлашди ва гуруллаб ота бошлади. Исоқов ётган жойдан кўтарилиб биринчи гранатани танкнинг занжирига қараб ирғитди. Кучли портлаш душман машинасининг занжирини узди. Танк михлагандек жойида тўхтаб қолди. Исоқов отган иккинчи граната немис танкини яксон қилди.

Қўмондонлик младший сержант Икром Исоқовни даража «Ватан уруши» ордени билан мукофотлади.

Сержант Умид Исмоилов

ОРТИҚОВНИНГ БОТИРЛИГИ

– Ўртоқлар! Ватан учун, Сталин учун!

Гвардиячи старший сержант Холмурод Ортиқовнинг бу чақириги билан бутун бронь тешувчилар ҳамма бирдек олға ташландилар. Улар душман устига бораётган танкларимизнинг ўрталарида пиёдалар билан биргаликда ҳаракат қилиб гитлерчиларга қарши бормоқдалар.

Ортиқов ўзининг даҳшатли танктешар қуроли билан югурганича бораётиб ўрмон ичида танкларимизга қарши ўт очишга тайёрланаётган немис ўзиюрар замбарагини кўриб қолди. У кўп ўйланиб турмай душман замбарасидан 100 метрликда позиция куриб олди. Ортиқов мўлжал билан атиги икки ўт отди. Ўзиюрар замбаракдан қоп-қора тутун чиқиб, кейинчалик ловуллаб ёна бошлади. Шу вақт 2-3 мина Ортиқов яқинида портлади ва уни ярадор қилди. У дарҳол ярасини боғлаб, мина отилаётган томонни кузатди. Ортиқов душман миномётининг яқин ерда эканини аниқлаб, аста-секин дарахтларни ичи билан орқа томондан айланиб унга яқинлашди. Бу вақт гвардиячи сержант Аҳмад Маҳмудов Ортиқовга ёрдамга шошилди. Ортиқов орқадан, Маҳмудов эса ёнбошдан кўққисдан душман миномёт расчётига ташландилар. Расчётдаги 6 гитлерчининг ҳаммаси асир олинди, миномёт қўлга туширилди.

Гвардиячи старший сержант Ортиқовнинг баҳодирлиги бу билангина чекланмайди. У яқиндагина бир жангда якка ўзи танктешар милтиғи билан немисларнинг бир танкини ва бир бронь машинасини яқсон қилди.

«Шухрат» ордени ва I даражали «Ватан уруши» ордени кавалери гвардиячи сержант Ортиқов ҳозирги хужум жангида садоқатли совет фарзанди эканини кўрсатмоқда.

Гвардиячи старшина С.Отамамедов

КОММУНИСТЛАР, ОЛҒА

Рота партия ташкилотчиси сержант Комилжон Содиқов жанг олдидан коммунистларнинг йиғилишини чақирди. Йиғилиш коммунистларнинг жанг майдонидаги илғорлик роли ҳақида масала кўрди.

Мажлисида ҳар бир коммунистга алоҳида вазифа топширилди. Низомитдинов атакага биринчи бўлиб кўтарилиши ва жангчиларни ўз орқасидан эргаштириши, Каховский эса душманнинг таянч пунктини яқсон қилишда ташаббус кўрсатиши лозим эди.

Атакага сигнал берилди. Низомитдинов ўрнидан ирғиб туриб, милтиғини баланд кўтарган ҳолда: «Коммунистлар, олға!» – деб душман траншеясига ташланди. Коммунистнинг мардлигини кўрган жангчилар ҳам бирдамлик билан кўтарилиб немислар устига ёпирилдилар. Гитлерчилар иккинчи траншеяга қараб чекина бошладилар, лекин душманнинг ўти кучайди.

Шу вақт Низомитдинов ярадор бўлди. Аммо у яранинг азоб бериши, қоннинг тўхтамай оқишига қарамай, Низомитдинов жангчиларни иккинчи траншеяга бошлаб кетди. Бу жангда Низомитдинов 2 немис солдатини ва 1 офицерини ўлдирди.

Партия ташкилотчиси Содиқовнинг ўзи ҳам бир гуруҳ жангчилар билан душман пулемётини яқсон қилди, 20 га яқин фрицни кириб ташлади.

Бўлинма коммунистлари ўзларига юклатилган партия топшириқларини пухта бажардилар ва жанговар вазифани ўташда командирга зўр ёрдам бердилар.

Старший сержант В.Ашуров

ТЎРТТА ГРАНАТА БИЛАН

Душман ўз траншеясининг орқа томонида мустаҳкам мудофаа марралари вужудга келтирган, ДЗОТлар қурган. Немислар траншеялардан суриб чиқарилгандан кейин ўша ДЗОТларда қаршилик кўрсата бошладилар.

Старший лейтенант Сорокин ротаси битта ДЗОТга жуда яқинлашиб қолди. Сорокин ефрейтор Искандар Хўжаевга душман ДЗОТини граната билан яксон қилишга буюрди.

Хўжаев танкка қарши 4 граната олиб эмаклаганча буйруқни бажаришга жўнади. Искандар ёнбош томондаги пастрок, ўқдан пана бўладиган ерлардан ҳаракат этиб олға борарди. Мана, у пулемёт ўти остидан чикди ва душман ДЗОТига яқинлашди. Орадаги масофа ўн-ўн беш қадамдан ортиқ эмас эди. Хўжаев эски бир окопчага тушиб нафасини ростлаб олиб гранаталарни ота бошлади. Мўлжаллаб ирғитилган биринчи граната ДЗОТ ёнида портлади. Душман пулемёт ўтини кучайтирди. Ўқлар ефрейтор устидан ўтар эди. Искандар шошилмай қолган гранаталарни кетма-кет ирғитди. Мўлжалга отилган гранаталар ДЗОТ амбразурасини емирдилар.

Сержант Муслим Тўлаганов

ЁШ СНАЙПЕРЛАР

Офицер Поздняков бўлинмасидаги ёш снайперлар немисларга қирғин солиб ўз ҳисобларини кундан-кунга оширмоқдалар. Сўнгги ой ичида улар 146 гитлерчиларни ўлдирдилар.

Қизил аскар Павел Андреев ёш снайперларга мерганлик билан отиш санъатини ўргатмоқда. Унинг ўзи сўнгги ой ичида 33 немисни қириб ташлади. Фақатгина сентябрь ойининг ўзидаёқ қизил аскар Абдужалил Жумаев 20 гитлерчини, Андрусев 18 та, Федор Сломенец эса 13 та немисни ўлдирди.

Яқинда кўмондонлик снайперларни орден ва медаллар билан мукофотлади. Жумаев ва Андреевлар III даража «Шухрат» ордени билан мукофотландилар.

Младший лейтенант Г.Насритдинов

АКА-УКА ШОФЁРЛАР

Ака-ука қизил аскар Вафо ва Абдулла Раҳимовлар уч йилдан бери фронтдалар. Урушгача Вафо шофёр, Абдулла эса тракторчи эди. Улар иккаласи бир кунда фронтга жўнадилар ва бир қисмга келдилар.

Ака-укани шофёр қилиб тайинладилар. Иккисига ҳам янги машина берилди. Оғайнилар виждонан ишлай бошладилар. Бир-бирларидан ортда қолмасдан ҳаракат этаётган бўлинмаларни ўз вақтида ўқ-дори, озиқ-овқат билан таъминладилар.

Сўнги хужум жанглари вақтида Раҳимовлар кеча-кундуз дам олмай ишладилар. Улар бир неча юз мартаба қатнаб авариясиз юришда бошқаларга намуна бўлдилар.

Қўмондонлик Раҳимовларни «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотлади.

Адхам

1944 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ. №80 (170)

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди бугун осмонда парвоз қилиб душманга даҳшат солмоқдалар. Лейтенант Абдусаттор Эшонқулов штурмачи. У ҳаво ўқчиси, қозоқ йигити Азаматов билан 70 та жанговар учини қилди. Биз бу саҳифада ўзбек қанотли ботири тўғрисида ҳикоя қиламиз.

ШТУРМАЧИ ЭШОНҚУЛОВ

Мен штурмачи лейтенант Абдусаттор Эшонқуловни навбатдаги учигша тайёрланиб турганида учратдим. Кенг кўкракли, норғул бу ўспирин йигит планшетини очиб қандайдир харитани кўздан кечирар эди. Унинг ўткир кўзлари харита нукталари устида юрар экан, бир-бирига туташиб келган қошлари кўзига соя солар эди.

– Хавфли сафар, – деб гап бошладим мен. У харитадан кўзини узиб:

– Раҳмат. «Ильющин» билан немиснинг устида уч-тўрт айланиб хумордан чикмоқчиман. Немислар ундан безор. Биз уларнинг устида пайдо бўлиб қолсак, «ана, азроил келди» деб



Абдусаттор
Эшонқулов



Штурмачи самолёт экипажи (чапдан ўнгга): ўқчи младший сержант Ҳ.Азаматов,
Механик старшина В.Шевченко, учучи лейтенант А.Эшонқулов.

Б.Бозаров фотоси

ерга кириб кетадилар. Уларни на ДЗОТлар ва на бошқа мудофаа иншоотлари қутқаса олмайди. Биз пиёдаларимиз бошида соябонмиз. Улар билан бирликда ҳаракат этиб немисларнинг танкларини, тўпларини яксон этамиз, жонли кучини қирамиз. Бизни «ҳаво пиёдалари» деб юритишлари бежиз эмас...

Эшонқулов ёш учувчи, тўрт ойдан бери учади, холос. Бу қисқа вақт ичида у 70 мартаба душман устида учди. Оддий учувчиликдан звено командирлиги даражасигача кўтарилди. Ўртоқлари ичида уста учувчи бўлиб шуҳрат топди. Унда немисга нисбатан ғазаб кучли. Қасос ўтлари унинг кўзида доимо ёниб туради.

Яқиндагина немисларнинг танк-ремонт заводига ҳужум бўлди. Бу жангда Эшонқулов уста ҳаракат этди. Штурмачиларимиз заводни ер билан яксон қилдилар.

Шу кунги жангда Эшонқулов уч мартаба учиб заводнинг марказий қисмига 9 марта атака қилди. Унинг бомбалари мўлжалга тушди. У отган ўқлар немисларни қирди. У доимо мана шундай ғалабаларга эга.

Коммунист Абдусаттор Эшонқуловни бутун фронт билади. Унинг кўкрагидаги «Қизил байроқ» ва «Қизил юлдуз» орденлари хуснига ҳусн қўшиб турипти. Қўмондонлик сўнгги учишлари учун уни яна мукофотга тақдим қилди.

Кечагина Тошкент текстиль комбинатининг комсомол бригадасида ишлаган мастер, ўзбек халқининг баҳодир ўғли лейтенант Абдусаттор Эшонқулов бугун осмонда мохилона учмоқда, немисларни аёвсиз қирмоқда.

Фарход

1944 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ. №81 (171)

ҚУВОНЧЛИ ХАБАР

Қизил Армия немислар ерига бориб кирган! Қандай яхши, қандай қувончли хабар! Бу хабарни агигатор бизга ўқиб эшитдирди. Ҳамма жангчиларга зўр шодлик.

Мен икки йилдан бери фронтда немисларга қарши курашмоқдаман. Душманни Сталинград остоналарида, Воронежда, Харьков шаҳарларида урдим. Шу вақтларда немислар ерига кириб бориб душманни ўз уйида ўлдиришни орзу қилар эдим.

Кутган орзуларим келиб етди. Энди немис йиртқични ўз инида қирмоқдамиз. Душманни батамом яқсон қилиш ва ғалаба билан серқуёш Ўзбекистонимга қайтиш куни яқинлашмоқда. Шу кунни яна тезлатиш учун гитлерчиларни омон бермай урайлик.

Қизил аскар Муҳаммаджон Жумаев

РАҲМОНОВ УЧУН ҚАСОС ОЛМОҚДАМИЗ

Ротамиз даръенинг ғарбий қирғоғига ўтиб жанг бошлади. Немислар жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатдилар.

Артиллеристларимизнинг кучли ўти ҳимоясида биз атакага қўтарилдик. Менинг взводим немисларнинг траншеясига биринчи бўлиб бостириб кирди. Ўзбек йигити ефрейтор Расулжон Раҳмонов траншеяда ботирларча жанг қилиб 9 гитлерчини ўлдирди.

Иккинчи ва учинчи траншеяларда жанг жиддий тус олди. Душманнинг қаршилиги кучайди. Биз қисувни кучайтирдик. Траншеяга етиш олдида Раҳмоновнинг:

– Ўртоқлар, олға! Ватан учун, урра! – деган овози янгради.

Ҳаммаёқни урра садоси қоплади. Қизгин жанг билан душман 3-нчи траншеядан ҳам суриб чиқарилди.

Иккинчи ва учинчи траншеялар учун бўлган жангларда Раҳмонов яна 17 немисни кирди ва қахрамонларча ҳалок бўлди.

Биз дўстимизнинг қабри устида:

– Раҳмонов учун қасос оламыз! – деб онт ичдик.

Шу кунги жангда менинг взводим немисларнинг уч траншеясини ҳам эгаллаб, қишлоққа бостириб кирди. Раҳмоновнинг дўстлари кизил аскар Қориев 5 немисни, Гатауллин 3 немисни ўлдирдилар. Душман қишлоқ бўсағасида 40 дан ошиқ ўлик қолдириб чекинди.

Лейтенант А.Фейген

РАЗВЕДКАДА

Взвод командири лейтенант Петреченко моҳир разведкачи, младший сержант Сайдали Акбаровга ўрмонни разведка қилиб немисларнинг танклари ва артиллерия нуқталарини аниқлаб келишни буюрди.

Акарбов тезда отланиб ўрмон томонга қараб жўнади. У қўрқмас, ўзини эҳтиёт килишни яхши билади. Бу 10-нчи разведка. У бир неча бор немисларнинг орқа томонларига ўтди, кўп марта «тил»лар келтиришда иштирок қилди. Қўмондонлик Акбаровни III даража «Шухрат» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Акарбов ўрмонни ўтиб душман артиллерияларининг ёнбошида пайдо бўлди. Разведкачи ниқобланиб кузата бошлади. У бу ерда немисларнинг 2 дала батареяси жойлашганлигини аниқлади.

Сайдали қайтишда бошқа йўлдан жўнади. Ўз маррамизга яқинлашган пайтда у ниқобланган немис ўрта танкини кўриб қолди. Акбаров танкка қарши гранатасини жангга ҳозирлаб ариқча ичи би-

лан танкка қараб юрди. У танкка ўн беш кадамча яқинлашиб келиб гранатасини ирғитди. Танк портлади. Қўрқмас разведкачи буйрукни шараф билан бажариб қайтди. У ёндирган танк позициямиздан бе-малол кўриниб турибди.

Ҳ.Адхам

1944 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ. №82 (172)

ФИДОКОР САНИТАР

Санитария дала сумкасини эгнига осган йигит тезгина чопиб ёниб турган машина олдиға етиб келди. У машина ичидаги яраланиб хушсиз ётган жангчини дарҳол ўт ичидан олиб чиқиб тез ёрдам кўрсатди.

Ҳушига келган жангчи кўзларини очди-да:

– Раҳмат, ўртоқ Жалилов! Мен сенинг бу ғамхўрлигингни ҳеч қачон унитмайман, – деди.

Санитария инструктори старший сержант Халил Жалилов яраланган ўртоқларини бир неча марта ана шундай ўт ичидан олиб чиқди.

Жалилов томонидан қутқазилган неча ўнлаб офицер ва жангчиларимиз яна сафга қайтиб келар эканлар, улар Жалиловга ўз миннатдорликларини билдирмоқдалар.

Фидокор Жалилов жанглр вақтида ғамхўрлик намуналари кўрсатгани учун Олий бош қўмондон, Совет Иттифоқи маршали ўртоқ Сталин ташаққури ёзилган уч ёрлиқ олди. Қўмондонлик бу жасур йигитни «Қизил юлдуз», III даража «Шухрат» орденлари, «Жасурлиги учун» медали ва «Аълочи санитар» нишони билан мукофотлади.



Санитар старший
сержант
Ҳалил Жалилов

Ефрейтор М.Раҳимов

ОБИДОВ НЕМИС ТАНКИНИ ЯКСОН ҚИЛДИ

Младший сержант Обидовнинг взводи тепаликни эгаллади. Немислар тепаликни қайтариб олиш учун қарши атакага ўтдилар.

Душманнинг 3 танки Обидов взводи устига қараб кела бошладди. Жангчилар душман танкларини совуққонлик билан қарши олдидилар.

Қизил аскар Асом Обидов ҳаммадан олдинда. У алоқа йўлида турар эди. Биринчи келаётган ўрта танк Обидовга яқинлашди. Жангчи граната шодасини жангга ҳозирлади. Душман танки Обидовнинг устидан ўтиб кетди. Обидов ўрнидан сакраб туриб, тайёр гранатасини танк остига ирғитди. Танк тўхтади ва гуруллаб ёна бошлади. Орқада келаётган 2 немис танки бу ҳолни кўриб орқасига бурилиб кетишга мажбур бўлди.

Сержант Қ.Ўлжабоев

1944 ЙИЛ 16 НОЯБРЬ. №86 (176)

ЎЗ ИШИГА ОМИЛ ЙИГИТ

Ефрейтор Қосимжон Отаёров душман билан биринчи мартаба олишаётгани йўқ. У босиб ўтган жанговар йўл унинг умр тарихига караганда бой. Қосимжон миномётчи. У ўз миномётини, бир вақтлар ҳаёт қуроли бўлган кетмонидек яхши ўзлаштириб олган.

Старший сержант Смирновнинг 82 миллиметрли миномёт расчёти чуқурликда янги позицияга кўчди. Пиёдаларимиз қулай маррани эгаллаш учун олға қараб ҳаракат бошладилар. Душман пулемётчиларга тил кирди. Улар пиёдаларимизни олдинга силжитмаслик учун кучли ўт очдилар.

Смирнов мўлжалловчи Отаёровга биринчи пулемёт нуқтасини мўлжалга олиб ўт очишга буюрди. Қосимжон фақат шунигина кутиб турган эди. Миналар кетма-кет отила бошладилар. Шу вақт тепаликка чиқиб миналарнинг мўлжалга тушишини кузатиб турган Смирнов:

– Қосимжон, тўхта, кулини кўкка совурдинг, – деб шодлик билан хабар қилди ва навбатдаги нуктани яқсон қилиш учун янги мўлжал кўрсатди.

Шу кунги жанг кечгача давом этди. Тез ишлаб терга пишиб кетган Отаёров жуда кўп мина отди. У 6 пулемёт нуктасини яқсон қилди, 30 дан ошиқ гитлерчини қириб ташлади.

Жангдан сўнг рота командири Отаёровнинг олдига келиб, уни III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотлади. Ҳозир коммунист Отаёровнинг кўкрагини «Шухрат» ордени, «Қизил юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун» медали ва «Аълочи миномётчи» деган кўкрак нишони безайди.

Старший сержант Б.Сопоев



Сержант М.Дўсов
*П.Бернштейн
фотоси*

БИРИНЧИ МУКОФОТ

Немислар лейтенант Файзиев взводи жойлашган маррага уч марта атака қилишга уриниб кўрдилар. Аммо баҳодир жангчилар ҳар сафар ҳам матонат билан жанг қилиб гитлерчиларнинг ҳамма ури-нишларини чиппақка чиқардилар.

Шу кунги жангда қизил аскар Асқар Хўжанов, айниқса, яхши маҳорат кўрсатди. У ўнг қанотда жуда ҳам яхши никобланиб олди.

Немислар 30 қадамча масофага келиб қолдилар. Хўжанов уларни мўлжалга олди ва икки марта узун очередь билан ўз қаршисида кел-лаётган 12 немисни тутдай тўқди.

Жангдан кейин қисм командири баҳодир жангчи Асқар Хўжановни «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Сержант Ҳ.Муҳаммад

ДЎСТИНИНГ АВТОМАТИ БИЛАН

Жанг вақтида Қудрат Сотиболдиев ярадор бўлиб қолди. У жанг майдонидан кетаётиб ўз дўсти, қизил аскар Ҳомид Йўлдошевга:

– Дўстим, мана бу менинг автоматимни ол, сенга ишониб топшираман. Мен бу билан кўп жангларда бўлдим, юзлаб гитлерчиларни кирдим. У ҳеч қачон панд бермади, – деди.

Йўлдошев ўз дўстига у берган автомат билан уста жанг қилишга ваъда берди.

Ҳомид ўз ваъдасининг устидан чикди. Шу кунги жангда у дўсти ишониб топширган автоматдан отиб 6 немисни кирди.

Қўмондонлик Йўлдошевни «Қизил юлдуз» ордени блан мукофотлади.

Қизил аскарлар Мажид Юсупов, Амин Хўжаев



Н-нчи гвардиячи дивизия Совет Иттифоқининг тўрт ордени билан мукофотланган. Дивизиянинг жангчилари – Ғалаба парадининг қатнашчилари ўзларининг шуҳратлар билан қопланган байроқлари Москвада Қизил майдондан мағрурлик билан олиб ўтдилар. Суратда: тўрт орденли гвардиячи дивизиянинг жангчилари, Ғалаба парадининг қатнашчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари гвардиячилар: лейтенант С.ЛАРИОНОВ, лейтенант А.ВЛАДИМИРОВ, младший лейтенант А.ЛЮШ, старший лейтенант Т.ҚОВУМБОЕВ ва лейтенант К.ТИХОНОВ дивизиянинг байроғи олдида.

П.Бернштейн фотоси.

БАЙРОҒИМ

*Ғалаба парадига
Байроқдор бўлиб келдим.
Гул каби хандон кулиб,
Шодликка тўлиб келдим.*

*Бағрига босди мени
Москва-пойтахтим,
Қучогида яйрадим,
Ҳар ёнда кулиб бахтим.*

*Байроғимда орденлар
Қуёш каби порлади.
Севганим қўмондоним
Кремлга чорлади.*

*Байроғимни тутиб мен
Бўлдим Эльба бўйида.
Яна бугун биргамиз
Ғалабанинг тўйида.*

*Олиб ўтдим мен уни,
Қутди Ленин даҳмаси.
Байроғимда безанди
Ғалабанинг саҳнаси.*

*Сталин олқишлари
Байроғимни ҳам мени
Табриклади ҳам қучди
Ғалаба-парад куни.*

*Тарихда қолар мангу
Севинчларга тўлганим.
Ғолиблар қаторида
Москвада бўлганим.*

А.Ҳамдам



«ГАЛАБА БАЙРОҒИ»

1945 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ. №51 (238)

ПАРТИЯ САФИ ЎСМОҚДА

Младший сержант Насибулла Кенжалиев партия ташкилотчиси бўлган бўлинмада машғулот аълочиларини, илғор жангчи ва офицерларни партия сафига қабул қилиш яхши йўлга қўйилган.

Партия ташкилотчиси Кенжалиев аълочи командир лейтенант Федоршук ва мохир шифокор, медицина хизмати младший лейтенант Комиссарнинг большевистик партия сафига ўтиш учун берган аризаларини кўриб чиқди ва уларга ёрдамлашди.

Яқинда Кенжалиев партия ташкилотчиси бўлган бўлинмада ўнта илғор жангчи ва офицер партия сафига қабул қилинди.

Қизил аскар А.Бердиев

ГОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТАМАН

Мен фронтда чин виждоним билан жанг қилдим. Урушнинг бутун оғирликларига бардош бердим. Ўт-оловлар ичида ғалабамиз байроғини доимо олға олиб бордим.

Мен пулемётчи. Станокли пулемётимни судраб жанглар билан 700 километр босиб ўтдим. Мен қирган гитлерчиларнинг сони юздан ошди. Жангда кўрсатган ишим учун кўмондонлик мени I дара-

жали «Ватан уруши» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Бугун уйга қайтиб, Ватан уруши фронтларида қандай жанг қилган бўлсам, меҳнат frontiда ҳам ғолиб совет жангчиси шаънига яраша меҳнат қилиб, намуна кўрсатиш учун бутун кучимни сарф қилажакман.

Қизил аскар А.Пардаев

САБОТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИНГЛАР

СССР Олий Советининг XII сессиясида қабул қилинган қонунга мувофиқ бугун мен армия сафидан бўшаб ўз элимга – Ўзбекистонга қайтмоқдаман.

Кеча бўлинмамизда уйларига жўнаб кетувчилар шарафига йиғилиш бўлди. Йиғилишда командирим ва бошқа жанговар ўртоқларим чиқиб сўзладилар, бизга оқ йўл тиладилар. Мен йиғилишда дўстларимга тикилиб тўймас эдим. Қандай ажойиб йигитлар!

Уч йилдан бери ҳаммамиз бирга жанг қилиб келдик. Сталинграддан Эльбагача босиб ўтган бутун жанговар йўлимизда буларнинг ажойиб хиссалари бор.

Мана менинг командирим старший сержант Кулагин. Армияга келган кунимдан бери биргамиз. У доимо мени ўқитди, ўргатди, ардоқлади. Иккимизнинг бир-биримизга ўрганиб кетганимиз бугун ажралишиб кетадиган кунимиз билинди.

Мен элда ўз меҳнатим билан социалистик пахта майдонларида фидокорона ишлаб меҳнатнинг янги намуналари учун курашаман. Армия сафида қолувчи дўстларимиз ҳам совет жангчисининг обрўсини, қахрамон Қизил Армиямизнинг шон ва шуҳратини ошириш, ғолиб ватанимизнинг қудратини яна ҳам мустаҳкамлашда сабот ва матонат билан хизмат қилишлари керак.

Қизил аскар Х.Нусратов

Жонажон элимизда

ҒАЛЛА ТОПШИРИШ БОШЛАНДИ

ТОШКЕНТ (ТАСС). Ўзбекистоннинг кўп областларида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Ўрим-йиғим Қашқадарё областида кенг тус олди. Бу ерда 15 минг гектар майдондаги ғалла ўроқдан чиқарилди.

Йиғимга Чироқчи районининг колхозлари яхши тайёрланган. Арпа йиғимига 15 минг ўроқчи ажратилди. Токлар жиҳозлантирилган. Далада қизил чойхоналар, балалар боғчаси ташкил қилинган. Колхозчилар кунда икки марта иссиқ овқат билан таъминланмоқдалар.

Илғорлар яхши ҳосил олмақдалар. Бешкент районининг «Саноат» колхозидagi Жабборова ва Хусановаларнинг звенолари ҳар гектар ердан 110 – 112 пуддан арпа йиғмоқдалар.

1945 ЙИЛ 13 ИЮЛЬ. №52 (239)

ЛАГЕРЬ ОЧИЛДИ

Офицер Визировнинг гвардиячилари даръё кирғоғидаги гўзал манзарали ўрмон ичида ёзги лагерь очдилар. Қисқа муддат ичида дарахтлар орасида истироҳат биноларига ўхшаш чиройли уйлар қурилди.

Яқинда лагерни очиш маросими бўлди. Қўшилма командири барча уйларни ва жангчиларнинг чодирларини айланиб чиқди. Гвардиячи лейтенант Терлецкий жангчилари чодирлари яхши, гўзал қурилганлигини сўзлади. Бу ерларнинг деворлари доҳийларнинг расмлари, шиорлар билан безатилган, ерга гилам ёпилиб, чодирнинг ўртасида яхши дастурхон ёпилган стол туради. Чодирга кира беришда ўнг томонда усти-бош учун гардероб, чап томонда қуруллар учун пирамида турибди.

Лагерь қошида ошхона, клуб, Ленин бурчаги яхши ва маданий жиҳозлантирилган. Лагернинг очилиш кунда клубда қизил аскар санъат ҳаваскорларининг концерти бўлди, бундан кейин кино-картина кўрсатилди.

Гвардиячи капитан Х.Усмонов
ЯНГИ ХУНАР

Гвардиячи младший сержант Қудрат Хусайнов Улуғ Ватан урушида қатнашди. Унинг мерган ўқларидан бир неча ўн ифлос гитлерчи ер тишлади. Ҳукуматимиз кўрқмас жангчи Қудрат Хусайновнинг жанговар хизматларини муносиб тақдирлади. У III даражали «Шухрат» ордени ва икки «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган.

Комсомол аъзоси Хусайнов ҳозир тинч шароитда янги хунар ўрганишга киришди. У шофёрлик хунарини ўрганмоқда. Ўткир зеҳнли ва ҳаракатчан гвардиячи юк машинасининг материал қисмларини, идора этув ва хайдов қоидаларини ўрганиб олди. У, йигит кишига етмиш хунар ҳам оз дегандай, бу янги хунарни пухта ўрганишга ва тинч қурилиш даврида фойдаланишга жон-дили билан ҳаракат қилмоқда.

Қизил аскар Отажон Жасланов

ВАҚТ БЕКОРГА КЕТМАДИ

Биз тўрт соат найза жангини машқ қилдик. Узун ва қисқа санчишни ўзлаштирдик. Олдин жуфт-жуфт бўлиб тайёрландик, сўнгра старший сержант Сальников темани қандай ўзлаштирганимизни яккама-якка текшириб кўрди. Текширишда мен биринчи бўлиб чиқдим.

– Жангга! – деган команда берилди.

Мен бутун гавдам билан ҳаракатга келиб чап оёғим ва милтик найзасининг учини кўзим даражасига тўғрилаб олдинга ташладим.

– Узун санч!

Мен олдимда турган мўлжални санчдим. Старший сержант мақтаб туриб:

– Яша, яхши ишлайсан, – деди.

Мени қисқа санчишда ҳам синаб кўрдилар. Унда ҳам яхши баҳо олдим. Машққа сарфланган тўрт соат вақт бекорга кетмади.

Қизил аскар Ф.Новик

ВАЗИФАНИ АЪЛО ЎТАДИ

Старший сержант Мадаминжон Кенжабоев қисм бўйича дежурлик

қилиб тайинланди. У дежурлик вазифасини ўташга киришар экан, аввал, ўз вазифасини ва қоровулни қандай ташкил бўлишини устав бўйича қайта ўқиб чиқди. Шундан сўнг нарядга кетишдан аввал қоровулни сафга тизиб уларга ўз вазифаларини тушунтирди.

Дежурний старший сержант қисмда тартиб, интизом ва қўриқлов ишига қатъий риоя қилиб, дежурний вазифасини яхши олиб борди.

Бўлинма командири майор Мукачов бўлинмани айланиб тозалик ва тартибнинг қандай аҳволда эканлигини кўздан кечириб чиқди. У ётоқхоналар, майдонлар, саф тортиш учун қурилган чизик-йўлақлар яхши тартибга келтирилганлигини кўриб қоровул ва дежурний старший сержант Мадаминжон Кенжабоевнинг ишига аъло баҳо бериб саф олдида ташаккур эълон қилди.

Старший сержант Собиржон Исомидинов

1945 йил 17 июль. №53 (240)

СНАЙПЕР

Кўзга кўринган нишонни дарҳол йўқ қилиш снайпернинг асосий вазифаси.

Снайперда, ҳамма нарсадан аввал, катта чидам бўлиши керак. Шундай вақтлар бўладики, пайқаб мўлжаллаган нишонни икки-уч кунлаб кутишга тўғри келади. Чидам бўлмаса, уни кўздан қочириш мумкин. Чидам билан кутганингдагина кўзлаган нарсангни ердан бош кўтармайдиган қиласан. Яъни уни отиб ўлдирасан.

Пиёдаларнинг жанговар уставида снайпернинг вазифаси тўғри-сида мана бундай ёзилган:

– Ер-жойдан ва никобланиш воситаларидан усталик билан фойдаланиш керак.

– Нишонни кузатаётиб кўзга илғамас белгиларни ҳам узоқ ва чидам билан кўздан кечириш ва унғача бўлган масофани аниқ ўлчашлик лозим.

– Танланган нишонга душманга сездирмай мумкин бўлганича яқинроқ бориш керак (мудофаада турганда олдинги линиядан ол-

динга силжиб), чидам билан қулай фурсатни кутиш лозим (баъзи вақт бир неча соатлаб) ва нишонни мерганларча йўқ қилиш, ундан сўнг ётган жойини яширингина ўзгартириш керак...

Снайпер бу кўрсатмаларни бажаришга риоя қилиши керак. Мен жанговар ишимда уларга қаттиқ риоя қилдим.

Пистирмага чиқишдан бурун ҳаракат қиладиган жойни ҳар томонлама кўздан кечириб бордим. Ҳар сафар икки-уч ўт позицияни танлар эдим. Яхши ниқобланиб, душманни чидам билан кузатар эдим. Одатда, ўзимга душман снайперини топиш ва уни йўқ қилиш вазифасини кўяр эдим. Улар эса ҳамма вақт яхши ниқобланган бўладилар. Дурбиннинг қуёш нурларида ялтираши ёки бутачаларнинг салгина қимирлаши билан нишонни топиб оласан ва қулай фурсат топиб ўқ узасан.

Снайпернинг вазифасига ўқ олмайдиган нарсалар: танкларни, ДЗОТларни, тўпларни из кўрсатувчи ўқлар ва бошқа йўллар билан пиёдаларимизга, миномёт расчётларига кўрсатиш ҳам киради.

Ҳозир тинч шароитда уста отувчиларни ҳар томонлама тайёрлаб чиқариш учун барча шароит бор. Снайперлик иши ажойиб ва шарафли иш. Уни ўрганиш ва ривожлантириш зарур.

**III даражали «Шухрат» ордени ва икки
«Жасурлиги учун» медаллари кавалери,
младший сержант Қ.Хусайнов**

1945 ЙИЛ 22 ИЮЛЬ. №54 (241)

БУТУН КУЧИМНИ САРФ ҚИЛАЖАКМАН

Мен бугун ўз элимга – Ўзбекистонга жўнаб кетмоқдаман. Меҳнатсевар ўзбек халқи Ватан уруши йилларида тинмасдан фронт ва мамлакат учун зарур бўлган бутун нарсаларни ўз вақтида етказиб, тайёрлаб берди. Халқимиз душман устидан тўла-тўқис ғалабани таъминлашда матонат билан меҳнат қилиб сталинча ҳосилни юқори поғонага кўтарди.

1944 йилда ўртоқ Сталинга берилган ваъдага мувофиқ ўзбек халқи пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу йил эса Ўзбекистон ғалаба

шарафига бир миллион тонна пахта бериш учун курашмоқда.

Ҳаракатдаги армия сафидан бўшаб кетар эканман, Ўзбекистонга қайтиб халқ ҳаракатида иштирок қилажакман. Ғалаба ҳосилини етиштиришда бутун кучимни сарф қилажакман.

Қизил аскар Р.Сойипов

ЖАНГОВАР ОИЛА

Агарда мендан: «Қосимов, бошқа ротага ўтишни хоҳлайсанми?» – деб сўрасалар, «Ҳеч қачон», – деб жавоб берар эдим.

Ҳақиқатда ҳам, бирга яшаб, бирга ўсган жанговар дўстлардан ажралиб кетиш жуда оғир. Мард йигитлар, ажойиб жангчилар. Ротага янги келган вақтимда мен старшина Рубановнинг ботирлиги тўғрисида эшитдим ва кўп ўтмасдан уни жангда кўрдим. У взводга командирлик қилди. Рота командири жангдан чиққандан кейин у бизни жангга бошлаб борди.

Биз уни севиб, раҳбарлигини доим сезиб турдик. Ҳозир Рубанов «Қизил юлдуз», «Ватан уруши», III даражали «Шуҳрат» орденлари ва икки медаль билан мукофотланган.

Старший сержант Филимоновни айтмайсизми? У ажойиб жанг қилди. Шунингдек, отделениядаги сержант Калачев ҳам донгдор эди. У энг оғир минутда граната ташлаб немис пулемётини яқсон қилиб шуҳрат қозонди. Младший сержант Сосковский билан ҳам фахрланамиз. У ўз ҳаётининг хавф остида қолишига қарамай, ярадор бўлган взвод командирини жанг майдонидан олиб чиқди ва яна қайтиб жангни давом этдириб биз билан олға кетди.

Мана шундай баҳодирлар ҳақида биз янги жангчиларга сўзлаб, уларни ҳам Ватан олдидаги бурчларини бажаришда шулардан ўртак олишга ўргатамиз. Бу дўстларимизнинг исмларини машғулотда, тактика машқларида доимо тилга оламиз. Кичик командирлар ёш жангчиларга қандай ҳаракат қилиш тўғрисида сўзлаганларида: «Бундай шароитда младший сержант Калачев ёки старший сержант Филимоновлар шундай қилган эдилар...» – деб тушунтирадилар.

Ротамиздаги янги жангчилар бундай ҳикояларимизни мароқ билан тинглаб, жанговар оилага айланган ротамизнинг бой, сўнмас анъаналарини ўзларига ўзлаштириб олмоқдалар.



Лейтенант В.Юферов ротасининг жанчи ва командирлари. Чапдан ўннга: старший сержант И.Қосимов, младший лейтенант П.Каниболоцкий, младший сержантлар Т.Зиннатов, А.Кривов, қизил аскар Э.Исомитдинов ва сержант П.Батин.

В.Шаровский фотоси

Старший сержант И.Қосимов

1945 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ. №55 (242)

УСТА ПУЛЕМЁТЧИЛАР

Старший сержант Билоловнинг станокли пулемёт расчёти ҳарбий ўқишда яхши намуналар кўрсатмоқда. Расчёт пулемётни жангга тайёрлаш, ниқоблаш, ўт позициясини алмаштиришда чакқон ишлайди.

– Расчёт, жангга тайёр бўл! – деб команда берди старший сержант.

Биринчи номер ефрейтор Қозоқбоев тезлик билан пулемётга ёпишди. Унинг ёнига иккинчи номер Носиров ётиб пулемётни ўқлади. Расчётнинг қолган йигитлари ҳам икки қадам орқада ётиб запас ленталарни тайёрлашга киришдилар. Пулемётчилар командани тез, усталик билан бажардилар.

Бу кунги ўқишда Билолов расчёти пулемётни жангга ҳозирлаш, янги ўт позициясига кўчиш ва мўлжални тўғри нишонга олишни намунали равишда ўзлаштирди.

Ўқиш давомида Билолов расчёт номерларни алмаштириб турди. Расчётдагиларнинг ҳар бири пулемётни яхши билади ва ўз ўртоғининг ўрнини босиб, пулемётни бемалол ирода қила олади.

Лейтенант К.Дунаев

ЭШЕЛОН ТОШКЕНТГА ЖЎНАДИ

Яқинда Н-станциясидан Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ўзбекистонли катта ёшдаги жангчилар доҳийларнинг портретлари, шиорлар, плакатлар, байроқлар билан безатилган эшелонда Тошкентга жўнатилди.

Биз бу саҳифамизда ҳаракатдаги армиядан бўшатишган ана шу ғолиб ўзбек жангчиларининг Ватанга қайтишлари олдидаги чиқишларини босамиз.

ОНА ВАТАН, СЕНГА МИНГ РАҲМАТ!

Партия ва ҳукуматимиз армиядан бўшаб уйга қайтаётган жангчиларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бундай ғамхўрликни дунёнинг бошқа мамлакатларида учратиш мумкин эмас. Бу ғамхўрлик халқимизнинг, большевистик партиямизнинг, улуғ доҳиймиз, жангларида бизни тўла ғалабага етаклаб борган саркардамиз, Совет Иттифоқининг генералиссимуси ўртоқ Сталиннинг кўрсатаётган ғамхўрлигидир.

Қадрдон қисмимни қолдириб уйга қайтар эканман, менга янги усти-бош, болаларимга кийимликлар бердилар ва автомашинага ўтқизиш станцияга келтирилдилар. Бу ерда яхши жиҳозланган поезд турибди. Поезд бизни тўғри Ўзбекистонга олиб боради. Йўлда бизга керак бўладиган нарсаларнинг ҳаммасини уюб ташладилар. Бу иззат, бу ғамхўрликдан чексиз миннатдорман.

Чуст райони «Ленинизм» колхозига, уйимга чуқур секин билан қайтаётирман. Юртимда, колхозимда бизларни – Улуғ Ватан урушининг ғолиб жангчиларини қандай тантана билан қарши олажақларини сезиб турибман.

Жанг майдонларидан уйга ғолибона қайтар эканман, қалбимдан қасам ичиб, секин билан Ватанга, большевистик партиямга ва улуғ ғалабаларимизнинг илҳомчиси, буюк доҳиймиз ўртоқ Сталинга чексиз содиқ эканлигимни билдираман.

Она Ватан! Мен сенинг соқчи болангман, қилган ғамхўрлигинг учун минг раҳмат!

Қизил аскар Асқарали Бегматов

ҚАЙТУВЧИЛАРДАН БИРИ

Тошлон Умаров фронтда автоматчи бўлиб ҳам, отделение командири ва взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб ҳам жанг қилди. У совет Украинасини немис босқинчилардан тозалаш вақтида – Ковель ва Курск шаҳарлари остонасидаги қаттиқ жангларда қатнашди. Иттифоқчимиз бўлган Польша тупроғини ва унинг пойтахти Варшавани озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этди. Одер даръёсидаги қонли олишувларда немисларни қакшатди.

Фронтда у уч марта тоза қонини тўкди. Соғайиб яна майдонга қайтди. Гитлерчи жаллодлардан қасос олди.

Тошлон Умаров – ғолиб совет жангчиси энди Ўзбекистонга жўнамоқда. У тездан ўзи меҳнат қилган «Андижоннефть» конига қайтиб, Ватанимизнинг шуҳратини ошириш ва янада гуллатиш учун енг шимариб ишга киришажак.

Ўзбек халқининг содиқ ўғли Тошлон Умаров жангларда кўрсатган қахрамонлик ва жасурлиги учун ҳукуратимиз томонидан уч марта мукофотланди: унинг кўкрагини икки «Қизил юлдуз» ордени ва бир «Жасурлиги учун» медали безаб турибди.

Биз ўз дўстларимизни Ватанга кузатар эканмиз, уларга оқ йўл, ишларида самарали меҳнат тилаймиз.

Старшина В.Ашуров

КЎНГЛИМ МЕҲНАТГА ТАШНА

Мен урушга қадар Самарқанд областининг Митан районидаги Куйбишев колхозида бригадир бўлиб ишлар эдим. Фронтда миномётчи бўлиб жанг қилдим. Миномётимнинг ўти блан юзлаб фрицларнинг жонини олдим. Жанг майдонларида жанговар кучимни аямадим.

Кўнгил эркин меҳнат, тинч ҳаётга ташна. Мана, поезд тайёр. Қўмондонлик бизни уйга, Ўзбекистонга жўнатаётир. Уйга қайтиш билан дарров ишга киришаман, яна мўл пахта ҳосили бераман.

**Қизил аскар Ражаб Бердиёров, III даражали
«Шуҳрат» ордени, «Жасурлиги учун» ва**

«Жанговар хизматлари учун» медалларининг кавалери

ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАЯЖАКМАН

Фарғона области ўзининг оқ олтини билан бутун мамлакатимизга машхур. Ўзбекистон пахтакорлари бу йил давлатга бир миллион тонна пахта бериш учун қасам ичганлар.

Мен уйга, Қуйбишев номидаги колхозимга қайтаётirman. Танда кувват, дилда ғайрат, қўлда кучим бор. Мўл пахта ҳосилини олишга бел боғлаган колхозчилар билан биргаликда юқори меҳнат намуналарини кўрсатажакман. Она Ватанимни пахта билан таъминлашда ғайрат билан ишлайман.

Қизил аскар Акрамжон Мақсудов

ШАҲАР УЧУН ЖАНГ

Менинг 76 миллиметрли тўп расчётим фронтга келган кунидан бошлаб доимо пиёдаларимиз билан бирга ҳаракат этди. Жанг қандай тус олмасин, тўп ҳужум қилаётган пиёдаларимиздан бир қадам ҳам орқада қолмади. Биз ҳар доим ўз ўтимиз билан пиёдаларга йўл очдик. Душман танклари пайдо бўлганда пиёдалардан ҳам олдинга ўтиб, тўғри мўлжал билан уларни яқсон қилиш бизнинг бурчимиз эди. Расчётдагиларнинг ҳаммаси ҳам бири-биридан қолишмайдиган уста артиллеристлар.

Шаҳар учун шиддатли жанглар давом этмоқда эди. Немислар бор кучлари билан шаҳар остонасига ёпишиб олиб қаршилиқ кўрсата бошладилар. Биз ҳаракат қилаётган ерда гитлерчиларнинг 10 дан ортиқ ерга кўмилган катта ва ўрта танклари ва ДЗОТлари бор эди.

Пиёдаларимиз душманнинг ўт нуқталарига яқинлашганларида немислар танклардан тўғри мўлжал билан ўт очдилар. Пиёдалар ерга ётдилар. Олдинга силжиш қийинлашиб қолди. Шу вақт взвод командири лейтенант Полоухов менинг тўп расчётимга пиёдаларнинг олдинга ўтишга ва тўғри мўлжал блан душман танклари, ўт нуқталарини яқсон қилишга буюрди.

Расчётимиз немисларнинг уч танкини ва икки ўт нуқтасини яқсон қилди.

Пиёдаларимиз атакага кўтарилдилар. Танкларимиз ҳам пиёдала-

римизга ёрдамга келди. Биз олға қараб кетдик ва шаҳар кўчаларида жанг бошлаб юбордик.

Шаҳар учун бўлган жангларда маҳоратимиз учун қўмондонлик мени ва расчётимдаги жангчилар: мўлжалловчи младший сержант Лариков, ўқловчи қизил аскар Нишан ва бошқаларни орден ва медаллар билан мукофотлади.

Сержант А.Шодиев

КОМАНДИРГА ЁРДАМЧИ

Қизил аскар пулемётчи Султон Бўронов Ватан уруши фронтларида икки йилдан ортиқроқ жанг қилди. Баҳодир жангчи «Қизил юлдуз» ордени ва икки медаль билан мукофотланган.

Интизомли комсомол Бўронов тинч даврда ҳам ўз вазифасини яхши бажармоқда. Ҳар бир ўқиш бошланиши билан у Ватан урушида олган бой тажрибаларини ўз отделениясига янги келган жангчилар билан ўртоқлаша бошлади.

Рота командири ҳарбий ўқишда ўз командирига яқиндан ёрдам бераётган Султон Бўроновга ташаккур эълон қилди.



Сапёр гвардиячи қизил аскар А.Абутолипов.

*В.Шаровский
фотоси*

Сержант А.Бунин

1945 ЙИЛ 31 ИЮЛЬ. №56 (243)

МЕН ҚИЛГАНДАЙ ҚИЛ!

Комсомол аъзоси сержант Мамасодиқ Тошбоев Улуғ Ватан урушининг ветерани. У уруш алангаларида оддий аскарликдан отделение командири даражасигача кўтарилди. Чиниққан, моҳир, тажрибали кичик командир бўлди.

Сержант Тошбоев ҳозир тинч шароитда ҳар куни ўз отделениясидаги жангчилар билан машғулот ўтказди.

Тактика, отиш машқи ва бошқа машғулотларни ўтказганда, ал-

батта, жангларда отделение қандай ҳаракат этганлигини эслаб ўтади. Ватан урушининг бой тажрибасини кенг равишда фойдаланади.

У машғулот вақтларида ўтилаётган темани сўзлабгина қолмайди, балки амалий равишда кўрсатиб беради ва:

– Мен қилгандай қил! – дейди.

Унинг отделениясидаги жангчиларнинг ҳаммаси ёш жангчилар. Шунинг учун сержант Тошбоевнинг амалий кўрсатмалари уларнинг ҳарбий ўқишига катта ёрдам беради.

Сержант Мамасодиқ Тошбоев ўз отделениясини бўлинманинг илғор отделенияси қилиш ва жангчиларни ҳарбий санъатни эгаллаган моҳир жангчилар қилиб етказиш учун ғайрат билан ишламоқда.

Қизил аскар А.Маманазаров

ЯХШИ АГИТПУНКТ

Ҳаракатдаги армиядан бўшаб уйга қайтувчи ғолиб жангчиларни маданий истроҳатлари учун бизнинг қисмимизда агитпункт ташкил этилган.

Агитпункт яхши жиҳозлантирилган. Унинг деворларида Ленин, Сталин портретлари осилган. Суворов, Кутузов ва бошқа рус саркардаларининг ҳикматли сўzlари ёзилган алвонлар, плакатлар, шиорлар билан безантирилган. Пунктнинг ичида стол, стул, ойна ва юмшоқ девон, креслолар бор.

Қизил мато билан қопланган столлар устида янги газета, журналлар, бадийий ва сиёсий адабиётлар, домино, шашка, шахматлар бор.

Махсус столда қайтувчиларни кизиқтирадиган масалалар юзасидан ҳар хил справкалар берилади.

Ватанга қайтувчи катта ёшдаги қаҳрамон жангчиларимиз йўлга чиқиш олдидан бу гўзал агитпунктда ўзларининг бўш вақтларини хузури билан ўтказмоқдалар.

Старшина Мусо Жуманиёз

ЖАНГЧИЛАР ЎТГАНЛАРНИ ЭСЛАЙДИЛАР

Унинг ҳикояси

Бўлинмадаги ёш жангчилар машғулотдан сўнг донгдор разведкачи, коммунист старший сержант Шокир Мирзаевни қуршаб олдилар ва ундан Улуғ Ватан урушида кўрганларини сўзлаб беришни илтимос қилдилар.

Мирзаев ҳикоясини бундай бошлади:

– Разведкачи бўлиш учун чаққонлик, мардлик ва чидамлилиқ керак. Разведка иши оғир, масъулиятли ва фахрли иш.

Мен Улуғ Ватан урушида разведкачи бўлиб жанг қилдим. Бу ҳақда кўрган ва кечирганларимни достон қилса бўлади.

Хужум олдидан «тил» ушлаб келишга буйруқ олдик. Разведкага чиқиш олдидан кузатиш ўтказдик.

Коронғу тушди. Мен ўз отделениям билан белгиланган йўл бўйлаб тунги кидирувга жўнадим. Душман тўхтамай қурол ва ракеталардан отиб турибди. Гитлерчиларнинг ўт позицияларига яқинлашдик. Немис кузатувчиларига сездирмай улар окопининг сўл ёғидан чикдик. Бир лаҳза ётиб окопдаги аҳволни кузатдик. Биздан беш метр нарида, бруствер устида бир соя кўринди. У ҳаракатсиз эди.

– Сокчи мудраган бўлса керак, – деган фикрга келдим. Биз учга бўлиниб гитлерчи устига ташландик. Унинг кўзларини боғлаб, оғзига латта тикиб судраб олиб кетдик. У, дарҳақиқат, постда мудраб қолган обер-ефрейтор немис пулемётчиси экан.

Улуғ Ватан уруши кунларида мен йигирмадан ошиқ «тил» келтирдим.

Хукумат менинг хизматларимни тақдирлаб «Қизил юлдуз», III даражали «Шухрат» орденлари ва уч «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Гвардиячи лейтенант Н.Эгамназаров



ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ҲУНАР ЎРГАНМОҚДАЛАР

Андижон шаҳрида очилган курсларда Ватан уруши инвалидларидан бир қанчаси шофёрликка ўқиб чиқдилар. Республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам инвалидларни бухгалтерликка, колхоз ҳисобчилигига, тўқувчилик, этикдўзлик ҳунарларига ўргатиш курслари очилган. 1945 йилда Ватан уруши инвалидларидан 4500 киши ҳунарманд бўлиб чиқади.

1945 ЙИЛ 3 АВГУСТ. №57 (244)

ҒОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТМОҚДАМАН



Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони, сержант Собиржон Исомиддинов.

Мен фронтга жўнаётганимда саксон ёшлик онам остонагача кузатиб: «Ой бориб, омон келгин, жонингга қасд қилган йўлингга паст бўлсин», – деб дуо қилган эди.

Мана, фронтда уч йилдан ортиқ немис ёвузлариға қарши жанг қилдим. Қалбимда она насиҳати, ватан муҳаббати доимо жўш уриб турди. Не-не оғир қонли жангларда бўлмадим. Москва ёнида немисни қон-қора қақшатдик. Сталинграддан ўтдик. Душманни Белоруссиядан қувдик. Польшада қуршаб, Германияда тор-мор қилдик. Жанглар билан босиб ўтган йўлларимиз хаёлий эртақларда зикр қилинган пахлавонниқидан ҳам узоқ ва шонлироқ бўлди.

Уруш тугади. Мен ҳам жонажон элимга, ўзим чақлаб қолган гулзоримга кетмоқдаман. Ватанимиз йўлида ҳалол, садоқат билан хизмат қилганлигим учун ҳукуратимиз катта ғамхўрлик кўрсатди. Бир қатор кийим-бош берди. Фронтга келаётганимда қандай кийинган бўлсам, уйга қайтишда ҳам янги сарпо кийдим. Ундан ташқари, қомандирим болаларимга деб совға ҳам берди.

Элга қайтар эканман, онамнинг сўзларини эсладим. Онам айтганларидек, «Ой бориб, омон қайтиш»гина эмас, ғолиб бўлиб қайтмоқдаман.

Ефрейтор С.Алиев, «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган

ОШПАЗ ЭШОНҚУЛОВ

Қизил аскар Рискул Эшонкулов кўп мазали таомларни тайёрлайди. Унинг бу касбда етти йиллик тажрибаси бор.

Улуғ Ватан уруши вақтларида Эшонкулов жангчиларнинг жанговар қаторларида ўзининг иссиқ, тотли овқатлари билан хизмат қилди. Жангчилар қандай шароитда ёки узоқ масофада бўлмасинлар, ўз вақтида Эшонкуловни учратар эдилар ва унинг қўлидан ўз пойларини олар эдилар.


Эшонкулов ошпазликда чакқон, қўли гулдай йигит.

Жангчилар мазали овқатни еб ошхонадан чиқар эканлар, албатта, Эшонкуловга бир нигоҳ ташлайдилар ва унга яхши таоми учун ташаккур билдирадидилар.

Ошпаз Эшонкулов қаҳрамон жангчиларимизни яхши овқат билан зиёфат этиш ҳамда уларнинг жанговар машғулотларда бирдамликларини кучайтириш учун ўзининг барча ошпазлик хунарини қўлламоқда.

Қизил аскар Б.Ўразбоев

ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Берлин жанглари қаҳрамонлари қизил аскар Сайидкарим Ғаниев (чапдан), Исқандар Бобомуродов Ватан олдидаги бурчларини шараф блан бажардилар. Хайрли сафар, жанговар дўстлар!
Г.Кобалинский фотоси.

КОЛХОЗ ЙИГИТИ



Ўзбек халқининг
ботир фарзанди
старший сержант
Юсуфжон Бойхонов.
А.Штирин фотоси

Майдонларда шиддатли жанглар бормоқда. Осмон булутли. Ҳаво тутун ва туман билан хиралашган. Жанг майдони ларзага келиб, атрофда портлаш овозлари эшитилмоқда. Кўп ерларни душмандан тозалаб келаётган танкларимиз олдинга силжимоқда. Жанг бир муҳим маррага келганда гитлерчилар бор кучларини жангга ташлаб, қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Старший сержант Юсуфжон Бойхоновнинг танки душманнинг жанговар қаторларини ёриб олдинга кетиб қолди. Гитлерчиларнинг жонли кучини ва техникасини емириб, манёвр билан олдинга кетаётган Бойхонов атрофига қаради. Танкист дўстларининг машиналари кўринмади. Бўлинма командири билан алоқа узилган, радио ишдан чиққан. Бойхонов ўзини йўқотмади. У механик-хайдовчига:

– Ефимов, машинани чапга, чуқурликка ол! – деб буюрди.

Бойхонов ва унинг шериклари икки кечаю икки кундуз қамалда бўлиб, душманнинг барча атакаларини қайтардилар. Учинчи куннинг тонгида шарқдан тўпларнинг кучли овози эшитилди.

Юсуфжон Бойхонов бундай шиддатли жангларнинг кўпини бошидан кечирди. Бироқ бу жангларнинг барчасида ғолиб чиқди. У Ленинграддан Карпат тоғигача бўлган узоқ йўлни жанг билан ўтди. У жангларда чиникди, тажрибали танкист бўлиб етишди. Юсуфжон энди 19 ёшга кирди.

У 1942 йилда колхоз йигитлари фронтга кетаётганда уларни жангга кузатар экан, қалбида буюк ирода ва жанговар куч сездди. У ўзини 1926 йилда туғилганлигини яшириб, шу куни ҳарбий комиссарга келди ва:

– Ўртоқ комиссар, мен 1924 йилда туғилганман, мени ҳарбий хизматга, жангга юборишингизни сўрайман, – деди.

Комиссар навқирон йигитнинг юзига узоқ тикилиб:

– Ёш кўринасиз, майли, илтимос, тайёрланинг! – деди. Юсуфжон эртаси ҳарбий хизматга жўнади. Намангандаги бадавлат Сталин номида-

ги колхознинг собиқ табелчиси, кўркмас ўзбек йигити Ватанимизнинг содиқ фарзанди ҳамда кўркмас кўрикчиси эканлигини кўрсатди.

Гвардиячи лейтенант Н.Эгамназаров

ҲУШЪЁР СОҚЧИ

Гира-шира тонг отмоқда эди. Ҳаммаёқ жимжит. Бўлинма ширин уйкуда. Қизил аскар Мамажон Пирматов дарвоза олдидаги биринчи постда соқчилик қилар эди. Шу вақт Мамажон девор томондан оёқ товуши келаётганини сизди. У жим туриб кулоқ солди.

Оёқ товуши борган сари яқинлаша бошлади. Пирматов ярим ҳарбий кийимдаги кишини баралла кўриб қолди. Номалум киши Пирматовни кўрмасдан дарвоза томон кела бошлади. У Мамажонга жуда яқинлашиб қолганда соқчининг «тўхта!» деган буйруғидан чўчиб жойида қатиб қолди.

Пирматов номалум кишини суриштира бошлади. Киши довдираб пойма-пой жавоб берди ва ундан кўйиб юборишини илтимос қилди. Сўнгра у қочишга уриниб кўрди. Ҳушъёр соқчи қочишга кўймади, қоровул бошлиғини чақириб олиб уни штабга кузатди.

Старшина С.Чекиров

1945 ЙИЛ 19 АВГУСТ. №61 (248)

ОСМОНДА 600 СОАТ

Боқиш Бойалиев ёшлигидаёқ учувчи бўлишга – осмонда парвоз қилишга ҳаваскор эди. Ҳали бошланғич мактабда ўқиб юрган вақтларида ўз ўқитувчисига учувчилар ва самолётлар тўғрисида кўп саволлар берар, учувчиликка доир ҳамма нарсалар билан қизиқар эди.

Бир кун кимдир Боқишга шаҳарда аэроклуб очилганлиги хабарини етказди. У дўсти Обид билан маслаҳатлашиб аэроклубга бориб учувчиликни ўрганишга қарор қилди. Боқишнинг бу тилагига ота-онаси ҳам қаршилиқ кўрсатмадилар.

Бойалиев 1940 йилда аэроклубдаги мактабни битиргач ўз хохиши билан Чкалов шаҳридаги учувчилар мактабига кетади. Ҳарбий мактабдаги ўқиш Боқишнинг бутун тилакларини рўёбга чиқара бошлади.



Лейтенант Б.Бойалиев.
А.Штирин фотоси

У энг яхши, уста учувчилардан тарбия олди ва мустақил равишда кўкда парвоз қила бошлади. Боқиш осмонга «хўжайин» бўлди. Ёш учувчи мактабидаги йилларида хилма-хил самолётлар билан яхши танишди ва жанговар қирувчи самолётларнинг ҳамма турида учиб кўрди.

Немис-фашист босқинчилар она Ватанимизга кўққисдан ҳужум қилган биринчи кунларда Боқиш ҳам бошқа учувчи лочинлар билан бир қаторда фронтга кетди.

Шу кунлардан бошлаб унинг жанговар ҳаёти бошланди. Унга младший лейтенант унвони берилди. Баҳодир учувчи қирувчи самолётда жанговар учишлар ясай бошлади.

Кўп вақт ўтмади. Боқиш тунги учишлар устаси бўлиб қолди. У доимо кечаси учиб қўшинларимиз турган районларни кўриқлади. Агарда узоқда немис самолётининг овози эшитилиб қолса, Боқиш дарров осмонга кўтарилди ва уни кувиб бомбаларни ўз территориясига ташлашга мажбур қилди.

Тун учиш устаси комсомол Боқиш Бойалиев Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаммаси бўлиб осмонда 600 соат тунги учиш ясади. Ердаги қўшинларимизни душманнинг ҳаво ҳужумларидан муваффақият билан ҳимоя қилди.

А.Ҳамдам

ФАХРЛИ ИШ

Мен ҳарбий касбим бўйича понтонёрман. Бу фахрли ишни эгаллаб, Волгадан Одергача бўлган йўлни жанглар билан ўтдим. Бу йўлларда, понтонда қанча-қанча жангчиларни сув марраларидан ўтказдим. Жанговар техникамизни даръё орқали ўтказиб пиёдаларга мадад бердим. Кўкрагимдаги «Аълочи понтонёр» нишони ишнинг кўзини яхши билганим учун берилган тақдирнома.

Кўмондонлик мени «Қизил юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун», «Сталинград мудофааси учун» медаллари билан мукофотлади.

Мен жангларда олган тажрибамни тинч даврда ҳарбий машғулотларда мукаммаллаштирмоқдаман. Жанг майдонларида олган тажриба ва билимимгина ҳозир камлик қилади. Ҳарбий санъатимни яна юксак поғонага кўтариш менинг жанговар вазифам. Ҳар бир жангчи шундай қилгандагина Ватанимизнинг куч ва қудрати кундан-кунга ошажак.

Қизил аскар Баҳодир Саидов

Ватан уруши қаҳрамонлари

ДУШМАН ТАНКЛАРИГА ҚАРШИ

Улуғ ватан урушининг сўнги, ҳал қилувчи кунлари эди. Ҳалокат ёқасига бориб қолган немис-фашист кўшинлари охирги кучларини жангга солиб қаттиқ қаршилиқ кўрсатар эдилар.

Разведка бизнинг батальон қаршисида душманнинг 20 га яқин танки турганлиги ҳақида хабар келтирди. Бизда танк йўқ эди. Батальон командири танк ва артиллериямиз етиб келгунича йўлларни миналашга буюрди. Гвардиячи қизил аскар Омон Қуллаев бошлиқ сапёрларимиз немис танкларининг йўлига миналар қўя бошладилар. Миналаримизнинг ишини пайқаб қолган немислар уч танкни очиқ даладан қўйиб юбордилар. Душман танклари келаётган ерда мина йўқ эди. Танклар йўл-йўлакай отиб позициямизга яқинлаша бошладилар. Биз гранаталарни

жангга тайёрладик. Шу вақт Қуллаев батальон командирининг рухсати билан миналарни кўтариб танклар томонга қараб кетди. Ахвол жиддий эди. Баходир сапёр танк йўлига миналарни қўйди ва ўзи чуқурга тушиб яширинди. Олдинги икки танк миналарга келиб урилди ва портлади. Учинчи танк эса орқасига айланиб йўл билан қочмоқчи эди, у ҳам Қуллаевнинг илгари қўйган миначига тегиб портлади. Танкларнинг экипажлари эса таслим бўлишга мажбур бўлдилар.

Қизил аскар М.Юнусов

ФАЙЗИЕВ ОТДЕЛЕНИЯСИ ТАКТИКАДАН АЪЛО БАҲО ОЛДИ

Сержант Собир Файзиевнинг ўқчи отделенияси сўнгги кунларда пиёдаларнинг уставида кўрсатилган отделение машқларини ўзлаштириб бўлди. Отделениядаги жангчилар ёш, тажрибасизлигига қарамасдан, программани тез ўзлаштирдилар.

Яқинда рота командири отделенияни тактика машқида синаб кўрди.

Отделение олдига «ўқчи отделение хужум жангида» деган темани ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. «Душман» бу ердан уч юз метр масофадаги дарахтзорнинг олдидаги дўнгда жойлашган. Отделение шу дўнгга қараб хужум қилиб ўша ердаги маррани ишғол қилиш керак.

Файзиев отделенияни чиқиш позициясига олиб келди.

«Хужум» бошланди. «Душман» отделенияни кучли ўт билан қарши олди. Жангчилар жуда тез ҳаракат қилиб атака маррасига етиб олдилар. Бу ҳаракат вақтида ҳар бир жангчи, командир кўрсатганича, устав талаб қилганча тўғри ва эпчил ҳаракат этди. Файзиев эса ҳар бир жангчининг мустақил ҳаракатини кузатиб борди. Агарда бирон киши бир оз нотўғри ҳаракат этса, у унга бориб кўрсатади ва қайтадан шу ҳаракатни такрорлашни талаб қилади.

Отделение «душман» траншеясида қўл «жанги» қилиб маррани эгаллагандан кейин рота командири отделениенинг тактика ҳаракатига машқидан ўтказилган синовда аъло баҳо олди.

Лейтенант А.Мирсоатов

ШЕРАЛИ

Ўқитувчи Шерали Орзуқулов Улуғ Ватан уруши бошларида фронтга кетди ва пулемётчи бўлиб хизмат қила бошлади.

У қўл пулемётни ҳавас билан эгаллади, яхши парваришлади. Жанг билан босиб ўтилган минглаб километрда пулемёт ҳеч қачон панд бермади. У пулемётнинг хислатларини яхши ўзлаштиргани учун уни ҳеч кимга бермас, отделение командири бўлгандан кейин ҳам ўзи билан олиб юрарди.

Вақт ярим кечадан ўтганда взвод командири Шералини ўз ёнига чақирди. У ерда ҳамма отделение командирлари тўпланган эди. У отделение командирларига, бир соатдан кейин қишлоққа қўққисдан ҳужум қилиш тўғрисидаги буйруқни эшитдирди ва уларга ҳар бир жангчига тунда шовқун-суронсиз, ташкилий равишда ҳаракат қилишни яна бир мартаба уқтириш, буйруқни тўла равишда етказишни буюрди.

Отделение олға қараб кетди. Қишлоққа қира беришда немисларнинг траншеялари ва қатор ертўлалари бор эди. Шералининг отделенияси биринчи ертўлани қуршаб олди. Шерали эса ўзи билан бир жангчини олиб ертўланинг эшиги томон юрди ва эшик олдида турган соқчини томоғидан бўғиб ўлдирди. Энди ертўлага бемалол кириш мумкин эди. У ерда 8 гитлерчи ухлаб ётибди. Бу вақтда қўшни отделениялар ҳам ертўлалардаги душманни қира бошладилар.

Тонгга яқин душман қишлоқдан суриб чиқарилди. Тундаги жангда Шерали Орзуқулов пулемётдан отиб 30 дан ошиқ немис солдат ва офицерини қириб ташлади.

Қўмондонлик баҳодир ўзбек йигитини III даражали «Шухрат» ордени билан мукофотлади. Ҳозир Шерали ўқиш аълочиси.

Қизил аскар М.Мелиқулов

ЎҚИШ АЪЛОЧИЛАРИ

Офицер Шайхов бўлинмасидаги жангчилар ҳарбий санъатни пухта эгалламоқдалар.

Сержантлардан Писний ва Обидовлар командирлик қилаётган миномёт расчётлари бўлинмада аълочи расчётлардан ҳисобланади.

Писний ва Обидов ўз расчётларидаги жангчиларга миномётнинг коидаларини тўла ўргатиб келмоқдалар.

Қизил аскар Раис Кучемов бўлинмага келганда ҳеч нарсани билмас эди. Расчёт командири Писний, Кучемовни тез кунда мўлжалловчи қилиб тайёрлаш вазифасини ўз устига олди.

Сержант Писнийнинг ёрдами орқасида жангчи Кучемов бўлинмада энг яхши мўлжалловчилардан бири бўлиб қолди.

Старший сержант А.Қорамирзаев

ҚУРОЛНИ ЯХШИ САҚЛАЙДИ

Қизил аскар Ҳожибеков Ватан урушида автоматчи ва станокли пулемётчи бўлиб қатнашди. У бу қуролларни яхши билиб, жангларда намуна кўрсатгани учун ҳукумат мукофоти билан тақдирланди.

Ҳожибеков сўнгги жангларда яраланиб даволаниш учун шифохонага кетган эди. У яқинда даволаниб ўз қисмига қайтиб келди. Унга 6137-м номерли милтиқ топширдилар. Ҳожибеков ўзига топширилган милтиқни кўз қорачиғидай сақлайди, яхши парвариш қилади. Командирлар Ҳожибековни қуролни яхши ўрганиб келаётгани учун у билан фахрландилар.

Қизил аскар С.Умаров



Ватан уруши қаҳрамони
старший сержант
Абдулла Хуснитдинов.
А.Штирин фотоси



Тошкентдаги мева тажриба станциясида
олма териш бормоқда. Расмда: уста мева
теручи Минавар Эшонхўжаева.
М.Пенсон фотоси

ҚУВОН, ХАЛҚИМ, ҚУВОН, ВАТАН, ҒОЛИБ ЎҒИЛЛАРИНГ КЕЛДИ



Улуғ Ватан уруши қатнашчилари – Н-нчи қисм жангчилари (чапдан ўннга): старшиналар А.Васильев, И.Готчиков, қизил аскар А.Бузманов, старший сержант Л.Басалаев, сержант М.Каримов, қизил аскар И.Бистров, И.Петренко, старший сержант А.Курских, старшина Ф.Ящечкин, сержант Н.Баранов, старший сержант П.Богомазов, сержант М.Агеев, қизил аскар И.Белянский ва В.Бондаренко.

П.Бернштейн фотоси.

АЛОҚАЧИ САЙДАҲМЕДОВ ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Сержант Салимжон Сайдахмедов алоқачи. У тўрт йил Улуғ Ватан уруши даврида батальонда алоқачи бўлиб ишлади. Батальон жанг қилиб босиб ўтган бутун йўлдан Салимжон ҳам юрган. У батальон билан роталар ўртасидаги телефон алоқасини ўз вақтида ўрнатди, жанговар операцияларни кечиктирмаслик учун бутун тўсиқларни енгиб, ўт-оловлар ичида алоқани тиклаб ўз садоқатини кўрсатди.



Немис-фашист босқинчиларга қарши Улуғ Ватан урушида матонат блан жанг қилиб галаба қозонган қахрамон йигитларимиз жонажон Ўзбекистонга қайтиб кетмоқдалар. Расмда: ҳаракатдаг армия сафидан бўшаб кетучи бир группа жангчилар (чапдан ўннга) сержант Ш.Орзиқулов, старший сержант А.Хужақулов, қизил аскарлар А.Аҳмадалиев, М.Қуллаев ва старший сержант А.Хуснитдинов.

А.Штирин фотосу

Шунинг учун ҳам кўмондонлик баҳодир алоқачини «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлаган.

Шу кунларда батальонга янги ёш жангчилар келди. Улар билан машғулот ўтказишни Сайдахмедовга топширдилар. Сайдахмедов алоқачи ефрейторлар Байков, Воронцов ва Кулиевлар билан машғулот ўткази бошлади. Ёш алоқачилар тажрибали командир Сайдахмедовнинг кўмагида телефон аппарати ва радионинг материал қисмини яхши ўзлаштириб олдилар.

Сайдахмедов шогирдлари билан ўқиш майдонида машғулот ўтказди. Бу вақтларда у ўз тажрибаларига суяниб шогирдларини кийинчиликларни енгиб ўтишга, сувда ва ботқоқ жойларда ёки душманнинг кучли ўти остида тез, эпчиллик билан алоқани тиклашга ўргатмоқда.

Батальон командири ўз хунарини матонат ва усталик билан ошираётган сержант Сайдахмедов ва унинг шогирдларига ташаккур эълон қилди.

Сержант Б.Николаев

ТАШАББУСКОР ЖАНГЧИЛАР

Улуғ Ватан уруши даврида кўпни кўрган йигитлар етишиб чиқди. Улар немис-фашист босқинчиларига қарши Сталин учун, Ватан учун халқ учун жонларини ҳам аямай, кўкрак кериб жанг қилдилар. Шулар жумласидан самарқандлик Аблакул Ҳайитов, наманганлик Давронбой Алимов, Мараҳим Матёқубовлар жанг майдонларида қахрамонлик ва маҳорат кўрсатган қахрамонлар.

Алимов, Ҳайитов, Матёқубовлар бўлинмада алоқачи бўлиб хизмат қиладилар. Улар энг каттиқ жанг вақтларида ҳам кузатиш пункти билан бўлинма орасидаги алоқани таминлаб турадилар.

Аблакул Ҳайитовнинг кўкрагида «Қизил юлдуз», III даража «Шухрат» орденлари ва «Жасурлиги учун» медали ярқирайди. Матёқубов ва Алимов ўртоқлар ҳам икки-уч мартадан ҳукумат мукофоти билан мукофотланганлар. Маҳмудов эса икки марта «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган. Ҳозир улар ҳарбий ишни яхши ўрганмоқдалар.

Ҳайитовнинг ёрдами билан бўлинмамизга янги келган ўзбек йигити Ўроқов қисқа вақт ичида алоқачини ўрганиб олди. Ҳозир Ўроқов бўлинмадаги энг яхши алоқачилардан бири ҳисобланади.

Старший сержант А.Қорамирзаев

АГИГАТОР ҚОДИРЖОНОВ САЙЛОВ НИЗОМИНИ ИШЛАМОҚДА

СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом босилиб чиққан газеталар бўлинмамизга келиши билан уни ўрганиш бошланди.

Бўлинма партия ташкилотчиси барча партия ва комсомол агитаторларни тўплаб, взвод, отделениялардаги жангчилар билан

Низомни қандай ишлаб чиқиш ва ўрганиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ берди.

Бўлинмамизда рус бўлмаган миллат жангчилари ҳам бор. Улар ўртасида Низомни ўз она тилларида ишлаб чиқиш комсомол агитатор ефрейтор Қодиржоновга топширилди. Қодиржонов, аввало, ўзи Низомни бир неча бор ўқиб чиқди ва баъзи тушунмаган масалаларини партия ташкилотчисидан сўраб Низомни тўла тушуниб олди. Қодиржонов ўз группасидаги жангчиларга сайлов Низомини бошдан-оёқ ўқиб чиқди ва жангчилар томонидан берилган саволларга жавоб берди.

Ҳозир агитатор Қодиржонов раҳбарлик қилаётган группадаги жангчилар Низомнинг ҳар бир боби бўйича машғулот ўтказмоқдалар.

Қизил аскар А.Қамбаров

ЗВЕНОМ БЎШ КЕЛМАДИ

1942 йилнинг куз ойларида армия сафига олингунимга қадар ўз колхозимда звено бошлиғи бўлиб ишлар эдим. Мен фронтга жўнай-дирган йилим ҳам менинг звеном яхши ҳосил етиштирган эди. Мен немисни киргани кетдим, ўрнимда қолганлар мен етиштирган ҳосилни исроф қилмай йиғиштирдилар.

Орада икки йилдан ошиқ вақт ўтди. Мен узоқ жанг йўлини босиб машҳур жангларда қатнашдим. Москва остоналаридан тортиб Германиягача бўлган бутун жангларда виждонан урушдим. Ватан мени медаллар билан мукофотлади. Шу ўтган давр ичида менинг звеном ҳам бўш келмади. Ҳар йили планини ортиғи билан бажарди. Яқинда келган хатда шундай деб ёзишади:

«Тезроқ келинг, бу йил ҳосилимиз ҳар йилгидан ҳам мўл. Давлатга бир миллион тонна пахта беришга қўл қўйганлар ичида биз ҳам бор-миз. Звеномиз бу йил ҳар гектардан 100 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқда».

Бу хат мени жуда қувонтирди. Ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ мен армия сафидан бўшаб уйга кетмоқдаман. Қайтиш билан яна ўз звеномда ишлаб ўзбек халқининг давлатга бир миллион тонна пахта етказиб беришдаги ажойиб ҳаракатига ўз ҳиссамни қўшаман.

Қизил аскар Н.Сагторов

ЁШ САПЁРЛАР ТАШАККУР ОЛДИ

Сапёрлик осон ҳунар эмас. Сапёр бўлиш учун чаккон, уста ва ҳар қандай тўсиқни енга олиш ва душман учун жиддий қийинчиликлар туғдира билиш керак. Хуллас, сапёр бўлиш учун кунт билан ўқиш, ўрганиш керак.

Яқинда бўлинмамизга бир тўда янги жангчилар келди. Шулардан бир группасини кизил аскар сапёр Дўстмуҳаммедовга бердилар. Дўстмуҳаммедов ёш жангчиларга сапёрлик ҳунарини ўргата бошлади. У ўз бошидан ўтган воқеаларни, уруш тажрибаларини сўзлаб жангчиларда сапёрлик ҳунарини ўрганишга ҳавас туғдирди.

Яқинда сапёрлар биринчи мартаба бўлинма билан тактика машқига чиқдилар. Ўрмон четида икки километрча ер жуда чуқур ботқоқликдан иборат эди. Бўлинмани шу райондан ўтказиш керак. Дўстмуҳаммедов ўз сапёр жангчилари Хидиров ва Лазеревларга сапёр разведкаси ўтказишни ва бўлинмани қаердан олиб ўтишни аниқлашни буюрди. Икки сапёр ботқоқлик томонга қараб юрдилар ва ботқоқликлар орасидаги сўкма йўлни топиб, бўлинмани шу ердан олиб ўтиш мумкинлиги тўғрисида доклад қилдилар.

Шу кунги машғулотда Дўстмуҳаммедовнинг сапёрлар группаси бўлинма билан бирга ҳаракат этиб, бўлинма машғулоти учун тўсиқлар қурди ва бўлинманинг табиий тўсиқларни енгиб ўтишига яхши ёрдам берди.

Машғулотдан кейин бўлинма командири ёш сапёрларга ташаккур эълон қилди.

Қизил аскар В.Хўжамбердиев

1945 ЙИЛ 25 ОКТЯБРЬ. №79 (266)

КОММУНИСТЛАР МЕНГА ЁРДАМ БЕРМОҚДАЛАР

Яқинда бўлинмамизнинг партия мажлиси «Жанговар ва сиёсий ўқишда коммунистларнинг авангардлик роли» деган масалани муҳокама қилди. Мажлис коммунистларнинг ўз вазифаларини онгли равишда ва виждонан бажарганликларини қайд қилди.

Дарҳақиқат шундай ҳам. Коммунистлар ўзлари илғор бўлиш билан бир қаторда командир сифатимда менга ҳам ёрдам бермоқдалар. Қизил аскарлардан Шербаков ва Абдурахимовлар жанговар ўқиш, сиёсий машғулотлардан орқада қолиб борар эдилар. Партия кандидати Панов ёрдами билан бу ўртоқлар ҳозир олдингилар қаторига ўтдилар. Қизил аскар Абдурахимов «Взвод ҳужум жангида» деган тактика машқини ўтганда мендан ташаккур олди.

Гвардиячи старший лейтенант А.Абдуллаев

ЯНА ЎҚИТУВЧИ БЎЛАМАН

СССР Олий Совети Президиумининг армия сафидан иккинчи навбатдагиларни бўшатиш тўғрисидаги фармони менга ҳам тегишли. Фармонда кўрсатилишича, собиқ ўқитувчилар ҳам жавоб берилади.

Мен 7 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. Бу йиллар ичида юзлаб ўқувчиларни тарбияладим. Мен мактабни, ундаги қувноқ болаларни яхши кўраман. Урушда ҳам шу мактаб, шу ёш авлоднинг бахт ва саодати учун жанг қилдим. Ҳар қандай оғир минутларда ҳам мен ўз шогирдларимни унутмадим.

Ўзбекистонга қайтиб боришим билан мен яна ўз ўқитувчилик ишимни бошлайман. Талабаларимга:

– Болалар, сизнинг келажагингиз, бахтли ҳаётингиз таъмин этилди. Инсоният олами фашистлар зулмидан кутқазилди.

Сержант Х.Нарзиев

ОЛИМ ҚИЗ

Соражон Юсупова Тошкент медтехникумининг химия-фармацевтлик бўлимини тамомлагандан сўнг Ўзбекистон ҳукумати уни Москва университетига юборди. Юсупова кўп ва чидам билан ўқиди. У университетнинг охириги курсини Тошкентда I даража диплом билан битирди. Академик Ферсманнинг маслаҳати билан Соражон Фанлар академиясининг тупроқни ўрганиш институти аспирантурасига кирди. Аспирантурада ўқиётган вақтидаёқ Соражон Ўрта Осиё

тупроғининг турли хусусиятлари ҳақида 6 илмий асар бостирди. Ҳар йили ёзда у қидириш партиялари билан Ўрта Осиёга келади.

У ўзининг кандидатлик диссертацияси учун Ўзбекистон тупроғи темасини олди.

Соражон ўтга чидамли ва пишиқ лойнинг конини топди. Унинг топган тупроқлари ҳозир заводларда ва медицинада ишлатилмоқда.

Соражон Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалида тўрт йил ишлади. У бу жойда биринчи рентген-минералогия лабораториясини тузди, бир неча ёрдамчилар тайёрлади, кўпгина тажриба материаллари тўплади ва яна Москвага ўқишга жўнади. Юсупова ҳозир танилган олим.

Соражон Юсупова ҳозир Ўрта Осиё тупроқларининг келиб чиқишини ўрганмоқда. Тез кунларда у геология-минералогия фанлари доктори илмий унвони олиш учун диссертация ёқлайди.



1945 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ. №80 (267)

АЛОҚА ТАЪМИН ЭТИЛДИ

Яқинда капитан Сперидонов бўлинмасига ёш жангчилар келди. Капитан ёш жангчиларнинг бир группасини алоқачи қилиб тарбиялаш учун старший сержант Жўрабой Дадабоев ихтиёрига берди.

Дадабоев Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидан бошлаб шу бўлинмада алоқачи бўлиб ишлади. У бутун уруш давомида ўз отделенияси билан минглаб километр йўлда алоқа симларини тиклади ва янгиларини курди. Оғир жангларда қўмондонликнинг муҳим ва ғоят оғир топшириқларини шараф билан бажарди. Шунинг учун ҳам қўмондонлик довьюрақ алоқачини «Қизил юлдуз» ордени ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлаган.

Дадабоев ўз қўл остидаги жангчиларни алоқачилик ишига ўргатишда урушда олган тажрибаларини кенг равишда фойдаланмоқда. У ўз группасини машғулот майдонига олиб чиққанда машғулотга керакли бўлган ҳамма нарсани олиб чиқади. Бундай машғулот ҳар бир жангчининг ўз вазифасини эгаллашини осонлаштиради.

Бўлинмалардан бири «хужум» жанги машқини бошлади. Дадабоевнинг алоқачиларига бўлинма командири билан взводлар орасида телефон алоқасини ўрнатиб, алоқани узлуксиз таъминлаб туриш вазифаси топширилди. Бу ёш алоқачиларга топширилган биринчи вазифа эди. Алоқачилар Дадабоев раҳбарлигида телефон симларини ўтказиб алоқани ўрнатдилар. Бўлинма «хужум»ни давом этдириб борган бутун йўлда алоқачилар ҳам бирга бордилар ва бўлинма ўртасидаги алоқани доимо таъминлаб турдилар.

Шу кунги «жанг»да ёш алоқачилардан қизил аскарлар Коржов, Новиков ва Абрамовлар яхши намуна кўрсатдилар.

Қизил аскар Р.Зокиров

Жонажон элимизда

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

Самарқандни узоқдаги кишлоқ районлари билан боғлайдиган янги ҳаво йўллари очилди. Область марказидан Нурота, Фориш, Қора Кишлоқ, Кўшрабод ва Иштихонга ҳар доим самолётлар қатнаб туради.

1945 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ. №81 (268)

ЭНГ ЯХШИ МИНОМЁТ РАСЧЁТИ

Офицер Хуснуллин командирлик қилаётган миномёт батареясидаги жангчилар орасида аълочилар сони кун сайин кўпаймоқда.

Айниқса, сержант Горбунков расчётидаги жангчилар миномётнинг ҳамма қисмларини яхши ўрганиб олганлар. Бу расчётдаги борлиқ жангчилар аълочилар. Комсомол аъзоси сержант Горбунков Улуғ

Ватан урушида жасурлик ва маҳорат кўрсатгани учун икки марта «Қизил юлдуз» ордени билан ва «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган. У урушда олган тажрибаларини бўлинмага янги келган ёш жангчиларга ўргатмоқда.

Старший сержант А.Қорамирзаев

ҚИСМДА БИРИНЧИ БЎЛАМИЗ

Ватан уруши кунларида бизнинг артиллерия қисмимиз қаҳрамон шаҳар Ленинграддан то Одер даръёсигача бўлган оғир йўлни ўтди ва ўз олдида қўйилган вазифаларни шараф билан бажарди.

Ефрейтор Хўжаев қисмимиз ветеранларидан. У қисмга 1943 йилда келди. Командир уни расчётларнинг бирига тайинлади. Қисқа вақт ичида Хўжаев мўлжалловчиликни ўрганди. У немис босқинчиларнинг бир қанча ДЗОТ ва пулемёт нуқталарини яқсон қилди, пиёдаларга йўл очди.

Бундан бир неча кун аввал қисмимиз далага отиш машқига чиқди. Отиш вақтида Хўжаевга 3 нуқтани яқсон қилиш буюрилди. Расчёт 9 та снаряд билан уч нуқтани ҳам яқсон қилди.

Қўйилган вазифани аъло бажаргани учун бўлинма командири бутун расчётга ташаккур эълон қилди. Ташаккурга жавобан расчёт янада яхшироқ ўқишга, расчётни қисмнинг биринчи расчёти қилишга сўз берди.

Ефрейтор Р.Каримов

КИЧИК КОМАНДИРЛАР

Бўлинма ҳузурида очилган кичик командирлар курсида ўқиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Ўқувчилар устав, қўлланмаларни, ҳарбий командаларни ва ўзлари ўтиши лозим бўлган куролларнинг материал қисмларини ўрганмоқдалар.

Курсантлардан Хошимов, Ражабов, Гончаров ва Ивановлар ўтган синовларда аъло баҳо олдилар.

Кичик командирлар курсини тамомлаган ўртоқлар иккинчи навбатда армиядан бўшатиладиган командирларнинг ўрнини босажаклар.

Младший сержант У.Обидов

ҲУШЪЁРЛИК

Сержант Ҳасанов бошчилигидаги бир группа жангчилар шаҳардан икки километрча ерда кетаётган эдилар, олдиларидан қоп кўтарган уч номаълум киши чиқиб қолди. Ҳасанов бу одамлардан шубҳаланди ва текшириб кўришга қарор берди. Номаълум кишиларда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Қоп ичида қаердандир ўғирланган граждан буюмлари чиқди.

Ҳасанов ўз шериклари билан номаълум кишиларни шаҳарга олиб кетди.

Булар шаҳарга кириб борганларида шаҳар чеккасидаги уйларнинг бири олдида бир тўда одамларнинг тўпланганини кўрдилар. Бу ҳодисани кўрган номаълум кишилар Ҳасановга қўйиб юборишини илтимос қилиб ёлина бошладилар.

Кишилар тўпланган ерга борилганда бу номаълум кишилар шу уйдаги поляк гражданининг уйига босқинчилик қилганлари маълум бўлди.

Буюмлар ўз эгасига қайтариб берилгандан кейин ўғрилар тегишли органга топширилди.

Уй эгаси ва шаҳар поляк милиция идораси сержант Ҳасанов ва унинг шериклари қизил аскарлар Саламакин, Тўқсанбоевларга ташаккур билдирди.

Қизил аскар А.Жалилов

1945 ЙИЛ 4 НОЯБРЬ. №82 (269)

БЎЛИНМА ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАСИ

Улуғ Ватан уруши ғолибона тугалланган кундан бошлаб бўлинма-мамиздаги «Ватан учун» деворий газета мунтазам равишда ўз вақтида чиқмоқда.

Газета ўз саҳифаларида Улуғ Ватан урушида маҳорат кўрсатган жангчилар ҳақида ва уларнинг тажрибалари тўғрисида доимо ёри-тиб туради. Бу эса ёш, янги келган жангчиларга уруш тажрибалари

билан ошна бўлишга имкон туғдирмоқда.

Ҳозир газетамизнинг 7 сони чиқди. Газета жангчиларни жанговар ва сиёсий ўқишга тайёрлашда командирлар ва партия, комсомол ташкилотчиларига яқиндан ёрдам бермоқда. Газета саҳифаларида жанговар ўқиш аълочиларини ёритиш иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Жанговар ўқиш аълочилари Филиев, Пишков ва Ўрақовлар тўғрисида ёритилган материаллар бошқаларнинг ҳам илғорлик учун интилишлирига сабаб бўлди.

Деворий газетанинг масъул редактори коммунист Обидов газетанинг ўз вақтида сифатли чиқишини таъминлайди.

А.Қорамирзаев

1945 ЙИЛ 14 НОЯБРЬ. №84 (271)

МУНОСИБ ЁРДАМЧИ БЎЛАМАН

Ўртоқ Молотовнинг Москва советининг тантанали мажлисида қилган докладини радио орқали тингладим. Ўртоқ Молотов ўз докладида босиб ўтган жанговар йўлимиз ва ҳозирги кунлардаги вазифаларимизни тўла ифодалаб берди.

Совет халқи ғалаба йўлида кучи ва қонини аямади. Биз, Қизил Армия жангчилари, ўз ватанимиз учун, ғалабамиз учун ғолибларча курашдик.

Энди уруш тугаб, тинч ўқиш даври бошланганда бизнинг вазифаларимиз яна ортди. Ҳар бир жангчи ўртоқ Молотов кўрсатганча ғалабамизни мустақамлаш учун курашмоғи лозим.

Мен уруш вақтида оддий ўкчи эдим. Ҳозир отделение командирининг ўринбосариман. Отделениядаги жангчиларнинг ҳаммаси ҳам ёшлар. Мен уларни жанговар ва сиёсий ўқишда илғор бўлишлари учун бутун кучимни сарф қилишга ва командирнинг лойик ёрдамчиси бўлишга эришаман.

Ефрейтор Исмоил Қориев

ТАШАББУСКОРЛИК ВА МОҲИРЛИК

Жангчиларнинг шароитни ва ўз вазифаларини қанчалик билганликларини текшириб кўриш керак эди. Отделение командири ефрейтор Пановга:

– Ўз вазифангизни сўзлаб беринг, – деб буюрди.

– Душман кучайтирилган ўқчи рота составида мудофаа қилмоқда, – деб жавоб беради Панов. – Биринчи ориентирда – ўқчи окопи ва ДЗОТ, иккинчи ориентирда – тўла жиҳозланган траншея ва пулемёт...

Командир жавобдан қаноатланди. Бизнинг артиллерия ва миномётларимиз 15 минут «отдилар», сўнг ҳавода мушак пайдо бўлди.

Гвардиячи старший лейтенант А.Абдуллаев

1945 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ. №85 (272)

ЖАНГОВАР ДЎСТИМ БИЛАН

1943 йилдан бошлаб уруш охиригача мен миномёт расчётида мўлжалловчилик вазифасини бажардим ва душманнинг юзларча солдатларини, ўнларча ўт нуқталарини яқсон қилдим.

Днепр даръёсини урушиб кечиш вақтида душман кутириб қаршилиқ кўрсатди. Даръёнинг ғарбий қирғоғида жойлашган душманнинг иккита станокли пулемёти бизларнинг сув устидаги пиёдаларимизга тинмай отиб катта ғов бўлди. Расчёт командири сержант Фелепсов менга:

– Душманнинг пулемёт нуқтасини йўқ қил! – деб буйруқ берди.

Расчётимиз немисларнинг 2 та станокли пулемётини сафдан чиқарди, битта блиндажини емирди ва 50 тача солдат ва офицерини йўқ қилди.

Миномёт батареямизга даръёни кечиб ўтиш тўғрисида буйруқ берилди. Душман артиллериясининг ўти остида, биз миномётларимизни даръё орқали олиб чиқдик ва уларни янги позицияларга жойлаштириб, немислар устига даҳшатли ўт очдик. Шу пайтда расчётимиз атрофида немис снарядлари портлай бошлади. Мен яраландим. Лекин миномётни ташламадим. Ярамни дарҳол боғлаб яна ўз жойимга келиб босдим...

Одер даръёсини кечганда ҳам бизнинг расчётимиз 50 дан ошиқ гитлерчини йўқ этди.

Икки йил бадалида мен миномётимни яхши эгалладим, уни жанговар дўстим сифатида парвариш қилдим. Чунки мен унинг билан мингларча километр йўл ўтиб ғолиб жангчи деган шуҳратли номга сазовар бўлдим.

**Гвардиячи сержант Шариф Хайруллин,
бешта медаль билан мукофотланган**

Жонажон элимизда

«ЎЗБЕКИСТОН БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИНИНГ ҒАЛАБАСИ

«Ўзбекистон бешйиллиги» совхози коллективи ғалаба йилида кагта муваффақият қозонди. Совхоз 21 октябрда давлат пахта тайёрлаш планини 101,5 процент бажарди ва 2117 гектар ернинг ҳар гектаридан 18,4 центнердан ҳосил олди.

Совхоз гектаридан яна 12 центнердан ҳосил олиб давлатга пландан ташқари 2.500 тонна пахта бермоқчи.

Совхоз коллективи 1946 йилда ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олди ва кузги ишларни қизитиб юборди.

ҒАЛЛА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Андижон областининг колхозлари ғалла ва шоли топшириш йиллик планини бажардилар. Тайёрлаш пунктларига пландан ташқари 42 минг пуд ғалла топширилди. Ғалла ва шоли топшириш давом этмоқда.

1945 ЙИЛ 22 НОЯБРЬ. №86 (273)

Ватан уруши қаҳрамонлари

АЛОҚАЧИ ҲАЙИТОВ

1942 йилнинг ёзида Самарқанддаги Каганович номли колхоздан бир тўда йигитлар фронтга жўнадилар. Колхоз далаларида матонат

билан меҳнат қилаётган йигитлар бўй бериб ўсаётган ғўзаларни парваришлашни қариялар ва умрдош ёрларга қолдириб, кетман ўрнига милтиқ тутиб жангга кетдилар.

Кўпчилик қаторида ғазоват жангига отланган Облоқул Ҳайитов ҳам фронтга кетди.

Уни алоқачи қилиб тарбияладилар. Облоқул тез кун ичида яхши аълочи бўлиб олди. Телефон аппаратларини ўзлаштирди, алоқа тиклашни ўрганди.

Сўнги икки ой ичида бошқалар сингари Ҳайитовлар бўлинмаси ҳам мунтазам ҳужум жанги олиб бормоқда. Бўлинма ҳар куни чекинаётган душманни таъқиблаб жанг билан 30 – 40 километрдан олға силжиб бормоқда.

Бўлинма янги маррага келиб мустаҳкамланди. Яна бир соатдан кейин ҳужум давом этиши керак. Бўлинма командири Ҳайитов биринчи кузатув пункти билан иккинчи кузатув пункти орасида алоқани тездан тиклашни буюрди. Довъюрак Ҳайитов душманнинг артиллерия ўти остида алоқа симларини чўзиб кетди. Ўн беш минут ичида алоқа тикланди.


Қаҳрамон алоқачи Орёлдан Германиянинг марказий районларигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ватан ўз довъюрак фарзандини тақдирлади. Ҳайитов «Қизил юлдуз», III даражали «Шуҳрат» орденлари ва «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди. Уни ҳозир ҳам ҳамма танийди. У Ватаннинг ишончини оқлади.

Старший сержант А.Қорамирзаев

ҚОРОВУЛДА

Ҳарбий хизматни яхши адо этиш учун ҳар бир қиладиган ишни уставга мувофиқ қилиш керак. Уставда кўрсатилганича ҳаракат этилса ҳар хил хатоликларга йўл қўйилмайди.

Яқинда мени қоровул хизматига юбордилар. Постда туриш энг шарафли ва маъсулиятли ишлардан бири. Шунинг учун мен тайёрлик кўра бошладим. Гарнизон хизматининг уставидан соқчилик ва зифаси ва ҳуқуқларига тегишли бўлган жойларни ўқиб чиқдим. Рус



Бухоро ип йигириш фабрикасида ёшлардан кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.
Расмда: ёш ишчи стахановчи Зуҳра Фуломова. У ойлик планини
180 процентгача бажармоқда.

И.Юсунов фотоси

тилини жуда яхши билмаганим учун баъзи нарсаларни командирим сержант Потаповдан сўраб олдим.

Мен соқчилик қилган постда масъулияли эди. У ер қисмининг ёнилғи омбори эди. Мен соқчиликка борганимдан кейин ўз постимда хушъёр бўлишга тиришдим. Атрофга кулоқ соламан. Кундузлари келган кишиларга «Тўхта!» дейман. Тунда бўлса «Тўхта, келаётган ким?» деб сўрайман. Тунда жуда хушъёр бўлиш керак бўлади.

Устав бўйича яхши ҳаракат қилганим учун рота командири менга ташаккур билдирди.

Мудофаа халқ комиссарининг 75-сонли буйруғи чет элларда бўлган биз жангчилардан ҳам ниҳоятда хушъёр бўлишликни талаб қилади. Бу талаб жанговар, сиёсий ўқишимизнинг ҳамма соҳаларига, шунингдек қоровул хизматини бажараётганларга, айниқса, тааллуқлидир.

Қизил аскар Воҳобжон Хўжамбердиев

АЪЛОЧИ ПУЛЕМЁТЧИЛАР

Старший лейтенант Скуменнинг пулемёт ротасидаги курсантлар «максим»дан отиш бўйича учинчи машқни бажариш учун отиш майдонига чиқдилар. Курсантларнинг барчаси 400 метрлик масофадан ўнтадан ўқ узиб, уларнинг ҳаммасини нишонга тегиздалар ва машқни «аъло» бажардилар. Пулемётчилар ўзларининг бу муваффақиятларини узоқ ва кунт билан қилган машқлари орқасида қўлга киритдилар. Улар мерганларча отишнинг барча қоидаларини мустаҳкам ўрганиб олиш учун бир неча соатлаб отиш машғулотида қатнашдилар.

Машғулотда курсантлардан Дубина, Семихатский, Зпорожцев, Кулик, Миланович, Братков ва бошқалар намуна кўрсатдилар. Бизнинг пулемёт ротамиз ҳозирги вақтда жанговар ва сиёсий тайёрлик бўйича бўлинмада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Курсантлар тартиб ва интизом жиҳатидан ҳам мақташга сазоворлар.

Курсант М.Мансуров

ЁШ ЖАНГЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Бундан бир неча ҳафта илгари қизил аскар Миршарапов ротамизга келди. У келган кунидан бошлаб кўнгили бериб ўқишга киришди. Кунт билан ўқиш натижасида у кўл пулемётини яхши эгаллаб олди. Ҳозир бегона одамларнинг ёрдамсиз пулемётни қисмларга ажратиб, қайтадан теради. Қисмларнинг номларини ёд қилиб олган.

У доим бежирим юради. Стрoй машқида бўлсин, тактика машқида бўлсин, ҳар доим яхши ҳаракат қилади. Яхши ўқиганлиги учун рота командири саф олдида унга ташаккур эълон қилди.

Сержант Ш.Магвафoв

ГРАНАТА ОТИШ УСТАСИ

Ефрейтор Алимкулов яқинда отделение командири қилиб тайинландилар. Алимкулов биринчи кунларда отделенияни бошқаришда анча қийналди, аммо взвод командирининг ўринбосари старший сержант Пешков ёш командирга жуда яқиндан ёрдам бера бошлади. Алимкулов ўз командиридан олган билимини жангчиларга етказиш учун ҳаракат қилади. У машғулот ўтказганда Улуғ Ватан урушида ортдирган тажрибаларидан фойдаланади.

Бугун машғулотда граната ирғитишни эгаллаш эди. Алимкулов, аввало, жангчиларга гранатанинг жангдаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди.

– Одерни эндигина кечиб ўтган эдик, – деб сўзини давом этдирди Алимкулов. – Душман бизга қарши хужумга ўтди. 30 дан ошиқ гитлерчи бизнинг отделение позициясига қараб кела бошлади. Биз уч киши эдик. Командир гранаталарни жангга тайёрлашга буйруқ берди. Немислар 35 – 40 метр масофага етиб келганда бизлар ҳаммамиз барабар граната ирғитдик. Душманнинг кўп солдати ерга ётиб қолди. Хужум қайтарилди. Гранатани узоққа ва тўғри ирғитишни яхши ўзлаштирганлигимиз шу ерда бизга катта фойда берди.

Алимкуловнинг ҳикояси ҳаммани завқлантирди. Отделение жангчилари Алимкулов кўрсатганича қилиб граната ирғитишни машқ қила бошладилар.

Рота бўйича ўтказилган синовда Алимкулов отделениясидаги жангчилардан Сафронов, Ўнғурбоев, Карамакинлар ҳаммадан кўра яхши граната отиб мохир гранатачилар эканликларини кўрсатдилар.

Старшина У.Аминов

КОМАНДИРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

Бизнинг отделениямиз шу кунларда тактика, отиш машқи, сафда юриш, қурол қисмларини ўрганиш каби машғулотларни ўтмоқда. Командирлар бу машғулотларни Ватан уруши тажрибаларига боғлаб олиб бормоқдалар.

Мен машгулотларда қатнашиб, командирларнинг ёрдами орқасида ўзимнинг ҳарбий билимимни мустаҳкамламоқдаман.

Мудофаа халқ комиссари 75-сонли буйруғида бизнинг олдимизга Улуғ Ватан урушининг қимматли тажрибаларини ўрганиш ва ҳарбий маҳоратимизни тўхтамай юксалтириш вазифаларини қўйди. Мен Ватан урушида оддий ўқчи бўлиб жанг қилдим. Ҳозир шу тажрибалар асосида ҳарбий-сиёсий таълим олиш мен учун анча нагижалар берди.

Мен ҳозир милтиқ, автомат, қўл пулемётини яхши эгаллаб олдим. Хужум вақтида, мудофаада қандай ҳаракат этишни биламан.

Қизил аскар А.Жабборов

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Қосимов қўл пулемётида биринчи номер, Карпов эса иккинчи. Яқинда Карпов Қосимовга деди:

– Сойиб, сен пулемётни мендан кўра яхшироқ биласан. Мен бўлсам сиёсий жиҳатдан сендан яхшироқ тайёрланганман. Кел, бир-биримизга ёрдамлашайлик...

Икки дўст ўртасида аҳд-паймон қаттиқ қўйилди. Улар ҳар куни мустақил машгулот ўтказадиган бўлдилар. Қосимов Карповга қўл пулемётини жуда пухта ўргатди. Ҳозир Карпов пулемётни тарқатиб, йиғишда Қосимовдан қолишмайди.

Қосимов сиёсий ўқишда анча қийналар эди. Карпов ҳам ўз дўстига сиёсий машгулот бўйича яқиндан ёрдам бермоқда. Улар сиёсий машгулот темалари бўйича китоб, журнал ва бошқа адабиётларни бирга ўқийдилар. Қосимов Карпов ёрдамида сиёсий машгулотда илгорлар қаторига ўтишга ҳаракат қилмоқда.

Икки комсомол дўстнинг ўзаро ҳамкорлиги, кунт билан ўқиб ўрганишларидан бўлинмадаги бошқа жангчилар ҳам намуна олмақдалар.

Қизил аскар У.Ҳасанов

Жонажон элимизда

ФРОНТЧИ – МЕҲНАТДА ИЛҒОР

Избоскан район Ўртоқлар қишлоқ совети «Қизил Ўзбекистон» колхозининг атоқли теримчиси Исомитдин Арабовни республиканинг барча пахтакорлари билади.

1944 йилда у фронтдан қайтди ва мавсумда 20 000 килограмм пахта терди. Ҳукумат унинг хизматларини тақдирлаб «Ленин» орденни билан мукофотлади.

Бу йил Арабов звено бошлиғи бўлиб ишлаб мўл ҳосил олди ва пахта планини муддатдан олдин ошириб бажарди. У кунига 350 – 400 килограмдан пахта териб, бу йилги мавсумда 18.000 килограмдан ошиқ пахта терди. Арабов ҳозир қўшни Сталин номли колхозга ёрдамлашмоқда, унинг далаларида стахановча пахта термоқда.

1945 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ. №90 (277)

БУРЧИМНИ ОҚЛАДИМ

Сталин Конституциясининг 133-моддасида «**Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир СССР гражданининг муқаддас бурчидир...**» дейилган.

Немис-фашист босқинчилар Ватанимизга қўққисдан ҳужум бошлаганларида кўплар қатори мен ҳам кўлимга қурол тутиб жангга – Ватанни ҳимоя қилишга кетдим.

Душманга қарши олиб борилган тўрт йиллик оғир урушда узок кураш йўлини босиб ўтдим. Москва остоналаридан бошланган жанговар йўлим Германиянинг марказий районларида немисларни батамом тор-мор келтирилиши билан ғолибона тугалланди.

Урушда мен разведкачи, автоматчи, сўнги вақтларда эса пулемётчи бўлиб иштирок этдим. Разведкачи бўлган вақтимда якка ўзим 13, группа билан 5 «тил» ушлаб келтирдим. Автоматим билан ўнлаб гитлерчиларни кирдим, пулемёт билан душманнинг тўрт пулемёт расчётини ишдан чиқардим, ҳужум қилиб борувчи пиёдаларимизнинг ҳаракатларига мадад бердим. Ватан мени «Қизил юлдуз» орденни ва икки мартаба «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади.

Мен ўз бурчимни шараф билан оқлаб муқаддас Ватанимни чет эл босқинчиларидан сақлаб қолганлар қаторидан жой олганим билан фахрланаман.

Старший сержант А.Султонов

ДЎСТЛАР

Сержант Иван Шквалов узоқ сибирли. Унинг миномёт расчётига ўзбек йигити қизил аскарлар Собиров ва озарбайжонли Абубакировлар келдилар. Шквалов ёш жангчи дўстларини тарбиялади. Уларни яхши миномётчи қилиб етиштирди. Партия сафига ўтишларига ёрдам берди. Собиров ва Абубакировлар ҳам Шкваловни чин калбдан севиб, «устозимиз» деб атайдиган бўлдилар.

Бир жангда немислар қарши атакага ўтиб миномёт позициямизга яқинлашиб қолганларида Шквалов яраланди. Собиров Абубакиров билан матонатли жанг қилиб душманнинг қарши атакасини қайтардилар ва Шкваловни даволаш учун жўнатдилар. Кўп ўтмай Шквалов ўз дўстлари ёнига қайтиб келди.

Уч ўртоқ Улуғ Ватан урушида матонат билан жанг қилдилар. Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишда ўз бурчларини шараф билан бажардилар. Бу жангларда мустақамланган дўстликни буза оладиган куч йўқ.

Қизил аскар Х.Бахромов

1945 ЙИЛ 11 ДЕКАБРЬ. №91 (278)

АРМИЯДАН БЎШОВЧИ БИЛАН СУҲБАТ



Н-чи инженер қисмининг энг моҳир сапёри – сержант Иброҳим Абдуллаев.

М.Агеев фотоси

Сержант Каримжон Пардаев Улуғ Ватан урушида миномётчи бўлиб жанг қилди. Жангларда намуна кўрсатиб уч марта ҳукумат мукофоти билан тақдирланди.

Пардаев 1939 йилдан буён Қизил армия сафида хизмат қилиб келди. У ҳозир уч марта яралангани учун армия сафидан бўшаб жонажон Ўзбекистонга, Сурхондарё областига кетмоқда.

Сержант Пардаев уйга жўнаб кетиши олди-дан бизлар билан суҳбатлашди. У суҳбатда шуларни айтди: мен Ватанимга қайтиб кетаётirman. У ерда, пахта далаларида ҳам фронтчасига

хизмат қиламан. Улуғ Ватанимизнинг қудратини кучайтиришда қаҳрамон жангчи сифатида ғайрат билан ишлайман.

Биз жангчи дўстимизга интизомли бўлиш, ҳарбий-сиёсий билимимизни оширишда қунт билан ўқишга ваъда бердик.

Младший сержант Ш.Мамажонов

ИНТИЗОМЛИ ЕФРЕЙТОР

Гвардиячи ефрейтор Тоҳиржон Абдуқодиров Улуғ Ватан уруши йилларида матонат билан жанг қилган ўзбек йигитларидан бири. Унинг Сталинграддан бошланган жанговар йўли Германиянинг марказий районларида ғалаба билан тугалланди.

Тоҳиржон урушда миномётчи бўлиб ҳаракат қилди. Унинг миналари юзлаб душманни қора ер қаърига юбориб, ҳужум қилиб борувчи пиёдаларимизга йўл очиб берди.

Сержант Галкиннинг миномёт расчёти жойлашган участкада аҳвол жиддий эди. Немислар икки кундан бери кетма-кет атака қилиб мудофаамизни ёриб ўтишга уринмоқдалар. Душманнинг атакаларини қайтараётган бўлинмага Галкин расчёти мадад бериб турди. Немислар кагта куч билан бўлинмага ҳужум бошладилар. Мўлжалловчи Абдуқодиров немисларни ўтга тута бошлади. Унинг миналари биринкетин учиб немисларнинг жанговар тартибини бузиб юборди. Душман ҳужуми муваффақият билан қайтарилди. Шу куни Абдуқодировлар расчёти душманнинг 8 атакасини қайтаришда актив қатнашди.

Гвардиячи йигитнинг тарихида бундай қаҳрамонликлар оз эмас.

Ёш комсомол жангчи ҳозир қисмларимизнинг бирида хизмат қилмоқда. У интизомли. Ўз вазифасини шараф билан бажариб, уруш тажрибалари асосида қунт билан ўқиб ўрганмоқда. Унинг бўлинмасидаги жангчилар ўзларининг жанговар дўстлари гвардиячи ефрейтор Тоҳиржон Абдуқодировнинг чет элда совет жангчисининг шон-шарафини юқори кўтаришда кўрсатаётган намунали ишлари билан фахрланадилар.

Старший сержант Т.Султонов



Гвардиячи ефрейтор
Т.Абдуқодиров.
А.Штирин фотоси

ЁШ ЗЕНИТЧИЛАР

Младший сержант Омон Суяркуловнинг зенит тўп расчётига янги ёш жангчилар келди. Ёш жангчилар бу кудратли тўпни биринчи мартаба кўраётирлар.

Суяркулов расчётидаги тўпчиларни кунт билан ўргата бошлади. У тўпнинг янги эгаларига унинг жанговар тарихини сўзлаб берди. Ёшлар командирнинг тўпнинг илгариги расчёти шу тўпдан отиб душманнинг икки самолётини уриб туширганликлари ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тингладилар. Ёш тўпчилар шуҳратли тўпни севиб ўргана бошладилар.

Яқинда бўлиб ўтган синовда жангчилардан Боровков ва Самигинлар тўпнинг материал қисмидан аъло баҳо олдилар.

Қизил аскар Н.Бадритдинов

МАДИЁРОВ ЧАНҒИ МУСОБАҚАСИДА ЮТИБ ЧИҚДИ

Сержант Мадиев узоқ Хоразмдан. Унинг Ватанида қалин қор бўлмади. У ерларда чанғида ҳам юрмайдилар. Биз у билан тўрт йил фронтда бирга бўлдик. Мана, ҳозир тинч ўқиш даврида ҳам биргамиз.

Яқинда бўлинмамизда чанғичилар тўғараги тузилди. Бу тўғаракка Мадиев ҳам ёзилди. Биз у билан чанғида юришга ўргана бошладик. Бизга капитан Лазарев раҳбарлик қилди. Чанғида юришни тузикгина ўрганиб олдик.

Дам олиш кунни беш километр масофага чанғида юриш мусобақаси ўтказилди. Группаларнинг бирида иштирок этган Мадиев мусобақада биринчиликни олди. У маррага бошқалардан беш минут илгари етиб келди.

Сержант А.Осипов

ОТИШ АЪЛОЧИЛАРИ

Яқинда бўлинмамиздаги жангчилар машқ майдонида отишдан имтиҳон бердилар. Ёш жангчилардан Ҳасанов, Нуриллаев, Норбоев ва Миркуловлар уч ўқ билан милтиқдан отиб ҳамма ўқларни мўлжалга тегизиб аъло баҳо олдилар.

Қизил аскар М.Ҳайитов

1945 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ. №94 (281)

ЯХШИ ОТБОҚАР

Коровой Қўлдошев ёшлигидан отга ишқивоз. Армия сафига чақирилмасдан илгари ҳам колхоздаги улоқчи йўрға, учар отлар шунчаки эди.

Биз у билан ҳарбий хизматга бирга келдик. Командиримиз Қоровойни отга ишқибозлигини билгандан кейин бўлинмадаги тўрт отни парвариш қилишни Қоровойга топширди. Қўлдошев отларни қабул қилган кундан бошлаб кеча-кундуз ювиб, тараб тарбия қила бошлади. Отлар Қоровойга ўргандилар.

Ҳозир Қоровойнинг отхонасига кирсангиз ҳайрон қоласиз. Тоза, кўркам. Отлар шундай йилтиллаб семирганки, устига тухум қўйсангиз, туради.

Қизил аскар Қорабой Қўлдошев отларни яхши боққани учун бир неча марта ташаккур олди.

Қизил аскар А.Сайидхонов

1945 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ. №95 (282)

СИЁСИЙ МАШҒУЛОТДА

Коммунист старший сержант Ўринбой Букенбоев жанговар ва сиёсий тайёргарликдан яхши баҳо олиб келмоқда. У сиёсий машғулотларга актив қатнашади. Бўш вақтларида тинглаган мавзу бўйича адабиёт ва газета материалларини ўқийди.

Букенбоев рус тилидаги адабиётлардан эркин фойдаланади.

Яқинда коммунистлар учун назарий машғулот ўтказилди. Бу машғулотларни старший лейтенант Диденко ва лейтенант Капеевлар ўтказдилар. Старший сержант Букенбоев унда актив қатнашиб назарий савиясини оширмоқда.

Ўринбой Букенбоев ўзининг сиёсий тайёрлиги ва донолиги билан қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари диққатини ўзига тортди. У Букенбоевга рус бўлмаган миллат жангчилари ўртасида Конституция тўғрисида суҳбат ўтказишни топширди. Унинг суҳбати жонли ўтди.

Қизил аскар А.Илёсов

ЎҚИЙМАН, ЎРГАНАМАН

Менга милтиқ бердилар. Милтиқни ичган қасамимдай муқаддас сақлайман. Милтиқни олиш билан унинг майда қисмларини пухта ўрганишга киришдим. Милтиқ тўғрисидаги китобчани олиб ўқидим. Машғулотларда қатнашиб, командирлардан милтиқнинг тузилишини, унинг вазифасини ҳамда ундан қандай фойдалана билиш лозимлигини ўрганиб олдим.

Взводимизда қуролларни артиб тозалаш ва сақлаш учун керак бўладиган нарсанинг ҳаммаси бор. Ҳар куни қурол тозалашга вақт ажратилган. Мен бу вақтдан тўла фойдаланаман.

Мен милтиқни ўрганиш ва яхши сақлаш билангина чегараланиб қолмай, қуролнинг бошқа турларини ҳам диққат бериб ўрганмоқдам. Командирлар машғулотларда автомат, қўл пулемёти ва станокли пулемёт, ҳар хил гранаталар тўғрисида ҳам таълим бермоқдалар.

Қуролнинг ҳар бир турини ўрганиш жангчининг шарафли иши. Жангда бир қуролнинг ишдан чиқса, иккинчисини қўлга олишинг, фойдаланишинг мумкин. Шунинг учун мен янги ўқиш йилида жанговар қуролларимизнинг барча турларини пухта ўрганажакман.

**Қизил аскар Т.Кенжаев
(Footnotes)**

МУНДАРИЖА

Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари ҳақида. <i>Н.Каримов</i>	3
Муқаддима.....	8

БИРИНЧИ БОБ. «ВАТАН ШАРАФИ УЧУН»

1944 йил 13 январь. №2 (192).....	24
1944 йил 16 январь. №3 (193).....	26
1944 йил 19 январь. №4 (194).....	29
1944 йил 22 январь. №5 (195).....	34
1944 йил 26 январь. №6 (196).....	35
1944 йил 29 январь. №7 (197).....	38
1944 йил 2 февраль. №8 (198).....	42
1944 йил 16 февраль. №13 (202).....	45
1944 йил 19 февраль. №14 (203).....	54
1944 йил 23 февраль. №15 (204).....	58
1944 йил 1 март. №17 (206).....	62
1944 йил 7 март. №18 (207).....	63
1944 йил 15 март. №20 (209).....	65
1944 йил 22 март. №22 (211).....	70
1944 йил 7 апрель. №27 (216).....	72
1944 йил 19 апрель. №30 (219).....	74
1944 йил 22 апрель. №31 (220).....	81
1944 йил 26 апрель. №32 (221).....	86
1944 йил 1 май. №34 (223).....	91
1944 йил 11 май. №36 (224).....	93
1944 йил 14 май. №37 (225).....	96
1944 йил 18 май. №38 (226).....	100
1944 йил 21 май. №39 (227).....	105
1944 йил 8 июнь. №44 (232).....	105
1944 йил 11 июнь. №45 (233).....	109
1944 йил 1 июль. №50 (238).....	116
1944 йил 7 июль. №52 (240).....	119
1944 йил 11 июль. №53(241).....	122
1944 йил 14 июль. №54 (242).....	125
1944 йил 18 июль. №55 (243).....	126
1944 йил 21 июль. №56 (244).....	130
1944 йил 24 июль. №57 (245).....	133
1944 йил 31 июль. №58 (246).....	135
1944 йил 3 август. №59 (247).....	137
1944 йил 10 август. №60 (248).....	139
1944 йил 1 октябрь. №73 (261).....	141
1944 йил 13 октябрь. №76 (264).....	150
1944 йил 23 октябрь. №79 (267).....	156
1944 йил 29 октябрь. №81 (269).....	158
1944 йил 15 ноябрь. №85 (273).....	159

1944 йил 19 ноябрь. №86 (274)	161
1944 йил 25 ноябрь. №86 (276)	165
1944 йил 28 декабрь. №97 (285)	169
1945 йил 1 январь. №1 (286)	174
1945 йил 7 январь. №2 (287)	186
1945 йил 11 январь. №3 (288)	197
1945 йил 14 январь. №4 (289)	204
1945 йил 18 январь. №5 (290)	213
1945 йил 28 январь. №6 (291)	214
1945 йил 1 февраль. №7 (292)	214
1945 йил 7 февраль. №8 (293)	215
1945 йил 10 февраль. №9 (294)	219
1945 йил 18 февраль. №11 (296)	221
1945 йил 1 март. №12 (297)	226
1945 йил 5 март. №13 (298)	227
1945 йил 15 март. №15 (300)	231
1945 йил 18 март. №16 (301)	233
1945 йил 22 март. №17 (302)	235
1945 йил 29 март. №19 (304)	244
1945 йил 5 апрель. №21 (306)	246
1945 йил 8 апрель. №22 (307)	247
1945 йил 12 апрель. №23 (308)	249
1945 йил 15 апрель. №24 (309)	251
1945 йил 18 апрель. №25 (310)	253
1945 йил 24 апрель. №26 (311)	260
1945 йил 28 апрель. №27 (312)	262
1945 йил 1 май. №28 (313)	266
1945 йил 7 май. №30 (315)	270
1945 йил 12 май, шанба. №33 (318)	278
1945 йил 24 май. №34 (319)	287
1945 йил 27 май. №35 (320)	290
1945 йил 10 август. №48 (333)	297
1945 йил 14 август. №49 (334)	302
1945 йил 17 август. №50 (335)	305
1945 йил 21 август. №51 (336)	308
1945 йил 24 август. №52 (337)	312
1945 йил 28 август. №53 (338)	319
1945 йил 7 сентябрь. №55 (340)	320
1945 йил 11 сентябрь. №56 (341)	321
1945 йил 14 сентябрь. №57 (342)	331
1945 йил 25 сентябрь. №59 (344)	338
1945 йил 29 сентябрь. №60 (345)	343
1945 йил 5 октябрь. №61 (346)	347
1945 йил 13 октябрь. №62 (347)	349
1945 йил 21 октябрь. №63 (348)	354
1945 йил 2 ноябрь. №64 (349)	359

1945 йил 21 ноябрь. №66 (351).....	365
1945 йил 21 декабрь. №70 (355).....	368

ИККИНЧИ БОБ. «ДУШМАНГА ҚАРШИ ОЛҒА»

1944 йил 6 январь. №2 (163).....	372
1944 йил 9 январь. №3 (164).....	377
1944 йил 13 январь. №4 (165).....	383
1944 йил 29 январь. №8 (169).....	386
1944 йил 2 февраль. №9 (170).....	389
1944 йил 5 февраль. №10 (171).....	391
1944 йил 9 февраль. №11 (172).....	393
1944 йил 12 февраль. №12 (173).....	395
1944 йил 16 февраль. №13 (174).....	397
1944 йил 19 февраль. №14 (175).....	401
1944 йил 8 март. №19 (180).....	405
1944 йил 18 март. №22 (183).....	409
1944 йил 22 март. №23 (184).....	417
1944 йил 29 март. №25 (186).....	422
1944 йил 2 апрель. №26 (187).....	428
1944 йил 6 апрель. №27 (188).....	430
1944 йил 9 апрель. №28 (189).....	432
1944 йил 13 апрель. №29 (190).....	435
1944 йил 20 апрель. №31 (192).....	446
1944 йил 23 апрель. №32 (193).....	453
1944 йил 27 апрель. №33 (194).....	456
1944 йил 30 апрель. №34 (195).....	457
1944 йил 5 май. №36 (197).....	458
1944 йил 11 май. №37 (198).....	461
1944 йил 14 май. №38 (199).....	467
1944 йил 18 май. №39 (200).....	469
1944 йил 21 май. №40 (201).....	473
1944 йил 25 май. №41 (202).....	477
1944 йил 28 май. №42 (203).....	485
1944 йил 1 июнь. №43 (204).....	490
1944 йил 8 июнь. №45 (206).....	496
1944 йил 11 июнь. №46 (207).....	499
1944 йил 15 июнь. №47 (208).....	504
1944 йил 6 июль. №53 (214).....	508
1944 йил 13 июль. №55 (216).....	511
1944 йил 16 июль. №56 (217).....	512
1944 йил 23 июль. №58 (219).....	517
1944 йил 30 июль. №60 (221).....	520
1944 йил 3 август. №61 (222).....	523
1944 йил 10 август. №63 (224).....	525
1944 йил 13 август. №64 (225).....	528
1944 йил 27 август. №68 (229).....	531

1944 йил 5 сентябрь. №70 (231).....	531
1944 йил 15 сентябрь. №73 (234).....	534
1944 йил 19 сентябрь. №74 (235).....	536
1944 йил 26 сентябрь. №76 (237).....	538
1944 йил 29 сентябрь. №77 (238).....	539
1944 йил 10 октябрь. №80 (241).....	543
1944 йил 20 октябрь. №83 (244).....	548
1944 йил 24 октябрь. №84 (245).....	550
1944 йил 27 октябрь. №85 (246).....	550
1944 йил 31 октябрь. №86 (247).....	553
1944 йил 3 ноябрь. №87 (248).....	554
1944 йил 15 ноябрь. №90 (251).....	556
1944 йил 18 ноябрь. №91 (252).....	556
1944 йил 22 ноябрь. №92 (253).....	560
1944 йил 29 ноябрь. №94 (255).....	562
1944 йил 6 декабрь. №96 (257).....	563
1944 йил 9 декабрь. №97 (258).....	565
1944 йил 13 декабрь. №98 (259).....	567
1944 йил 16 декабрь. №99 (260).....	572
1944 йил 20 декабрь. №100 (261).....	574
1944 йил 23 декабрь. №101 (262).....	578
1944 йил 27 декабрь. №102 (263).....	579

УЧИНЧИ БОБ. «ФРОНТ ҲАҚИҚАТИ»

1944 йил 3 май. №33 (123).....	583
1944 йил 9 май. №35 (125).....	587
1944 йил 12 май. №36 (126).....	589
1944 йил 19 май. №38 (128).....	593
1944 йил 23 май. №39 (129).....	595
1944 йил 28 май. №40 (130).....	601
1944 йил 6 июнь. №42 (132).....	605
1944 йил 9 июнь. №44 (134).....	607
1944 йил 16 июнь. №46 (136).....	609
1944 йил 20 июнь. №47 (137).....	612
1944 йил 1 июль. №50 (140).....	615
1944 йил 7 июль. №51 (141).....	616
1944 йил 18 июль. №54 (144).....	620
1944 йил 29 июль. №56 (146).....	623
1944 йил 1 август. №57 (147).....	626
1944 йил 4 август. №58 (148).....	628
1944 йил 8 август. №59 (149).....	629
1944 йил 22 август. №63 (153).....	632
1944 йил 29 август. №65 (155).....	636
1944 йил 1 сентябрь. №66 (156).....	639
1944 йил 5 сентябрь. №67 (157).....	642
1944 йил 8 сентябрь. №68 (158).....	645

1944 йил 12 сентябрь. №69 (159).....	647
1944 йил 15 сентябрь. №70 (160).....	650
1944 йил 19 сентябрь. №71 (161).....	652
1944 йил 26 сентябрь. №73 (163).....	654
1944 йил 3 октябрь. №74 (164).....	656
1944 йил 6 октябрь. №75 (165).....	660
1944 йил 10 октябрь. №76 (166).....	665
1944 йил 13 октябрь. №77 (167).....	669
1944 йил 17 октябрь. №78 (168).....	671
1944 йил 20 октябрь. №79 (169).....	673
1944 йил 24 октябрь. №80 (170).....	675
1944 йил 27 октябрь. №81 (171).....	677
1944 йил 3 ноябрь. №82 (172).....	679
1944 йил 16 ноябрь. №86 (176).....	680

«ҒАЛАБА БАЙРОҒИ»

1945 йил 9 июль. №51 (238).....	684
1945 йил 13 июль. №52 (239).....	686
1945 йил 17 июль. №53 (240).....	688
1945 йил 22 июль. №54 (241).....	689
1945 йил 27 июль. №55 (242).....	691
1945 йил 31 июль. №56 (243).....	695
1945 йил 3 август. №57 (244).....	698
1945 йил 10 август. №59 (246).....	699
1945 йил 15 август. №60 (247).....	699
1945 йил 19 август. №61 (248).....	701
1945 йил 23 август. №62 (249).....	703
1945 йил 31 август. №64 (251).....	703
1945 йил 4 сентябрь. №65 (252).....	705
1945 йил 8 сентябрь. №66 (253).....	707
1945 йил 18 октябрь. №77 (264).....	709
1945 йил 21 октябрь. №78 (265).....	709
1945 йил 25 октябрь. №79 (266).....	711
1945 йил 28 октябрь. №80 (267).....	713
1945 йил 1 ноябрь. №81 (268).....	714
1945 йил 4 ноябрь. №82 (269).....	716
1945 йил 14 ноябрь. №84 (271).....	717
1945 йил 18 ноябрь. №85 (272).....	718
1945 йил 22 ноябрь. №86 (273).....	719
1945 йил 29 ноябрь. №88 (275).....	722
1945 йил 2 декабрь. №89 (276).....	723
1945 йил 6 декабрь. №90 (277).....	725
1945 йил 11 декабрь. №91 (278).....	726
1945 йил 23 декабрь. №94 (281).....	729
1945 йил 27 декабрь. №95 (282).....	729

Илмий-оммабон нашр

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА
ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ**

Иккинчи китоб

Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Сахифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаххих: Элбек ЖУМАНОВ

Нашриёт лицензияси: АІ №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 20.06.2017 й.
Босишга рухсат этилди: 28.07.2017 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 ¹/₁₆.
Times гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 38,4. Шартли б.т.: 42,7.
Адади: 1000 нусха.
Буюртма №

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳжўчаси 44-уй.